

Ф-77



Гюстав Флобер

БОВАРИ ХОННИМ

I

Биз дарс тайёрлаб ўтирганимизда, эгнига хонаки кийим кийган «янги талаба» билан каттакон парта орқалаб олган хизматчини бошлаб директор кириб келди. Баъзи бирларимиз мудраб ўтирардик, лекин шу ондаёқ ҳаммамиз бирдан ўзимизга келдик ва сапчиб ўрнимиздан турдик.

Директор ўтиринглар, деб ишора қилди, кейин синф раҳбарига мурожаат қилиб, босиқ товуш билан:

— Роже жаноблари! Сизга янги талаба олиб келдим. У бешинчи синфда ўқий бошлайди. Бордию у яхши ўқиб, ўзини кўрсатса, уни «катталар» синфига кўчирамиз, ёш жиҳатдан у ўша ерда бўлиши лозим,— деди.

Янги талаба бурчакда, эшик орқасида тургани учун биз, ўн беш ёшлар чамасидаги, ҳаммамиздан новча қишлоқи болани зўр-базўр кўриб турардик. Унинг сочи қишлоқ руҳонийсиникидек тўғарак қилиб олинган, каттиқ ийманаётганига қарамай одоб сақлаб турарди. Ўзи унчалик бақувват кўринмаса-да, қора тугма қадалган яшил мовут курткасининг қўлтиқлари сиқиб тургандек туюлар, қўлқопга ўрганмаган қип-қизил қўллари ўмизларидан анчагина чиқиб турарди. У шим подтяжкасини қаддан ташқари кўтариб боғлаганидан жигар ранг шимининг почасидан кўк пайпоғи шундоққина кўриниб турарди. Михланган ботинкаси қўпол, яхши тозаланмаган эди.

Дарсларни сўрай бошлашди. Янги талаба гўё черковда хутба эшитаётгандек нафасини чиқармай қулоқ солар, оёғини чалиштиришга ҳам, тирсагини партага қўйишга ҳам қўрқарди, соат иккига бориб, қўнғироқ чалинганда эса, синф раҳбари уни чақиришга мажбур бўлди, бўлмаса сафга ҳам турмас эди.

Синфга кира туриб биз ҳар доим қўлларимизни дар-

ҳол бўшатгимиз келарди ва одатда фуражкаларни остонадан турибоқ полга ёки курси тагига улоқтирганда, фуражкаларимиз деворга тегиб, кўпроқ чанг тўзиши шарт эди, чанг қанча кўп чиқса, шунча гаштли бўларди.

Янги талаба бизнинг қилиқларимизга ё унча эътибор бермади, ёки бизга қўшилишга журъат этмади, ҳар қалай ибодат тамом бўлганда ҳам у фуражкасини тиззасига қўйиб ўтираверди. Унинг фуражкаси кўринишдан гайри табиий эди, бу — айиқ терисидан қилинган тумоққа ҳам, соябони унча кенг бўлмаган шляпага ҳам, сувсар телпакка ҳам, юнг қалпоқчага ҳам ўхшаб кетарди, хуллас, у шундай беўхшов бош кийими эдики, унинг олдида овсар одамнинг башараси ҳам иш эшолмасди. Кит мўйловига тортилган бу тухумсимон бош кийимининг остига кўндаланг қилиб учта пилта урилган, устида қизил гардиш, унинг тепасида жимжима гул тикилган қопсимон кўп бурчакли картон кўтарилиб турар, шу картондан ингичка зарпопук осилиб тушган эди. Фуражка янгигина, соябони ялтирарди.

— Туринг,— деди унга ўқитувчи.

У турди, фуражкаси тушиб кетди. Бутун синф хахлаб кулиб юборди. У энгашиб, фуражкасини ердан олди. Ҳамсоясини тирсағи билан туртиб тушириб юборди, яна энгашишга тўғри келди.

— Соябон аравангизни ўз ҳолига қўйинг!— деди кесатишга уста ўқитувчи.

Ўқувчиларнинг гулдурос кулгилари бола бечорани додиратиб қўйди. У фуражкасини қўлида ушлаб туришни ҳам, ерга ташлашни ҳам, бошига кийишни ҳам билмасди, у ўтирди ва уни тиззасига қўйди.

— Туринг,— деди яна унга ўқитувчи,— айтинг-чи, фамилиянгиз нима?

Янги талаба тутилиб, нимадир деб гудранди.

— Бошқатдан айтинг!

Жавобан синфдаги шовқин ичидан яна ўша ноаниқ гудраниш эшитилди.

— Қаттиқроқ!— бақирди ўқитувчи,— қаттиқроқ!

Янги талаба ичида: «Қаттиқроқ бўлса қаттиқроқда» деб ўйлади шекилли, оғзини катта очиб, худди бировни чақираётгандек, бор кучи билан:

— Шарбовари!— деб юборди.

Шунда чунонам кулги кўтарилдики, шовқин-сурон-

дан қулоқлар қоматга келаёзди, бутун синф хахолаб кулар, ер тепиниб: «Шарбовари! Шарбовари!» — дея такрорларди. Бир оздан кейин шовқин пасайди. Лекин узоқ вақтгача тинмади. Туриб-туриб, парталар орасида — у ер-бу ерда «шайтони зўр» ўқувчилар ҳамон қиқирлаб кулишарди.

Дўқ-пўписалар дўлдек ёгилавергач, аота-секин тартиб тикланди, ўқитувчи янги талабага исм-фамилиясини аниқ қилиб ёзишга ва ҳижжалаб такрорлашга буюрди ва ниҳоят «Шарль Бовари» лиги унга маълум бўлди. Кейин бечора болани минбарнинг ёнгинасидаги «ялқовлар» партасига ўтиб ўтиришга буюрди. Янги талаба бир қадам босди-ю, яна эсанкираб тўхтади.

— Нимани қидиряпсиз? — сўради ўқитувчи.

— Фур... — атрофга аланглаб, қўрқа-писа гапирди у.

Синфда яна қаттиқ кулги кўтарилди.

— Бутун синфга жазо бераман!

Бу Quos ego¹ га ўхшаган даҳшатли хитобдан қайтадан кўтарилиб келаётган шовқин босилди.

— Қўясизларми-йўқми? — яна бир бор дўқ урди қаҳрланган ўқитувчи ва қалпоқчаси тагидаги дастрўмолини олиб, пешанасидаги терини артди, — Сиз бўлсангиз, янги талаба, менга «ridiculus sum»² сўзини дафтарингизга йигирма марта турлаб ёзиб беринг! — деди. Кейин хиёл жаҳдан тушиб, қўшиб қўйди: — фуражкангиз топилади! Ҳеч ким ўғирлагани йўқ уни.

Ниҳоят, ҳамма тинчланди. Кўзлар қайтадан дафтарларга тикилди ва қолган икки соат давомида янги талаба гарчи ҳар замон-ҳар замонда чайналиб, перонинг учига тиқиб отилган қоғоз унинг юзига урилиб турса ҳамки, одоб сақлаб ўтирарди. У қўли билан юзини артар, лекин ўтиришини ўзгартирмас, ҳатто дафтаридан кўзини узмасди ҳам.

Кечқурун дарс тайёрлаш олдидан у ўқув қуролларини олдига ёйиб қўйди, қунт билан қоғозини чизиқлаб чиқди. Биз унинг дам-бадам луғатга қараб қўйиб, астойдил дарс тайёрлаётганини кўрдик. Сарф-наҳви у тузуккина биларди, лекин жумлалари гализроқ чи-

¹ «Ҳа, сеними!» (лотинча) — Вергилийнинг «Энеида» поэмасининг биринчи қўшиғида денгиз худоси Нептун қутурган шамолга қарата шундай хитоб қилади.

² Мен кулгилиман (лотинча).

қарди, синфдан синфга ўтишига сабаб кўпроқ унинг тиришқоқлиги бўлса керак.

Унинг ота-онаси тежамкор одамлар бўлишган, уни мактабга беришга ҳам шошилишмаган, лотин тили асосларидан унга қишлоқ руҳонийси дарс берган.

Унинг отаси, истеъфога чиққан рота фельдшери, жаноб Шарль Дени-Бартолома Бовари бошига 1812 йили аскарликка олиш билан боғлиқ бўлган хунук бир иш тушди. Шу туфайли хизматдан бўшаб кетишга тўғри келди. Лекин ўзининг шахсий фазилатлари туфайли олтмиш минг франкли сепни осонгина қўлга кирита олди, шляпа магазинининг эгаси фельдшернинг ташқи кўринишига учган қизи учун шунча пул берган эди. Олифта, галдон, шпорларини усталик билан жаранглатадиган, учини жингалак қилиб буриб қўядиган мўйлов ўстирган, бармоқлари тўла узук, кўзга яққол ташланадиган кийимларни яхши кўрадиган фельдшер Бовари азамат йигитлардек кишиларда яхши таассурот қолдирар ва ўзини коммивояжерларга хос дадиллик билан эркин тутарди. У уйлангандан кейин икки-уч йил мобайнида сеп эвазига келган пулларни аямай сарф қилди: у овқатнинг сарасини ер, кеч уйғонар, қимматбаҳо тамаки чекарди. Худонинг берган куни театрға борар ва қаҳвахоналарга қатнаб турар эди. Қайнатасидан кўп нарса қолмади, бундан хуноби ошган жаноб Бовари фабрика очди. Бироқ синди, кейин ишларини тўғрилаб олиш мақсадида қишлоққа жўнаб қолди. Лекин қишлоқ ишларига фаҳм-фаросати унча етмади: отлар билан ер ҳайдаш ўрнига уларни миниб ялло қилиб юрди, олма виносини бочкалаб сотиш ўрнига уларни шишалаб ичди, паррандаларнинг сархилини ўзи сўйиб еди. Овга чиққанда киядиган этигини чўчқа ёғи билан мойлади ва кўп ўтмасдан, хўжаликка доир ҳар қанақа режаларни йиғиштириб қўйиш керак, деган хулосага келди.

Ко ва Пикардия чегарасида жойлашган бир қишлоқдан йилига икки юз франкдан тўлаш шarti билан ферма ҳам эмас, помешчик кўрасига ҳам ўхшамаган бир бинони ижарага олди, кейин табиати тирриқ бўлиб, кечки пушаймонларга тўлиб, худодан нолиб, ҳасадгўй бўлиб қолди. Ўзининг айтишича, ҳамма одамлардан ҳафсаласи пир бўлиб, қирқ беш ёшидаёқ бу дунё ишларидан қўл ювиб, «тарки дунё» қилди.

Қачонлардир хотини уни жон-дилидан ортиқ севарди. Хотинининг муҳаббати ортиб борган сайин эрининг ундан кўнгли совиб борарди. Ёшлигида хушчақчақ, одамшаванда, ҳаммага аралашиб кетаверадиган аёл қариган сари худди туравериб, айниган вино сингари мижгов, серзарда, ҳеч кимни ёқтирмайдиган одамови бўлиб қолди. Эри қишлоқ қизларининг орқасидан илашиб, ишратхоналарда тентираб, уйга итдай ҳориб-чарчаб, ярим кечаларда маст ҳолда келган кунлари ҳам қанча куйиб-ёнса-да, аввалига сир бой бермади. Кейин унда иззат-нафс уйғонди. Дами ичига тушиб, аламларини қаттиқ прода тоши остига кўмди ва ўла-ўлгунча шундайлигича қолди. Унинг ҳамиша иши бошидан ошиб ётарди. У адвокатларга, судьяларга қатнардди, векселларнинг муддатларини ёддан билар, муддати ўтганларни узайтирарди. Уйда бўлса дазмол уриш, бичиш-тикиш, кир ювиш каби ишларни бажарар, хизматкорлар ишини кузатар, счётлар бўйича пул тўларди. Беғам эри бўлса ҳамиша уйқу босар, уйқу аралаш пўнғиллар, гоҳ-гоҳ хотинига аччиқ-аччиқ гапириш учунгина ўзига келарди, каминь олдида ўтириб олиб, тамаки чекар ва кулга туфларди.

Бола тугилгач, уни энагага беришга тўғри келди. Кейин болакайни уйга олиб келишиб, худди валиаҳд шаҳзодани йўлдан уришгандек унинг тарбиясини ҳам буза бошлашди. Онаси унга сучук таомлар берса, отаси яланг оёқ юришга буюрарди ва ҳатто ўзича файласуфлик қилиб, одам боласи ҳам ҳайвонларга ўхшаб қипяланғоч юрса бўлади, деб хулоса чиқарарди. Онасининг интилишларига қарама-қарши у ўз олдига «баҳодирона болалик» деган олий мақсад қўйди ва шу олий мақсадга муносиб ўғил ўстиришга ҳаракат қилди. У ўзича, болани қанчалик қаттиққўллик билан қаноатли қилиб ўстирсанг, у шунча соғлом бўлади, деб ҳисобларди. У ўғлини совуқ уйда ухлашга, ромни қултумлаб ютишга, диний маросимларни менсимасликка ўргатарди. Лекин табиатан ювош бўлган болага буларнинг ҳеч бири таъсир этмади.

Онаси уни ўзи билан ҳар ёқларга олиб борар, бўёқли китобларнинг суратини кесиб берар, чўпчаклар, қайғу-шодликлар, меҳрибонлик ва ҳасрат билан тўлиб-тошган узундан-узоқ монологлар айтиб берарди. Руҳий танҳоликдан толиққан, иззат-нафси қондирилмаган,

алданган она бутун муҳаббатини болага бахш этмоқчи бўларди. У ўғлининг катта амалдор бўлишини орзу қилар, чиройли, барваста, ақлли йигит бўлиб темир йўл хизматчиси ёки судья бўлишини кўз олдига келтирарди.

У ўғлини ўқишга, ундан ташқари эски фортепьянони чалиб туриб, икки-уч романсни айтишга ўргатарди. Бироқ Бовари жаноб ўғлининг ақлий жиҳатдан ўсишига ортиқча аҳамият бермасди. «Булар ҳаммаси беҳуда гаплар!» — дерди у.

Ажабо, ўз фарзандларини давлат мактабига беришга, лавозим ёки савдо ишини сотиб олиб беришга уларнинг қурблари етармиди?! «Бахт илмда эмас, кимки олғир бўлса, омад ўшаники!» — дерди жаноб Бовари. Бовари хоним лабларини тишлар, болакай бўлса қишлоқда шаталоқ отиб юргани юрган эди.

Ер ҳайдаш пайтлари далада қарғаларга кесак отиб куни ўтарди унинг. Гоҳ кунлари зовурларда маймунжон терар, қўлида хивич, куркаларни боқарди. Далада пичанларни титкилар, ўрмонда тентирар, ёмғир ёққан пайтларда бўлса, черков йўлагида «чизиқ» ўйнардди. Улуғ айём кунларида черков қўнғироқчисидан рухсат олиб, қўнғироққа боғланган йўғон арқонга осиларди-да, аргимчоқ учарди, ўзини аллақаерларга учиб кетаётгандек ҳис қилар эди.

Шундай қилиб, бу болакай ёш эман дарахтидек бўй чўзиб кетаверди. Қўллари бақувват, ёноқлари анордек қип-қизил эди.

У ўн иккига тўлганда онаси уни ўқишга бериш керак, деб туриб олди. У билан дарс ўтказишни руҳонийдан илтимос қилишди. Лекин бу хилдаги машғулотнинг унчалик нафи бўлмади, дарс учун ниҳоятда кам вақт ажратиларди, бунинг устига қўшимча дарс бўлмай қоларди. Руҳоний у билан машғулотни попларнинг либоси сақланадиган уйчада тикка туриб ўтказарди. Шуни ҳам наридан-бери — чўқинтириш, дафн маросимлари ўртасида ўтказарди. Ёки бўлмаса у диний маросимларга чақирилмагандагина кечки ибодатдан сўнг шогирдига одам юборарди. У талабасини ўз хонасига бошлаб кирар, у ерда иккаласи стол ёнида ўтиришар, шам атрофида бўлса чивиллар ва парвоналар айланишарди. Хона иссиқ, болакай мудрар, сал ўтмай чол ҳам қўлларини қорнига қўйганича орзини очиб хуррак ота бошларди. Баъзан у бирор бемордан олган назр-

киёз билан қайта туриб, Шарлнинг далада шўхлик қилиб юрганини кўриб қолса, ёнига чақириб оларди, чорак соат унга насиҳат қиларди, кейин вақтдан фойдаланиб, бирор дарахт тагига турғизиб қўйиб, дарсларни такрорлашни буюрарди. Уларнинг машгулотларига ёмғир ёки бўлмаса ўтган-кетган танишлар халал беришарди. Шунини ҳам айтиш керакки, руҳоний ўзининг шогирдидан рози эди ва ҳаттоки «ўспирин»нинг зеҳни жуда баландлигини айтиб, мақтарди.

Лекин, шунини билан қаноатланиши мумкин эмас эди, Бовари хоним ҳамон ўз айтганида қаттиқ туриб олди. Жаноб Бовари хоноб бўларди, тўғриси, бу гаплар ниҳоятда унинг жонига тегиб кетди, охири таслим бўлиб болани ўқитишга розилик берди, шундай қилиб оналар болани биринчи причастие¹ қабул қилгунча, яъни яна бир йил кутишга қарор қилишди.

Орадан ярим йил ўтди, келаси йил эса ниҳоят, Шарлни Руан колледжига беришди. Октябрь охирида, муқаддас Роман хотирасига бағишланган кунга тўғри келган ярмарканинг энг қизиган пайтида жаноб Бовари ўзи ўглини у ерга олиб борди.

Энди ичимиздан ҳеч ким Шарлнинг ҳаёти ҳақидаги бирор нарсани хотирлай олмайди. Шунини айтиш керакки, Шарль вазмин бола эди, танаффус вақтларида ўйнар, ўз вақтида дарсини тайёрлар, дарсга яхши қулоқ солар, ётоқхонада яхши ухлар, ошхонада овқатни ҳам паққос туширар эди. Унга Гантри кўчасидаги темир-терсак дўконининг хўжайини ҳомийлик қилар, ҳар ойда бир марта, якшанба кунлари дўконни бекитгандан кейин Шарлни ўқув юртидан олиб кетар, айланиб кемаларни томоша қил, деб соҳил бўйига юборарди. Соат еттида бўлса, худди кечки овқат маҳалига қайтариб олиб келиб қўярди. Ҳар пайшанба Шарль ўқишдан кейин онасига қизил сиёҳ билан узундан-узоқ хат ёзарди, уни учта елим қоғоз билан ёпиштирарди. Кейин ўзининг тарих дарсидан ёзганларини кўриб чиқар ёки дарс тайёрлайдиган хонада ҳар ерда ётадиган, титиги чиқиб кетган «Анахарсис»² тўплами-

¹ Причастие — христиан динига мансуб болаларни ўн уч ёшга кирганда черковга олиб бориб чўқинтиришади. Уша кунга бағишлаб, бош-оёқ янги кийим тиктиришади.

² «Еш Анахарсиснинг Греция бўйлаб саёҳати» — бу француз археологи аббат Ж. Вартеломьянинг (1716—1795) романи. Романда

ни ўқишга тутинарди. Танаффус вақтларида илгарик қишлоқда яшаган мактаб қоровули билан суҳбатлашарди.

Ўзининг тиришқоқлиги туфайли у бошқалардан қолишмасди, бир кун и ҳатто табиётдан аъло баҳо олди. У бизнинг колледжда фақатгина уч йил ўқиди, кейин ота-оналари олиб кетишди, улар Шарлни врачликка ўқитишни исташарди ва бакалавр¹ имтиҳонларини мустақил тайёрлай олишига ишоншарди.

Шарль учун онаси О'де Робек кўчасида истиқомат қилувчи бир бўёқчи танишининг уйдан, бешинчи қаватдаги битта хонани ижарага олди, ўглининг обивқати ҳақида ҳам бўёқчи билан келишиб олди, битта стол, иккита стул топтирди, уйдан олча дарахтидан қилинган эски каравотини олдириб келтирди ва болагинаси совқотиб қолмаслиги учун чўян печкача ва ўтин сотиб олди. Битмас-туганмас ўғит-насиҳатлар ва айниқса, энди унга қараб турадиган одам бўлмаган вақтда ўзига эҳтиёт бўлишни тайинлаб, онаси бир ҳафтадан кейин уйига қайтиб кетди.

Шарль, ўтиладиган фанларнинг программаси билан танишиб чиққач, ҳанг-манг бўлиб қолди: анатомия, патология курси, физиология, фармацевтика курси, кимё, тагин ботаника! Булар етмагандек, клиникалар, терапия, буларнинг устига яна гигиена ҳамда тиббиёт асослари! У бу сўзларнинг маъносига тушунмас, улар Шарль учун ичи қоп-қоронғи бўлган фан ибодатхонасининг дарвозасидек кўринарди.

У ҳеч нарса тушунмас, қанчалик диққат билан қулоқ солмасин, маъносини англай олмас эди. Шунга қарамай, у машғулоти давом эттирди. Муқовали дафтарлар сотиб олди, лекцияларга мунтазам қатнади, клиникадаги машғулотнинг бирортасини қанда қилмади. У икки кўзи боғлиқ, нима қилаётганини ўзи билмай, қозиқ атрофида иштиёрсиз айланаётган отга ўхшаб, ўзининг кундалик вазифасини бажарарди.

Ўғлини ортиқча сарф-харажатлардан озод қилиш учун онаси ҳар ҳафта унга почта аравакаши орқали бир бўлак қовурилган бузоқ гўшти юборар эди. Бу,

қадимги Грециянинг турмуши ва жамоат ҳаётидан ҳикоя қилинади. XIX асрда мактаб болаларига ахлоқ ўргатадиган кятоб эди.

¹ Бакалавр — энг кичик илмий даража.

Шарлнинг оёқлари совуқдан тараша бўлиб касалхонадан қайтиб келганда ейдиган бирдан-бир таоми эди. Нонуштадан сўнг лекцияга югурар, ўликхонага, касалхонага борар, ундан кейин яна шаҳарнинг бир чеккасидаги ўз хонасига қайтарди. Кечқурун хўжайинникида тўяр-тўймас овқатланиб, ўз хонасига кирар ва лангиллаб ёнаётган печкага яқинроқ ўтириб, дарс тайёрлашга тушарди, унинг нам кийимларидан буг чиқарди.

Оромбахш ёз оқшомларида, ҳали куннинг тафти кетмаган кўчалар бўшаб қолган, оқсоч қизлар дарвозалар олдида бекинмачоқ ўйнайдиган пайтларида Шарль деразани очиб, унинг рахига тиралиб ўтирарди. Унинг тагида — кўприк остида, қирғоқ панжаралари ёнидан, ҳали сариқ, ҳали гунафша ранг, ҳали ҳаво рангда оқиб турган дарё Руаннинг бу чеккасини кичкина, кўримсиз Венецияга ўхшатарди. Ишчилар чўққайиб ўтириб, унда қўлларини ювишарди. Ойна туйнуқларидан гўдайиб чиқиб турган ходаларда калава иплар қуритиларди. Рўбарўда, томлар тепасида шафақ нуридан яллиғланиб соф, бепоён осмон кўринарди. Шаҳар атрофи жуда ажойиб бўлса керак шу топда! Қора қайинзорлар соя-салқин бўлса керак! Шарль қишлоғининг қадрдон ҳидлари билан нафас олиш учун бурун катаklarини керади, бироқ у ҳид бу ерга етиб келмасди!

У озиб кетди, бўйи чўзилди, кўзларида маъюслик ифодаси пайдо бўлди, шу туфайли унинг юзи анча чиройли кўринарди.

Аста-секин бебош бўла бошлади. Белгиланган режаларини бузди, булар ҳаммаси ўзидан-ўзи вужудга кела бошлади. Бир кун у клиникага бормади, эртасига лекцияни қолдирди, кейин бекорчиликнинг мазасига тушуниб, дарсларга умуман қатнашмай қўя қолди.

У қовоқxonанинг кунда-шундаси, доминионинг ишқибози бўлиб қолди. Бутун оқшом шундай ерларда ўтириш, қора шашқол билан қора мрамор столчани тиқиллатиши ўзича унинг мустақиллигининг ифодасидек туюлди. У гўёки дунёга янгидан келди, хуфя лаззатларни биринчи марта татиб кўрди. Қовоқxonанинг эшик тутқичини ушлаган замониёқ роҳатдан бадани жимиллашиб кетарди. Авваллари ўзини тийиб юрган тилаклар энди унда қанот қоқди. У улфатлари ичида ёддан билган қўшиқларини айтадиган, Беранже ашулаларидан

завқланадиган бўлди, пунш¹ пиширишни ўрганди ва ниҳоят ишқ-муҳаббатнинг маъносига тушунди.

Бундай «яхши» тайёрланиш туфайли у имтиҳонлардан йиқилиб шарманда бўлди ва даволовчи номини ололмади. Ўша куни кечқурун уни уйда кутмоқда эдилар. Унинг ҳаётидаги қувончли воқеани нишонлаш учун тўплангандилар.

Шарль уйига пиёда жўнади ва қишлоққа кираверишда тўхтаб онасини чақиртирди, ҳаммасини унга гапириб берди. Онаси уни кечирди, йиқилишини имтиҳон олувчиларнинг адолатсизлигидан деб билди. Ҳаммасини ўзи тўғрилашга ваъда берди, Шарлнинг руҳи енгил тортди. Жаноб Бовари ҳақиқатни фақат беш йилдан кейин билди. Бу вақтга келиб, ҳақ гап анча эскиди ва жаноб Бовари мурасага келди қўйди. У авваллари ҳам ўз арзандасининг «зеҳни пўстак» эканлигини хаёлига ҳам келтирмасди.

Шундай қилиб, Шарль янгидан иш бошлади. Энди ҳеч нарсага алаҳсимасдан имтиҳонга тайёрланди, программада нимаики бўлса, ҳаммасини ёддан ўрганди. Олган баҳолари ҳам тузуккина эди. Нақадар бахтли эди бу она учун! Уйда шу воқеага бағишлаб зиёфат берилди.

Энди у ўз билганларини қаерда тадбиқ эта олади? Тостда! У ерда биттагина врач бор, у ҳам бўлса қариб қолган эди. Бовари хоним анчадан бери унинг вафотини кутарди, бечора чол нариги дунёга жўнамасданоқ Шарль чолнинг издоши сифатида уйининг рўпарасига кўчиб келди.

Бироқ ўғилни ўстириш, уни врачликка ўқитиш, Тостда у учун иш топиш, булар ҳали етарли эмас, уни уйлантириш лозим эди. Бовари хоним унга қайлиқ топди. Бу, Дьелп суд ижрочисининг бева қолган хотини, қирқ бешларга кирган ва лекин йилига бир минг икки юз ливр даромади бор аёл эди.

Дюбюк хоним хунук, қоқсуяк, юзига баҳордаги куртаклардан ҳам кўп ҳусибузар тошиб кетган, шунга қарамай, унга талабгорлар бор эди. Бовари хоним ўз ниятига етиш учун улардан қутулиши керак эди. У шундай уддабуронлик билан иш битирдики, ҳатто ма-

¹ Пунш — шакар ва мева шарбатини қайнатиб тайёрланадиган спиртлик ичимлик.

ҳаллий руҳонийлар ёнини олган бир колбасачининг йўлини тўсиб, келини илиб кетди.

Шарль: «уйланиш менга фойда бўлади, ўзимга хон, ўзимга бек бўламан, эркин нафас оламан, топган-тутганимга ўзим эга бўламан!» деб ўйлаган эди. Лекин хотин унинг бошига чиқиб олди. Ҳатто унга одамлар олдида қандай гапириш кераклигини ўргатар, жума кунлари рўза туттирар, фақат ўзининг диди билан кийинишга мажбур қилар, вақтида пул тўламаган беморларни ўз ҳолига қўймаслик керак, деб тайинларди. У Шарлга келган мактубларни очиб ўқиб, унинг босган қадамини пойлар, кабинетда аёлларни қабул қилса, эшик тирқишидан қулоқ солиб турар эди.

Эрталаблари шоколад емаса, кўнгли ўрнига тушмас, эридан тўхтовсиз меҳрибончилик талаб қиларди. У уззукун нолир, ҳали асаблари бўшашганидан, ҳали кўкраги оғриганидан, аҳвол-руҳияси ёмонлигидан шикоят қиларди. Оёқ товуши унинг газабини қўзғар, эри олдидан сал нари кетса, ёлғизликдан гиншир, қайтиб киргудек бўлса шу заҳоти: «Ҳа, ўлишимни томоша қилиш учун қайтдинг-да», — деб пўнғилларди. Кечқурун Шарль ишдан келган вақтларда у узун, ориқ қўллари чойшаб тагидан чиқариб, унинг бўйнига ташлар ва уни каравотга, ёнига ўтқазар: мени эсдан чиқариб юбординг, бошқасини севасан, бахтсиз бўлишимни одамлар бекорга олдиндан айтмаган эдилар, деб ҳасрат қила бошларди. Бу иш шу билан тугардики, тузалиб кетиши учун у қанақадир шарбат ва кўпроқ муҳаббат талаб қилар эди.

II

Кунлардан бир кун кечаси соат ўн бирларда уларни худди пиллапоянинг олдига келиб тўхтаган от дупури уйғотиб юборди. Хизматчи аёл томдаги дарчани очиб, пастда — кўчада турган одам билан гаплаша бошлади. У докторга келган экан, хат келтирибди. Настази совуқдан титраб, қалтираб зинадан пастга тушди, калитни бураб, эшик лўкидонини бирин-кетин суриб қўйди. Келган одам отдан сакраб тушди-ю хизматчи аёлга аргашиб, тўғри ётоқхонага кирди... Кул ранг, попукля жун шапкаси ичидан латтага ўралган хатни ол-

ди ва таъзим билан Шарлга узатди, у ёстиққа ёнбошлаганича мактубни ўқишга киришди. Настази каравот тепасида шам ушлаб турарди. Хоним эса хижолатдан девор томонга ўгирилиб олди.

Кўк сўрғич билан ёпиштирилиб муҳрланган бу мактуб жаноб Боварига ёзилган бўлиб, зудлик билан Берто фермасига етиб келишни, оёғи синиб қолган одамга ёрдам беришни ундан қаттиқ илтимос қилган эдилар. Агар Лонгвиль ва сер-Виктор орқали кетилса, Тост билан Бертонинг ораси роса олти миль келарди. Тун қоронғи эди. Кичик Бовари хоним йўлда эри фалокатга йўлиқнишидан хавотирланганини айтди. Шунинг учун хат олиб келган отбоқар ҳозироқ кетади, Шарль бўлса уч соатдан сўнг, ой чиқиши билан йўлга чиқади, ма-лай бола унга пешвоз чиқиб, ферманинг йўлини кўрса-тади ва дарвозани очади, деган қарорга келишди.

Соат эрталаб тўртларда Шарль плашига қаттиқ эҳўралиб, Берто томон йўл олди. У ҳамон ширин уйқу оғушида, отнинг оҳиста йўрғалаши эса уни аллаларди. От тўсатдан четига тоғолча экиб ташланган зовурлар ёқасида тўхтаганида (одатда ҳайдаладиган ерлар атрофида шундай зовурлар қазилади) Шарль уйғониб кетди-да, бир дақиқадан сўнг, дарҳол синган оёқни эслади, синиш ҳақида унга маълум бўлган ҳамма ҳолатларни бирма-бир хотирасидан ўтказарди. Ёмғир тўхтади, тонг ота бошлади, олма дарахтларининг қуруқ шохларида қушлар жимгина қўниб ўтиришар, совуқ тонг шамоли уларнинг патларини тўздирарди. Қаерга қараманг, ҳамма ёқ теп-текис дала ва узоқда бадқовоқ осмон билан тутшиб кетган улкан кул ранг бўшлиқда фермалар атрофида тўқ гунафша доғ бўлиб яккам-дуккам дарахтларнинг учи кўринарди, холос. Шарль аҳён-аҳёнда кўзини очар, кейин унинг мияси чарчаб, янги-дан уйқу босарди-да, шу заҳоти уни қандайдир ғалати ҳушсизлик қамраб оларди, бу чоқ яқингинадаги таассуротлар, хотиралар билан аралашиб кетарди, ўзи икки-га бўлиниб қолгандек туюларди: бир вақтнинг ўзида у ҳам студент, ҳам уйланган йигит, ҳозиргина хотинининг қўйнида ётганию, ҳов бир вақтлардагидек жарроҳ бўлимидан ўтиб кетаётгандек туюлиб кетарди. У припаркалар¹нинг қайноқ исини шудрининг ўткир

¹ Оғриққа қиёметиб қўйиладиган дорн-дармон.

қидидан ажратолмас, унинг қулоғига бир вақтнинг ўзида ҳамма беморларнинг каравоти устидаги симда сирғаладиган парда ҳалқаларининг жиринглаши ва уклаб ётган хотинининг нафаси эшитилади... Васонвилдан ўта туриб Шарль ариқ бўйидаги ўт устида ўтирган болани кўрди.

— Сиз доктормисиз? — сўради бола.

«Ҳа» жавобини олгандан сўнг бола ёғоч кавушини қўлига олиб, пилдираганича Шарлнинг олдига тушиб кетди.

Шарль йўл-йўлакай ўзининг йўл бошқарувчиси билан гаплашиб шуларни билиб олди: жаноб Руо бу ердаги маҳаллий фермерларнинг энг бадавлатларидан бири экан. Кеча кечқурун уни крещениега¹ таклиф қилган қўшнисиникидан қайта туриб, оёғини синдириб қўйибди. Унинг хотини бундан икки йил муқаддам вафот этган, у билан ҳозир битта-ю битта қизи бирга тураркан ва рўзғор ишларида ўша қизи отасига ёрдам бераркан.

Ғилдирак излари чуқурлашди. Мана, Бертога ҳам келишди. Бола ғов тирқишидан лип этиб кириб, бир дақиқагина кўздан ғойиб бўлди. Лекин тезда дарвозани очиб, яна ҳовлининг бир чеккасида кўринди. От майса ўт устидан юриб кетди. Шарль юзига шох келиб урилмаслиги учун энгашди. Пойлоқчи итлар ўз катакларини олдида занжирларини тортиб қаттиқ ҳуришди. Шарль ҳовлига кирганда оти ҳуркиб кетди.

Ферма ўзининг саранжом-саришталиги билан кўзга яққол ташланарди. Отхонанинг очиқ дарвозаларидан йирик юккаш отлар кўриниб турар, улар янги охурларга солинган пичанларни аста курсиллатиб чайнашарди. Ҳовли атрофи бўйлаб солинган қурилишлар олдида гўнг уйилиб ётар, ундан буг чиқар, гўнг устида юрган куркалар, товуқлар орасида Ко² паррандачиларининг кўрки ва ифтихори бўлмиш беш-олтита товуслар ҳам нималарнидир чўқилашарди. Қўтон узундан-узоқ, ғалла омбори баланд қилиб солинган, деворлари кафтдек теп-текис. Бостирманинг тагида иккита катта арава ва тўртта сўқа, михларда қамчилар, комутлар, эгар-жабдуқлар илиғлиқ, кўк жун териликлар

¹ Христианларнинг бут ювиш байрами.

² Ко — Нормандиянинг шимолидаги кенг ясси тоғ.

нинг усти янчилган пичанларнинг чанги билан қопланган. Ёкки: томонга бир хил қилиб дарахт ўтқазилган ҳовли тобора нишаблашиб борарди, ҳовуз бўйида гозлар гағалашиб кезишарди.

Жаноб Боварини кутиб олиш учун ҳовли эшиги олдида уч қатор қўш этак жун кўйлак кийган ёшгина аёл пайдо бўлди ва Шарлни ўт ёқилган иссиқ ошхонага бошлаб кирди. Олов устидаги катта-кичик чўян қозонларда хизматкорлар учун нонушта пишмоқда. Мўрили печка атрофида қуритиш учун ҳўл кийимлар осиб ташланган. Хокандоз, оташкурак ва печка ўтхонасининг оғзи катта-катта, барчаси жило берилган пўлатдек ярқирайди. Токча тўла идиш-оёқ, буларда ўчоқдаги аланганинг шуъласи ва тонг қуёшининг ойнадан тушиб турган дастлабки нури аксланиб порлайди.

Шарль иккинчи қаватга — беморнинг олдига чиқди. У ўрин-кўрпа қилиб ётар ва қора терга ботганди, кечаси кийиб ётадиган қалпоқчасини улоқтириб ташлабди. Бу элликларга борган кичкина, тўлагина, ранглар, кўк кўз, тепакал, қулоғида исирғаси бор одам эди. Унинг каравоти ёнидаги стулда катта графинда ароқ, бемор ўзини дадилроқ тутиш учун ароқдан ичиб турарди. Врачни кўриши билан супургидай мулойим бўлиб, сўкинишдан тўхтади — бундан олдин у бетўхтов сўкинмоқда эди, энди аста-аста инграй бошлади.

Унинг оёғи енгилгина синган, аҳволи оғир эмас экан, Шарль бунчалигини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Бундай ҳолларда ўзининг ўқитувчилари ўзларини қандай тутишларини кўз олдига келтириб, ҳар хил ҳазиллар, жарроҳларга хос, ярага малҳам бўладиган ширин сўзлар билан беморнинг руҳини кўтара бошлади. Омборхонадан тахтакач олиб келишди. Шарль тахтакачдан биттасини танлаб олди, уни ўртасидан ажратиб, шишанинг синиқ парчаси билан қиртишлади; бу вақт хизматчи аёл боғлаш учун чойшабни бўлак-бўлак қилиб йиртди, мадемуазель Эмма бўлса қунт билан ёстиқча тикди. У анчагача ип-игна турадиган қутичани тополмади, отасининг жаҳли чиқди. Лекин у отасига ҳеч нарса демади. Шошганидан у ҳадеб ҳали у бармоғига, ҳали бу бармоғига игна санчиб оларди ва бармоғини оғзига олиб бориб, қонни сўриб ташларди. Унинг тирноқларининг оқлиги Шарлни ҳайратга солди. Учингичкалашиб борган бу ялтироқ тирноқларга Дьепи

фил суягидан¹ яхшироқ жило берилган ва бодомсимои қилиб қирқилган эди. Лекин қўли хунук, унчалик оқ деб бўлмас, бўғимлари қовжираган, бунинг устига букилувчан ерларида товланувчи чизиқлар йўқ, ҳаддан ташқари узун эди. Бироқ унинг кўзлари чинакам чиройли: киприклари туфайли қора кўринган қуралай кўзлар, одамга тик ва қанақадир самимий жасорат билан боқарди.

Оёққа тахтача боғлаб бўлишгандан сўнг жаноб Руо докторга йўлга чиқишдан олдин «тамадди» қилиб кетишни илтимос қилди.

Шарль залга тушди. Бу ерда, устига тоғ эчкиларининг сурати тикилган чит чодир билан тўсилган катта каравотнинг оёқ томонига столча суриб қўйилган, унинг устида икки кишилик емак асбоблари ва иккита кумуш қадаҳча бор эди. Деразанинг рўбарўсидаги шкафдан гулсафсар ва янги ювилган чойшабларнинг иси гуркираб турарди. Бурчак-бурчакда бугдой солинган қоплар тироғлик, чамаси, улар учта тош пиллапоя билан тушиладиган ён томондаги омборга сиғмаган бўлса керак. Захлигидан ҳар ер-ҳар ердан кўк бўёқлари кўчиб кетган девордаги миҳда уйнинг биттаю битта беаги — кўмир билан чизилган Минерванинг бош сурати олтин рамкада осиглиқ турарди. Унинг тагига эса готик ҳарфлари билан: «Меҳрибон дадажонимга» деб ёзиб қўйилган эди.

Аввал гап бемор ҳақида кетди, кейин об-ҳаво, қишининг совуқ келгани, далаларда кечалари бўрилар изғиб юрганлигидан гаплашишди. Мадемуазель Руо, қишлоқда яшаш мароқли эмаслигидан, айниқса, ҳозир ҳамма рўзгор ишларининг оғирлиги унинг бўйнига тушганидан зорланди. Зал совуқгина эди, қизнинг эти жунжиди, шундан унинг лўппи лаблари сал очилар, у гапдан тўхташи билан лабини тишлаб-тишлаб қўярди.

Унинг бўйни қайтарма оқ ёқасидан чиқиб турарди. Бош суяги тузилишига монанд билинар-билинмас юқорилашган, тўғри очилган фарқининг ингичка чизиги унинг сочларини иккита тим қора бандога ажратиб ту-

¹ Франциянинг шимоли-ғарб қисмида жойлашган Дьепи шаҳри фил тиши, ёғоч ва шохдан ниҳоятда нафис маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган токарлик корхоналари билан машҳур эди.

рардики, ундан фақат қулоғининг учкинаси кўриниб турарди, холос. Шунини ҳам айтиш керакки, икки бандонинг ҳар қайсиси қандайдир бир бутундек, сочлари шунчалик текис тараб қўйилганди, чаккаларида эса жингалак-жингалак бўлиб осилиб турар, орқасида эса катта турмак ҳосил қиларди, бундай турмакни қишлоқ врачлари ҳали умрида кўрмаган эди. Қизнинг ёноқлари қизил. Корсажининг икки тугмаси орасига худди эркакларникидек тошбақа косасидан ясалган кўзойнак тиқиб қўйилганди.

Шарль жўнаш олдидан унинг отаси билан хайрлашиб, залга қайтганида, қиз дераза олдидан туриб, боғдаги шамол йиқитган ловия тирговичларига тикиларди.

— Бирор нарса эсингиздан чиқдими? — унга ўғирилиб сўради қиз.

— Ҳа, кечирасиз, қамчиним эсимдан чиқибди, — жавоб берди Шарль.

У каравот, эшик орқаси, стул тағларини қидира бошлади. Қамчин бугдой солинган қоплар орқасида, девор тагида ётган экан. Уни мадемуазель Эмма кўриб қолди. У қоплар орқасига энгашди. Шарль ҳурмат юзасидан қамчинни ундан олдин ўзи олмоқчи бўлди, иккиси бир вақтда энгашди ва беҳосдан, Шарлнинг кўкраги унинг олдидан энгашиб турган қизнинг белига тегиб кетди. Қиз қадини ростлади, қип-қизариб кетиб, Шарлга қиё боқиб туриб, қамчинни узатди.

Шарль, гарчи уч кундан кейин келишга ваъда қилган бўлса-да, эртасига яна Бертога жўнади, кейин ҳафтада икки мартадан мунтазам равишда келадиган бўлди, ундан ташқари баъзан тасодифан келиб қоладиган ҳам бўлди, бундай вақтларда у боши оғиб, билмай келиб қолганини айтарди.

Ваҳоланки, ҳамма иш жойида эди.

Даволаниш врачлик маҳоратининг барча қоидалари бўйича давом этарди. Қирқ олти кундан кейин Руо ота ҳеч кимнинг ёрдамисиз ўз хонасида юра бошлади ва шундан кейин жаноб Боварини жуда ҳам қобилиятли врач, деб мақтай бошладилар. Руо отанинг фикрича, битта Иветода эмас, Руонинг энг яхши врачлари ҳам уни шунчалик тез даволай олмасдилар.

Шарль бўлса, нимага ҳадеб Бертога боргиси келавериши ҳақида бирор марта ўзига ўзи савол бермади. Башарти, у шу тўғрида мулоҳаза қилиб кўрганда, бал-

ки ўзининг жонкуярлигини тасодифнинг жиддийлиги ёки бўлмаса яхши ҳақ тўлашларидан умидворлиги билан изоҳланган бўларди. Бироқ, ҳақиқатан ҳам шу сабаблар уни фермага судрармиди? Фермага қатнаш, унинг зерикарли ҳаётини тўлдирган бошқа вазифалар ичнда у учун бахтли тасодифлардан эмасмиди? Шу кунларда у эрта уйғонар, отини чоптирар, бутун йўл бўйи уни қамчилар, фермага яқинлашганда отдан сакраб тушарди-да, оёғини ўтга артиб, қўлига қора қўлқоп кийиб оларди. Унга ҳовлига кириб бориш, елкаси билан дарвозани итариб очиш, девор тепасида хўрознинг қичқиргани, хизматкорлар югуришиб унга пешвоз чиққанлари, ҳамма-ҳаммаси хуш ёқарди. Отхона ҳам, бостирмалар ҳам ёқарди. Руо отанинг сўрашиб туриб, қўлларини сиқиб «Менинг нажоткорим!» — деб қўйиши ҳам ёқарди унга; ошхонанинг топ-тоза поли устида мадемуазель Эмманинг чарм туфлиси тагига бойлаб олган ёғоч тагчармнинг тақиллаши ҳам унга ёқарди. Баланд туфлида унинг бўйи ҳам баландроқ кўринарди. У Шарлнинг олдига тушиб бораркан ёғоч тагчарм ердан узилиб туфлисининг тагига «тақ» этиб уриларди.

У ҳар гал Шарлни зинанинг биринчи поясигача кузатар, агар отини келтирмаган бўлсалар, Эмма кетмай турарди. Улар аввал хайрлашиб олишгани учун бу ерда бир оғиз ҳам сўзлашишмасди. Қаттиқ шамол унинг борлигини қучиб олар, гарданидаги итоатсиз жингалак сочларини қилпиллатар, худди байроққа ўхшаб сонлари устида қилпираётган фартугининг боғичлари билан ўйнашарди.

Ҳаволар исиб, дарахтларнинг пўстлоғи ҳўл бўлиб кетган, томлардан сув томчилаб турган кунларнинг бирида Эмма остонада бир оз турди. Кейин уйга кириб, соябонини олиб чиқди-да, уни очди. Зангори шойи соябондан қуёш нури сизгиб ўтиб, унинг оппоқ юзларида ўйнади. Соябон тагида туриб, Эмма бу илиқ навозишдан жилмаярди. Таранг тортилган шойига тушаётган томчиларнинг шитири эшитиларди.

Шарль Бертога эндигина серқатнов бўлиб қолган дастлабки вақтларда кичик Бовари хоним ҳар гал беморнинг соғлигини сўраб турарди ва ҳаттоки, кириш-чиқим дафтаридан битта тоза саҳифа ҳам очганди. Унинг қизи борлигини билиб қолганидан сўнг шошиб

суриштиришга киришди. Маълум бўлдики, мадемуазель Руо урсуликлар¹ монастирида ўқиган ва ажойиб тарбия кўрган қиз экан. Яъни, у рақсга тушаркан, жүрофияни биларкан, расм солиш, кашта тикиш ва фортепьяно чалишни ҳам биларкан. Йўқ, у ҳаддидан ошяпти!

«Шунинг учун уникига кетаётганда оғзи қулоғига етиб юрган экан-да» деб хулоса чиқарди Бовари хоним. «Шунинг учун ёмғирда қолишдан ҳам қўрқмай, жилетка кияркан-да! Вой бу хотин-эй!.. Вой бу хотин-эй!..»

Бовари хоним энди уни ич-ичидан ёмон кўриб қолди. Авваллари у эрини кесатиб эрмак қилди. Шарль бунинг маъносига тушунмади, кейин хотини гап орасида гўёки бехосдан, бир хил бир хил гап ташлаб қўядиган бўлди, жанжалдан қўрқиб Шарль ўзини эшитмаганга солди, бўлмади, охири бориб жанжал чиқа бошлади. Модомики, жаноби Руо тузалиб кетган бўлса, шу вақтгача ҳақини нега тўлашмайди?.. Нега у Бертога ҳали ҳам қатнайди? Ҳа, у ерда битта жонон бор, у яхши кашта тикади, тиллари бурро, доно қиз. У шунақаларни яхши кўради, унга шаҳар ойимқизлари ёқади-да!

— Руонинг қизи қанақа қилиб ойимқиз бўларкан? — фигони фалакка чиқарди Бовари хонимнинг. — Ойимқиз бўп бўпти! Буваси чўпон бўлган, қанақадир қариндошлари аллаким билан уришиб қолиб, ёқалашмоқчи ҳам бўлиб, судга тушишига сал қолган экан! Намунча керилмаса! Якшанба кунлари ибодатга шойи кўйлақда борармиш, қаранг-а, графиня! Чол шўрликка қийин, уни хонавайрон қилади, тагин ҳам унинг ишини худо ўнглаб, бултур шолғомдан кўп ҳосил олди, бўлмаса боқимондани тўлашга ҳам қурби етмаган бўларди.

Бу гаплар Шарлнинг кўнглига урди ва у Бертога бормай қўя қолди. Узоқ кўз ёшларию, ўпичлардан сўнг Элоиза қаттиқ ҳаяжон ичида Шарлнинг қўлига дуолар тўпланини бериб, ортиқ у ёққа бормасликка қасам ичирди. Шундай қилиб, у таслим бўлди, лекин ундаги дадил интилиш ўзининг қулларча хатти-ҳаракатига қарши исён кўтарди ва ўзини соддадиллик би-

¹ Урсуликлар — монахларнинг ташкилоти (ташкилот унинг ҳомийси муқаддас Урсула номи билан аталган). Бу ерда қизлар католик-художўйлик руҳида тарбияланган.

лан алдаб, Эммани кўришнинг ман қилиниши уни севишга ҳуқуқ беради, деган хулосага келди. Бунинг устига бева хотин қоқ суяк, тиши сўйлоқ, қишин-ёзин кап-калта қора шол рўмол ўраб юрар, унинг учи кураклари орасида осилиб юрарди; қоқ суяк баданини филофга ўхшаган кўйлаги яшириб турарди, кўйлак шу қадар калта эдики, унинг тагидан кул ранг пайпоғи, каттакон ботинкасининг ипи билан чиллак қилиб боғланган тўпиғи кўриниб турарди.

Ҳар замон-ҳар замонда Шарлникига онаси келиб турарди, орадан бир неча кун ўтгач, у келинининг ноғорасига ўйнай бошлади ва улар иккаласи бир бўлиб, худди қўш эговдек уни эговлай бошлашди. Насихат ва танбеҳлар билан унинг миясини ачита бошлашди: «Кўп овқат ейиш бефойда! Ким келса қадаҳ тутиш шартми? Ҳа, у қайсарлигидан жун кўйлак кийишни истамайди!»

Бироқ, кўклам бошида, Дюбюк беваси ўз мол-дунёсини ишониб, бериб қўйган Энгувиль нотариуси конторасида сақланган бор нақд пулларни олиб бадар қочди. Тўғри, Элоизада кемага сарф қилган олти минг франк пулдан ташқари Сен-Франсуа кўчасида битта уй ҳам бор, бироқ, шуни ҳам айтиш керакки, унинг ҳаммани оғзига тушиб доврўғи кетган, мисли кўрилмаган бойлигининг, баъзи бир мебель ва латта-путталарни мустасно қилганда, бу оилага ҳеч қанча нафи ҳам тегмади. Бу ишни тубдан текшириб ойдинлаштиришга тўғри келди. Дьеппадаги ҳовли неча мартадан гаровга қўйилган экан, нотариусда ундан қанча пул қолган, бу ҳам ёлғиз худонинг ўзига маълум; кемадан келадиган фойда минг эюдан ортмас экан, хулласи калом, мана бу мулойим хоним ҳаммани боплаб алдаган экан-да!.. Катта Бовари ғазабдан стулни тош полга уриб синдирди ва хотинига: «Мана бу эгаридан тўқими қиммат қирчангига дучор қилиб ўғлимни ҳалак қилдинг!» — деб ўшқирди. Улар Тостга жўнашди. Ҳамма гап очилди. Катта шовқин-сурон кўтарилди. Элоиза ҳўнг-ҳўнг йиглаб, эрининг бўйнига осилди, ёнини олишини сўраб ёлворди. Шарль хотинининг ёнини ола бошлаган эди, онаси хафа бўлишиб жўнаб қолишди.

Бироқ, қақшатқич зарба берилган эди! Бир ҳафтадан кейин Элоиза ҳовлига кир ёйгани чиқди ва бирдан оғзидан қон келди, эртасига Шарль дераза пардасини

тушириш учун орқасини ўгирувди ҳамки, у: «Эй, худойим-эй!» — деди-ю, оғир бир нафас олиб ҳушидан кетди. Унинг жони узилган эди. Қизиқ!

Дафн маросимидан Шарль тўғри уйига қайтди. Пастда ҳеч ким йўқ эди, у иккинчи қаватга чиқди, ётоқхонага кирди ва каравотнинг оёқ томонида осилиб турган хотинининг кўйлагини кўриб, ёзув столига тирсагини тираганича қайғули хаёлларга берилди, шу ўтирганча кечгача ўтирди. Ҳарқалай, ўша хотин уни севарди-ку.

III

Кунлардан бир кун эрталаб оёғи битиб кетган Руо ота, Шарлга хизмат ҳақини олиб келди, танга пулда етмиш беш франк пул ва яна қўшимча битта курка товуқ келтирди. У Шарль бошига мусибат тушганини биларди, шунинг учун уни қўлидан келганча юпата бошлади.

— Ахир бу мусибат меннинг ҳам бошимдан ўтган! — дерди у Шарлнинг елкасига қоқиб. — Мен ҳам бу ғамни татиб кўрганман! Хотиним бечора вафот этганда, танҳо ўзим далага чиқиб кетардим: бирорта дарахтнинг тагига бориб кўкрагининг захга бериб ётасан, ҳўнграб-ҳўнграб йиғлайсан, худога нола қиласан, дарахтда осиглиқ кўрсичқон¹га, қорни тўла гуж-гуж қурт, ўлик кўрсичқонга ҳавасинг келади. Ҳозир бошқалар хотинчаларини бағрига босиб, маза қилиб ётганини ўйласанг, қорнинг тарс ёрилиб кетай дейди, алам қилгандан жонинг борича ёғоч билан ерни дўппослайсан, мен шунчалик эс-ҳушимни йўқотиб қўйгандимки, ўшанда томоғимдан нон ушоқ ҳам ўтмай қолганди, ишонасизми, битта қаҳвахона деган сўзнинг ўзидан бутун ичак-чавоғим ағдарилиб кетай дерди. Шундай қилиб, тонг отди, кеч бўлди, кун ортидан кун ўтди, қиш кетиб, баҳор келди, қарабсизки, ёз ўтиб, куз ҳам келибди, аста-аста умр ўтиб кетаверар экан. Буни сизга қандай тушунтирсам экан, кетган кетаверар экан-у, юраклардан ҳасрати, доғи кетмас экан, доғи! Ахир бу тақ-

¹ Францияда овчиларнинг бир одати бор: улар ўлдирилган кўрсичқонни дарахтга осиб қўйишади.

дирнинг буюргани — шундай бўлгандан кейин жуйиб-ёнаверишнинг, биров ўлгани учун ўзингга ўлим тилашнинг нима ҳожати бор! Ғамни орқангизга ташланг, жаноб Бовари, ҳаммаси ўтиб кетади! Бизникига боринг, биласизми, қизим тез-тез сизни йўқлайди, бизни эсидан чиқариб юборди, деб қўяди. Мана, баҳор ҳам яқин, сиз билан қўриқҳонада қуён овлаймиз. Булар дардингизни унуттиради.

Шарль унинг маслаҳатларига кирди. У Бертога борди. У ерда ҳамма нарса худди аввалгидек, яъни бундан беш ой муқаддам қандай бўлса, шундай, фақат ноклар гуллаган, Руо ота бўлса соғайиб кетибди ва фермада юриб унинг ҳаётига бир қадар жон киргизган эди.

— Модомики, докторнинг бошига шунчалик бахтсизлик тушган экан, у билан жуда ҳушёр бўлиб муомала қилиш керак,— деб Руо ота, ҳатто шляпасини ҳам ҳовлида ечмаслигини сўради, у билан худди бемор билан гаплашгандек паст овозда гаплашди, ҳаттоки, Шарлга алоҳида енгилроқ таомлар, масалан; крем, пиширилган нок тайёрламабсизлар, деб газабланган ҳам бўлди. У ҳар хил воқеалардан гапириб ўтирди, бир жойда Шарль бехосдан хахолаб кулиб юборди ҳам, лекин хотини эсига тушиб, шу заҳоти қовоғини солиб олди. Кофе ичаётганда у хотини ҳақида ўйламади ҳам.

У ёлғизликка ўрганган сари хотини тўғрисида кам ўйлайдиган бўлди. Кўп ўтмай у ўзи учун янгилик бўлган эркинликнинг гашти туфайли ёлғизликни тамом унутди.

Энди у истаган вақтида нонушта қилар, овқатланар, ҳеч кимга ҳисоб бермай, хоҳлаган ерига борар, хоҳлаганда қайтиб келар, чарчаган вақтларида каравотда бемалол оёқ-қўлини чўзиб ёта оларди. Хуллас, у ўзини ардоқлар, парвариш қилар, таъзия билдирувчиларга миннатдорчилик билдирарди. Хотинининг вафоти ишда ҳам фойда берди: бир ойгача «бечора йигит, унга жуда ҳам оғир» деган гаплар ҳеч кимнинг оғзида тушмади, номи тарқалди, мижозлари кўпайди ва ниҳоят, у истаган вақтида Руоникига бора оладиган бўлди. У нимадандир умидвор, вақти ниҳоятда чоғ эди. Ойна олдида туриб, у чекка соқолларини тараган вақтларида, назарида борган сари чиройли бўлиб кетаётганга ўхшарди.

Кувлардан бир кун у фермага соат учларда келди, қамма далада эди; у ошхонага кирди, лекин дарча эшиклари берк эди, шунинг учун у ерда Эмма борлигини аввал у пайқамай қолди. Қуёшнинг девор тирқишларидан тушиб турган шуъласи узун, ингичка чизиқлар ҳосил қилиб ерга тушиб турар, ошхона анжомларининг қирраларида жимжима қилар, шипда липиллаб турарди. Стол устида, кир стаканнинг атрофида пашшалар ўрмалашар, кейин вижиллаб сидр¹нинг юқи қолган стакан тагига чўкишар эди. Мўрининг туйнугидан тушиб турган ёруғда қурум бахмал бўлиб товланар, совуб қолган кул ҳаво ранг тусга кирар эди. Эмма печка билан дераза оралиғида ўтириб олиб нимадир тикарди; бошида ҳеч нарса йўқ, очиқ елкаларида тео томчилари йилтиларди.

Қишлоқ одати бўйича, Эмма Шарлга бирор нарса ичишни таклиф қилди. У «йўқ» демоқчи эди, лекин Эмма қистаб қўймади ва ниҳоят кула-кула ўзи ҳам у билан улфатчилик учун бир рюмка ликор ичмоқчи эканини айтди. Шунини деб у шкафдан бир шиша кюрасо ва иккита рюмка олди, улардан биттасига тўлдириб, иккинчисига жиндай қуйди, чўқиштириб уни лабларига олиб борди. Рюмка деярли бўш эди, ичиш учун Эмма ўзини орқага ташлаб, бошини осмонга қаратишга мажбур бўлди, лабларини чўччайтириб, бўйнини чўзди, оғзи ҳеч нарса сезмаганидан ҳадеб куларди, кейин икки қатор майда тишлари орасидан тилининг учини чиқариб, рюмканинг тагини ялади, кейин у жойига ўтириб ўз ишида давом этди, у оқ ип пайпоқни тўрлаб ямаётган эди; у бошини қуйи солганича жимгина ўтирди, Шарль ҳам бир оғиз гапирмасди. Эшикдан кирган шамолдан ердаги майда-майда супуриндилар у ёқдан-бу ёққа суриларди. Шарль шамол уларни қандай ҳайдаганини кузатиб ўтирар, чакка томирларининг уришини эшитар, яна қаердадир ҳовлининг бир чеккасида тухум қўйиб чиққан товуқнинг қақиллагани қулоғига чалинарди. Эмма вақт-вақти билан ловиллаб кетаётган юзига бармоқларини тегизар ва кейин қўлларини совутиш учун уларни катта камин оташкурагининг темир сопига тегизиб қўярди.

¹ Сидр — олма шириниси.

У кунлар исий бошлагандан кейин боши айланганидан ҳасрат қилди, денгиз суви бунга ёрдам берармикин, деб сўради, кейин монастырь ҳақида гапириб берди. Шарль ҳам ўз навбатида ўз колледжи ҳақида ҳикоя қилди, шундай қилиб, суҳбат қизиқ кетди. Улар Эмманнинг хонасига ўтишди, шкафнинг пастки галадоида ётган эман япроқларидан ясалган гулчамбарларини кўрсатди. Кейин онасининг қабри ҳақида гапирди, ҳатто ҳар бир ойнанинг биринчи жума куни унинг қабрига қўйиш учун гул узадиган гулхонани кўрсатди. Лекин борбон ҳеч балога арзимамайди, булар қанақа хизматкорлиги биргина худога аён! Эмма шаҳарда яшашни орзу қиларди; ҳеч бўлмаса қишда, лекин ёз пайтлари кунлар жуда узаяди, қишлоқда бу пайтларда ҳам жуда зерикарли бўлса керак. У нима ҳақида гапирса, товуши ўшанга қараб ўзгарарди: баъзан баланд кўтарилар, баъзан паст тушар ёки бирдан жуда ҳам бўшашиб чиқар эди, ўзи ҳақида гапирганда овози аста-секин пастлашиб, деярли шивирлашга айланарди, шу билан бирга юзи шодликдан ёришиб кетар ва у ўзининг қуралай кўзларини катта қилиб очар ёки бирдан жаёли узоқларга қочар ва у ярим ёпиқ қовоқлари остида руҳсиз боқарди.

Кечқурун Шарль уйга кетаётганида йўл-йўлакай унинг гапларини бирма-бир хотирасида гавдалантирар, худди қандай айтилган бўлса шундайлигича эслашга уринарди. У Шарль билан таниш бўлмасдан олдин қандай яшаганини бутун вужуди билан яққол тасаввур этиш учун ҳар бир жумланинг мағзини чақмоқчи бўлди. Бироқ хаёлан уни биринчи марта кўрган шаклда ёки ҳозир қандай қолдирган бўлса, шундайлигича кўз олдига келтирарди, холос. Кейин у ўз-ўзига савол берарди: у эрга тегса қанақа бўларкан? Кимга тегаркин? Эҳ-ҳе, Руо ота шунчалик бадавлат, у бўлса... шу қадар гўзалки! Лекин шу чоқ унинг тасавбурида яна Эмманнинг сиймоси гавдаланарди ва қулоқлари остида: «Қани энди сен унга уйлансанг! Сен унга уйлансанг!» деган гап худди бизбизакдек янграб тураверди. Тунда у мижжа қоқмади, томоғи қақради, сув ичгиси келди, ўрнидан туриб, сув ичди-да, деразани очди: осмон юлдузларга тўла, илиқ шабада эсар, қаердадир итлар ҳурарди. У Берто томонга боқди...

Аслини олганда ҳеч қанақа қалтис иш қилаётганим

йўқ-ку, деган қарорга келиб, қулай пайт келиши билан Эммага уйланишни таклиф қилмоқчи бўлди. Лекин ҳар гал тили танглайига ёпишиб қолар эди.

Руо ота қизини узатиш фикридан холи эмасди, қизи унчалик уддабурон чиқмади. Юрагининг бир чеккасида у қизини оқларди ҳам. У ақлли, идрокли; худо қаргаган, бир умр бири икки бўлмайдиган қишлоқ хўжалик ишлари унга муносиб эмас, деб ҳисобларди. Ҳақиқатни олганда, чол йилдан-йилга бой бўлиш ўрнига, иши тобора орқага кетарди, савдо-сотиқ ишларига ниҳоятда моҳир бўлса ҳам, молини бозорга солишни яхши билса ҳамки, зироат ишларига, фермерлик хўжалигини тебратишга ҳеч қанақа майли йўқ эди. У ўзини унча уринтирмас, ўзининг эҳтиёжларига керак бўлган пулни аямас, овқат, иссиқ жой ва уйқу у учун биринчи ўринда турар эди. У кучли сидрни, сели оқиб турган қовурдоқни, кофега коньяк қўшиб ичишни яхши кўрарди. У ҳамиша ошхонада, ёлғиз ўзи тамадди қилар, худди театрдагидек, устига овқат қўйилган столчани у келиши билан олдига суриб қўяр эдилар.

Шундай қилиб, Шарль Эммани кўрганда қип-қизариб кетишини сезган Руо ота, демакки, тез кунда у Эммани сўраттиради, деган хулосага келди-ю, ҳаммасини олдиндан ўйлаб қўйди. Шарлни у «калласи ишлайди», деб ҳисобларди. Албатта Руо ота аввал бунақа куёв ҳақида орзу қилмаганди, лекин бошқа томондан қараганда ҳамманинг фикри бўйича, Шарль бенуқсон, тежаб-тергаб иш қиладиган, ҳамма нарсани биладиган йигит; бунақа одам сеп ҳақида ортиқча савдолашиб ҳам ўтирмайди. Бунинг устига Руо отага яқинда ўз еридан йигирма икки акрни сотишга тўғри келди, бунинг устига у гишт терувчи, саррочдан қарздор, ундан кейин тагин узум эзадиган машинанинг лўла ўқини тузатиш керак.

«Совчи қўйса, бераман», — деди ўзига у.

Худди Михаил¹ кунин олдидан Шарль Бертога учкунга меҳмон бўлиб келди. Учинчи кун ҳам аввалги икки кундек ўтди, унинг кетиши ҳадеб орқага сурила верди. Руо ота Шарлни кузатиб чиқди, улар йўл бўй

¹ Михаил кунин — 8 ноябрь.

лаб кетишарди, хайрлашиш вақти яқинлашиб келмоқда, энди гап очиш керак эди. Шарль тўсиқнинг охирига етишлари билан гап бошлашга қарор қилганди, тўсиқдан ўтишлари билан:

— Руо жаноблари, мен сизга бир сўз айтишим керак... — деди. Иккиси ҳам тўхташди. Шарль жим бўлиб қолди.

— Айтаверинг, ўғлим! Мен барибир ҳаммасини биламан! — деди Руо астагина кулиб.

— Отажон!.. Отажон!.. — гудирлади Шарль.

— Мен жуда хурсандман, — давом этди фермер. — Эҳтимол, қизим ҳам, лекин барибир унинг олдидан ўтиш керак. Хўп, бўлмаса, яхши боринг, мен уйга борай. Борди-ю у «хўп» деса, сиз уйга қайтиб кирманг, эшитяпсизми? Ҳар хил гап-сўзлардан эҳтиёт бўлиш керак, ундан ташқари у Эмманн қаттиқ ҳаяжонга солиши мумкин. Кутиб қолмаслигингиз учун мен сизга ишора қиламан: нариги томондаги деразани катта қилиб очаман, сиз деворга чиқсангиз кўрасиз.

Шарль отни дарахтга боғлаб, сўқмоқ йўлга ўтиб турди. Кутди. Орадан ўттиз минут ўтди, кейин соатига қаради, яна ўн тўққиз минут ўтди. Бирдан нимадир тарақлаб деворга урилди — дераза очилди, зарбдан очилгани учун зулфини анчагача дириллаб турди.

Эртасига эрталаб соат тўққизда Шарль фермада эди. Эмма уни кўриб, қип-қизариб кетди, лекин ҳаяжонини яшириш учун кулишга уринди. Руо ота бўлажак куёвини қучоқлади. Ишнинг моддий томонларидан сўз очишди, лекин бу тўғрида гаплашиш учун ҳам вақт етарли эди, урф-одат бўйича, уларнинг тўйи Шарлнинг азаси тамом бўлгандан кейингина ўтказишни тақозо қиларди, яъни баҳоргача кутиш керак. Қиш куттиш билан ўтди, мадемуазель Руо сеп тайёрлашга киришди. Сепнинг бир қисми Руанда буюртирилди, тунги кўйлаklar, чепчикларни¹ Эмманнинг ўзи вақтинча бировдан олган модалар журналининг расмларига қараб тикла бошлади. Шарль Бертога келган пайтларида тўйга тайёргарлик ҳақида муҳокама бошланар, қайси хонага стол ясаш керак, неча хил овқат ва қандай газаклар тайёрлаш ҳақида суҳбатлашишарди.

¹ Ч е п ч и к — аёлларнинг бош кийими.

Эмма тун ярмида машъаллар ёруғида никоҳ бўлишни истарди, лекин бу машмаша Руо отанинг кўнглига ёқмади. Мана, ниҳоят, тўй ҳам бўлди. Қирқ уч киши тўйга келди, зиёфат ўн олти соат давом этди, эрталаб яна бошланди ва яна бир неча кун давомида меҳмонлар қолган-қутганларни еб тамом қилишди.

IV

Тўйга таклиф қилинганлар эрталабданоқ кела бошлаган эдилар: улар коляскаларда, икки ғилдиракли навошларда, шарабанларда, усти очиқ қадимий кабриолетларда, чарм соябонли усти берк араваларда келишди, қўшни қишлоқ ёш-яланглари бўлса, шалдироқ аравада қатор тизилишиб олиб, йиқилиб кетмаслик учун тўсиқларга ёпишиб олишган эди — шу қадар қаттиқ чоптиришиб келишарди улар. Бу ердан ўн миль узоқликдаги Годервили, Норманвили, Канидадан ҳам келишди. Шарль ҳам, Эмма ҳам қариндош-уруғларини чақиришган эди, улар шу чоққача оралари бузилиб юрган ёри биродарлари билан ярашиб олишди, аллақачон борди-келдилари узилиб кетган таниш-билишларгача мактуб йўллашди.

Уқтин-ўқтин кўча томондан қамчининг вазиллагани эшитилар, шунда дарвозалар ланг очилиб, аравалар ҳовлига кирарди. Отлар гижинглаб худди зинапоя олдига чопиб келишар, улар тўхтамасданоқ жиловидан ушлашар ва арава бўшарди; меҳмонлар араванинг икки томонидан тушишар, тиззаларини уқалашар, керишишар эди. Аёлларнинг бошларида чепчик, устларида олтин соатнинг занжирлари ялтираб турган шаҳар нусха кўйлаклар, елкаларида учи белларига чиллак қилиб боғланган елкапўшлар ёки бўлмаса яғринларида тўгнағич билан қадаб қўйилганидан бўйинларини очиқ қолдирган гулдор рўмоллар. Худди ўз оталарига таассуб қилиб кийинган ва чамаси бу янги костюмда ўзларини ўнғайсиз ҳис этаётган, кўплари биринчи марта этик кийган ўсмир йигитлар олдида, уларнинг холаваччасими ёки опасими, ҳар қалай, ўн тўрт-ўн олти ёшли дуркунгин: бир қис қип-қизариб, довдираб турар, унинг устига

биринчи маврид учун тиктирилган ва мана бу маросим туфайли узайтирилган оқ кўйлак, сочлари соч мойидан йилтиллайди, оқ қўлқопини кир қилиб қўйишдан қўрқаётгани кўриниб турарди. Отбоқарлар етишмас, шунинг учун оила бошлиқларининг ўзлари енгларини шимариб, отни аравадан чиқаришарди. Улар ўзларининг жамиятда тутган мавқеларига қаттиқ риоя қилган ҳолда кийинишган — бирлари фракда, бошқалари сюртукларда, учинчилари камбулда, яна баъзи бирлари калта курткаларда эдилар. Буларнинг барчаси ҳамма оила аъзоларининг эъзоз ва эҳтиромига сазовор, фақат бирор тантанали кунлар муносабати билан жовонлардан олинадиган асл матолардан тикилган кишилик кийимлар эди: меҳмонлар узун, ҳилпираган этакли, тик ёқали, кенг халтасимон чўнтакли сюртуклар, гардиши мис ҳошнияли фуражка билан кийиладиган қалин мовут курткалар, орқа белига иккита тугма қадалган, бу тугмалар бир-бирига яқин бўлгани учун худди иккита кўзни эслатиб турадиган, орқа этаги қоқ иккига бўлинган қисқа пиджаклар кийган эдилар. Баъзи бирлари (булар столнинг оёқ томонида ўтирсалар керак) ҳатто байрамларда кийиладиган, яъни қайтарма ёқаси елкагача келиб, орқа белидаги бурмаси устидан гулдор камари паст қилиб боғланган блузкаларда келишган эди.

Крахмалланган кўйлак худди совутдек кўкракларидан қаппайиб турарди! Эркаклар ҳозиргина сочларини текислатганлари туфайли қулоқлари диккайиб турарди, улар соқолларини тақир қилиб қиришган, бугун азонда туриб, ғира-шира қоронғиликда соқол қирганларнинг бурун остилари кўндалангига тимдаланган, ёноқларида бўлса уч франк танга катталигида шилинган излар пайдо бўлган, йўл шамолида юзлар шўралаб кетган, шу туфайли кериккан кенг юзларини худди биров пушти ранг мармар билан пардозлагандек кўринарди.

Ферма билан шаҳар идорасининг оралиғи ярим милдан ошиқ бўлмагани учун ҳамма у ёққа пиёда жўнашди ва ибодатхонада никоҳ ўқилгандан сўнг фермага қайтишди. Кўкатлар орасидаги сўқмоқ йўлдан кетаётган ранго-ранг, лентасимон ҳамда бир бутун кўринган бу тантанавор юриш тезда чўзилиб кетди, кейин одамлар ўзаро суҳбатларга берилишиб, айрим-айрим

гуруҳларга бўлиниб кетишди. Энг олдинда жимжима-кор ленталар билан безалган гижжагини чалиб гиж-жакчи кетарди, унинг орқасидан келин-куёв, кейин бир тўда бўлишиб қариндошлар, ёри биродарлар, энг орқада ўт-ўланларни юлиб, шўхлик билан тўс-тўполон қилиб бола-чақалар келишарди.

Эмманнинг ҳаддан ташқари узун кўйлаги ерга тегар, вақт-вақти билан у тўхтар, этагини кўтарарди-да, қўл-қопли бармоқлари билан этагига ёпишган тиканларни аста-аста олиб ташларди, Шарль унинг қўлини бўша-тиб, кутиб турарди. Руо ота цилиндра ва енги бармо-гининг учигача тушган қора фракда, Шарлнинг онаси Бовари хонимни қўлтиқлаб келарди. Мана бу тоифада-ги одамлардан нафратланадиган жаноб Бовари бўлса тўйга оддийгина ҳарбийларча тикилган сюртукда кела-верган, ҳозир ёнида кетаётган оппоққина деҳқон қиз-ни сийқаси чиққан хушомадгўйлик билан кулдириб келмоқда. Қиз гоҳ қизариб, гоҳ ерга қараб, нима жа-воб қилишини билмасди. Меҳмонлар ўз ишларидан гаплашишар, баъзилари бир-бирларига тегажоғлиқ қи-лишар, яқинлашиб келаётган вақтичоғликдан чеҳра-лари, димоғлари очилиб кетганди. Музикачи эса ҳамон чалгани чалган эди. Яхшилаб қулоқ солинса, унинг нима чалаётганини ажратиб бўларди. Гижжакчи ол-динроқ кетиб қолганини пайқаса, нафасини ростлаш учун дарҳол тўхтар, торлар қаттиқ чийиллаши учун камончасини канифол билан ишқалар, кейин пардаси-ни гоҳ баланд, гоҳ пастлаштириб, йўлида давом этар, ва шу оҳангда оёқ ташлар эди. Узоқдан гижжак овози-ни эшитган қушлар ҳар томонга париллашиб учиб ке-тишар эди.

Арава қўядиган узун бостирма тагига столлар қў-йиб, дастурхон тузашди: пиширилган тўртта биқми гўшти, олтига товуқ гўштидан майда тўграб қилинган қовурма, димлаб пиширилган бузоқ гўшти, учта қовур-доқ тортилди, столнинг ўртасида бўлса, димлаб пиши-рилган, атрофига колбасалар терилган ва қўзиқулоқ-дан гарнир қилинган, чўчқа боласи қўйилди... Столнинг ҳар бурчагига ароқ қуйилган графинлар терилди. Ши-рини сидрли шишаларнинг қопқоғи атрофидан қуюқ кўпиклар чиқиб турарди. Қадаҳлар аллақачон тўлди-риб қуйилган эди. Катта-катта лаганлардаги сариқ крем, стол салгина силкинса, дириллаб кетарди. Унинг

текис юзида келин-куёв исм-фамилияларининг бош ҳарфи майда, жимжимали қилиб ёзилган. Ёнгоқ жолва ва тортларни Иветодан чақирилган қандолатчи тайёрлаган эди. У бу томонларга биринчи марта чақирилгани учун ўз ҳунарини кўрсатиб, одамларни қойил қолдирмоқчи бўлганди. У ўз қўли билан шундай торт ясадики, меҳмонлар завқланиб унга офаринлар ўқишди. Торт бутун бошли бир иншоотни эслатарди. Унинг пастки қисми — кўк картондан пешайвонли, серустун, тўрт бурчакли қаср, қасрнинг зар қоғоз юлдузчалар билан безалган токчаларида гипсдан ишланган кичкина-кичкина ҳайкалчалар турар эди. Иккинчи қавати эса минора шаклида ясалган савой пирогидан иборат бўлиб, унинг атрофи шакар сепилган мевалар, мағиз, майиз ва апельсин тилимларидан қилинган паст-паст истеҳкомлар билан ўралганди, энг тепасида қоялар қаллашиб ётар, оралиғида қиёмдан ясалган кўллар, кўлда ёнгоқ пўчоғидан ясалган кемачалар кўринадди, майсазор ўртасида кичкина Амур¹ шоколаддан ясалган арғимчоқда тебраниб турарди, арғимчоқ устунларининг тепаси юмалоқ шар ўрнига ростакан гулгунчалар билан безалганди.

Зиёфат кечгача чўзилди. Ўтиравериб чарчаган меҳмонлар ҳовлига ёки «пўкак» ўйнаш учун хирмонхонага чиқишди, яна жойларига қайтиб келишди. Зиёфат охирига бориб кўплар хуррак ота бошлади. Лекин қаҳва тортилганда ҳамма жонланиб, ашулалар айтишди, кейин эркаклар ўз кучларини синамоқ учун қадоқ тошларни кўтариб кўришди, чаққонликларини кўрсатишди, аравани елкага кўтаришга уриниб кўришди. Улар ўтирган ерларида ҳаёсиз латифалар айтишар, хўшларини қўчоқлашарди. Меҳмонлар кечга бориб тарқала бошлашди, лекин отларга ҳаддан ташқари кўп ем едирганлари тўфайли улар аравага кирмас, тепинишар, оёқларини кўтариб ирғишлашар, чилвирларни узишарди, эгаларининг бири сўкинса, иккинчиси хахолаб кўлар эди. Тун бўйи ой ёруғида усти берк аравалар кўчадангишиб чопишар, зовурларга ағдарилишар, шағал

¹ Амур — қадимий рим мифологиясининг таърифича, севги худоси. У қўлида камончаси бўлган қаноатли ўғил бола қиёфасида тасвирланган.

уюмлари устида иргишлаб тепаликлардан пастга гилдираб тушишар, аёллар бўлса арава эшигидан бош чиқариб, тизгинни тортишар эди.

Бертода қолганлар туни бўйи ошхонада ичишди. Болалар тахта курсилар тагида ухлаб қолишди.

Келин отасидан бемаза ҳазиллардан ўзини холи қилишни илтимос қилди. Шунга қарамасдан уларнинг қариндошларидан бири, балиқ сотадиган савдогар (у тўёнага ҳам иккита камбала олиб келган эди) қулф тешигидан сув пуркамоқчи бўлиб турганида Руо ота келиб қолди ва унга куёвининг баобру одам эканлигини ва мана бу ярамас қилиқлар унга нисбатан одобсизлик эканини тушунтирмоқчи бўлди. Лекин қариндош унинг гапларига тезда тушуна қолмади. У ўзича Руо отанинг димоғи шишиб кетипти, деб ўйлади-ю, бурчакда бир тўда бўлиб ўтирган меҳмонларнинг олдига бориб ўтирди, бу меҳмонларга зиёфат вақтида тасодифан тузукроқ овқатлар тегмай қолувди, энди улар аразлашиб, уй эгасининг гийбатини қилишар, ошкор бўлмаса ҳамки, унинг хонавайрон бўлишини тилашарди.

Шарлнинг онаси Бовари хоним бутун кун бўйи чурқ этмай ўтирди. Негаки, келиннинг кийим-боши, тўй зиёфати ҳақида у билан бир оғиз ҳам маслаҳатлашмади! У барвақт кетиб қолди. Унинг эри қолди-ю, Сен-Викторга сигарета учун одам юборди ва эрталабгача чекиб, горг¹ ичиб ўтирди. Бу билан умрида бундай ичимликни кўрмаган улфатларнинг ҳурматига сазовор бўлди.

Аскиня, ҳазилларга нўноқ Шарль тўйида ҳам ўзини кўрсата олмади. Зиёфат бошланиши биланоқ меҳмонлар томонидан унга қарата айтилган ҳазил, қочириқлар, тагдор гаплар, серқочирриқ табриклар, шамаларга ҳам у бошлаб жавоб қайтара билмади.

Лекин эртасига эрталаб у бутунлай бошқа одам бўлиб турди. Гўёки худди у ифратини йўқотгандай эди, лекин ёш қайлиқнинг чеҳрасидан ҳеч нарсани пайқаб бўлмасди. Ҳаттоки, энг ашаддий фисқи фасодчи кишилар ҳам тилларини тишлаб қолишди, Эмма уларнинг

¹ Ароқ ёки ромга шакарли қайноқ сув солиб тайёрланган ўткир ичимлик.

ёнидан ўтаётганда, гапнинг тагига етиш учун суқла-
ниб тикилишди. Шарль бўлса сир сақлашга уринмасди
ҳам. У Эммани фахр билан хотиним дер, уни «сенс-
раб» гапирар, ҳар кимдан хотини унга ёқиш-ёқмасли-
гини сўрар, олдидан бир қадам жилмас, ҳадеб боққа
бошлаб чиқаверар ва меҳмонлар узоқдан Шарль унинг
белидан қучиб сайр қилгани, унинг дам-бадам кўкра-
гига энгашиб корсаж тўрини гижим қилаётганини кў-
риб туришарди.

Шундан икки кун кейин ёшлар Тостга жўнаб ке-
тишди. Шарль беморларни узоқ ташлаб қўя олмасди,
шунинг учун у Бертода ортиқ қололмади. Руо ота улар-
га ўз аравасини берди ва Васонвилгача кузатиб борди.
Шу ерда у қизини охириги марта ўпди, кейин аравадан
тушиб, орқасига қайтди. Юз қадамча юргандан кейин
у орқасига қаради, кетаётган араванинг гилдирагидан
чиқаётган чангини кўриб оғир хўрсинди. У ўтмишни,
ўз тўйини, хотинининг биринчи ҳомиладорлигини эс-
лади. Хотинини орқасига мингаштириб олиб, ойпоқ
дала бўйлаб от чоптириб кетаётган дамларда у ҳам
шод-хуррам эди. Бу ахир рождестводан сўл илгарироқ
эди-да, шунда қор ёққанди. Ушанда хотини бир қўли
билан эрини қучиб олган, иккинчи қўлида саватчаси
бор эди. Ко шаҳрининг нафис тўридан тикилган чепчи-
гининг узун учлари шамолда ҳилпйраб, учиб келиб ор-
зини бекитар эди, у орқасига ўгирилиб, хотинининг чеп-
чининг зар ҳошияси тагидан кўрениб турган, табас-
сумдан ёришган юзини унинг елкасига маҳкам босиб
турганини кўрганди. Ҳар замон-ҳар замонда хотини
бармоқларини унинг қўйнига тикиб иситарди. О, қан-
ча йиллар ўтиб кетди ўшандан бери! Ҳозир ўгли ҳаёт
бўлса ўттизга кирар эди! Чол яна орқасига ўгирилиб
қаради, лекин арава кўздан ғойиб бўлган эди. Шунда
унинг қалби эгалари кўчиб кетган ҳовлидек бўм-бўш
туюлди. Ичкиликнинг ҳовуридан гаранг бўлган боши-
да ҳаяжонли хотиралар билан қайғули фикрлар ара-
лашиб кетди. Бирдан черковга боргиси келди. Бироқ
у ерда кўнгли батарроқ бузилиб кетишидан қўрқиб,
тўғри уйига кетди.

Жаноб Бовари ва Бовари хоним Тостга соат олтида
ётиб келишди. Қўни-қўшнилари докторнинг ёш хотини-
ни кўриш учун деразаларга югуришди.

Оқсоч кампир ўзининг янги бекаси билан саломла-

шиб, уни қутлади, овқат тайёр бўлмагани учун уэр сўради ва ҳозирча уйни кўздан кечиришга таклиф қилди.

V

Ғиштин уй ўзининг олд томони билан кўчага, тўғрироғи, йўлга қараган эди. Эшик орқасидаги қозикда калта ёқали плаш, кичкина юган ва қора чарм фуражка илиглиқ турар, бурчакда эса устида лой қотиб кетган икки пой ботинка юмалаб ётарди. Унг томондаги эшикдан залга, яъни овқатланадиган ва кечқурунлари кириб ўтириладиган уйга кириларди. Гулдасталар нақши солинган, хошияси ўнгиб кетган оч сариқ гулқогоз яхши ёпиштирилмаган бўз астарда титраб турарди. Деразаларда бир-бирининг устига чиқиб турадиган қизил хошияли коленкор пардалар осиглиқ, камининг торғина токчасида эса япалоқ абажурли, кумуш суви юритилган иккита шамдон ўртасида Гиппократнинг боши шаклида ишланган соат ялтираб турибди. Даҳлизнинг қарама-қарши томонида Шарлнинг кабинетига олиб кирадиган эшик бор эди. Эни олти қадамча келадиган бу ҳужрада бир стол, икки курси ва битта кресло турарди. Ҳали саҳифалари кесилмаган бўлса ҳам қўлдан қўлга ўтавериб, титиги чиқиб кетган том-том медицина энциклопедияси арчадан ясалган китоб жавонининг олтига токчасини эгаллаб ётарди. Врач қабулига келган беморлар бу ерда ўтириб, ошхонадан чиққан аччиқ тутун билан нафас олардилар, лекин шуниси ҳам борки, уларнинг йўталган овозлари, ўз касаллари ҳақида бир-бирларига қилган ҳасратлари ошхонадан барала эшитилиб турарди. Кабинетнинг орқасида деразалари ҳовлига, отхонага қараган яна бир — ҳеч ким турмайдиган хона бор эди; бу хона энди ҳам ўтинхона, ҳам ертўла, ҳам омборхона хизматини ўтар, у ерда темир-терсак, бўш бочкалар, ишдан чиқиб қолган соҳибкорлик асбоблари ва ўз вақтида нимага ишлатилгани номаълум бўлган жуда кўп қақир-қуқурлар чанг босиб ётарди.

Унча кенг бўлмаса-да, лекин узунчоқ боғ ўрик дарахтлари қаторларидан кўримай кетган икки лой девор билан иҳота қилинган бўлиб, тоғолча дарахтларидан ҳосил бўлган тўсиққа бориб тақаларди, ундай кейин белоён дала бошланарди. Боғнинг ўртасида тош

тагкурсида қора минералдан ясалган қуёш соати қад кўтариб турибди; тўртта қуриган наъматак фойдали экинлар жўягини ҳар томондан ўраб турарди. Богнинг этагида, катта қарағай дарахти остида китоб ўқиб турган руҳонийнинг гипсдан ясалган ҳайкали ўрна-тирилган эди.

Эмма иккинчи қаватга кўтарилди. Биринчи хонада ҳеч қанақа жиҳоз йўқ эди, иккинчисида — эр-хотин учун ётоқхона ҳисобланган хонанинг тўрида, қизил чодир тагида, қизил ёғочдан ишланган каравот турар, комоднинг устида чиганоқлар билан безатилган қутича диққатни ўзига жалб этар, дераза олдида турган сёкретер¹ устига оқ атлас лента билан боғланган оқ гуллар дастаси графинга солиб қўйилган. Бу никоҳ гулдастаси, биринчи хотинининг гулдастаси эди! Эмма унга галати қараб қўйди. Бунини Шарль сизди ва гулдастани чердакка олиб чиқиб қўйди, ёш жувон эса унинг нарсаларини кўзи олдида шу ерга қўйишларини кутиб, креслога ўтирди ва картон қутида ётган ўзининг никоҳ гулдастасини эслади ва ўзига: «Борди-ю, мен ҳам вафот этсам, менинг никоҳ гулимнинг ҳоли нима кечаркин?» деб савол берди.

Дастлабки кундан бошлабоқ Эмма янгиликлар кирита бошлади. Шамдоннинг абажурини олиб ташлади, хоналарга янги гулқоғозлар ёпиштирди, зинапояларни яширдан бўяттирди, боғда қуёш соати атрофига сизмайкалар қўйдирди ва ҳаттоки, қандай қилиб фонту ва балиқлар билан ҳовуз қурса бўларкин, деб суринтирди бошлади. Ниҳоят, хотинининг извошда юришнинг яхши кўрганини пайқаган эр фурсат топиб, икки ўрналиқ шарабани сотиб олди. Унга янги фонуслар қўйди; бахиялаб тикилган чармдан янги қанотлар қўйилган туфайли у тильбюри²дан қолишмасди.

Хуллас, Шарль берубор бахтидан лаззатланар эди. Биргаликда овқатланиш, хиёбон бўйлаб қилинган кечки сайрлар, хотинининг сочини тўғрилаб қўйиш учун қилган ҳаракати, тутқичида осилиб турадиган унинг шляпаси ва аввали унга нотаниш бўлган жуда-жуда кўп майда нарсалар у учун ҳузур-ҳаловатнинг битмас-

¹ Жавоннинг бир тури.

² Т и л ь б ю р и — бир от қўшилган икки гилдиракли ошқ арава.

туганмас манбаи эди. Эрталаблар Шарль Эмма билан бир ўринда ётар экан, хотинига тикилар, чепчик бурмалари сал-сал бекитиб турган нафис пушти ёноқларидаги туклар қуёш нурида йилтирганини томоша қиларди. Мана бунингдек яқиндан, айниқса, у уйғона туриб, қовоқларини дам очиб, дам юмганида кўзи аввалгидан ҳам каттароқ кўринарди: сояда қора, ёруғда тўқ зангори, чуқурроғида қуюқ, оқига яқинлашган сари ёришиб борувчи бу кўзлар худди бир мунтазам равишда ўрнаштирилган ранглар қатлаמידан ҳосил бўлгандек туюларди. Шарлининг кўзи бу гирдоблар ичига фарқ бўлар, Шарль у ерда кичрайтирилган аксини, фақат елкасигача, бошидаги ҳарир рўмолику ёқавайрон кўйлагини кўрарди. Шарль ўрнидан турарди. Эмма деразага бориб, унинг орқасидан кузатиб қолар, дераза раҳидаги яронгул солинган иккита тувакча оралиғига тирсагини қўярди, унинг нафис, кенг тун кўйлаги гавдасига ёпишиб турарди. Шарль кўчага чиққандан кейин оёғини тумбага қўйиб, шпорини қадарди. Эмма тепада гул баргиними ёки хасними чайнаб туриб, у билан гаплашарди. Кейин у хасни Шарль томон пуфларди, у қушдек гўр айланиб, ҳавода анча учиб юрар ва ерга тушмасдан эшик олдида қимир этмай турган қари оқ биянинг паҳмоқ ёлига ёпишарди. Шарль отга мингач, Эммага қўл силкиб бўса юборар, Эмма жавобан бошини ирғар, деразани бекитар, Шарль жўнаб кетарди.

Шарль лентасимон чангли катта йўлдан, сўқмоқлардан, эгилган шох-шаббалар тагидан, бошоқлар тиззага уриладиган уватлардан кетаркан, елкасини қиздираётган қуёш ҳароратидан ҳузур қиларди. Сабонинг салқин ҳавосидан нафас олар ва борлиги ўтган туннинг масталаст қилувчи хотиралари қучоғига фарқ бўларди. Қалби осойишта, ҳирслари қаноатланганидан у шод, ҳазм бўлаётган лаззатли таомнинг киши оғзида мазаси қолганидек, у ҳамон кечаги роҳатларнинг ҳузурини суради.

У авваллари ҳеч қачон бахтиёр бўлганми? Ё ўша колледждами? Баланд тўрт девор ичида қамалиб, ўзидан бой ва қобилиятлироқ тенгдошлари ичида ғариб бўлиб юрган кезларидами? Унинг қишлоқча талаффузидан кулиб, кийимларини калака қилишган вақтларидами? Ёки уларнинг оналари болаларига ширин-

ликлар келтириб, бунга кўз-кўз қилишганидами? Ёки бўлмаса кейинроқ, шифокорликка ўқиб юрган пайтларидами? Чўнтагида бир мириси ҳам бўлмай, ҳар замонда кўнглига ёққан бир ишчи қизнинг кўнглини олиб, рақсга таклиф қилиш учун музикантга кадрил буюришга ҳам қурби етмаган кезларидами? Кейин анови бева билан бир йилу икки ой яшади. У ўринга ётганда оёқлари муздан баттар совуқ бўларди. Мана энди умрининг охиригача жонидан ҳам азиз латофатли аёлнинг ҳузурини суради. Бутун дунё унинг учун Эмманинг ҳарир қўйлаги ихотасида! Шарль ўзини бемехрликда айбларди, уни соғинарди. У уйга шошиларди, юраги дук-дук уриб, зинадан чопиб чиқарди. Эмма ўз хонасида пардоз қилиб ўтирган бўларди. Шарль оёғининг учида аста-секин бориб, унинг елкасидан ўпарди, у чинқирарди.

Унинг тароғига, дуррачасига, узукларига тегмасдан туролмасди, ҳали ёноқларидан сўриб, ҳали бармоқларининг учидан то елкасигача энтикиб ўпиб чиқарди, Эмма бўлса ярим эркалик, ярим жаҳл билан худди ёш бола этагингизга ёпишганда қандай итарсангиз, худди шундай ноз билан уни аста итариб қўярди.

Тўйга қадар Эмма уни севаман деб фараз қиларди. Бироқ энди бу севгидан вужудга келадиган бахтдан дарак йўқ эди. Шунда Эмма «хато қилдим» деган хулосага келди. Лекин у ҳамон китобларда унга шу қадар ажойиб туюлган «ҳузур-ҳаловат», «ҳирс», «завқ-шавқ» деган сўзларнинг асли маъносига тушунишга ҳаракат қиларди.

VI

Эмма болалик чоғида «Поля ва Виргиний»¹ деган романи ўқиган эди ва кейин анчагача бамбук чайла, негр Доминго, Фидель номли кучук ҳақида узоқ хаёл сурган, лекин ҳаммадан кўпроқ кичкинтой, жажжигина укаси билан ширин дўстлиги ҳақида ўйларди, у ахир бу учун черковнинг мезаналаридан ҳам баланд бўлган катта дарахтлардан мева узиб тушар ёки унинг олдига қўлида қуш уяси билан қум устидан яланг оёқ чопиб келарди.

¹ Француз ёзувчиси Ж. Бернарден де Сен Пьернинг (1737—1814) экзотик табиат қучоғида икки ёшнинг севгисизли ҳикоя қилувчи романи.

Эмма ўн уч ёшга тўлганда отаси уни шаҳарга олиб бориб монастырга берди. Улар Сен-Жерве кварталидаги карвон саройга тушишди. Улар мадемуазель де Лавальер¹нинг ҳаётидан парчалар чизилган тарелкаларда таом келтиришди, пичоқнинг учи тегавериб, ажи-бужи бўлиб кетган бу ғалати ёзувлар диний нафосатни, ҳассосликни ҳамда қирол саройининг дабдаларини кўкларга кўтарарди.

Дастлабки кунларда Эмма монастырда ҳеч зерикмади. У монах аёллар билан яхши яшади, улар Эмманинг кўнглини кўтариш учун ошхонага узун йўлак воситаси билан қўшиладиган кичик бутхонага олиб борардилар. Танаффус вақтларида у унча шўхлик ҳам қилмасди. Катехизис² дарсини енгил ўзлаштирар ва монахлар пешвосининг қийин саволларига ҳар гал у жавоб берарди.

Синфларнинг гулхонадек илқ қучоғи, мис бутлик тасбеҳ доналарини ўгириб юрадиган ранглар аёлларнинг парвоналиги билан ардоқланган Эммани, анови, ибодатхонага хос ҳидларидан, муқаддас сув солинган идишларнинг совуқлигидан, шамларнинг алангасидан ақиб турадиган элитувчи сирлар аста-секин сеҳрлаб бормоқда эди.

Ибодат маҳалида у дуо ўқиш ўрнига ўз китобидаги атрофи ҳаво ранг нақшлар билан ҳошияланган диний-ахлоқий мазмундаги суратларни томоша қиларди. Суратлардаги хаста қўзичоқ ҳам, камоннинг ўткир ўқи санчиб ўтган Исоини Масихнинг қалби ҳам, бутнинг оғирлигидан қадди букилган бечора Исо ҳам унга ёқарди. Кунлардан бир кун у дин йўлида нафсини қурбон қилиш қобилиятини синаш учун кун бўйи овқат емасликка уриниб кўрди. У, қанақа назр берсам экан, деб бош қотирди.

Эмма тавба-тазарруга кета туриб, атайлаб ҳар ким гуноҳларини ўйлаб топарди, бундан мақсад: черковда — ярим қоронғиликда тиз чўкиб узоқроқ ўтириш, қўлларини қовуштириб, панжарага юзини қўйганча

¹ Лавальер Франсуаза Луиза де (1664—1710) — француз қироли — Людовик XVI нинг маъшуқаси. Қирол уни ташлаб кетганда Лавальер монастырга кирган.

² Катехизис — христиан диний ақидалар савол-жавоб тарзида қисқача баён этилган китоб.

руҳонийнинг шивирлашини эшитиш эди. Айниқса, хутбаларда тез-тез такрорланиб турадиган қайлиқ, эр-хотинлик, самовий маҳбуб, абадий никоҳ ақидаларининг образлари негадир унинг кўнглини юмшатарди.

Одатда оқшомлари, ибодатдан олдин уларга бирор диний-ахлоқий китоблардан: чунончи, оддий кунларда — қисқа қилиб ёзилган тарихи муқаддасдан парчалар ёки аббат Фрейсинун¹нинг суҳбатидан, якшанба кунлари бўлса хилма-хиллик учун христианликнинг руҳи²дан айрим жойларини ўқиб беришарди. Бу дунё ва мангуликнинг ҳамма даъватларига акс садо берувчи романтик талқинлар куйини у нақадар завқ билан тинглар эди! Башарти унинг болалиги бирор шаҳарнинг савдо кварталида, дўкон ёнидаги уйда ўтган бўлсайди, уни табиатдан завқланиш ҳисси қамраб олган бўларди, одатда бундай ҳис китоблардан юқарди. Бироқ, у қишлоқни яхши биларди: подаларнинг маъраши, сут маҳсулотлари, сўқалар — буларнинг ҳаммаси унга жуда ҳам қадрдон, таниш эди! У оддий манзараларга ўрганиб кетган, шунинг учун ҳам уни ҳамма фавқулодда нарсалар ўзига тортарди. Денгиз бўлса пўртанали бўлсин, кўкат бўлса албатта харобалар орасидан ўсиб чиққан бўлсин. Эмма ортиқ даражада таъсирчан эди, уни табиатни тасвирлашдан кўра, туйғуларни изҳор этиш кўпроқ ҳаяжонлантирарди. Ҳар бир ҳодисадан фақат ўзининг талабларига жавоб берадиган ерини ахтарар, руҳий талабини қондира олмайдиган нимаики бўлса, ҳаммасини кераксиз бир нарсадек итқитиб ташлар эди.

Қариган бир чевар қиз ойда бир марта монастырга келиб, бир ҳафта туриб кетарди. У революция даврида хомавайрон бўлган эски дворянлар авлодидан эди. Шунинг учун архиепископнинг ўзи унга ҳомийлик қилар ва у монах аёллар билан ўтириб бирга овқатланар эди, овқатдан кейин то қўл ҳунар дарси бошлангунча булар билан у ёқдан-бу ёқдан гурунглашиб ўтирар эди. Пансионеркалар³ кўпинча дарсдан қочиб унинг олдига югуришарди. У ўтган асрнинг севги ҳақидаги қўшиқлари-

¹ Фрейсинун Дени (1765—1841).— Француз ваъзгўйи.

² Христианликнинг руҳи — машҳур француз ёзувчиси Ф. Шатобрианининг католицизми маҳтовчи китоби (1768—1848).

³ Пансионда ўқийдиган қизлар.

нинг ҳаммасини еддан биларди ва қатим тортиб ўтириб шулардан айтарди. У ҳар хил воқеалардан гапириб берар, янгилıklar келтирар, истаган топшириқни шаҳарда бажариб келар ва ҳамма ерда фартугининг чўнтагига солиб, ўзи билан олиб юрадиган романларни юқори синф қизларига яширинча берар, танаффус вақтларида ўзи ҳам бутун-бутун бобларни бош кўтармай ўқиб чиқарди. У китобларда фақат ишқ-муҳаббат ҳақида ёзилган бўларди; ўйнашлар, маъшуқалар, жазманч кўп хотинлар, кимсасиз айвонларда ўзидан кетиб қоладиган жувонлар, ҳар бир бекатда ўлдирилган кучерлар ҳақида ёзилган бўларди. Китобнинг ҳар бир саҳифаси қолдан тойиб ўлган отлар, қалин ўрмонлар, юрак дард-ҳасратлари, қасамёдлар, кўз ёшлари, ўпичлар, ой ёруғи тушиб турган енгил қайиқчалар, чакалакзорлардаги булбул наволари, шер каби ботир, қўзичоқдек беозор қаҳрамонлар, беқиёс саҳоватли, беками кўст кийинган, кўз дарё-дарё ёшларга тўлиб-тошган бўларди. Ун беш ёшли Эмма ярим йил давомида қўҳна китобларнинг мана шу чанги билан нафас олди. Кейинроқ Вальтер Скоттнинг асарлари унда ўтмишга қизиқиш уйғотди, унинг дарди фикри далачиларнинг кулбалари, катта меҳмонхоналар, сайёр хонандалар бўлиб қолди. У қадимий қасрларда яшаш, корсаж кийиб ва дераза тоқчаларига тирсагини тираб, бошини қўлларига қўйиб, миноранинг тепасидан, улар томон қора тулпор чоптириб келаётган, шляпасига оқ укпар таққан рицарларни кўриб турган ўша замон хонимлари каби ҳаёт кечирини истарди. Ўша пайтларда у Мария Стюартга сажда қилар ва донги кетган бахти қаро аёлларни қаттиқ севарди. Жанна д'Арк, Элоиза, Агнесса-Сорель, гўзал Ферроньера ва Клеменже Изорлар барчаси даврларнинг тим қора зулматидан унинг кўзлари олдида худди юлдузлар каби намоён бўлардилар ва яна зулмат

¹ Элоиза — XII асрнинг машҳур диний олими ва файласуф Абелар севиб қолган ва ўзининг фожнали севгиси ҳақида «Мушибатларимнинг тарихи» китобида ҳикоя этилган қиз. Элоиза — бахтсиз маъшуқалар учун рамзий исм бўлиб қолди. Сорель Агнесса (1422—1450) — француз қироли Карл VII севгилиси. Ферроньера (1515—1547) — француз қироли Францисканинг лақаби гўзал бўлган маъшуқаси. Изор Клеменже (1450 йилда туғилган) — Бир аср илгари мода бўлган традицион адабий мушоираларни қайтадан тиклаган аёл.

ичида ҳар ер-ҳар ердан кўзга ташланган ва бир-бири билан ҳеч қанақа ўхшашлиги бўлмаган Людовик — Авлиёнинг эман дарахти тагида ўтириши, Баярнинг ўлими, Людовик XI нинг ваҳшийлиги, Варфоломей тунидаги воқсалар. Беарнец¹ шляпасидаги жигга ва шубҳасиз, Людовик XIV ни мақтаб чизилган расмли тарелкалар унинг хотирасида бир умрга сақланиб қолган эди.

Музыка дарсида у фақат олтин қанотли фаришталар ҳақида, мадонналар, кўрфазлар, гондола ҳайдовчилар ҳақида ёзилган романсларни куйларди ва бу бамаъни оҳанги тутуруқсиз беозор нарсалар орасидан қалб дунёсининг ғайри оддий манзаралари намоён бўларди. Эмманнинг дугоналари монастирга янги йилга ҳадя этилган кипсек²лар олиб келишарди. Уларни яшириб қўйишга тўғри келар эди, лекин бу унча осон эмасди, чунки уларни фақат ётоқхоналарда ўқишарди. Эмма китобнинг ажойиб атлас муқоваларига қўли тегиши билан шеърлар остида кўрсатилган, унга номаълум бўлган ва кўпинча граф ва виконтлардан иборат авторларнинг исмига завқ билан боқарди. Унинг нафасидан нафис хитой қоғоз эгилиб юқорига кўтарилар, кейин яна астагина гравюра устига ёпиларди, шунинг ўзинёқ Эмманнинг вужудини титратиб юборар эди. Бу нафис қоғоз гоҳ болохонанинг жимжима панжараси орқасида, ёнида ҳамёнча осилган оқ кўйлакли қизни қучиб турган плашли йигитни бекитар, гоҳ похол шляпаси тагидан катта-катта шахло кўзлари билан қараб турган тилла ранг гажакли номаълум ингилиз ледиларининг суратларини ниқоблар эди. Мана шу леди-

¹ Людовик IX (1226—1270) — лақаби Авлиё — Франциянинг қироли 7 ва 8-салб юришлари иштирокчиси, ўша даврнинг одатига кўра, Париж яқинидаги Бенсенне деган ердаги ўз резиденциясидаги эман дарахти тагида ўтириб суд қиларди. Баярд Пьер дю Терайль — (1473—1524), ўзининг дойураклиги билан мислсиз рицарь деб донг чиқарган француз саркардаси, жанг майдонида ҳалок бўлган. Людовик XI (1461—1483) — Франция қироли подшоҳлик ҳукмини мустаҳкамлаш учун феодаллар билан шафқатсиз кураш олиб борган, ўз душманларини омон бермай қирган. Варфоломей туни француз протестантларининг католиклар томонидан 24 августга ўтар кечаси (1572 йил) уриб ўлдирилган, шунда ўлганларнинг соми 30 мингдан ошиб кетган. Беарнец — француз қироли Генрих IV (1589—1610) нинг лақаби.

² К и п с е к — асосан суратлардан иборат бўлган жуда чиройли қилиб ишланган китоб ёки альбом.

лардан бири боғ бўйлаб гилдираб кетаётган коляскада ёнбошлаб ётарди, коляскага қўшилган отларни оқ тор тўқима шим кийган иккита ёш бола ҳайдаб борар, олдида този ит сакраб-сакраб кетар эди. Бошқа леги юмшоқ, кенг диванда паришонхотир ястланиб ётар ва ёнига очилган мактубни қўйганича қора пардаси андак туширилган очиқ деразадан ойга боқарди. Юмшоқ кўпгилли қизлар кўз ёшларини дув-дув тўкиб, готик услубида¹ ясалган қафасларнинг чивиллари орасидан мусичалар билан ўпишишар ёки бошларини сал қийшайтирган ҳолда лабларида табассум билан худди туфлиларининг учидан ҳам ўткир, қайрилма бармоқлари билан дасторгул баргларини узишар эди. У ерда сиз ҳам бор эдингиз, шийпон бостирмаси тағида қўлларини чапим, раққосалар оғушида ҳушлари оғиб ёнбошлаган султонлар, ғайри динлар, турк қиличлари, фаслар² бор, лекин у саҳифаларда сиз сероб ўрин олгансиз, жаннат бурчакларини тасвир этувчи туси ўчган суратлар. Бу суратларда биз хурмо дарахтини ва унинг ёнида арча дарахтларини, ўнгда йўлбарс, чапда шер, узоқда татар минораси, олдинги планда қадимий Рим харобалари, парироқда, ерда чўкиб ётган туяларни кўрамыз. Лекин буларнинг икки томони соф ва ажойиб покиза ўрмон билан ўралган, ёғдулари сув сатҳида кул ранг пўлат парчаларга бўлиниб-бўлиниб кетган улкан қуёшнинг тикка нури билан ёритилган, сув сатҳида эса оқ қушларнинг сузиб юришлари тасвир этилган.

Ўтоқхона сукунатида, узоқдан аллақандай бульвардан эшитиладиган кечиккан пролетканинг тақа-туқи остида Эмманнинг хаёлидан бетўхтов лишиллаб ўтаётган ер куррасининг мана бу барча манзараларини, қизининг боққинасида осилиб турган абажур остидаги чироқнинг нури ёритарди.

Онаси вафот этган кунлари у аввал жуда кўп йиғлади, кўз ёши тинмади. Марҳуманинг соч толаси узун мотам рамка буюрттирди. Отасига ёзган, ҳаётнинг азоб-изтиробларидан нолишлар тўлиб-тошган мактубида эса ўлганда унинг ҳам онасининг қабрига кўмишларини

¹ Европада ўрта аср охирида бўлган архитектура услуби.

² Ваъзи Яқин Шарқ мамлакатларида бош кийими — ҳожп дўппи.

илтижо қилди. Чол, қизини бетоб бўлиб қолди, деб ўйлаб, унинг ёнига жўнади. Эмма юрагининг бир чеккасида, ҳаётнинг барча шодликларини тарк эта олишдек оғир мақсадга, оддий одамларнинг қурби етолмайдиган мақсадга эриша олганидан мамнун эди. Хуллас, у Ламартин¹ тўрига илинди ва унга чилторларининг оҳанглари, кўлларда оққушларнинг сайраши, тўкилаётган баргларнинг шитирлаши, кўкларга парвоз этувчи кифатли қизлар, ҳодийда янграган мангулик садоси эшитилаётгандай туюларди. Булар ҳаммаси тез кунда унинг кўнглига урди, лекин бунга ўзи иқрор бўлгани келмас, бошда одат бўлиб қолгани учун кейин иззатнафси туфайли қайғуришда давом этди, охири бориб, ўзидан-ўзи овуниб қолганини сезиб, жуда ҳайрон қолди. Юрагидаги аламлардан, пешанасидаги ажинлардан асар ҳам қолмади.

Бошидаёқ унинг лаёқатини шунчалик зийраклик билан пайқаган оқ кўнглил монах аёллар, энди чамаси мадемуазель Руо уларнинг таъсиридан чиқиб кетаётганини англаб, қаттиқ ҳайратга тушган эдилар. Улар Эмманинг ибодатни қилмаслигини қаттиқ таъқиб қилар, дунёдан воз кечмоқ ҳақида тез-тез гап очишиб туришар, дуоларни, ўғитларни аямас, жафо чеккан авлиёларни ҳурматлаш кераклигини уқтирар эдилар. Улар шунчалик кўп доно маслаҳатлар: чунончи, нафсини қандай қилиб тийиш, руҳини қандай қилиб қутқармоқ кераклиги ҳақидаги насиҳатларни қулоғига қуявериб, уни шу аҳволга солишдики, у худди юганидан ҳадеб тортилаверган отдек таққа тўхтади-ю, оғзидан юганини чиқиб тушиб кетди. У ўзининг шавқ-завққа тўлган бўлиши билан бирга сермулоҳаза қиз эди. Черковда унга ҳамма нарсадан кўра кўп гуллар, музыкада романеларнинг байтлари, китобларда ҳис-ҳаяжонлари ёқарди. Сири-асрорини эса у рад этган эди ва ҳаммадан кўп гашига тегадиган нарса, унинг руҳий дунёсига вид бўлган ҳамма нарсаларга кўр-кўрона итоат қилиш эди. Отаси келиб уни пансиондан олиб кетганда, ҳеч кимнинг юраги ачишмади. Ҳатто монастирь нозираси ҳам кейинги пайтларда Эмманинг монах аёлларга унчалик ҳурмат-эҳтиром қилмаслигини сезиб юрганди.

¹ Ламартин Алфонс де (1790—1869) француз шоири, тарихчи ва давлат арбоби.

Уйига келган кунлар у хизматкорларни зир югуртирди, лекин қишлоқ жуда тез кўнглига урди, монастырдан кетганига ачинди. Шарль биринчи марта Бертога келган кезида Эмма турмушдан бутунлай ҳафсаласи пир бўлганлигини, дунёда ҳамма нарсани билиб, татиб кўрганлигидан ҳаётнинг қизиғи қолмаганлигига чуқур ишонган эди.

Бироқ ҳар бир янгиликка ташналик таъсириданми ёки Шарль олдида унинг борлигини асабий ҳаяжон қамраб олганиданми, хуллас, шу чоққача унинг тасавурида беқиёс гўзал самонинг ёғдусида қанот қоққан жаннат қушлари каби кўринган ажойиб ҳиссиёт ниҳоят учиб келганига бирдан ишонди қўйди. Мана, энди бўлса мана шу оҳиста кечаётган кунлар орзу қилган ўша бахт-саодатнинг ўзгинаси эканлигига ўзини ишонттира олмасди.

VII

Баъзан хаёлига, бу кунлар унинг ҳаётида никоҳдан кейинги «асал ойна» деб аталадиган энг ширин кунларку, деган фикр келарди. Лекин уларнинг ширинлигини сезиш учун оҳангдор номли ўлкаларга, тўйдан кейин маст-аласт этувчи, фароғат кечириш мумкин бўлган ўлкаларга кетмоқ керак экан-да!

О, қачон энди, зангори шойи пардали каретага ўтириб, тоғнинг тик бағридан кетсанг, кучернинг қўшиғини, эчкиларнинг бўйнига осилган кўнғироқларнинг жаранг-журунгини, шаршараларнинг бўғиқ гулдурослари-ю ва бу овозларнинг тоғ бағрига урилиб чиқарган акси садосини эшитсанг! Кун ботиш олдида кўрфаз қирғоқларида ўтириб, лимон дарахтларининг муаттар исларидан нафас олсанг, оқшомлари эса меҳмонхоналарнинг айвонида иккаланг танҳо, қўл ушлашиб юлдузларга тикилсанг, истиқбол ҳақида орзулар қилсанг! Эмма, дунёда шундай ерлар борки, -у ерда бахт мавж уради, деб ўйларди, буни у бир ерда яхши кўкариб, иккинчи ерда шунча парвариш қилсанг ҳам яхши унмайдиган ўсимликларга таққос қиларди. Ҳозир Швейцариядаги қанақадир бир уйда, балкон панжараларига суяниб туришни нақадар истарди Эмма ёки шотланд коттеджида ўзи паришонлигини яширса, фақат ёнида

эргинаси — устида орқа этаги узун, қора бахмал фрак, оёғида юмшоқ этик, бошида учбурчак шляпа ва оёғларидан тўр манжетлари чиқиб турган эргинаси бўлса!

Эҳтимол, Эмма ўзининг руҳий кечинмаларини бирор кимсага айтиш эҳтиёжини сезаётгандир. Бироқ, ҳеч ифодалаб бўлмайдиган, булутлардек ўзгарувчан, шамолдек тез учар ташвишни қандай изҳор қилиб бўлади? Буни ифодалашга сўз ҳам, баҳона ҳам йўқ эди, юраги ҳам дов бермасди.

Шундай бўлса ҳам унинг назарида, башарти Шарль истаса, башарти фаросати етса, башарти у Эмманинг фикрига бир қиё боқиш билан жавоб берса, Эмма кўксидан пишиб ётган барча гурбатлар ундан ажралиб, шу дақиқанинг ўзида ташқарига отилиб чиқарди. Дарахтларда пишиб ётган меваларни бир силкитсанг, худди шундай узилиб тушадилар. Бироқ бу узилиш, гарчи уларнинг ҳаёти тобора яқинлашиб бораётган бўлса-да, Эмманинг ички дунёсида юз берар, ташқарида акс садо бермас эди, бу уни Шарлдан узоқлаштирмоқда эди.

Шарлнинг гаплари ширасиз, сийқаси чиққан бегона фикрлар бўлиб, улар худди бир илга тизиб қўйилгандек на бир ҳаяжон уйғотади, на бир кулки, на бир юракка бориб тегеди. Руанда яшаб ҳали бирор марта театрга бормаганига, Париж актёрларини кўришга қизиқмаганига унинг ўзи ҳам иқрор эди. У сузишни ҳам, қиличбозликни ҳам, тўппонча отишни ҳам билмасди ва ҳаттоки, бир кун Эмма ўқиган романида от миниш ҳақида бир жойни аниқлашга тўғри келганда, шуни ҳам тушунтириб беролмади.

Ахир эркак киши ҳамма нарсадан хабардор, ҳамма вақт бир поғона юқорида туриши, хотин кишида эҳтирос уйғотиб, унга ҳаётнинг мураккаб томонларини очиши ва унга ҳаёт икир-чикирлари сирларини очиб бериши керак эмасми? Лекин у ҳеч нарсага ўргатмасди ҳам, ҳеч нарсани билмасди ҳам, билишни истамасди ҳам. Эмма роҳатда, деб ўйларди. Унинг боқибегамлиги, ўз-ўзига қаттиқ ишонishi, у билан бахтли эканлигидан хурсандлиги ҳам Эмманинг гашини келтирар эди.

Эмма баъзан расм соларди, унинг олдида туриш Эмманинг қоғоз тепасида энгашиб, кўзларини сузиб солган расмига қараш ёки бош бармоқлари билан чон бўлакчасини эзгилашини томоша қилиб туриш Шарлга роҳат бағишларди. У фортепьяно чалганда эса унинг

бармоқлари қанча тез ҳаракат қилса, Шарль шунчалик завқланарди. Эмма ўзига ишонч билан фортепьяно клавишларини тўхтамасдан босиб чиқар эди. Эмма зарб билан чалаётган эски фортепьянонинг дириллаган овози очиқ деразадан қишлоқнинг нариги томонларидан ҳам эшитиларди ва суддан қоғоз олиб кетаётган котиб бош яланг, оёғида шиппак, йўлда тўхтаб қулоқ соларди.

Бу фазилатларнинг устига Эмма ажойиб абжир аёл ҳам эди. Беморларга келиб-кетганлари учун бирорта расмий сўз аралашмаган нозик хат ёзиб, ҳисоб юборар эди. Якшанба кунлари уларникига қўшниларидан бирор қиши тушлик овқатга келса, у ҳамма вақт тансиқ таомларни ўйлаб чиқар, йирик-йирик, серсув, ширин олхўриларни узум баргларининг устига чиройли қилиб териб қўяр, қиёмларни кичкина ликопчаларда келтиришларини текшириб турар, ҳаттоки, ширинлик ейилгандан кейин оғизни чайиш учун кичкина тоғорачалар ва стаканлар олиш кераклиги тўғрисида кўп гапирар эди. Булар ҳаммаси элда Шарлнинг обрўсини оширарди. Ниҳоят, у ўзи ҳам шундай хотини борлигидан ўзини ҳурмат қила бошлади. У фахр билан узун яшил ипда осиялиқ турган, хотини қалам билан чизган икки расмни меҳмонларга кўрсатарди. «Буни катта рамкага мен солдириб қўйдим», — деб кериларди. Ибодатдан қайтаётганлар унинг гул тикилган туфли кийиб ҳовлисининг дарвозаси олдида ўтирганини кўришлари мумкин эди.

Шарль беморлар олдидан кеч қайтарди, одатда есат ўн ва баъзан ўн иккиларда келарди. У овқат сўрар, хизматчи хотин ухлаб қолган бўлеа, Эмманинг ўзи унга овқат келтирарди. Усини эркинроқ сезиш учун у спортугини ечиб ташларди. У бугун кимларни кўрди, қайси қишлоқларда бўлди, қандай дорилар ёзиб берди, ҳаммасини гапириб ўтирарди ва ўзидан мамнун бўлиб, яхна бузоқ гўштидан ер, пишлоқ чўқилар, олма гажилар, графинни бўшатар, кейин ётоқхонага кириб чалқанча тушиб ётарди-ю, шу заҳоти хуррак ота бошларди.

Олдинлари Шарль кечаси бошига қалпоқ кийиб ётарди, шу сабабдан энди нафис рўмолча бошида турмасдан тушиб кетаверарди. Эрталаб турганида, кечаси боғичлари ечилиб кетган ёстиқ жилди ичидан чиққан нарлар ёлиниган, ҳуртайиб кетган сочлари пешанасида

осилиб турар эди. Қишин-ёзин у қўнжи узун, гижим-гижим бўлиб юрадиган, бошлиғи худдя ёғочга кийгизиб қўйгандек эгилмайдиган, тахтакачдек этик кийиб юарди. «Қишлоққа шу ҳам бўлаверади», — дерди.

Шарлнинг бундай қурумсоқлиги онасига ёқарди: у аввалгидек, эри билан ораларида гиди-биди гап ўтса, ўглиникига келарди. Лекин келинига нисбатан катта Бовари хоним чамаси ҳали ҳам нотўғри тушунчада эди: «Эмма кўрпасига қараб оёқ узатмайди; ўтин, қанд ва шамлар бадавлат хонадонларда қанча сарф қилинса, уникида ҳам шунча сарф бўлади, ошхонада бўлса бир кунда шунча кўмир ёқишадикки, бу кўмирларга йнгирма беш марта овқат пиширса бўлади», — дерди. У шкафта кирларни тахлар экан, Эммага қассоблар уйга олиб келадиган гўштларни билиб, текшириб туришини ўргатарди. Эмма унинг насиҳатларини индамай эшитар, катта Бовари хоним бўлса сўзни аямасди; куни билан қайнана-келинининг оғзидан «қизим», «ойи-жон» деган сўз тушмасди. Бу сўзларни улар тил учида айтишар, кикиси ҳам бир-бирига ширин гапларни газабдан титраган овоз билан гапирарди.

Сампур, Дюбюк хоним даврида Шарлнинг хотинидан ҳам кўра онасига кўпроқ меҳрибонлигини сезарди, лекин энди Шарлнинг Эммага бўлган муҳаббати ўглининг онага нисбатан совуганидан далолат беради, деб ҳисоблар, буни ўзининг шахсий мулкига тажовуз деб биларди. У ўглининг бахтига индамай, ҳасрат билан қарарди, хонавайрон бўлган бой, бир вақтлар ўзиники бўлган уйнинг ойнасидан мўралаб, у ерда ўтирганларга шундай кўз билан қарайди. У Шарлга ўтган кунларни кўп гапирарди, бундан асосий мақсад — онаси у учун қанчалик машаққатлар чеккан, қанақа қурбонлар берганини эслатиб қўйиш эди. Хотини у учун шунчалик меҳрибон эмаслигини, ўглининг ҳам хотинига шунчалик парвона бўлишига асоси йўқлигини тунтирмоқчи бўларди.

Шарль нима деб жавоб беришини ҳам билмасди, у онасини ҳурмат қилар, хотинини эса жонидан ортиқ севар эди; онасининг фикри у учун бир қонун, лекин Эммага ҳам таъна қиладиган бир асос йўқ. Онаси кетгандан кейин у ийманиб, онасининг гапларидан ўндан бирини оёкингина такрорламоқчи бўлса, Эмма шу за-

ҳотиёқ ортиқча гап-сўзсиз унинг ноҳақ эканини тушунтириб, беморлари олдига жўнатарди.

Шундай бўлса ҳам Эмма ўз нуқтаи назарида доно қоидаларга риоя қилиб, эрини севишлигига ўзини ишонтиришга уринарди. Боғда, ойдин кечаларда у ёд билган ҳамма ишқий шеърларни эрига ўқиб берарди ва хўрсиниб, мунгли ашулаларидан айтиб берар, лекин буларнинг биттаси ҳам ўзини ҳаяжонга солмас, Шарлнинг ҳам қалбига бориб тегмас, ҳайратга ҳам солмасди.

Ниҳоят, Эмма шунга иқрор бўлдики, у ҳеч қачон ўз юрагидан учқун сачрата олмайди, бунинг устига ўзи сезмаган нарсани тушунишга қобилияти йўқ, ҳаёт қоидалари чизиб қўйган чегарадан чиқиб бўлмайди, шунинг учун у Шарлнинг ҳис-туйғусида ҳеч қанақа ғайри табиийлик йўқлигига осонгина ишонди қўйди. Шарль ўз эҳтиросларини маълум бир тартибга солиб намоён қилар эди, маълум бир соатда у Эммани эркалар эди. Бу ҳам у учун гўё бир хил овқатдан сўнг бериладиган ширинликка дам сақлаганга ўхшаган бир одатга ўхшарди.

Урмон қоровули, доктор уни зотилжам касалидан боқиб тузатгани учун Бовари хонимга овчи ит тақдим қилди, Эмма сайрга чиққанда уни ўзи билан бирга олиб чиқарди. У баъзан ҳеч бўлмаса бир оз ўзи танҳо қолиши ва ўша боғ ва ўша чанг йўлни ҳадеб кўравермаслик учун уйдан чиқиб кетарди.

У Банзиль қайинзоригача борарди, бу ерда далага бурчак бўлиб тушган хароба бир кулба турарди, ўт босиб кетган зовурдан узун қамиш тепага қараб ўсган эди.

Эмма энг аввал, ўтган галдан бери бу ерда ҳеч нарса ўзгармадимикан, деб қараб чиқарди. Лекин ҳаммаси бояги-боягидек: ўтлар ҳам, чиройли гуллар ҳам, катта тошлар атрофида ўсган газанда ўтлар, занг босган болтлар билан бекилиб энди чирий бошлаган учта дераза ромидаги қурбақа ўтларининг доғи ҳам — ҳаммаси шундай турибди. Эмманинг ноаниқ фикрлари, гоҳ далаларни гир айланиб, гоҳ сариқ капалакларга ириллаб, гоҳ юмронқозиқларни қувлаб, гоҳ буғдойпояга экилган кўкнориларни тишлаб юрган итига ўхшаб, ҳали у нарсага, ҳали бу нарсага қўнар эди. Бироқ, аста-секин унинг хаёллари бир жойга келиб тўхтарди ва ўтирган ерида соябонининг учи билан кўкатларни тита-тита;

— Эй худо! Нега эрга тегдим-а? — дерди. Яна ўзига ўзи савол берарди: бошқа бирор шароитда у бошқа бир одамни учрата олмасмиди? У хаёлида ўша содир бўлмаган тасодифларнинг содир бўлишини, ўша ўзга ҳаёт қандай шаклда юз беришини, унинг ўша номаълум эри қанақа одам бўлишини тасаввур этишга уринарди. Ахир ҳамма эркаклар шу Шарлга ўхшаган бўлавермайди-ку, унинг эри чиройли, ақлли, одобли, жозибадор бўлиши мумкин эди-ку, монастырь пансионидаги дугоналари шунақаларга тегишгандир балки? Улар қандай яшаётган экан? Шаҳар кўчаларининг шовқинидан, театр залларидаги гулдурас олқишлардан, бал, маскарадларнинг ёғдуларидан уларнинг кўнгиллари очилиб, ҳислари гуллаб-яшнаётгандир. Унинг ҳаёти эса туйнуги шимолга қараган чердак каби совуқ, аламинтироб эса тилсиз ўргимчак каби юрагининг ҳамма бурчакларига уя солиб ташлади. Эмма ёрлиқ берилган кунни, у саҳнага гулчамбар учун чиққан пайтини эслади. Узун соч, оқ кўйлак, усти очиқ туфлида у жуда ҳам кўҳлик эди ва ўз жойига қайтиб келаётганида эркаклар унга эгилишиб, хушомад қилишган эди. Ҳовли экипажларга тўлиб кетганди, дугоналари карета эшигига бош тикиб у билан хайрлашган эди, музыка муаллими филофдаги скрипкаси билан унинг ёнидан ўта туриб, қуюқ саломлашганди. Қаёққа кетди, барчаси қаёққа?!

У Джалини чақирарди, тиззаси орасига олиб унинг узунчоқ, ўткир тумшугини силарди-да:

— Кел, ўпсанг-чи ўз бекажонингни! Сенинг гамташвишинг йўқ-ку! — дерди.

Чиройли, ширин, эснаётган итининг гамгин кўзига тикилиб туриб Эмманнинг кўнгли бузилиб кетарди ва хаёлида итни ўзига ўхшатиб, у билан гаплашар, бошига қайғу тушган кишини юпатаётгандай уни ҳам юпатарди.

Баъзан қаттиқ бўрон кўтарилар, денгиздан шамож туриб бутун Ко ясси тоғини айланиб эсар, ўзининг тузли ҳавосини далаларнинг олис чеккаларига сочиб ўтарди. Қамишлар шитирлар, ерга эгилар, қора қайин дарахтларининг барглари дириллаб шитирлашар, шохларнинг учлари гувиллаб, бир маромда тебранишарди. Эмма рўмолини елкасига ташлаб ўрнидан турарди.

Хиёбонда устига кун ёруғи тушиб, тўкмаган барг-

лардан кўм-кўк кўринган текис йўсин оёқ остида гижирларди. Қуёш бота бошлади, шохлар орасидан тўқ қизил осмон кўринди, бир текис қилиб экилган дарахтларнинг бир-бирига ўхшаган таналари осмоннинг олтин фонида жигар ранг колонналарга ўхшарди. Эмманн ваҳима босди, у Джалнин чақириб олди, катта йўлдан тез-тез юриб Тостга қайтди, ўзини креслога ташлади-ю, бутун оқшом индамай ўтирди.

Сентябрнинг охирида унинг ҳаётида ҳеч қутилмаган бир ҳодиса юз берди: у Вобьесарга, маркиз д'Андервильеникига таклифнома олди.

Реставрация давридаги давлат секретарь (статс-секретарь) лавозимида бўлган маркиз энди давлат ишларига қайтиш ниятида депутатлар Палатаси сайловларида ютиб чиқиш учун эимдан иш олиб бормоқда эди. Қишда у сахийлик билан атрофга шох ўтни тарқатди. Генерал советида, ўз округида янги йўллар қурилишини талаб қилиб, оташин нутқлар сўзлади: Ёзининг иссиқ кунларида унинг томоғига яра чиқди, қандайдир бир мўъжиза рўй бериб, Шарль вақтида операция қилди-ю, тездан тузатиб юборди. Уша куни кечқуруноқ Тостга, операция учун пул тўлашга юборилган иш бошқарувчиси, доктор боғида ажойиб олча дарахтлари кўрганини маркизга айтди. Вобьесарда олчалар яхши кўкармагани учун маркиз Боваридан илдизидан чиққан бир неча кўчат беришни сўради, кейин у шахсан унга ташаккур билдиришни ўзига лойиқ топди, Эмма билан танишди ва у Эммани жуда келишган жувон эканлигига, шу билан бирга қишлоқчасига саломлашмаслигига қаноат ҳосил қилди, хуллас калом, қасрда шундай бир қарорга келишдики, башарти ёш эр-хотин таклиф этилса, бу қаср эгаларининг иззатини туширмайди ва бошқа таклиф этилганларга нисбатан беодоблик қилинмаган бўлади.

Кунлардан бир кун — чоршанба куни, соат кундуам учда жаноби Бовари ва Бовари хонимлар ўз шарабанларига тушиб, Вобьесарга равона бўлишди. Шарабанининг орқа томонига катта чамадон боғлаб қўйилди, энг тепасига шляпалар солинган қути жойлаштирилди, Шарлнинг оёққинаси тағига яна кичкина картон қути қўйилди.

Улар меҳмонларнинг йўлини ёритиш учун паркка фонуслар ёқилган кечки пайтда етиб келишди.

Итальян услубида қурилган бу замонавий қаср, олдинга чиққан икки қаноти, учта дарвозаси билан бепон далалар ястаниб ётган пастликка қараб турарди: дала бўйлаб, баланд-баланд дарахтлар соясида сигирлар ўтлаб юрарди. қум сепилган илон изи йўл, йўлнинг чети барқ уриб ўсган, шохлаб кетган рододендрон¹, ямин, калина билан қопланганди. Дарё устига кўприк солинган. Туман орасидан пичанзорларнинг ҳар ер-ҳар ерида усти похол билан ёпилган уйларнинг қораси кўзга ташланади, пичанзор ўнг ва чап томондан сердарахт қияликларга тақалган, орқа томондан эса ямшил ўтлар ичига фарқ бўлган икки қатор сарой ва отхоналар бор, булар эски қаср бузилганда соғ қолган иморатлар эди.

Шарлнинг шарабани ўрта эшик олдига келиб тўхтади, малайлар ҳозир бўлишди; маркиз чиқиб, докторнинг хотинига қўлини берди-да, уни вестибюлга бошлаб кирди.

Вестибюлнинг поли мрамор тошдан бўлиб, шипи жуда ҳам баланд эди, оёқ товуши ва кишиларнинг овози бу ерда худди черковдагидек акси садо берар эди. Зина ҳеч ёққа бурилмасдан тўппа-тўғри юқорига олиб чиқарди, чап томонда ойналари боққа қараган галериядан билъярдхонага чиқиларди, вестибюлнинг остонасига қадам қўяр-қўймас у ёқдан келаётган суяк зўлдирларнинг овозини эшитасиз. Меҳмонхонага билъярдхонадан ўтиб боришга тўғри келарди ва Эмма шу билъярдхонадан ўтар экан, кўзи бу ердаги қадди-қомати келишган, қўш-қўш орденлар таққан эркакларга тушди, тик ёқалм, унсиз жилмайиб турган бу эркаклар билъярд зўлдирларини таёқча билан у ёқ-бу ёққа суринарди. Кенг, олтин рамалар остидаги қора, текис тахта қора ҳарфлар билан турли исмлар ёзилган эди. Эмма ўқиди: «Жан-Антуан д'Андервилье д'Ивербонвиль, граф де ла Вобьесар, барон де ла Френей, 1587 йил 20 октябрда Кутра жангида ҳалок бўлган. Бошқа бир портрет тагида: «Жан-Антуан-Анри Ги д'Андервилье де ла Вобьесар, Франция адмирали, Михаил Архангел орденининг кавалери, 1692 йил 29 майда Уч-

¹ Чиройли очилаётган гуллар.

Сен-Вааст жангида ярадор бўлган, 1693 йил 23 январда Вобьесарда вафот этган» деб ёзилганди. Наригиларини ўқиш қийин бўлди, чунки лампадан тушаётган ёруғ фақат бильярднинг кўк мовутини ёритарди. Уй ичи бўлса гира-шира эди. Бу ёруғлик девор бўйлаб осилган суратлар устида қора тусда товланиб, ўзининг ўткир қирралари билан лакнинг ёриқларида жилоланар ва катта, чети тилла билан ҳошияланган тўрт бурчак қора рамкаларда кўпроқ ёғду тушиб турган ерлари кўринарди: рангпар пешана, сизга тик қараб турган кўзлар, қизил камзулнинг елкасига тушиб турган пудра сепилган париқнинг қўнғироқ-қўнғироқ гажаклари, миқти болдирдаги пайпоқни ушлаб турадиган тўқа кўзга ташланарди.

Маркиз меҳмонхонанинг эшигини очиб юборди. Хонимлардан бири (бу унинг хотини эди) туриб, Эммага пешвоз чиқди, кейин ёнидаги кичик диванга ўтқазиб, худди қадрдон танишлардек дўстона суҳбат олиб борди. Бу елкаси чиройли, қийғир бурун, овози ёқимли, қирқ ёшларга кирган аёл эди: бу оқшом у тўқ малла сочлари устидан оддийгина тўр рўмолча ўраб олган эди, рўмолча орқа томонда уч бурчак ҳосил қилиб турарди. Ёнида ёшгина, малла сочли жувон суянчиги баланд стулда ўтирарди, каминнинг олдида фракларининг кўкрагига гул таққан қанақадир жаноблар аёлларни гапга солиб туришарди.

Соат еттида овқат тортилди. Кўпчиликни ташкил қилган эркаклар вестибюлдаги битта столда, аёллар бошқа столда, овқат ейдиган хонада уй эгалари билан ўтиришди.

Эмма овқат ейдиган хонага кириши билан димоғига илиқ ҳаво, гуллар, нафис дастурхон-чочиқлар, жаркоп ва қўзиқоринларнинг аралаш хушбўй ислари урилганини сизди. Кумуш қопқоқли қандиллардаги чироқ ёғдуси жилоланарди, кўп чироқлик биллур терлаб хира нур сочарди, гул солинган вазалар бутун стол бўйлаб тизиб қўйилган, кенг ҳошияли тарелкалар епископларнинг бош кийимига ўхшатиб тахланган, воронка шаклидаги салфеткаларга солинган узунчоқ булочкалар, лаганларнинг четларидан қисқичбақаларнинг қизил панжалари осилиб турарди, жимжимадор саватчаларда атрофи йўсин билан ўралган йирик-йирик мевалар беданалар пати билан тортилди, стол тепасида буғ муаллақ

турар, ипак пайпоқ, калта иштон кийган, оқ галстук ва бурма ёқалик кўйлак кийган, судьядан баттар димоғдор метродетель (баковул) меҳмонларнинг елкалари орасидан энгашиб, қўлидаги тайёр қилиб кесилган таомлар солинган лагандан, ким нима истаса, вилка, қошиқ билан лип этиб олдиға қўйиб кетарди. Атрофи мис билан ишланган баланд чинни печка тепасидан, нягигача ўраб қўйилган аёл ҳайкали мана бу тўда-тўда одамларға жонсиз кўзларини тикканича қараб турарди.

Бовари хоним баъзи бир жувонлар қўлқопларини стаканларға солишмаганини найқади. Столнинг тўрида, хотин-қизларнинг ўртасида битта ўзи ўтирган чол овқат тўла тарелкаға энгашиб овқат ерди: худди ёш болага ўхшатиб, унинг бўйниға сочиқ илиб қўйишган, оғзидан овқат тўкиларди. Кўзларининг ичини қизил томирлар босган, орқасида учига қора лента боғлаб ўрилган сочи осилиб турарди. Бу маркизнинг қайнатаси — кекса герцог де-Лавердьер эди. Бунн граф де Артуа Водрейлдаги маркиз де-Конфланникига овға чиққанда ўз ёниға олган экан, айтишларига қараганда, у жаноби де Куаньидан кейин ва жаноби де Лозендан олдин қиролича Мария Антуанеттанинг ўйнаши бўлган экан. Қачонлардир у айш-ишрат, кайф-сафо билан ҳаёт кечирган экан, дуэлларда отишган, гаров ўйнаган, хотинларни олиб қочган, пулни пўчоқча билмас, оиласини қора қон қақшатган экан. Ҳозир бўлса у ўтирган стул орқасида малай турарди, қулоғининг тағида овқатларнинг номини бақриб айтар, у бўлса таомларни бармоғи билан кўрсатиб, гўлдирарди. Бу лаби осилган чол беихтиёр Эмманинг диққатини ўзига жалб қилди: гўёки унинг кўзлари олдида қандайдир бир улугвор ва олижаноблик намоён эди. «Тавба, шу одам саройда бўлган, қироличанинг қучоғида ётган-а?» — деб ўйларди.

Қадаҳларға музлатилган шампань виноси қуйилди. Оғзига муздек шампанское тегиши билан Эмманинг бутун бадани жимиллашиб кетди. У анорни ҳеч қачон кўрмаганди, ҳеч қачон ананас емаганди. Ҳаттоки, қанд пудраси ҳам унга ҳамма ердагидан кўра оқроқ, майдароқ кўринди.

Овқатдан кейин хонимлар балға кийиниб чиқиш учун хона-хоналарға тарқалишди. Эмманинг кийимлари, худди биринчи бор сахнаға чиқадиган актрисанинг

кийимидек барча майда-чуйдаларигача синчиклаб тайёрланган эди. Сартарошнинг берган маслаҳатига қараб, сочини тараб бўлгандан сўнг, ўрин устига ёйиб қўйилган очиқ заъфар кўйлагини кийди. Шарлнинг шими липпасини қисарди.

— Штрипка¹ларим менга рақс тушишимга халақит беради,— деди Шарль.

— Рақс тушишга?— қайтариб сўради Эмма.

— Ҳа-да!

— Жинни бўпсан! Одамларга кулги бўлмай жим ўтир. Врачга шу ярашади,— қўшиб қўйди яна.

Шарль индамай қўя қолди, Эмманинг кийиниб бўлишини кутиб, уйнинг у ёғидан бу ёғига юриб турди.

Шарль Эммани кўзгуда, икки шам ўртасида, орқасидан кўрарди. Унинг қора кўзлари шу тобда яна ҳам қора бўлиб кетибди. Қулоқлари яқинида салгина ҳурпайтирилган сочлари кўкиш товланарди. Баланд соч турмагида барглари сунъий шудринг йилтиллаган, банди ингичка атиргул тебраниб турарди. Очиқ заъфар рангдаги кўйлагини, яшил гулдаста — учта попук билан безатилганди.

Шарль унинг елкасидан ўнгисин келди.

— Қўй!— деди у,— кўйлагимни гижим қиласан.

Пастда скрипка ритурнелни² чалиб юборди, бургу овози эшитилди. Эмма чопиб кетишдан ўзини зўрға-зўрға тийиб, эзнаюядан пастга тушди.

Кадриль аллақачон бошланган эди. Меҳмонлар ҳамон келишмоқда, зал тиқилинч бўлиб кетди. Эмма худди эшик олдиғинасидаги скамейкага ўтирди.

Контрданс³ тугагандан сўнг зал ўртасидаги ўйинчилар ўрнини тикка турганларича бўлиниб-бўлиниб суҳбатлашаётган эркеклар ва катта патнислар кўтарган, ливрея⁴ кийган хизматчилар эгаллади. Қиз-жувонлар ўтирган қаторларда ранго-ранг гуллар расми солинган елпигичлар ҳилпирар, табассумларини гулгунчалар билан бекитишар, тирноқ шакли биллиниб

¹ Штрипка — шимнинг лочасига тақилиб оёқ тағидан айлантириб боғланадиган боғич.

² Рақс музыкасидан олдин такрор-такрор чалинадиган оҳанг.

³ Рақснинг бир хили.

⁴ Буржуа мамлакатларида хизматчиларга кийгизилладиган махсус уқали кийим.

ва билак гўшларини сиқиб турган оппоқ қўлқопли қўлларда тилла қопқоқли нозик шишачалар ўйнарди. Нафис тўр бурмаларда, кўкракларда, корсажларда гавҳар тўғноғичлар лов-лов ёнар, занжирли биллагузуклар очик қўлларда ялтираб, жиринглир эди. Фарқи тўғри очилиб, текис қилиб таралган сочлар гарданга турмак қилинган, тепасидан эса ёсуман, аноргули, бўтакўз каби нозик гуллардан, бошоқлардан гулчамбарлар ясаб, айлантириб боғланган эди. Баланд соч турмакларини қизил шарф билан айлантириб боғлаган оналар жойларидан қўзғалмай савлат тўкиб ўтиришарди.

Эркаклардан бири келиб, Эмманинг бармоқ учларидан ушлаб рақсга таклиф этганда ва музыка бошланишини кутиб у билан ёнма-ён турганда Эмманинг юраги бирдан тирчиллаб кетди. Лекин ҳаяжони тезда босилди. Бўйинини салгина эгиб, музыка оҳангига монанд тебраниб, зал бўйлаб сирғалиб кетди. Баъзан скриканинг товушлари унинг юзиде табассум уйғотар, бу товушларни бошқа музыка асбоблари тўхтагандагиша илғаш мумкин эди. Шунда қимор ўйналадиган столларнинг мовутига жаранглаб тушаётган тилла тангаларнинг ҳам тиниқ жаранги эшитиларди. Кейин ҳаммаси бирдан янгидан бошланарди, худди мазмақалдироқ гулдуросидек корнет янграб кетарди, яна боягидек оёқлар барабар эгилишар, этаклар пуфакдек шишиб шитирлашар, қўллар дам ушлашиб, дам ажралишарди, яна ўша кўзлар гоҳ ерга боқиб, гоҳ сизга тик боқардилар.

Бир гуруҳ тахминан йигирма ёшдан қирқ ёшгача (улар ҳаммаси бўлиб ўн беш киши эди) бўлган эркакларнинг баъзилари рақсга тушишаётган ёки зал эшикларидан оддида одамларга ҳамсуҳбат бўлиб турган бўлсаларда, уларнинг асилзодалардан эканликлари биллиниб турар, гарчи ёшлари ташқи кўринишлари, устида кийим-бош жиҳатдан ҳар хил бўлса ҳамки, тўдадаги бошқа одамлардан ажралиб турар эдилар.

Чамаси, жуда ҳам асл матолардан тикилган мовут фраклар уларга яхши ўтиришган, чаккаларида гажак бўлиб турган сочларга ҳам энг қимматбаҳо сочмойлар суртилган эди. Тўймасдан ейилган лазив таомлар юзларига соғлом, оқ тус бахш этган ва, соз чинни идишлар, лакланган бебаҳо мебеллар ва товланувчи атлаб-

лар уларнинг ҳуснларига ҳусн қўшарди. Галстукларини тортиб боғламаганлари учун бўйинларини бемалол айлантиришар, уларнинг узун бакенбардлари қайтарма ёқаларига тушиб турар, улар лабларини ишак билан тикилган, йирик белгилари кўзга ташланиб, нафис муаттар ис таратиб турган дастрўмоллар билан артишарди. Ёши ўта бошлаганлар ҳали ёш кўринишар, ёшларнинг юзларида эса бирмунча етуклик аломатлари кўринарди. Уларнинг бепарво боқишларида, ҳар куни ҳирсларини қондириш натijasида вужудга келган хотиржамлик ифодаланарди, ҳаракатларидаги майинлик остида алоҳида бир шафқатсизлик сезилиб турарди. Бу шафқатсизлик кишида, унга батамом бўйсунмаган тирик жонлар устидан ҳукмрон бўлишга ундайди. Чунончи, зотли отларни миниб юриш ёки ахлоқсиз аёллар билан яқин муносабатда бўлиш унинг кучига куч қўшади, иззат-нафсини қондиради.

Эммадан уч қадам нарида кўк фракли киши ва бўйнига марварид таққан рангензгина ёш жувон Италия ҳақида суҳбатлашишарди. Иккиси ҳам Муқаддас Петре, Тиволи, Кастелламаре, Кассино колонналари, Везувий, Генуя гуллари ва ойдин кечдаги Колизейнинг манзараси билан завқланишарди. Яна шу бир вақтнинг ўзида Эмма ўзи тушунолмайдиган гапларни эшитиб қоларди. Меҳмонлар битта йигитнинг атрофини қуршаб олишди, у ўтган ҳафта Англиядаги пойгада оти мисс Арабелла ва Ромуладан ўтиб кетганини, таваккал қилиб икки минг луидор ютиб олганини гаширади. Кимдир яна бошқа йигит пойга чопадиган айғириннинг ссмириб кетганидан шикоят қилар, учинчиси отининг лақабини бузиб ёзганларидан нолирди.

Бал бўлаётган зал димиқиб кетди, лампаларнинг ёруғи хиралашди. Меҳмонлар бильярдхонага ўтишди. Хизматчи стулга чиқди ва деразанинг бир кўзини синдирди; ойнанинг жаранглаганини эшитиб, Бовари хоним ўгирилиб қараган эди, боғдан деразага мўралаётган деҳқонларни кўрди. Шунда унинг эсига Берто тушиб кетди. Ферма, балчиқ босган ҳовуз, олма дарахти тагида узун кўйлак кийган отаси кўз олдида намоён бўлди, ўзи ертўлада туриб бармоғи билан хурмачанинг устидан қаймоқни олаётган вақти кўз олдига келди. Бироқ, бу кунинг дорлоқ ёғдуси остида, унинг шу чоққача дорлоқ кўринган ҳаёти бир зумда хираланди ва Эм-

ма ростдан ҳам шу ҳаёт ўзиники эканлигига шубҳалана бошлади. Мана, Эмма ҳозир балда, лекин бал залдан ташқаридаги ҳамма нарса зулмат пардаси билан қопланган. Маза қилганидан кўзларини сузиб мараскинлик¹ мороженоени чап қўлидаги тилла суви юритилган ликопчадан қошиқ билан еб ўтирарди.

Унинг ёнида ўтирган хоним елпигичини тушириб юборди. Шу вақт уларнинг ёнидан рақсга тушаётган йигит ўтиб кетаётган эди.

— Сударь, барака топинг, — унга мурожаат қилди ҳалиги хоним, — марҳамат қилиб олиб беринг, илтимос... елпигичим кресло орқасига тушиб кетди!

Жаноб энгашди, у қўлини узатиши билан хоним унинг шляпасига учбурчак қилиб тахланган оқ нарсани ташлаганини Эмма пайқаб қолди. Жаноб елпугични ердан олиб, таъзим билан хонимга узатди, хоним бош ирғаб ташаккур билдирди ва гулдастани юзига олиб борди.

Кечки овқат маҳалида жуда кўп испан, рейн винолари ичишди, қисқичбақа шўрва, бодом мағзи сутидан пиширилган шўрва, трафалгар пудинг ва жуда кўп устида ёғи билқиллаб турган яхна гўштлар тортилди, кечки овқатдан сўнг кареталар кетма-кет тарқала бошлади. Муслин² пардаларнинг бир четини очиб, қоронғида кареталарнинг фонусларидан таралаётган нурларни кўрса бўларди. Скамейкалар бўшаб қолди; катта столларда ҳали ҳам уч-тўрт одамлар ўйинни давом эттиришмоқда, созандалар кесак бўлиб қолган панжаларининг учини ялашарди; Шарль эшикка суянганича кўзи уйқуга кетди.

Эрталаб, соат учда Котильон³ бошланди. Эмма вальсга тушишни билмасди. Лекин ҳамма вальсга тушарди, ҳатто мадемуазель д'Андервилье ва маркиза ҳам тушишди. Котильонда фақат қасрда меҳмон бўлиб қолганлар, ҳаммаси бўлиб ўн киши қатнашди.

Мана, рақсга тушаётганлардан бири, кўкрагини хипча қилиб қисиб турган, ёқаси очиқ нимчали киши — бу жанобни ҳамма шунчаки «виконт» деб аташарди;

¹ Мараскин — нордон олчадан қилинган ичимликнинг бир тури.

² Юпқа газлама.

³ Котильон — французча рақс.

Бовари хонимни таклиф қилиш учун иккинчи марта келди, Эмманинг ийманаётганини кўриб, ўзим олиб юраман, ҳаммаси яхши бўлади, деб сўз берди.

Улар аста-секин вальс бошлашди, кейин ҳаракатлари тезлашди. Улар айланишар ва ҳамма нарса гардиш ўқ атрофида айлангандек улар атрофида айланарди, лампалар, шип, мебель, паркет — барча-барчаси айланарди. Эшик олдида Эмманинг кўйлаги қилпираб, унинг тор шимиға, ўрилди, тиззалари бир-бирига тегди... У юқоридан Эммага тикиларди, Эмма ҳам унга кўзларини кўтариб қаради, бирдан Эмманинг ҳуши оғаётгандек бўлди-ю, таққа тўхтади, кейин улар яна давом этишди, виконт рақсни тезлата-тезлата Эммани залнинг энг охирига олиб кетди ва ўша ерда Эмма ҳансираб йиқилаёзди-ю, бир дақиқа унинг кўксига бошини қўйди. Кейин яна виконт уни айлантира-айлантира, лекин секинроқ ҳаракат қилиб, жойинга олиб келди, Эмма бошини орқага ташлади-ю, деворга суянди ва кўли билан кўзларини бекитди.

Кейин у кўзини яна очганда меҳмонхона ўртасида, пастгина юмшоқ пуфда¹ ўтирган хоним олдида уч йиғит тиз чўкиб турганини кўрди. Хоним виконтни танлади, шунда яна скрипка чалина бошлади.

Ҳамма шу жуфтларга қарарди. Виконт ва унинг хоними гоҳ узоққа кетиб қолишар, гоҳ яқинлашиб келишарди, аёлнинг қомати келишган, ияги озроқ осияган эди, виконт бўлса рақс қила туриб, қоматини жуда чиройли тутар, кўллари тирсагида букилган, бошини тикка ушларди. Бу хоним жуда ажойиб вальсга тушар экан! Улар узоқ тушишди. Ҳаммани чарчатишди.

Меҳмонлар яна бир неча дақиқа гап сотишди, кейин бир-бирларига хайрли кеч ёки тўғрироғи, порлоқ тўн тилашиб, ухлагани кетишди.

Шарль оёқ устида зўрга турар, «Оёгим кесак бўп қолди», — дерди нуқул. У беш соат сурункасига қарға столи олдида типпа-тик турди, вистни² қанақа ўйнашларини томоша қилди, лекин барибир у ҳеч нарса тушунмасди. Мана энди оёқ кийимини ечиб, у енгил нафас олди.

¹ Пуф — пастак юмшоқ курси.

² Карта ўйинининг бир хили.

Эмма елкасига рўмолини ташлади, ойнани очиб, дераза тоқчасига тирсагини тираганча турди.

Тун қоронғи эди, ёмғир томчиламоқда. Салқин шабада унга ором бағишлар, у-тўйиб-тўйиб нафас оларди. Қулоқлари остида ҳамон бал музыкаси янграмоқда, у ҳадемай ташлаб кетиши керак бўлган мана бу дабдабаларнинг кайфини узоқроқ чўзиш учун уйқуни ҳайдарди.

Тонг ёриша бошлади. Эмма қасрнинг ойналарига узоқ тикилди, у меҳмонларнинг қайсиен қайси уйда ётганлигини, уларнинг ҳар бирининг ҳаётини билишга, англаб олишга қизиқар ва ундан бохабар бўлишни истарди.

Ахир у совқотди, ечқинди ва кўрпа тагига кириб, ухлаб ётган Шарлнинг қўйнида гужанак бўлиб ётди.

Нонуштага жуда кўп одам йиғилди. Стол атрофида фақат ўн минутгина ўтиришди. Ҳеч қанақа ичимлик қўйилмагани врачни ҳайратга солди. Мадемуазель д'Андервилье пирог ушоқларини йиғиб, саватчага солди ва ҳовуздаги оққушларга олиб кетди, кейин ҳаммалари қишки боққа киришди. Бу ерда ёввойи, сертиканак ўсимликлар шипга осиб қўйилган вазалар томон шаклдор бўлиб ўсиб чиққан, лекин вазаларга сизмасдан худди уясидан чиққан илондек кўм-кўк арқон шаклида чийралиб пастга осилиб тушганди. Қишки боғ, малайлар турадиган жойга олиб борадиган оранжерия¹ билан туташган эди, Бовари хонимнинг кўнглини олиш учун маркиз уни отхонага олиб борди. Саватга ўхшатиб қилинган охурлар тепасида қора ҳарфлар билан отларнинг номи ёзилган чинни тахтачалар осиглиқ турарди. Маркиз тилини такиллатиб отларнинг олдидан ўтганда, улар қулоқларини диккайтириб олазарак бўлишди. Отхонанинг поли меҳмонхонанинг паркетига ўхшаб ялтирайди. Эгар-жабдуқлар иккита айланма устунга осилган, деворда қатор сувлиқлар, қамчилар, узангилар, юганлар осилиб турарди.

Шу орада Шарль хизматчига отларни қўшишни буюрди. Шарабанни худди дарвоза олдига келтириб қўйдилар ва ҳамма юклар ортиб бўлингандан сўнг

¹ Усти берк қишки гулхона.

эр-хотин Боварилар уй эгалари билан хайр-маъзур қилишиб, уйларига — Тостга жўнаб кетдилар.

Эмма индамасдан гилдиракнинг айланишини томоша қилиб борарди. Шарль энг четга ўтириб олиб қўлларини кериб отни ҳайдар эди. Шоти от учун анча кенг, шунинг учун от йўргалаб кетмоқда эди. Бўш тортилган, кўпик билан қопланган тизгин унинг яғиринида ҳалопларди; орқа томондан бир нарса зўр бериб, бир меъёрда силкинарди, бу боғлаб қўйилган чамадонлар эди.

Улар Тибурвиль тоғига кўтарилмоқда эдилар, бирдан уларнинг қаршисидан оғзиларида сигарет билан чавандозлар пайдо бўлишди-ю, шу заҳоти қийқиришиб ёнларидан ўтиб кетишди. Эмманинг назарида уларнинг биттаси виконт эди, у айланиб қаради, бироқ бир пасайиб, бир юқориланиб кўринаётган бошларни кўрди, холос. Негаки, уларнинг баъзилари отни чоштириб, баъзилари йўргалатиб кетмоқда эди.

Яна чорак миль юрганларидан сўнг Шарль отни тўхтатди ва арқон билан қуюшқонни боғлади.

Шарль йўлга тушишдан олдин яна бир бор жабдуқларни кўздан кечирмоқчи эди, назарида, худди отнинг оёғи тагида бир нарса юмалаб ётгандек туюлди. У энгашиб яшил, ипак портсигарни ердан олди. Унда ҳам худди каретанинг эшигидагидек герб бор эди.

— Эй, бу ерда яна иккита сигара ҳам қолибди! — деди у. — Бу менга бўлди, кечки овқатдан сўнг чекаман.

— Ҳали чекасанамми? — сўради Эмма.

— Баъзи-баъзида, пайти келганда, — жавоб берди Шарль ва тошган портсигарни чўнтагига солиб, отга қамчи берди.

Уларнинг келишига овқат тайёр бўлмаган экан, Бовари хонимнинг жаҳли чиқиб кетди. Настази унга кўполлик билан жавоб қилди.

— Йўқолинг бу ердан! — бақирди Эмма, — мени масхара қилишингизга йўл қўймайман! Ортиқ менда ишламайсиз!

Тушлик пиёзли шўрва ва қўзиқулоқ билан пиширилган бузоқ гўшти экан. Шарль Эмманинг рўбарўсига ўтирди ва хурсанд бўлиб қўлларини ишқалаб:

— Ўз уйинг — ўлан тўшагинг, — деди.

Настазиянинг йиғлагани эшитилиб турарди. Шарль бечора қизга анча ўрганиб қолган эди. Тул вақтларида у кечқурунлари бўш вақтини Настазия билан бирга ўтказарди. Унинг биринчи бемори, бу атрофда энг қадрдон таниши шу эди.

— Ростдан ҳам унга жавоб бермоқчимисан? — сўради Шарль.

— Ҳа, — деди Эмма, — нима, менинг бунга ҳаққим йўқми?

Овқатдан сўнг, Настазия ўринларини солгунча улар ошхонада исиниб ўтиришди. Шарль чекди. У лабларини чўччайтирар, ҳар дамда тузлар ва ҳар тортганда ўзини орқага ташларди.

— Бошинг айланади-ку, — деди Эмма нафрат билан Шарлга қараб.

У сигаретни қўйиб, совуқ сув ичгани қудуққа югурди. Бу вақт Эмма портсигарни олиб, шкафнинг ичкарироғига тиқиб қўйди.

Эртасига куннинг кеч бўлиши шундай қийин бўлдики! Эмма боғчада сайр этар, битта йўлдан у ёқдан-бу ёққа юрар, гулхоналар олдида, ўрик дарахти олдида, поп ҳайкали олдида тўхтар эди, булар барчаси унга шунча таниш бўлса ҳам, лекин уларга ҳайрат билан тикилар эди. Қанчалик узоқ туюларди унга энди кеча ўтган зиёфат! Аввал кунги эрта билан бугунги оқшомни ким шунчалик улкан масофа билан бўлиб ташлади? Вобъесарга бўлган саёҳат унинг ҳаётини ўзгартириб юборди. Фақат момақалдироқ баъзан бир кечада қояда шундай чуқур дара ҳосил қила олади. Шундай бўлса ҳам Эмма сабр қилди. У ихлос билан ўзининг ажойиб кийимларини комодга тахлади, ҳатто таг чарми янги бўлган силлиқ паркетдан саргайиб кетган атлас туфлисини ҳам ўраб қўйди. Унинг қалби ҳам худди шу туфлига ўхшайди (анави дабдабалардан унинг кўксида ҳам ҳеч кетмас доғ қолди).

Бал ҳақда ўйлаш Эмманинг одатига кирди. Ҳар чоршанба у уйғониб туриб: «Бир ҳафта... икки ҳафта... уч ҳафта илгари мен қаерда эдим!» — дерди. Бироқ бора-бора ҳамма башаралар унинг тасавурида бир бутунга айланди, у рақс музыкаларини унутди, у энди хизматчиларнинг ялтироқ кийимларини, хоналарни яққол тасаввур этолмасди; тафсилотлар хотирадан тамом кўтарилди, лекин ўкинч бир умрга қолди.

IX

Шарль уйдан чиқиб кетган вақтларда Эмма кўпинча шкафдан ўз кирларининг ичига тиқиб қўйган яшил ипак портсигарни оларди. У портсигарнинг у ёқ-бу ёғини томоша қилар, очиб кўрар ва ҳаттоки, тизма гул ва тамаки иси уриб қолган астарини ҳидлаб қўярди. Ким туширди экан?.. Виконт! Балки бу маъшуқасининг ҳадясидир? Буни палисандр¹ чамбарагида тиқишгандир, мана шу кичкинагина нарсани бегона кўзлардан сақлаб юришгандир, хаёли паришон, бутун бўш вақтини шунга бағишлаган чеварнинг соч толлари буни сийпалаган бўлса керак... Канваннинг ҳар бир кятагидан муҳаббатнинг ҳовури келиб туриши, ҳар бир қатим умид ва хотираларни боғлаган, бир-бирига ўралашиб кетган ипаклар ўша унсиз эҳтиросларнинг давомини ташкил этар. Кейин, бир кун эрталаб виконт совгани олиб кетади. Ҳозирча ўша портсигар каминининг кенг токчасида, гул солинган ваза билан Пампадур стилидаги соатнинг ўртасида турган пайтда шу хонада нималарни гаплашилдикин? Эмма Тостда. У бўлса Парижда! Нақадар жозибадор бу Париж! Бу сўзни шивирлаб такрорлаш Эмманинг жонига ажойиб бир ором бағишларди, собор қўнғироғининг жаранглашидек қулоқлари тагида янграрди; бу сўз кўзлари олдида, ҳамма нарсада, ҳаттоки лаб мойи солинган банкадаги ёрлиқда ҳам алангадек товланарди.

Кечалари балиқчилар унинг ойналари тагидан ўта туриб «Майорана» деган қўшиқни айтиб, уни уйғотиб юборардилар ва темир қоқилган гилдиракларнинг товушига қулоқ солар, катта йўл тугаб, аравалар қишлоқдан чиқиши билан бирдан жимиб қолгандан сўнг у ўзига:

— Эртага улар Парижда бўлишади! — дерди.

Эмма хаёлан улар орқасида борар, тепаликларга чиқар, тушар, қишлоқлардан ўтар, юлдузлар ёруғида катта йўллардан югурарди. Бироқ ҳар гал уйдан узоқлашиб, бир неча масофани ўтгандан сўнг унинг орзулари туманли олисларда ғойиб бўларди.

¹ П а л и с а н д р — баъзи тропик дарахтларнинг қаттиқ, қimmatбахо ёғоч.

У Парижнинг планини сотиб олди, бармоқларини юргизиб шаҳар бўйлаб сайр этарди. Хиёбонлардан бораркан, ҳар бир чорраҳада, уйларни тасвирловчи гўрт бурчаклар олдида тўхтарди. Ниҳоят, унинг кўзлари тиниб кетар, у киприкларини тушириб, оқшом қоронғисида газ фоносларнинг шамолда пириллаётганини, театр колонналари олдида карета эшикларининг зарб билан очилишини кўрарди.

У хотин-қизлар журнали — «Тўй совғалари» ва «Салонлар парвонаси»га обуна бўлди. У журналда нимаики ёзилган бўлса, ҳаммасини ўқирди: премьералар, пойга, зиёфат, кечалар ҳақидаги мақолаларни мутолаа қилар, бирор хонанда хонимнинг концертидан тортиб янги магазиннинг очилишигача уни баробар қизиқтирар эди. У моддаларнинг ўзгаришини синчиклаб кузатар, энг яхши чеварларнинг унво-ларини билар, Булон ўрмонига қайси кунлари, операларга қайси кунлари борилишини биларди. Эжен Сюдан у уйларни қандай жиҳозлаш кераклигини ўрганди, Бальзак ва Жорж Санддан ўзича эҳтиросларини қондириш йўлини ахтарарди. У китобсиз, ҳаттоки столга ҳам ўтирмас, Шарль у билан гаплашиб, овқатни егунча китобни варақларди. Ўқиб туриб у ҳар доим виконт тўғрисида ўйларди. Виконт билан ўзича тасаввур этган персонажлар ўртасидаги ўхшашлик белгиларини аниқларди. Лекин нимб¹ виконт атрофида аста-секин катталлашиб борар, унинг бошидан узоқлашган сари тобора кенгая борар ва энди ўзга орзуларни порлатар эди.

Энди Эмманинг кўз ўнгида океандек поёнсиз Париж яллиғланиб алаиғаланарди. Унинг тўс-тўполонда жўш урган бир бутун ҳаёти асосий қисмларга бўлинар, айрим-айрим манзараларга ажраларди. Булардан Эмма иккита ёки учтасинигина ажратиб олар, шуларнинг ўзи қолган барча манзараларни тўсар, унинг назарида улар башариятни бутунлигича тасвирлар эдилар. Бутун атрофи кўзгу билан ишланган залларда зар попукли бахмал ёпилган тўгарак столлар орасида, ярқираган паркет полларда дипломатлар у ёқдан-бу ёққа юришарди. Бу узун мантия²лар буюк сирлар, табассум остида

¹ Диний суратларда, санамларда — бош атрофидаги ёгдунинг тасвири.

² М а н т и я — сербар, узун устки кийим.

яширинган руҳий азоблар дунёси эди. Кейин герцогинялар кўз олдида гавдаланарди. Уларнинг юзлари рангпар, у ерда соат тўртдан олдин ҳеч ким уйқудан турмайди. Хотинлар худди фаришталарнинг ўзгинаси! Инглиз тўрлари тутилган юбкалар кийишади, эркаклар-чи! Эркаклар ҳаммаси ҳавойи табиатли кўрингани учун қобилиятлари тан олинмаган, сайрларда отларини чоптириб ўлдираёзишади, ёзги мавсумни Баденеда ўтказишади ва ёшлари қирқларга боргандан сўнг бадавлат меросхўрларга уйланишади. Тунги рестороанларнинг алоҳида кабинетларида турли-туман шоир, актрисалар тўдаси хандон ташлаб кулишарди. Адабиётчилар шоҳлар каби сахий, улуғвор гоялар ва бемаъни хаёлларга тўлиб-тошганлар. Улар гўё ҳаммадан баландда, осмон билан ер ўртасида, қора булутлар аро парвоз этадилар, уларда қандайдир бу дунё одамларида бўлмаган хислатлар бор. Қолган ҳамма нарса аралаш-қуралаш, аниқ бир маконда йўқ, умуман, ҳеч қачон мавжуд бўлмагандек. Ҳаёт икир-чикирлари билан Эмма қанчалик тўқнашса, унинг фикри шунчалик кескин равишда ундан нафратланарди. Унинг атрофини қуршаб турган ҳамма нарса: қишлоқнинг зерикарли ҳаёти, мешчанларнинг бефаросатлиги, турмушнинг қашшоқлиги — барчаси унинг назарида тасодифий нарсалар эди. Эмма унинг қурбони, бу тасодифларнинг хорижида муҳаббат ва бахтнинг бепоён ўлкаси мавжуд, деган ширин хаёлларга ботарди. Унинг оташин тасавурида ҳирсий лаззатлар, руҳий шодликлар билан нозик хатти-ҳаракатлар, кечинмаларнинг назоқати билан тенглашарди. Эҳтимол, муҳаббат ҳам ҳинд флорасига ўхшар, у ҳам юмшатишган ер, махсус ҳароратга муҳтождир? Мана шунинг учун ойдни кечадаги оҳ-воҳлар, узоқ оғушлар, айрилиқ дақиқаларида қўлга томган кўз ёшлар, эҳтироснинг жўш уриши ва оҳиста эркалашлар — ҳаммаси Эмма учун айши ишратнинг кети узилмайдиган катта қасрларнинг балконларидан, ипак пардалару пат гиламлар тўшалган ётоқхоналардан, гуллар солинган идишлардан, баланд қилиб қўйилган каравотлардан, қимматбаҳо тошларнинг жилосидан ва попукли ливрейлардан ажралмас нарсалар эди.

Ҳар кун эрта билан йўлакда Боварининг биясини тозалаш учун қўпол ботинкаларини дўқиллатиб келган

почта кучерининг оёқ товуши эшитиларди. Йиртиқ кўйлакли, ирkit шу одам рейтузали сайислар хизматини ўтайди! У ўз ишини битиради-ю, шу бўйи эртаси эрталабгача ғойиб бўлиб кетарди. Шарль беморларни кўриб, қайтиб келгач, отни ўзи отхонага олиб бориб боғлар, эгарини ечиб нўхтани кийгизиб қўяр, шу орада хизматкор аёл бир қучоқ похол олиб келиб охурга палла-партиш ташлар эди.

Йинглаб-йинглаб, охири Тостдан кетган Настазия ўрнига Эмма беозоргина мўлтиллаб турадиган ўн тўрт яшар етим қизни хизматга олди. Эмма унга чепчик кийишни ман қилди, уни хўжайинларни сизлаб гапирришга, стакандаги сувни ликопчада беришга, тақиллатмасдан уйга кирмасликка, кирни дазмоллаш, крахмаллашга, ўзини кийинтира олишга ўргатди. Хуллас, у қизни чинакам оқсоч қилиб олишни истарди. Янги хизматкор қиз ҳайдаб юборишларидан қўрқиб, ҳамма нарсага сўзсиз итоат қиларди. Лекин Фелисите бекаси калитни буфетнинг бурнида қолдириш одатини билиб, ҳар оқшом у ердан оз-оздан қанд ташир ва худога чўқиниб бўлгач, кўрпада уни яширинча шимиб ётарди.

Баъзан кечқурунлари у дарвоза олдига чиқиб, кучерлари билан гап сотишарди. Бекаси тепада, ўз хонасида ўтирарди.

Эмма ёқаси очиқ кенг халат киярди, корсажининг қайтарма ёқалари орасидан учта тилла тугма қадаган бурма кофточкаси кўриниб турарди. Белига катта-катта попукли белбоғ боғларди, анор рангидаги туфлиси катта бант билан безатилган бўлиб, оёқнинг юзини бекитиб турарди. Эмма қоғоз, конвертлар соладиган папка, ручкалар сотиб олди, лекин кимга хат ёзишни билмасди. У этажеркадаги чангларни артар, кўзгуга қарар, қўлига китоб олиб, кейин хаёлга чўмар, китоб тиззасига тушар эди. Унинг узоқ сафарларга чиққиси ёки монастырга қайтиб боргиси келарди. У ўлишни хоҳлар, лекин айни бир вақтда Парижда яшашни истарди.

Шарль бўлса бўрон демай, ёмғир демай отга миниб олиб, қишлоқма-қишлоқ кезарди. У фермерлар сийлаган қуймоқ билан қоринни тўйдириб оларди, тердан нам бўлиб кетган чойшабларни ушлар, қон олар, иссиқ қон унинг юзига сачрар, ўпка хириллашларини

текширар, тувакларни қарар, беморларнинг кўйлакларини кўтарар эди. Бунинг эвазига уни оқшомлари иссиқ камин, ясоглиқ стол, нафис мебель, башанг кийинган жозибадор хотини кутарди. Бу дилбар жувондан ҳаминша бир нафис ис ақиқиб турардики, у атир суриб юрадими ёки ички кийимларга уриб кетган ҳид терисининг ҳидими, билиб бўлмасди.

Эмма ўзининг ижодкорлиги билан уни қойил қолдирар эди: ҳали қарасангиз, шамдонлар учун қоғоздан розеткалар ясаган, ҳали қарасангиз, кўйлагидаги бурмаларни бошқача қилиб тиккан, оддий овқатларга, ошпаз хотин бузиб қўйган овқатларга антиқа номлар қўйганки, Шарлнинг оғзидан сўлаги оқади. Руанда хотинлар соат учун бир тизим брелок¹лар олишганини кўриб қолиб, шу заҳоти у ҳам ўзига брелок сотиб олди. Унинг миясига энг аввал каминга кўк шишадан қилинган вазаларни қўйиш фикри келди, кейин иш тикиш учун, тилла суви юритилган ангишвонани солиб қўйиш учун фил суягидан ясалган қутичани қўйгиси келди. Шарль бу майда-чуйда ишлар маъносига тушунмасди ҳам, лекин шунинг ўзи уни завқлантларди. Булар барчаси унинг хушчақчақлигини оширар ва уй-рўзғорга файз киргизар эди.

Шарль ўзини жуда ҳам яхши сезар, кўриниши ҳам жуда соз, обрўси ҳам ошиб бормоқда эди. Деҳқонлар уни камтаринлиги учун яхши кўрардилар. Болаларни эркалатар, майхоналарга кирмас, ахлоқ жиҳатдан ниҳоятда покиза эди. У ҳаммадан ҳам тумов, пучқоқ, шамоллашларни яхши даволарди. Гап шундаки, беморнинг баттар оғирлашиб қолишидан қўрқиб, кўпроқ тинчитадиган дорилар ёзиб берарди, баъзан қайт қилдирадиган дорилар, оёққа иссиқ ванна, зулук солишни буюрарди. Шу билан бирга жарроҳликдан унча қўрқмас: қон олиш у учун ҳеч гапмас, гўё унинг олдидан одам эмас, от тургандек, тиш олишни ҳам қойил қиларди.

Замондан орқада қолмаслик учун у олдиндан асосий программаси билан танишиб чиқиб, «Медицина дарақчиси» деган янги журналга обуна бўлди. Овқатдан сўнг у журнал ўқишга тутинар, лекин уйнинг жисми ва овқат уни шунчалик элитардики, у беш ми-

¹ Б р е л о к — соат занжирига ёки калитга осиладиган безак.

нутдан сўнг бошини билагига қўйиб олиб уйқуга кетарди. Эмма унга қараб елкасини қисарди. Нега энди унга ҳеч бўлмаса тилсиз-жағсиз, умрини меҳнатда ўтказадиган, кечалари билан китоб устида ишлаб, олтмиш ёшга кириб бод касалига мубтало бўлгандан кейин, ёмон бичилган қора фракнинг тугма тешигига тикиб қўйиладиган хоч оладиган киши учрамади экан? У Боварининг машҳур бўлишини истарди; унинг номи китоб дўконларининг витриналарида кўзга ташланишини, унинг номи матбуотда тилга олинишини, уни бутун Франция билишини истарди. Бироқ Шарль шон-шуҳрат кетидан қувадиган одам эмас! Иветодан келган, у билан консилиум пайтида учрашиб қолган врач беморнинг олдида, қариндошлар турганига қарамай, Шарлга менсимаслик билан муомала қилди. Кечқурун Шарль бўлган воқеани Эммага гапириб берди, Эмманинг жони чиқиб кетди, Шарлнинг кўнгли бузилди. Кўзига ёш олиб, хотинининг пешанасидан ўпди. У бўлса номусга чидамай, эрини дўппослагиси келди, лекин ўзини босиш учун югуриб йўлакка чиқиб кетди, ойналарни очиб ташлаб, совуқ ҳаводан нафас ола бошлади.

— Нақадар пасткашлик! Нақадар тубанлик! — дерди у лабларини тишлаб.

Энди Шарлнинг ҳар бир қилиғи унинг гашини келтирарди. Ёши улғайиши билан унда хунук одатлар пайдо бўла бошлади. Чой ичиб ўтришганда у бўш пишшаларнинг пўкагини пичоқ билан қиймалаб ўтирар, овқат еб бўлгандан сўнг тилини такиллашиб қўяр, шўрвани хўриллатиб ичарди. Эт қўя бошлади. Азбаройи юзи семириб кетганидан, унингсиз ҳам кичик кўзлари яна ҳам бит кўз бўлиб кетаётгандек кўринарди киши кўзига.

Баъзан Эмма унинг фуфайкасидаги қизил жиягини нимчаси ичига тиқиб қўяр, галстугини тузатар, эскирган қўлқопини киймоқчи бўлиб турганини кўрса, қўлидан олиб, улоқтириб ташларди. Лекин буларни мен учун қиляпти, деб ўйласа, Шарль янглишган бўларди, бу меҳрибонликларни худбин Эмма ўзи учун, жаҳл аралаш қиларди. Баъзан Эмма унга ўқиганларидан, ўқиган романидан ёки пьесалардан парчалар, газета фельетонида чиққан оқсуяклар ҳаётидаги янгиликлардан гапириб берарди: ахир ҳар нарса бўлса-да,

у одам-ку! Одам бўлганда ҳам, унинг сўзларини диққат билан эшитадиган ва ҳар доим у билан келиша оладиган одам-ку! Ахир у ўз ҳасратларини итига ҳам айтганди-ку! У ўз дардини соат тебрангичига ҳам каминдаги ўтинга ҳам айта олса жон дерди!

Ҳар қалай, у қандайдир бир ҳодиса юз беришини кутарди. Ҳалокатга учраган денгизчилардек умидсизлик тўлган кўзлари билан ўзининг кимсасиз ҳаёт йўлига боқар ва туманли уфқда оқ елкан кўриниб қолмасмикин, деб тикиларди. Қанақа ҳодиса юз беради, уни қайси шамол судраб келади, қайси қирғоққа уни чиқариб ташлайди, олдига эшкакли қайиқ келадими ёки уч палубали кема келадими, у ичи тўла гам-ҳасрат олиб келадими ёки ҳузур-ҳаловат келтирадими, бу тўғрида у ўзига ҳисоб бермасди. Лекин эрталаб уйқудан уйғониши билан ўша ҳодиса худди шу бугун рўй беришига ишонарди. У ҳар бир товушга қулоқ солар, ўрнидан ирғиб турарди ва ҳаммаси бояги-боягидек эканлигини билиб, ҳайрон қоларди, айниқса, кеч кирганда юраги сиқиларди ва тезроқ тонг ота қолса, деб кутарди.

Кейин яна баҳор келди, иссиқлар бошланиб, ноклар гуллаган пайтда Эмма юрак сиқилиш касалига мубтало бўлди.

Июлнинг биринчи кунларидан бошлаб Эмма октябргача неча ҳафта қолди, деб бармоқлари билан санаб юрди, у маркиз д'Андервилье Вобьесарда яна бал ўтказди, деб ўйларди. Биринчи сентябрь ҳам келди, ҳеч қанақа мактуб ёки таклифномадан дарак бўлмади.

Ҳафсаласи пир бўлиб, умиди узилгандан кейин қалби яна бўшаб қоларди, яна бири бирига ўхшаган кунлар бир-бирини қувалашиб ўтаверарди.

Демак, бир-бирига ўхшаган, ҳисобсиз ҳеч бир янгилик келтирмайдиган кунлар шу тартибда ўтиб кетаверадими? Бошқалар ҳам диққинафас бўлиб яшайди, лекин уларда бирор ўзгаришга андаккина бўлса ҳам умид бор-ку. Баъзи бир вақтларда қандайдир кутилмаган бир воқеа қанчадан-қанча ҳодисаларни бошлаб келади, шу билан муҳит ўзгаради. Лекин унинг ҳаётида ҳеч нарса рўй бермайди, демак, шуни тангрининг ўзи пешанасига ёзган экан-да! Келажак у учун қулф-лоғлиқ эшикка бориб тақалувчи қоронғи йўлак бўлиб кўринарди.

Музика чалишни ташлаб қўйди, нима кераги бор? Ким уни эшитади? Модомики, яқин ўрталарда калта энглик бахмал кўйлақда ўтириб, Эраро роялини чалмагандан кейин, энгил бармоқлари клавишлар устида ўйнамагандан кейин, модомики, яқин ўрталарда концерт залида ўтирганларнинг офаринларини олиб келувчи шамол эсаётганини сезмагандан кейин уриниш-ўрганишнинг нима ҳожати бор? Расмлари ва тиккан кашталари шкафта ётибди. Булар ҳаммаси нима учун? Нимага? Тикиш ҳам унинг жонига тегди.

— Китобларни битта қўймай ўқиб чиқдим, — дерди у.

Бир бало қилиб вақтни ўтказиш учун у оташкуракни каминда қип-қизартирарди-да, унга қараб ўтирарди ёки ойнадан ёмғир ёғишини томоша қиларди.

Айниқса, якшанба кунлари кечки ибодатга занг урилганда юраги шундай сиқилардики! Дарз кетган жомнинг зарбларига у анқайиб қулоқ соларди. Томда мушук белни букчайтириб қуёшнинг плитмас нурлари остида аста қадам ташларди. Кўчада шамол тўзонни учирарди. Баъзан қаердадир ит ҳурар, жом эса ҳамон гувиллар, унинг ҳазин ва бир текис жаранги олисларга тараларди.

Кейин ибодат тугарди, аёллар тозаланган оёқ кийимларда, деҳқонлар янги кўйлақларда черковдан уй-уйларига қайтишарди, болалар бош яланг, олдинда бир оёқлаб чопиб келишади. Карвон сарой дарвозаси олдида ҳамиша беш-олти киши йиғилишиб, ярим кечагача «пробка» ўйнашади.

Қиш бу йил совуқ келди. Баъзан кечаси билан яхлаган ойналардан ўтган оқиш ёғду хоналарни ёритиб турарди. Соат тўртдаёқ чироқларни ёқишга тўғри келарди.

Ҳаво яхши кунлари Эмма боққа чиқарди. Карам барглари орасида узун оқ ипга тизилган қиров кумушдек йилтиларди. Қушларнинг сайраши эшитилмас, гўё бутун олам уйқуга кетгандек, оқ ўрик дарахтлари, похол билан бекитилган ток худди каттакон касал илондек девор тагида чувалашиб ётар, унга яқинроқ бориб қарасангиз, ўзининг беҳисоб оёқлари билан ўрмалаб юрган эшакқуртларни кўришингиз мумкин. Панжара олдидаги қора қайинлар тагига

ўрнатилган ҳайкалнинг — учбурчак шляпа кийган, қўлида китоб ушлаган руҳоний ҳайкалининг ўнг оёғи синиб тушибди, совуқдан гипс уваланиб, юзлари чўтир-чўтир бўлиб кетибди.

Кейин Эмма ўз хонасига қайтарди, эшикни ичидан бекитиб олиб, каминдаги оловни тита бошларди, иссиқдан нафаси қайтиб, ғам-ғусса бутун оғирлиги билан уни босаётганини сезарди. У бориб хизматчиси билан бир оз кўнглини ёзгиси келар, лекин буни ўзига раво кўрмасди.

Ҳар куни маълум соатда қора шойи қалпоқ кийиб юрадиган ўқитувчи деразанинг дарпардасини очади, ёнига қиличини олиб олиб дала қоровули ўтади. Эрталаб ҳам кечқурун кўча кесиб почта отлари ўтади, уларни учта-учтадан қилиб ҳовузга сугоришга ҳайдаб боришади. Вақти вақти билан қовоқхона эшигида қўнғироқ чалинади, шамол бўлган кунлари темир чивикларда осилиб турган, сартарошхонага лавҳа хизматини ўтовчи мис тоғорача даранглайди, унинг витринаси дераза ойнасига ёпиштирилган эски сурат билан мумдан ясалган сариқ сочли хотин кишининг бошидан иборат эди. Сартарош ҳам иш йўқлигидан, ўзининг хароб бўлган ҳаётидан нолир эди ва бирорта катта шаҳарда, айтайлик, Руанда, соҳил бўйида ёки театрдан унча узоқ бўлмаган ерда сартарошхона очишни орзу қиларди. Куни бўйи муштарий кутиб, қовоғидан қор ёғиб, шаҳар идораси билан черков орасида юравериб эси кетарди. Бовари хоним қачон қарамасин, сартарош фескасини чаккасига қўйиб, шойи астарлини курткаси билан қўриқчиллик постида тургани-турган эди.

Баъзан меҳмонхонанинг деразасидан қора бакенбардли, офтобдан қорайган башара кўринарди-ю. оғзининг таноси қочиб, оқ тишларини кўрсатиб, юмшоққина кулиб қўярди. Орқасидан вальс овозлари эшитиларди ва шарманка садоси остида кичкинагина залда ўйинчоқ кресло, диван, устунчалар орасида бўйи бир қарич ўйинчилар айланиб-айланиб ўйнаб кетишарди: қўғирчоқ аёллар қизил саллаларда, эркак қўғирчоқлар курткаларда, маймунчалар қора фракларда, кавалерлар калта иштончаларда гир айланиб ўйин тушишар ва булар ҳаммаси бурчакларига тилла қогоз билан ёпиштириб қўйилган ойна парчаларида

акс этарди. Ҳалиги киши шарманканинг сөпини айлантирар, ўзи бўлса ҳали ўннга, ҳали чапга, ҳали ойналарга қарарди. Ҳар замонда тумбага туфлаб қўйиб, тиззаси билан шарманкани кўтариб қўярди, унинг чарм боғичи елкасини қиярди ва жимжима мис тахтачага ёпиштирилган пушти ранг гулдор пардаларнинг тагидан гоҳо мунгли, чўзиқ, гоҳо шўх ўйин куйлари гувиллаб чиқарди. Ана шу куйларни қаерлардадир узоқларда театрларда чалишар, салонларда куйлашар эдилар, шу музыка оҳанглари остида зиёфатларда, қандиллардан нур ёғилиб турган меҳмонхоналарда рақсга тушишарди ва эндиликда Эммага олий табақа жамияти ҳаётининг акс садолари каби келиб етарди. Хаёлида ҳамма вақт сарабанда¹ айлангани айланган, фикри бўлса худди раққосадек гиламнинг гуллари устида, музыка оҳанглари билан баробар оёқ ташлаб, орзудан орзуга, қайғу-аламдан қайғу-аламга сакрарди. Ҳалиги одам тушган чақаларни фуражкасига солиб, шарманкасини кўк сурпдан тикилган эски қопчиққа ўраб, уни елкасига кўтарар, оғир қадам ташлаб нари кетарди, Эмма орқасидан қараб қоларди.

Аммо овқат маҳалида унинг тоқати тоқ бўлиб кетарди: пастки қаватда жойлашган, печкаси доим тутаб ёнадиган, эшиги гижиллайдиган, деворлари доғдуғ, поли зах кичкина емакхона унинг табиатини баттарроқ хира қиларди. Эмманинг назарида, унга тарелкада ҳаётнинг барча захри заққумларини берадилар, қайнатма бузоқ гўштидан буғ чиқса, унинг ички аъзоларида ҳам нафрат худди шу буғдек буралиб-буралиб чиқаётгандек туюларди. Шарль шошилмай овқатланарди. Эмма ёнгоқ чақиб еб ўтирар ёки столга тирсагини қўйиб олиб, нима қилишини билмай, пичоқ билан клеёнкани қирқиб ўтирар эди.

У рўзгор ишларини ташлаб қўйди ва катта Бовари хоним улуғ ҳайитда Тостга келиб, бу ўзгаришлардан жуда ҳайратга тушди. Рост, Эмма илгари ўзига жуда ҳам бино қўярди, энди бўлса кун билан нари-бери кийиниб юраверарди, оёғида кул ранг ип пайпоқ, чиқроқ ўрнига шам ёқиб ўтирарди. У доим, модомики, бой эмасмизми, демак, режа билан рўзгор қилиш керак, дерди ва кейин гоҳта хурсанд, бахтиёр эканини, Тост

¹ Сарабанда — испанча рақс музыкаси.

да туриш унга жуда ҳам ёқишини қўшиб қўярди. Бу янги гаплар билан қайнананинг оғзига ургандек бўларди. Барибир қайнанасининг маслаҳатига юришга унинг тоби йўқ эди. Кунлардан бир кун катта Бовари хоним хўжайинлар, малайлардан бутун черков қондаларига риюя қилишларини талаб қилишлари керак, деб қолувди, Эмма хўмрайиб қаради ва совуқ бир жилмайиб туриб, шундай жавоб бердики, муҳтарам хоним тилини тишлаб қолди.

Эмма инжиқ, нозиктабиат бўлиб қолди. У ўзига алоҳида овқат буюрарди, лекин бир қошиқ татиб ҳам кўрмасди, бугун яккаш сут ичса, эртасига нуқул чой ичарди. Гоҳ чордевор орасига қамалиб оларди, гоҳ нафаси қайтиб, ҳамма ойналарни очиб ташларди, енгил кўйлак кийиб оларди, гоҳ чўри қизнинг гашига тегаверарди, гоҳ унга турли-туман совғалар бериб, қўшниларникига меҳмонга юборарди; худди шунингдек, баъзан у ўзининг раҳмдиллиги, шафқатлилиги билан ажралиб турмаса ҳамки, ҳамёнидаги бор нулларини гадойларга бериб юборар эди. Шунини қайд қилиб ўтиш керакки, қишлоқда ўсган кўпчилик одамлар бу фазилатлардан узоқ бўладилар, зероки, оталарининг қадоқли қўллари маълум даража юракларига ҳам ўтган бўлади.

Февралнинг охирида Руо ота ўзининг соғайиб кетганлиги учун куёвига ажойиб курка олиб келди ва Тостда уч кун меҳмон бўлиб турди. Шарль ўз беморлари билан овора, отаси билан Эмма қолди. Чол хонимчида чекар, каминга туфлар, экин, бузоқлар, сигирлар, паррандалар, муниципал советлар ҳақида гапирарди. Отаси жўнаб кетиши билан Эмма шундай бир енгил тортиб эшикни бекитдики, ўзи ҳам бунга ҳайрон қолди. Шунини ҳам айтиш керакки, энди у кимдан, нимадан нафратланишини яширмас, баъзан у жуда дадил фикрларни шартта айтаверарди, ҳамма қувватлаган нарсаларни у инкор этар, ярамас, ахлоқсизлик деб ҳисобланган нарсаларни қўллаб-қувватларди. Эри ҳайратдан кўзини ола-кула қилиб ўтираверарди.

Хўш, демак, бу маъносиз кун кечириш бир умрга чўзилар экан-да? Демак, чора йўқ экан-да? Уша бахткёр аёллардан унинг бирор ери камми? Вобъесарда ўша герцогиняларни кўрди: гавдалари бунга қараган-

да бесўнақай, хатти-ҳаракатлари қўполроқ эди. Тақдирнинг адолатсизлиги Эммага алам қилди, у бошини деворга қўйиб қон йиғларди. У дабдабали ҳаётни, тўнги маскарадлар, беадабона айш-ишратларни қўмсарди, ўзи татиб кўрмаган, кишини ҳаяжонга соладиган лабватларнинг гаштини сургиси келар эди.

Эмманинг ранг-рўйи кетди, юрак уриш бошланди, Шарль унга валерьян ичиш ва камфара ваннаси тайинлади, лекин булар барчаси унинг баттарроқ жигига тегарди. Ваъзи кунлари у гайри табиий сергап бўлиб қоларди, кейин бирдан бу жонсараклик меровликка айланарди қоларди. У соатлаб ғиринг этмай, жойидан қимирламай ўтираверарди. У бутун-бутун шиша атирларни қўлига қуяр, искар ва шундан кейин бир оз жонланарди.

Модомики, у бетўхтов Тостни ёмонлайдими, демак, гап у ернинг иқлимида, деб хулоса чиқарди Шарль ва шу фикрни миясига қўйиб олиб, бу ҳақда жиддий ўйлай бошлади: ахир, бошқа бирор жойларга кетса бўлмайдими, деган хулосага келди.

Ушанда Эмма озиш учун сирка ича бошлади. Қуруқ йўтал пайдо бўлди, иштаҳаси батамом йўқолди.

Тостдан кетиш Шарлга осон эмасди, ахир у бу ерда бир неча йилдан бери ишлайди, эндигина «пат чиқараётир». Начора! У хотинини Руанга олиб борди ва ўзининг собиқ профессорига кўрсатди. Унинг асаблари бузилган, бу шаронтнинг ўзгаришини тақозо қилар экан.

У ёқ-бу ёққа дарак солиб, Шарль ниҳоят Невшатель округида Ионвиль — л'Аббей деган тузуккина шаҳарча бор эканлигини аниқлади. Худди ўша ердан ўтган ҳафта поляк эмигранти — врач ўз юртига кетган экан. Шунда Шарль Ионвиль дорихона бошлигига хат ёзиб, у ерда қанча халқ яшайди, ундан олдинги врач кўп пул ишлармиди, қўшни врач узоқда яшайдими, шуларни ёзиб юборишини илтимос қилди. Қониқарли жавоб олгандан кейин Шарль: «Агар Эмма тузалмаса, баҳорда у ёққа кўчиб кетамиз», деб қарор қилди.

Бир кун Эмма кўчиш тараддудида нарсаларини сараижомлаб юрган эди, комод ичида бармоғига бир нарса санчилди. Бу унинг тўй гулдастасининг сими эди. Оқ гуллар чангдан сарғайиб, кумуш попукли

атлас лентанинг четлари титилиб кетибди. Эмма гулларни оловга ташлади. Улар худди қуруқ похолдек бир зумда лов этиб ёниб кетди. Бир оздан кейин кулда қанақадир қизил шохга ўхшаган нарса қолди ва бу ҳам аста-секин кулга айлана бошлади. Эмма унда кўзини узмай қараб турди. Картондан ясалган мева-лар ёрилар, жез симлар буралишар, уқалар эрирди: оловда буришиб қолган қоғоз гулчамбарлар каминида қора парвоналар каби учиб юришди, ниҳоят трубадан учиб чиқиб кетишди.

Март ойида эри билан Тостдан кетаётганда Бовар хоним ҳомиладор эди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

I

Ионвиль — л'Аббей¹ шаҳарчаси (капуцинларнинг қачонлардир смирилган аббатлиги² ҳукумати учун бу шаҳарчага шундай ном қўйилган) Руандан саккиз льё масофада, Риель дарёси водийсидаги Аббевиль ва Бовеа йўллари оралиғида жойлашган, Риель дарёси ўз сувини Анделга қуяди, қўйилиш ери яқинида учта тегирмонни юргизади ва бу дарёда унча-мунча хонбалиқлар бор, болалар унга жуда ҳам ўч, улар ҳар якшанба дарё бўйига тизилишиб олишиб, балиқ овлашади.

Буасьерда сиз катта йўлдан буриласиз ва қишлоқ йўли билан Ле тепалигидан кўтариласиз, у ердан бепоян водий манзараси кўзингизга ташланади. Бу водийни дарё бир-биридан фарқи катта бўлган икки областга ажратади, деса бўлади: чап томонида ўтлоқлар, ўнг томонида бугдойзор. Тепаликлар ён бағрида ястаниб ётган ўтлоқлар орқа томонда Брэ яйловига туташади, шарқ томонда эса текислик билинар-билинимас кўтарила бориб кенгайди, кўз илғамас олин ранг бугдойполлар ёйилиб ётарди. Ўт-ўланлар ранги билан экинларнинг ранги бир-бири билан қўшилиб кетмайди, уларни оқар сувнинг тиниқ лентаси ажратиб туради ва далалар бу ерга ёйилган кумуш духоба ёқали каттакон плашга ўхшайди.

Сиз шаҳарга яқинлашган сарингиз уфқда Аргейль ўрмонининг қарағайлари ва Сен-Жан жарликлари кўрилади, бу жарликлар юқоридан пастгача узун, қинғирқийшиқ, қизил чизиқлар билан чизиб ташланганга ўхшайди, булар ёмғир излари, шу атроф далаларга оқиб ётган беҳисоб темирли чашмалар кул ранг тошни кесиб ўтган томирларга қизғиш ранг берган.

¹ Аббей — «аббатлик» (франц.)

² Аббат — католик черковининг бош руҳонийси. Аббатлик — ўз атрофидаги ер-мулкларга эга бўлган католик черкови.

Бу ерда Нормандия, Пикардия ва Иль-де-Франс вилоятлари бир-бири билан туташади, бу талаффузи ўз хусусиятига эга бўлмаган, манзараси эса ўзига хос қурама ўлкадир. Бу ерда бутун округ бўйича энг ёмон Нефшатель пишлоги ишлаб чиқарилади, бу ерда бугдой экишнинг ҳам фойдаси йўқ, сочилувчан қумлар: тошлоқ, қумлоқ ер жуда ўғит талаб қилади.

1835 йилгача Ионвилда йўловчилар қатновчи йўл ҳам бўлмаган, лекин худди мана шу йил Аббевиль ва Амьен йўлларини қўшадиган «катта қишлоқ йўли» ўтказилди, энди Руандан Фландриягача ҳар замонда юкли аравалар ўтиб туради. Аммо «мол сотиладиган янги бозор бўлишига қарамай, Ионвиль — л'Аббейда ҳамма нарса қадимгича қолаверди. Зироат ишларини кўтариш ўрнига бу ерда ўжарлик қилиб бефойда хашакли ўтлар экавердилар. Бу эринчоқ шаҳарча текисликдан узоқда дарё томон чўзилади. Уни узоқдан кўриш мумкин: худди чошгоҳда дам олиб ётган чўпондек дарё қирғоғида ястаниб ётади.

Кўприкдан ўтилгач, тепалик этагида ёш тоғ тераклари экилган йўл бошланади, шу йўлдан сиз ўнгга ҳам, чапга ҳам бурилмай, тўппа-тўғри худди шаҳар четига кириб борасиз. Атрофи деворча билан ўралган уйлар ҳовлиларнинг ичкарасига қурилган, теварагидаги сершоҳ дарахтларга нарвонлар тираб қўйилган, улар остида ўроқлар, узун ёғочлар ва ҳар хил иморатлар кўзга ташланади: узум эзиб ширасини чиқарадиган хоналар, файтонлар турадиган, вино тайёрланадиган уйлар. Худди бостириб кийган шапкадек осилиб ётган похол томлар ўртасида шишанинг тагига ўхшатиб чуқурча қолдирилган, бўртиқ қалин ойналар солинган кичкина деразаларнинг учдан бир қисмини бўғот бекитиб туради. Сувоғи орасидан кўндаланг қоқилган қора тахтача кўриниб турадиган деворлар бўйлаб нимжоннок дарахтлари ўсиб ётибди, эшиклар олдига, остонада сидрга солиб ивтилган нон бўлакчаларини чўқилаб юрган жўжалар кирмаслиги учун кичкина парракчалар ўрнатилган. Бироқ ҳовлилар бора-бора тора-йиб, уйлар бир-бирига қапишиб боради, деворлар кўринмай кетади, деразалар тагида учига қирққулоқ боғланган супурги соплари силкиниб туради. Мана, темирчилик дўкони, кейин арава устахонаси, унинг олдида тош йўлнинг бир қисмини банд қилиб турган

иккита-учта янги аравалар. Нарироқда, панжара орасидан оқ уй кўринади, унинг олдида эса доирасимон ўтлоқча бўлиб, уни бармоғини лабига теккизиб турган амур ҳайкалчаси беэаб туради; катта эшикнинг икки томонида нақшлаб ясалган вазалар, эшикда металл тахтача ялтирайди, бу шаҳардаги энг яхши уй — бу ерда нотариус истиқомат қилади.

Ундан йигирма қадамча нарида — қарама-қарши томонда, майдоннинг четида черков жойлашган, унинг атрофини пастаккина деворли кичик қабристон ўраб туради, у шунчалик торки, ер бағирлаб ётган эски плиталардан бус-бутун пол ҳосил бўлган... ораларида ўсган ўтлар кўм-кўк ва тўғри тўрт бурчаклар ҳосил қилади. Карл X подшоҳлигининг охириги йилларида черков бошқатдан қурилган эди. Бироқ тепадаги ёғоч гумбаз чирий бошлаган, унинг зангори фонининг баъзи ерларида қорамтир чуқурчалар ҳосил бўлган. Орган¹ туриши керак бўлган жойдаги эшик тепасига эркаклар учун хорлар² қурилган, у ерга пошналардан жаранглайдиган айланма зина орқали чиқилади.

Кундузнинг ёруғ ёғдуси деразаларнинг рангли ойналаридан ўтиб, қийшиқ нурлари билан деворга нисбатан тик чизиқ қилиб териб қўйилган скамейкалар қаторини ёритиб туради, баъзи скамейкаларнинг суянчигига гиламча қоқиб қўйилган ва шу гиламчаларнинг қар бирининг тепасига йирик ҳарфлар билан: «Жаноб фалончининг скамейкаси» деб ёзилган. Ундан нарида, кема тораёиб борган ерда тавба қабул қилинадиган хона мавжуд, худди ўшанинг рўпарасида Сандвич оролидан келтирилган маъбуданинг ўзгинасидек қипқизил атлас кўйлақда, кумуш юлдузчалар сепилган тўр рўмолда Биби Марямнинг ҳайкалчаси туради, ниҳоят, энг ичкарида тўртта шамдон оралигида, меҳроб, тепасида осиглиқ турган «ички ишлар министри ҳадяси» — муқаддас онла расмининг нусхаси бу манзарани тугаллайди. Хорлардаги арчадан ясалган ўриндиқлар шундайлигича бўялмай қолиб кетган.

Ионвиль бош майдонининг роса ярмисини раста бозор, яъни тахминан йигирмата устун ушлаб тура-

¹ Музыка асбоби.

² Черковларда ашула айтувчилар учун болохонасимон қурилган жой.

диган черепица бостирма ишғол қилади. Вурчакда, дорихонанинг ёнида «Париж архитекторининг лойиҳаси» билан ишланган ва гўёки юнон қасрига тақлид қилиб қурилган шаҳар бошқармаси биноси қад кўтарган. Пастда учта ионик колонналар, иккинчи қаватда равоқли узун айланма айвон, пештоқи устига бир оёғи билан Хартияни¹, иккинчи оёғи билан адолат торозисини босиб турган Галл² хўроз ўрнаштирилган.

Аммо «Олтин шер» трактирининг рўбарўсидаги жаноби Оменинг дорихонаси, айниқса яққол кўзга ташланади ва энг муҳими кечқурун кенкет ёндирилганда, витриналарнинг қизил ва кўк шарлари ерга узун, ранг-баранг соялар ёйганда, бу шарларда худди бенгал олови учқунлангандек, конторкаси устида энгашиб ўтирган дорихоначининг сояси акс этади. Унинг уйига тепасидан то пастгача, гоҳ думалоқ, гоҳ ўннга қийшайган, гоҳ босма ҳарфлар билан ёзилган хилма-хил вълонлар ёпиштириб ташланган: чунончи, «Виши, ссельтр, Бареже, қон тозаловчи экстрактлар, ич сурувчи дориси, Распайль, Арабистон ракаути, Дарсе таблеткалари, Реньо пастаси, бинтлар, ванна учун эритмалар, пифобахш шоколад ва ҳоказо». Эни бўйлаб бинонинг устига йирик олтин ҳарфлар билан «Оме дорихонаси» деб ёзилган лавҳа қоқиб қўйилган. Ичкарида, пештахта ўрнаштирилган катта тарозининг орқасида ойнабанд эшикнинг тепасида деворга узундан-узун қилиб «Лаборатория» деб ёзилган, эшикнинг қоқ ўртасида қора устундан тагин олтин ҳарфлар билан «Оме» деб ёзилган.

Ионвилда бундан бошқа кўргудек жой йўқ. Унинг унча узун бўлмаган, бир ўқ етгулик биттаю битта кўчаси, яна бир неча савдо муассасалари бор, кейин йўл бурилади-ю, кўчанинг боши шу билан узилади. Агар кўча ўнг томонда қолиб, Сен-Жан тепалиги ёнидан ўтилса, қабристонга чиқилади.

¹ «Франциянинг конституцион хартияси» 1814 йилда Людовик XVIII томонидан имзоланган ва 1830 йилда Июль революциясидан кейин либерал руҳда ўзгартирилган конституцион акт.

² Буюк француз революцияси даврида Республиканинг гербида хўроз тасвирланган, бунинг маъноси шуки, латинча gallus-хўроз демак, Рим салтанати даврида ҳозирги Франция территориясида Галл қабилалари яшаган.

Бир йили бу ерда вабо касали тарқалган вақтда қабристонни кенгайтиришди, ёнидан уч акр жой олиб, деворини бузиб юборишди, лекин қабристоннинг мана шу янги қисмида битта ҳам гўр йўқ. илгаригидек дарвозага яқин ерга кўмишаверади. Қабристон қоровули — у ҳам гўрков, ҳам черков қошида оят ўқувчи бўлиб ишлайди (шу туфайли ўликлардан икки баравар фойда олади) бўш ётган ерга картошка экади. Лекин унинг экин ерлари йилдан-йилга торашиб бормоқда, энди вабо тарқалганда у ўликлардан хурсанд бўлишини ҳам билмайди, ҳар бир янги мазорни кўриб хафа бўлишни ҳам билмайди.

— Сиз мурдалар билан тирикчилик қиляпсиз, Лестибудуа! — деди руҳоний бир куни жаҳлини босолмай.

Бу қайгули фикр қоровулни анча ўйлатиб қўйди ва у бир неча вақт «қишлоқ хўжалик» ишларини тўқтатди. Кейин у яна ўз билганидан қолмади, олдингидек экаверди, бунинг устига у яна, картошка ўзи чиқяпти, дейишга ҳам журъат этарди.

Биз ҳикоя қилажак ҳодисалардан илгари Ионвилда эътиборга сазовор бўладиган ҳеч қандай ўзгариш юз берган эмасди. Қўнғироқхона тепасида уч рангли тунука паррак ҳамон айланиб турар, янги дўконда иккита чит байроқ аввалгидек шамолда ҳилпирар, дорихонада оқ ҳарон қурбақа салласини эслатувчи пушталар лойқа спиртда ундан баттарроқ чириб ётар, қаҳвахонанинг эшиги тепасида бўлса ёмғирдан айниб кетган қари олтин шер юнги жингалак итга ўхшаш ҳурпайган жунини ҳамон кўз-кўз қилиб ётарди.

Ионвилга эр-хотин Боварилар келадиган ўша оқшом қовоқхона бекаси бева Лефрансуа идиш-товоқларни тоза ювди, баданидан тер шов-шов оқарди. Эртага бозор куни, олдиндан нимта гўштларни бузиш, жўжаларнинг патини юлиш, шўрва ва қаҳва пишириб қўйиш керак. Ҳа, тагин таомни фақат унинг пансионида турувчилар учунгина эмас, доктор, хотини ва уларнинг оқсочи учун ҳам тайёрлаш керак. Бильярдхонадан қаҳқаҳа эшитиларди. Кичкина хонада ўтирган учта тегирмончи ароқ талаб қилишарди. Ўтинлар ёнар, чўғлар чарсиллар эди. Гўшт чопилаётган тўнка гурсиллагани сари узун ошхона столидаги хом қўй гўшти парчалари орасида уюлиб ётган бир тўда тарелкалар ҳам силкиниб кетарди. Парранда ҳовлида қаттиқ

қийқирар, хизматчи қиз калласини олиш учун қувлаб юрган бечора товуқ, хўразнинг қичқирити эшитиларди.

Каминнинг олдида оёғига яшил чарм туфли, бошига тилла попукли духоба қалпоқ кийган чўтирроқ киши исиниб ўтирарди. Унинг афти башараси ўзига бино қўйишдан бошқа ҳеч нарсани ифодаламасди, у ўзини худди тепасида осиглиқ тол чивигидан ясалган қафасдаги саъвадек бамайлихотир тутарди. Бу дорихоначи эди.

— Артемиза! — бақирди қовоқхона бекаси, — шохчаларни синдир, графинларни тўлдир, ароқ олиб кел, бўл тезроқ, қимирла! Анави, сиз кутаётган меҳмонларга қанақа ширинлик тайёрлашимни билмай бошим қотяпти! Ё, Исо Масих! Яна бильярдхонадаги юк ташувчилар шовқин қилишяпти! Уларнинг араваси дарвоганинг олдигинасида турибди-я! «Қалдирғоч» келиб, абжағини чиқариб юборади! Бор, Ипполитга айт, уни суриброқ қўйсин! Буни қаранг-а, жаноб Оме, эрталабдан бери ўн беш марта ўйнашди чоғимда, олма виносининг ўзидан саккиз хумча ичишди!.. Бильярднинг мовутини йиртиб юборишадди булар ўлгур! — қўлида чўмич билан, бильярд ўйнаётганларга узоқдан қараб гапирарди у.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Оме, — янғисини оласиз.

— Янги бильярд-а? — ҳовлиқиб кетди бева хотин.

— Ахир бунингизнинг шалоғи чиқиб кетди-ку, Лефрансуа хоним. Мен сизга аллақачондан бери айтаман, бу билан сиз ўзингизга зарар етказасиз! Худо ҳақи, зарар қиласиз! Уйинчилар ҳам энди тўр халтаси тор бильярдни ва оғир кийни афзал кўрадилар. Умуман, ҳамма нарса ўзгарган! Аср билан бирга қадам ташлаш керак! Тельедан ўртак олсангиз бўлмай-дими?!

Қовоқхона бекаси жаҳлдан қизариб кетди.

— Нима деманг, унинг бильярди сизникидан нафисроқ-да! — давом этди фармацевт, — агар масалан, ватанпарварлик мақсадида, поляклар фойдасига ёки Лионда сув тошқинидан жабр кўрганлар фойдасига бильярд мусобақаси ўтказиш бирор кишининг миясига келгандайди...

— Уша муттаҳамдан қўрқиб бўпман! — унинг сўзини бўлди кенг елкаларини силкитиб қўйиб бека. —

Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ, жаноб Оме! «Олтин шербор экан, унда ҳамма вақт одам тўла бўлади. Ҳали биз пул билан ўйнаймиз! Мана кўрасиз, худо хоҳласа шундай бир кун келадик, касод бўлган «Франция» қаҳвахонасига қулф тушади, шу ҳақда эшигига эълон ёпиштирилган бўлади! Ҳа, ҳа, бильярдни алмаштирамиш! — деди ўз-ўзига. — Унинг устида кирларни таллаш қандай ўнғай, ов мавсуми бошланганда эса унинг устида олти киши бемалол ётади!.. Ҳай, бу тасқара Иверга бир бало бўлдими, дараги йўқ!

— У келмагунча ўз мижозларингизга тамадди бермайсиз чоғи, а?

— Нега бермас эканман? Жаноб Бине-чи? Мана кўрасиз, у роса соат олтида келади, шунақанги батариб одамни ахтариб топиш қийин! Албатта, унинг учун кичкина уйдан жой бўшатиш керак! Ўлдирсангиз ҳам бошқа стулга ўтирмайдн! Инжиқлигини айтмайсизми! Олма виносини танлайвериб эс-ҳушимни чиқаради! Мана жаноб Леон, бошқа гап! У баъзан еттида, баъзан етти яримда келади. Нима берсанг танлаб ўтирмай еяверади. Шундоқ ажойиб йигитки, асти қўяверинг! Бирор марта бақриб гапирмаган.

— Боодоб одам билан, мен сизга айтсам, собиқ карабинерлардан¹ чиққан солиқ инспекторини солиштириб бўлмайди.

Соат олтига занг урди. Бине кирди. Кўк сюртук унинг ориқ гавдасида худди ёғочга илиб қўйгандек турарди, тепасига қулоқчини боғлаб қўйилган ва соябони букилиб кетган фуражкеси остидан, узоқ вақт каска кийиб юриш натижасида чуқурча бўлиб қолган пешанаси кўриниб турарди. У қора мовут нимча, шол галстук, кул ранг шим ва дўппайган бошмалдоғи устида бўртиб чиққан, лекин қунт билан тозаланган этикни йилнинг ҳамма фаслида кийиб юрар эди. Унинг пастки жағини чизиб турган ва худди гулпуштани ажриқ билан жўяклаб қўйганга ўхшаган бир кўзли қарчиғай бурунли чўзинчоқ қонсиз юзини ўраб олган соқолининг бир тола туки ҳам оқ ёқасидан чиқиб турмасди. Ҳар қанақа карта ўйинини дўндирадиган, моҳир овчи,

¹ Карабинер — яъни калта милтиқ билан қуролланган аскар.

Ўзининг ҳусниҳати билан ном чиқарган бу одам яна бекорчиликда ўзининг токарлик станогида сочиқлар учун ҳалқалар ҳам ишлаб чиқарарди. У санъаткорга хос қизиқиш ва мешчанларча худбинлик билан уйини ҳалқаларга тўлдириб юборган эди.

У тўппа-тўғри кичкина хонага йўл олди, лекин у ердан олдин учта тегирмончини чиқариб юбориш керак эди, то ўзи учун стол устига дастурхон ёзиб бўлмагунларича индамай, печка ёнида тикка турди, кейин одати бўйича эшикни бекитди ва фуражкасини ечди.

— Хушмуомаланинг кўчасидан ҳам ўтмаган кўри-нади,— деди фармацевт бека билан ёлғиз қолгандан кейин.

— Ҳа, у ҳамма вақт шунақа!— тасдиқлади бека,— ўтган ҳафта меникига иккита мовутфуруш даллоллар келишди, шундай шўх йигитлар эканки, бутун оқшом қизиқчилик қилиб ўтиришди, кулавериш ичакларим узилди. У бўлса оғзига сўк солгандек гик этмай ўтирди.

— Ҳа,— деди фармацевт,— фаросатдан, аскиячиликдан, умуман, аслзодаларни ажратиш турадиган хислатларнинг ҳаммасидан маҳрум.

— Шундоқ бўлса ҳам, унинг сармояси кўн дейишадди,— деди бека.

— Сармояси?— такрор сўради жаноб Оме.— Ўзи ким бўпти? Сармоя эмиш?! У ўлпон ундириб олиш йўлини билади холос,— энди анча совуққонлик билан гапирди дорихоначи ва давом этди,— айтайлик, негоциант¹, катта-катта ишлар билан шугулланувчи юрист, доктор, дори тайёрловчилар бир умр ўз фикрлари билан банд бўлиб, бора-бора тентакроқ ва ҳаттоки одамовироқ бўлиб кетишадди, мен буни тушунаман, биз буни тарихдан ҳам биламиз! Лекин барибир улар ҳамма вақт бир нарса тўғрисида фикр юргизадилар. Масалан, мен билан неча марта шундай ҳодиса рўй берди, шишаларга дори номини ёзиш керак, стол устидан ручкани қидираман, у бўлса қулоғим устига қистирилган бўлади!

Бу орада Лефрансуа хоним «Қалдирғоч» келган келмаганини билиб келиш учун чиқиб кетди, остона-

¹ Н е г о ц и а н т — катта савдо ишлари билан шугулланадиган савдогар.

га чиқиши билан бирдан чўчиб тушди. Тўсатдан ошхонага қора кийим кийган киши кириб келди. Ботиб бораётган офтоб шуълаларида келган одамнинг икки юзи қип-қизил ва жуда ҳам дуркун эканини кўриш мумкин эди.

— Марҳамат, хизматларига тайёрман, тақсир! — деди қовоқхона бекаси каминда қаторлашиб турган мис шамдонлардан биттасини қўлига олиб. — Хўш, бирор нарса ичадиларми? Бир қадаҳгина смородина виносидан берайми ёки бир стакан сидр ичадиларми?

Руҳоний одоб билан винодан бош торгди. У Эрнемонск монастирида соябонини унутиб қолдирибди, Лефрансуа хонимдан шу соябонни марҳамат қилиб кечқурун уйига етказишини сўради ва кечки ибодатга кетди.

Унинг оёқ товуши босилгандан сўнг фармацевт, руҳонийнинг беодоблигини қайд этди. Бир стакангина ичмаслик, бу — ярамас иккиюзламачилик, бундан бошқа гап эмас. Руҳонийлар ҳаммаси ичкиликбозлик қилишади, фақат хуфиёна ичишади, ҳаммаси солиқ ундириш пайида.

Қовоқхона бекаси руҳонийнинг ёнини олди.

— Бе, сизга ўхшаганларнинг тўрттасини йўлда қолдиради у. Бултур ионвилликларга похол йингиштиришда ёрдамлашди, нимасини айтасиз, у биратўла олти қучоқдан кўтарди. Шунчалик бақувват у!

— Яшанг-эй! — қичқирди фармацевт, — ана, қизларингизни шунақанги бўйни йўгонлар олдига тавба қилишга юборинглар! Мен ҳукумат ўрнида бўлсам, ҳамма руҳонийлар ойда бир марта қон олдириб туришсин, деб буйруқ чиқарар эдим. Ҳа, ойида бир марта бошлаб туриб, Лефрансуа хоним. Аҳволни тузатиш ва жамоат тартиби учун, ҳа!

— Бас қилинг, жаноби Оме! Сиз даҳрийсиз! Сизнинг ҳеч қанақа динингиз ҳам йўқ!

— Йўқ, менинг диним бор, ўзимга хос диним, — эътироз билдирди фармацевт, — мен улардан кўра динийроқман. Уларнинг барча мунофиқлик, лўттибозликлари билан қўшиб бир пулга олмайман. Аксинча, мен худога сажда қиламан! Юксак зотга, яратганга ишонаман. Кимга бўлмасин барибир, уни нима деб атаса бўлади, биз ўзимизнинг гражданлик ва оилавий бурчимизни адо этиш учун бизни яратганга ишонаман! Ле-

кин черковга боришим, кумуш баркашларни ўпишим, сиздан ва биздан тузукроқ яшайдиган бир гала текин-хўрларни ўз ёнимдан боқишим шарт эмас! Ўрмонда ҳам, далада ҳам, ҳаттоки, қадимгилардек фалак гум-базига қараб туриб худога сиғиниш мумкин. Менинг тангрим — бу Сократнинг, Франклиннинг, Вольтернинг ва Беранженинг тангрисидир! Мен Савой викарийси динининг рамзи¹ ва саксон тўққизинчи йилнинг ўлмас принципларининг тарафдориман! Мана, нима учун мен қўлида чўп билан ўз гулзориди сайр этиб, ўз дўстларини кит қорнига жойлаштирадиган, бир чинқириб оғзидан жони чиқиб кетадиган ва учинчи кун тирилиб қоладиган худочани инкор қиламан. Мана бу сафсаталар барчаси физика қонунларига таг-тугидан зиддир, бу қонунлардан эса, мен сизга айтсам, кўриниб турибдики, руҳонийларнинг ўзлари жирканч нодонликка ботиб ва унинг ботқоғига халқни ҳам ботиришга тиришиб келадилар.

Шу ерда фармацевт атрофга аланглади-ю, жим бўлиб қолди, қизишиб кетиб, муниципал кенгашида ваъз айтаётибман, деб фараз қилди шекилли. Қовоқхона бекаси бўлса унга эътибор бермади, унинг диққатини узоқдан эшитилаётган гилдирак товуши тортган эди. Бир оздан кейин каретанинг гижирлаши, бўшаё қолган тақаларнинг чақ-чуқи аниқ эшитилди ва ниҳоят, дарвоза олдида «Қалдирғоч» тўхтади.

У иккита катта гилдирак орасида жойлашган сариқ яшикдан иборат эди, бу гилдираклар брезент қопланган соябоннинг тепасигача етар, йўловчиларга атрофга қарашга халақит берар ва орқаларига лой сачратар эди. Каретанинг эшиги очилиб-ёпилганда, унинг деразаларидаги ойналари баравар силкинарди, бу ойналарда лой парчалари, ҳаттоки шаррос ёққан ёмғирлар ҳам юволмаган чанглар қотиб кетган эди. Каретага учта от қўшилар, улардан биринчиси шатакчи эди; агар йўл пастлашиб кетса, карета қаттиқ силкиниб, орқа таги ерга тегарди.

Шаҳарликлар майдонга югуришди. Ҳамма бирдан гапирар, биров янгиликларни суриштирса, биров изо-

¹ Ж. Ж. Руссонинг «Эмиль» романидан бир эпизод. Руссониники ҳиссиёт ва табиатни кузатишга асосланган динни ҳимоя қилади.

ҳат талаб қилар, биров саватларга ёлишар эди. Ивер кимга жавоб қилишини ҳам билмас, Руанга тушганда маҳаллий аҳолининг ҳамма топшириқларини адо этарди. Бозор айланиб, этикдўзга чарм, тақачига темир, ўв бекасига бочкачада селедка оларди. Чевардан шляпа, сартарошдан улама сочлар олиб келарди.

Руандан чиққандан бошлаб у йўл бўйи қилган харидларини улашиб келар, типпа-тик туриб овозининг борица бақирар ва тугунларини девордан итқитар, отлар бўлса ўзица юриб кетишаверар эди.

Бугун бир ҳодиса юз бергани туфайли у кечикиб қолди: Бовари хонимнинг ити қочиб кетибди. Уни роса чорак соат ҳуштак чалиб чақиришди. Ивер ҳатто ярим льё орқага ҳам қайтди. У, кучук ҳали замон келиб қолади, деб ишонарди. Лекин, йўлни давом эттириш керак эди-да. Эмма йиғлар, жаҳли чиқар, ҳаммасига Шарлни айблар эди. Унинг ҳамроҳи газламафуруш жаноби Лёрё уни юпатиш учун, йўқолиб кетиб бир неча йил ўтгандан кейин ҳам ўз эгаларини топиб олган итлар ҳақида ва ҳар хил воқеалардан гапириб келарди. У ҳатто кимнингдир ити Константинополдан Парижга қайтиб келганини тасдиқларди. Бошқаси тўғри йўл билан элик льё чопиб тўртта дарёдан сузиб ўтган экан. Жаноб Лёрё отасининг ўн икки йил йўқолиб кетган ити, отаси шаҳрига овқатланиш учун кетаётганда бирдан орқасига сакраган экан.

II

Каретадан биринчи бўлиб Эмма тушди, орқасида Фелисите, жаноби Лёрё ва энага тушишди: Шарлни уйғотишди, қоронғи тушиши билан у бурчакка тикилиб қаттиқ ухлаб қолган эди.

Оме ўзини таништиришни бурчи деб билди. Бовари хонимга ўз ҳурмат-эҳтиромини изҳор этди, унинг эри олдида илтифотини тўкиб сочди, хизматларига бажону дил тайёр эканини, хотини бир ёққа кетганлиги учун журъат этиб, биргаликда тамадди қилишга тайёр эканлигини қўшиб қўйди, Бовари хоним самимий тус олиб камин олдига борди. У икки бармоғи билан этагини тўпиғигача очиб, қора ботинкали оёғини сихдапишаётган бир парча гўшт устига узатиб, исита бош-

лади. Аланга унинг бутун гавдасини: кўйлагини, силлиқ, оппоқ терисини ёритди, кўзини юмганда эса ёрувурдан унинг қовоқлари шаффоф кўринарди. Қия очини эшикдан ҳар замон-ҳар замон шамол гувиллаб кираршунда Эмманинг қоматини қип-қизил нур ёритиб юборар эди.

Каминнинг нариги томонида ўтирган ёш, малларанг йигит индамай унга тикилиб қарар эди.

Ионвилда у нотариус жаноб Гильоменнинг ёрдамчиси бўлиб хизмат қиларди. У жуда зерикарди, (бу ўша «Олтин шер»нинг иккинчи кунда-шундаси Леон Дюпюи деган йигит эди) ва карвон саройга бирор йўловчи келса, у билан гурунглашиб оқшомни ўтказишга умидвор бўлиб келарди, овқатга кўпинча кечикиб қоларди. Иши вақтлироқ тамом бўлган кунлари у ўзини қаёққа қўйишини билмас, ноилож овқатга вақтида келар ва овқат тамом бўлгунча Бине билан юзма-юз ўтирарди. Мана шунинг учун қовоқхона бекаси уни янги келганлар билан биргаликда тамадди қилишга чақирганда жон-жон деб рози бўлди. Лефрансуа хоним катта тантана боисидан хонага тўрт киши учун дастурхон ясашга буюрди ва ҳаммалари ўша ерга ўтишди.

Оме фескасини ечмасликка рухсат сўради, у шамоллаб қолишдан қўрқарди.

Кейин у ҳамсояси Эммага мурожаат қилди:

— Жуда чарчаган бўлсангиз керак-а, хоним? «Қалдиргоч»имиз ёмон силкитади-да!

— Тўғри, — деди Эмма, — лекин ҳар қанақа сафар ҳам менга ҳузур-қаловат бағишлайди. Мен муҳитни ўзгартиб туришни яхши кўраман.

— Умрбод бир жойда қимирламай яшаш қанчалик зерикарли, — деди нотариус ёрдамчиси.

— Менга ўхшаб, кун билан отдан тушмай кўринг эди, — гап бошлади Шарль.

— Менимча, бу жуда ҳам яхши, — эътироз билдирди Леон Бовари хонимга мурожаат қилиб ва қўшиб қўйди: — Агар имконият бўлса қанийди!

— Ҳа, бу ерларда врач учун муҳит унчалик оғир эмас, — гапга аралашди дорихоначи, — йўллар яхши, ҳамма ерда файтон билан юрса бўлади, ҳақни ҳам яхши тўлашади, маҳаллий деҳқонлар бадавлат яшашади. Агарда медицина нуқтан назаридан гапирсак, одатдаги энтрит, бронхит, сариқ касали ва ҳоказолардан таш-

қари йигим-терим пайтида баъзан кун ора тутадиган безгак ҳам учраб туради, лекин оғир ҳодисалар камдан-кам бўлади, хуллас, унчалик диққатни тортадигани йўқ, фақат ширинча касали бизда ҳамма ёқни босиб кетмоқда, бу ерда, албатта, бу деҳқон хонадонларининг санитарияга хилоф яшашларидан. Ҳа, жаноб Бовари, жуда кўп бидъатлар билан кураш олиб боришингизга тўғри келади, жаҳолат сизнинг фанингизга муттасил ва шиддатли қаршилиқ кўрсатади, ахир, ҳали шундай одамлар борки, улар врачга, фармацевтга эмас, даволаш ўрнига дам солиб, бутни ўптирадиган попларга борадилар. Ваҳоланки, бу ернинг иқлими асосан ёмон эмас, бизнинг жамоада тўқсонга кирган чолларни ҳам топиш мумкин. Шахсан менинг кузатишим бўйича, ҳарорат бу ерда қиш пайтида тўрт даражагача тушади. Иссиқ кунларда бўлса, йигирма беш, энг кўпи ўттизга боради, бу демак, Реомюр бўйича юқори ҳисоб билан йигирма тўрт, Фаренгейт (инглиз ўлчови) бўйича, эллик тўрт, бундан баланд эмас. Дарҳақиқат, бир томондан — шимол шамолидан бизни Аргейль ўрмони, иккинчи томондан — ғарб томондан Сен-Жан тепалиги ҳимоя қилади, шундай қилиб, дарё устидан кўтариладиган буг ва яйловларда жуда кўп йигилиб қоладиган қорамоллар туфайли иссиқлик кучаяди, негаки, ўзимизга маълум, қорамоллардан кўп миқдорда аммиак ҳосил бўлади, яъни масалан, азот, водород ва кислород йўқ, афв этасиз, фақат азот билан водород ҳосил бўлади, намликни ўзига сингдириб олган иссиқлик мана шу турли-туман бугланишларни аралаштиради, уларни бирлаштиради, масалан, бир боғ қилиб боғлайди, десак ҳам бўлади, электр ҳавода тарқоқ ҳолда бўлганда у билан қўшилади ва бу иссиқлик тропик мамлакатларда бўладигандек вақт ўтиш билан ўзидан саломатлик учун зарарли бўлган миазма¹лар ҳосил қилиши мумкин эди, бу иссиқлик, мен сизга айтсам, худди ўша келадиган ерида ёки тўғрироғи, бизга келиш керак бўлган ерда, яъни жанубда шарқи-жанубий шамоил билан тийилади, Сена устида шу шамоил совиб, вақт-вақти билан худди Россия бўронларидек қўққисдан биз томон бостириб келади.

¹ М и а з м а — газларнинг бузилишидан вужудга келадиган, ҳавода юқумли касалликларни тарқатувчи заҳарли буглар.

— Ҳеч бўлмаса сайр қиладиган ерлар борми бу ерда?— сўради Бовари хоним йигитчадан.

— Деярли йўқ,— жавоб берди у.— Фақат тепаликда биттагина ер бор, ўрмон ёқасида, ўтлоқ деб аталадиган ер. Баъзан яшанба кунлари мен қўлимда китоб билан у ерга бораман ва шафақни завқланиб томоша қиламан.

— Менимча, шафақдан гўзалроқ нарса йўқ,— деди Эмма,— айниқса, денгиз тепасида.

— О, денгизни мен жони дилимдан севаман!— деди Леон.

— Сизга шундай туюладими,— давом этди Бовари хоним,— ана шу поёнсиз бўшлиқ устида бизнинг руҳимиз эркинроқ парвоз этади, уни кузатиш дилни кўтарди ва абадият ҳақида, мақсад ҳақида мулоҳаза қилишга йўллайди, шундай эмасми?

— Тоғлар ҳам кишига шундай таъсир кўрсатади,— деди Леон,— менинг амакиваччам бултур Швейцарияга борган эди, у менга кўлларнинг нақадар поэтиклигини, шаршараларнинг нақадар гўзаллигини, муз харсанглариининг нақадар улугворлигини ифодалаб бўлмаслигини гапириб берди. Сойлар устида афсонавий катталиқдаги қарағайлар бир-бири билан айқашиб кетган, чуқурликлар тепасида кулбачалар муаллақ туради, булут тарқалганда эса сиз остингизда, минг футлик чуқурлик тагида бепоён водийни кўрасиз, дейди. Бундай манзара инсон қалбини юксак оҳангларга созламоғи, ибодатга иштиёқ туғдирмоғи, жазавасини тутдирмоғи керак! Шунинг учун машҳур бир созанда илҳомланиш учун қанақадир гўзал манзарали биёрга бориб фортепьяно чалгани мени ҳайратга солмайди.

— Ўзингиз чаласизми? Қўшиқ ҳам айтасизми?— сўради Эмма.

— Йўқ, лекин мусиқани жуда яхши кўраман,— деб жавоб берди Леон.

— Қўйинг, ишонманг унга, Бовари хоним,— деди Оме, тарелкага энгашганча Леоннинг сўзини бўлиб,— Камтарлик қиляпти. Бу нима қилганингиз, отахон? Ахир ўз хонангизда «Нажоткор фаришта»ни жуда ажойиб қилиб айтдингиз-ку. Менга лабораториядан эшитилиб турди. Сиз чинакам хонандасимон оҳангда эътибор бериб айтдингиз.

Шуни айтиш керакки, Леон фармацевтнинг учинчи қаватидаги деразаси майдонга қараган хонасини ижарага олган эди. Уй хўжасининг мақтови Леонни қизартирди. Лекин Оме шу лаҳза врачга ўгирилди-ю, шаҳардаги энг обрўли одамларнинг номини тилга ола бошлади. Сўз орасида улар ҳақида ҳар хил воқеаларни гапирди, турли маълумотлар берди. Нотариус давлатининг миқдори қанчага етгани аниқ маълум эмас; яхши-си «Тювашлар оиласи» билан айтишмаслик маъқул.

— Қанақа мусиқа сизга кўпроқ ёқади? — сўрашда давом этди Эмма.

— Немис мусиқаси, албатта, у мусиқага қулоқ солиб, яхши хаёл сурасан киши!

— Италия мусиқачиларини биласизми?

— Йўқ ҳали, лекин янаги йил эшитишга муяссар бўламан — юридик факультетини тугатиш учун Парижга кетишим керак.

— Мен эрингизга бечора қочоқ Янод ҳақида гапириб беришга мушарраф бўлдим, — деди фармацевт Эммага мурожаат қилиб. — Унинг қилган аҳмоқлиги туфайли сиз Ионвилнинг энг яхши уйларидан бирида истиқомат қиласиз. Врач учун у яна шунинг учун ҳам қулайки, эшиклардан бири тўппа-тўғри хиёбонга чиқади, билдирмасдан кириб чиқаверса бўлади. Ундан ташқари, уйда оилали одам учун зарур бўлган ҳамма нарса: кирхона, ошхона, буфет, жуда шинам меҳмонхона, мевазор боғ ва ҳоказолар бор. Анави тентак пулни пўчоқча билмасди! Боғининг этагига — дарё лабига ёзда ўтириб пиво ичиш учун ўзига шийпон қурдирди. Агар хоним, сиз боғдорчиликни хуш кўрсангиз...

— Хотинимни бу иш қизиқтирмайди, — жавоб берди Эмманинг ўрнига Шарль, — ҳолбуки, унга шунақа ишлар тавсия қилинган, лекин у уйда ўтириб китоб ўқишни афзалроқ кўради.

— Менга ўхшаркансиз, — сўзни илиб кетди Леон. — Дарҳақиқат, оқшомлари китоб билан камин олдида ўтиришдан яхшироқ нарса борми? Чироқ ёниб туради, ойнани шамол тақиллатади...

— Ростдан ҳам шундай-а? — Катта очилган қора кўзлари билан унга тикилиб туриб сўради Эмма.

— Ҳеч нарсани ўйламайсан, вақт ўтаверади, — давом этди Леон. — Ўтирган ерингда турли мамлакатлар

бўйлаб саёҳат қиласан, уларни шундоққина кўз олдингда кўрасан. Хаёл билан илтирилган фикр алоҳида тафсилотлардан завқланади ёки бўлмаса саргузаштлар тугунининг ечилишини кузатиб боради. Сен иштирок этувчи шахсга айланасан, сенда шундай бир туйғу пайдо бўлади, гўё уларнинг либоси остида сенинг қалбинг уриб тургандек.

— Рост! Рост! — такрорлади Эмма.

— Сизга китобдан ўзингизнинг шахсий фикрингизни, фақат олдин ўзингиз ўйлаб чиқмаган фикрингизни топишга, энди гўёки узоқдан олдингизга қайтиб келадигандек туюлган ва сизнинг нозик ҳис-туйғуларингизни ниҳоят даражада тўлиқ ифодаловчи ноаниқ бир образни топишга тўғри келганми?

— Бу менга таниш ҳолат, — тасдиқлади Эмма.

— Мана, нима учун мен айниқса шоирларни яхши кўраман, — деди Леон. — Менимча, насрдан шеърят нафисроқ, қалбингизга бориб тегади.

— Лекин бора-бора толиқтиради кишини, — эътироз билдирди Эмма. — Мен аксинча, кейинги вақтларда романларга, кўз узиб бўлмайдиган, қўрқинчли романларга қизиқадиган бўлиб қолдим. Мен разил қаҳрамонлар ва ҳиссиётини намоён қилишдан ўзини тиядиган сиполикни кўришга кўзим йўқ. Бу ҳаётда ҳам тўлиб ётибди.

— Мен гапингизга қўшиламан, — иқроп бўлди Леон. — Назаримда, бадий адабиёт сизни ҳаяжонлантира олмаса, демак, у санъатнинг ҳақиқий мақсадига ета олмайди. Ҳаётнинг ғам-ғуссаларидан олижаноб зотлар, соф туйғулар оламига ўтиш, бахт манзараларидан баҳра олиш қандай яхши! Бу ерда, мана бу хилватда менинг бирдан-бир кўнгил очадиган нарсам — китоб. Шуниси ёмонки, Йонвилда китоб топиш қийин.

— Тостда ҳам шундай, — деди Эмма, — мен китобни қироатхонадан олардим.

— Марҳамат қилиб, хоним, китобни мендан олинг, — Эмманинг охирги сўзини эшитиб унга мурожаат қилди фармацевт, — кутубхонам сизнинг ихтиёрингизда, у ерда бўлса машҳур адиблар: Вольтер, Руссо, Делиль, Вальтер Скотт, фелъетонлар акси садоси ва ҳоказо. Кейин мен вақтли матбуот, жумладан, кунда чиқадиган «Руан машъали» газетасини оламан, каминангиз газетанинг мухбири ҳам бўладилар ва Бю-

ши, Форже, Невшатель, Ионвиль ва унинг атроф чеккаларида бўлиб турган воқеалардан ахборот бериб турадилар.

Йиғилганлар овқат устида икки ярим соатдан бери ўтиришарди, хизматчи хотин Артемиза ҳам ипдан тўқилган туфлисини шапиллатиб, эриниб у ёқ-бу ёққа юрар, биттадан тарелка келтирар, ҳали уни, ҳали буви эсидан чиқариб янглишиб кетар, бильярдхона эшигини очиб қолдирар, эшикнинг ҳалқаси деворга урилгани урилган эди.

Суҳбатни давом эттира туриб Леон оёғини беихтиёр Бовари хоним ўтирган стулнинг кўндаланг ёғочига қўйди. Эмmanınг бўйнида зангори шойи галстуги бор эди, у сербурма батист ёқасини шундай қаттиқ бўриб қўйган эдики, ёқа типпа-тик турарди.

Эмма бошини бурганда ияги батист ёқага бутунлай кириб кетар ва яна пайдо бўларди. Шундай қилиб Шарль билан фармацевт гурунглашиб ўтиришганда Эмма билан Леон ўртасида ҳам ҳар хил мавзуларда суҳбат бошланди, бу шундай суҳбатлардан бири эдики, унда ҳар бир тасодифий жумланинг оғирлиги муайян бир марказга тушарди ва мана шу марказ бир-бирларини тушуниб маркази эди. Париж спектакллари, романларнинг номи, янги рақслар, ўзлари тасаввур ҳам этолмаган китоблар олами, Эмма аввал яшаган Тост, энди улар турадиган манзил — Ионвиль ҳақида, ҳаммаси ҳақида суҳбатлашишди, тамадди охиригача ҳамма хусусда гаплашиб бўлишди.

Қаҳва келтирганларида оқсоқ қиз янги уйга ўриш солишга кетди, бир оздан кейин ҳаммалари столдан туришди. Лефрансуа хоним иссиқ печка ёнида ухлаб қолди, отбоқар қўлида фонус билан эр-хотин Бовари-ларни уйга кузатиб бориш учун кутарди. Унинг чап оёғи оқсоқ эди, сап-сарик сочида похол диккайиб турарди. У руҳонийнинг соябонини ҳам олиб чиққан эди. Ҳаммалари бир бўлиб кўчага чиқишди.

Шаҳарча ухларди. Тимнинг устунларидан ерга узун соялар тушиб турарди. Ер ёз тунларидагидек бутунлай сур рангга кирганди.

Врачнинг уйи қаҳвахонадан ҳаммаси бўлиб эллик қадамгина нарида эди, шунинг учун дарров хайрлашишга тўғри келди, ҳамроҳлар тарқалишди.

Йўлакда Эмма шу заҳотиёқ оҳакнинг рутубати ҳўлланган чойшабдек елкасини совитганини сизди. Деворлар янги бўялган, ёғоч пиллапоялар гижирларди. Иккинчи қаватдаги ётоқхонанинг пардасиз деразаларидан оқиш нур тушиб турарди. Деразадан дарахтларнинг учи кўринар, нарироқда ой ёруғида дарё усти туман билан қопланган, яйловлар туманга ғарқ бўлган эди. Уйнинг ўртасида комод ғаладонлари, шишалар, парда осиладиган симлар, тилла суви юритилган карнизлар уйилишиб ётар, стулларда пар тўшаклар, полда тоғоралар турар, буларни юк ташиган икки ҳаммол наридан-бери ташлаб кетаверишган эди.

Эммага ҳаётида тўртинчи марта янги жойда уклашга тўғри келаётган эди. Биринчиси — уни черков мактабига борган йиллари, иккинчиси — Тостга кўчиб келганда, учинчиси — Вобьесарда, тўртинчиси эса — бугун. Ҳар янги жойга келганда унинг ҳаётида янги бир давр бошлангандек бўларди. Янги шароитда ҳам ҳаммаси аввалгидек қолади, деган фикрни Эмма ҳаёлига ҳам келтирмас, модомики, эски жойда у ёмон яшадими, қандайдир ўзга бир палла бошланиши билан барчаси яхши бўлиб кетишига имони комил эди.

III

Эрталаб Эмма уйғониб, деразадан пастга қаради. Майдонда нотариус ёрдамчиси келаётган экан. Эмманинг устида пеньюар¹ бор эди. Леон бошини кўтарди ва таъзим қилди. Эмма шошилибгина бош ирғади-ю, деразани бекитди.

Леон куни билан соат олти бўлишини кутди, лекин у қовоқхонага кирганда стол ёнида ўтирган Бинедан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

Кечаги тушлик Леон учун катта воқеа бўлди, шу чоққача икки соат сурункасига бирор хоним билан суҳбатда бўлишига тўғри келмаган эди. Қандай қилиб шунча, тағин ғалати иборалар билан сўзлай олди? Ахир у авваллари ҳеч қачон шунақа яхши гапирмаганди-ку! У ҳар доим шундай уятчан. Ҳамиша тортинчоқ, вазминлиги ва писмиқлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Бутун ионвилликлар «Леон

¹ П е н ь ю а р — тунда кийиладиган кенг кўйлак.

Ўзини жуда яхши ушлай билади!» деб ҳисобларди. У ёши катта одамларнинг гап сотишини сабр-тоқат билан тинглар, мазмунан у сиёсатга ҳам унча қизиқмасди, бу ёшларда жуда камдан-кам учрайдиган хислат. Лекин у жуда истеъдодли йигит эди: акварель билан расм солар, битта бармоғи билан фортепьяно чалар, овқатдан кейин агар карта ўйнашнинг иложи топилмай қолса, китоб ўқишни яхши кўрар эди. Жаноб Оме унинг билимини қадрлар, Оме хоним бўлса унинг мулойимлигини ёқтирар эди, у Оменинг уззукун кирчир бўлиб юрадиган одобсиз, бирмунча оналарга ўхшаш нимжон болаларини боғда ўйнатиб юрган юрган эди. Болаларга хизматчидан ташқари жаноб Оменинг жиянининг ўғли Жюстен қарашарди. Жаноб Оме Жюстенни раҳмдиллик юзасидан ўз уйига олган, у дорихонада шогирд ҳам, хизматчи ҳам эди.

Фармацевт жуда ажойиб қўшни бўлиб чиқди. У Бовари хонимга мол етказиб берувчилар ҳақида зарур маълумотлар берди. Атайлаб у учун ўзи муттасил сидр олиб турадиган савдогарни чақиртирди, аввал уни ўзи татиб кўрди, бочка тўғри турган-турмаганлигини кўриш учун эринмай қўшнисининг ертўласига тушиб чиқди, у қаердан арзон сарёғ олиш мумкинлигини айтди, уларга черков қўнғироқчиси Лестибудуани ёллаб берди. Лестибудуа ўзининг черков хизматлари, дафн этиш ишларидан ташқари Йонвилнинг энг яхши боғларига қарарди. Хизмат ҳақини у ё бўлиб-бўлиб, ёки биратўла бир йиллигини оларди, бу боғ эгаларининг ҳимматига боғлиқ эди.

Фармацевтнинг ҳаддан ташқари сермулоҳазалиги унинг яқин кишиларга бўлган меҳр-муҳаббатидангина эмасди, албатта. Бунинг замнида бошқа бир режа ҳам бор эди.

Жаноб Оме республиканинг XI йилги 19 вентозида¹ табиблик илмидан беҳабар одамларга беморларни даволашни ман қиладиган қонунни шарҳловчи I моддасини бузар эди. Шу боисдан уни бир вақт қанақадир бемаъни тухмат билан Руанга қиролик прокурорининг кабинетига чақиришди. Устига оқ сувсар мантия,

¹ 1793—1806 йилларда Францияда янги республика календарига амал қилинган. Вентоз (шамоллар ойи) — бу календар бўйича қишнинг энг охириги ойи (тахминан 19 февралдан 20 мартгача).

бошига берет кийган амалдор уни ўрнидан туриб қабул қилди. Бу эрталаб суд мажлиси бошланишидан олдин эди.

Йўлакдан жандарм этигининг тўқиллаши эшитилди, қаердадир, узоқларда катта-катта калитларнинг эшик бурнида гижирлаб буралгани қулоққа чалинди. Жаноб Оменинг миясига қон қуйилаётгандек қулоқлари шанғиллаб кетди, тош қоплар, оиласининг дод-фарёди, дорихонанинг мусодараси, сочилиб ётган шишалар кўзига кўриниб кетди. Прокурорнинг олдидан чиқач, юрагини тинчитиш учун тўппа-тўғри кафега кирди ва ромни сельтер сувга қўшиб, бир стаканни ичиб юборди.

Вақт ўтиши билан ўша ваҳимали хотиралар кучини йўқотди ва жаноби Оме дорихона ёнидаги кичкина хонада яна беморларни қабул қила бошлади, уларга беозор маслаҳатлар беришда давом этди. Бироқ шаҳар ҳокими уни хуш кўрмас, ҳамкасблари унга ҳасад қилишар, ўта эҳтиётлик билан ишлаши тақозо қилинарди. Жаноб Бовари олдида хушомадгўйлик қилишнинг сабаби унинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлиб, унинг оғзини бойлаш, бирор ишнинг иси чиққудек бўлса ҳам, у индамай кетишини таъминлаш эди. Шунинг учун ҳам жаноб Оме ҳар кун эрталаб врачга «газета» олиб кирар ва кундуз ҳам бир минутгина валақлашайлик, деб уйига кириб турарди.

Беморларнинг келмаганидан Шарлнинг руҳи туша бошлади. У соатлаб жим ўтириб, беморларни кутар, кейин ўз кабинетига кириб ухлар ёки бўлмаса хотинининг иш тикканига қараб ўтирар эди. Зерикканидан нима қилишини билмай, ўзига иш қидирди, бўёқчилардан озроқ бўёқ қолган экан, шу билан чердакни бўяб қўймоқчи бўлди. Бироқ пул масаласи уни ташвишга соларди. У Тостдалигида ремонтга, хотинининг кийимларига, кўчиб келишга кўп пул харжлади, хуллас, икки йил мобайнида у бутун сеп учун келган пулни адо қилди — бу уч минг экюдан ошиқ эди. Тостдан Ионвилга кўчиб келишда озмунча нарса синиб йўқолмадими? Руҳонийнинг ҳайкали-чи? У Кенкампуа кўчасидан ўтаётганларида қаттиқ силкинш натижасида аравадан тушиб чил-чил бўлди!

Лекин бошқа бир хурсандчилик, хотинининг ҳомиладорлиги Шарлнинг кўнглини кўтарарди. Ой-куни

яқинлашган сәри у хотинини қаттиқроқ севарди. Энди уни Эмма билан жисмоний яқинлик ришталари ҳеч тугамайдиган, жуда ҳам мурәккаб ҳис-туйғулар боғлар эди. Шарль узоқдан унинг битта-битта қадам ташлаб юришини, корсет билан тортиб боғланмаган, эринибгина гавдасининг вазмин тебранишини кўрганда, бир-бирлари билан рўбарў ўтирганларида кўз ўзмай хотинига тикилар, Эмма креслода нозли қолатларда ўтирса, Шарль ўрнидан ирғиб туриб, уни қучоқлар, юзларини силар, «онажоним» деб эркалатар, ўйинга тортар, кўзида севинч ёшлари билан беҳисоб шириш ҳазилларни ўйлаб топарди. У болалик бўлишини ўйласа, ич-ичидан қувониб кетарди. Бу унинг орзу-умидларининг энг баланд чўққиси эди. У ҳаётнинг барча латофатларини татиди, энди унинг ҳузурини сурмоқда эди.

Эмма олдин қайратда қолди, кейин ниҳоят оналик нималигини билиш учун тезроқ юкдан бўшашни истаб қолди. Лекин у орзу қилган пушти шойи пардали, қайиққа ўхшаган беланчак, тўр қалпоқчаларга пулетмаганлигидан алам қилиб, ҳеч нарса танламай, ҳеч ким билан маслаҳатлашмай, шу ердаги чеварга бола учун сеп буюрди. Шундай қилиб у она бўлиш завқини оширадиган тайёргарликлар билан ўзини овута олмади ва болага бўшан муҳаббат бошидаёқ анча пасайиб қолгандек эди.

Шарль бўлса ўтиришганда бетўхтов чақалоқ ҳақида гапирарди, кейин-кейин Эмма ҳам бунга кўникиб, ҳар доим шу тўғрида ўйлайдиган бўлди.

У ўғил туғишни хоҳларди. У қоп-қора сочли, миқти бола бўлади, унга Жорж деб ном қўяди. Ўғил ҳақида ўйлаганда, ушалмаган орзулар бадалига тақдир мени мукофотлайди, деб умид қилар эди. Ҳар қалай эркак халқи анча эркин бўлади: у учун ҳамма эҳтиросларга-чет ўлкаларга йўл очиқ, у қийинчиликларни енгишга, қўлга кирадиган энг қийин ҳузур-ҳаловатни ҳам татиб кўра олишга қодир. Аёллар йўлида, ҳамма ерда тўсиқ бор. Қолоқ, шу билан бирга нозик табиатли аёл икки ўт орасида бўлади: бир томондан, хотин зотининг ожизлиги, иккинчи томондан, қонуннинг оғирлиги. Унинг хоҳиши худди унинг шляпасидаги ингичка ип билан боғланган тўрга ўхшайди, сал шамолдан пирпираб учади. Уни доимо қанақадир истак

чорлайди, лекин қанақадир урф-одат йўлини тўсади.

Якшанба кунн тонг отар соат олтига яқин Эмманинг кўзи ёриди.

— Қиз!— деди Шарль.

Эмма тескари қаради ва ҳушидан кетди.

Шу заҳотиёқ Оме хоним югуриб келиб, уни ўпиб ўпиб чиқиб кетди, орқасидан «Олтин шер»нинг бекаси Лефрансуа хола кирди. Фармацевт одоб юзасидан эшикни қия очиб, шошилиб табриклаш билан чегараланди. Кейин қизни кўрсатишларини сўради, кўриб «кслишган қиз» деб қўйди.

Эмма тузалиб ўзига кела бошлагандан кейин зўр бериб қизига исм қидира бошлади. Энг аввал у охири итальянча тамом бўладиган ҳамма қиз исмларини санаб чиқди: Клара, Луиза, Аманда, Аталия. Унга Гальсуинда деган исм, айниқса Изольда ва Леокадия деган исмлар ёқарди. Шарль бўлса қизига онасининг номини қўйгиси келарди, лекин Эмма рози бўлмади. Календарнинг бошидан охириги саҳифасигача ўқиб чиқишди, ҳамма билан маслаҳатлашишди.

— Мен яқинда Леон билан суҳбатлашдим,— деди фармацевт.— У қизингизга нега Магдалина деган исмни қўймаганларингизга ҳайрон бўляпти. Ҳозир у жуда ҳам тарқалган исм-ку!

Бироқ катта Бовари хоним «гуноҳкор қиз»нинг исмини эшитиб, жони чиқиб кетди. Жаноб Оменинг ўзи бўлса бирор машҳур, донг чиқарган ёки олижаноб мафкурани юзага келтирган одамларни эслатадиган исм қўйишлишини маъқул кўрарди. Чунончи, Наполеон унинг оиласи учун шон-шуҳрат тимсоли, Франклин — озодлик, Ирма — романтизмга тан беришнинг тимсоли бўлиши керак. Аталия бўлса француз саҳнасининг тенги йўқ нодираларидан¹ бирини ҳурматлашдан иборат.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, жаноб Оменинг фалсафий дунёқараши унинг нозик дидига мос келар эди, мутафаккирлик ундаги нозик туйғуларни босиб кетмасди, у хаёлини мутаассибликдан ажрата биларди. Масалан, Аталия фожнасида у гоёни қораларди,

¹ «А т а л и я» — Ж. Расиннинг энг таниқли фожна асарларидан бири.

аммо услубидан завқланарди, асосий фикрни айб-лар, бироқ айрим қолларни олқишлар, иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатларидан ғазабланар, лекин уларнинг гаплари унинг юрагига ўт солар эди. Машҳур жойларини у қайта-қайта ўқиб завқларга тўлиб-тошар, лекин бу жаҳолатпарастларнинг тегирмонига сув қўйиш эмасми, деган фикрнинг ўзидан умидсизликка тушар ва бири бирига қарама-қарши бўлган ҳиссиётдан ўртаниб, ўз қўли билан Расиннинг бўйнига гулчамбарлар тақишга ҳам ва шу бир вақтнинг ўзида оғзини кўпиртириб, у билан баҳс бошлашга ҳам тайёр эди.

Ниҳоят, Эмма Вобьесар қасрида бўлган знефат маҳалида маркизнинг хотини ёшгина бир жувонни Берта деб атаганини эслади ва шу исмни қўйишга қарор қилди, Руо ота келолмагани важдан тутинган оталикка жаноб Омени таклиф этишди. Тутинган қизчақалоқ кўрманна учун тутинган отадан оз-оздан бўлса ҳамки, турли доривор ва ширинликлар: олти халта уноби, уч қути доривор илдиз, шкафда қачондан бери ётган олтига чайнамайшимнинг олди. Исм қўйиш русуми тамом бўлгандан сўнг тантанали знефат берилди. Бу знефатда руҳоний ҳам ҳозир бўлди, ҳаммаларининг жағлари очилди. Ликёр ича бошлашганда жаноб Оме «пок одамлар худоси»¹ қўшиғини чўзиб айта бошлади, Леон маъюс оҳангли қўшиқдан айтиб берди, Бовари кампир — тутинган она, Империя замонидаги романсни айтди. Ахири катта Бовари чақалоқни олиб келишга буюрди ва унинг бошидан стакандаги шампанскоени қуйиб чўқинтира бошлади. Аббат Бурнизьен диний маросимларни шунчалик масхара қилинишига қарши норозилик билдирди. Катта Бовари унга «худолар урушидан»² мисол келтириб жавоб қайтарди. Руҳоний аразлаб кетмоқчи бўлди, аёллар кетманг, деб илтимос қилишди. Оме уларни яраштириб қўйди ва руҳоний жойига қайтиб ўтирди, орадан ҳеч гап ўтмагандек, чала қолган қаҳвасини ича бошлади.

Бовари чол Ионвилда бир ой меҳмон бўлиб қолди. У ҳар куни эрталаб майдонга чиқиб сигарета чекиб

¹ Берамже қўшиқларидан бири.

² Француз шоири Э. Париннинг (1753—1814) ишжилни масхара-раловчи поэмаси.

юрар, унинг кумуш уқа тақилган, жуда ажойиб ҳарбий фуражкасига ионвилликлар завқланиб қарашар эди. Ичкиликка ўч эди, шунинг учун у энди ҳар куни хизматчини «Олтин шер»га бир шиша винога юборарди, у ерда ўғлининг ҳисобига ёзиб қўйишарди. Дастрўмолига келинининг бир шиша атирини сепиб тамом қилди.

Лекин келин унинг суҳбатидан зерикмасди. Ўз умрида кўпни кўрган, у Берлин, Вена, Страсбурглар ҳақида гапириб берар. Ўзининг армиядаги хизмати, ўз маъшуқалари, ўзи ташкил қилган айш-ишрат кечалари ҳақида сўзлаб ўтирарди, бундан ташқари у келинига тегишарди, ҳаттоки, баъзан зинапоядами, боғдами уни белидан қучоқлаб:

— Эҳтиёт бўл, Шарль,— деб қўярди.

Ниҳоят, катта Бовари хоним ўғлининг бахтидан хавотир ола бошлади, эри бир фалокат бўлиб ёш жувонининг ахлоқига зарарли таъсир кўрсатмасин, деб уни уйга олиб кета қолнишга шошилди. Эҳтимол, унинг қўрққани ҳам бежиз эмасди, зероки, жаноби катта Бовари учун ҳеч қанақа муқаддас нарса йўқ эди.

Бир кун Эмма дурадгорнинг хотинига эмизишга берилган қизини жуда-жуда соғиниб кетди ва белгиланган олти ҳафта ўтган-ўтмаганлигига эътибор бермай, календарга ҳам қарамай, Роленнинг уйига равона бўлди. Унинг уйи ўтлоқ билан қишлоқ йўли оралигидаги тепаликнинг этагида жойлашган эди.

Чошгоҳ маҳали эди, дераза эшиклари ҳаммаси берк, аспид¹ томлар зангори осмондан тушган ёрқин нурда йилтиллер, уларнинг қирралари гўёки учқунланарди. Иссиқ шамол эсмоқда эди. Эмма зўрғазўрға юрар, оёқларига тош ботиб оғритар эди, бир хаёли қайтиб кетмоқчи ёки бирор жойга кириб ўтирмоқчи бўлди.

Шу чоқ қўлтигида бир қучоқ қоғоз билан қўшни ҳовлидан Леон чиқиб қолди. У Эммага салом берди ва Лёрёнинг дўкони олдига, қорамтир соябони тагига ўтиб турди.

Бовари хоним боласини кўргани кетаётганини, лекин жуда ҳориб кетганини айтди.

¹ Аспид — иморатнинг тепасига ишлатиладиган қора рангли тахта.

— Агарда... — гап бошлади-ю Леон, лекин тилини тишлаб қолди.

— Бирор ёққа иш билан кетаётганмидингиз? — сўради Эмма.

«Йўқ» жавобини эшитгандан сўнг Эмма ўзини куватиб қўйишини сўради. Кечга бориб бу хабар бутун Ионвилга тарқалди, мэрнинг хотини Тюваш хоним ўз хизматкор аёлининг олдида: «Бовари хоним ўзини иснодга қолдиради», — деди.

Энаганинг уйига бориш учун кўчанинг охиригача бориб, ундан қабристон томонга олиб борадиган чап қўлдаги кўчага бурилиш керак ва икки қатор уйлар ва ҳовлилар оралиғидан, атрофига сарсабил буталар ўтқазилган сўқмоқ йўлдан бориш керак эди. Сарсабиллар илонўт ҳам, наъматак ҳам, қичитқилар, ингичка нафдалик маймунжонлар ҳам гуллаб ётарди. Панжара тўсиқларидаги тешиклардан «кулбалар» олдидаги гўнглари чўчқалар титиб юргани, боғлаб қўйилган сивирлар шохи билан дарахтларга суркалаётгани кўриниб турарди. Эмма билан Леон ёнма-ён, секин юриб боришарди, Эмма унинг қўлига суяниб олган, Леон бўлса қадамини унга мослаштиришга уринарди. Уларнинг устида жазирама иссиқда чивиллар гувиллашарди.

Энаганинг кулбасига қари ёнғоқ дарахти соя ташлаб турарди. Мана шу ёнғоқданоқ дарров танишди унинг уйини. Кулба настгина, томига черепица ёпилган, туйнук тагида бир боғ пиёз осилиб турарди. Тоголча шохидан қиллинган говга тикка қилиб шох-шабба боғламлари тираб қўйилган, дутчўп жўяклари ва лаванда пояларига чирмашиб кетган ҳидли нўхатларнинг кичик-кичик гул пушталаригача чўзилиб кетган, ўтлар ичини лойқа сув босиб ётибди, тўсиқларга ҳар хил эски-туски нарсалар: пайпоқ, қизил чит кофта, каттакон қалин чойшаб ва шунга ўхшаган лаш-лушлар ёйиб ташланган. Эшик тақиллаганида қўлида чақалоқ бола билан энага хотиннинг ўзи чиқди. Бошқа қўли билан у ночор, иплиғдек, ҳамма ёғига ширинча тошиб кетган болани етаклаб олган эди, бу боланинг ота-оналари руанлик, шапка тикадиган одамлар эди, улар жуда банд бўлиб, ўғилларини қишлоқ ҳавосида нафас олсин, деб юборишган эди.

— Марҳамат,— деди у,— сизнинг кичкинтойингиз ухлаб ётибди.

Битта-ю битта хона тўрида чодир тутилмаган кенг каравот, синиқ ойналарига кўк қоғоз ёпиштирилган дераза тагида эса хамир тоғора турарди. Эшик орқасида, умивальник тагида, ялтироқ миҳлар қоқилган оёқ кийимлар қаторлаштириб териб қўйилган, шу ернинг ўзида оғзидан пат чиқиб турган, ёғ солинган шиша турарди, чанг босиб ётган камин токчасида милтиқнинг чақмоқ тошлари, атрофига оқиб қотиб ётган шам қолдиқлари ва бўлак-сўлак пиликлар орасида Матвей Лансберг¹ ётарди. Ниҳоят, бу кулбанинг охириги безаги, деворга олтига этик миҳи билан қоқиб қўйилган қарнай чалаётган Шавкат сурати эди, бу бирор парфюмер рекламасидан қирқиб олинган бўлса керак.

Эмманинг қизи оқтол навдаларидан тўқилган беланчакда ухлаб ётарди. Эмма уни йўргаги билан қўлига олди, аста тебратиб аллалай бошлади.

Леон уйда у ёқдан-бу ёққа юриб турар, мана бу ажойиб ясанган чиройли жувонни шу қашшоқлик ичида кўриш унга жуда галати кўринарди. Бовари хоним қизариб кетди. Леон ҳозир у аёлга қаради одобдан эмас, деб юзини ўгирди. Чақалоқ унинг ёқасига қусиб юборди, Эмма болани қайтиб беланчакка қўйди. Энага, доғи қолмайди, деб онани тинчита бошлади ва ёқасини артишга тутинди.

— Шу ҳам гап бўлдимми?— деди энага,— бир ёқдан артсанг, бир ёқдан булғатади! Илоё, барака топинг, Камюс баққолга айтиб қўйинг, менга керак вақтиде совуни бериб турсин! Ўзингизга ҳам яхши бўлади, сизни безовта қилавермайман.

— Яхши, яхши!— деди Эмма,— хайр, Роле хола! Оёгини остонада артиб, ҳовлига чиқди.

Дурадгорнинг хотини уни эшиккача кузатиб, йўл-йўлакай ҳадеб кечалари туришга қийналаётганидан нолиди.

¹ XVII асрнинг бошларида, Льежеда яшаган каноник Матвей Лансберг томонидан тузилган китобни «Льеж альманахи» деб аталарди. Мантиқсиз бидъатларнинг манбаи бўлмиш бу китоб кўп марта лаб нашр этилган ва француз деҳқонлари орасида донг чиқарган эди.

— Баъзи вақтларда шундоқ ҳолдан тояманки, ўтирган еримда мудраб қоламан, бирор қадоқ янчилган қаҳва берсангиз, менга бир ойга етарди, эрталаблари сут билан қўшиб ичардим.

Бовари хонимга унинг минг айланиб миннатдорчилик билдиришини узоқ тинглашга тўғри келди. Ниҳоят у билан хайрлашди, озгина юриб улгурмовди ҳамки, ёғоч чориқнинг тақиллагани уни ўгирилиб қарашга мажбур этди: бу яна ўша энага хотин эди.

— Тагин нима?

Дурадгорнинг хотини Эммани бир чеккага, қайрағочнинг соясига чақириб олди ва эридан гап бошлади, унинг маошининг бир йилга оладиган олти франкни анави капитан...

— Қисқароқ қилинг!— деди Эмма.

— Шундай қилиб,— давом этди энага ҳар бир сўзида бир уҳ тортиб,— мен қаҳва ичиб ўтирсам, у қараб ўтирса, суқи кирмайдими, а? Биласиз-ку эркаклар қанақа бўлади...

— Қаҳва юбораман, бўлдими?— тасдиқлади Эмма,— айтдим-ку юбораман, деб! Намунча эзма бўлмасангиз?!

— Жонгинам, бекачим, унинг ярасидан кўкраклар шундоқ томир тортадики, у сидрдан ҳам мадорим қуриydi, дейди.

— Роле хола, кўп чўзманг!

— Ҳа, нимасини айтасиз,— таъзим қилиб давом этди энага,— эзмалигим учун кечиринг мени...— у яна ёнгишиб таъзим қилди. — Илоҳим умрингиздан баракка топинг,— Эммага илтижо билан тикилди,— биттагина графинда ароқ бўлса эди,— деди ниҳоят у,— қизингизнинг оёқчаларини артардим, оёқлари бирам юмшоқки, худди атласга ўхшайди!

Энагадан қутулгандан кейин Эмма яна Леоннинг қўлига суянди. Бир қанча вақт у тез-тез борди, кейин қадамини секинлатди, унинг кўзи йигитнинг елкасига, сюртугининг қора бахмал ёқасига тушди. Ёқасига унинг силлиқ, яхшилиб таралган тўқ малла ранг сочлари тушиб турарди. Эмма, Леонникига ўхшаш узун тирноқларни бутун Йонвилда ҳеч кимда кўрмаган. Нотариус ёрдамчиси тирноқларга ҳормай-толмай парвариш қилар эди, шу мақсадда у ёзув стол ғаладо-нида махсус пакки ҳам сақларди.

Ионвилга улар дарё ёқалаб қайтишди. Иссиқ кунларда қирғоқ кенгаяр, атрофи девор билан олинган боғлар то этагигача кўринар, боғлардан дарёга кичик-кичик зиналар билан тушиларди. Тез оқар ва совуқ кўринган дарё шовқинсиз оқарди. Унинг тиниқ сувларида патила-патила яшил жингалакларни эслатувчи узун, ингичка ўтлар оқим томон энгашиб турарди. Қамишларнинг учлари ва нилуфар баргининг у ер-бу ерида қашаротлар кичкина оёқчаларини қўйиб ўтишар, ўрмалашарди. Қуёш нури бир-бирини қувлаб қирғоққа отилаётган кўм-кўк тўлқин парчаларини ёриб ўтарди. Сувда каллакланган қари толларнинг сур ранг пўстлоқлари акс этарди. Қирғоқнинг нариги томонида қаёққа қараманг, бўш яйловлар ястаниб ётарди. Фермаларда бу вақтда тушлик қилишарди; ёш жуvon ва унинг ҳамроҳи сўқмоқда ўзларининг бир текис ташлаётган қадам товушларини, бир-бирларига қотишган сўзларини, Эмма кўйлагининг шилдирашини эшитардилар, холос.

Тепасига шиша парчалари териб урилган боғ деворлари худди иссиқ хоналарнинг ойнасига ўхшаш қайноқ эди. Ёишларнинг орасидан желтофиол гуллари ўсиб чиққан. Бовари хоним йўл-йўлакай очиқ соябоннинг учи билан уларга тегиб кетар, шунда сўлиган барглар сариқ чангдек сочилиб кетар ёки бўлмаса девордан осилиб ётган дукчўп ёки печакнинг шохчаси бирдан, қўққисдан тегиб кетган соябоннинг попугига илиниб, шойи устидан сирғалиб тушарди. Йўловчилар яқинда Руанга келиши керак бўлган испан балет труппаси ҳақида гапиришарди.

— Сиз борасизми? — сўради Эмма.

— Агар иложини топсам, — деди Леон.

Наҳотки, бир-бирларига айтадиган бошқа гаплари бўлмаса? Йўқ, уларнинг кўзлари қанақадир муҳимроқ нарсаларни сўзлашарди. Сийқа жумлаларни қидиришар экан, иккисининг вужудини ширин туйғулар чулғаб оларди. Бу — гўё қалбнинг товушини бўғаетган яширин, беором шивирлаш эди. Манз, улар учун янги бўлган завқдан ҳаяжонга тушган Эмма ва Леон бу ҳақда бир-бирига очиқ гапиришга, бунинг асли манбаи қаерда эканини аниқлашга ҳам уринишмасди. Келажак бахт, гўё тропиклардаги дарё каби ҳади олислардан туриб кўз илғамас бўшлиқларни ўзи доим ҳамна-

фас бўлган роҳат-фароғат ҳавоси билан тўлдирди, ҳали олисдан турибоқ роҳатижон шамолини юборади ва ундан маст-аласт бўлган инсон, узоқларга боқмасданоқ ва ҳатто ўйламасданоқ хаёл оламига ботади.

Бир жойда подалар ерни шунчалик ўйиб ташлабдики, ҳар ер-ҳар ерда лойдан гўдайиб чиқиб турган катта-катта яшил тошлардан сакраб ўтишга тўғри келди. Эмма ҳар дақиқа оёғини қаерга қўйишини билмай тўхтаб қолар ва қимирлаб турган тош устида тирсакларини ёйиб, бор гавдаси билан олдинга энгашиб, лойга йиқилиб тушмаслик учун атрофга саросима билан қараб, қотиб-қотиб куларди.

Ўз боғига етганда Бовари хоним эшикни итарди, ниллапоядан чопқиллаб чиқди-ю, эшик орқасида гоёйиб бўлди.

Леон идорага қайтди. Бошлиғи йўқ эди. Леон ишлар солинган папкани кўздан кечирди, қаламнинг учини очди, шляпасини олиб чиқиб кетди.

У Аргейль тепалигининг юқорисига чиқди, ўрмон ёқасидаги ўтлоққа бориб, арчалар соясинда ётди ва қўллари тагидан осмонга қарай бошлади.

— Эй худо, нақадар зерикарли ҳаёт! — дерди у ўз-ўзига, — қанчалик зерикарли!

Мана бу ҳувиллаган ерда яшаш унинг жонига тегди, бу ерда унинг ота-онаси бўлмаганидан яккаю ягона ошнаси — жаноб Оме, мураббийси — жаноб Гильомен эди. Нотариус уззукун иш билан банд одам, кўзига тилла гардишли кўзойнак, бўйнига сап-сарик бакенбарди жило ташлаб турувчи оқ галстук тақиб юрар ва мураккаб ички кечинмаларнинг нималигини асло тушунмасди, лекин даставвал ўзининг инглизларга хос қондапарастлиги билан ўз ёрдамчисинда катта таассурот қолдирди. Энди дорихоначининг хотинига келсак, уни бутун Нормандияда энг яхши хотин деса бўлади: қўзичоқдек беозору, болаларини жонидан ҳам ортиқ севадиган, отасининг, онасининг, туғхшганларининг барчасини ҳурматлайдиган, бировларнинг ташвишига ҳам қўшилиб куйиб-пишиб тарадиган, уй-рўзгор ишларини қўл учига қиладиган ва корсет кийишни жини ёқтирмайдиган аёл эди. Бироқ у шу қадар лавашанг, шу қадар нохуш, шу қадар бетаъсир аёл эдики, унинг суҳбати ҳам совуқ эди. У эндигина ўттизга кирган аёл, Леон гарчи фақат йигирмага кирган йигит бўлса ҳам,

гарчи ётоқхоналарининг эшиги бир-бирига қарама-қарши ва улар худо берган куни гаплашиб туришса ҳамки, Леон у ҳақда хотин киши ҳақида ўйлагандек ўйлаган эмас. Леон учун унинг аёл экани фақат унинг кийимидан маълум эди, холос.

Тагин кимлар? Бине, дўкончилар, қовоқхона эгалари, руҳоний ва ниҳоят мэр, жаноб Тюваш ва унинг икки ўғли — булар ҳаммаси зиқна, хилватпараст, бифаросат одамлар; ерни ўз қўллари билан ҳайдашади, ичкиликни ҳам ўз уйларида ичадилар, одамларнинг кўзига бўлса бу ярамас риёкорлар ўзларини олижаноб қилиб кўрсатадилар.

Мана шу қабих башаралар фонда Эмманнинг сиймоси яққол ажралиб турарди, у шундай ажойиб, шу билан бирга жуда йироқ; у билан ўзининг орасида катта жарлик борлигини сезарди.

Аввал у Эмманнинг олдига фармацевт билан биргаликда борарди, фақат Шарль унга рўйхуш бермас, шунинг учун Леон ўзини қандай тутини билмасди; у кўзга хира пашша бўлиб кўринишидан қўрқар, шу билан бирга, ўзи ҳам етолмайдиган муродга яқинлашишга тиришарди.

IV

Совуқ тушини билан Эмма ўзининг ётоқхонасидан меҳмонхонага кўчиб ўтди. Бу шипи паст узун хона эди, бунда камин устидаги кўзгу ёнида маржон полип шохларини ёйиб турарди.

Эмма, одатан, креслонни деразага яқин қўйиб ўтирар ва деразадан ўтган-кетган кўзга ташланарди.

Леон бир кунда икки маҳал идорадан «Олтин шер»га ўтарди. Унинг оёқ товуши этиб келмасданоқ биларди, олдинга сурилиб қулоқ соларди; ҳамма вақт бир хил кийиниб юрадиган йигит ҳеч қаёққа қарамай парда орқасидан кўзга чалинарди. Лекин у чап кафтига нягини тираб бошлаган каштасининг тиззасига тушиб кетганини ҳам билмай, оқшомларни ўтказган пайтларида, мана бу лип этиб ўтган соя уни чўчитиб юборарди. У ўрнидан турарди ва дастурхон ёзишни буюрарди.

Овқат маҳалда жаноб Оме келарди. Фескасини қўлида ушлаганича, ҳеч кимни безовта қилмаслик учун оёғининг учида юриб кирар ва ҳар доим: «Бу даргоҳга тинчлик-хотиржамлик ёр бўлсин!» деб қўярди. Ке-

йин столга, ўзининг одатда ўтирадиган жойига, эр-хотин ўртасига ўтирар ва врачга беморлар ҳақида савол берар, врач эса ундан гонорар ҳақида маслаҳат сўрарди. «Газеталарда нималар ҳақида ёзишаётганини» гаплашишарди. Бу вақтда Оме газетанинг ипидан игнасигача ўқиб чиққан бўларди, журналистларнинг шарҳлари билан қўшиб-чатиб, бир оғиз ҳам қолдирмасдан ўқиганларини бирма-бир гапириб берарди, қаерда бўлмасин, барибир, Франциядами, чет элдами, юз берган ҳодисаларни оқизмай-томизмай сўзлаб берар эди. Бу мавзудан ҳам гап бошлаб, у ҳар гал келтирилган овқатлар ҳақида ҳам ўз фикрини изҳор этар эди. Ваъзан ўрнидан сал туриб, одоб билан Эммага энг хушхўр луқмани кўрсатар ёки бўлмаса хизматчи аёлга мурожаат қилиб, қовурдоқни қандай пишириш кераклиги ва қанақа таомга қанақа зиравор солиш тўғрисида маслаҳат берарди. Хушбўй нарсалар, гўштларнинг навлари, қайла ва елимшаклардан гапирса, эшитувчилар анграйиб қолишарди. Шунини қайд қилиб ўтиш керакки, жаноб Оменинг миясига жо бўлган рецептлар унинг дорихонасидаги шишалардан кўп эди. У ўзи жуда ажойиб қиёмлар пиширар, сирка, ширин ликёрлар тайёрларди, у фойдали кўчма плита соҳасида барча янгиликларни, пишлоқни сақлаш сирларини ва бузилган виноларни тозалашни биларди.

Роса тоат саккизда уни чақириб Жюстен келарди — дорихонани бекитиш керак эди. Жаноб Оме унга айнақса, Фелисите шу ерда бўлса, муғамбирона қараб-қараб қўярди, шогирди докторнинг уйига серқатнов бўлиб қолганини сезганди.

— Менинг азаматим хаёл сурадиган бўлиб қолди, — дерди дорихоначи, — фалокат босиб хизматчи қизингизга хуштор бўп қолмадимикан-а?

Бироқ Жюстенда ундан кўра жиддийроқ камчилик бор эди. У ҳар доим катталарнинг гапига қулоқ солар, дорихоначи бунинг учун унинг қулоғини чўзарди. Масалан, якшанба кунлари болалар креслоларда ухлаб қолиб ҳаддан ташқари кенг, коленкор гилофларни орқалари билан суриб ташлаганларида ва Оме хоним болаларни ўз хоналарига олиб кириб ётқизиш учун Жюстенни меҳмонхонага чақирганида, уни бу ердан ҳайдаб чиқаришнинг ҳеч иложи бўлмай қоларди.

Фармацевтнинг уйида якшанба куни бўладиган ўтиришларда одам деярли кўп бўлмасди, жаноби Оменинг заҳар тили ва унинг сиёсий қарашлари ҳурматли одамларни аста-секин ундан узоқлаштирди. Лекин нотариус ёрдамчиси бирор ўтиришдан ҳам қолмас эди. Қўнғироқ эшитилиши билан у Бовари хонимга пешво чиқиш учун сакраб турарди. Унинг рўмолини олар ва ботинкасини қордан сақлаш учун устидан кийиб олар, арқондан тўқилган қўпол туфлисини бир чеккага, дорихона контораси тагига қўйиб келарди.

Энг аввал ўттиз бир ўйнашарди, кейин жаноб Оме Эмма билан экарте¹ ўйинини ўйнарди, Леон бўлса Эмманинг тепасида туриб унга маслаҳат берарди. Эмма ўтирган стулнинг суянчигига тиралиб олиб, унинг со турмакларига, тиши билан ёпишиб турган тароғига тикиларди. Эмма картани ташлаган вақтда ҳар гал кўйлагининг ўнг томони кўтарилар эди. Тепага таралган сочлардан орқа елкасига жигар ранг шуъла тушар ва аста-секин оқариб бориб, ниҳоят ярим қоронғилик билан қўшилиб кетарди. Пастда Эмманинг кўйлаги пуфак бўлиб, ҳисобсиз бурмалар билан гўжмаланиб стулнинг икки томонидан осилиб полга тегиб турарди. Қўққисдан ботинкаси билан унга тегиб кетгудек бўлса, Леон худди бировнинг оёғини босиб олгандек қўрқув билан ўзини орқага ташлар эди.

Картадан кейин дорихоначи билан врач домино ўйнашга тушишар, Эмма бошқа жойга ўтиб, столга суянганча расмларни томоша қила бошларди. У ўзи билан модалар журнални олиб келарди. Леон унинг ёнига келиб ўтирар, биргаликда суратларни кўришар ва саҳифаларини сабрсизлик билан очишарди. Эмма кўпинча ундан шеър ўқиб беришини илтимос қиларди, Леон қироат билан чиройли қилиб ўқир ва севги ҳақидаги бәйғелардан кейин атайлаб тўхтаб, пауза қиларди. Лекин домино доналарининг шарақлаши унинг жигига тегарди. Жаноб Оме жуда моҳир ўйинчи бўлгани учун ҳар гал Шарфни қолдирарди. Уч юзга боргандан кейин иккиси ҳам камин олдидаги креслоларга ястаниб олиб тез уйқуга кетишар эди. Кул тагида олов сўна бошларди, чойнак қуриб қолар, Леон ҳамон ўқир

¹ Экарте -- қолдандан қолган икки киши ўйнайдиган карт ўйини.

ди. Эмма уни тинглар ва беихтиёр газ чироқ абажури-ни айлантириб ўтирарди, абажурда коляскада ўтирган Пьеро ва қўлларига лангарчўп ушлаган дорбоз су-рати солинган эди. Леон ухлаб қолганларни имо би-лан кўрсатар ва ўқишдан тўхтар, шундан кейин улар шивирлашиб гаплаша бошлашарди ва бу суҳбат, ҳеч ким уларни эшитмаётганлиги учун ҳам жуда ёқим-ли туюларди.

Улар муттасил китоб ва романлар олиб-бериб туриш тўғрисида ўзаро бир битимга келиб қўйгандек эдилар. Жаноб Бовари рашкчи эмасди, шунинг учун кўнглига ҳеч нарса келмасди.

Шарлнинг туғилган кунига Леон зангори рангга бў-ялган, то бўйнига қадар рақамлар ёзиб ташланган гўзал френолог ҳайкалини совға қилди. Бу Леон томонида қилинган илтифот белгиси эди. У умуман врачга нисба-тан жуда ҳам илтифотли эди, у нимаики топширса йўқ демай, Руанга борганда бажариб келарди. Битта жуда ҳам довруғи кетган роман туфайли ҳамма кактус ўс-тирадиган бўлиб қолди, Леон Бовари хоним учун как-тус сотиб ола бошлади ва «Қалдирғоч»да бутун йўл бўйи бармоқларига тикан кирганига қарамай, тиззаси устида олиб келадиган бўлди.

Эмма деразаси тагида гул туваклари соладиган пан-жарали токча ясашни буюрди. Леон ҳам ўз хонасини осиб қўядиган гуллар билан тўлдирди. Гулларга пар-вариш қилиб туриб, улар деразадан бир-бирларини кў-ришарди.

Бутун шаҳарда одамнинг гавдаси ҳаммадан узоқ кўриниб турадиган биттаю битта дераза бор эди. Ҳар кун тушликдан кейин, якшанба кунлари азондан то тунгача агар ҳаво яхши бўлса, деразадан токаръ ста-ногига энгашган, жаноб Биненинг озғин бети кўриниб турарди, станокнинг бир хилда вишиллаши ҳаттоки «Олтин шер»гача эшитилиб турарди.

Бир кун кечқурун Леон уйга келиб, ўз хонасида гиламча турганини кўрди, бу бахмал билан юнг ара-лаш, устига барг нусха гул туширилган оч пушти ги-ламча эди. У Оме хонимни, жаноб Омени, Жюстенни, болаларни, ошпаз хотинни чақириб, гиламни кўрсатди, бу ҳақда бошлиғига гапириб берди. Гиламни ҳамма кўргиси келарди. Нима боисдан врачнинг хотини «бе-ҳудага совға» бераркан? Бу одамларга шубҳали кўрини-

ди ва ҳаммалари: «Эмма унинг маъшуқаси» деган хулосага келишди.

Леоннинг ўзи гап-сўзга йўл очиб берди — у Эмманинг жозибаси, донолиги ҳақида шунча кўп гапирардики, ҳатто бир кун уни жаноб Бине:

— Менга нима? Мен у билан таниш эмасман! — деб қаттиқ жеркиб ташлади.

Леон Эммага қандай қилиб муҳаббат изҳор қилишни билмай бош қотирар эди. Бир томондан, уни ўзидан совитиб қўйишдан қўрқса, иккинчи томондан, ўзининг юраксизлигидан уяларди ва ҳис-туйғуларининг тўлиб-тошганини, ўзининг ношудлигини англаб кўзи жиққа ёшга тўларди. У қатъий бир қарорга келди: хатлар ёзар, шу заҳоти йиртиб ташлар, ўзига-ўзи муҳлат тайинлар, кейин яна муҳлатини кейинга сурарди. У кўпинча ҳамма нарсага тайёрдек Эмманинг олдига борар, лекин уни кўриши билан жасорати йўқолар ва бунинг устига Шарль кириб, чет қишлоқлардан бирига бориб бемор кўриб келиши кераклигини айтиб, шарабанда бирга боришни унга таклиф қилса, шу заҳоти рози бўларди ва Эмма билан хайрлашиб чиқиб кетарди. Унинг эрида ҳам Эммага ўхшаш жиҳатлари бор, деб ўзини юлатар эди у. Бироқ Эмма Леонни севадимийўқми, бу ҳақда ўзига савол бериб ҳам кўрган эмасди. Унинг назарида, севги қўққисдан чақмоқдек чарақлаб, момақалди роқ гулдуриси билан келади, бу қуюн қаёқдандир осмондан қуйилиб келиб ҳаётни остин-устун қилиб ташлайди, барг узгандек кишининг ихтиёрини узади ва қалбни гирдобга солади. У тарновлар сув ўтмас бўлиб, томларда ҳам сув халқоб бўлишини хаёлига ҳам келтирмас, то ўз уйининг девори дарз кетганидан хабар топмагунча тинч яшайверарди.

V

Февраль ойи қорли якшанба кунларининг бири эди, эр-хотин Боварилар, Омелар ва Леон жам бўлишиб, шаҳардан ярим миль масофада, пастқам ерга қурилайтган, зиғирпоя толасини йигирадиган фабрикани кўргани боришди. Аптекачи ўйнатиб келиш учун ўгли Наполеонни, қизи Аталияни бирга олиб кетди,

улар билан соябонларни кўтариб олиб Жюстен ҳам борди.

Бироқ бу диққатга сазовор жойнинг ҳеч қанақа диққатга сазоворлиги йўқ экан. Қум, шағаллар ичида у ер-бу ерда аллақачон занглай бошлаган тишли ғилдираклар уйлиб ётган кенг сайхон ерда узун, жуда кўп дераза учун тешиклар очилган, тўрт бурчакли иморат қаққайиб турарди. Бино ҳали битмаган, тўсинлари орасидан осмон кўриниб ётарди. Хомага бойлаб осиб қўйилган бир боғ похол ўзининг бошоқлари ва уч хил лентасини ҳилпиратиб турарди.

Оменинг жағи очилди. У ҳамроҳларига бу корхонанинг қанақа аҳамиятга эга эканини тушунтирар, пол ва деворларнинг қалинлигини кўзи билан чамалар ва ёнида жаноб Бине ўз эҳтиёжи учун олиб қўйган ўлчов чизғичи бўлмаганидан афсусланарди.

Эмма дорихоначи билан қўлтиқлашиб, унинг елкасига салгина суянганича туманли олисларда ўзининг жилосиз шуълалари билан кўз қамаштирувчи қуёшнинг гардишига қарарди. Кейин у бирдан бошини бурди, кўзи беихтиёр Шарлга тушди. Фуражкеси кўзига тушиб кетибди, қалин лаблари қимирларди, бу эса унинг юзига қандайдир бемаъни ифода берганди, ҳатто яғрини ҳам унинг жиғига тегарди: Эмманинг назарида, унинг ўртамиёна одам эканлиги борлигидан, ҳаттоки сюртукларидан ҳам билиниб турарди.

Эмма ҳамон Шарлни ғазаб билан кўздан кечирар экан, ўзининг бу ғазабида қанақадир бир заҳарли севинч борлигини сезарди, худди шу вақтда ундан бир қадам олдинда Леон пайдо бўлди. Совуқдан унинг ранги ўчиб кетибди, шунинг ўзидан унинг бутун сиймосида яна ҳам нозикроқ хуморилик барқ урарди. Кўйлагининг ёқаси ўзига кенгроқ эди ва бағбақаси билан галстуги орасида бўйни озгина кўриниб, соч толалари тагидан қулоғининг учи чиқиб турарди, унинг булутларга тикилган катта-ката мовий кўзлари Эмманинг назарида, осмон акс этадиган тоғ кўлларида ҳам мусаффоқ, гўзалроқ эди.

— Қаёққа кетяпсан! — бирдан бақирди дорихоначи ва ўғлига югурди. Бола оҳакка ботинкасини бўяб олмоқчийди. Отаси бошлаб унинг таъсирини берди. Наполеон алам қилганидан ҳўнграб йиғлади, Жюстен похол билан ботинкани тозалашга тушди. Лекин оҳак-

ви қириб ташлаш учун пичоқ керак бўлди. Шарль пичоғини унга берди.

«Ё худо!— ўйлади Эмма,— у оддий мужикка ўхшаб ҳамма ерда чўнтагида пичоқ олиб юради-я».

Майдалаб ёмғир ёға бошлади. Ҳаммалари орқаларига қайтишди.

Кечқурун Бовари хоним қўшниларникига чиқмади, Шарль кетгандан кейин ўзи ёлғиз қолди, унинг кўзлари олдида ўзининг аниқлиги билан, туйғунинг бевосита яққоллиги ва инсон хотираси узоқдаги нарсаларни тегишли катталиқда намоён қиладиган кучи билан ўша параллель янгидан гавдаланди. Каравотда ётган еридан у алангаланиб ёнаётган оловдан кўз узмасди ва худди ҳозиргидек Леонни яққол кўрарди, у бир қўлида ҳассасини ўйнаб, иккинчи қўли билан бепарвогина сумалак сўраётган Аталияди етаклаб олганди. Эммага у гоёт гўзал кўринди. Эмма унга ҳозир хаёл кўзи билан қаттиқ тикиларди. У Леоннинг бошқа кунлари қилган ҳаракатларини, унинг айтган сўзларини, унинг овозини, борлиқ сиймосини қайта-қайта эсларди ва лабларини худди ўпичга чўзаётгандек чўзиб:

— Ҳа, у ажойиб барно йигит! У жозибадор!— дерди.— О, у севиб қолмаганмикин-а?— сўрарди у ўзидан.— Кимни?.. Кимни бўларди, мени севиб қолган!.. Мени!..

Эмманинг олдида далилларнинг ҳамма занжири бир зумда ечилиб кетди, юраги типирчилади. Каминдаги оловдан шипда шуълалар шўх ўйнади. Эмма чалқанча ётиб ширин керишди.

Шундан кейин тўхтовсиз оҳ-воҳлар бошланди.

«Оҳ, қани энди ҳаммаси шундай бўлиб чиқса! Ҳа, нега, шундай бўлмас экан? Ким бунга халақит бера оларди?»

Шарль ярим кечада қайтди, Эмма ўзини ҳозиргина уйғонганга солди, Шарль ечинаётиб, бир нарсага тақиллаб тегиб кетувди, у дарров боши оғриётганидан шикоят қилди, кейин бепарво оҳанг билан оқшом қандай ўтганини сўради.

— Леон узоқ ўтирмади,— деди Шарль.

У табассумдан ўзини тўхтата олмади ва ўзи учун аллақанақа жозиба ихтиёрига берилдию, уйқуга кетди.

Эртасига, қош қорайган пайтда унинг олдида бозори

чаққон моллар сотадиган савдогар жаноб Лере келди. Бу савдогар жуда ҳам учар одам эди.

Гасконда турилиб, кейин нормандиялик бўлиб олган бу одам ўзида жанубга хос сўзамоллик ва кошликларга хос қувлигини бирга уйғунлаштира олган эди. Унинг кўпчиган, буришган кўса башараси худди чучукмия қайнатмасига бўяб олингандек, кичкина, қоп-қора кўзларидаги ёвуз йилтиллаш эса оқ сочи туфайли яна ҳам жонлироқ кўринарди. Илгари у ким бўлган — буни ҳеч ким билмасди, бировлар уни аршин молчи бўлган, бошқалар у Рутода сарроф бўлган, дейишади. Лекин мана шу нарсага шак келтирмаслик керак эди: у энг мураккаб рақамларни миясида ҳисоблаш қобилиятига эга эдики, бундан жаноб Биненинг ўзи ҳам даҳшатга келарди. Хушомадгўйлиги, лаганбардорлиги шу даражада эдики, у ҳар доим бировга салом бераётгандек ёки бировни уйига таклиф этаётгандагидек икки букилиб эгилгани эгилган эди.

У йўлакда қора лентали шляпасини қолдириб, стол устига яшил картон қути қўйди ва минг такаллуф билан шу чоққача «хоним ойим»нинг ишончига сазовор бўлмаганлигини гапириб, гина қила бошлади. Ҳаққи рост, унинг гарибона дўкончасида шундай о л и ф т а жувонга манзур бўлган нима ҳам бўларди? У мана шу икки сўзни жуда чертиб гапирди. Аммо лекин хонимнинг бир оғиз буйруқлари билан ҳамма нарса муҳайё бўлади: ич кийими, пайпоқ ва упа-атир ҳамда энг чаққон молларни бетўхтов топиб беради. Ахир у ҳар ҳафта шаҳарга боради-ку! Энг яхши савдо ширкатлари билан алоқа қилади. Унинг кимлигини «Уч оғайни», «Тилла соқол», «Уч оёқ ёввойи»лардан сўрасангиз бўлади, буларнинг агалари уни беш панжадек билдилар! Мана бугун, шундоқ хонимга баъзи бир бахтли тасодиф билан қўлга киритган молларни кўрсатмоқчийди. Шу сўзлар билан у картондан ярим дюжина гул тикилган ёқачалар олди.

Бовари хоним уларни томоша қилди.

— Менга керакмас бу, — деди у.

Шунда жаноб Лере эҳтиёткорлик билан учта жавоир рўмоли, бир неча қутича инглиз тўғнағичлари, похол туфли ва ниҳоят, тухум солиш учун норжил ёнғоғи пўчоғидан маҳбуслар ўйиб ишлаган тўртта қадаҳ олди. Икки қўли билан столга тиралиб, бўйни-

ни чўзиб, бутун гавдаси билан олдинга эгилиб, ҳали унга, ҳали бунга саросималик билан қараётган Эмманинг юзига тикилиб турарди. Вақт-вақти билан жаноб Лере гўёки чангни артаётгандек бўлиб, стол устига ёйиб ташланган ипак шарфни тирноғи билан чертиб қўярди, шойи бўлса шилдираб ҳилпирар, унинг зарлари оқшомнинг ғира-шира ёруғида юлдуз бўлиб чарақларди.

— Бу қанча туради?

— Эй, от билан туя бўлармиди,— жавоб берди савдогар,— унча шошилинич иш эмас-ку. Хоҳлаган вақтингизда муҳайё бўлади. Ахир бизлар жуҳуд эмас-миз-ку!

Эмма бир оз ўйлаб туриб, жаноб Лерега ташаккур билдирди ва олмаслигини айтди, у бўлса ҳеч таажжубланмади ҳам:

— Хўп, майли, кейин гаплашамиз. Мен ўз хотинимдан бошқа ҳамма хонимлар билан тил топаман.

Эмма жилмайиб қўйди.

— Шу гапни айтиб қўяйки,— мулойим, шу билан бирга жиддий тус билан давом этди жаноб Лере,— мен пул тўғрисида ҳеч ҳам ташвишланмайман. Сизга пул керак бўлса мен бериб тураман.

Эмма таажжублангандек бўлди.

— Ҳа, ҳа!— овозини пасайтириб тез-тез гапирди савдогар.— Мен кўз очиб юмгунча топиб беришим мумкин. Менга ҳар қанча ишонсангиз бўлаверади!

Кейин бирдан «Франция» қаҳвахонасининг хўжайини ва жаноб Бовари шу кунларда даволанаётган Телье отанинг саломатлигини сўраб кетди.

— Телье отага нима бўлди ўзи, а?.. У шундай йўталадики, бутун уй ларзага келади. Оддий бумази пахтали ўрнига қўсқа пўстин киймасайди, деб қўрқаман. Ёшлигида айш-ишратни яхши кўрарди! Бунга ўхшаган одамлар, хоним, ҳеч нарсанинг чегарасини билмайдилар. Ароқдан куйиб кетди.

Лекин нима қилса ҳам эски танишинг у дунёга равона бўлса қайғураркансан, киши.

Картон қутининг тугмасини сола туриб, у Шарль даволаётган касалларнинг ғийбатини қила бошлади.

— Касалларининг сабаби об-ҳаводан!— деди у қовоғини солиб, деразага қараркан.— Менинг ҳам унча мазам йўқ. Яқин ўртада доктор билан бир маслаҳат-

лашишим керак. Белим оғрийди. Хўп, хўп, хайр, Бовари хоним. Хизматингизга доим тайёрман! Сизга чуқур таъзим қиламан!— шу сўзлар билан у эшикни секингина ёпиб, чиқиб кетди.

Эмма овқатни ўз хонасига олиб келишларини буюрди ва оловга яқинроқ ўтирди-да, имиллаб овқатлана бошлади. Унга ҳамма таом ширин кўринарди.

«Жуда ақлли иш қилдим» — ўйлади у шарфларни эсига олиб.

Зинапояда оёқ товуши эшитилди, бу Леон эди. Эмма ўрнидан туриб комоддаги чети босилган бир тахлам сочиқдан тўғри келганини олди. Леон кирганда у жуда ҳам ишга берилиб кетган қиёфада эди.

Гаплари қовушмади. Бовари хоним ҳадеб унинг сўзини бўлар, Леон ўзини ниҳоятда ўнғайсиз сезаётгандек бўларди. У камин олдида, пастаккина курсида қўлида фил суягидан ясалган қинни айлантириб ўтирар эди. Эмма тикар ва вақти-вақти билан тирноқлари-ла чокларини текислаб қўярди. У бир оғиз ҳам гапирмас, Леон аввал унинг гапларига шайдо бўлгандек, энди унинг жим ўтиришидан ҳам сеҳрланиб гунг бўлиб ўтирарди.

«Бечора йигит!» — деб ўйларди Эмма.

«Хафа қилиб қўйдимми?» — деб сўради ўзидан Леон.

Ниҳоят ўзини босиб олди-ю, яқин кунларда нота-риал конторанинг иши билан Руанга бормоқчи бўлганлигини айтди.

— Сизнинг нота абонементингиз тугади. Янгилаб келайми?

— Йўқ, — деди Эмма.

— Нега?

— Чунки...

Эмма лабларини қимтиб, узун кул ранг ипни салмоқ билан тортиб олди.

Эмманинг иши Леоннинг жиғига тегарди. Унинг назарида Эмма ҳадеб бармоғига игна санчиб олаётгандек эди.

У ажойиб бир гап айтмоқчи бўлди-ю, лекин айтишга журъат этолмади.

— Шундай қилиб, энди тарк этасизми? — сўради Леон.

— Нима, — Эмма унга ялт этиб қараб деди, — чалишнимми? Эй, худойим-эй, вақт қайда менда? Рўз-

ғорға, әримға қарашим керак, хуллас, ундан кўра зарурроқ ишлар бошимдан ошиб ётибди!

Эмма соатига қаради. Шарль кечикаётган эди. Узини ташвишланаётганга солди.

— Шарль жуда оқ кўнгил одам!— деб бир неча бор такрорлади Эмма.

Нотариус ёрдамчиси жаноб Боварини ёқтирарди. Лекин Эмманинг унга меҳрибонлиги Леонда ёқимсиз бир таассурот қолдирди. Лекин ўзи ҳам Шарлни мақтаб кетди.— Ҳамма ундан хурсанд, айнақса, фармацевт,— деб қўшиб қўйди.

— Ҳа, у жуда яхши одам!— деди Эмма.

— Шак-шубҳасиз,— тасдиқлади Леон.

Леон шу заҳоти Оме хоним ҳақида гап бошлади. Унинг исқиртлигидан кўпинча иккаласи кулишарди.

— Ҳа, нима бўпти?— сўзини бўлди Эмма,— онланинг чинакам онаси ўзига зеб бермайди.

Шуни деб, у яна жимиб қолди.

Шу кундан бошланди ҳамма гап. Эмманинг сўзлари, хатти-ҳаракати — ҳаммаси ўзгарди. Рўзгор ишларига муккасидан кетди, черковга мунтазам борадиган бўлди, хизматчи қизнинг жиловини қўлга олди.

Бертани уйга олиб келди. Меҳмонлар келганда Фелисите уни олиб кирар ва Бовари хоним қизалоқни ечинтириб, унинг бадани қанақалигини кўрсатарди. Болани жон-дилидан яхши кўришини ҳаммага ишонтиришга уринарди, унинг қувончи, унинг овунчоғи, уни жинни қилган ҳам шу арзандаси! Эркалаб туриб шавқ-завқдан ўзини йўқотиб қўяр, бу конвилликлардан бошқа ҳаммага «Парижнинг Биби Марям собори»даги вретиш¹ларни эслатиши мумкин эди.

Энди Шарль уйга қайтганда, туфлиси ҳамма вақт иссиқ ёқилган камин олдига қўйилиб исиб турган бўларди. Ҳамма нимчаларига астар қилинган, кўйлақларининг ҳаммасига тугма қадалган, кечаси киядиган қалпоқлари кийим жавонида шундай чиройли қилиб

¹ В р е т и ш н и ц а — гадолик тариқатига мансуб монах аёл, бунга аъзо бўлганлар итоткорлик белгиси қилиб устларига вретиш (дағал қоп) кийиб юрадилар. В. Гюгонинг «Собор Парижской богоматери» романининг қаҳрамони Эсмиральданинг онаси шунақа монах аёллардан бўлган.

тахлаб қўйилганки, ҳавасингиз келарди. Эр-хотин боғда сайр этганларида Эмма энди илгаригидек қовоғини солмайди. Шарль нима деса рози бўлади, сўзсиз итоат қилади, гап қайтармайди. Энди Шарль яхши таомдан кейин қип-қизариб, камин олдида қўлини қорнига, оёғини панжарага қўйиб, роҳат қилаётганидан кўзлари сузилиб ўтирганда, олдида гиламда қизи эмаклаб юрганда, анави қадди-қомати келишган хотини, креслонинг орқасидан келиб, эрининг пешанасидан ўпганини кўриб, Леон беихтиёр ўйларди:

«Бу қанақа номаъқулчилик! Қанақа қилиб энди унинг қалбига йўл топасан?»

Эмма Леоннинг назарида шу қадар ҳалол, шу қадар такаббур кўринардикки, энди унда умидидан бир учқун ҳам қолмаган эди.

Бироқ у орзу-истакларини босиб, Эммани мислсиз юксакдикка кўтарарди. У ўз назарида яратган образда фақат аёлларга хос бўлган хусусият йўқ эди. Бу хусусиятлар Леон учун энди ҳеч қанақа аҳамиятга эга эмас. Унинг назарида Эмма тобора ердан узилиб, худди илоҳий бир енгиллик билан фалакка кўтарилмақда эди. Леон уни пок муҳаббат билан севарди, бундай муҳаббат иш билан шуғулланишга халақит бермайди, бундай муҳаббат қадрли бўлади, чунки у ҳаётда ҳадеб учрайвермайди. Бироқ муҳаббат туфайли келган бахт туйғуси унинг ҳамма азоб-уқубатларидан устун туради.

Эмма озиб кетди, ёноқларининг қизиллиги сўнди, юзи чўзилди. Ҳамиша жим юрадиган бу аёл енгил қадамлари, қора сочлари, шаҳло кўзлари, чиройли бурни билан гўёки оёғи ерга тегар-тегмас ҳаёт йўлидан ўтмоқда ва ўз вужудида қанақадир юксак қуръанинг ноаниқ тамғасини кўтариб кетмоқда эди. У ниҳоятда хомуш, ниҳоятда мўмин, ниҳоятда меҳрибон, шу билан бирга жуда ҳам вазмин, унинг жозибасида вужудингга қалтироқ соладиган қанақадир бир совуқлик бор эдики, черковда, мрамор тошнинг совуқ исига аралашган хушбўй гуллар ҳиди кишининг этини шундай жимирлатади. Унинг жозибаси олдида ҳеч ким ил ечолмасди. Фармацевт у ҳақда:

— Ажойиб, истеъдодли жувон, у вилоят маъмуриятида хизмат қилиши керак эди, — дерди.

Уй бекалари унинг тежамкорлигидан, беморлар

унинг назокатлигидан, камбагаллар унинг шафқатлигидан қойил қолишарди.

Ваҳоланки, айти замонда унинг қалби шиддатли орзулар ва нафрат билан тўла эди. Тўғри бурмали кўйлаги остида унинг куйган юраги типирчилар, лекин унинг уятчан лаблари қалбнинг алам-изтиробини ошкор қилмасди. Эмма Леонга ошиқ эди ва унинг сиймосини кўз ўнгида гавдалантириб, ундан роҳатланиш учун танҳолик қидирарди. У пайдо бўлиши билан хаёлий лаззат ҳам тамом бўларди. Унинг оёқ товушини эшитиб, Эмманинг вужудини қалтироқ босарди, учрашганда эса ҳаяжони босилар, лекин довдираб қоларди, буни ҳам қайғу-алам аста-секин суриб чиқарди.

Леон умидсизликка берилиб, ҳасрат билан унинг олдидан кетган пайтларида, Эмманинг шу заҳоти ўрнидан туриб деразага боришини, унинг кўчада кетаётганига қараб туришларини хаёлига келтирмасди ҳам. Унинг юриши ҳам Эммани ҳаяжонга солар, унинг юзидаги ифоданинг ўзгаришини кузатар, унинг хонасига киришга қулай баҳона топиш учун турли-туман ҳодисаларни ўйлаб топарди. У билан бир том остида яшовчи дорихоначи хонимнинг бахтига бахиллиги келарди. Унинг фикр-хаёли доимо «Олтин шер» қовоқ-хонаси тарновларидан оқаётган сувларда пушти оёқларини, оппоқ қанотларини ювиб қайтадиган кабутарлар каби ўша уй атрофида парвона эди. Аммо қанчалик қаттиқ севиб қолгани Эммага ойдинлашган сари у ўз туйғусини ичига ютишга, ошкор қилмасликка, кучини кесишга шунчалик қаттиқ уринарди. Агар Леон ўзи буни фаҳмласа, Эмма қувонган бўларди. Эмманинг миясига бизнинг яқинлашишимизни енгиллаштирадиган турли-туман аҳволлар рўй берсайди, фалокат бўлсайди, деган фикр келарди. Руҳий сустлик, қўрқув, бундан ташқари номус уни ушлаб турарди, албатта. Назарида, у ҳаддан ташқари қўрслик билан Леоннинг кўнглини қолдирганга, энди ҳамма иш барбод бўлганга ўхшарди. Лекин «Мен ҳалол аёлман!» — деган тушунчадан ҳурсанд бўлиш, юзига итоткорлик ифодасини бериб, кўзгуда ўз жамолини кўриш, берган қурбонлари эвазига берилган мукофотдек эди.

Тан амри, пулга ташналик, ҳирс азоби — барчаси унда бир бутун аламли туйғуга айланганди. У энди Леон ҳақида ўйламасдан туролмас, фикр-зикри доимо

унда эди: у ярасни тимдалар, бунга ҳар нарсадам баҳона топарди. Вақтида берилмаган овқат ҳам, эч бекитилмаган эшик ҳам уни асабийлаштирар, барқути бўлмаганидан, бетолелигидан, ушалмаган орзу-умидларидан, унинг торлигидан ҳам у изтироб чекарди.

Шарль Эмманинг руҳий азобларини пайқамасди чоғи, бу эса унинг қонини қайнатарди. Эмма учун бахтли турмуш яратганига унинг ишончи комил эди, бу ишонч Эммага эса аламли бемаъниликдек кўринар, буни бағритошлик, деб баҳоларди. Ким учун у шунчалик эҳтиёткор бўлди? Унинг бахти йўлида доимо ғов бўлиб келган, унинг оғир қисмати, уни маҳкам қисиб турган камар тўқасининг ўткир тирноғи Шарль эмасми?

Бора-бора Эмма турли-туман қайғу-ҳасратлардан кўксига тугилган нафратни Шарлнинг бир ўзига кўчирди ва бу ҳисни қитдак бўлса ҳам юмшатишга уриниш уни қайтага кучайтирди, чунки адоватни кучсизлантиришга беҳуда интилиш унинг ғазабини оширмоқда ва орага баттарроқ совуқчилик туширмоқда эди. Ўзининг қўйдек ювошлиги жаҳлнинг чиқармоқда эди. Тирикчиликнинг завқсизлиги, зеб-зийнат ҳақидаги орзуларни, эрининг меҳрибонлиги, хиёнат қилиш ташналигини кўзгатарди. У истардики, Шарль уни дўппосласа, шунда эрини ёмон кўришга ва унда қасос олишга кўпроқ асоси бўларди. Ўзининг миясига келган даҳшатли фикрлардан баъзан ўзи қўрқиб кетарди. Ҳолбуки, одамларга кулиб боқиш, унинг қанчалик бахтли экани ҳақидаги гапларни эшитиш, кўра-била туриб, ўзини ростдан ҳам шундай қилиб кўрсатиш, бошқаларни ҳам алдаш керак.

Бу иккиюзламачилик унинг жонига тегди. Унда Леон билан қочини ҳаваси зўр келмоқда, энди қаерга бўлса ҳам майли, фақат олис ерга қочини, у ерда янги ҳаёт бошлаш керак, бироқ шуни ўйлаши билан унинг йўлида тубсиз жарлик пайдо бўларди.

«Ҳа, у энди мени севмайди»,— деб ўйларди у.— «Нима қилсам экан? Кимдан энди кўмак, ҳамдардлик, тасалли кутсам экан?»

Унинг кўз ёшлари дув-дув оқар, дармонсизланиб, тинка-мадори қуриб, оғир нафас оларди ва астагина пиқиллаб йиғларди.

— Нега хўжайинга айтмайсиз? — дерди унинг азобланганларини кўриб хизматчи қиз.

— Бу асаблар хасталиги, — дерди Эмма, — унга айтма, хафа бўлади.

— Ҳа-да, — дерди Фелисите. — Сизда ҳам Геринанинг касали бор, у Воледаги балиқчи Герен амакининг қизи. Мен у билан сизга ишга кирмасимдан олдин Дьеплда танишганман. У ҳамма вақт шундай гамгин, шундай хафа юрадики, асти қўяверинг! Доим остонада тургани-турган, худди таъзия кунини эшикка осиб қўйиладиган қора мовут дейсиз. Айтишларича, руҳий касалликка чалинган экан, мияси ҳам айниб қолган дейишарди, лекин, докторнинг ҳам, руҳонийнинг ҳам қўлидан ҳеч нарса келмади. Аҳволи жуда ҳам танг бўлиб қолганда, у денгизга қочиб кетарди. Уни божхона назоратчиси денгиз бўйларини айланиб юрганда тез-тез кўриб тураркан. У кўкрагини ерга бериб нуқул йиғларкан. Лекин тўйдан кейин тузалиб кетган, дейишарди.

— Мен бу тушкунликка тўйдан кейин гирифтор бўлдим, — деди Эмма.

VI

Бир кун у дераза олдида ўтирганда черков хизматчиси Лестибудуанинг шамшод дарахти шохини кесаётганини кўрди, кейин Лестибудуа бирдан ғойиб бўлиб қолди-ю, шу заҳоти кечки ибодатга занг урилди.

Бу апрель ойининг бошларида, наврўз гуллар очилган, чопилган жўякларда илиқ шамол ўйнаган, боғлар бўлса аёллар каби ёз байрами либосларига ўралган пайт эди. Шийпонларнинг панжарасидан узоқ атрофларда, ўтлоқларда дарё қандай буралиб илон изи солаётгани кўриниб турарди. Кечки туман баргсиз тераклар орасидан уларнинг шаклини бекитиб, шохлар устида илиниб турган шаффоф пардадан ҳам нозикроқ, тиниқроқ бинафша ранг тутундай кўтарилмақда. Узоқда подалар сангир, бироқ унинг на дўпири, на маъраши эшитилар, қўнғироқ бўлса ҳамон жаранглар, унинг мунгли садоси ҳавода боягидек парвоз этарди.

Мана бу бир текис жаранглаш остида Эмма хаёлан узоқ ёшлик ва пансион хотираларига учди. Минбардаги гул соладиган туваклар, табаррук сув сақланадиган идишлар тепасида нур сочиб турган шамдонлар эсига тушиб кетди. У ҳув ўша вақтлардагидек скамейкалар олдида тиз чўккан монах аёлларнинг узун сафларига тургиси келиб кетди, уларнинг бошларида оқ дурра, лекин ҳар ер-ҳар ерда тепаси чўққайган қора капюшонлар ҳам кўзга ташланарди. Якшанба ибодатида Эмма дуолар тўпламидан кўз узиб, бухўрнинг гумбаз томон кўтарилаётган зангори тутунлари орасидан Биби Марямнинг беозор юзини кўрарди. Эмманинг кўнгли юмшаб кетди. У бирдан ўзини гирдоб айлантириб юрган ожиз ва кўмаксиз ҳис қилди. Шартта черков томон равона бўлди, шу пайтда у ҳар қанақа назр беришга тайёр, ҳатто жонини ҳам аямайди, майли, черков уни бор вужуди билан ютиб юборса ҳам рози!

Майдонда унга ҳозиргина қўнғироқхонадан тушиб келаётган Лестибудуа дуч келди. У кечки ибодатга иш орасида ҳам қўнғироқ чалаверарди, қай вақт қулай бўлса, бас, қўнғироқ чалади-да, яна ишини давом эттираверади. Ундан ташқари, ўғил болаларни у катехизис дарсига вақти бемаҳал қўнғироқ чалиб чақираверарди.

Болалардан баъзилари аллақачон гўр тошлари устида копток ўйнашаётган бўларди. Бошқа бирлари деворга миниб, энг четдаги гўрлар билан пастаккина гишт девор ораллигида ўсадиган узун қичитқи ўтларнинг учини оёқлари билан учир шарди. Бу ер қабристон бўйича биттаю битта кўкаламзор жой эди, ундан нари ҳамма ёқ тош, қоровулнинг бетўхтов супуришига қарамай, барибир чангга ботиб ётарди.

Ўғил болалар латта туфлилари билан худди оёқлари остига тўшаб қўйилган паркетдек қабристонда чопишиб юришарди, уларнинг шовқин-сурони жом овозини босиб кетарди. Қўнғироқ овози, учи қўнғироқхонадан тушиб, ерда чувалашиб ётадиган йўгон арқоннинг силкиниши камайган сари пасая борарди. Пириллаб учиб ҳавони ёриб ўтган қалдирғочлар чийиллашиб, бир зумда бўғотлар саргайиб кўринган уяларига гойиб бўлишарди. Черковнинг ичкарасида ис чироқлар, тўғрироғини айтганда, тақсимчага солиб

қўйилган шамнинг пилиги ёниб турарди. Узоқдан унинг ёруғини ёғ устида йилтираб турган хира доғ деб ўйлаш мумкин эди. Қуёшнинг узун шуъласи черков ичига тушиб турар ва шу туфайли ҳамма бурчаклар ва ён-ёқалар яна ҳам кўланка ичида эди.

— Руҳоний қаерда?— сўради Бовари хоним, зериканидан лиқиллаб қолган чигириқни айлантириб ўйнаётган болакайдан.

— Ҳозир келади,— жавоб берди болакай.

Дарҳақиқат, руҳонийнинг ҳовлисидаги эшик ги-жирлади ва остонада аббат Бурнизьен пайдо бўлди, болалар бир тўда бўлиб черковга югуриб кириб кетишди.

— Оббо, одобсизлар-эй!— деди руҳоний.— Фикри зикри ўйин буларнинг!

У оёғи остида ётган эски катехизисни энгашиб қўлига олди-да:

— Улар учун муқаддас нарса йўқ,— деди.

Шу чоқ у Бовари хонимни кўриб қолди.

— Кечиринг,— деди у,— мен сизни танимабман.

У катехизисни чўнтагига солди ва ҳужранинг оғир калитини икки бармоғи билан айлантирганча тўхтади.

Ботаётган қуёш унинг кўзига тушиб турар, унинг ёруғида, этаклари титилиб, тирсаклари ялтираб кетган селон сутанаси¹ унча қора кўринмасди. Кенг кўкрагидаги қатор тугмалар атрофини ёғ, тамаки доғлари босиб кетибди, айниқса, улар пастроқда, кўкракпеш етмай қолган ерда кўп эди. Мош-гуруч бўла бошлаган соқолининг тагида бекилиб турган сариқ сепкил доғлар билан қопланган қип-қизил бағбақаси кўкракпешга осилиб тушиб турарди. Руҳоний қаттиқ пишиллар, ҳозиргина овқат еган эди.

— Аҳволингиз қалай?— сўради у.

— Ёмон,— жавоб берди Эмма,— азоб чекапман.

— Мана, мен ҳам!— гапни оғзидан олди дин тарғиботчиси.— Иссиқ биринчи кунлари тоза тинкаинги қуритади, тўғрими? Ҳа, начора! Апостол Павелнинг таълимоти бўйича, биз дунёга азоб чекиш учун туғилганмиз, хўш, сизнинг аҳволингизга жаноб Бовари қандай қарайдилар?

¹ С у т а н а — католик руҳонийларнинг ибодат вақтидан бошқа пайтларда кийиб юрадиган уст кийими.

— Ҳеч қандай! — нафрат билан елкасини қисиб жавоб берди Эмма.

— Наҳотки? — камоли ҳайрон бўлиб сўради содадил руҳоний, — жаноб Бовари дори буюрмадиларми?

— Йўқ, мен унинг дориларига муҳтож эмасман! — деди Эмма.

Руҳоний бўлса болалар нима қилаётган экан, деб ҳадеб аланглар, болалар бўлса чўккалаб ўтириб бир-бирларини елкалари билан туртишар, кейин бирдан ҳаммаси картондан ясалган уйларга ўхшаб йиқилишарди.

— Мен бир нарсани билишим керак... — яна гап бошлади Эмма.

— Шошмай тур, Наблюдэ! Қулоққинангни кесиб оламан, зумраша! — бақирди аччиқланиб руҳоний, кейин Эммага қараб деди: — Бу дурадгор Будэнинг ўгли, ота-оналари ўзига тўқ одамлар, шунинг учун ўрилларини талтайтиришади. Лекин боласи тушмагурнинг зеҳни баланд, агар ялқов бўлмаса яхшигина талаба бўлиши мумкин эди. Мен баъзан уни ҳазиллашиб Наблюдэ деб чақираман. Ҳа, ҳа-ҳа! Доим у бирор шўхликни ўйлаб топади, тўполон қилади... Яқинда мен шу ҳақда ҳазратга гапириб бердим, у киши кулдилар, марҳамат қилиб кулдилар... Хўш, қалай, жаноби Бовари соғ-саломат юрибдиларми?

Эмма афтидан, унинг гапига қулоқ солмади ҳам.

— Ҳа...ҳар қачонгидек ишдан боши чиқмаса керак-а? — давом этди руҳоний. — Ахир, бу қавмда энг банд одамлар — иккаламиз-да. Лекин у танани даволаса, мен руҳий даволайман! — қўшиб қўйди у қаҳқаҳлаб кулиб.

Эмма унга илтижоли нигоҳ ташлади.

— Ҳа... — деди у. — Сиз ҳамма гамбодаларга тасалли бера оласиз.

— Оҳ, гапирманг, Бовари хоним! Худди шу бугуннинг ўзида эрталаб битта сигир деб Ба-Дьовилга боришга тўғри келди: у бўкиб қопти, улар бўлса кўз теккандан, деб ўйлашди. Ҳозирги пайтда бу сигирлар бошга бало бўлди... Кечирасиз! Бир минут! Ҳой Лонгмар, ҳой Будэ! Жим бўласанларми, йўқми-а, ота безорилар!

Руҳоний черковга югурди.

Бу вақтда болалар баланд анолой¹ атрофида турти нишар, монах оят ўқийдиган скамейкага сакрашар ибодат китобини очишар эди, бошқа бирлари писи¹ тавба-тазарру хонасига киришмоқчи бўлишаётганди. Кутилмаганда уларнинг чаккасига шапалоқ туша бошлади. Ибодатхона мутасаддиси уларнинг ёқасидан тортиб ердан кўтарар, кейин худди амвоннинг² тошиг киргазиб юборишни истагандек бор кучи билан чўккелатиб ўтқазиб қўярди.

— Мана шунақа гаплар,— деди у Эмманнинг олди қайтиб ва катта чит дастрўмолининг учини тишла туриб уни ёза бошлади,— деҳқонларнинг турмуши оғир.

— Фақат деҳқонларнинггина эмас!— эътироз билдирди Эмма.

— Жуда ҳам ҳақ гапни айтдингиз! Масалан, шаҳардаги ишчиларни олсак...

— Мен бошқа нарсани...

— Кечирасиз-у, лекин мен уларнинг шароити билан танишман! Мен шундай ҳолларни ҳам биламанки, бечора оналарнинг, фазилатли оналарнинг, айтайлик, авлиё хотинларнинг ҳам вақти келиб ейишга бир бурда нонлари бўлмаган.

— Лекин улар, тақсирим,— яна эътироз билдирди Эмма ва унинг лаблари дириллаб кетди,— ейишга нонлари бўлмагани билан...

— Қишга ўтин йўқ демоқчимисиз?— деди руҳоний.

— Бу ҳам ҳеч гапмас!

— Масалан, нимаси ҳеч гапмас? Менимча, одам учун энг зарури ўтин-чўп, тўқлик... ахир гапнинг пўскалласини айтганда...

— Эй худойим, эй худойим!— ингради Эмма.

— Мазангиз йўқми?— унга яқин келиб, ташвиш билан сўради руҳоний.— Ошқозонингизнинг мазаси йўқдир балки? Уйингизга боринг, Бовари хоним, чой ичинг, енгил тортасиз ёки қанд билан совуқ сув ичинг.

— Нега энди?

Эмма гўё ҳозиргина уйқудан уйғонгандек бўлди.

¹ Анолой — усти қия, баланд столча. Черковда бу устига бутлар ёки китоблар қўйилади.

² Амвон — черковда меҳроб олдидаги баланд жой.

— Бошингизни ушлаб турганингизга кўнглингиз беҳузур бўптимиз дебман. Ҳа, айтгандек, — шошилиб қолди руҳоний, — сиз мендан бир нарса сўрамоқчи-дингиз. Ўзи нима гап? Мен асти тушуролмадим.

— Сўраш дедингизми? Йўқ, шунчаки, шунчаки... — дудуқланди Эмма.

Унинг жавдираган кўзлари сутана кийган чолга тикилиб қолди. Иккиси ҳам чурқ этмай, бир-бирларига тик қараб қолишди.

— Бундай бўлса, Бовари хоним, мени кечиринг, — деди ниҳоят руҳоний, — биласизми, ҳамма нарсадан муҳими — бурчни адо этиш. Мен мана бу дардисарлар билан шуғулланишим керак. Уларнинг биринчи ибодат куни яқинлашиб келяпти. Бошимни балога қолдирмасинлар, деб қўрқаман! Шунинг учун вознесение¹ дан бошлаб уларни мунтазам равишда ҳар чоршанба куни бир соат-бир соат олиб қоламан. Оҳ, болалар, болалар! Тангрининг ўзи бизга, ўзининг илоҳий фарзанди тилкдан буюргандек, уларни мумкин қадар тезроқ нажот йўлига солиб юборишимиз даркор... Саломат бўлсинлар, хоним! Эрингизга кўпдан-кўп дуо деб қўйинг!

У оёғини судраб, черковга кириб кетди.

Эмма унинг орқасидан то кўздан ғойиб бўлгунча қараб турди. У қўлларини кериб, бошини сал қийшайтириб икки қатор скамейкалар орасидан оғир қадам ташлаб кетар эди.

Кейин Эмма ўқи атрофида бураб айлантирилган қайқалдек орқасига ўгирилди уйига кетди. Лекин руҳонийнинг гулдураган товуши ва болаларнинг қўнғироқдек овозлари анчагача унга ором бермади:

— Сен христианмисан?

— Ҳа, мен христианман.

— Христиан ўзи ким бўлади?

— Христиан демак... чўқиниш сирларини қабул қилган кишини христиан дейилади, чўқиниш... чўқинтириш...

Зинапоянинг тутқичини ушлаб Эмма пиллапояга чиқди ва хонасига кириши билан ўзини креслога ташлади.

Ойнадан майин ёруғлик тушиб турар, ҳамма нарса

¹ Христианлар байрами.

Ўз жойида ва улар аввалгидан ҳам ҳаракатсиздек нўринар, гўё улар ғира-шира қоронгиликка гарқ бўлгандек туйиларди. Камин ўчиб қолибди, соатнинг миллиҳамон тиқиллашда давом этарди. Унинг дарди дунёси қоп-қоронги бўлган бир вақтда, қандай қилиб бу нарсаларнинг хотиржам туришидан Эмма беихтиёр таажубланарди. Ойна билан иш столининг ўртасида, тўтилган туфличада кичкинтой Берта алпди-талпон юрар, у онасининг олдига келиб, унинг фартуғининг боғичидан ушлашга уринарди.

— Қоч! — деди Эмма унинг қўлидан итариб ташлаб.

Бир оздан кейин қиз яна онасининг тиззасига яқинроқ келди, қўлчалари билан унинг тиззасига ёпишиб, бошини кўтарди ва катта мовий кўзлари билан онасига қаради. Унинг оғзидан Эмманинг шойи фартуғига сўлаги оқиб тушди.

— Қоч! — жаҳл аралаш такрорлади Эмма. Онасининг важоҳатидан қўрқиб кетган қизча йиғлаб юборди.

— Ҳой, мени ўз ҳолимга қўясанми-йўқми ахир?! — тирсаги билан қизини туртиб юбориб бақирди Эмма.

Берта комодга йиқилиб, мис беазага ўзини уриб олди, унинг ёноғи тилиниб, қон чиқиб кетди. Бовари хоним ўзини унга отди, кўтариб олиб шундай қаттиқ қўнғироқ чалдики, унинг ипи узилиб кетаёзди, хизматчи қизни бақириб чақира бошлади, ўзини қарғади, шу чоқ бирдан Шарль пайдо бўлди. У уйга овқатлангани келган эди.

— Қара, дўстим, — деди хотиржамлик билан Эмма. — Қизалоқ йиқилиб тушиб, чаккаси гурра бўлди.

Шарль, ҳеч қанақа хатар йўқ, деб хотинини юпатади-да, елим қоғоз келтириш учун югуриб чиқиб кетди.

Бовари хоним емакхонага чиқмади, шу ерда қолиб боласига қарагиси келди. У ухлаб қолган Бертага тикиларкан, ташвиши аста-секин тарқала бошлади, ниҳоят Эмма ўзича: «Аҳмоқ бўлмасам, кўнгилчан бўлмасам, шу арзимаган нарсага ҳам хафа бўлиб ўтирармидим», — деб қўйди. Ростдан ҳам Берта энди энтикмай жим ётарди. Унинг нафас олишидан чит кўрпа билинар-билинемас кўтариларди. Ярим юмуқ, киртайган кўзларининг бурчагида йирик-йирик ёш турар, кинриклари орасидан кўзининг хира оқи кўринар, ёпишқоқ елим қоғоз ёноғининг терисини буриштириб туради эди.

«Мунча ҳам жунук бўлмаса», — ўйлади Эмма ди-
лида.

Шарль дорихоначиникидан соат ўн бирларда қайт-
ганда (у ерга овқатдан сўнг елим қоғовнинг қолганини
қайтариб бериш учун борган эди) хотини боласининг
каравоти ёнида ўтирарди.

— Айтяпман-ку сенга, яхши бўп кетади! — деди у
Эмманинг пешанасидан ўпиб, — ўзингни қийнама, ази-
зим, бетоб бўлиб қолишинг мумкин.

Шу оқшом Шарль дорихоначиникида узоқ ўтириб
қолди. Гарчи у афтидан унчалик хафага ўхшамаса
ҳамки, жаноб Оме унга далда беришга, «кўнглини кў-
таришга» уринди. Гап болаларнинг ҳаёти учун хавф-
ли бўлган турли хатарлар, хизматчиларнинг енгил та-
биатлилиги ҳақида борди. Оме хоним ўзининг тажри-
басидан биларди: унинг кўкрагида ҳов бир вақтлар,
болалигида, ошпаз хотин ушлаб турган хокандоздан
фартуғига тушиб кетган чўғнинг изи ҳали-ҳали бор.
Мана шунинг учун меҳрибон ота-оналар жаноб Оме
ва Оме хоним жуда эҳтиёт бўлишади. Уларнинг уйла-
рида пичоқлар ҳеч қачон чаркланмайди, полга мум су-
ришмайди. Ойналарга темир панжара қоқилган, ка-
мининг атрофи йўгон-йўгон симлар билан ўраб қўйил-
ган. Омеларнинг болалари мустақилликка ўргатилган,
шундай бўлса ҳам уларнинг босган қадамлари диққат
билан кузатиб турилади, агар бирортаси шамоллаб қол-
гудек бўлса, отасининг ўзи уларга йўтал дори ичирар-
ди, беш ёшгача уларни қавилган шапка кийишга
мажбур қилишарди. Тўғри, бу Оме хонимнинг васваса-
си эди, эри бундан ич-ичидан норози эди: у шапка-
ларни бостириб кийиш болаларнинг ақлий қобилияти-
га таъсир этишидан қўрқарди, баъзи вақтларда ҳатто
чидаб туrolмасди:

— Нима, сен улардан каранблар ёки ботокудлар¹
етиштирмоқчимсан? — деб қўярди.

Шу орада Шарль бир неча бор суҳбатни бўлишга
уриниб кўрди.

— Мен сиз билан гаплашиб олишим керак, — ши-
вирлади у йўлакда энди ўз хонасига кўтарилмоқчи бў-
либ турган Леонга.

¹ Каранблар, ботокудлар — Бразилияда яшаган, де-
ярли қирлиб йўқ бўлиб кетган ҳинд қабилалари.

«Наҳотки шубҳаланиб қолган бўлса-я?» — ўйлади у. Юраги гурсиллаб уриб кетди, гумонсираб боши қотди.

Эшикни бекитиб чиқишгандан кейин Шарль ундан Руанда яхши сурат қанча туришини билиб келишини илтимос қилиб, мурожаат қилди, у хотинига алоҳида илтифот юзасидан кутилмаган бир ажойиб совға қилмоқчи бўлган қора фракда сурат олдириб унга тақдим этмоқчи. Лекин аввал бир «нархини билиб олинса» ёмон бўлмасди. Лекин Шарль чин кўнгилдан ишонадики, бу топпириқ жаноб Леонга малол келмайди, зероки, у барибир ҳар ҳафта шаҳарга боради.

Нега шунақа? Оме «ёшлик — шўхлик» деганларидек, бу ерда бирор найранг борку-я, деб шубҳаланарди. Лекин у янглишарди: Леоннинг ҳеч қанақа ишқий саргузашти йўқ эди. У илгари ҳеч қачон шунчалик парижон бўлмаган. Лефрансуа хоним, бу ҳақда унинг тарелкасида энди қанча овқат қолиб кетаётганидан ўзинча хулоса чиқарарди. Бу ерда бирор сир борлигини билиб беришини сўраб солиқ инспекторига мурожаат қилган эди. Бине унга «Полицияда ишламайман», — деб совуқ жавоб берди.

Аммо Бинеда ҳам ҳамтовоғи жуда ғалати таъсир қолдирмоқда эди — Леон кўпинча курсининг суянчигига ясланиб, қўлларини кериб, пардали ибораларда турмушдан нолирди.

— Сиз бирор иш билан шуғулланишингиз керак, — дерди солиқ инспектори.

— Масалан?

— Мен сизнинг ўрнингизда бўлсам токарлик станогига сотиб олардим!

— Мен чархлашни билмайман-ку!

— Ҳа, бу тўғри! — нафратланиб ва ўз-ўзидан мағрурланиб соқолини силаб, маъқулларди Бине.

Жавобсиз муҳаббат Леонни толиқтирарди, руҳий ҳорғинликка яна бир бемақсад, беҳаловат яшашнинг натижаси бўлган умидсизлик қўшилди. Ионвиль ва унда яшовчилар Леоннинг кўнглига шу қадар урдикки, у ҳатто баъзи бир танишлари, баъзи бир уйларни ҳам кўргиси келмасди. Фармацевтни бўлса, унинг барча меҳрибончиликларига қарамай кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ. Лекин шароитни ўзгартириш уни қизиқтирибгина қўймай, қўрқитарди ҳам.

Шуни қайд қилиш керакки, қўрқув ўрнини жуда тез тоқатсизлик эгаллади; Париж уни узоқдан, ўзининг бал, маскарадлардаги музыкалари, нозанинларнинг қаҳқаҳалари билан ўзига тортарди. Ахир юридик факультетни барибир битириши зарур-ку, шундай бўлгандан кейин, нима учун кета қолмайди? Ким унга халақит берипти? Шундай қилиб, у хаёлан жўнашга ҳозирланди. Элбурутданоқ машғулотлар планини ўйлаб қўйди. Ўз хонасини қандай жиҳозлаш тўғрисида бир қарорга келди. У артистларга хос ҳаёт кечиради! Гитара чалишни ўрганади! Халат олади, бошига басклар киядиган берет, ичи ҳаво ранг бахмал туфли кияди! У камин тепасига иккита рапирани¹ чиллак қилиб қўйиб, уларнинг устига гитара ва бош суягини осиб қўйишини тасаввур қиларди.

Энг катта қийинчилик онанинг розилигини олишда қолган эди, лекин аслини суриштирганда, бу энг олижаноб қадам эмасми? Ҳатто бошлиқнинг ўзи унга бошқа конторага ўтишини, унинг иш фаолияти кенг қанот ёзадиган жой топишни маслаҳат берган. Аввал Леон масалани муросасизлик билан ҳал қилишга киришди, Руанда нотариуснинг кичик ёрдамчиси ўрнини қидира бошлади, лекин тополмади, шундан кейингина онасига узундан-узоқ хат ёзиб, нима учун бетўхтов Парижга жўнаши зарурлигини батафсил баён қилди. Онаси рози бўлди.

Леон шошилмасди. Бир ой мобайнида Ивер ҳар куни унга Ионвилдан Руанга, Руандан Ионвилга сандиқ, чамадон, тугунлар ташиди, лекин кийим-кечагини кўпайтириб, учта креслосининг устига янгидан мато қоплатиб, бир талай шарф сотиб олди, хуллас, у шундай тайёргарлик кўрдикки, ер куррасини айланиш учун саёҳатга чиқадиган одам ҳам шунчалик тайёргарлик кўрмайди, лекин жўнашни у пайсалга солаверди. Бу ҳол то онасидан хат келганча давом этди. Хатда онаси Леоннинг таътил бошлангунча имтиҳонлардан қутулиб олмоқчилигини эслатиб, уни йўлга шошилтирарди.

Айрилиқ соати келганда Оме хоним йиғлаб юборди, Жюстен ҳам ҳўнграб-ҳўнграб йиғлади, фақат жаноб

¹ Р а п и р а — қилнчбоэлик машқида қўлланиладиган учи қиррали қурол.

Оме. иродали одам бўлгани учун ўзини тутди, фақат у ўз дўстининг пальтосини, Леонни ўз экипажида Руангача олиб бориб қўйишга ваъда қилган нотариуснинг эшигигача олиб бориш нияти борлигини изҳор қилди. Леоннинг вақти жуда ҳам зиқ эди, фақат жаноб Бовари билан хайрлашишга етарли вақти бор эди, холос.

Зинадан у шу қадар тезлик билан чолиб чиқдики, ҳаллослаб кетиб, бир оз тўхташга мажбур бўлди. У кириши билан Бовари хоним ўрнидан турди.

— Мен яна келдим!— деди Леон.

— Билувдим!

Эмма лабларини тишлади, юзига қон югурди, қулогининг учигача қизариб кетди. У елкаси билан деразага суянганча турарди.

— Эрингиз уйда йўқмилар?— сўради Леон.

— Йўқ,— яна такрорлаб,— йўқ!— деди.

Орага жимлик чўкди. Улар бир-бирларига тикилишди, бир хил алам-ҳасрат билан сугорилган фикрлар, бир-бирига интилган икки қалб сингари яқин бўлиб қолганди.

— Бертани битта ўпмоқчийдим,— деди Леон.

Эмма бир неча пиллапоя пастга тушиб, Фелиситени чақирди.

Леон деворлар, этажерка, каминни кўздан кечирарди, гўё иложи бўлса, ҳамма-ҳаммасини бағрига босиб, ўзи билан олиб кетмоқчидай эди.

Эмма қайтиб кирди, хизматчи қиз бўлса Бертани олиб келди. Қизча қўлидаги ўйинчоқ ел тегирмонини тўнкариб, боғланган ипидан тортиб ўйнади.

Леон Бертанинг бўйнидан бир неча марта ўпди.

— Яхши қол, жонгинам! Яхши қол, азизим, жажжигинам, хайр!

Кейин уни онасига тутди.

— Опкетинг,— деди Эмма хизматчи қизга.

Улар ёлғиз қолишди.

Бовари хоним Леонга орқасини ўгириб, дераза ойнасига юзини ёпиштириб турди, Леон аста-аста фуражкаси билан оёғига уриб-уриб қўярди.

— Ёмғир ёгади,— деди Эмма.

— Плашим бор,— деди Леон.

— Э!

Эмма унга ўгирилди. У бошини қуйи солган, ёруғ-

лик унинг мармардек пешанасидан сирғалиб қоши тепасигача тушиб турарди, лекин ҳеч ким ҳозир унинг хаёлида нимани кўраётганини, кўнглидан нималар кечаётганини билмасди.

— Хўп бўлмаса, яхши қолинг!— хўрсиниб гапирди Леон.

Эмма шартта бошини кўтарди:

— Ҳа, ҳа, яхши боринг... Вақт бўлди!

Улар бир-бирлари томон юришди. Леон қўлини чўзди, Эмма иккиланди.

— Келинг, инглизча хайрлашамиз,— деди у кулишга уриниб, кейин қўлини кўтарди.

Леоннинг бармоқлари унинг бармоқларига тегди, шу вақтда гўё у Эмма билан бир тан-бир жон бўлиб кетгандек туюлди унга.

Кейин у панжасини ёзди, кўзлар яна бир бор тўқнашди, шундан кейин Леон чиқиб кетди.

Растага етгандан кейин Леон тўртта яшил дарпардали шу оқ уйчани охирги марта кўздан кечириш учун устун орқасига яшириниб турди. Унинг назарида, хонада дераза орқасидан биров лип этиб ўтгандек бўлди. Бироқ шу вақт дераза парда худди ўзи ечилиб кетгандек бўлди-ю, сурилиб унинг узун қийшиқ бурмалари астагина тўғриланди ва бирдан текисланиб, худди тош девордек қимир этмай қолди. Леон чопганча кетди.

У узоқданоқ йўлда турган бошлигининг кабриолетини кўрди, бўз фартуқ кийган қанақадир одам отнинг жиловини ушлаб турарди. Жаноб Гильомен Оме билан гаплашиб турарди. Улар Леонни кутишмоқда эди.

— Келинг, қучоқлашайлик,— деди кўзига ёш олиб дорихоначи.— Мана, пальтонгиз, қадрдон дўстим. Эҳтиёт бўлинг, шамоллаб қолманг! Бепарво бўлманг! Узингизни эҳтиёт қилинг!

— Қани, Леон, ўтиринг,— деди нотариус.

Оме кабриолетнинг қанотидан энгашиб, йиғи бўғиб турган товуш билан ғамгин деди:

— Яхши боринг!

— Саломат бўлинг,— деди жаноб Гильомен,— кетдик!

Улар жўнашди. Оме орқасига қайтди.

Бовари хоним боққа қараган деразани очди ва

осмонга қаради. Ғарбда, Руан томонда йиғилган қора булутлар жуда тезлик билан тарқалмоқда, қуёшнинг узун тиги худди олтин найзадек уларни санчиб ўтар, самонинг булутлардан тоза қисми чинни каби оппоқ товланарди. Тўсатдан кўтарилган шамол терак шохларини эгди ва ёмғир қуйиб юборди, унинг томчилари яшил барг устида шитирлади. Кейин яна қуёш чиқди, хўрозлар қичқирди, ҳўл буталарда чумчуқлар қанотларини қоқишди, қум устида акациянинг пушти баргларини оқизиб ариқчалар жилдиради.

«Леон энди анча узоқда бўлса керак!» — деб ўйлади Өмма.

Соат етти яримда, овқат маҳалда, ҳамма вақтагидек жаноб Оме келди.

— Мана, йигитчамизни ҳам жўнатдик, а? — деди у ўтира туриб.

— Ҳа, шунақага ўхшайди! — жавоб берди врач ва жаноб Омега ўгирилиб: — Сизда қанақа янгиликлар бор? — деб сўради.

— Айтарли ҳеч гап йўқ. Фақат хотиним бугун жуда хафа бўлди. Эй, бу хотинларнинг нимасини айтасиз, арзимаган гап уларнинг кўнглини бузади! Хотинимни бўлса асти қўяверинг! Энди, мен сизга айтсам, бунинг иложи ҳам йўқ, хотинларнинг асаб системалари бизникидан анча нозик бўлади.

— Бояқиш Леон! — гап қўшди Шарль. — Парижда аҳволи нима кечаркин? Туриб қола олармикая у ерда? Бовари хоним хўрсиниб қўйди.

— Қўйсангиз-чи! — деди фармацевт ва тилини тақиллатди, — Ресторанларда улфатчилик! Маскарадлар! Шампанское! Менга ишонаверинг. Ҳаммаси худди мой суртилгандек силлиқ бўп кетади!

— Унинг йўлдан озишига кўзим етмайди, — эътироз билдирди Шарль.

— Менинг ҳам! — қизишиб жавоб берди жаноб Оме. — Лекин бошқалардан орқада қолиш мумкин эмас, у ҳолда мунофиқ деб ном чиқаради. Анави латин кварталндаги бебош актрисалар билан қанақанги номаъқулчиликлар қилишадими, бу сизнинг етти ухлаб тушингизга кирмаган! Аммо Парижда студентларга ниҳоятда яхши қарашади. Ушалардан киборларни нима билан бўлса ҳам кўнглини оча биладиганлари

внг яхши хонадонларга қабул қилинган. Ҳаттоки, уларга Сен-Жермен атрофидаги аёллар хуштор ҳам бўлишади, кейин улар омадлари ўнгидан келиб уйланиб ҳам олишади.

— Аммо мен қўрқаман...— деди доктор,— қўрқаманки, у ерда...

— Тўғри айтасиз,— сўзини бўлди фармацевт,— бу гапнинг бошқа томони. У ерда ҳамёни жудаям эҳтиёт қилиш керак. Айтайлик, масалан, сиз кўнгил очадиган боғда ўйнаб юрибсиз, қанақадир одам пайдо бўлади, яхши кийинган, ҳатто ордени ҳам бор, кўринишидан дипломат, олдингизга келиб сизни гапга солади, пинжингизга киради, тамакидонини тутади, шляпангизни кўтаради. Сиз у билан дўстлашиб олдингиз, у сизни қаҳвахонага олиб боради, мулкига таклиф қилади, бир стакан шароб устида сизни ҳар хил одамлар билан таништиради ва шу ишларнинг юзтадан етмиш бештаси сизнинг ҳамёнингизни тортиб олиш учун ёки бўлмаса бирорта қиморхонага сизни тортиш учун қилинади.

— Бу тўғри,— қўшилди Шарль.— Лекин мен ҳар хил касалликларни назарда тутиб гапиргандим, масалан, ич терламаси, кўпроқ вилоятлардан келган студентлар шу касал билан оғришади.

Эмма бир чўчиб тушди.

— Ўрганилган тартибнинг ўзгариши натижасида,— гапни илиб кетди фармацевт,— ҳаяжонланиш натижасида — бу эса организмни ишдан чиқаради. Кейин биласизми, нима, Парижнинг суви! Ресторан овқатлари! Мана шу аччиқ таомлар бора-бора қонга таъсир қилади. Ҳарқалай, қайнатма шўрвага нима етсин! Мен шахсан фақат хонадон таомини ҳамма вақт ҳамма нарсдан юқори қўяман — бу саломатликнинг гаровидир! Шунинг учун мен Руанда фармацевтикани ўрганаётганимда, пансионда профессорлар билан бирга овқатланардим.

Дорихоначи умумий характердаги нарсалар хусусида муҳокама юритди ва ўзининг дидига ёққан нарсалар ҳақида гап сотиб ўтирди. Жюстен келиб, гогол-моголь¹ қиладиган вақт бўлди, дегандагина ўрнидан турди.

¹ Тухумнинг саригини шакар билан аралаштириб тайёрланади.

— Бир минут ҳам тинчлик йўқ! — деди дорихоначи. — Доим оёғингда кишан! Бир дақиқа ҳам нарироқ кетолмайсан! Оғзингдан тилинг осилгунча эшакдек ишлайсан! Бу қашшоқлик бўйинтуруғи!

Остонага борганда фармацевт ўгирилиб сўради:

— Янгиликдан хабарларинг борми?

— Қанақа янгилик?

— Ажаб эмаски, — қошларини кўтариб, юзига маънодор тус бериб деди Оме, — бу йил Қуйи Сена қишлоқ хўжалик кўрғазмаси Ионвиль д'Аббейда очилса. Ҳар қалай мана шунақа мишмишлар юрибди. Бу ҳақда бугунги газета ҳам шама қилган. Бизнинг округ учун бу жуда катта аҳамиятга эга! Ҳали бу ҳақда яна гаплашамиз. Безовта бўлманг, кўзим яхши кўради, Жюстенда фокус бор.

VII

Эртасига Эмма учун оғир кун бўлди. Назарида, унинг бутун атрофига гўё қора ўргимчак уя солиб ташлагандек ва бу гира-шпра тўрлар нарсалар устида элас-элас силкиниб тургандек... доғи ҳасрат гўё бўм-бўш қаср ичида мунгли гувиллаган қишқи шамол каби унинг қалбига ҳамон чуқурроқ чўкиб бормоқда эди. Бу — энди қайтариб бўлмайдиган ўй-хаёллар, бу киши бир ишни қилиб бўлгандан сўнг аъзойи баданини қақшатадиган ҳорғинлик ва ниҳоят одатга айланиб қолган руҳий кўтаринкиликнинг тўхташи, узоқ чўзилган руҳий кучайишнинг заифлашиши билан вужудга келадиган алам эди.

Вобъесардан қайтган кунларида унинг боши кадрил¹ гирдобида айланган кунлардагидек, у оғир хафақонликка, қайғули умидсизликка тушди. Леон унинг тасавурида ҳамма вақтдагидан ҳам энди келишганроқ, гўзалроқ, жозибалироқ, сеҳрлироқ кўринарди. Эмма билан жудолашгану уни тарк этиб кетмаган, у шу ерда, унинг деворлари гўё унинг соясини қўриқлайдилар. Эмма у босган гиламдан, у ўтирган стулдан кўз узолмасди. Дарё сирпанчиқ қирғоқлар бўйлаб

¹ Қадимий рақсларнинг бир тури.

аста мавжланиб, қадимгидек шошмасдан оқиб ўтмоқда... Улар иккиси кўпинча бу ерларда, пўпанак босган тошлар устида тўлқинларнинг тинимсиз шовиллашига қулоқ солиб сайр этишарди. О, қуёш ўшанда нақадар ёрқин нур сочарди! Тушки жазирамадан қочиб, боғнинг энг салқин ерларида биқиниб ўтиришни улар нақадар севишарди! У оёқлари эскиб қолган скамейкада бош яланг ўтирар ва овозини чиқариб ўқирди. Яйловдан эсган салқин шабада китоб саҳифаларини ва шийпон атрофидаги қизил-сарик гулларни ҳилпиратар эди... Мана энди у кетди, ҳаётнинг бирдан-бир қувончи, бахтнинг бирдан-бир умиди кетди! Ўзи учиб келган бахт қуштини у қандай қилиб қўлдан чиқарди? Нега у учиб кетмоқчи бўлганда унинг олдида тиз чўкиб, икки қўллаб уни : ёпишмади? Ўшанда Леонга севгисини изҳор этмагандан ўзини койирди, энди унинг битта бўсасига ташна. Энди у Леоннинг орқасидан қувиб, оёғи тагига ўзини отиб: «Мана, мен сеники бўламан!» — деб айтгиси келди. Лекин йўлида учрайдиган тўсиқлар уни қўрқитар ва алам умид-орзуга қўшилиб уни баттарроқ қийнар эди.

Ушандан бошлаб Леон унинг азобларининг манбаи бўлиб қолди. Унинг кўксигадаги изтироб ялангаси, са-ёҳатчиларнинг қорли рус даштларида ёққан гулханларидан ёруғроқ ёнарди. Эмма ўтга ўзини урар, унинг олдида исинар, сўниб бораётган чўғни эҳтиёт билан ковлар, яна нима ташласам экан, деб ҳамма ёқни ахтарар эди. Энг узоқ хотиралар, яқиндагина содир бўлган ҳодисалар, ўз бошидан кечирган ва тасаввур қилган, чил-чил бўлган орзулар, бахт ҳақидаги ўйлар, қуруқ шохлардек шамолда қарсиллаб синган орзулар, ҳеч кимга даркор бўлмаган унинг юксак ахлоқи, унинг қондирилмаган истаклари, оила машмашалари — ҳамма-ҳаммасини йиғиб, ўтга ташласа, булар унинг ғам-ғуссасини ёқишга ярайдиган нарсалар эди.

Лекин шунга қарамай ўт сўнди. Эҳтимол, ёқилғи етмагандир ёки аксинча, Эмма бирдан жуда кўп ёқилғи солиб юборгандир. Ҳижрон аста-секин, севги ўтини ўчирди, одат аламини пасайтирди, Эмманнинг булутли осмонини яллиғлатган ёнғин шуъласи кун сайин пасайиб, сўнг бутунлай сўнди. Эмманнинг туманлашган онги, севган кишисига майли — эрига бўлган

нафратдан, меҳр-муҳаббатининг бирдан ўт олиб кетиши қаҳру ғазабдан, деб тахмин этарди. Лекин бўрон тўхтамади, эҳтирос бўлса таг-туғи билан ёниб тамом бўлди, ҳеч ердан нажот келмасди, қуёшнинг нури ёриб ўтолмай қолмади, уни бутун атрофдан зим-зиё тун қоплади, унинг борлиғи суякларигача зирқиратиб ўтган қаттиқ совуқдан музлади.

Тостда кечирган қайғули ҳаёт у учун бошқатдан бошланди. Бироқ энди ўзини ундан ҳам бахти қаро ҳисобларди, негаки, энди у ҳам оғусини татиб кўрди ва унинг муқаррар эканлигига ишонч ҳосил қилди.

Мана шунингдек оғир қурбонлар берган аёл ўзининг баъзи инжиқликларига эрк берса бўлади. Эмма готик скамейкаси сотиб олди, тирноғини ялтиратиш учун бир ойнинг ўзида ўн тўрт франкка лимон харид қилди, Руандан ҳаво ранг кашмири кўйлак олиб келтирди, Лередан энг чиройли шарф танлаб олди, у билан белини боғлаб, шу кийимларда эшик-эликни бекитиб, қўлида китоб билан диванда ётарди.

Энди у тез-тез сочини бошқача турмаклаб турарди: гоҳо хитойчасига турмаклар, гоҳо қўнғироқ кокиллариини ёйиб ташларди, гоҳо сочларини ўрдираб, кейин фарқини қийшиқ очиб, орқасига қайтариб қўяр, худди эркакчасига соч тарарди.

У итальян тилини ўрганишни истаб қолди; луғат олди, грамматика, қоғозлар сотиб олди. Тарих ва фалсафага доир китоблар ўқиб кўрди. Шарль баъзан тунда уйғониб кетиб: — Ҳозир бораман! — деб гудирларди. Назарида, уни бемор кўришга чақираётгандек эди.

Аммо бу Эмма бўларди, у кечалари чироқ ёқар, гугурт чақар эди. Лекин китобларга ҳам ўша кашталарнинг кунини келди: бутун жавон чала-ярим кашталар билан тўлиб ётар, худди ўшанга ўхшаб Эмма битта китобни тугатмасдан, иккинчисини бошлар, уни ҳам тезда ташлар эди.

Вақт-вақти билан Эмма шу қадар зўр ҳаяжонга келардики, бундай вақтларда унинг ҳар қанақа гайри табиий қилиқларни бажаришга кўндириш мумкин эди: бир кун эри билан ярим стакан ароқни бир кўтаришда ичишга гаров ўйнади, Шарль аҳмоқлик қилиб, уни ўчакиштирганни учун, гаровни бой бермаслик учун тагигача ичиб юборди.

Ионвиль аёлларининг таъбири бўйича, ғалати қилири бор ҳисобланган Эмма, аслида унчалик шўх ва хушчақчақ кўринмасди. Унинг лабларининг четлари худди қари қизникидек ёки омади келмаган шухрат-парастникидек доим сўлжайиб турар эди. Унинг ҳеч ранги чиқмасди, бурнини жийириб, атрофга лоқайд қарар эди. Чаккасида уч тола оқ сочини кўриб, қарий башлаганидан гапирарди.

Кундан-кун дармонсизланаверди. Бир кун ҳатто оғзидан қон ҳам келди. Шарль ташвишга тушди, нима қиларини билмай қолди.

— Қўйсанг-чи, барибир эмасми?— деди Эмма шунда.

Шарль кабинетига қамалиб олди, креслога ўтирди-да, устида френологик калла турган ёзув столига бошини қўйиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлади.

У онасини чақиртирди, улар Эмма ҳақида узоқ суҳбатлашишди.

Нима қилиш керак? Ҳар қанақа даволашдан бош тортаверса, нима чора излаш мумкин?

— Биласанми, бунақа хотин билан қандай муомага қилиш керак?— дерди катта Бовари хоним.— Уни ишга ўргатиш керак, билдингми, қўл ишига! Бошқаларга ўхшаб бир бурда нон учун ишлашга тўғри келгандайди, соппа-соғайиб кетарди. Бу ҳаммаси унинг мияси бошқа нарсалар билан банд бўлганидан, ҳа, бекорчиликдан!

— У ҳар ҳолда у-бу иш билан шуғулланади-ку,— эътироз билдирди Шарль.

— Шуғулланармиш! Нима билан? Романлар ўқийди, қаёқдаги динга қарши бўлган зарарли китобларни ўқийди, ҳа, китобларни ёзганлар Вольтерга тақлид қилиб диндорларни масхара қилишади. Бундан фойда кутма, бечора болагинам! Кимки худога ишонмайди-ми, унинг охири вой!

Хулласи калом, Эммага романлар ўқишга йўл қўймасликка қарор қилинди. Бу осон гап эмасди, албатта. Шунга қарамай, катта Бовари хоним бу вазифани ўз зиммасига олди, у кета туриб Руанга тушишга, кутубхона эгасига Эмма абонементдан воз кечди, деб айтишга ваъда қилди. Агар кутубхона эгаси, у заҳарли илон у-бу деб хиралик қиладиган

бўлса, полицияга билдириб адабини бериб қўйиш қийин бўптими?

Қайнана-келин совуққина хайрлашишди. Овқат маҳалидаги оддий савол-жавоблар ва «хайрли кеч»ни мустасно қилганда, уч ҳафта бирга туриб иккаласи бир-бирига икки оғиз сўз ҳам қотишгани йўқ.

Катта Бовари хоним чоршанба кунини кетди, шу кун Ионвилда бозор кунини эди.

Эрталабдан бошлаб ҳовлиларнинг олдидаги майдонда черковдан то қовоқхонагача лайлак қилиб қўйилган аравалар қаторлашиб кетди. Қарама-қарши томонда брезент чодирларда газламалар, адёллар, жун найпоқлар, нўхталар, учини бир қилиб боғланган кук ленталар билан савдо қилишарди, ленталарнинг учи шамолда ҳилпирарди. Териб қўйилган тухумлар ва ёпишиб тохоли чиқиб турган саватлардаги пишмоқлар орасида шундоққина ерга оғир темир-терсак моллар тўкиб қўйилган, қишлоқ хўжалик қуроллари ёнида пастак катакларнинг чўплари орасидан бошларини чиқариб товуқлар қақалашарди. Одамлар бир жойга тўдаланиб олишган, ҳар замонда улар шундай тиқилишиб келардики, дорихона витринаси чилпарчин бўлиб кетаёзарди. Чоршанба кунлари ҳамма вақт бу ерда тиқилинч бўларди, одамлар дорихонага дори олиш учунгина эмас, жаноб Омедан маслаҳат олиш учун тиқилишиб киришарди, шу атрофдаги ерларга шунчалик донғи кетган одам эди жаноб Оме. У уз-ўзига шу қадар қаттиқ ишонардикки, бу ҳамқишлоқларининг кўнглини олиб қўйган эди. Бундан ортиқ врачини улар тасаввур ҳам қилиша олмасди.

Эмма деразага тирсагини қўйиб ўтирарди (бу ернинг энг яхши кўрган жойи, вилоят шаҳарларида дераза театр ва сайр-томошанинг ўрнини босади) ва эрикканидан бир тўда бўлиб турган эркак зотига қараб ўтирганда, тўсатдан унинг диққатини яшия бахмал сюртук кийган жаноб ўзига тортди. У қўлига серҳашам, сариқ қўлқоп кийган, лекин оёғидаги этиги дағал қўнжли эди. У докторнинг уйи томон келмоқда, орқасидан бошини қуйи солиб, ҳаёлчан бир деҳқон эргашган эди.

— Хўжайин уйдаими? — сўради нотаниш, остонада Фелисите билан ҳангамалашиб турган Жюстендан.

Ҳамон Жюстенни докторнинг хизматкори ҳисоблаб:
— Айтинг, у кишини жаноб Родольф Буланже де
ла Юшет сўраяпти денг,— қўшиб қўйди у.

Янги келган киши ўзининг исмига географик пункт-
нинг номини маҳаллий ватанпарварлик юзасидан
эмас, билъакс ўзининг кимлигини дарҳол билдириш
учун қўшиб айтди. Ионвилга яқин ерда ҳақиқатан
Ла Юшет деган мулк бор ва жаноб Родольф ўша
боённинг қўрғони ва иккита фермаси билан қўшиб
сотиб олган, ер-мулк ишларини ўзи бошқарар, лекин
тўқ яшарди. Бу бўйдоқнинг «ҳеч бўлмаганда ўн
беш минглик даромади бор» дейишарди.

Шарль залга кирди. Жаноб Буланже, мана шу
хизматкори қон олдирмоқчи эканини, унингча, гўё
«бадани жимиллашиб туришини» айтди.

— Мен қон олдирсам енгил тортаман,— деди
деҳқон бунга жавобан.

Бовари бинт келтиришни буюрди, Жюстендан эса
тогорани ушлаб туришини сўради. Деҳқоннинг ранги
ўчиб кетганини кўриб:

— Қўрқма, дўстим, қўрқма!— деб далда берди.

— Ҳеч гапмас,— жавоб берди у,— бошлайверинг!

У юрак ютиб Шарлга бақувват қўлини чўзди.
Ланцент тагидан қон тирқираб, чиқиб дераза ойнала-
рига сачради.

— Тогорани яқинроқ тут!— бақирди Шарль.

— Қаранг-а!— деди деҳқон,— худди фавворапинг
ўзи-я! Қип-қизил-а, жонивор! Бу яхши-а, доктор?

— Баъзи бир одамлар олдин ўзларини яхши ҳис
қилишади, кейин бирдан ҳушларидан кетишади,—
деди доктор.— Бу айниқса, мана бунга ўхшаган бақув-
ват одамларда кўп учрайди.

Қишлоқдан келган одам бу сўзларни эшитиб, боя-
дан бери қўлида айлангириб ўтирган ланцентнинг ги-
лофини тушириб юборди. Унинг елкаси шундай томир
тортишдики, ўтирган стули гижирлаб кетди. Шапкаси
ерга тушди.

— Ўзим ҳам билувдим,— деди венани бармоғи
билан қисиб Бовари.

Жюстеннинг қўлидаги тогора чайқалиб кетди,
тиззасида мадор қолмади, ранги қув ўчди.

— Хотин! Ҳой, хотин!— деб чақирди Шарль.

Эмма зинадан чопиб тушди.

— Сирка! — деди у. — Эй худо, бирамас, иккита бўлишди!

Шарль ҳаяжонидан ярани зўрға боғлади.

— Ҳеч гапмас! — деди жаноб Буланже хотиржамлик билан Жюстенни суяб.

У Жюстенни столга ўтқазиб, орқасини деворга суяб қўйди.

Бовари хоним Жюстеннинг галстугини еча бошлади. Кўйлагининг боғичи томоғида тугун қилиб боғланган эди. Эмманинг ингичка бармоқлари уларни анчагача ечолмай турди. Кейин ўзининг батист дастрўмолчасини сиркага ботириб, унинг чаккаларини секингина ишқай бошлади ва аста-аста пуфлаб турди.

Отбоқар ўзига келди. Жюстен ҳамон ўзига келмасди. Унинг хираланган кўз оқига ботиб кетган қорачиғлари сут ичидаги ҳаво ранг гулни эслатарди.

— Мана буни унинг кўзидан йўқотиш керак, — деди Шарль.

Бовари хоним тоғорани олди. Уни столнинг тагига итариб қўйиш учун чўкка тушди ва унинг (бел бурмаси узун, паст томони кенг, тўрт қўш этакли) ёзлик сариқ кўйлагини пол плиткаларини бекитди. У энгашиб, тирсакларини кериб сал гандираклаб кетди, қоматининг тебранишидан пуфакланган кўйлагининг баъзи жойлари пасайди. Кейин у сув солинган графинни олиб, ичига бир неча чақмоқ қанд ташлади, лекин шу вақт фармацевт келиб қолди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб турганда хизматчи аёл уни чақириб келганди. Жиянининг кўзи очиқлигини кўриб кўнгли жойига тушди. Кейин унинг атрофидан бир айланиб чиқиб, уни бошдан-оёқ кўздан кечирди.

— Аҳмоқ! — дерди у. — Аҳмоқнинг ўзгинаси! Миясини еб қўйган аҳмоқ! Ота гўри — қозихона бўлганими флеботомия! Тагин бу ботир йигит эмиш! Айтсам ишонмасизлар, бу худди олмахоннинг ўзгинаси, ёнғоқ учун дарахтнинг учига чиқади, қарасангиз бошингиз айланиб кетади. Қани бир мақтаниб қўй! Қани сенинг порлоқ ниятларинг? Ахир сен фармацевт бўлмоқчисан-а! Бордию, бирорта галати, бир чалкаш ишни ҳал қилиш учун сени судга чақирадилар, шунда сен вазмин бўлиб туришинг, мулоҳаза қилишинг, ўзингни чинакам эркакдек тута билишинг керак, бўлмаса сени овсарга чиқариб қўядилар!

Шогирд чурқ этиб оғиз очмади.

— Ким сени бу ерга чақирди? — давом этди дорихоначи. — Ҳар доим доктор билан унинг рафиқасининг жонига теккани теккан! Биласанки, айниқса чоршаиба кунлари сенинг ёрдамнинг менга жуда ҳам зарур. Ҳозир дорихонада йигирматача одам бор. Мен бўлсам сенга ачиниб, уларни ташлаб келдим. Қани жўна! Мени кутиб тур, шишаларга эҳтиёт бўл!

Жюстен у ёқ-бу ёғини тузатиб чиқиб кетди. Шундан кейин гап кўнгил озиш ҳақида кетди. Бовари хоним ҳеч қачон ҳушидан кетган эмасди.

— Аёллар учун бу камдан-кам учрайдиган ҳол! — деди жаноб Буланже. — Ахир дунёда жуда ҳам беқувват одамлар бор. Кўзимнинг олдида бир секундани тўппонча ўқлаётган вақтда ҳушидан кетиб қолган эди.

— Мени бўлса бегона одамнинг қони ҳечам чўчитмайди, — деди дорихоначи. — Аммо лекин ўзимнинг у ер-бу еримдан қон оқаётганини кўз олдимга келтирсаму, шу нарсани узоқроқ ўйласам бўлди — ҳушимдан кетишим ҳеч гап эмас.

Бу орада жаноб Буланже ўз хизматкорини жўнатиб юборди, — кўнглинг ўрнига тушган бўлса, энди тинчлангину, жўнайвер, — деди.

— Шуниси яхши бўлдики, шу бемаъни инжиқлик туфайли мен сиз билан танишишга муяссар бўлдим, — қўшиб қўйди у Эммага қараб.

Кейин столнинг бир чеккасига уч франк қўйди-да, бепарвогина бош ирғаб чиқиб кетди.

Озгина вақт ҳам ўтмай, у дарёнинг нариги ёғига ўтиб олди (Ла Юшетнинг йўли нариги қирғоқ ёқалаб кетарди). Эмма унинг ўтлоқда тераклар тагидан кетаётганини, баъзан хаёл суриб қадамини секинлаштирганини кўрди.

— Жуда ёқимтой! — дерди ўз-ўзига Родольф, — жуда ҳам ёқимтой бу докторнинг хотинчаси! Тишлари чиройли, кўзлари қора, оёқчаси келишган, қилиқлари бўлса худди Париж аёлининг ўзгинаси. Худо ҳаққи, у қаердан келган экан, а? Қаердан плинтира қолдиёкан анави лапашанг уни?

Родольф Буланже ўттиз тўрт ёшга тўлган. Бу қўпол ва зийрак одамнинг ўтмиши саргузаштлар билан тўла, хотинларни ҳам яхши биларди. Бовари хоним

унга ёқиб қолди. Энди Бовари хоним ва унинг эри ҳақида ўйларди.

«Менимча, эри жуда ҳам аҳмоқ... хотини уни ёқтирмаса керак. Тирноқлари кир, уч кунлаб соқолини олмаганга ўхшайди. Беморларини кўриб қайтгунча, хотини унинг пайпоқларини ямаб ўтиради. Жуда ҳам зерикса керак. Шаҳарда яшагиси, ҳар оқшом полькага ўйнагиси келади. Боёқиш қизгина! У муҳаббатсиз худди ошхона столида сувсиз оғзини каппа-каппа очаётган балиққа ўхшайди. Икки-уч марта хушомад қилсангиз, бас, у сизни жон-дилидан севади қолади, мен бунга кафилман! У сизга ишвалар қилади! Ажойиб, дилбар жувон! Ҳа, хўш, кейин-чи? Кейин ундан қандай қилиб қутулса бўлади?»

Родольф Эмманнинг унга бахш эта оладиган ҳузур-ҳаловатни кўз олдига келтираркан, унга қарама-қарши ўзининг ўйнашини эслади. Руан актрисаси унинг ўйнаши эди. Мана энди, унинг сиймоси бирров кўз олдига келиши билан у қанчалик кўнглига тегиб кетганини сизди.

«Йўқ, Бовари хоним ундан анча чиройли! — деб ўйлади у. — Энг муҳими — янги! Виржини жуда семир-риб кетди-да. Унинг завқи ҳам кўнглимга тегди. Кейин унинг қисқичбақага ўчлиги!»

Атроф жимжит, ҳеч зог йўқ, Родольф фақат оёқларига урилаётган ўтларнинг шитирлашини, сулизор-да чигирткаларнинг чириллашини эшитарди, холос. Эмма худди залда турганича, ўша кийимида кўз олдига келди, Родольф уни ўз хаёлида ечинтира бошлади.

«У меники бўлади!» — таёқ билан кесакни бир уриб майдалаб деди Родольф.

Шу заҳоти бу ишни қандай қилиб бошлаш ҳақида ўйлай бошлади.

«Биз у билан қаерда учрашамиз? — савол берди ўз-ўзига. — Қанақа қилиб? Қизини қўлидан қўймаса керак, тагин анов хизматчи қизи, қўшнилари, эри, эй, галвадан бошинг чиқмайди».

— Фақат бекорга вақт кетказасан! — деди у овози-ни чиқариб.

Кейин тагин эслай бошлади.

«Унинг кўзлари худди иккита пармачага ўхшайди, тўғри юрагинга бориб қадалади. Рангпарлигини айт-

майсанми!.. Рангпар хотинларни жони дилимдан севаман!»

Аргейль тепалигининг чўққисида унинг қарори пишди.

«Қулай бир пайтни кутиш керак, вассалом. Нима бўпти, уларникига бориб тураман, қуш гўшти, паррандалар юбораман. Баҳона керак бўлса, ҳатто мендан қон олишини ҳам сўрайман. Дўстлашиб оламан, уйимга таклиф қиламан...»

— Эй хомкалла! — деди у ўзига ўзи, — ахир яқинда кўргазма очилади-ку. Мен уни ўша ерда кўраман. Шундан бошлаймиз. Энг муҳими — қайтмаслик, шунда ютуқ қўлга киради!

VIII

Ёмонотлиқ, машҳур кўргазма ҳам очилди! Эрталаб аҳоли ўз ҳовлилари олдида туриб бу тантанага қандай тайёргарлик кўрилаётгани ҳақида гурунглашишарди. Шаҳар маъмурияти биносининг пештоқлари кўм-кўк чирмовиқ ўсимлиги билан безатилганди. Ўтлоқда махсус зиёфат учун чодир тикишди, майдоннинг қоқ ўртасида, черков олдида бўлса жаноб префектнинг¹ шаҳарга кириб келганда ва ер эгалари, лауреатларнинг исми шарифи эълон қилинганда мушак отиш учун тўп қўйилганди. Бюшидан миллий гвардия отряди келди (Ионвилда ўз гвардияси йўқ эди) ва у Бине командаси остидаги ўт ўчириш дружинасига қўшилди. Байрам муносабати билан Бине ғалати тик ёқа тақиб олганди. Унинг мундир сиқиб турган қадди қомати тикка ва беҳаракат эдики, гўё танасидаги ҳаётний куч бир маромда, эгилмай шахдам қадам ташлаётган оёқларига оқиб тушаётгандек эди. Солиқ инспектори ва гвардия полковниги қачон кўрсанг бир-бири билан рақобатлашиб юришарди, шунинг учун ҳам энди бир-бирларидан қолишмасликка ҳаракат қилиб, ҳар ким ўзига ишониб топширилган отряд билан юриш машгулотини ўтказмоқда эдилар. Майдон бўйлаб

¹ П р е ф е к т — Францияда вилоятлардаги юқори ҳукумат амалдори.

ҳали қизил погонликлар, ҳали қора кўкракпеш кийганлар ўтиб туришарди. Бунинг охири кўринмас, машқ бошқатдан бошланаверар эди. Ионвиль ҳеч қачон бунингдек тантанавор маршни кўрмаган! Шаҳарликлардан баъзилари байрам арафасида уй деворларини оқлашган, қия очиқ деразалардан уч рангли байроқлар осилиб турар, ҳамма қовоқхоналар одамга лиқ тўла эди. Шу кун ҳаво очиқ бўлди. Крахмалланган чепчиклар қордан ҳам оқроқ кўринарди, кичик-кичик тилла бутлар офтобда ярақларди, сюртуклар ва кўк кўйлаklarнинг бир тусдаги қорамтир фонида эса у ербу ерда ранго-ранг дуррачалар кўзга ташланарди. Фермер аёллар аравалардан туша туриб, каттакон тўғнаричларини ечишарди; улар лой сачрамаслиги учун кўйлак этаklarини кўтариб, белларига боғлаб олишган эди. Эрлари шляпаларини аяшарди, шунинг учун йўлда уларни дастрўмоллари билан бекитиб, бир учини тишлаб олишганди.

Одамлар катта кўчага шаҳарнинг икки томонидан йиғилиб келарди. Тор йўллардан, кичкина кўчалардан, ҳовлилардан чиқиб қўшиларди; ҳадеганда қўлига ип қўлқоп кийиб, байрамни томоша қилишга чиққан шу ерлик аёлларнинг орқасидан эшикнинг тарақлаб бекилгани эшитилиб турарди. Бу ерда, саҳнанинг икки ёнида, бошлиқлар туриши керак бўлган жойда, ранго-ранг чироқлар тизилиб ташланган иккита баланд уч бурчакли станок диққатни ўзига тортар эди. Шаҳар маъмуриятининг тўртта колоннаси рўбарўсида тўртта хода ўрнаштирилган, унга олтин ҳарфлар билан ёзилган оч пистоқи ранг байроқлар осилганди. Битта байроққа: — «Савдо-сотиқ», бошқасига — «Деҳқончилик», учинчисига — «Саноат», тўртинчисига — «Нафис санъат» деб ёзилган эди.

Бироқ мана бу ҳаммага шод-хуррамлик бахш этган байрамдан қовоқхона бекаси Лефрансуа хонимнинг таъби тирриқ кўринарди. Ошхона зинапоясида туриб, ўзича мингилларди у:

— Бу қанақа бемаъни иш, қанақа бемаъни иш-а! Брезент қапага бало борми! Демак ҳоким уларга ярмарка ўйинчоғи экан-да, а? Наҳотки, қапада тамадди қилиш унинг кўнглига ёқса? Ўлканинг фойдаси ҳақида оғиз кўпиртиришади-ю, ўзлари нима қилаётганлари номаълум! Ундай бўлса Невшатель ошпазини

чақириш ҳам керакмасди! Ким учун? Чўпонлар учунми? Чувриндилар учунми?

Олдиндан дорихоначи ўтиб қолди. Устида қора фрак, нанка¹ шим, оёғида юзи тескари патли қалин мовутдан ботинка, бу тантанали байрам муносабати билан тепаси паст қилиб тикилган шляпа кийиб олган эди.

— О, саломлар бўлсин! — деди у. — Кечирадилар, хоним, мен жуда шошилиб турибман.

Тўладан келган тул хотин унинг қаерга кетаётганини сўради.

— Нимага ажабланыпсиз? Лабораториямда тухум босиб ўтиравераманми!

— Қанақа тухум? — сўради қовоқхона бекаси.

— Йўғ-ей! — унга тушунтиришга шошилди Оме. — Мен, Лефрансуа хоним, уйдан эшикка чиқмайдиган одамман демоқчиман, лекин бугун шундай кунки, чиқмасликнинг асти иложи йўқ...

— Уша ёққа кетаётибсизми, а? — сўради заҳарханда билан қовоқхона бекаси.

— Бўлмаса-чи, — ҳайрон бўлиб гапирди дорихоначи. — Ахир мен консультатив комиссиянинг аъзоси эканимни билмайсизми?

Лефрансуа хола унга қаради ва илжайиб қўйди.

— Ундай бўлса, бошқа гап! — деди у. — Лекин деҳқончилик ишларига сизнинг қанақа алоқангиз бор! Унда сиз нимани тушунасиз, деяпман-да!

— Тушунганда қандоқ! Ахир мен фармацевтман, бу демак, кимёгарман деган сўз, кимё бўлса, Лефрансуа хоним, барча физик жисмлар молекулаларининг ўзаро таъсирини ўрганади, бундан шу келиб чиқадики, қишлоқ хўжалиги ҳам шу соҳага мансубдир! Дарҳақиқат, ижозатингиз билан сўрайман, ўғитнинг таркиби, суюқликларнинг ферментацияси, газларнинг анализи ва миазмларнинг таъсири — улар ҳаммаси нима, чинакам кимё эмасми?

Қовоқхона бекаси бу гапга жавоб бермади. Оме давом этди: — Сиз, нима, ўзи ер ҳайдаб, ўзи паррандаларни боқадиган одам агроном бўлади, деб ўйлайсизми? Йўқ, бунинг ўзи етмайди, агрономга, энг аввал, унинг ишига бевосита алоқадор бўлган нарса —

¹ Н а н к а — сариқ ипдан тўқилган дағал газлама.

жисмларнинг таркиби маълум бўлиши керак, геологик силжишлар, атмосфера ҳодисалари, тупроқнинг хусусияти, минералларнинг хусусияти, сувнинг сифати, ҳар хил жисмларнинг солиштирма оғирлиги, уларнинг капиллярлиги, эҳе, айтаверсанг охири йўқ! Бошқаларга раҳбарлик қилиш учун у энг аввал гигиена асосларини яхшилаб ўрганиши керак. Қурилиш ишларидан ҳам унча-мунча хабардор бўлиши керак, жониворларни парвариш қилиш, ишчи кучларни овқат билан таъминлаш каби ишларни билиши шарт! Булар ҳали ҳаммаси эмас, Лефрансуа хоним, биласизми, у ботаникани ўрганиши керак, ўсимликларнинг навини аниқлаши, доривор ўсимликларни заҳарлилардан ем-хашакка ярайдиган-ярамайдиганларини ажрата билиши керак, бунда ўсимликларни бу ерда эмас, бошқа ерда экиш кераклигига, бирини кўпайтириб, бошқасини йўқотиб юборишга ақл ишлатиш керак. Хуллас, ишни яхшилаш учун брошюралар, журналлар ўқиши керак, янги ихтироларни кузата бориши, фан янгиликларини билиши керак...

Қовоқхона бекаси «Франция» қаҳвахонасининг эшигидан кўз узмас, фармацевт бўлса, ҳамон муҳокама юргизарди.

— Қани энди, худо ярлақаб бизнинг деҳқонларимиз кимёгар бўлса! Ҳеч бўлмаганда, улар кўпроқ олимларнинг маслаҳатига қулоқ солишса! Мана мен, масалан, яқинда катта асар — етмиш икки ярим саҳифадан иборат китоб ёздим. Сарлавҳаси: «*Сидр, уни ишлаб чиқариш ва унинг таъсирига оид баъзи бир янги фактлар*» деган илмий асар ёзиб, тамом қилдим. Мен уни Руан агрономлар жамиятига юбордим ва унинг деҳқончилик секциясининг помология¹ бўлимига аъзоликка қабул қилинишига сазовор бўлдим. Мана, энди, агар менинг ишимни нашр этсалар эди...

Шу чоқ Лефрансуа хонимнинг башараси ўзгарди, дорихоначи ихтиёрсиз гапидан тўхтаб қолди.

— Уни қаранг-а, вой тавба! — деди у. — Ҳеч нарса тушунмаяпман! Уша ошхонада-а!

У елкасини шундай қисдики, тўқилган кофтасининг кўкрагидаги тугма тешиги йиртилиб кетди, икки

¹ Помология — турли мева дарахтлари ҳақидаги фан.

қўли билан ўзининг рақибни қаҳвахонасини кўрсатди, у ердан қўшиқ овози эшитиларди.

— Майли, майли, бу узоққа бормайди, — деб қўшиб қўйди у, — бир ҳафтадан кейин ҳаммаси тамом бўлади!

Оме ажабланганидан орқасига тисланди. Лефрансуа хоним зинадан пастга тушиб, унинг қулоғига пичирлади:

— Ия, хабарингиз йўқми ҳали? Яқинда уни ёпадилар. Буни Лере хонавайрон қилди. Векселлар билан унинг тинкасини қуритди.

— О, нақадар даҳшатли фалокат! — деди ҳар бир ҳодисага тайёр жумла эсида турадиган дорихоначи.

Шунда қовоқхона бекаси Гильомен жанобнинг хизматкори Теодордан эшитган воқеаларни гапира бошлади. Унинг Тельега бўлган нафрати Лерени қоралашга халақит бермасди. Юлғич, бўш келсанг қўлинг даги нонингни тортиб олади!

— Э, анави-ку ўзи ҳу, ана пешайвонда турибди! — деди у. — Бовари хонимга салом беряпти. Ҳу, ана Бовари хоним, бошида яшил шляпа, жаноб Буланже билан қўлтиқлашиб кетяпти.

— Бовари хоним дедингизми? — сўради Оме, — ҳозир мен у кишига етиб оламан, худди устуннинг ёнгинасидан, панжара орқасидан унга жой таклиф қиламан, балки у ер хонимга қулай бўлар.

Лефрансуа хола Телье ҳақидаги гапни охирига ст-казиш учун уни қолишга кўп қистади, лекин фармацевт лабларини тиржайтириб, ўткинчиларга ўзининг қора фраксининг қилпираган этаклари билан тега-тега, бир ўнгга, бир чапга қараб салом бериб, дадил олға қараб кетди.

Уни узоқдан кўриб қолган Родольф қадамини тезлаштирди, лекин Бовари хоним ҳаллослаб кетди, шунда у яна секинроқ юра бошлади ва илжайиб туриб яна кўрсроқ оҳангда:

— Анави бақалоқдан, сизга бирмунча таниш бўлган дорихоначидан қочмоқчийдим, — деди.

Эмма уни тирсаги билан туртиб қўйди.

«Нима демоқчи бўлдийкин?» — сўради ўз-ўзидан Родольф ва кўз қири билан унга қараб қўйди.

Эмманинг котиржам юзидан ҳеч нарса ни тушуниб бўлмасди. Юзининг ён томони ёруғда худди қуруқ қамишининг баргига ўхшаган сариқ боғичли шляпаси

тагидан яққол кўзга ташланиб турарди. Узун қайрилма киирикли кўзлари тўғрига боқар, гарчи улар катта, очиқ бўлгани билан ҳар қалай сал-пал сузилаётгандек кўринарди, чунки бу ёноқларнинг майин териси остига қон югуриб, унинг томир уриши сезилиб тургандек эди. Қаншари гулдек товланарди. У бошини бир ёққа эгиб борар, лаблари орасидан садафдек тишларининг четлари кўриниб турарди.

«Балки у мени масхара қилаётгандир», — деб ўйлади Родольф.

Лекин туртганининг боиси уни огоҳлантириш эди, холос, орқадан жаноб Лере келмоқда эди.

— Қандай ажойиб ҳаво! — улар билан гаплашишга уринди Лере. — Бутун шаҳар кўчага чиқибди! Дарахтларнинг барги қилт этмайди! — деди.

Бовари хоним ҳам, Родольф ҳам унга жавоб беришмади, лекин улар жойларидан сал силжигудек бўлса, уларнинг орқасидан юрар ва қўлини шляпасига олиб бориб: «Нима хизмат буюрадилар?» — деб сўрарди.

Тақачиликка етганларида Родольф тўғри заставага олиб борадиган йўлдан кетиш ўрнига, Бовари хонимни бошлаб шартта сўқмоққа бурилди.

— Саломат бўлсинлар, жаноб Лере! — деди у. — Яхши боринг!

— Жуда ҳам боладингиз-а уни! — деди кулиб Эмма.

— Бегона одамларнинг бизга нима кераги бор? — деди Родольф. — Модомики, сиз билан бирга бўлишдек бахт менга муяссар бўлган экан...

Эмма қизариб кетди. Родольф ўз фикрини тугатмасдан гапни буриб юборди, у бугун ҳаво қандай яхши, ўт-ўлан устида юриш нақадар соз эканлигини гапирди. Мойчечаклар очилиб ётарди.

— Қандай чиройли гуллар! — деди у, — бу жойда улар шу қадар кўпки, бу ердаги ошиқ-маъшуқларнинг ҳаммасига фол очиш учун етади. Узиб берайми? Нима дейсиз? — сўради у.

— Ҳали сиз бировга хуштормисиз? — енгилгина йўталиб қўйиб сўради Эмма.

— Ҳм... Ҳм! Қайдам! — жавоб берди Родольф.

Утлоқда одам кўпая борди, аёллар ўткинчиларга соябонлари, саватлари, қўлларидаги болалари билан тегиб кетишарди. Ҳадеганда қаторлашиб кетаётган

бармоқларига кумуш узук таққан, кўк пайпоқ, паст пошна туфли кийган ишчи аёлларга йўл бериб ўтишга тўғри келарди; яқинроқда улардан сут ҳиди анқирди. Улар бир-бирлари билан қўл ушлашиб, тоғ-терақлар хиёбонидан то зиёфат учун қурилган қапагача — бутун ўтлоқ бўйлаб ўтишди. Кўрғазманинг счилишига оз вақт қолган эди, шунинг учун деҳқонлар биринкетин атрофига узун арқон тортилиб, қозиқлар қоқилган, отчопарга ўхшаб кетадиган майдонга кира бошладилар.

Ўртадаги майдонда тумшуқлари орқа томонга қаратилган пасти баланд беллари билан синиқ чизиқ ҳосил қилиб қорамоллар туришарди. Тумшуғини ерга тиқиб чўчқалар мудрашар, бузоқлар, қўйлар маърашар, сигирлар ўт устида ётганча эринчоқлик билан кавш қайтаришар, атрофларида эса пашшалар гувиллашарди. Айғирлар олдинги оёқларини кўтариб, байталларга қараб-қараб қаттиқ кишнашар, отбоқарлар енгларини шимариб уларни жиловидан ушлаб туришар эди. Байталлар серёл бўйинларини чўзиб тек туришар, тойчаларнинг баъзилари оналарининг соясида ётишар, баъзилари эмишар эди. Мана бу ерда тўпланган барча жониворлар ҳосил қилган сатҳ устида ҳали у ерда, ҳали бу ерда шамолда оқ ёлини қилпиратиб, оёқларини кўтариб ташлаётган отнинг боши ёки ўткир шох ёки чоғиб юрган одамларнинг боши кўриниб қолар эди. Нарироқда, тўсиқдан юз қадамча нарида, худди бронзадан қуйиб қўйилгандек қимир этмай, бурун тешикларига темир қалқа ўтқазилган, бурундиқ кийгизилган каттакон қора буқа турарди. Эски кийим кийган ўғил бола унинг арқонидан ушлаб турарди.

Шу чоқ икки қатор экспонатлар орасидан оғир қадам ташлаб қанақадир жаноблар ўтишар, қорамолларни бирма-бир кўришар, кейин аста-секин маслаҳатлашар эдилар. Улардан биттаси, чамаси энг катта бошлиқ бўлса керак, йўл-йўлакай дафтарчасига бир нарсаларни ёзар эди. Бу — жюри раиси, Панвилидан келган жаноб Дерозере эди. У Родольфни кўриб қолиб, унинг олдига югурди ва сермулозим табассум билан:

— Бу қандай бўлди, жаноб Буланже, бизни ташлаб кетдингиз? — деб сўради.

Родольф, ҳозир келаман, деб жавоб берди. Лекин раис кўздан гойиб бўлиши билан у Эммага қараб:

— Йўқ, мен яхшиси сиз билан қоламан! Сизнинг суҳбатингиз мен учун ҳамма нарсадан афзал!— деди.

Родольф кула-кула кўрғазмадан тезроқ ўтиб кетиш учун полициячига кўк таклифнома қоғозини кўрсатди. Ҳар замон-ҳар замонда у ҳатто диққатга сазовор «нусхалар» олдида тўхтаб ҳам қоларди, лекин Бовари хонимни уларнинг ҳеч қайсиси қизиқтирмас эди. Буни сезиб Родольф Ионвиль аёлларнинг кийим-бошларини масхара қила бошлади, кейин ўз кийим-бошининг палапартишлигидан узр сўради. У бачкана, шу билан бирга, нафосат билан кийинар эдики, бу хилда кийинишни мешчанлар одатда субутсизлик, руҳан бузуқлик, ўзини кўз-кўз қилиш, одоб қонунларига нисбатан бир қадар илтифотсизлик белгиси, деб билар эдилар, бу эса шаҳар аҳолиларидан баъзиларининг ҳавасини келтирар ёки аксинча, уларнинг нафратини қўзғатар эди. Шундай қилиб, Родольфнинг сур ранг тик нимчасининг ёқасидан кўриниб турган қўш бурма енгли батист кўйлаги шамолда ҳилпираб турар, кенг йўлли чолвори тўпингига тушар, унинг остидан усти нанкадан тикилган амиркон ботинкаси кўринар эди. Амиркон ботинкаси шу қадар ялтиратиб тозалангандики, унда ҳатто майсаларнинг акси кўринарди. Қўлини пижагининг чўнтагига тиқиб, похол шляпасини қийшайтириб кийиб олган Родольф ботинкасининг учи билан от тегагини иргитарди.

— Аммо лекин, — қўшиб қўйди у, — қишлоқда...

— Шундоқ ҳам бўлаверади, — деди Эмма.

— Тўппа-тўғри, — сўзни илиб кетди Родольф. —

Бу ердаги муҳтарам шаҳарликлардан бирор кимса, ҳеч бўлмаганда фрак бичимининг фарқига ета олармикан?

Шундан кейин улар пойтахтдан узоқдаги вилоят қабиҳликлари, у қандай қилиб одамларни разолатга тортиши, ҳаёт гўзаллигини барбод этиши ҳақида ҳангамалашиди.

— Мана, мен ҳам борган сари маъюсликка тушмоқдаман, — деди Родольф.

— Сиз-а? — таажжубланди Эмма. — Мен сизни жуда хушчақчақ одам деб ўйловдим!

— Ҳа, кўринишда шундай, чунки мен одамлар олдида маскарабоз ниқобини кия оламан. Ҳолбуки,

ой нури тушиб турган қабристонга кўзим тушган пайтларда неча марта, шу ерда ётганлар, мангу уй-қуга кетганлар қаторига қўшила қолсам бўлмасмиди, деб сўрайман ўзимдан...

— Дўстларингиз-чи?— сўради Эмма.— Улар ҳақида ўйламадингизми?

— Дўстларим? Қанақа дўстларим? Қани улар? Мен кимга керакман?

Шуни айтиб туриб, у енгил ҳуштак чалиб қўйди.

Бироқ, шу пайт улар четланишди, орқаларидан, стуллардан ясалган катта бир иншоотни кўтариб келаётган кимгадир йўл беришга тўғри келди. Бу кўп қаватли иншоотдан ботинканинг учию, қулоч ёйган қўлларнинг панжалари кўринарди холос. Бу, гўрков Лестибудуа одамлар тиқилинч ердан черков стуллари-ни кўтариб ўтиб кетмоқда эди. Агар ўзига фойдаси тегадиган бўлса, ўзининг мислсиз кашфиётчилиги билан ажралиб турадиган Лестибудуа кўргазмадан ҳам жуда яхши фойда олиш мумкинлигини дарров пайқади, одамлар унга ташланиб, уни талон-торож қилишди. Бу ерга йиғилганларни иссиқ ниҳоятда лоҳас қилган эди, шунинг учун улар бухўр ҳиди уриб қолган похол ўриндиқли стулларни таллашиб кетишди ва мум сачраган, пухта суянчиқларга ҳузур қилиб суянишди.

Бовари хоним яна Родольфни қўлтиқлади, Родольф эса худди ўзи билан гаплашаётгандек яна гап бошлади:

— Ҳа, менга жуда кўп нарсалар етмайди! Қимсасиз гарибман. Қани энди, ҳаётда менинг бирор мақсадим бўлса, кошкийди бирор кимсани севиб қолсам... бирор кишини учратсам... Мен меҳрибонлик учун бор куч-қувватимни берардим, ҳамма нарсани енгиб, ҳамма нарсани ер билан яксон қилардим!

— Лекин менинг назаримда,— деди Эмма,— сиз унчалик ёмон яшамайсиз.

— Сиз шундай деб ўйлайсизми?— сўради Родольф.

— Ниҳоят,— давом этди Эмма,— сиз озодсиз...— тутилиб қолди у.— Бадавлатсиз...

— Мендан кулманг,— деди Родольф.

Эмма жиддий гапираётганига онт ичди, шу чоқ бирдан тўп отилди, оломон шаҳарга ёпирилди.

Бу сохта тревога эди. Жаноб префект кечикаётган эди, жюри аъзолари мажлисни очишларини ҳам, оч-

масликларини ҳам ёки яна кутиб туришни ҳам билмас эдилар.

Ниҳоят, майдон ичкарасида қўш от қўшилган, катта, ёлланган ландо¹ кўринди, оқ шляпа кийган аравакаш жони жаҳди билан отларни хивичларди. Бине ва унинг кетидан полковник «Милтиқлар олинсин!» деган буйруқни зўрға бериб улгуришди. Гвардиячилар ва ўт ўчирувчилар бир-бирига суяб қўйилган милтиқларга ташланди. Ҳамма типирчилаб қолди. Баъзилар ҳатто ёқаларини қадашни ҳам унутдилар. Префектнинг кириб келиши билан ҳамма ёқ тўс-тўполон бўлиб, ит эгасини танимай кетишини олдиндан билишарди, лекин юганини гижирлатиб, гижинглаб турган икки қирчанги от шаҳар маъмуриятининг колоннали иморати олдига келганда гвардиячилар ва ўт ўчирувчилар ноғораларнинг гумбур-гумбури остида шахдам қадам ташлаб, саф тортаётган эдилар.

— Жойларингда тўхтанглар! — буйруқ берди Бине.

— Тўхта! — буйруқ берди полковник, — чапга қараб текислан!

Милтиқлар қўлга олинди. Қўндоқлардаги ҳалқаларнинг шақирлаган овози гўё зинапоядан думалаб кетган мис қозоннинг овози каби янграб кетди, кейин милтиқлар яна пастга туширилди.

Шунда экипаждан зарли, калта фрак кийган, гарданидагина бир тутам сочи қолган, тепакал, ранги заҳил, кўринишидан жуда ҳам хушмуомала жаноб тушди. Халойиққа у қалин қовоқлари остидан бақрайган кўзларини қисиб қаради, қарчиғай бурнини юқорига кўтариб, ўширилиб кетган оғзини кулгига жуфтлади. Мэрнинг қўлидаги боғичидан таниб, унга жаноб префект келолмаслигини айтди. Кейин ўзи префектнинг маслаҳатчиси эканини билдирди ва кечирим сўради. Тюваш унга хушомадгўйлик қила бошлади, маслаҳатчи эса уни хижолатга солаётганларини айтди. Шундай қилиб, улар — жюри аъзолари, муниципалсовет аъзолари, бообрў кишилар, миллий гвардиячилар ва халойиқ қуршовида бошлари бошларига теккундек бўлиб, рўбарў турардилар. Кичкина, қора, учбурчак шляпаси-

¹ Тўрт ўринли тепаси очиладиган ҳам карета, ҳам коляска ўрнида ишлатса бўладиган экипаж, биринчи марта ишлаб чиқарилган шаҳар — Лондон номи билан аталади.

ли кўкрагига босиб, жаноб маслаҳатчи яна табрик сўзларини айта бошлади, шу вақт Тюваш ҳам икки букилиб тиржаяр, гудирлар, керакли сўз ахтарар, ўзини монархияга содиқ эканлигини баён этар, Ионвилга кўрсатилган илтифот ҳақида гудраниб гапирар эди.

Қовоқхона хизматкори Ипполит чўлоқланиб, отларнинг жиловидан ушлаб «Олтин шер»нинг ҳовлисидаги бостирмага олиб келиб қўйди. Коляскани томоша қилиш учун у ерга аллақачон деҳқонлар йиғилиб олган эди. Ногора гумбурлади, тўп отилди ва жаноблар бирин-кетин саҳнага чиқа бошладилар ва шу муносабат билан Тюваш хонимнинг рухсати-ла бу ерга келтирилган, қизил духоба қопланган креслоларга ўтиришди.

Бу жаноблар ҳаммаси бир-бирига ўхшарди. Уларнинг сариқ, сўлгин, хиёл қорайган юзларининг ранги сидрни эслатарди. Уларнинг бакенбардлари қунт билан текисланган бантлар билан боғланган, оқ галстуклар кўтариб турган, баланд қотирма ёқалардан чиқиб турарди. Ҳаммасининг жилети қайтарма ёқали духобадан, ҳаммасининг соати учига тухумсимон тамға осилган лента билан боғланган эди; ҳаммаси қўлини тиззаси устига қўйиб, ошланган теридан ҳам ялтироқроқ кўринган мовут шимдаги оёқларини кериб ўтиришарди.

Эстраданинг орқа томонида, шаҳар маъмурияти биноси эшиги ёнидаги колонналар оралиғида кибор хонимлар жойлашишган, фуқаро бўлса стулларда ўтиришар ёки саҳнага қараб тикка туришар эди. Лестидуа ўтлоқдаги ҳамма стулларни бу ерга олиб келди. Яна ҳар дақиқа черковдан кетма-кет курсилар таширди. Унинг пул топиш учун қилган бу иши ҳамма ёқни шунақанги бесаранжом қилиб юбордики, саҳнанинг пиллапоясига яқинлашишнинг ҳам асти иложи бўлмай қолди.

— Менимча, — деди жаноб Лере ўз ўрнига ўтиб кетаётган дорихоначига, — бу ерга иккита венециан мачта¹ ўрнатиб, уни одмироқ, шу билан бирга қимматбахо, ҳаммага манзур мато билан безатилса жуда ҳам чиройли бўлар эди.

— Албатта, — қўшилди Оме. — Лекин на чора, ҳам-

¹ М а ч т а — елкаи тортиладиган баланд устун.

масини мэр ўз қўлига олди. Бечора Тювашда нозик дид деган нарса йўқ, санъатни тушунадиган дид унда тариқча ҳам йўқ.

Бу орада Родольф билан Бовари хоним шаҳар маъмурияти биносининг иккинчи қаватига — «мажлислар залига» чиқишди; бу ерда ҳеч ким йўқ бўлиб, Родольфнинг гапига қараганда, бу ердан ҳамма ёқни кўриш жуда қулай эди. У монарх бюсти турган тўғарак столи атрофидаги учта табуреткани олиб келди. Улар ёнма-ён ўтиришди.

Саҳнадаги жаноблар ҳаяжон билан пичирлашишар, гаплашишар эди. Ниҳоят, маслаҳатчи ўрнидан турди. Энди бу жаноб Льевен экани ҳаммага маълум бўлди — унинг фамилияси ҳам барча йиғилганларга бир зумда тарқалди, у қоғозларни ёйди ва кўзини қоғоздан узмай ваъз бошлади:

— «Жаноблар!

Аввало менга рухсат бергайсиз, «бугунги йиғилишимизнинг рўзномасига ўтишдан олдин», менинг фикримга ҳаммангиз ҳам қўшилишингизга аминман. Аввало олний давлат ҳокимиятимизга, монархга, жаноблар, суюкли подшоҳимизга шодлик туйғуларимизни изҳор этишга рухсат бергайсиз, зероки, у бутун жамиятнинг фаровонлиги учун тўхтовсиз ғамхўрлик қилаётгандек, айрим шахсларнинг фаровонлиги учун ҳам жонбозлик кўрсатмоқда, зероки, у ўзининг пўлатдек қаттиқ, шу билан бирга моҳир қўли билан тўлқинли денгизаро беҳисоб хатарлар орасидан давлат кемасини бошқариб бормоқда, шу билан бирга тинчлик, уруш, саноат, савдо, деҳқончилик ва нафис санъатни ҳам бир дақиқа бўлсин унутмайди».

— Мен бошқа ёққа ўтиб ўтирсам бўларди, — деди Родольф.

— Нега? — сўради Эмма.

Лекин худди шу дақиқада маслаҳатчининг овози майдонро барала янгради.

— «У вақтлар, жаноблар, — вайсарди у, — ўзаро низолар кўчаларимизни қон билан бўяб, ёндириб юборган даврлар ўтиб кетди, у вақтларда хусусий мулк эгаси, катта савдогар ва ҳатто ишчи ҳам боши ёстиққа тегмай исён наърасининг бонг уришини ўйлаб, ширин

уйқудан сапчиб турар эди, фитна-фасод таълимоти давлатимиз асосини қўпол равишда қўпормоқчи бўлар эди...»

— Мени пастдан кўриб қолишлари мумкин,— ивоҳ берди Родольф,— иннайкейин, кўрасиз кўргиликни! Ёкки ҳафта узр сўраб юришим керак бўлади, бу эса менинг доғ теккан обрўимни назарга олганда...

— О, сиз ўзингизга туҳмат қиляпсиз!— деди Эмма.

— Йўқ, йўқ, ишонинг, менинг номим ёмонга чиққан.

— «Бироқ, жаноблар,— давом этарди маслаҳатчи,— мана бу мудҳиш манзаралардан мен юзимни ўгириб, гўзал ватанимизнинг ҳозирги ҳолатига боқарканман, нималарни кўраман? Мен шуни кўраманки, ҳамма ёқда савдо ва ҳунармандчилик гуллаб-яшнамоқда, ҳамма ерда давлатимизнинг қон томири бўлмиш янги темир йўллар уни турли ёқлар билан боғлаган бизнинг йирик саноат марказларимиз ўз фаолиятини қайтадан тиклади, дин қанот ёзиб, ҳаммага ўз қучоғини очмоқда, портларимизга кемалар сиғмай бораётир, ишонч тикланиб бормоқда ва ниҳоят бизнинг Франция эркин нафас олмоқда!..»

— Шуни айтиш керакки,— қўшиб қўйди Родольф,— ўз нуқтаи назари билан аъёнлар ҳақли...

— Яъни?— сўради Эмма.

— Ҳа-да!— деди Родольф.— Ахир сиз бетоқат қалблар борлигини билмайсизми? Улар ҳали орзу қилади, ҳали энг пок туйғуларга, ҳали шиддатли ҳузур-ҳаловатга берилади, улар учун барча инжиқликларга, барча телбаликларга рухсат берилган.

Шу сўзларни айтаётганда Эмма Родольфга худди узоқ мамлакатларни кезган саёҳатчига қарагандек қаради.

— Биз бояқиш аёллар мана шу айш-ишратдан ҳам маҳруммиз!— деди Эмма.

— Қайғули айши ишрат бахт келтирмайди.

— Умуман, бахт бормикан бу оламда?— сўради Эмма.

— Ҳа, ажойиб кунларнинг бирида у келади,— жавоб берди Родольф.

— «Буни сизлар ҳам тушундингиз,— деди маслаҳатчи,— сиз деҳқонлар ва батрақлар, буюк тараққиёт

ишининг камтарин қалдирғочлари, сизлар ахлоқ ва тараққиётнинг тарафдорлари! Сизлар тушундинглар деяпман мен, сиёсий галаёнлар, шак-шубҳасиз, атмосферанинг ларзага келишидан ҳам зўр емирувчи кучдир...»

— Ажойиб кунларнинг бирида у келади, — такрорлади Родольф, — уни кута-кута тоқатинг тоқ бўлган бир кунда у қўққисдан кириб келади. Бирдан бепоён бўшлиқ намоён бўлади ва кимнингдир: «Мана — у бахт!» деган овози келади. Шунда сиз ўзингизда, шу одамга умрингиз борича ишониш, ҳамма нарсани унга бағишлаш, унинг учун ҳамма нарсани қурбон қилиш орзуси туғилишига эҳтиёж сезасиз. Бу ерда ҳеч қанақа изоҳ керакмас, ҳаммаси сўзсиз аён. Уни сиз, худди шу ҳолда, хаёлингизда кўргансиз (у Эммага қараб қўйди). Ниҳоят, сиз орзиқиб қидирган хазинангиз ана шу ерда, кўз ўнгингизда порлайди, чақнайди! Бироқ сиз ҳали шубҳаланасиз, ишонишга журъат этолмайсиз, сизнинг кўзларингиз худди зулматдан ёруғга чиққандай қамашган.

Охирги жумлани Родольф ҳаракат билан гапирди. Худди боши айланиб кетгандек, икки қўллаб бошини чангаллади, кейин қўлини Эмманинг қўлига қўйди. Эмма қўлини тортиб олди. Маслаҳатчи бўлса ҳамон ёзувига қараб давом этарди:

— «Лекин бу кимни ажаблантиради, жаноблар, фақат сўқирларни, фақат адашганларни, мен очигини айтишдан қўрқмайман: фақат асрий бидъатлар кишанлаб олган кишиларини, қишлоқ аҳлининг тарзи тафаккурини шу чоққача билмаган одамларнигина ажаблантиради. Дарҳақиқат, букиндек ватанпарварлик, умумий ишга бунингдек садоқатни, хуллас, бунингдек доноликни қишлоқдан топмасак, яна қаердан топамиз? Бу юзаки ақл эмас, жаноблар, бу усти ялтироқ сафсатабозлик эмас, бу — чуқур, тетик ақл, ҳаммадан бурун ҳаётини мақсадларни ўз олдига қўйган, шу билан бирга айрим шахсларнинг фаровонлигини ошириб, жаъният фойдасини кўзда тутган ва давлатга таянчиқ бўла оладиган ақл, бу мақсад қонунга итоткорлик ва бурчга садоқатликдан келиб чиқади....»

— Яна! — деди Родольф. — Бурч, бурч! Шу сўздан кўнглим айнийди менинг. Фланел нимча кийган сон-сиз-саноқсиз аҳмоқлар ва қорнига кесак қиздириб босувчи, тасбеҳ ушлаган авлиёлар «бурч, бурч!» деб, қулоқ-миямизни ейишади. Бурч демак, ҳар хил ярамас урф-одатларга риоя қилиш эмас, аксинча, улурликни тушунмоқ, гўзаллик олдида тиз чўкмоқ демакдир.

— Ҳа, ахир... лекин... — Сўз қайтармоқчи бўлди Эмма.

— Ҳўш, айтинг-чи, нега мунча ҳирс-ҳавасга ҳужум қилавериш керак? Ахир бу дунёда энг яхши нарса-ку. Бу қаҳрамонликнинг завқ-шавқи, шеърият, музика, санъатнинг манбаи, ҳамма-ҳаммасининг манбаи-ку!

— Лекин ҳар ҳолда, озгина бўлса ҳам жамиятнинг фикри билан ҳисоблашиш, унинг ахлоқини ҳурматлаш керак, — эътироз билдирди Эмма.

— Гап шунда-да, икки хил ахлоқ бор, — сўзни бўлди Родольф. — Бири майда, анчайин одамий ахлоқ, у ҳар доим ўзгариб туради, дабдабали, мана бу кўз олдингизда турган аҳмоқлар йиғиндиси сингари оёқларимиз остида ҳамиша балчиқ ковлайди. Лекин яна шуидоқ ахлоқ борки, у абадий, худди мана бу бизнинг атрофимизни қуршаб турган табиат кабидир, бизга тепамиздан қуёш нур сочиб турган зангори осмон кабидир.

Жаноб Льевен лабини дастрўмол билан артиб сўзида давом этди:

— «Деҳқончиликнинг фойдасини, жаноблар, сизларга исбот қилиб ўтириш керакми? Ким бизнинг эҳтиёжларимизни қондирыпти? Ким бизга озиқ-овқат етказиб беряпти? Деҳқонлардан бошқа ким бўларди? Ҳа, жаноблар, деҳқонлар! Бу, ўша деҳқон, у ўзининг меҳнатсевар қўли билан далаларнинг серҳосил жўякларига дон экади, кейин уни мураккаб машиналарда янчиб, тортиб ун ҳолига келтиради-да, шаҳарларга жўнатади, у шу заҳоти новвойхонага тарқатилади, новвой уни кўмачга айлантиради, буни бойлар қатори камбағаллар ҳам истеъмол қилишади. Бизни кийинтириш учун яйловларда семиз молларни боқадиган ўша

деҳқоннинг ўзи эмасми? Агар деҳқон бўлмаса, биз нимани кийиб, нимани ер эдик? Мисол учун узоққа боришнинг ҳожати йўқ! Биз ҳаммамиз тез-тез ўзимизга ҳисоб берамиз! Бир вақтнинг ўзида бизнинг тўшақларни юмшоқ ёстиқлар билан таъминловчи ва столимизни мазали гўштлар, тухумлар билан безатувчи паррандачилар бизнинг ҳаётимизда нақадар катта роль ўйнайди. Лекин мен, ўзининг болаларини эркаловчи меҳрибон она каби, машаққат билан ишланган ерининг хилма-хил армуғонларини ҳисоблаб ўтирсам тонг өтмасди. Бу ерни қарасангиз, узум, у ерда олма, бу сидр демакдир, у ерда индов, яна нарироқда пишлоқ. Зигирпоя-чи? Эсингизда бўлсин, жаноблар, зигирпоя! Кейинги йилларда зигир экиш майдони анча кенгайди, мана шунинг учун ҳам мен шунга диққат-эътиборингизни жалб этмоқчиман».

Тингловчиларнинг диққатини жалб этишга ҳеч қанақа эҳтиёж йўқ эди, бунингсиз ҳам ҳамма оғизларини очиб анқайиб ўтирар, ҳар бир сўзни жон қулоқлари билан тинглардилар. Ваъзхоннинг ёнгинасида ўтирган Тюваш кўзларини бақрайтириб қулоқ соларди, Дерозеге ҳар замонда сал-пал кўзини қисиб қўярди, нарироқда бирор сўзни эшитмай қолмаслик учун қўлини қулогига карнай қилиб, ўғли Наполеонни тиззасига қўйган фармацевт ўтирарди. Жюриининг бошқа аъзолари маъқуллагандек бошларини аста-аста лиқиллатиб ўтиришарди. Саҳна ёнида милтиқ қўндоқларига суяниб олиб, ўт ўчирувчилар дам олишмоқда эди. Бине гўдайиб, қиличини тик ушлаб турарди. Эҳтимол, у эшитишга эшитарди-ку, лекин каскасининг соябони ҳадеб бурнига тушиб кетаверганидан ҳеч нарса кўролмасди. Унинг поручиги — жаноб Тювашнинг кичик ўғлининг каскаси ҳам ўзига лойиқ бўлмаганлиги туфайли, бошида қилпираб турар, унинг тагидан чит дастрўмонинг учи чиқиб турар эди. Бу ҳолат унда болаларча беозор табассум қўзғатар, унинг ранглар, тер босган юзчасида бахтиёрлик, дармонсизлик ва карахтлик ифодаси бор эди.

Майдон ва ундаги уйлар ҳаммаси одамга лиқ тўла эди. Одамлар ойналардан, остоналардан қарашарди, Жюстен бўлса манзарага маҳлиё бўлиб, дорихона витринаси олдида қоққан қозниқдек турар эди. Гарчи оло-

мон орасида ҳеч ким гапирмас-да, жаноб Льевеннинг овози зўр-базўр эшитиларди. Стулларнинг дам-бадам гижирлаши туфайли фақат айрим жумлалар қулоққа чалинар эди. Майдоннинг орқа томонидан эса бир-бирига овоз бергандек, гоҳ қўкизнинг чўзиб мўраши, гоҳо қўзичоқларнинг маъраши эшитилиб турарди. Гап шундаки, чўпонлар молларни яқинроққа ҳайдаб келишган эди; сигирлар, қўйлар тумшуқларига ёпишган ўтларни тиллари билан ялай-ялай, ҳар замон-ҳар замонда маърашиб туришарди.

Родольф Эммага яқинроқ сурилди ва тез-тез:

— Манави умумий фитна сизнинг газабингизни келтирмайдими? — деб шивирлади. — У қораламаган бирорта ҳис борми, ахир?! Энг олижаноб туйғулар, энг соф муносабатлар таъқиб остига олинадилар, маломат қилинадилар, башарти икки жафо чеккан қалб ниҳоят бир-бирининг васлига етиш бахтига муяссар бўлса, қўшилишга йўл қўймаслик учун ҳамма чоралар кўрилади. Лекин улар бор кучини сарф қилишади, бошларини тошга уришади, бир-бирларига интилишади. Майли! Улар эртами-кечми, ярим йилдан кейинми, ўн йилдан кейинми, тақдири азалда ёзилгани учун, иккалови бир-бирлари учун дунёга келганлари сабабли қовушадилар.

Родольф қўлларини тиззасига қўйиб, бошини кўтарганча Эммага қаттиқ тикилиб қаради. Эмма унинг кўз қорачиқлари атрофидаги олтин нурларни ажратар, сочларидан келаётган сочмой ҳидини сезар эди. Эмmanın вужудини ҳорғинлик эгаллади. У Вобьесарда бирга рақсга тушган виконтни эслади... Унинг соқолидан ҳам мана шунингдек ваниль ва лимоннинг исси келарди, у қовоқларини ярим юмиб ерга қаради, назарида, шу ҳолатда ҳидлаш осон эди. Бироқ, у энгашиб ўтириши билан олисда, уфқда эски дилижон «Қалдирғоч»ни кўриб қолди. У орқасидан чанг буриқтириб Ле тепалигидан аста-секин тушиб келмоқда эди. Мана шу сариқ жаретада Леон тез-тез унинг олдига келиб турарди, мана шу йўлнинг ўзидан у энди бир умрга Эммадан кетди! Бирдан унинг назарида рўпарадаги ойнадан Леоннинг юзи кўрингандек бўлди. Кейин ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетди, хаёли булутлар каби осмонда кезди, у ҳамон қандиллар шуъласида виконт қучоғида айланаётгандек, Леон бўлса қаердадир шу яқин

орада, ҳадемай келиб қоладигандек туйилди... Шу вақтнинг ўзида Родольфнинг боши унга жуда яқин турганини сизди. Унинг аллақачонги орзулари мана бу тотли туйғу билан суғорилган эди, бу орзулар гирдоб ичида гир айланиб юрган қумлар каби унинг қалбини ўраб олган хушбўй ис тарқатувчи нафис тутун ичида учиб юрмоқда эдилар. Эмма карнизларга чирмашиб чиққан печакгулнинг ислари билан нафас олиш учун бурун катаklarини керди. У қўлқопини ечди, қўлларини артди, кейин дастрўмоли билан юзини елпиди, оломоннинг говур-гувури ва маслаҳатчининг бир оҳангдаги овозини чаккаларидаги қон томирининг уриши орқасидан аранг эшитарди.

Маслаҳатчи дерди:

— «Ҳаракат қилинглар! Ютуқни қўлдан бой берманглар! Муҳофазакорларнинг пичир-пичирига, ўзбилармон ихтирочиларнинг хом-хатала маслаҳатларига қулоқ солманглар! Ернинг ҳосилдорлигига, ўғитнинг сифатига, от, сигир, совлиқ, чўчқалар зотини яхшилашга зўр аҳамият беринглар! Мана бу кўргазма сизлар учун тинчлик майдонини эгалласин, зўр чиққан бу майдондан кетишдан олдин енгилганга қўл чўзиб, уни қардошларча қучоқласин ва енгилганда, келгусида катта ютуқларга эга бўламан, деган умид аланга олсин! Сизлар-чи, содиқ меҳнаткашлар, камтар ишчилар, сизларнинг оғир меҳнатингиз шу чоққача бирорта ҳукуматнинг диққат-эътиборини ўзига тортган эмас! Сизнинг кўзга ташланмаган фазилатларингиз бундан кейин тақдирланади ва сиз ишонч ҳосил қилишингиз мумкинки, ниҳоят ҳукумат сизга назари эътибор ташлади, у сизни бундан буён руҳлантиради, у сизни ҳимоя остига олади, сизнинг адолатли талабларингизни қондиради ва кучи етганича сизнинг фидокорона меҳнатингиз оғирлигини енгиллаштиришга уринади».

Жаноб Льевен жойига ўтирди, кейин жаноб Дерозере сўзга чиқди. Нутқининг услуби унча жимжимали эмасди, лекин кўпроқ ишга доир нутқ эди; у нутқида махсус маълумоти борлигини кўрсатди, юқори мулоҳазаларни баён қилди, ҳукуматни узоқ мақтамади, лекин дин ва қишлоқ хўжалик ишларига катта аҳамият берди. У дин билан зироатнинг бир-бири билан боғлиқ

эканн ва тараққиёт йўлида кўп замонлардан бери бир-галликда олиб борган ҳаракатларини кўрсатиб ўтди. Родольф ва Бовари хоним бу вақт туш ҳақида, олдиндан кўнгил сезиш, магнетизм ҳақида гапиршиб ўтиришарди. Нотиқ инсониятнинг узоқ ўтмишига ҳаёлан назар ташлаб, ўша мудҳиш даврларни, одамлар ўрмонларда яшаб, ёнғоқ билан озиқланган замонларни гапирди. Кейин улар ҳайвон териларини ташлаб, мовут кийим кийишди, ер ҳайдаб, тоқ экишди. Бу инсониятга фойда келтирдими? Бу кашфиёт ўзи билан нимани олиб келди: бало келтирдими ёки эзгулик?.. Жаноб раис ўз олдига шундай савол қўйган эди. Родольф бўлса магнетизмдан аста-секин қалбларнинг бир-бирига яқинлигига ўтди ва жаноб Дерозере Цинциннатнинг¹ омон ҳайдагани, Диоклетиян²нинг қарам эккани ва Хитой императорларининг янги йилни тантанали экин экиш билан кутишларини гапириб бераётганда, Родольф Эммага ҳар қанақа зўр интилиш ўзининг илдизи билан ўтмишга кириб боришини исбот қилиб ўтирарди.

— Мана масалан, бизни олайлик, — дерди у, — нима учун биз танишдик? Қанақа тасодиф бизни учраштирди? Ўз-ўзидан маълумки, бизнинг шахсий майлларимиз орадаги бўшлиқни енгиб, иккимизни қўшди. Мана шу тарзда дарёлар ниҳоят бир-бири билан қўшилади.

Родольф унинг қўлини ушлади, у тортиб олмади.

— «Фойдали экинларни кўпайтириш учун...» — қичқириб гапирди раис.

— Мана, масалан, мен сизникига кирганимда...

— «...Кенкампуалик жаноб Бизега...»

— ...Сиз билан шу бугун бирга бўламан деб ўйлаганмидим?

— «...Етмиш франк!»

¹ Цинциннат Лицкий Квинций — машҳур Рим саркардаси ва давлат арбоби. У ўзининг ажойиб камтарлиги ва шахсий турмушда оддийлиги билан ном чиқарган, ўзи ер ҳайдаган.

² Диоклетиян Гай Аврелий Валерий (284—305) — Рим императорларининг энг зўрларидан бири, давлат ишларидан воз кечиб, умрининг охирига саккиз йилни ўз мулкида ўтказган.

— Бир неча бор кетишга уриндим, лекин ўзимга кучим етмади, сизга эргашдим-қолдим...

— «Гўнг билан ўгитлаш учун...»

— Энди бўлса бу оқшом ҳам, эртага ҳам, бундан кейин ҳам — бир умрга сиз билан қоламан!

— «...Аргейллик жаноб Каронга олтин медаль!»

— Мен умримда биринчи марта мана бунингдек беқиёс латофат билан юзма-юз келдим...

— «Живри-Сен-Мартендан келган жаноб Бенга...»

— Сизни бир умр хотирамда сақлайман.

— «...Меринос¹ қўй учун...»

— Сиз бўлсангиз мени унутиб юборасиз, мен ёнингиздан бир соя каби ўтиб кетаман.

— «Нотр-Дамдан келган жаноб Белога...»

— Йўқ, йўқ, сизнинг хаёлингизда, ҳаётингизда мендан нимадир қолиши керак-ку!

— «Зотли чўчқалар учун мукофот — олтинш франк, жаноб Леэриссе ва жаноб Кюлембурга ех аегио² бўлиб берилади!»

Родольф унинг қайноқ, титраб турган қўлини қисди ва унинг назарида учиб кетишга талпинаётган кабутарни ушлаб тургандек туюлди. Бирдан Эмма қўлини тортиб олмоқчи бўлдимиз ёки унинг қиссишига жавобанми — панжаларини қимирлатди.

— Раҳмат сизга! — деди Родольф. — Сиз мени қувмайсиз! Сиз ажойиб, меҳрибон аёлсиз! Мен сизники эканимга тушундингиз! Рухсат этинг, мен сизга тўйиб боқай, ҳусни жамолингизни томоша қилай!

Очиқ ойнадан шамол кирди, стол устидаги мовут гижимланди, пастда — майдонда бўлса, барча деҳқон

¹ Нозик ва майин юнгли қўй.

² Ваб-баравар.

аёлларнинг, чепчикларнинг баланд бурмалари оқ капалак қапотидек шамолда ҳилпирай бошлади.

— «Ёглиқ уруғларнинг кунжарасини ишлатиш учун...» — давом этди раис.

Ва тез-тез гапира кетди:

— «Фламанд ўғитларидан фойдаланиш учун... Зигирни кўпайтириш учун... давомли ижарага олинган ерларни қуритиш учун...»

Родольф жим бўлиб қолди. Иккиси ҳам бир-бирларига тикилишарди. Истак шу қадар зўр эдики, иккисининг ҳам қақраган лаблари титрарди. Бармоқлар бенктиёр итоаткорона чирмашиб кетди.

— «Сасето-Лагерьердан келган Катрин-Никез-Элизабет Леруга, битта ферманинг ўзида эллик тўрт йил хизмат қилганлигини тақдирлаб, йигирма беш франк турадиган кумуш медаль тақдим этилади!»

— Қани ўзи Катрин Леру? — сўради маслаҳатчи.

Катрин Леру кўринмади. Одамлар ичида шивир-шивир эшитилди:

— Бора қолсанг-чи!

— У ёққа эмас!

— Чапга!

— Қўрқма!

— Вой, кампирни тушмагур-эй!

— Қани у ўзи? — бақирди Тюваш.

— Ана... ана у!

— Келсин бўлмаса!

Саҳнага тарашадай қотган, увада кийимда бир кампиршо тортинибгина чиқди. Оёғида каттакон ёғоч ботинка, узун, ҳаво ранг фартуғи сонини беркитиб турарди. Олмақоқига ўкшаган озгин, ажин босган юзи жўнгина, ҳошиясиз чепчигидан кўриниб турар, узун, сертомир қўллари қизил кофтасининг енгидан шалвараб осилиб турарди. Хашак чириндисидан, ишқордан, қўйларнинг ёглиқ терисидан унинг қўллари шунчалик шилиниб, дағаллашиб, қовжираб кетган эдики, у тоза сувда қанча ювгани билан, барибир кирга ўкшаб кўринарди, кўп меҳнат қилган панжалари ҳамиша сал керилиб турар, бу гўё унинг қанча машаққатлар чекканига соддагина гувоҳлик бергандек эди. Унинг юз ифо-

дасида қанақадир монахларга хос қаҳр кўринарди: Унинг руҳсиз боқишини хафалик ҳам, меҳр ҳам юмшата олмасди. Доимий равишда қорамоллар билан ишлаш уни ўша молга ўхшаш гунг ва хотиржам қилиб қўйган. Бугун у умрида биринчи марта мана бунақанги кўпчилиكنинг ичига кирди. Байроқлар, ноғоралар, қора фрак кийган жаноблар, маслаҳатчининг ордени — ҳаммаси унда қўрқинч уйғотди ва у қоққан қозикдек, тош қотиб яқин боришни ҳам ёки қочиб кетишни ҳам билмай турар, нима учун уни йиғин ичидан итариб чиқаришганини, нега унга жюри аъзолари илжайиб қараётганини тушунмасди. Роҳат-фароғатда яшаган буржуаннинг олдингинасида ярим аср қуллик меҳнатининг жонли гавдаси турарди.

— Яқинроқ келинг, ҳурматли Катрин-Никез-Элизабет Леру! — деди жаноб маслаҳатчи, рансдан мукофотланганларнинг рўйхатини олиб.

Бир қоғозга, бир кампирга қараб, оталарча меҳрибонлик билан:

— Келинг, келаверинг! — деб такрорлади у.

— Нима, сиз кармисиз? — креслодан ирғиб туриб сўради Тюваш ва унинг қулоғига: — Эллик тўрт йиллик хизматингиз учун! Кумуш медаль! Йигирма беш франк туради! Бу сизга! Сизга! — деб бақира бошлади.

Медални қўлига олиб кампиршо унинг у ёқ-бу ёғини қарай бошлади. Чеҳраси очилиб кетди ва кета туриб қўшиб қўйди:

— Мен бунини руҳонийга бераман, дуо қилиб юрсин!

— Мана бу мутаассибликни қаранг! — деди фармацевт нотарнусга энгашиб.

Йиғилиш тамом бўлди, оломон тарқалди, нутқлар ирод этилди, энди ҳар ким яна эски жойини эгаллади, ҳамма нарса ўз изига тушди: хўжайинлар хизматкорларни уришар, улар бўлса қорамолларни шохларида яшил чамбарлар билан ўз офилхоналарига қайтапган бепарво триумфаторларни¹ калтаклашар эдилар.

Шу орада миллий гвардиячилар милтиқларнинг найзасига булка санчиб олиб, шаҳар маъмуриятининг иккинчи қаватига кўтарилишди, батальон ноғорачиси саватда вино билан олдинда борарди. Бовари хоним

¹ Зафар қаҳрамонлари.

Родольфни қўлтиқлаб олди. Родольф уни уйигача кузатиб борди ва пиллапоя олдида улар хайрлашишди, Родольф тантанали зиёфат олдидан бир оз сайр этгани ўтлоқ томон кетди.

Яхши тайёрланмаган зиёфат узоқ ва шовқин-сурон билан ўтди. Стол атрофида одамлар тикилиб ўтиришар, зўрға-зўрға тирсакларини қимирлатишар эди; скамейка ўрнида ишлатилган ингичка тахталар, ҳадемай, синиб кетадигандек туйиларди. Овқатни қоринлари шишиб кетгунча ейишди. Ҳар ким тўлаган ҳақининг ҳиссасини чиқаришга уринарди. Пешаналаридан тер қуйилди. Стол устида, турли-туман лампалар орасида, ҳидли дарё тепасида кузнинг эрта туманидек оқиш буг сузиб юрарди. Родольф чодирнинг коленкор астарига суяниб олиб, фақат Эмма тўғрисида ўйларди, ҳеч нарса эшитмасди. Унинг орқасида хизматкорлар ўт устида ифлос тарелкаларни устма-уст тахлашарди, ёнидагилар уни гапга солишарди, у жавоб бермасди. Унга вино қуйиб беришарди. Атрофида шовқин-сурон, унинг оғида эса сукунат ҳукмрон эди. У ўз хаёлида Эмманинг сўзларини, лаб тузилишларини жонлантирарди; Эмманинг юзи худди сеҳрли ойнадагидек киверларнинг жиғаларида порларди. Чодир деворларидаги бурмалар унинг кўйлак бурмаларига айланди.

Кечқурун мушакбозлик вақтида у яна Эммани кўрди, лекин у эри, Оме хоним, фармацевт билан бирга эди. Дорихоначи мушаклардан бир фалокат юз бермасин, деб ҳар дақиқа шерикларини ташлаб Биненнинг олдига чопар ва унга маслаҳат берарди.

Мушакбозлик асбоблари жаноб Тюваш номига юборилган, у бўлса эҳтиётдан то керак бўлгунча уларни ертўлага туширтириб қўйган эди, шунинг учун намлашиб қолган порох ёнмасди, энг муҳим манзара — ўз думини тишлаётган аждаҳо ҳечам чиқмасди. Ҳар замонда ночоргина рим шағами ёниб қоларди, анқайиб турган оломон бирдан қийқириб юборарди, бу қийқириққа қоронғида йиғитлар чимчилаб қитиқлаётган қизларнинг чинқириши қўшилиб кетарди. Эмма Шарлнинг пинжига суқилиб, бошини кўтариб қоронғи осмонда ракеталарнинг ўт сачратиб, парчаланишини жимгина кузатиб ўтирар эди. Машъал ёруғида Родольф унинг юзини аниқ кўрарди.

Бироқ машъаллар бирин-кетин ўчди. Юлдузлар ча-

рақлади. Бир неча томчи ёмғир ёғди, Эмма бошига дур-
рача ўраб олди.

Шу дақиқа қовоқхона дарвозасидан маслаҳатчи-
нинг коляскаси чиқди. Аравакаш маст эди, шу заҳо-
ти ухлаб қолди; икки фонуснинг ўртасида тасмалар
билан ўрнатилган кузов силкинган сари юқорида, у
ёқ-бу ёққа қийшайиб бораётган аравакашнинг беўхшов
гавдаси кўринарди.

— Йўқ, нима десангиз ҳам, ичкиликбозлик билан
қаттиқ кураш олиб бориш керак! — деди дорихоначи. —
Ихтиёр менда бўлса, мен ҳар ҳафта: ad hoc¹ шаҳар
маъмурияти биносининг эшиги тепасига мана шу ўт-
ган ҳафта ичида ўзини ичкилик билан заҳарлаган ки-
шиларнинг фамилиясини кўрсатиб қоғоз осиб қўярдим.
Статистика нуқтан назардан, ҳар эҳтимолга қарши
булар намунали бир жадвални ташкил қилишарди...
Кечирасиз!

Шу сўзлар билан у солиқ инспектори олдига югуриб
кетди.

Бине уйга шошиларди. У ўзининг станогини соғи-
ниб қолганди. — Бирор кишини юбора қолсангиз ёмон
бўлмасди, — деди Оме, — ё ўзингиз борсангиз...

— Э, жонимга тегдингиз-ку, — деди солиқ инспек-
тори, — нимадан мунча қўрқасиз?

— Хотиржам бўлинглар! — деди дорихоначи шерик-
лари олдига қайтиб, — Бине, ҳамма чоралар кўриб қў-
йилган, деб кўнглимни тинчитди. Битта учқун ҳам
тушмайди. Насосларда сув тўла. Юринглар, ухлагани
кетдик.

— Рост, мени аллақачондан бери уйқу босяпти, —
деди Оме хоним ширин эснаб, — Майли, бу ҳеч гап
эмас, лекин кунни ажойиб ўтказдик-да!

Родольф Эммага мулойим тикилиб туриб, астагина:

— О, ростдан ҳам жуда ажойиб! — деб такрорлади.

Ҳаммалари хайрлашиб, уй-уйларига тарқалишди.

Орадан икки кун ўтгач, «Руан машъали» газетаси-
да кўргазма ҳақида катта мақола чиқди. Илҳоми тў-
либ-тошган жаноб Оме байрам тугаши билан эртасига
ёқ уни ёзиб юборган эди. Мақола бундай бошланарди:

«Ажабо, қаердан келди бу ажойиб шодагуллар,
гулчамбараклар? Экинзорларимизни қовжиратадиган

¹ Шу мақсад билан (лат.).

қуёшдан ҳам ҳароратлироқ нур устига ёгилиб турган оломон мавж урган денгиз тўлқини каби қаерларга оқиб бормоқда?♦

Кейин у деҳқонларнинг турмушини баён этган эди:

♦Ҳукумат уларга шубҳасиз жуда кўп ёрдам беради, лекин булар ҳали етарли эмас! — Жасорат керак.— деб хитоб қилган эди фармацевт ўз мақоласида.— Бир қатор ислохотлар ўтказиш ва уларни амалга ошириши керак!♦ Маслаҳатчининг келиши ҳақида ёзганда у «жанговар милициямиз» ва «бизнинг қишлоқ сатангла-римиз»ни, оломон ичнда оқсоқоллар қиёфасидаги те-пакал чоллар, «ўтмишдаги аждодларимизнинг қол-диқлари, ноғораларнинг мардонавор гумбурлашидан юраклари уриб кетган қариялар» тўғрисида эслатиб ўтишни унутмаганди. Жюри аъзоларини номма-ном са-наб, энг олдин ўзининг номини тилга олган ва агро-номлар жамиятига сидр ҳақида мақола юборган ўша Оме, фармацевт эканини алоҳида эслатиб ўтган эди. Мукофотларнинг берилишига ўтганда, лауреатларнинг шодлигини жуда ҳам ажойиб мақтовлар билан баён этганди.

♦Ота ўғлини, ака укани, эр хотинни қучоқларди. Ҳамма бир-бирига гурур билан ўзларининг камтар ме-далларини кўрсатишарди, шубҳасиз, улар медалларни азиз умр йўлдоши ёнига қайтишганда, кўзларида ёш билан шинам кулбанинг деворига осиб қўйишарди.

Соат олтиларга яқин улуг байрам таитанасининг иш-тирокчилари жаноб Льежарнинг ўтлоғида ёзилган зиё-фат дастурхони устида учрашдилар. Зиёфат самимий, дўстлик руҳида ўтди. Жаноб Льевен монархнинг соғ-лиғига қадаҳ кўтарди: «Жаноб Тюваш, префект учун! Жаноби Дерозере, зироатнинг равнақи учун! Жаноб Оме, ака-сингиллар: санъат ва саноат учун! Жаноб Леплише, мелиорация учун! Кечқурун порлоқ мушак-лар тўсатдан ҳаво бўшлиғини ёритиб юборди. Бу чина-кам калейдоскоп, опера декорацияси эди, бир зумда бизнинг сокин шаҳарчамиз сеҳрли «Минг бир кеча» афсонавий муҳитига кўчирилгандек бўлиб кетди.

Шу куни аҳоли кўнглини хира қиладиган бирор ҳо-диса юз бермаганлигига гувоҳлик беришни ўз бурчи-миз деб биламиз».

Жаноб Оме яна шу жумлаларни қўшиб қўйган эди:

«Лекин руҳонийларимизнинг бўлмаганлиги яққол кўзга ташланди. Эҳтимол, диний доираларда тараққиётни ўзларича тушунсалар керак. Начора! Ихтиёр ўзингизда жаноб Лойоллар!»

IX

Орадан бир ярим ой ўтди. Родольфдан дарак бўлмади. Ниҳоят, бир кун кечқурун у кириб келди.

Кўрғазманинг эртасига у ўз-ўзига: «Танаффус қиламиз, бўлмаса ишнинг пачаваси чиқиши мумкин»,— деган эди.

Ҳафтанинг охирида овга чиқиб кетди. Овдан қайтган куни, вақт ўтди, деб ўйлади, кейин шундай хулосага келди:

«Агар у мени биринчи кунидек севиб қолган бўлса, ҳижрон бу ҳиссиётни кучайтиргандир. Яна бир оз шопмай турамиз».

Родольф залга кириб келганда Эмманинг ранги ўчиб кетганини кўрди. Родольф ўзининг мўлжали тўғри эканига қаноат ҳосил қилди.

Эмма ёлғиз эди. Оқшом тушмоқда. Ойналардаги юпқа пардалар қоронғиликни қуюқлаштиради. Ойнада, маржонли полипнинг шохлари ораллигида тилла суви югуртирилган барометрнинг жилоси аксланади.

Родольф ҳамон тик турарди. Унинг эҳтиром билан айтиладиган биринчи жумласига жавоб бериш Эмма учун жуда қийин экани кўриниб турарди.

— Мен банд эдим,— деди у.— Кейин касал бўлдим.

— Хатарлимиди касалингиз?— деб юборди Эмма.

— Йўқ!— у билан ёнма-ён ўтира туриб деди Родольф.— Шунчаки... бундан буёқ сизникига келмасликка қарор қилдим.

— Нега?

— Фаҳмамаяпсизми?

Родольф унга яна шунчалик ҳирс билан тикилиб боқдики, Эмма қизариб кетди, ерга қараб олди.

— Эмма...— яна гап бошлади у.

— Муҳтарам жаноб!— деди Эмма салгина орқага силжиб.

— О, мана энди менинг нақадар ҳақли эканлигини ўзингиз кўриб турибсиз, бундан кейин келмай қўя қолай деганимнинг маъноси ҳам шу-да!— ўкинч билан жавоб берди Родольф.— Сизнинг исмингиз қалбимда

бетним акси садо бериб туради. Бейхтиёр лабларимдан чиқиб кетади, сиз бўлсангиз номингизни тилга олишимни ман қиласиз! Бовари хоним!.. Ҳамма сизни шундай деб атайдилар!.. Ҳа, бу сизнинг исмингиз эмас, бу бошқа кишининг исми! Бошқаники! — такрорлади у ва қўллари билан юзини бекитди. — Ҳа, мен ҳамма вақт сизни эслайман!.. Бу хаёл менга тинчлик бермайдилар! О, кечиринг мени!.. Биз бошқа кўришмаймиз... Алвидо!.. Мен узоқ-узоқларга кетаман. Шунчалик олис ерларга кетаманки, сиз ортиқ менинг ҳақимда ҳеч нарса эшитмайсиз!.. Шунга қарамай, бугун мени қанақадир куч сизга тортди! Осмон билан олишолмайсанкиши, фариштанинг табассуми олдида лолсан! Барча гўзаллик, жозибадорлик, латофат бейхтиёр ўзига тортади.

Эмма бунақа сўзларни биринчи топқир эшитиши эди. Бу сеҳрловчи жумлалардан унинг иззат-нафси худди илиқ ваннада ўтиргандек роҳат қилмоқда эди.

— Ҳа, мен келмадим, — давом этди у, — сизни кўра олмасдим, бироқ атрофингизни қуршаган ҳар бир нарсадан баҳра олардим. Тунлари... ҳар тун ўрнимдан туриб, бу ерга келардим. Уйингизга, ой ёруғида йилтираётган томингизга, ойналарингиз тагида тебранган дарахтларга, дераза ойналаридан зулматни ёритиб турган тунги чирофингизнинг нурига суқланиб боқардим. Сиз бўлсангиз, анави ерда шунчалик яқин, шу билан бирга шунчалик узоқ, бебахт жафокашдан бехабар эдингиз...

Эмма унга ўгирилиб қаради.

— Қанчалик олижаноб одамсиз! — деди титроқ овоз билан Эмма.

— Йўқ, шунчаки, мен сизни севаман, фақат шу холос! Сиз буни сезмагансиз! Айтнинг, азизим, биттагина сўз айтнинг! Фақат бир оғизгина!

Родольф сездирмасдан табуреткадан полга тушди, лекин шу чоқ ошхонада оёқ товуши эшитилди, эшик берк эмаслигини сизди.

— Утинаман, — деди у ўрнидан тураётиб, — менинг биттагина хоҳишимни бажаринг!

У Эмманинг уйини кўрмоқчи, унинг қандай яшашини билмоқчи эди.

Бовари хоним, бунинг ҳеч қанақа айби йўқ, деб хулоса чиқарди, лекин улар энди туришувди ҳамки, Шарль кирди.

— Салом, доктор, — деди Родольф.

Кутилмаган бу унвондан боши осмонга етган Шарль анча ёқимли гаплар айтиб юборди, Родольф эса бу вақт кижэллат тортди.

— Хотинингиз соғлиқларидан шикоят қилаётган едилар, — деб гап бошлади у.

Шарль унинг гапини бўлди. У ўзи хотинидан ташвишланади, унда яна диққинафас бошланди.

— Хонимга отда сайр этиш фойда бермасмикин? — деб сўради Родольф.

— О, бўлмасам-чи! Жуда ҳам яхши! Жуда соз!.. Ажойиб фикр! Албатта от миниб сайр этишни бошла, азизим!

Эмма унга эътироз билдириб, оти йўқлигини айтди. Родольф ўз отини таклиф қилди. Эмма рад этди. Родольф қистамади. Кейин келишининг сабаби, қон олдирган отбоқарнинг боши айланиши қолмаганлигини айтиб, маслаҳат олмоқчи эканини билдирди.

— Узим уйингизга кириб ўтарман, — деди Бовари.

— Йўқ, йўқ, мен унинг ўзини олдингизга юбораман, бирга келармиз, нега энди сиз овора бўлишингиз керак?

— Жуда соз, ташаккур.

Эр-хотин ёлғиз қолишгандан кейин Шарль Эммдан сўради:

— Нега Буланженнинг таклифини рад этдинг? Шунчалик илтифот қиляпти, барака топкур!

Эмманинг юзида норозилик ифодаланди, у минг хил баҳоналарни қидирди, ахири, «Одамларнинг кўзига галати кўринади», — деб қўйди. — Бе, кўринса-кўринар! — деди Шарль ва бир оёгининг учида туриб чир айланди... Аввало, саломатлик керак! Бекор айтибсан!

— Қанақа қилиб мен отда юрарканман? Амазонкам¹ йўқ-ку?!

— Ҳа, буюртир қўй! — жавоб берди Шарль.

Бу гап Эммага маъқул тушди.

Костюм тайёр бўлгандан сўнг Шарль Буланжега хотинининг рози эканини, унинг илтифотига мунтазир эканликларини ёзиб хат юборди.

Эртасига худди соат ўн иккида Родольф иккита салт от билан эшик олдида тайёр бўлди. Уларнинг биттаси-

¹ Аёллар от миниб юрганда киядиган кийими.

да кийик терисидан қилинган аёллар эгари, лунги ранг попуклар отнинг қулоқларини беркитиб турарди.

Родольф енгил этик кийиб олибди, Эмма бунақаларни умрида кўрмаганига имони комил эди. Ҳақиқатан ҳам у духоба фрак ва оқ рейтузда зинапоя майдончасига югуриб чиққанда, Эмма унинг кўринишидан завқланиб кетди. Эмма тайёр бўлиб уни кутиб ўтирган эди.

Жюстен Эммани кўриш учун дорихонадан югуриб чиқди, фармацевтнинг ўзи ҳам чиқишни лозим топди. У Буланжега насиҳат қилди:

— Эҳтиёт бўлинг! Фалокат оёқ остида! Отларнингиз ювошми?

Эмма тепасида шақиллаган овоз эшитди — бу кичкина Бертани ўйнатиш учун Фелисите деразани чертмоқда эди. Қиз онасига ҳавойи ўпич юборди, Эмма қамчинини силкитиб жавоб берди.

— Яхши ўйнаб келинглар! — қичқирди жаноб О.с.
— Лекин ниҳоятда эҳтиёт бўлинглар!

Шуни деб орқаларидан газетани силкитди.

Кенгликка чиқиб олгандан сўнг Эмманинг оти лўкиллаб чопиб кетди. Ёнида Родольф от чоптириб борарди. Аҳён-аҳёнда Эмма билан Родольф гаплашишарди. Бошини салгина энгаштириб, югани баланд ушлаб, ўнг қўлини эса осилтирганча Эмма, эгарда кўтариб ташлаётган сакраш йўсинига монанд силкиниб борарди.

Тог этагида Родольф тизгинни бўшатди, улар айнан бир вақтда тизгинни бўшатишди, тепаликка чиққач, отлар бирдан тўхтади, узун, қора тўр Эмманинг юзини бекитиб турарди.

Октябрнинг дастлабки кунлари эди. Далалар тепасини туман босган. Уфқда, тепаликларнинг ораллигида пага-пага буглар сузиб юрар, кўтарилар ва эриб кетар эди. Булутларнинг ораларидан, олисларда, қуёш нури ёритган Ионвилнинг томлари, дарёга туташиб кетган боғлар, деворлар, ҳовлилар, бутхона қўнгироқхонаси кўринар эди. Эмма кўзларини қисиб, ўз уйини топишга уринар ва ҳеч қачон унга мана бу хароб шаҳарча шунчалик кичкина кўринмаган эди. Улар турган баландликдан бутун водий ҳавода бугланаётган, сутдек оқ кўлга ўхшар эди, баландликка кўтарилган ўрмонлар қора қояларга ўхшар, туман ичидан чиқиб турган

азим тераклар шамолда тебранаётган қирғоқ йўлини ҳосил қилгандек кўринарди.

Ундан нарида, ўтлоқда, арчалар орасида илиқ ҳавода хира ёғду жимираб турар эди. Тамаки чангига ўхшаш қўнғир ер оёқ товушини пасайтирарди. Отлар тақаланган туёқлари билан ерга тушган арча бужурларини атрофга сочишарди Родольф билан Эмма ўрмон четидан кетмоқда эдилар. Баъзан Эмма кўз кўзга тушмаслиги учун бошқа ёққа қараб олар, фақат унинг кўзини қамаштириб бораётган бепоён арча қаторларини кўрарди, холос. Отлар пишқиришар, чарм эгарлар ги-жир-ғижир қиларди.

Улар ўрмонга кириб бораётган дақиқаларида қуёш кўринди.

— Худо ўзи бизни ёрлақайди, — деди Родольф.

— Сиз шундай деб ўйлайсизми? — сўради Эмма.

— Олга, олга!

У тилини тақиллатди, отлар чопишиб кетди.

Эмманинг узангисига йўл бўйидаги узун-узун қирққулоқлар ёпишарди. Родольф тўхтамасданок, энгашиб уларни узиб ташларди. Баъзи-баъзида у шохларини очиб учун Эммага етиб оларди, шунда Эмма унинг тиззалари оёгига тегаётганини сезарди. Ҳаво очилиб кетди. Дарахт барглари қилт этмасди. Родольф ва Эмма ёввойи ўтлар гуллаб ётган кенг ялангликдан ўтиб боришарди. Бу бинафша ранг гиламлар дарахт барглари-нинг рангига кўра ҳали кул ранг, ҳали қўнғир, ҳали тилла ранг қалин ўрмонлар билан алмашинарди. Қаср-дадир буталарнинг тагидан қанотларнинг париллаши эшитилади, эман дарахтларига қўнган қарғалар бўғиқ ва паст овозда қағиллашарди.

Родольф ва Эмма отдан тушишди. Родольф отларни боғлади. Эмма арава излари оралиғидан, қатқалоқдан олдинга юриб кетди.

Узун кўйлаги халақит берарди, у этагини кўтариб олди ва Родольф унинг орқасидан кетаркан, қора шол кўйлак билан қора ботинка оралиғидаги нафис оқ пайпоқнинг бир қисмини кўрди, ўзича унинг яланғоч баданининг бир бўлакчасини кўргандек бўлди.

Эмма тўхтади.

— Чарчаб кетдим, — деди у.

— Тағин жиндаккина юрайлик, — деди Родольф. —
Бир оз сабр қилинг!

Юз қадамча юриб, у яна тўхтади. Эркакча шляпасидан осилиб тушган ложувард тўлқинда сузаётгандек, гоҳ ўнг сонига, гоҳ чап сонига урилаётган оч қабо ранг тобланувчи нафис ўртукдан Эмманинг юзи кўринарди.

— Қаёққа кетяпмиз ахир?

Родольф жавоб бермади. Эмма ҳарсиллаб нафас оларди. Родольф атрофга олазарак қарар ва мўйловини тишлаб-тишлаб қўярди.

Улар майда дарахтлар кесиб ташланган кенг ўрмон йўлга чиқишди, йиқилиб ётган дарахт поясига ўтиришди. Шунда Родольф ўз севгиси ҳақида сўз очди.

Бошида Эммани бирдан чўчишиб қўймаслик учун унча хушомадгўйлик қилмади. У мўмин, жиддий, қайғули эди.

Эмма унинг гапларини бошини қуйи солиб, ботинкасининг учи билан ердаги пайрақаларни титиб ўтириб эшитарди.

Ниҳоят у:

— Ажабо, кўнглимдан кўнглингиз сув ичмаяптими?— деб сўраган эди, унга Эмма:

— Йўқ, йўқ! Ўзингиз биласиз-ку. Бунинг иложи йўқ,— деб жавоб қилди.

Эмма ўрнидан туриб яна олға юрди. Родольф унинг қўлини ушлади. Эмма тўхтаб унга намланган, ишқ ўтида ёнган кўзлари билан узоқ тикилди ва кутилмаганда тез-тез гапирди:

— Қўйинг, шу ҳақда гаплашмайлик!.. Қани отларимиз? Кетайлик уйга!

Родольф жаҳли чиқиб, хафа бўлгандек, кескин ҳаракат қилди, Эмма такрорлади:

— Қани бизнинг отларимиз? Қани отларимиз?

Родольф ғалати кулди, тишларини гижирлатди, қўлларини кериб Эммага тик қараганча, у томон юра бошлади. Эмма чўчиб кетди, орқага ташланди.

— Қўйинг, чўчитманг мени! Ғашим келяпти! Юринг кетамиз!— жаврарди у.

— Ихтиёрингиз,— деди ранги ўзгариб Родольф.

У яна боягидек одобли, хушмуомала ва итоаткор бўлиб олди. Эмма қўлини берди, улар орқага қайтишди.

— Сизга ҳали нима бўлувди?— гап бошлади Родольф.— Сабаби нима? Ақлим бовар қилмайди! Сиз

мени тўғри тушунмадингиз чоғимда! Менинг қалбим-да сиз тамалда турган мадоннадайсиз, сиз у ерда энг юқори, мустақкам ва гард юқмаган жойни эгаллагансиз! Мен сизсиз туролмайман! Сизнинг кўзингизни кўрмай, овозингизни эшитмай, сизнинг фикрингизни эшитмай яшай олмайман! Дўстим бўлинг, синглим бўлинг, менинг фариштам бўлинг!

У қўлини узатиб, Эмманинг белидан қучоқлаб олди. Эмма унинг қўлидан чиқиш учун салгина уришиб кўрди, лекин у қўйиб юбормади, юришда давом этаверди.

Бирдан улар отларнинг киртиллатиб ўт чайнаётганини эшитишди.

— Шошманг!— деди Родольф,— шу ерда озгина турайлик! Қола қолинг!

Унинг белидан қучоқлаганича, устини кўк пўпанак қоплаган кичкина ҳовуз ёқалаб кетди. Қамишлар орасидан ўсган сўлгин нилуфарлар қимир этмай турар, қурбақалар майсалар устидан юриб келаётган оёқ товущини эшитиб, ўзларини сувга ташлашарди.

— Мен беақл, нима қиляпман? Нима қиляпман-а?— такрорларди Эмма.— Гапингизга қулоқ солишим керак эмас эди!

— Нега?.. Эмма! Эммагинам!

— О, Родольф!— деди чўзиб Эмма ва унинг елкасига бош қўйди.

Эмманинг кўйлагини унинг бахмал фрагига илашди, у бошини орқага ташлади. Чуқур хўрсинишдан унинг оплоқ бўйини таранг тортилди, аъзойи бадани титраб кетди ва юзини икки қўли билан бекитиб, ёш тўла кўзлари билан ихтиёрсиз ҳолда Родольфга ўзини топширди.

Шом сояси тушмоқда эди. Шохлар орасидан ўтаётган қуёшнинг синиқ шуълалари Эмманинг кўзини қамаштирарди. Унинг атрофида, у ерда-бу ерда, баргларга ва ерга танга-танга шуълалар тушиб турар, гўё колибрилар¹ уча туриб, патларини ташлаб кетаётганга ўхшарди. Атроф тип-тинч. Дарахтлар сокин. Эмма яна юраги ўйнаб кетаётганини, вужудига илиқ қон югурганини сизди. Бирдан қаердадир, узоқ ўрмон

¹ К о л и б р и — трояк мамлакатларда яшовчи ранг-баранг патли митти қуш.

ортидан, нариги тепаликдан ноаниқ чўзиқ овоз, кимнингдир ёқимли товуши эшитилди ва Эмма жимгина қулоқ солди, бу куй-гўёки унинг ҳаяжонланган асабларининг титроғи аста-секин босилишига жўр бўлаётгандек туйиларди. Родольф оғзида сигара, қаламтароши билан узилиб кетган тизгинни тузатмоқда эди.

Ионвилга ўша йўл билан қайтишди. Улар лойда ёнма-ён юрган ўз отларининг изларини кўрдилар, ўша буталар, ўша ўтлар орасидаги тошларни кўрдилар. Бояги-боягидек атрофда ҳеч нарса ўзгармабди. Лекин Эмманинг қалбида ўзгариш пайдо бўлди, бу ўзгариш у учун атрофдаги тоғлар ўрнидан силжиганидан ҳам муҳимроқ эди. Родольф дам-бадам энгашиб, унинг қўлини ўпиб қўярди.

Салт от устида Эмма ҳозир жуда ҳам жозибадор, дилбар эди. Эгарда у қаддини ростлаб ўтирар, гавдаси икчам, букилган тиззаси от ёлига тегиб турар, юзи очиқ ҳаводан ва шафақ нуридан гул-гул ёнарди.

Эмма Ионвиль кўчаларидан отини гижинглатиб ўтди. Одамлар деразаларидан унга қарашди.

Овқат маҳалида эри унга ранги кириб қолганини айтди. Сайрдан хурсандмисан, деб сўраганда Эмма ўзини эшитмаганга солди, у ҳамон, иккита шағам ёқиб қўйилган столга тирсагини қўйганча тарелкага энгашиб ўтирарди.

— Эмма! — деди Шарль.

— Нима?

— Биласанми, мен бугун Александрнинг олдига борувдим. Унинг битта қари бияси бор, тузуккина, фақат тиззасидан озроқ юнги тўкилган, юз экюга беришига ишонаман... Мен сенга совға қилишни истардим. Шунинг учун оладиган бўлиб келдим... Сотиб олдим ҳам... — қўшиб қўйди у. — Яхши қилибманми? Хўш? Нега индамайсан?

Эмма маъқуллаб, бош ирғади. Орадан чорак соат ўтгандан кейин:

— Кечқурун у ёқ-бу ёққа борасанми? — деб сўради.

— Ҳа. Нимайди?

— Шунчаки сўрадим-да, азизим, шунчаки!

Шарлдан қутулиши билан у, шу заҳоти ўз хонасига кириб, ичидан бекитиб олди.

Аввало, қанақадир шайтоннинг васвасаси босди,

У кўзлари олдида дарахтлар, йўллар, зовурларни, Родольфни кўрар, унинг иссиқ қучоғини ҳозир ҳам ҳис қилар, барглар, қамишларнинг шитирлашини эшитарди.

Кейин у ойнага қараб, юз ифодаси шунча ўзгариб кетганидан таажжубланди. Авваллари унинг кўзлари бу қадар тим қора, бу қадар теран эмасди. Қиёфасида пайдо бўлган қанақадир ноаниқ ифода унинг сиймосини ўзгартириб юборган эди.

«Менинг ўйнашим бор! Ўйнашим!» — такрорлади у, худди янгидан балоғатга етгандек ўз фикридан қувониб. Демак, энди у бахт ҳаяжони аллақачонлар умидини узган севги қувончига муяссар бўлди. Энди унинг қошида эҳтирос, шавқ-завқ, беқиёс ҳаяжон ҳукмронлик сурган ажойиб бир дунё очилди! Унинг атрофини мовий бепоёнлик ўраб олди, хаёл ҳиссиётнинг аланга олаётган чўққиларига етди, ҳаёт икир-чикирлари эса фақат қаердадир, олисда, тепаликлар орасидаги чуқурликда кўзга чалинарди.

Уқиган асарларидаги қаҳрамон аёлларни кўз олди-га келтирди ва бевафо хотинларнинг шодиёна қўшиқлари унинг хотирасида азиз сеҳрли овоздек янгради. Энди унинг ўзи яккаю ягона жонли бир жисм бўлиб ана шу афсоналар доирасига кирди, илгарилари унда шу қадар зўр ҳасад уйғотган маъшуқалар образига кирганлигига, ёшликдаги орзу-умидлари ушалаётганлигига ишонди. Тагин у қониқтирилган қасос кайфини сурмоқда эди. Ахир у бу кунларга етолмай, озмунча толиқдимми? Мана энди у тантана қиларди ва узоқ вақтгача нўхталанган эҳтирос шодиёна жўшқин оқим каби отилиб чиқди. Эмма ундан бетиним, бамайлихотир ва андишасиз ором оларди.

Иккинчи кун янги навозишлар билан ўтди. Родольф ва Эмма қасамёд этишди. Эмма унга ўзининг аввалги ҳасратларини гапириб берди. Родольф бўсалар билан унинг сўзларини бўлар, Эмма бўлса унга ярим юмуқ киприклари орасидан тикилиб, яна бир марта номини айтишини, севишлигини қайта-қайта айтишини сўрарди. Бугун ҳам кечагидек яна ямоқчининг ўрмондаги бўш чайласида учрашишди. Чайланинг девори похолдан, шипи шунчалик паст эдики, ҳадеб энгашишга тўғри келарди. Улар хазонлар устида бир-бирларига қарама-қарши ўтиришар эди.

Шу кундан бошлаб улар бир-бирларига ҳар оқшом хат ёзадиган бўлишди. Эмма боғнинг энг охирига, дарё ёқасига тушарди-да, жарнинг ёриқ жойларидан бирига ўз мактубини тикарди, Родольф бу ерга хатга келиб, ўрнига ўз хатини қўйиб кетарди. Лекин бу хатлар доим Эммага жуда қисқа бўлиб кўринарди.

Кунлардан бир кун Шарль тонг отмасданоқ қаергадир жўнаб кетди ва Эмма шу заҳотиёқ Родольф билан кўришгиси келди. У Ла Юшетга бориб, у ерда бир соатча бўлиб, ҳамма ухлаётган вақтда яна Ионвилга қайтиб келиши мумкин эди. Шу фикрнинг ўзиданоқ тугилган зўр аҳтиросдан нафаси сиқилиб кетди ва бир оздан кейин у ҳеч ёққа қарамасдан, тез-тез қадам ташлаб ўтлоқ бўйлаб жўнаб қолди.

Тонг ота бошлади. Эмма узоқдан оқариб келаётган осмон фонида қорайиб кўринган иккита учи найза флюгерни кўриб, шу уй ёрининг уйи эканини билди.

Ферманинг орқа томонида алоҳида уй бор эди, ҳойнаҳой, ер эгаси худди шу уйда турса керак. Эмма бу уйга шундай кирдики, гўё у яқинлашиши билан деворлар ўз-ўзидан ёрилиб, унга йўл бергандек бўлди. Узун зинапоя у ёқ-бу ёққа бурилмасдан тўғри йўлакка олиб борарди. Эмма эшикни очди ва бирдан хонанинг ичкарасида ухлаб ётган кишини кўрди. Бу Родольф эди. Эмма чинқириб юборди.

— Бу сенмисан? Сенми? — деб такрорлади у. — Қанақа қилиб келдинг?.. Қара, кўйлагинг ҳўл!

— Севаман сени! — деди унинг бўйнидан қучоқлаб Эмма.

Бу жасурона иш яхшилик билан тугади ва энди ҳар гал Шарль эрта туриб чиқиб кетганда Эмма шошилиб кийинар ва тош зинадан оёғининг учи билан юриб, дарё бўйига тушарди.

Агар сигирлар учун қўйилган яккачўп кўприк жойида бўлмаса, унда боғ тўсиғининг тагидан қиргоқ бўйлаб кетишга тўғри келарди. Қиргоқ сирпанчиқ бўларди. Йиқилиб кетмаслик учун Эмма сўлиб ётган левкой¹ни ушлаб-ушлаб зўрға юрарди. Кейин у лойга бота-бота, қоқила-суқида, нозик ботинкасини булгаб, ҳайдалган ерни тўппа-тўғри кесиб чиқарди. У ҳўкизлардан қўрқарди, шунинг учун яйловдан оёғини қўли-

¹ Л е в к о й — ранг-баранг очиладиган гул.

га олиб чопарди, дуррачаси шамолда ҳиялирарди. Родольф олдига у ҳаллослаб, қип-қизариб кирарди ва ундан ёшликнинг соғлом хушбўй ҳиди, кўкатлар ва соф ҳаво ҳиди анқиб турарди. Родольф одатда уялаб ётарди. Эмма билан бирга унинг хонасига гўё баҳор тонги киргандек туйиларди.

Деразага тутилган сариқ пардалар ташқаридан тушаётган қуюқ олтинсимон дурларни юмшатарди. Эмма пайпасланиб, кўзини сал юмиб кирарди ва унинг сочларида шудринг томчилари қимматбаҳо тошлардан ясалган гулчамбардек йилтиллаб турарди. Родольф кула-кула уни ўзига тортиб бағрига босарди.

Кейин Эмма хонани кўздан кечирар, галадонларни тортар, Родольфнинг тароғи билан сочини тарар, унинг соқол оладиган ойначасига қарар эди. Кўпинча, у ҳатто тун столчаси устида лимон бўлакчалари, қандлар орасида сув тўла графин ёнида ётадиган узун чубуғини оғзига олиб кўрарди.

Хайрлашишнинг ўзига чорак соатча кетарди. Кета туриб Эмма йиғларди, у Родольф билан бир умр бирга бўлишни истарди. Қанақадир, енгиб бўлмайдиган бир куч уни Родольфга тортарди. Бироқ бир кун тасодифан унинг олдига келганда Родольф афсуслангандек пешанасини тириштиради.

— Сенга нима бўлди? — сўради Эмма. — Бетобми-сан? Айт тезроқ!

Ниҳоят Родольф жиддий бир оҳангда ҳар қанақа эҳтиёткорликни унутганлиги, бу юриш-туриш уни маломатга қолдириши мумкинлигини айтди.

Х

Вақт ўтиши билан Родольфнинг хавфсираши Эммага ҳам таъсир қилди. Дастлабки кунларда у ишқ-муҳаббат билан маст бўлиб, бошқа ҳеч нарса эсига келмасди. Бироқ энди бу севги Эмма учун ҳаётий зарурият бўлиб қолганлиги туфайли лоақал унинг бирорта заррачасидан ҳам ажралгиси келмас, бирор нарса билан бу севгига шикаст етказишни истамасди. Родольф олдидан қайта туриб, у атрофга олазарак бўлиб қарар, бирорта одам қараб турмаганмикин ёки бирорта деразадан уни кўриб турмаганмикин, деб алангларди,

У оёқ товушларига, овозларга, гилдиракнинг тўқиллашига қулоқ солар, бирдан ранги қув ўчиб, тепасида қилпираётган терак баргидек титраб, тўхтаб қоларди.

Бир кун эрталаб у уйига қайтаётганда, бехосдан карабиннинг узун қувурини кўриб қолди. Бу гўё унга ўқталиб тургандек туюлди. У зовурнинг четида, кўкат ичига яшириб қўйилган бочкадан чиқиб турарди. Даҳшатдан Эмманнинг оёқ-қўли бўшашиб кетди, лекин, барибир, юришда давом этаверди, шу чоқ бирдан худди қутичадан чиққан ажинадек, бочкадан бир одам сакраб чиқди. Унинг гетрининг ипи то тиззасигача боғланган, фуражкаси кўзига тушиб турарди. Унинг лаблар: дириллаб, бурни қип-қизариб кетган эди. Бу — парранда овлаб юрган капитан Бине эди.

— Менга овоз бериб чақирингиз керак эди! — деди шанғиллаб Бине. — Қўролни кўргандан кейин албатта оғоҳлантириш керак.

Солиқ инспектори қўрқиб кетганини шундай қилиб тушунтиришга уринган эди. Гап шундаки, префект ўрдакларни фақат қайиқда овлашга рухсат берганди, шундай қилиб, қонун ҳимоячиси жаноб Биненнинг ўзи бу буйруқни бузганди. Мана шунинг учун солиқ инспекторнинг назарида у худди дала қоровули олди-дан чиқиб қолаётганга ўхшайверди. Лекин хавф-хатар тушунчасининг ўзи овнинг гаштини оширар ва Бине бочкада ўтириб, ўзининг кашфиётидан завқланиб кайф қиларди.

Эмман таниганидан кейин елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди ва у билан гаплашишга уринди.

— Бугун анча совуқ-а! Баданни жунжитаяпти!

Эмма унга ҳеч нима демади.

— Нечук бугун саҳарлаб йўлга чиқибсиз? — деб вайсақилик қиларди Бине.

— Шундай бўлиб қолди, — гўдирлади Эмма. — Қизим энаганикида, мен уни кўргани борувдим.

— Шундай денг? Жуда соз! Жуда соз! Мен бўлсам шу аҳволда саҳардан бери шу ерданман. Фақат ҳавонинг авзойи бузуқ, ёмон, агар парранда бурнингиз тагидан...

— Яхши қолинг, жаноб Бине, — деди Эмма унинг гаянига бўлиб, орқасига бурилар экан.

— Саломат бўлсинлар, хоним! — совуқ жавоб берди унга Бине ҳам.

Яна бочкага тушди.

Эмма солиқ инспекторининг гапни чўрт бўлганидан пушаймон қилди. Энди у, албатта Эммага иснод келтирадиган ҳар хил хулосалар чиқаради. Энага воқеаси жуда ҳам ўринсиз ўйлаб топилди. Бертани уйга олиб келишганига бир йил бўлганини бутун шаҳар биледи. Ундан кейин, бу яқин орада ҳеч қанақа турар жой йўқ. Бу йўл фақат Ла Юшетга олиб боради. Демак, Бине унинг қаердан келаётганини фаҳмлади, албатта, энди у жим турмайди, ҳаммага ёйиб юборади! Эмма қандай қилиб бу фалокатдан қутулсам экан, деб кечгача бош қотирди ва анави, кўкрагига ўқ таққан ҳўкиз ҳадеб кўз олдига келаверди.

Овқатдан кейин Шарль хотинининг нимадандир хафа эканлигини биллиб, фармацевтникига бориб кўнглини ёзиб келишга маслаҳат берди ва Эмма дорихонага кириши билан дафъатан, кўзига ташланган одам яна ўша инспектор бўлди! У пештахта олдида турар, унга қизил қуррадан ёруғ тушар эди. У:

— Марҳамат қилиб, менга ярим унций аччиқтош беринг, — дерди.

— Жюстен, қанн, бизга сульфат кислотасидан олиб кел-чи! — деди дорихоначи ва Оме хонимнинг олдига чиқиб кетмоқчи бўлиб турган Эммага қараб: — Йўқ, йўқ, шу ерда тура туринг, безовта бўлманг, ўзи ҳозир олдингизга тушади. Печка ёнида исиниб туринг... Кечиринг мени, азизим... Салом, доктор!.. (Шарлни доктор деб чақириш фармацевтга жуда ёқарди, гўёки тантанали равишда бошқа одамни улуғлаб, унга берилган бу унвоининг шуъласи ўзига ҳам тушиб тургандек туйиларди.) — Ҳой, эҳтиёт бўл, ҳовончани тушириб юборма! Залдан стуллар олиб чиқ, биласан-ку, меҳмонхонадаги креслоларни силжитиш мумкин эмас.

Шуни деб Оме креслони жойига қўйиш учун пештахта орқасидан югуриб чиқди, лекин шу чоқ Бине ундан ярим унций қанд кислота сўради.

— Қанд кислотаси? — қайта сўради дорихоначи энсаси қотиб. — Мен бунақасини билмайман, эшитган ҳам эмасман! Балки Шавел кислотасини хоҳларсиз? Шавел кислотаси берайми?

Бине овчилик қуролларидаги зангни кетказиш учун аччиқ модда кераклигини тушунтирди. Эмманинг юраги шиг этиб кетди.

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам боди ҳаво сизнинг ишингизнинг белига тепади,— шошилди гапни тасдиқлаш учун фармацевт.— Ҳаддан ташқари ҳаво рутубатли.

— Мана, баъзи бир одамлар намгарчиликдан ҳам қўрқишмайди,— қувлик билан жавоб берди инспектор.

Эмманинг нафаси оғзига тиқилди.

— Менга яна беринг...

«Улсаям туёғини шиқиллатмайди у» — деб ўйлади Эмма.

— ...ярим унций канифоль ва скипидар, тўрт унций сариқ мум ва яна марҳамат қилиб, бир ярим унций куйдирилган сўнгак беринг, бу билан амиркон камарни тозалайман.

Дорихоначи мумни кеса бошлади. Шу чоқ Ирмани кўтариб, ёнида Наполеон, орқасида Аталля билан Оме хоним кириб келди. Оме хоним дераза олдида турган, устига бахмал қопланган скамейкага ўтирди, бола табуреткага тирмашиб чиқди, унинг катта опаси бўлса дадасининг олдига югуриб бориб, уноби солинган қутича атрофида ўралаша бошлади. Дорихоначи воронкадан суюқликларни ўтказар, шишаларнинг оғзини беркитар, этикетка ёпиштирар, пакетчаларни боғларди. Атрофидагилар жим туришар эди. Ҳар замонда майда қадоқ тошларнинг жаранглаши, шогирдига шивирлаб буйруқ бераётган фармацевтнинг овози эшитиларди, холос.

— Қалай, кичкинтойнингиз, яхшими? — деб сўраб қолди бирдан Оме хоним.

— Секинроқ! — бақирди унга жаноб Оме хонаки дафтарига қанақадир рақамларни ёза туриб.

— Нега уни ўзингиз билан олиб келмадингиз? — сўради Эммадан Оме хоним паст овоз билан.

— Жим! Жим! — дорихоначига бармоғи билан ишора қилиб шивирлади Эмма.

Бироқ Бине ҳисоб-китоб қоғозларини диққат билан кўздан кечираётгани учун ҳеч нарса эшитмади. Кейин у чиқиб кетди. Эмма енгил тортиб чуқур нафас олди.

— Мунча оғир нафас олмасангиз? — деди Оме хоним.

— Анча дим экан бу ер, — деб қўйди Эмма.

Эртасига Родольф билан Эмма учрашиш учун бошқача йўл топиш керак, деган қарорга келишди.

Эмма хизматкор қизни бирор ҳада билан кўнглини олишга таклиф қилди. Родольф эса яхшиси Йонвилдан бирорта хилватроқ хона топиш маъқул, деди ва бирор жой топишга ваъда берди.

Родольф бутун қиш бўйи ҳафтада уч-тўрт марта ярим кечада унинг боғига келарди. Шарль боғ эшигининг калити йўқолган, деб ўйларди, аслида эса Эмма уни Родольфга бериб қўйганди.

Родольф келганини билдириш учун деразага бир қисим тупроқ отарди. Эмма эса ўрнидан сакраб турарди. Бироқ баъзан кутишга тўғри келарди, чунки Шарль камин олдида ўтириб олиб эзмалик қилишни яхши кўрарди. Эмманинг сабр косаси тарс ёрилай дерди. У Шарлга еб қўйгудек бўлиб қарар, кейин, ўзининг тунги пардоз-андозига шўнғиб кетар, сўнгра қўлига китоб олиб, худди ўқишга берилиб кетгандек индамай ўтирарди. Шу чоқ ўрнига ётиб улгурган Шарлнинг овози эшитиларди:

— Кела қолсанг-чи, Эмма! Ухлаш керак!— деб чақирарди.

— Ҳозир бораман!— деб жавоб берарди Эмма.

Шарлга чироқ халақит бергани учун деворга ўгирилиб ётиб уйқуга кетар эди. Шунда Эмма чала-чулпа кийиниб, титраб, лабларида табассум билан ўйнаши қузурига югурарди.

Родольфнинг кенг плаши бор эди. У Эммани ўраб, белидан қучоқлаганча боғ этагига олиб кетарди.

Бу учрашув ўша, устунлари чирий бошлаган, ёз оқшомларида Леон ўтирадиган ва Эммага ошиқона кўзлар билан тикиладиган шийпончадаги скамейкада юз берарди. Энди Эмма уни бутунлай унутиб юборган эди!

Барглари тўкилган ясмин шохлари орасидан юлдузлар чарақларди. Орқада дарёнинг шовқини, ора-сира қуруқ қамишпояларнинг қирсиллагани эшитиларди. У ер-бу ерда қоронғилик қуюқлашар, баъзан бу қуюқ зулмат ичида чақмоқ чаққандай бўлар, шунда Эмма ва Родольф қадрларини ростлар, гўё улкан қора тўлқин буралиб-буралиб келиб, ҳозир уларни савалаб кетадигандек туюлиб кетарди. Тунги совуқдан улар бир-бирларига қаттиқроқ ёпишишар, нафаслари гўё тезлаша бошлагандек, сал-пал кўринган кўзлар қоронғида катталашгандек, сукунатда шивирлаб ай-

тилган ҳар бир сўз эса биллурсимен жаранглаб ва беҳисоб акси садолар таратиб, қалб тубига чуқарди.

Ҳаво ёмон тунларда улар омборхона билан отхонанинг оралиғидаги кичик хонада, Шарль беморларни қабул қиладиган кабинетда биқиниб ўтиришарди. Эмма ошхонада турадиган шамдонга китоблар орасига яшириб қўйган шамни тиқиб ёқарди. Родольф худди ўз уйида ўтиргандек ўрнашиб оларди. Китоб жавони, ёзув столи, умуман, кабинетнинг кўриниши унинг кулгисини қистатар ва у тўхтовсиз Шарлни калака қиларди, бундан Эмма ҳижолат чекарди. У Родольфнинг жиддийроқ ва ҳаттоки, фожиалироқ бўлишини истарди, хусусан, бир кун унинг назариди худди кимдир флигелга келаётгандек туйилганда шундай бўлишини хоҳлаган эди.

— Бу ёққа келишяпти! — деди Эмма.

Родольф чироқни ўчирди.

— Тўппончанг борми?

— Нима учун?

— Шундай, ўзингни муҳофаза қилиш учун да, — тушунтирди Эмма.

— Эрингданми? Ҳа, ҳа! Шўри қурсин!

Родольф шундай ҳаракат қилдики, унда: «Битта чертишлик ҳоли бор эрингнинг!» деган маъно бор эди.

Бу жасурликда Эммани ҳайратга солган нарса шу бўлдики, унда қанақадир одобсизлик, содда қўполлик бор эди, ундан Эмма беихтиёр ранжиди.

Родольф кейин тўппонча ҳақидаги гапларни жуда кўп ўйлади. — Агар у, шу гапни жиддий айтган бўлса, — деб мулоҳаза қиларди Родольф, — бу кулгили ва ҳаттоки жирканч ҳол. Ахир у ҳеч қанақа рашк азоблари деб айтиладиган нарсани сезмайди-ку ва кўнгилян бечора врачдан нафратланадиган ҳеч қанақа асоси ҳам йўқ унинг — мана шунинг учун ҳам Эмма ўзининг Шарль билан бўлган муносабати ҳақида гапириб, Родольфга тантанали қасамёд этганда, Эмманинг бу ҳаракатини андишасизлик, деб билган эди.

Бунинг устига Эмма ортиқ даражада ҳиссиётга бериладиган бўлиб қолган эди. Эммага албатта майдачуйда нарсалар бериб, олиб туриш, соч толаларини кесиб бериш керак эди, энди бўлса яна Родольфдан, севгиларининг абадийлиги белгиси эмфатида чинакам

никоҳ узуги тақдим этишини талаб қиларди. Оқшом қўнғироғи, «табиат садолари» ҳақида гапириш Эммага роҳат баришларди, кейин у ўзининг ва Родольфнинг онаси ҳақида гап очарди. Родольфнинг онаси бундан йигирма йил бурун вафот этганди. Бу эса Эммага Родольфни гўёки етимча боладек кўриб, бу ҳақда у билан тилини чучук қилиб гаплашишга халақит бермасди. Баъзан у ойга қараб туриб, ҳатто:

— Мен ишонаманки, улар иккаласи у ёқдан туриб бизнинг муҳаббатимизга оқ фотиха беришади! — деб қўярди.

Шунга қарамасдан у шу қадар гўзалки! Родольфга бунчалик оқ кўнгил аёл камдан-кам учраган! Бу, енгил табиат йигит учун унинг пок севгиси янгилик эди, бу ғайри оддий туйғу унинг иззат-нафсини ардоқлайдиган ва ҳиссиётларини уйғотадиган муҳаббат эди. Унинг мешчанларга хос идроки Эмманинг завқ-шавқидан нафратлантирарди, аммо юрагининг чуқур ерида бу завқ-шавқ худди ўзгинасига тааллуқли бўлгани учун ҳам жозибадор кўринарди. Эмманинг севгисига ишонч ҳосил қилгач, у уят-номусни ҳам йиғиштириб қўйди, у билан бўлган муомаласи сезилмайдиган даражада ўзгариб борди.

У энди Эммага илгаригидек кўнглини эритиб, кўз ёшларини оқизадиган нозик сўзларни айтмас, жинни бўлиш даражасига олиб борадиган жўшқин эркалашлардан ўзини тияр эди. Эмма боши билан шўнғиб кетган буюк муҳаббат худди дарёга ўхшаб қуриб, тагидан лойқаси кўриниб қолмоқда эди. Эмма бунга ишонгиси келмасди, Родольфга қаттиқроқ меҳр қўяр, у бўлса тобора ўзининг бепарволигини яширишга унча уринмас эди.

Эмма ўзи ҳам билмасди: ўшанда унинг талабига ён берганидан пушаймон қиляптими ёки бўлмаса аксинча, унга ҳамон кучлироқ боғланыптими? Ўзининг иродасизлигини, таҳқирланганини тушуниш унинг ғазабини қўзғатарди, лекин бу ғазабни унинг шаҳватпарастлиги тийиб турарди. Бу меҳр-муҳаббат эмас, йўқ, бу узлуксиз васвасадек нарса эди. Родольф уни қул қилиб олганди. Эмма ундан энди деярли қўрқарди.

Юзаки кўринишда ҳамма нарса ҳар қачонгидан ҳам тинчроқ кўринарди. Родольф бу ҳодисаларни ўзи истаган изига сола биларди, қарабсизки, орадан ярим

Йил ўтиши ва баҳор келиши билан улар рўзгорни барабар тебратадиган эр-хотинидек бўлишди қолишди.

Ҳар баҳор Руо ота одати бўйича битиб кетган оёғини нишонлаш учун Шарль билан Эммага курка товуқ юборарди. Совға ичига албатта мактуб солинган бўларди. Бу гал Эмма саватга боғлаб қўйилган мактубнинг ипини узиб, қуйидагиларни ўқиди:

«Азиз болаларим!

Ишончим комилки, иккингииз ҳам саломатсизлар, умид қиламанки, бу курка ҳам аввалгилардан қолишмайди; у ҳатто мулойимроқ ва ёглиқроқ деб айта оламан ҳам. Янаги йилга бошқачароғини, яъни дўрозини ёки истасангиз, пушти ўлдирилган оддий хўроз юбораман, худо хайр берсин, менинг саватимга аввалги иккитасини қўшиб қайтариб юборинглар. Уйимда фалокат юз берди: кечаси қаттиқ шамол туриб, отхонанинг томини кўчириб, дарахтлар устига обориб ташлади. Ҳосил ҳам айтарли даражада эмас. Хуллас, қачон силар билан дийдор кўришишимни билмайман. Уйдан қимирлашим жуда қийин бўлиб қолди, ахир энди мен ёп-ёлғизман, меҳрибон қизим, Эмма!»

Шу жойда, сатрлар орасида очиқ жой қолибди, бечора чол патқаламни ташлаб, анча хаёл суриб ўтирганга ўхшайди.

«Мендан ҳол-аҳвол сўрасангиз, худога шукур, соғман, фақат яқинда тумов бўлиб қолдим. Иветога ярмаркага чўпон ёллагани борган эдим, аввалги чўпонимни ҳайдаб юбордим. Жудаям сурбет бўлиб олди. Бу қароқчилар билан муомала қилишнинг ўзи ит азоби дейсан! Ундан ташқари чўпоннинг қўли эгри эди.

Қишда сиз томонларга борган чакана савдогардан эшитдим, у ерда тишини олдирибди, ундан Бовари ҳамон ҳормай-толмай меҳнат қилаётганини эшитдим. Бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Менга милкини кўрсатди, у билан биз қаҳва ичдик. Мен ундан, Эмма, сени кўрган-кўрмаганини сўрадим. Йўқ, деди, лекин отхонангизда иккита от турганини кўрибди, шундан маълум бўлдики, ишларингиз жойида экан. Офарин, азиз болаларим, худо мартабангизни бундан ҳам зиёда қилсин!

Суюкли неварагинам Берта Бовари билан шу чоққа ча танишмаганимга хафаман. Мен унга атаб боққа, сенинг хонанинг рўбарўсига, Эмма, бир туп олхўри экдим, ҳеч кимга тегдирмайман. Кейин ўзим олхўри қиё: пишириб, шкафга бекитиб қўяман, набирам олдимг келганда хоҳлаганча ейд.

Хайр энди, болаларим! Қизгинам, сени ўпаман, Сизни ҳам азиз куёвим, кичкинтойнинг эса икки юзида ўпаман.

*Сог-саломат бўлинглар
Меҳрибон отанги
Теодор Руо*

Бу бир варақ дагал қоғозни Эмма қўлида анчагач ушлаб турди. Отасининг хатида имло хатолари гиж риж эди, бироқ улар орасидан эзилиб адо бўлган юракнинг ноаниқ тепиши Эмма қалбининг чуқур ерига бориб тегди, бу худди буталар орасида яширинган курк товукнинг қақоғлашига ўхшарди. Кекса Руо сиёҳ устига каминдаги кулдан сепган эди, Эмма кўйлагига тушган кул ранг чангни кўриб, отасининг оташкуракка қўл чўзаётганини яққол тасаввур қилди. У кўпдан берди отаси билан камин олдидаги курсичада ўтирмаган, оловнинг зўридан учи гуриллаб ёниб кетадиган косов билан шатир-шутир ёнаётган ўтинларни ковламаган эди! Ёзининг ёруғ оқшомлари эсига тушди. Тойчоқлар бир-бирига кишнаб, қанақанги ўйноқлашарди!.. Эмманинг деразаси тагида асалари уяси турарди, асаларилар қуёш ёруғида айлана-айлана, олтин доначалардек дераза ойналарига урилишар ва шу заҳоти сакраб кетишарди. Нақадар бахтиёр дамлар эди! Беғам, беташвиш! Умид-орзулар тўла дамлар эди! Қанчалар кўп эди ўшанда ширин хаёллар! Энди улардан ном-нишон ҳам қолмади. Эмма уларни руҳий жўшқинликда қизлик вақтида, турмушга чиққанда, муҳаббатда, ҳар меҳмонхонада бойлигининг бир қисмини қолдирган саёҳатчидек бир умр аста-секин барбод этди.

Бироқ унинг бетолелигига ким айбдор? Ҳамма нарсани таг-томири билан суғуриб олган мана бу даҳшатли довул қаердан учиб келди! Эмма бошини кўтарди ва ўзининг алам-изтироблари манбаини қидираётгандек хонани кўздан кечирди.

Этажерка устига териб қўйилган чинни асбобларда қуёш шуъласи жимжима қилади, каминда ўтин ёнади, оёқ остида майин гилам, кун серқуёш, ҳаво илиққина, боласининг қўнғироқдек кулгиси эшитилмоқда.

Қизи ўтлоқда, янги ўрилган ўт устида думалаб ўйнади. Ҳозир у гарам устида муккасига тушиб ётарди. Энага унинг кўйлакчасидан ушлаб олганди. Шу ернинг ўзида Лестибудуа хаскаш билан похолларни тўпларди, ҳар гал у яқин келганда Берта энгашиб, қўлчалари билан чапак чаларди.

— Уни олиб келинг олдимга!— деб бақирди Эмма ва қучоғини очиб у томон югурди.— Қандай яхши кўраман сени, қизгинам! Қандай яхши кўраман!

Унинг қулоқларининг кирини кўриб, Эмма неови сув келтиришни буюрди, Бертани ювинтирди, ички кийимини, пайпоғи, ботинкасини ўзгартди, гўёки ўзи узоқ сафардан ҳозиргина қайтгандек унинг соғлиги ҳақида энагага устма-уст савол ёғдирди, ниҳоят кўзларида ёш билан қизини яна бир марта ўпди ва эркалашлардан анқайиб қолган энаганинг қўлига тутди.

Оқшом Родольф Эмманинг сал ўзгариб, жиддий бўлиб қолганини кўрди.

«Ҳа, ўтиб кетади,— деди у дилида.— Бу шунчаки фироқ».

У сурункасига учта учрашувга келмади. Ниҳоят у келганда Эмма уни совуқ, деярли адоват билан қарши олди.

«Мени бу билан қўлга ололмайсан, қизалоқ...» — деди ичида Родольф.

У Эмманинг чуқур хўрсинишларини ҳам, дастрўмлини қўлида гижимлаётганини ҳам сезмаётганга солди ўзини.

Мана шунда Эмма, қилмишидан минг-минг пушаймонлар еди!

У ўйланиб қолди. Нима сабабдан у Шарлни кўришга шунчалик кўзи йўқ? Қайтага уни севишга уришиб кўриш яхшироқ эмасмикин? Бироқ Шарль қайта жонланган ўтмиш туйғуларнинг қадрига етмади, Эмманинг ўз-ўзини қурбон қилишга интилиши барбод бўлди, бу уни батамом алам-изтиробга дучор этди, бунинг устига дорихоначи ноҳосдан шундай бир иш кўрсатдики, ўт устига мой сепгандек бўлди.

Жаноб Оме худди шу кунларда товон қийшайишини даволашнинг янги усули ҳақида мақтовли мақолаини ўқиб чиққан эди, у тараққиёт тарафдори бўлгани сабабли шу заҳоти унда ватанпарварлик фикри уйғонди: «модомики шаҳарнинг шон-шуҳратини ошириш» керак экан, Ионвилда дарҳол стрефоподия операциясини қилиш ишини бошлаш керак.

— Хўш, биздан нима кетади? — деди у Эммага, — ўйлаб кўринг (бу ишнинг фойдаларини у бармоқлари билан ҳисоблашга тушди); ютуқ шундоққина қўлингизга кириб турибди, бемор енгиллик топади, маймоқликдан қутулади, жарроҳнинг шуҳрати ошади. Нима учун, масалан, эрингиз «Олтин шёр»даги бояқиш Ипполитга ёрдам кўрсата олмайди? Шу нарсага эътибор берингки, у келганларнинг ҳаммасига, шубҳасиз, уни қандай қилиб даволаганларини гапириб беради, бундан ташқари, — овозини пасайтириб, атрофга кўз югуртириб қўшиб қўйди Оме, — мен бу ҳақда газетага мақола юборсам, биров халақит берадими? Эй худо! Газета қўлма-қўл бўлиб кетади... Ҳамма ёқда шов-шув... Булар ҳаммаси қор юмалоғидек ўса боради! Хуллас, ёмон бўлмасди дейман-да!..

Ким билади, дейсиз, балки Шарлни ҳақиқатан ҳам омад кутаётгандир? Унинг истеъдодидан шубҳаланишга Эммада ҳеч қанақа асос йўқ. Бордию унинг таъсири остида Шарль шуҳрат ва пул келтирадиган шу ишга қадам қўйса, Эмма қандай мамнун бўларди! Ахир у ўзи учун севгидан кўра мустаҳкамроқ таянч қидиряпти-ку!

Шарль дорихоначи ва жуфти ҳалолининг ўғитларига таслим бўлди. У Руандан доктор Дювалнинг китобини олдириб келди ва энди ҳар оқшом бошини чағгаллаганича ўқишга тушади.

Шарль то эквинус, варус ва вальгусларни, яъни стрефокатоподия, стрефандоподия ва стрефакзоподияни (оддийроқ қилиб айтганда, товон қийшайишининг турли хилларини: пастга, ичкарига ва ташқарига қийшайишини) ва шунингдек, стрефилоподия ва стрефаноподияни (бошқа сўз билан айтганда товоннинг пастга буралиб кетиши ва юқорига қийшайиб чиқишларини) ўргангунча, жаноб Оме ҳар хил йўллар билан трактир

хизматкорини, оёгини операция қилдиришга кўндиришга уринарди:

— Эҳтимол, озгина оғрир, шу-да бўлгани. Ёлғилгина қон олдирганда қилинадиган уколдай гап. Оёқдаги қадоқни олганда ҳам оғрийди-ку, ахир.

Ипполит анқовларча кўзларини бақрайтириб, ҳамон бир қарорга келолмасди.

— Менга барибир! — гапида давом этарди фармацевт. — Сен учун жон куйдириямиз! Фақат инсонпарварлик юзасидан! Мен, биродар, сени хунук қилиб турган, юрганнингда бўксангни лапанглатадиган чўлоқликдан қутулишингни истайман, ахир нима демагин, чўлоқлик сенинг ишингга қаттиқ халақит беради.

Оме унинг операциядан кейин чаққонроқ, ҳаракатчан бўлишини гапириб кетарди ва ҳаттоки хотинлар ичида омади юриб кетишини шама қилганда, отбоқар эринчоқлик билан тиржайиб қўярди. Кейин дорихоначи унинг иззат-нафсига тегиб кўрмоқчи бўлди:

— Шундан кейин қанақа эркаксан, азбаройи худо! Агар сени ҳарбий хизматга чақирсалар, байроқ тагида жанг қилишга тўғри келса, қандай бўларди!.. Эҳ, Ипполит, Ипполит!

Бунақа қайсарлик, илм-фаннинг саховатидан фойдаланишдан нодонларча бош тортишнинг боисига асло тушуна олмаслигини айтиб, унинг олдидан кетарди.

Ахири бечора Ипполит рози бўлди, зероки унинг атрофини бир тўда авровчилар ўраб олишди. Авваллари ҳеч қачон бировнинг ишига аралашмайдиган жаноб Бине, Лефрансуа хоним, Артемиза, қўшнилар, ҳатто жаноб мэр Тювашнинг ўзи унга ёпишиб олишди, ҳамма уни ишонтирди, уялтирди, лекин унинг қайсарлигини фақат «бу иш бепул қилинади», деган далил енга олди холос. Операция учун олинадиган асбобларнинг харажатини Бовари ўз гарданига олди. Бу олижаноб саховат Эммага тааллуқли эди. Шарль хотинини бир фаришта деб билгани туфайли рози бўлди.

Фармацевтнинг маслаҳатига кирган врачнинг буюртмаси билан чилангарнинг ёрдамида дурадгор оғирлиги саккиз қадоқча келадиган, яшикка ўхшаган бир нарса ясади, шуни қайд қилиш керакки, асбобни уч марта бузиб, уч марта тузатишди, унга темирни ҳам, ёғочни ҳам, тунука, чарм, шуруп, гайкаларни ҳам аямасдан ишлатишди.

Бироқ қайси пайни кесиш кераклигини билиш учун энг олдин Ипполитнинг товони қандай қийшайганини аниқлаш керак эди.

Унинг бир оёгида тоvon билан болдир деярли тўғри чизик ҳосил қиларди, шу билан бирга у ичкарига буралган эди, демак, бу унча катта бўлмаган варус туфайли зўрайиб кетган эквинус¹ ёки бўлмаса очик кўришиб турган эквинус билан қўшилган кучсиз варус эди. Лекин мана шу ўзининг эквинусида, ҳақиқатан ҳам эни от туёгидек келадиган, дағал, пайдор, рўдапо, тақанинг миҳига ўхшаган қоп-қора тирноқли оёгида бизнинг стрефопод кунни бўйи тоғ эчкисидан ҳам илдамроқ чопарди. Қачон қарасангиз у майдонда оқсоқ оёгини силкита-силкита аравалар атрофида чопгани чопган. Шунинг учун бўлса керак, унинг касал оёги соғ оёгидан кучлироқ кўринарди. Мунтазам ҳаракат туфайли оёқда гўёки сабр-қаноат каби руҳий фазилатлар пайдо бўлгандек эди, Ипполит, айниқса оғир бир юмушни бажараётганда кўпроқ шу оёгига қаттиқ босар эди.

Шарль бир вақтнинг ўзида икки операцияни қилишдан бош тортди, у ўзига номаълум бўлган бирор муҳим аъзони беҳосдан кесиб юборишдан қўрқиб титрарди, у энг аввал ахиллес пайни кесишга қарор қилди, яъни эквинусни бартараф қилиб туриб, шундан кейингина варусни ҳам бартараф қилиш учун болдирнинг олдинги мушакларига қўл уришга қарор қилди.

Жаноб Бовари қўлида тепоতোма билан Ипполитга яқинлашаркан, унинг юраги ўйнаб, қўллари титраб, диққат-эътибори шундай таранглашган эдики, ҳатто Цельсдан ўн беш аср кейин биринчи марта қизил қон томирини бевосита боғлаган Амбруаза Паренинг ҳам, бош мия ичидаги шишни ёриб, пасотини чиқариши керак бўлган Дюпюитренинг ҳам, юқори жағни биринчи операцияси олдидан Жансулянинг ҳам шунчалик юраги уриб, қўли қалтираган эмасди. Худди ростданам шифохоналардагидек ёндаги столда бир тўда титилмаган иплар, мумланган иплар ва дорихоначи бисотида сонсиз-саноқсиз бинтлар — ҳаммаси шу ерда йиғилган эди. Уларнинг ҳаммасини жаноб Оме эрта-лабдан бошлабоқ тайёрлаб қўйган, у фақат аҳолини

¹ Эквинус — латинчада «от туёги» деган сўз.

ҳайратга солиш эмас, ўзини ҳам чалғитмоқчи эди. Шарль терига пичоқ санчди, шитир этган товуш эшитилди. Пай қирқилди, операция тугади. Ипполит таажжубдан ўзига келмасди. У энгашиб Боварининг қўлини ўла бошлади.

— Бўлди, бўлди, — деди дорихоначи. — Ҳали ўзининг валинеъматингга миннатдорчилик билдирадиган вақтлар келади.

Фармацевт ҳовлида тўпланиб, Ипполитнинг улар олдига оқсоқланмасдан, соппа-соғ чиқиб келишини кутиб турган беш-олтита ҳангаматалабларга операция натижасини гапириб берish учун чиқиб кетди, Шарль беморни механик аппаратга боғлади-да, уйига жўнади. Остонада уни ҳаяжонланган Эмма қарши олди. Уйинг бўйнига осилди. Иккаласи бирга овқатга ўтиришди. Шарль зўр иштаҳа билан овқатланди, ширинликдан кейин у ҳатто кофе келтиришларини сўради, одатда бундай тантқиқликка, фақат якшанба кунларида, меҳмонлар келганда йўл қўярди.

Оқшом жуда кўнгилли ўтди, эр-хотин қизгин суҳбатлашишди, режалар тузишди. Гап уларнинг келажак фаровон ҳаётлари, рўзгорга янги ашё олиш устида борди. Шарль кўз олдига шундай манзарани келтирди: беморлар кўпаяди, даромад ошаверади, меҳрибон хотини аввалгидек унинг хонадонига файз киргизади. Эмма эса ўзида аввалгидан қувватлироқ ва софроқ бўлган янги туйғулардан, ниҳоят уни оташин муҳаббат билан севган мана бу бояқиш эрига нисбатан қалбида пайдо бўлган меҳрга ўхшаш бир ҳисдан роҳат қилмоқда эди. У Родольфни эслади, лекин шу заҳоти Шарлга назар ташлади ва таажжубланиб унинг тишлари ажабтопур чиройли эканини пайқади.

Жаноб Оме ошпаз аёлининг гапига қулоқ солмай, қўлида янги-яна ёзилган қогозлар билан ётоқхонага шошилиб кириб келганда Шарль билан Эмма ўринда ётишган эди. Бу «Руан машъали» газетасига фармацевт томонидан тайёрланган эълоннома эди. Жаноб Оме уни кўрсатгани олиб келган эди.

— Ўзингиз ўқиб беринг, — деди Бовари.

Дорихоначи ўқий бошлади:

«Ҳали ҳам Европанинг бир қисмини ўрофий зулматга қарамай, бизнинг хил мизга ҳам нур кира бошлади. Шундай к

Ўтган сешанба бизнинг кичкина шаҳарчамиз Монвиль айни бир вақтда олий инсонпарварлик бурчи ҳисобланган жарроҳлик тажрибасининг майдони бўлди. Бизнинг машҳур, тажрибакор врачларимиздан бири бўлмиш жаноб Бовари...»

— Ҳаддан ташқари муболага қилиб юборибсиз! Ҳаддан ташқари!— Ҳаяжондан нафаси сиқилиб деди Шарль.

— Йўғ-эй, қўйсангиз-чи!.. «товон қийшайишни операциясини қилди...» — мен атайлаб илмий терминларни ишлатмадим, ўзингиз тушунасиз-ку: газета... Эҳтимол, ҳамма ҳам тушунавермайдн, аммо лекин кўнчили...

— Рост айтасиз,— деди Шарль,— давом этингиз.

— Мен жумлани бошидан ўқийман,— деди фармацевт: «Бизнинг машҳур, тажрибакор врачларимиздан бири бўлмиш жаноб Бовари товон қийшайишнинг даволаш мақсадида операция қилди. Операция қилган бемор, йишолит Тотену, мана йнгирма бем йилдирки, Аслаҳа майдонидаги эгаси бева — Лефрансуа кичини бўлмиш «Олтин шер» трактирида отбоқарлик қилиб келмоқда. Тажрибанинг янгилиги туфайли ва беморга далда берниш учун бино олдида одамлар тирбани бўлиб кетди. Операциянинг ўзи айни сеҳргарликдек ўтди: уё фақат итоатсиз пай устидан врачлик маҳорати таърифа қилганлигини кўрсатиш учунгина бир-икки томчи қон чиқди, холос. Шуниси таажжубки, бемор (буна буни де үизн¹ тасдиқлаймиз) оғриқдан бир оғиз қон чиқарди. Унинг аҳволидан ҳозирча қиттаи бўлса-да, ҳазотирланишга ҳожат йўқ. Ҳамма унинг ҳолига тузалиб кетади, дейди. Ким билади, яқин орада қилган қишлоқ байрамларида бизнинг қадрдон докторимизга, бенича меҳнат йнгишларимиз қатори, шундай ҳақларда шатирок этиб, ўзининг жўзиқини ўйлаш билан батамом тузалиб кетганини исбот этганини айтишимиз балки. Шундай қилиб, мурувсатни олушаримизга шон-шарафлар бўлсин! Одамзод гўзал ва сарфони бўлиши учун тунларни бедор ўтказган ҳормас-толмас аҳмаккашларимизга шон-шарафлар бўлсин! Тасвирлар шон-шарафлар бўлсин! Энди ишони билан айтиши мумкинки, сўқирларнинг кўзи очилади, чўлоқтар

¹ Бувоҳ тариқасида (лат.).

дадил қадам ташлайди! Мутаассиблик бир вақтлар фақат танланганларга ваъда қилган нарсаларни энди илмфан барчага баравар ифъом қилади! Биз ўқувчиларимизни мана бу ажойиб муолажанинг қолғуси босқичлари билан хабардор қилиб турамыз».

Бироқ, орадан беш кун ўтгандан кейин капалаги учган Лефрансуа хола Бовари олдига югуриб келди.

— Ердам беринг! У ўляпти!.. — деб қичқирди у. — Нима қилишимни билмай қолдим.

Шарль «Олтин шер»га югурди, унинг боши яланг майдондан чопиб кетаётганини кўриб, фармацевт ҳам дорихонани ташлаб орқасидан чопди. Ҳаллослаб, қизариб кетган жапон Оме аранг нафас олиб қовоқхона зинапоёсида учраган ҳар бир кимсадан:

— Бизнинг аломат стрефоподимизга нима бўлди? — деб сўрарди.

Бу вақт стрефопод даҳшатли огриқдан тўлганар, унинг оёғи боғлаб қўйилган механик асбоб деворни тешиб юборай дерди, шу қадар қаттиқ тепинарди шўрлик бемор.

Доктор беморнинг оёқларининг ҳолатини ўзгартирмаслик учун авайлаб қутини олди ва унинг кўзлари олдида даҳшатли манзара намоён бўлди. Товон дўмбира бўлиб шишиб кетибди, тери шунчалик тараб тортилибдики, салга ёрилиб кетай дейди, аппаратдан ҳамма ёғи моматалоқ бўлиб кетибди. Ипполит аллақачон огриқдан шикоят қила бошлаган эди, лекин бунга аҳамият бермадилар. Энди Ипполитнинг шикоятида бирмунча асос борлигини рад қилиб бўлмасди, бир қанча соат оёғини ўз ҳолига қўйишди. Бироқ, шиши сал қайтиши билан иккала «олим», иш тезроқ битсин учун оёқни шунча тез аппаратга қаттиқроқ қилиб боғлаш керак, деб томишди. Ниҳоят, уч кундан кейин Ипполитнинг огриқ зўрига чидамаганидан аппаратни яна ечиб олишга тўғри келди, очиб қарашса, кутилмаган бир ҳодиса: кўкмишир шиш болдиргача етибди, шишнинг устида, ҳар ер-ҳар ерда яралар пайдо бўлиб, улардан қоп-қора мадда сизғиб ётибди. Бу ҳазилакам гап эмасди. Ипполит тажаиб бўла бошлади, бирор нарса билан унинг кўйигини очиб учун Лефрансуа хола уни ошхона ёнидаги кичик залга жойлаштирди.

Лекин ҳар кун у ерда овқатланадиган солиқ инспектори бунақанги қўшинчиликка қарши тўно-

лон қилди. Шунда Ипполитни бильярдхонага кўчиришди.

Ранги бир ҳолатда, соқол-мўйлови ўсган, кўзлари ич-ичига тушган Ипполит қалин адёллар тагида ётар, бетўхтов инграр ва дам-бадам терлаб кетган бошини. пашшалар ўтириб ташлаган кир ёстиқда у ёқдан-бу ёққа айлантирар эди. Бовари хоним уни кўргани келарди. Ярани ўраб қўйиш учун тоза латталар олиб келар, овутарди, далда берарди. Лекин Ипполитнинг ул-фатлардан камчилиги йўқ; айниқса, бозор кувлари бу сўга деҳқонлар йиғилишиб, бильярд соққаларини бильярд ёғочлари билан у ёқдан-бу ёққа юмалатишар, чекишар, қўшиқлар айтишиб, вағир-вуғур қилишарди.

— Ишлар қалай?— дейишарди беморнинг елкасига қоқиб,— аҳволинг танг-ку, жўра! Начора, ўзинг айб-лисан. Сен ундоқ қилишинг керак, мундоқ қилишинг керак эди,— деб жаврашарди.

Унга одамлар, турли-туман дорилар билан даво топганлари ҳақида бутун-бутун воқеаларни гапириб беришарди, кейин уни юпатиш учун:

— Ўзинг ҳам тоза ваҳимачисан-да! Қани, бир туриб кўр-чи! Боёнга ўхшаб талтайиб ётишини қаранг-а! Оббо, муттаҳам-эй! Ҳидингга туриб бўлмайди!— дейишарди.

Ҳақиқатан қорасон борган сари юқорилашиб бормоқда эди. Бу ҳолдан Боварининг ўзи касал бўлиб қолаёзди. У беморнинг олдига ҳар соат, ҳар дақиқа югурарди. Ипполит унга қўрқуғ, тўла кўзлари билан тикилар ва йиғламсираб:

— Қачон тузаламан?.. Оҳ, қутқаринг мени!.. Пешанам қурсин! Пешанагинам қурсин!— деб ёлворарди.

Лекин доктор ҳар гал унга парҳез буюриб кетарди.

— Унинг гапига кирма, ўғлим,— дерди Лефрансуа хола.— Шунча кўргиликларни кўрднинг уларнинг дастидан! Бу аҳволда дармонинг қуриб қолади. Ма, еб ол!

Шундай деб унга гоҳо бир тарелка қайнатма шўрва, гоҳо бир бўлак қовурилган гўшт, гоҳо бир бўлак ёғ, баъзан бир рюмка ароқ ҳам берарди. Лекин бемор ич-ичига журъат этмасди.

Ипполитнинг аҳволи оғирлашиб қолганлиги ҳақидаги хабар аббат Бурнизъенга етди ва у беморни кўргани келди. Энг олдин у Ипполитга ачинганини билдирди, бироқ, шу заҳоти Ипполит тақдирига тан бери-

ши кераклиги, зероки, бу тагри иродаси эканлигини, энди қозироқ, ҳеч кечиктирмасдан фалак билан ярашиб олиши кераклигини уқтирди.

— Ахир, сен баъзан ўз бурчингни бажаришдан эринардинг, ўғлим, — дерди руҳоний оталарча меҳрибонлик билан, — сен худонинг даргоҳига камдан-кам борардинг. Не сабабдан кўп йилдан бери муқаддас ерларга бориб ибодат қилмадинг? Ҳа, тушунаман, ишлар, бу дунёнинг ташвишлари руҳ ва нажот ҳақидаги фикрлардан секи чалғитди. Энди руҳинг ҳақида ҳам ўйлаш пайти келди. Лекин сен умидсизланма: мен баъзи гуноҳи азимларни билардим, ҳар қалай улар тагри даргоҳига боришдан олдин (сенга ҳали анча бор, биламан) ундан шафқат тилаганлар ва шубҳасиз, гуноҳлардан фориғ бўлиб, дунёдан ўтганлар. Ишонамизки, сен ҳам шундай ўрнак кўрсата оласан! Ҳар эҳтимолга қарши сен ҳам ҳар кун икки маҳал, эрталаб ҳам, кечқурун ҳам «Биби Марям илтифот кўрсат» ва «Қудратли эгам ўз паноҳингда сақла, омин!» дуосини ўқигин. Қани бошла-чи, ўғлим! Мен учун! Менинг айтганларимни ерда қолдирма! Сендан нима кетади? Бажарасанми?

Бояқиш бажаришга сўз берди. Руҳоний унинг олдига ҳар кун кела бошлади. У қовоқхона бекаси билан гурунглашар, қизиқ-қизиқ воқеаларни гапириб берар, у билан ҳазиллашар, қочирлиқ гаплар айтар, Ипполит уларнинг маънисига тушунмасди. Бироқ қулай пайт келиши билан аббат юзига жиддий тус бериб, Ипполит билан диний мавзуларда гаплаша бошларди.

Руҳонийнинг уринишлари ахирини натижа берди: стрептопод тузалиб кетса, дарҳол Бон-Секурга ибодатга боришга аҳд қилди. Аббат Бурнизьен: «Шундай қилсанг ёмон бўлмасди, бунинг ҳеч қанақа хавф-хатари ҳам йўқ!» — деди.

Дорихоначининг эса, унинг ибораси билан айтганда, «полчасига одамларни калака қилишдан жигибнирони чиқар эди». Ипполит учун булар зарарли деб ҳисобларди.

— Уни ўз қолига қўйинг! Уни тинч қўйинг! — дерди у Лефрансуа хонимга. — Ўзингизнинг ҳақиқатдан йироқ сафсаталарингиз билан унинг кайфини бузасиз!

Бироқ оқ кўнгилад аёл унинг сўзига кулоқ солмасди «ахир ўша-ку бу балони бошлаган!» Тегажоглиқ

қилиб, у ҳатто беморнинг бош томонига табаррук сув солинган идиш ва қорақайишнинг битта шохини осиб қўйди.

Лекин дин ҳам жарроҳлик каби ожизлигини кўрсатди — қон заҳарланиш процесси тобора қоринга қараб кўтарилла берди. Ипполитга қанақа дорилар ичиринмасин, нима қиздириб қўйинмасин, барибир тўқималарнинг чирини тез суръат билан давом этаверди, шунда Лефрансуа хола даволардан ҳеч қанақа наф бўлмаганини кўриб, ниҳоят Шарлдан, Нефшателга, ўша ернинг машҳур хирургси жаноб Канивега одам юборилса бўлмасмикин, деб сўраганда, Боварининг бош қимирлатиб тасдиқлашдан ўзга ҳеч қанақа чораси қолмаганди.

Ёши элликка борган, ошиғи олми, кеккайган, модрина доктори тиззагача чирий бошлаган оёқни кўриб, хижолат ҳам тортмай, заҳарханда қилиб кулиб юборди. Кейин у шартта оёқни кесиб ташлаш зарурлигини қатъий оҳангда айтди, фармацевтникига борди ва у ерда бечора Ипполитни шу аҳволга солган эшакларни болохонадор қилиб сўкиб кетди. У жаноб Оменинг камзул турмачасидан тортиб-тортиб бутун дорихонани бошига кўтариб шовқин солди.

— Мана у, Парижнинг ихтиролари! Мана улар марказдаги жанобларнинг хом хаёллари! Бу ҳам қандай кўзин даволаш ёки хлороформ, ёки буйракдаги тошни олишга ўхшаган гап. Давлат бунақанги расвогарчиликларни алдақачон маи қилиши керак эди! Улар бўлса ў билармонлик қилишади, оқибатини ўйламайди. Беморларга дори ичираверинишади. Улар билан биз бабатта баҳсланишга оймаймиз. Биз олимлар эмасмиз, олигата эмасмиз, биз сўзамол эмасмиз: биз тажрибакор, даволарни биламиз, соппа-соғ юрени одамни оқибатини қилгани бизнинг хаёлимизга ҳам келмайди! Ё ўйлаётган товоонни тўғрилаш-а! Ахир қанақа қилиб товоон қийиншайишини тўғрилаб бўлади? Бу букрини тўғрилаш деган гап эмасми?!

Бу гаплар дорихоначининг суяк-суягидан ўтиб кетмоқда эди, лекин у ўзининг саросималигини сохта ишлар билан инқобларди; гап шундаки, Канивеннинг рецептлари Монвилгача ҳам келарди, у билан сертангалуф бўлиш керак эди. Мана шунинг учун у Боварини ҳимоя қилмади, докторга бир оғиз сўз билан гап қай-

тармади, у муҳимроқ хизмат мандати йўлида ўз назоратини қурбон қилди.

Доктор Каниве қилиш керак бўлган ампутация¹ шаҳар ҳаётида муҳим ҳодисалардан бири эди. Шу кун бутун шаҳар аҳолиси худди гаплашиб қўйгандек, эрта туришди ва катта кўчада, гарчи одамга лиқ тўла бўлса ҳамки, худди ўлим жазоси ижро этилаётгандек оғир сукунат ҳукм сурарди. Баққоллик дўконида яккаш Ипполитнинг касали ҳақида гаплашишарди; ҳамма дўконларда савдо тўхтади; мэрнинг хотини Тюваш хоним дераза олдидан нари кетмас, у хирургнинг ўтаётганини кўришни жон-дилидан истарди.

Хирург ўзининг шахсий кабриолетида ўтди, у отни ўзи ҳайдарди. Унг томондаги рессор унинг оғир гавдаси узоқ вақтгача босиб туриши натижасида бўшашган, шунинг учун экипаж доим бир томонга озгина қийшайиб турар эди. Доктор ёнидаги ёстиқда, усти қизил сахтиён билан қопланган, учта пухта ишланган, ялтироқ мис қулфли катта қути турарди.

Доктор «Олтин шер»га бўрондек бостириб кирди. Йўлакнинг ўзидаёқ шангиллаб экипаждан отларни чиқаришга буюрди, кейин отга ерни кам бермадилармикин, деб ўзи отхонага бориб келди. Шунинг қайд қилиб ўтиш керакки, у беморларни кўргани борганда энг аввал оти ва кабриолети ҳақида гамхўрлик қиларди. Бу қилиқлари учун ҳатто уни: «жаноб Каниве — аломат одам!» дейишарди. Лекин унинг шу тегса тибраимаслиги учун ҳам кўпроқ ҳурматлашарди. Агар дунёни сел олиб кетса, унинг тўнигига чиқмас ва энг оддий одатини ҳам тарк этмасди.

Оме келди.

— Мен сизнинг ёрдамингизга ҳанси боғламоқдаман, — деди доктор. — Сиз тейёрми? Қоши, ишни бошлаётми!

Бироқ доривозани назариб-бўзариб, ўзининг шаҳолатда кўнани бўлиб одам эканига ва бундай операция вақтида ҳозир бўлолма-слигини баъдирди.

— Биласизми, шунчаки томонабин бўлиб туришнинг ўзи ҳарасиёт. Кудда қаттиқ талъикр қилади; — тушунтирди у. — Рост, асабларим сизнинг шунчалик...

¹ Бир аъзонинг хасталанган ерини кесиб ташлаш.

— Бўлди, бас қилинг!— сўзини чўрт кесди Каннве.— Менимча, сиз кўпроқ апоплексияга¹ мойилроқсиз. Бу эса мени ҳайратга солмайди. Сиз жаноб фармацевтлар уззукун ўз ошхоналарингда тимирскилайсизлар ва вақт ўтиши билан сизларнинг мижозингиз ҳам ўзгаради. Мана менга назар ташланг: мен эрталаб соат тўртда тураман. Соқол олишга совуқ сув ишлатаман (ҳеч қачон совқотмайман), фуфайка киймайман. Ҳар қанақа шаронгда ҳам шамолламайман, ошқозоним яхши ишлайди! Бугун бундоқ яшасам, эртага ундоқ яшайман. Ҳамма нарсага фалсафий нуқтаи назардан қарайман, худо бергани ейман. Шунинг учун ҳам мен сизга ўхшаган нозик табиат эмасман. Чўқинтирилган одамними ёки қовурилган қушними кесиш мен учун барибир! Одатланиш — бу катта гап!..

Ипполит кўрпага бурканиб олиб, қўрқувдан терлаб кетди, бу жаноблар эса унга қиттак ҳам эътибор бермай гап сотишар, гап асносида дорихоначи хирургнинг вазминлиги саркарданинг вазминлиги билан тенг эканини исботларди. Бу хилдаги таққослашдан доктор Каннве мамнуи бўлиб, тиббиёт буюк истеъдод талаб этади, деган фикрни кенгайтира бошлади. Ҳар хил қас-соблар врачлик санъатини қанчалик ерга уришмасин, барибир унга муқаддас иш деб қараш кераклигини сўзлаб кетди. Ниҳоят, бемор эсига тушиб қолиб, дорихоначи келтирган бинтларни (ўша биринчи операцияга олиб келинган бинтлар эди) кўриб чиқди ва ёрдамга, беморнинг оёғини ушлаб туришга битта одам беришни сўради. Лестибудуага одам юборишди, жаноб Каннве енгларини шимариб бильярдхонага равона бўлди, фармацевт Артемиза ва қовоқхона бекаси билан қолди; иккаласининг ранги устидаги халатидан ҳам оқариб кетган, ҳадеб эшикка қулоқ солишарди.

Бовари бўлса бу вақт уйига қамалиб олди. У пастда, залда, ўт ёқилмаган камин олдида бошини ҳам килганча қўл қовуштириб, бир нуқтага тикилиб ўтирар эди, «шунча ҳам пачаваси чиқадими ишнинг!» — деб ўйларди у.— Умидлар чилпарчин бўлди! «Ахир у ҳамма эҳтиёт чораларини кўрганди-ку. Бу қандайдир қазойи муаллақ! Шак-шубҳасиз, агар Ипполит ўлса, унинг қотили — Шарль. Беморларни кўргани борган

¹ А п о п л е к с и я — фалаж.

да, улар сўрашса, нима деб жавоб беради? Ёки у фалокат босиб бирор камчиликка йўл қўйдимикин-а? У ўйлаб тополмасди. Нима бўпти, ахир энг машҳур хирурглар ҳам хато қилишган-ку! Афсуеки, мана шуни ҳеч ким эътиборга олмайди! Акеинча, ҳамма энди уни бармоғини бигиз қилиб кўрсатади, гап-еўз қилишадил! Форжга бориб етади! Нефшателга, Руанга! Ҳамма ёққа тарқалади! Ҳали ҳамкасблари унинг устидан газетага ўзишмаса, гўргайдил! Мунозаралар бошланади, жавоб беришга тўғри келади. Ипполит уни судга бериши мумкин. У шармандалик, хонавайронлик, ҳалокат хавфи остида!• Худди бўш бочкани тўлқинлар гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа отиб ўйнагандек унинг ҳаёлотини шубҳалар галаси тинмай таъқиб қиларди.

Эмма Шарлнинг рўпарасида ўтирар ва унинг юзига тикиларди. Шарлнинг шарманда бўлганлиги Эмма қалбида ачиниш уйғотмасди — унинг ўзи ҳам ҳақоратланган эди, шу одамнинг қўлидан бир нш келади, деган бемаъни гапни у қаердан олди? Ахир эрининг бир чақага қимматлигини у неча бор синаб кўрган эди-ку!

Шарль у бурчакдан-бу бурчакка юрар, этиклари гижирларди.

— Утир! — деди Эмма. — Асабимга тегялсан.

У ўтирди.

Қандай қилиб у (шундоқ донолиги билан) яна бир марта эри ҳақида нотўғри қарорга келди! Умуман, уст-ма-уст қурбонлар билан ўз ҳаётини заҳарлаш — қандай кечириб бўлмайдиган аҳмоқлик! Эмма дабдабани яхши кўриши, қалбининг бўм-бўшлиги, номуносиб эрга турмушга чиққанини, оилавий ҳаётининг кўнгилсизлиги бамисоли яраланган қалдирғочдай тунроққа қориншган орзулари ҳақида ўйларди, нимага итилгани, нимани эгаллай олиши мумкинлиги, нималардан воз кечгани тўғрисида ўйларди. Хўш, нима учун? Ким учун?

Бирдан шаҳарчанинг оғир сукунати қулоқни қоматга келтирадиган қичқирқ бузиб юборди. Бовари докадек оқариб кетди. Эмма қошларини асабий чимириб, яна ўз хаёл дарёсига гарқ бўлди. Ҳаммаси шу учун, мана шу махлуқ учун, мана шу ҳеч нарсани тунунмайдиған, сезмайдиған ҳафтафаҳм одам учун! Ахир у хотиржам, ўзининг обрўсини йўқотиш билан

бирг хотинини ҳам шармандаю шармисор қилгани унинг парвойига ҳам келмайди! Тагин Эмма уни севишга уринибди, бошқага кўнгил берганидан қон-қон йиғлаб юрибди-я!

— Валки бу вальгусдир, а? — бирдан унинг хаёлини бузиб деди Бовари.

Шарлнинг саволи, худди кумуш патнисга тушган қўргошин соққадай Эмманинг хаёлини бўлиб юборди. Эмма бу кутилмаган зарбадан чўчиб кетди ва Шарль чима демоқчи эканлигига тушунишга уришиб бошини кўтарди. Улар бир-бирларини энди кўрган одамлардек, унсиз тикилиб туришди, улар шу топда бир-бирларига ёт-бегона ва руҳан жуда ҳам узоқ эдилар. Шарль унга майхўрларникига ўхшаган хира кўзлари билан тикилар, шу билан бир вақтда операция қилинаётган кишининг охирги додлашига сергаклик билан қулоқ соларди, бу чўзиқ инграш бирдан ингичка чинқириққа айланар, шунда қаердадир, узоқ ерда бирор ҳайвонни бўғизлаётгандек туюлар эди. Эмма ўзининг оқариб кетган лабларини тишлар, маржон полипидан узиб олган бир бўлакчани қўлида айлантириб ўтириб, камондан отилишга тайёр турган ўтли ўқ каби ёниб турган кўз қорачиғини Шарлдан узмасди. Ҳозир Шарлнинг ҳамма ёғи, юзи, костюми, ҳатто ғиқ этмай туриши ҳам унинг жаҳлини чиқарар, энг муҳими, Шарлнинг мажжудлиги унинг асабларини бузарди. У ўзининг аввалги олижаноблигидан пушаймон ерди — бу энди ўзиги бир жинойтдек кўринарди. Иззат-нафсининг қақшатқич зарбаларидан иффатининг охирги қолдиқлари ҳам емирилиб кетмоқда эди. Бўлажак қасосдан маст-аласт бўлиб, хиёнатнинг вафодорликдан устун чиқишини олдиндан сезиб лаззатланмоқда эди. Айни чоқда ошининг қиёфаси шу қадар зўр куч билан уни ўзига чорлардики, унинг кўз ўнги қоронғилашиб кетди. Муҳаббат ҳиссига янгидан тўлиб-тошган қалби ошиғи томон талпинарди. Шарль бўлса энди унга етти ёт бегонадек эди, у билан ора узилган, у энди Эмма учун мажжуд эмас ва абадийлик қаърига кириб йўқ бўлган, у жон берапти, унинг кўзлари олдида сўниб тамом бўляпти.

Кўчадан оёқ товуши эшитилди. Шарль деразадан қаради. Дераза қопқоғининг тирқишидан доктор Каниве кўринди. У бозор ёнидан, кўчанинг октобрўя томо-

нидан даструмоли билан пешанасини артиб кетмоқда эди. Унинг орқасидан катта қизил қутини кўтариб Оме борарди. Иккиси дорихона томон йўл олишганди.

Дилида жўш урган нозик туйғу ва ҳасратдан ўзини туютолмай Шарль хотинига ўгирилди:

— Бир қучгил мени, жонгинам! — деди у.

— Мени ўз ҳолимга қўй! — деди тутақиб нетиб Эмма.

— Сенга нима бўлди? Сенга нима бўлди? — саросимага тушиб деди Шарль. — Ўзингни тут! Тинчлай! Сени қанчалик севишимни биласан-ку!.. Кела қол олдимга!

— Бас! — даҳшат ичида қичқирди Эмма ва уйдан отилиб чиқиб, эшикни шундай тарақлатиб ёпдики, дивордаги барометр ерга тушиб чил-чил бўлди.

Шарль ўзини креслога ташлади, эсанкираб, талвасага тушган ҳолатда бунинг сабабини у қандайдир бир асабий хасталикдан қидирди, йиғлади ва оғир, аллақандай бир ғашлик вужудини чулғади.

Кечқурун Родольф боққа келганда, маъшуқаси уни шийпончанинг пастки зинасида туриб қарши олди. Бир-бирларининг қучоғига отилишди, қайноқ бўсалардан уларнинг барча аламлари бир сиқим қордек эриб кетди.

XII

Улар бир-бирларини яна севиб қолишди. Эмма унга кўпинча кундуз кунлари қисқа-қисқа мактублар ёзар, кейин ойнадан Жюстенга имлар, у бўлса шартта пешбоғини ечиб, Ла Юшетга чопарди, Родольф келар, Эмма унга усиз яшолмаслигини, эрининг қандай ярамас одамлигини, турмуши нақадар даҳшатли эканини гапирарди.

— Бу масалада меннинг қўлимдан нима келарди? — деди бир кун Родольф тажанглик билан.

— Оҳ, жоним, агар сен хоҳласанг бўлди-да...

Эмма сочлари паришон, унинг оёқлари остида, узоқларга маъносиз тикилиб ўтирарди.

— Нимани хоҳлашим керак? — сўради Родольф.

— Бир ёққа бош олиб кетсакмикан, — деди Эмма уф тортиб.

— Эсинг жойидами! — деди кулиб Родольф. — Бунинг ҳеч иложи йўқ.

Кейин Эмма яна шу гапга қайтди, Родольф ўзини тушунмаганга солди, кейин гапни бошқа ёққа бурди.

Родольф севгидек шундай оддий бир нарсадан чиқиб келадиган мушкулотларни тан олмасди. Эмманинг ўса ўз важлари, ўз мулоҳазалари бор, унинг меҳрибонлиги албатта нима биландир қиздирилиб туриши шарт эди.

Масалан, унинг эридан нафратланиши Родольфга бўлган ҳирсини кучайтирарди. Ҳайшанига қанчалик нозу карашмалар билан берилса, эридан шунчалик қаттиқ нафратланарди. Родольф билан хуфия учрашувдан кейин бармоқлари йўгон-йўгон, ҳафтафаҳм, қилиқлари совуқ анави Шарль ҳеч қачон ҳозиргидек унинг кўзига бало-қазодек кўринмаганди.

Одамларнинг кўзида ўзини вафодор кўрсатган Эмма Родольфнинг офтобда қорайган пешанасига тушиб турган жингалак сочлари, унинг бақувват ва шу билан бирга келишган қадди-қомати, кўпни кўрган бўлса ҳам эркалашни жойига қўядиган ҳаракатлари ҳақида ўйлаганда эҳтиросдан вужуди қизиб кетар эди. Эмма учун тирноқларини сангтарошдек қунт билан учинингичка қилиб тозаларди, у учун юзидан кольдкремни дастрўмолчасидан атирни аямасди, билагузук, узуклар, зеб-зийнатлар билан безаниб юрарди. Родольф-келиши олдидан иккита катта кўк шиша гулдонга гулдасталар солар, уй йиғиштирар, худди шаҳзодаани кутаётган сарой хонимларидек ўзига зеб берарди. У хизматкор хотинни тинмай кир ювишга мажбур қиларди. Фелисите куни бўйи ошхонадан чиқмас, кўп вақтини Фелисите билан ўтказадиган Жюстен унинг иши азбаройи кўплигидан ҳайрон қоларди.

Жюстен узун дазмол тахтасига тирсакларини қўйиб, олдида ёйилган аёл кийим-кечакларига қизиқиб ўтирар эди. Ғалати-ғалати юбкалар, дуррачалар, ёқалар, юқориси кенг, почаси ингичкалашиб борган, уқа қадалган лозимлар...

— Мана буниси нима учун? — деб сўрарди ўспирин кринолин ёки бандига ишора қилиб.

— Нима, умрингда биринчи кўришингми? — кулажула жавоб берарди Фелисите, — ўзингнинг беканг Оме хонимники ҳам худди шунақадир?

— Шунақадирмиш-а!— жавоб берарди Жюстен.— Менинг бекамни Бовари хоним билан тенглаштириб бўладими...

Бироқ Фелисите унинг хира пашша бўлганидан жаҳли чиқарди. У Жюстендан олти ёш катта, унга энди жаноб Гильоменнинг хизматчиси Теодор ишқибоз бўлиб юрарди.

— Ҳой, мунча хирахандонсан, ахир!— крахмал солинган хурмачани суриб қўя туриб жеркиб ташлади у.— Бор, ундан кўра, бодом чақ, Қачон бўлса хотинларнинг холаси, қизларнинг янгаси бўлиб юрасан! Ҳали мўйловинг сабза урмабди-ку! Қани, туёгингни шикиллат!

— Ҳай, ҳай! Жаҳлингиз чиқмасин, келинг, яхши-си мен бекангизнинг ботинкасини қулинг ўргилсин қилиб тозалаб берай.

Жюстен дераза тоқчасидан Эмманинг ишқий учрашувларда лойга ботган туфличасини оларди, чаққон қўлларида қуриб қолган лой чангга айлана бошларди ва унинг қуёш шуъласида аста-секин кўтарилаётганига қараб турарди.

— Намунча авайламасанг!— дерди ошпаз хотин.— Узи уларни чалакам-чатти тозаларди, чунки бекаон ботинкаси «эскиб» қолганини кўриб дарров унга совға қиларди.

Бир вақтлар Эмманинг шкафи оёқ кийим билан лиқ тўла эди. Энди бўлса қарийб ҳаммаси хизматчи хотинга ўтганди, лекин Шарль ҳеч қачон хотинига бунинг учун бир оғиз танбеҳ бермасди.

Эмманинг фикрича, Ипполитга тақдим этилиши керак бўлган сунъий оёқ учун ҳам гап-сўзсиз уч юз франк чиқариб берди. Протез пружина билан пробкадан ясалган мураккаб бир механизм эди, устидан кийилган қора шимнинг почаси амиркон ботинкага тиқилган эди. Бироқ Ипполит бунақанги чиройли оёқда ҳар кун юришни олифталик деб билди ва Бовари хонимдан бошқа соддароқ оёқ илтимос қилди. Шубҳасиз, доктор бунга ҳам пул тўлади.

Аста-секин отбоқар яна ўз иши билан шуғуллана бошлади. Яна у шаҳар кўчаларининг ҳали у ерида, ҳали бу ерида кўринадиган бўлди. Шарль узоқдан протезнинг тош кўчада тақ-тақ овозини эшитиши билан кўчанинг у юзига шошиб ўтиб оладиган бўлди.

Бутун буюртмаларни бажаришни савдогар жаноб Лере ўз устига олганди, бу эса унга Эмма билан ҳар кунни учрашиб туришга имконият туғдирарди. У Эммага Парижда нимаики янгилик бор, қанақа ажойиб нарсалар бор, ҳаммасини гапириб берар, ҳаддан ташқари сермулозамат бўлиб, ҳеч қачон пулини қистамасди. Ўз инжиқликларини қондириш учун қулай бўлган осон йўл Эммани қизиқтириб қўйди. Масалан, у Родольфга жуда чиройли қамчин ҳада қилгиси келди, уни Руан магазинларидан бирида кўрганди. Бир ҳафтадан кейин жаноб Лере шу қамчинни келтириб стол устига қўйди.

Лекин эртасига у икки юз етмиш франк, яна қанчаям саноғимга счёт кўрсатди. Эмма гангиб қолди, ёзув столи тортмасида ҳеч вақо йўқ эди. Лестибудуага ҳам ярим ойчадан бери ҳақ тўлашмаган, ундан бошқа қарзлари кўп эди, Шарль сабрсизлик билан Пётр ҳайитини кутарди, одатда жаноб Дерозере шу кун Шарлга бир йўла бир йиллик ҳақини тўларди.

Икки-уч марта Эмма йўлини қилиб савдогарни жўнатди, лекин савдогарнинг ҳам тоқати тоқ бўлди, ахир қарз берганлар ҳам уни ҳоли жонига қўйишмайди-ку, дастмойси ишга солинган, ҳеч бўлмаса ярим-ёртисини тўламаса, нарсаларини қайтиб олишга мажбур эканлигини айтди.

— Олсангиз ола қолинг! — жеркиб ташлади Эмма.

— Қўйсангиз-чи! Ҳазиллашдим! — деди у. — Фақат мана шу қамчинга ачинаман. Майли, нима қилардинг. Өрингиздан сўраб, қайтариб оларман.

— Йўқ, йўқ! — деди Эмма типирчилаб.

«Ҳа, ҳа, қўлга тушдингми?!» деди ичида Лере.

Шу фикрга қаттиқ ишонч ҳосил қилган ҳолда у Эмманинг олдидан одати бўйича ҳуштак чалиб:

«Жуда соз... жуда соз! Кўрамиз!» деб пинғиллаб чиқиб кетди.

Эмма шу мушкул аҳволдан қандай қутулиш йўлини ўйлаб, бош қотириб ўтирганда ошпаз хотин кириб келди ва «жаноб Дерозередан», деб кўк қоғозга ўроғлик тугунчани каминнинг устига қўйди. Эмма ўрнидан сапчиб туриб, тугунчани очди. Унинг ичида ўн беш наполеондор бор экан. Демак, счётни тўласа бўлади! Зинада эрининг оёқ товуши эшитилди — Эмма тил

лаларни ёзув столининг ғаладонига ташлаб, калитти-ни суғуриб олди.

Уч кундан кейин Лере яна келди.

— Мен сизга битта битим таклиф қилмоқчиман, — деди у, — талаб қилинган пулни тўлаш қийин бўлса, сиз...

— Олинг! — деди унинг сўзини бўлиб Эмма ва қўлига ўн тўрт наполеондорни тутқазди.

Савдогар ҳанг-манг бўлиб қолди, лекин ҳафсаласи пир бўлганини яшириш учун устма-уст узр сўрай бошлади ва яна хизматини таклиф қилди, бироқ Эмма ҳаммасини қатъият билан рад этди. У кетгандан кейин Эмма бир неча дақиқа чўнтагидаги қайтимига олган икки юз сўмни тимирскилаб турди. Бундан кейин тежаб-тергаб, ҳамма қарзидан қутулишга қасд қилди. Аммо, бир оздан кейин, — «Э, бу пул Шарлнинг эсига ҳам келмайди!» — деб хаёлидан ўтказди.

Сонига тилла суви югуртилган қамчиндан бошқа Родольф Эммадан яна *Апог пей сог'* деб ёзилган муҳр, шарф ва ниҳоят бир портсигар совға олди. Худди шундай бир портсигарни бир вақтлар викоонт йўлда тушириб қўйган. Шарль уни топиб олган, Эмма эса уни хотира учун яшириб қўйган эди. Родольф Эммадан совға олишни ўзига ор деб биларди. Баъзиларини олишдан бош тортарди. Лекин Эмма қистаб туриб оларди, бора-бора Эмманинг ўктамлиги ва бир сўзли эканини билгач, итоат қилишга мажбур бўлди.

Кейин Эммада яна ғалати-ғалати орзу-тилақлар туғилди.

— Тун ярим бўлганда мени эслагин, — деб илтимос қилди.

Агар Родольф эсга олмаганига иқроп бўлса, бошига таъна тошлари ёғиларди, булар доим бир хилда:

— Мени севасанми? — деган сўзлар билан тугарди.

— Бўлмаса-чи! — жавоб берарди Родольф.

— Чинданми?

— Албатта-да.

— Бошқаяларни ҳам севганмисан?

— Нима, мен жуда фариштамидим, — дерди кулги аралаш Родольф.

¹ Қалбдаги муқаббат (итальянча).

Эмма йиғларди, у бўлса ҳазил аралаш ишонтириб, уни овутишга уринарди.

— Ахир севаман-да сени, нима қилай!— деб боцларди яна Эмма.— Шундай севаманки, сенсиз яшай олмайман, тушунасанми? Баъзан сени шундай кўргим кеп кетадики, изтиробдан юрагим тарс ёрилиб кетадигандек туюлади. «Ҳозир у қаердайкин? Балки у ҳозир бошқалар билан гаплашиб турибдимикин? Улар кулиб боқадилар, у бўлса уларга яқинлашмаяпти...» деб ўйлайсан киши. Йўқ, йўқ, энди сенга ҳеч ким ёқмайди, тўғрими? Мендан гўзалроқ ҳам жувонлар бор, лекин улар менга ўхшаб сева олмайдилар! Мен сенинг қулингман! Сенинг маъшуқангман! Сен менинг ҳокимимсан, менинг маъбудам! Сен оқ кўнгил, ажойиб одамсан! Сен доно, сен зўр одамсан!

Унинг гапларида Родольф учун бирорта янгилик йўқ эди, бунақа сўзларни у минг бора эшитганди! Эмма бошқа ўйнашларидан қилча фарқ қилмасди. Янгилик латофати худди либосга ўхшаб секин-аста сирғалиб тушиб кетди, ҳар вақт бир хил шакл, бир хил тилга эга бўлган ҳирсининг доимий бир турдалиги очилиб қолди. Гап тузилишидаги ўхшашлик бу идрокли одамдан ҳисларнинг нозик тафовутини тўсиб қўярди. Родольф шунга ўхшаган гапларни суюқоёқ, фоҳишаларнинг лабларидан эшитган ва шунинг учун Эмманинг самимийлигидан гумонсирарди. «Одатда жуда ҳам саёз ишқ-муҳаббат, дабдабали сўзлар билан ниқобланган бўлади», дерди Родольф. Худди тўлиб-тошган юрак ҳисларини қуруқ истиоралар билан изҳор этиб бўлмагандек! Ахир шу чоққача ўв орзу-умидларини, ниятларини, ҳасратларини ифодадалаш учун аниқ сўз топишга ҳеч кимнинг қудрати етмаган-ку, зероки, инсон нутқи ёрилган қозонга ўхшайди, биз музикамиз билан юлдузларни ҳаяжонлантирмоқни истасак, қулоққа ёқмас хунук овозлар чиқади.

Бироқ, ҳатто шавқ-завқнинг энг авжига чиққан вақтида ҳам ақлини йўқотмайдиган, бунга танқид кўзи билан қарайдиган кишилар қаторидан ўрин олган Родольф ўзи учун бу ишқ дostonидан қанақадир роҳат топарди. Энди у Эммадан ҳеч қанча тортинмас, у билан бетакаллуф муносабатда бўлар эди. У Эммани одобсиз, қўлга келадиган қилиб қўйди. Эмманинг

телба эҳтироси Родольфдан завқланиш ҳисси билан суғорилганди, Эмма учун бу ҳузур-ҳаловатнинг манбаи, кайф-сафо, сархушлик манбаи эди, унинг қалби худди мальвазий бочкасига тушган герцог Кларенсга¹ ўхшаб, маст-аластликдан бочканинг энг тагига чўкиб, кулала тушиб ётиб олган эди.

Эмма энди муҳаббат масалаларида тажрибадор бўлиб олди, бу эса уни ўзгартириб юборди. Боқишлари дадил, сўзлари бурро бўлди. Энди² у Родольф билан бирга сайр этиш ва атайлаб одамларнинг жигига тегиш учун папирос чекишдан ҳам тортинмасди. Лекин кунлардан бир кун у «Қалдирғоч»дан эркаклар нимчасида тушиб келганини кўрганлар илгари фақат шубҳа қилиб юрган бўлсалар, энди ҳамма шубҳалар осмонга учди. Бу маҳаллий аёлларнинг қанчалик газабини келтирган бўлса, эри билан бўлган қаттиқ жанжалдан кейин ўғлини келган катта Бовари хонимни ҳам шунчалик газаблантирган эди. Шунини айтиш керакки, унга яна бошқа кўп нарсалар ҳам ёқмасди: аввало, Эммага романлар ўқишни ман этиш ҳақидаги маслаҳатига Шарль қулоқ солмади; кейин умуман бу уйдаги кайфият унга ёқмасди. Бу ҳақда у оғиз очиб кўрганди — қаттиқ норозиликка дуч келди, Фелисите туфайли бир кун қайнана-келин ўртасида жуда катта жанжал ҳам бўлиб ўтди.

Бир кун илгари, кечқурун катта Бовари хоним йўлакдан ўта туриб, Фелиситени бир эркак билан турганини кўриб қолди. Эркак қирқ ёшларга кирган, қора бакенбардлари бор, у оёқ товушини эшитиб, чопиб ошхонадан қочиб чиқиб кетди. Бу гаплардан Эмманнинг кулгиси қистади. Лекин хонимойим тутақиб кетиб, фақат ахлоқсиз одамларгина хизматкорларнинг ахлоқсизлигига йўл қўядилар, деб юборди.

— Ўзингиз қаерда тарбиялангансиз? — сўради келин.

Бу саволни бераркан, Эмма қайнанасига шундай бир ҳаёсизлик билан қарадики, катта Бовари хоним, одамходис ўзининг ҳимоя қилишга уриняпсанми, деб қолди.

¹ Инглиз қироли Эдуарднинг укаси герцог Кларенс (1449—1478) суиқасда иштирок этганлиги учун ўлим жазосига ҳукм қилинганда, уни мальвазий (ширин вино нави) соднинган бочкага чўктириб ўлдиришларини сўраган экан.

— Йўқол бу ердан!— бақирди келин ва ўрнида: ирғиб турди.

— Эмма!.. Ойи!.. — деди уларни яраштиришга уришиб Шарль.

Лекин иккала аёл ҳам газабига чидолмай, хонадан гизиллаб чиқиб кетишди. Эмма ер тепиниб бақирарди:

— Узини тутишини қаранглар-у! Қишлоқи!

Шарль онаси олдига югурди, у тутақиб кетган эди.

— Юзсиз! Енгилтак! Ундан ҳам баттарина!— пишқирарди қайнана.

Катта Бовари хоним агар келини ҳозироқ келиб узр сўрамаса жўнаб кетишини дангал айтди. Шарль хотинига югурди. У хотинининг оёқларига йиқилиб ялинди. Ниҳоят, Эмма рози бўлди:

— Ҳа, бўпти! Бораман!— деди.

Ҳақиқатан у қайнарасининг олдига келиб, маркизаларга хос кибр билан қўлини узатиб:

— Афв этинг, хоним!— деди. Лекин ўз хонасига қайтгач, каравотга мукка тушиб, ёстиққа юзини қўйиб, болалардай ҳўнграб-ҳўнграб йиғлади.

Эмма Родольф билан келишиб қўйганди: агар бирор фавқулодда ҳодиса юз бериб қолса, пардага бир парча қоғоз ёпиштириб қўймоқчи эди; агар шу вақт Родольф Йонвилда бўлса белги кўрингач, дарҳол уй орқасига ўтиши керак. Эмма қоғозни ёпиштирди. Чорак соат кутгандан кейин у бирдан растанинг бурчагида Родольфни кўриб қолди. Эмма деразани шартта очиб уни чақиришига сал қолди, лекин Родольф кўздан ғойиб бўлди. Эмма яна умидсизликка тушди.

Лекин кўн ўтмай тротуарда оёқ товуши эшитилди. Шубҳасиз, бу ўша эди. Эмма зинадан пастга тушди, ҳовлидан чопиб ўтди. Родольф тор кўчада турган эди. Эмма ўзини унинг қучоғига отди.

— Эҳтиётсизлик қиляпсан,— деди у.

— Оҳ, ҳол-аҳволим нима кечганини билсанг эди!— деб юборди Эмма.

Эмма унга ҳаммасини гапириб берди, шошиб-пишиб, гапидан адашиб, бичиб-тўқиб, палапартниш гапирди, бу гаплар Родольфни батамом гангитиб қўйган эди.

— Бўлди, фариштам! Узингни қўлга ол! Тинчлан! Сабр қил!

— Ахир мен тўрт йилдан бери чидаб келяпман, қийналяпман! Орамиздаги муҳаббатимиз шундай бир муҳаббатки, мен худо олдида ҳам севганимга иқрор бўлган бўлардим! Улар мени қийнаб юборишди, ортиқ чидолмайман! Қутқар мени!

У Родольфнинг кўксига бош қўйди. Унинг ёшдан қизарган кўзлари гўё сувда аксланаётган оловга ўхшаб порларди, тез-тез нафас олишидан кўкраклари кўтариларди. Родольф уни ҳеч қачон ҳозиргидек қаттиқ севган эмасди. Батамом эсини йўқотган Родольф сўради:

— Нима қилиш керак? Нима истайсан, азизим?

— Мени бу ердан олиб кет!— деди.— Олиб кет!.. Ялиниб сўрайман!

У ўпич билан бирга қўшиб беихтиёр розилигини олмоқчи бўлгандай унинг лабларига интилди.

— Лекин...— бошлади Родольф.

— Нима демоқчисан?

— Қизинг-чи?

Эмма бир оз жим турди.

— Бирга олиб кетишга тўғри келади!— деди у.

«Бу қанақа хотин ўзи!»— деб ўйлади Родольф унинг орқасидан қараб қолиб.

У боғ томонга чолиб кетди, уни чақирган эдилар.

Кейинги кунларда катта Бовари хоним келинидаги ўзгаришдан ҳайрон бўлиб гапнинг тагига етолмасди. Ҳа, ростдан ҳам Эмма юмшоқ кўнгил, иззат-ҳурматни жойига қўядиган бўлиб қолди, шунчалик жаҳлидан тушибдики, ҳатто қайнанасидан бодрингни қандай тузлашни сўради.

Бу ишлар қайнана ва эрининг кўзини шамғалат қилиш мақсадида қилинармиди? Ёки бўлмаса бу ўз ҳолича кулфатларга сабот ва матонат билан қарши туришдан лаззатланиш, ўзи тарк этиб кетаётган ҳамма нарсаларнинг бир чақага арзимаслигини чуқурроқ ҳис этиш истагимиди? Йўқ, бу фикрлардан жуда узоқ эди, аксинча у, яқинлашиб келаётган бахтнинг лаззатини олдиндан тотишга муккасидан кетган эди. Родольф билан у фақат шу ҳақда гаплашганди. Бошини унинг кўксига қўйиб пичирларди:

— О, қачон биз сен билан почта каретасига ўтирамиз!.. Кўз олдингга келтира оласанми буни? Наҳотки айтганимиз бўлади-а? Отлар бизни елдай учириб

кетганда менда шундай бир ҳис пайдо бўлса керакки, бамисоли биз ҳаво шарида осмонга кўтариляпмиз, булутлар томон учяпмиз. Виласанми, мен кунларни санай бошладим... Сен-чи?

Охирги пайтларда Бовари хоним жуда кўҳлик бўлиб кетди. Бу шодлик, шавқ-завқ, ютуқ билан суғорилган, тил билан ифодалаб бўлмайдиган бир гўзаллик эди. Бу аслида жўшқинлик ва ҳаётини шароитларнинг бир-бири билан уйғунлиги ифодаси эди. Ҳавас, изтироб, завқланишдаги тажриба, ҳамиша навқирон орзулар — булар барчаси унинг руҳининг тобора кўтарилишига, худди гулларга ўғит, ёмғир, шамол ва қуёш зарур бўлганидек зарур эди. У энди бутун борлиги билан кундай очилиб кетганди. Унинг кўз қийинги гўё ошиқона боқишлар учунгина яратилганки, боққанда қорачиқлар йўқ бўлиб кетар, ҳаяжонли нафас олганда нозик бурун катаклари кенгаярди, ёругда яхши билинадиган қора туклар соя солиб турган дўмбоқ дудоқчаларнинг чети эса юқорига кўтариларди... Унинг гарданидаги гажакларини тажрибакор рассом териб қўйгандек эди. Қалин сочлари мавжланар, хуфиёна севгининг инжиқликларига бўйин эгиб, сочилиб турарди. Эмманнинг товуши ҳам, ҳаракатлари ҳам майинлашди, ҳаттоки, унинг кўйлак бурмаларидан, оёқ букикларидан ҳам ўткир ва лекин билинар-билимас бир нима жилоланиб турарди. Шарль учун у ҳамон уйланган дастлабки кунларидагидек дилбар, жозибали кўринарди.

Шарль ишдан кеч қайтган пайтларида уни уйғотишга журъат этолмасди. Чинни тун чироғининг шуъласи шипда доира шаклида пирпирар, каравотнинг оёқ томонидаги сояда эса беланчак устидаги оқ чодир пуфакланиб турарди. Шарль хотинига ва қизига тикиларди. Назарида худди қизининг енгил нафасини илғаётгандек бўларди. Энди у кунлаб эмас, соатлаб ўсади; йилнинг ҳар фаслида унда янги-янги ўзгаришлар пайдо бўлади. Шарль кечқурунлари унинг кулиб мактабдан қайтиб келишини, кўйлакларига сиёҳ теккан, қўлида саватча билан кириб келаётганини тасаввур қилади. Кейин уни пансионга бериш керак, бу арзонга тушмайди. Нима қилиш керак? Шарль хаёл суриб қолди. У шу яқин атрофдан кичикроқ бир фермани ижарага олишни мўлжаллади, ҳар кун эрталаб беморлар

олдига кетаётганда ўзи кириб хабардор бўлиб туради. У ердан чиққан даромадни тўплаб, пулни омонат кассага қўяди, кейин акциялар сотиб олади, бу вақт ичида унинг беморлари ҳам кўпайиб қолади. Мана шунга у кўпроқ ишонарди. У Бертанинг яхши тарбия олишини, унда истеъдод пайдо бўлишини ва у фортепьяно чалишни ўрганишини истайди. Ун беш ёшга кирганда у онасига ўхшаш ниҳоятда гўзал бўлади ва ёз кунлари иккаласи кенг соябонли похол шляпа кийиб юришганда, уларни узоқдан кўрган одамлар опасингил деб ўйлашади. Шарлнинг кўз ўнгида Берта ота-онасининг олдида чироқ ёруғида ўтириб кашта тикаётгани гавдаланади. У отасига туфли тўқиб беради, рўзгор ишларига боқишади, бутун уйни ўзининг хушчақчақлиги ва жозибаси билан тўлдиради. Ниҳоят унинг тақдири ҳақида ўйлашга тўғри келади. Улар қизлари учун ҳар томондан ёлчиган, яхшигина куёв топишади, қизи у билан умрбод бахтли ҳаёт кечиради.

Эмма ухламаса-да, ўзини ухлаганга солиб ётарди, Шарль унинг ёнида ётиб, кўзи уйқуга кетаётган пайтда у бошқа бировнинг хаёли билан бедор эди.

Мана, бир ҳафтадирки, тўрт от Родольф билан уни ҳеч қачон қайтиб келмайдиган номаълум элларга олиб учади. Улар ҳамон йўл юришади, индамай, қучоқлашиб йўл босишади. Тепадан, уларнинг кўзлари олдида беҳосдан ажойиб бир шаҳар — гумбазлар, кўприклар, кемалар, лимонзорлар ва тепасига лайлак ин қўйган, учи қуббали, оқ мрамор соборлар намоён бўлади. Улар нотекис тош кўчалардан аста ўтиб борадилар ва қизил корсаж кийган аёллар уларга гул сотиб олишни таклиф этишади. Қўнғироқлар даранглайди, хачирлар ҳанграйди, гитаралар жаранглайди, фонтанлар шовиллайди ва улардан сув чанглари атрофга сачраб, фавворалар орасидан жилмайиб турган, оқ ҳайкалчалар ўрнатилган, тамаллар устига тегиб қўйилган уюм-уюм меваларни ҳўллайди. Кечқурун улар Родольф билан балиқчилар қишлоғига келишади, бу ерда қирғоқ қоялари бўйлаб кетган кулбаларнинг ойнаси тагида қорамтир тўрлар шамолда қуритилади. Улар шу ерда яшашади; улар денгиз бўйида, кўрфазнинг энг четида, олдида хурмо дарахти ўсган, текис томлик пастаккина уйда яшашади. Қайиқда кезишади, тўр беланчақда тебранишади ва улар учун

Ўзларининг ипакли кийимларига ўхшаган енгил ва эркин, ўзига мафтун этган сокин юлдузли тунларга ўхшаган илиқ ва порлоқ ҳаёт бошланади. У ўз тасаввурида гавдалантирган анави бепоён келажакда ҳеч нарса равшан ажралиб турмасди, ҳамма кунлар завқшавқли, худди тўлқинлар каби бир-бирига ўхшаш ва шу зангори, қуёш нурига бурканган, бир хил садо берувчи кенглик уфқда бир маромда тебранарди... Бироқ шу пайт беланчакда қиз йўталиб қолар ёки Бовари қаттиқ хуррак отарди, Эмма бўлса фақат тонг ёришига яқин, тонг ёруридан дераза ойналари оқара бошлагандагина, Жюстен дорихона дарпардаларини очгандагина уйқу қучоғига фарқ бўларди.

Бир кун у жаноб Лерени чақиртириб шундай деди:

— Менга плаш керак, узун, астарли, катта ёқали плаш керак.

— Саёҳатга чиқмоқчимисиз? — қизиқиб сўради у.

— Йўқ, лекин... Хуллас, сизга ишонаман. Хўпми? Аммо тезроқ бўлсин!

Лере таъзим қилди.

— Менга яна чамадон керак... — давом этди Эмма, — унча оғир бўлмасин... Қулай бўлсин.

— Хўш, хўш, тушунаман. Тахминан узунлиги тўқсон тўққиз, эни эллик, ҳозир шунақа қилиб ясашади.

— Кейин қопкўрпа ҳам.

«Уришиб қолишганга ўхшайди», — ўйлади дилида Лере.

— Мана, — деди, белидаги соатини узатиб Бовари хоним, — ҳақиқа шуни олинг.

Бироқ савдогар, бу нима деган гап, ахир бир-биримизни биламиз-ку, наҳотки хонимга ишонмасам? Яхши эмас, деб Эмманинг қўлини қайтарди. Лекин Эмма ҳеч бўлмаса занжирини олишини сўради. Лере занжирни чўнтагига солиб, чиқиб кетмоқчи бўлганда Эмма уни чақирди.

— Буларнинг ҳаммаси сизникида туриб турсин. Плашни бўлса... — у ўйлаб қолди-да, кейин: — плашни ҳам олиб келманг. Лекин сиз менга тикувчининг адресини беринг-да, унга тайинлаб қўйинг, балки плаш менга яқин кунда керак бўп қолар, — деди.

Улар келаси ойда қочишлари керак эди. Эмма гўё бир нарса харид қиладигандек Руанга боради.

Родольф билет олади, паспортларини тўғрилайди ва унга Марселгача карета тайёрлаб қўйишларини сўраб, Парижга хат ёвади, Марселда улар коляска сотиб олиб, тўппа-тўғри Генуя йўлидан кетишади. Эмма олдиндан юкини Лереникига юборади, у ердан тўғри «Қалдирғоч»га олиб келишади, шундай қилиб, ҳеч кимда шубҳа туғилмайди. Бу режаларнинг ҳеч қайси-сида Берта тилга олинмасди. Родольф у ҳақда гапир-гиси келмасди; Эмма балки уни хаёлига ҳам келтирмагандир.

Ишларини бартараф қилиш учун Родольфга яна икки ҳафта керак эди. Саккиз кундан кейин у яна сафарни икки ҳафта орқага суришни сўради, кейин ўзини касалга солди, кейин қаергадир кетиб қолди. Шу билан август ҳам ўтди, ниҳоят сафар орқага сурилавериб-сурилавериб, охири маълум муддат — тўртинчи сентябрь, душанба кунига тайинланди.

Шанба келди, арафанинг арафаси.

Кечқурун Родольф анча барвақт келди.

— Ҳаммаси шайми? — сўради Эмма.

— Ҳа.

Улар гулзорни айланиб ўтиб, жарликнинг тепасида, девор тагига ўтиришди.

— Хафадайсан? — сўради Эмма.

— Йўқ, нега энди?

Шу лаҳза у Эммага, айниқса меҳрибонлик билан тикиларди.

— Бунинг сабаби шуки, сен кетяпсан, ўрганган ҳамма нарсалардан, аввалги ҳаётингдан ажралапсан, шундайми? — сўради ундан Эмма. — Ҳа, рост, мен аҳволингни тушунаман... Мана, мени боғлаб турган ҳеч нарса йўқ! Сен мен учун ҳамма нарсанинг ўрнини босасан. Мен ҳам сенга худди шундай. Оиланинг ҳам, ватанингнинг ҳам ўрнини босаман, бир умрлик гамхўринг бўламан, сени севаман.

— Зебосан! Зебо! — уни бағрига маҳкам босиб деди Родольф.

— Ростданми? — бўшашган товуш билан кулиб сўради Эмма. — Севасанми? Қасам ич!

— Тагин сўрайсан-а сеvasанми, деб? Мен сени жонимдан ортиқ севаман, севгилим!

Яйловлар ортида, уфқда қип-қизил ой гардиши

кўринди. У жуда тез кўтарилди, ҳар ер-ҳар ерда уни у вада пардалардек терак шохлари бекитарди. Кейин оё кўзни қамаштирадиган даражада оппоқ бўлиб бепоян осмон гумбазини ёритди ва ўз юришини секинлаштириб, дарёга шуъласини туширди, шуъла шу лаҳза сувда сон-саноксиз юлдузлар каби пирпирай бошлади. Унинг яллиғи сув ичида, тангачалари йилтиллаётган бошсиз илондек тўлқинланиб, дарё тагида ҳам биланглар эди. Яна бу ҳар ёғидан эритилган олмоснинг томчилари оқиб турган ниҳоятда катта қандилга ҳам ўхшарди. Атрофда сокин тун ҳукм суради. Дарахтларнинг барглари соя чодирига ўралган. Шамол эсарди, Эмма кўзларини ярим юмиб, унинг салқинини суқланиб ичига тортди. Улар ўз хаёллари билан шу қадар банд эдиларки, гаплашиша олмасдилар ҳам. Бог этагида шовиллаётган дарё каби серсув, сокин богда ўсган ясминнинг хушбўй иси каби хумор қилувчи ўтмиш нафосати қалбда тўлиб-тошар ва хотираларида қилт этмай турган толларнинг ўт устидаги соясидан ҳам узунроқ ва ундан ҳам мунглироқ соялар пайдо бўларди. Баъзан барглари шитирлатиб, қанақадир тун ҳайвончаси: типратиконми, латчами овга чиқарди ёки оғир сукунатни бузиб бирдан пишган шафтоли ерга пақ этиб тушарди.

— Нақадар ажойиб тун! — деди Родольф.

— Олдимизда бундай тунлар ҳали кўп! — сўзини илиб кетди Эмма, худди ўзи билан ўзи гаплашгандек. — Ҳа, сафаримиз ҳам гаштли бўлади... Бироқ, нима учун менинг кўнглим гаш? Бойси нима экан: ҳали менга қоронғи бўлган келажакдан кўрқимми? Ёки ўрганиш бўлиб қолган ҳаёт тарзидан кечаётганимданми?.. Ёки... йўқ, бу бахт, толенинг ошиб-тошганидан! Юраксизлик қиялпман-а? Кечир мен!..

— Ҳали вақтинг бор! — деб юборди Родольф. — Яхшилаб ўйла, кейин пушаймон еб юрма.

— Ҳеч қачон! — тутақиб кетиб гапирди Эмма ва унинг пинжигга кирди. — Мени жин ҳам урмайди. Модомки, сен билан бирга эканман, на саҳро, на жаҳаннам, на океан кўрқинчли эмас мен учун. Бирга кечирадиган ҳаётимизни кўз олдимга келтираман: бу — кун сайин маҳкамлашиб борадиган қучоқлашишлар!.. Бизни ҳеч нарса чўчитмайди: на монеликлар, на машаққатлар! Биз танҳо... батамом... абадий

танҳо бўламиз... Қани, сен ҳам гапир, бир нарса дегин ахир!

Родольф ҳар замон-ҳар замон: «Ҳа... ҳа...» деб жавоб берарди. Эмма унинг сочларини тарамлар, ёноқларидан эса йирик-йирик кўз ёшлари думалаб тушарди ва у ҳамон болаларча оҳангда:

— Родольф! Родольф!.. Эҳ, жонгинам, Родольфим!— деб такрорларди.

Бонг овози янгради.

— Тун ярмидан ошди!— деди Эмма.— Эртага кун бошланади. Демак, яна бир кун!

Родольф ўрнидан турди ва бу ҳаракат уларнинг қочишига ишорадек бўлди, Эмманинг чеҳраси очилиб кетди.

— Паспортлар сендами?

— Ҳа.

— Ҳеч нарса эсингдан чиқмадимми?

— Ҳеч нарса.

— Ростданми?

— Бўлмаса-чи?

— Шундай қилиб сен мени «Прованс» меҳмонхонасида кутасан-а?.. Чошгоҳда?..

У бош ирғади.

— Хўп, эртагача,— деди уни охириги марта ўпиб Эмма, кейин унинг орқасидан анчагача қараб турди.

Родольф орқасига ўгирилиб қарамади. Эмма унинг орқасидан чопиб борди ва сувга энгашган буталарнинг орасини очиб:

— Эртагача!— деб бақирди.

Родольф аллақачон дарёнинг нариги қирғоғида, яйловда тез-тез қадам ташлаб кетмоқда эди.

Бир неча дақиқадан сўнг Родольф тўхтади ва Эмманинг оқ кўйлақда, худди арвоҳ каби аста-секин юриб зулмат қаърига кириб кетаётганини кўриб, юраги қаттиқ уриб кетди, боши айланди, йиқилиб тушмаслиги учун дарахтга суянди.

— Роса аҳмоқман-а!— деди у ва ёмон сўз билан ўкинди.— Майли, ҳечқиси йўқ, лекин ўйнашликни жуда боп жувон эди!

Шунда у Эмманинг бор ҳусн-жамолини, бу севги бахш этган барча шодиёналарни тасаввур қилди. Бу фикр аввал унинг кўнглини анча юмшатди, лекин бир оздан кейин қаҳри қайнаб кетди.

— Мен бутунлай чет элга кетармишман! Ҳа, ҳа! Қўлларини паҳса қилиб қаттиқ гаширдй у.— Тағи анари гўдак билан, анари ортиқча матоҳ билан!

У ўз қарорини шу билан мустаҳкамлашни истарди.
— Кейин машмаша... каражатлар... Йўқ, йўқ, ҳе қачон! Бу ўтакетган аҳмоқлик бўларди!

XIII

Родольф уйига қайтиши билан бир дақиқасин ҳам бой бермай, ўлжа сифатида кийикнинг боши осилиқ турган девор тагидаги ёзув столига келиб ўтирди. Лекин қўлига қалам олиши билан хаёлига келган ҳамма сўзлар учди-кетди, шунда у тирсагини столга қўйиб хаёлга чўмди. Эмма у учун гўё узоқ ўтмиш эди. У қабул қилган қарор бир зумда иккисининг ўрфасидан жуда улкан масофа барпо этди.

Эмма ҳақидаги хотираларни биратўла йўқотиб юбормаслик учун Родольф каравот бошида турган шкафга бориб, одатда хотинларнинг мактубини яшириб қўядиган эски бисквит қутичани суғуриб олди, ундан нам чанг ва сўлиган гулларнинг исси келарди. Кўзига энг аввал ўнгиб, доғ-доғ бўлиб кетган дастрўмол ташланди. Бу Эмманинг дастрўмоли эди, бир кун улар сайр қилиб юришганда Эмманинг бурнидан қон келган, шунда шу дастрўмолга артган эди, лекин қачонлиги Родольфнинг эсидан чиқиб кетибди. Ёнида тўрт бурчаги титилиб кетган Эмманинг кичкинагина сурати ётарди. Унинг кийиниши ўзига оро берганлигини кўрсатарди, боқишлари, кўз сузишлари Родольфнинг фикрича, гоят аянчли эди. Суратга тикилиб ўтириб, Родольф хаёлан Эммани кўз олдига келтиришга уринди, аммо унинг расми билан жонли юзи бир-бирига ишқаланиб, суркаланиб аста-секин ёйилиб кетди. Кейин Родольф, унинг мактубларини ўқий бошлади. Барчаси кетиш ҳақида, худди расмий қоғозларга ўхшаб, қисқа, жиддий ва қатъийлик билан ёзилганди. У Эмманинг авваллари ёзган, узун мактубларини қайтадан ўқигиси келди: улар қутичанинг энг тагида сақланарди, уни олиш учун қутичадан ҳамма нарсани ағдаришга тўғри келди ва шошилиб бир уюм қоғозни ва буюмларни титкилай бошлади: уларнинг ичидан

ҳали кичкина гулдаста, ҳали резинка тасма, ҳали қора ниқоб, ҳали тўғнағич, ҳали сочлар чиқарди. Қора, сариқ сочлар... Баъзи соч толалари қутичанинг темир ҳошиясига илашар ва уни очганда увилиб кетарди.

Хаёллар оламида кезиб юраркан, у худди эгаларига ўхшаган мактубларнинг турли-туманлиги, услуб ва имлосига зеҳн соларди. Уларнинг ичида нозли ва шўхлилари, ҳазиломуз ва қайғулилари учрарди, бирида муҳаббат талаб қилсалар, иккинчисида пул сўрардилар. Баъзиларида битта сўзнинг ўзи хотирасида мактуб эгасининг юзини, ҳаракатини, товушини жонлантирса, бошқалари аксинча, ҳеч нимани эслатмасди.

Аёллар бир-бирларига халақит бериб унинг хаёлини ўғирларди, бачканалашиб, севгининг умумий даражаси уларнинг қиёфасини йўқотарди. Аралаш-қуралаш бўлиб кетган хатларни Родольф бир қанча вақт қизиқиб у қўлидан бу қўлига ташлаб ўтирди. Кейин бу унинг кўнглига урди, уйқусини келтирди, у қутичани қайтиб шкафга қўйди-да, ўз-ўзига:

— Ҳаммаси беҳуда гаплар!..— деб қўйди.

Унинг ўйлаганича бор: ҳирс, айш-ишрат унинг қалбини ўқувчилар мактаб ҳовлисини шиббалагандек шиббалаб ташлади, у ерда бир дона кўкат қолмади, унда рўй бераётган аҳвол мактаб болаларидан баттарроқ енгилтакликдан иборат эдики, уларга қарама-қарши ўлароқ ҳатто деворга ўйиб ёзилган исмлар ҳам қолмаганди.

— Қани бошлайлик, жаноб Родольф!— деди ўзига ва ёза бошлади.

«Бардам бўлинг, Эмма, бардам бўлинг! Мен хаётингизнинг оғуси бўлмоқчи эмасман...»

«Рости ҳам шу-да,— деб ўйлади Родольф,— мен унинг фойдасини кўзлаяпман, виждонан иш қиляпман».

«Қилган қарорингизни яхшилаб ўйлаб кўрдингизми? Мен Сизни ўзим билан қанақа чуқур жарга олиб тушиб кетишимни тасаввур эта оласизми, менинг фарштам? О, йўқ, йўқ! Сиз яқинлашиб келаётган бахтдан умидвор бўлиб лақмалик ва эҳтиётсизлик билан

олга интильдингиз... О, бизларнинг нақадар толеймиз
нигув! Бизлар телбалармиз!..»

Родольф тўхтади. Қанақадир бир муҳимроқ баҳона
топиш керак эди.

«Унга мол-мулкимдан ажралдим, деб ёзсаммикан?..
Йўқ, йўқ! Бу билан ҳеч нарса ўзгармайди. Бир оз
ўтгандан кейин ҳаммаси бошқатдан бошланади.
Унга ўхшаган аёлларга бирор гапни уқтириб бўла-
дими?»

Бир оз ўйлаб ўтириб яна патқаламни қўлга олди:

«Мен Сизни ҳеч қачон унутмайман, ишонинг, ме-
нинг Сизга бўлган садоқатим ҳеч ўзгармайди, бироқ
эртами, кечми бизнинг алангамиз (одамзод ҳис-туйғу-
сининг қисмати шу) барибир совиб қолар эди! Унинг
ўрига руҳий ҳорғинлик келарди, ким билади дейсиз!
Балки Сизнинг пушаймон бўлганингизни кўриб, мен
ҳам ҳасрат оловида ёнарман. Сизнинг азоб чекаётга-
ингизни кўриб пушаймон ерман. Сизга нақадар оғир
эканлигини ўйласам юрагим ўтдек ёнади, Эммаги-
нам! Мени унутинг! Нега мен Сизни учратдим? Нега
Сиз шунчалик гўзалсиз? Менинг жиноятим нимадан
иборат? Ё, раббий! Йўқ, йўқ, ҳаммасига қисмат айб-
дор!»

«Шу сўз ҳамма вақт юракка бориб тегади», — деб
ўйлади Родольф.

«О, Сиз агар, ҳар қадамда учрайдиган ўша енгил
табиатли аёллардан бўлсангиз, шубҳасиз, ўз худбинли-
гим туфайлиёқ шу ишга қадам босган бўлурдим ва
ўшанда менинг ҳаракатим Сиз учун хавfli ҳам бўл-
масди. Бироқ Сизнинг жозибангизнинг сири ва шу би-
лан бир қаторда чеккан изтиробларингиз манбаи бўл-
ган қайратомуз шавқ-завқингиз, о, сеҳргар ёр, кела-
жакдаги аҳволимизнинг сохталигини тушунишга йўл
қўймади! Мен ҳам келажакни олдиндан кўрмадим,
ҳеч нарсани ўйламадим, гўё манценилла¹ соясида, бе-
қийёс бахт соясида ором олдим».

¹ Манценилла — меваси заҳарли шарбат берадиган дар-
ракт. Ривоятларга қараганда, бу дарахт тагида уклаб қолган
одан ўлармини.

«Худо уриб, у хасиселикдан мендан юз ўгирияпти, деб ўйламасаёиди... Ҳа, бўлар иш бўлди! Тамом бўшлиш керак!»

«Аъёнлар шафқатсиз, Эммагинам! Улар бизни бетўхтов таъқиб этиши мумкин. Сиз эсангиз ҳаммасига чидашга мажбур бўлардингиз: бемаза саволларга ҳам, фисқи фасод, қарғишларга ҳам ва эҳтимолки, ҳақоратларга ҳам бардош беришингиз керак бўларди. Сизни ҳақорат қилсалар-а! О... Мен бўлсам аллақачон Сизни хаёлан арши аълога кўтарганман! Сизнинг хотираингизни мен бир умр тумор каби сақлаб юраман! Мана, энди Сизга ўтказган жабру жафоларим учун ўзимни қувгинликка ҳукм этаман. Мен бош олиб кетяпман. Қаерга дейсизми? Билмайман. Мен ақлимдан озмоқдаман. Алвидо, севгилим! Мени ёмонлик билан тияга олманг. Сиздан жудо бўлган бебахтни унутманг. Қизингизга ўргатинг: менинг ҳақимга дуо қилсин».

Шамнинг олови пирпиради. Родольф турди, деразани ёпиб келиб яна столга ўтирди.

«Етарли бўлди шекилли. Ҳа, бу гапни ҳам қўшиб қўйиш керак, фалокат босиб орқамдан эргашиб қолмасин...»

«Сиз мана бу қайгули сатрларни ўқиётган пайтигизда мен Сиздан анча узоқда бўламан — Сизни кўрвиш орзусига тушиб қолмаслик учун бетўхтов қочингизга қарор қилдим. Битсин иродасизлик! Мен қайтиб келаман ва ўшанда ким билади дейсиз, эҳтимол, биз Сиз билан ўтмишдаги ошналикларимизни хотиржамлик билан ёдга олармиз. Алвидо!..»

«Алвидо» деган сўздан кейин у ундов белгиси ва кўп нуқталар қўйди — шунини у олий ҳашамдорлик белгиси деб топди.

«Қандай қилиб имзо чекай, — сўради у ўз-ўзидан, — «Вафодор дўстингиз», йўқ, «Сизнинг дўстингиз». Ҳа, мана шуниси соз.

«Сизнинг дўстингиз».

У хатни қайта ўқиб чиқди ва кўнгли тўқ бўлди. «Бечора! — раҳми келиб ўйлади Родольф. — Мени бағ-

ри тош деб ўйлайди у. Шу ерда кўз ёш тўкиб қўйиб керак эди, ҳамма бало шундаки, мен йиғлашни билмайман, айбим нима?»

Родольф стаканга сув қўйди, кейин бармогини ботириб қоғознинг устига бир томчи томизди, унда шу заҳоти каттакон, ним ранг сиёҳ доғи пайдо бўлди. У хатни нима билан муҳрлашини билмай, у ёқ-бу ёқни қидирди, унинг кўзи *Amor nel cog*— деб ёзилган муҳрга тушди.

«Унча тўғри келмайди-ку... Ҳа, ҳеч гапмас, шу ҳам бўлаверади!..»

Кейин уч марта трубка чекди, кейин ухлагани ётди.

Эртасига Родольф ўрнидан туриши билан (шунда соат иккига яқинлашиб қолган эди, у ухлаб қолибди) битта саватда ўрик теришга буюрди. Энг тагига мактубни қўйди. Кейин уни узум барглари билан бекитди ва шу заҳоти хизматкори Жирарга саватни эҳтиёт қилиб Бовари хонимга олиб боришни буюрди. Родольф Эммага кўпинча шу тариқа хат етказар, унга йил фаслига қараб ҳўл мева ёки парранда гўштидан юборади.

— Агар у мени сўраса, кетдилар, дегин,— тайинлади у.— Саватни ўз қўлига бер... Уқдингми? Бўпти жўна!

Жирар янги блузкасини кийди, ўрик солинган саватни рўмолча билан боғлади ва нағал қоқилган кўпол этигини кийиб олиб, оғир қадам ташлаб, бамайлихотир Ионвилга равона бўлди.

У Бовариларнинг ошхонасига кирганда, Эмма билан Фелисите стол устида кирларни тахлашмоқда эди.

— Мана,— деди Жирар,— бу сизга, менинг хўжанимдан.

Эмманинг юраги «шув» этиб кетди. Чўнтагидан маида пул қидира туриб, Эмма деҳқонга саросима билан тикилди, у бўлса оддий совға хонимни шунчалик ҳажонга солганига тушунмай, Эммага анқайиб қараб турар эди. Ниҳоят у кетди. Фелисите ошхонада қолди. Эмма чидаб туролмай, ўрикни олиб кетган киши бўлишга чикиб кетди, саватни ағдарди, баргларни титкилаб мактубни топди, очди ва худди орқасида даҳшатли ўт аланга олаётгандек, довдираб, ўз хонасига чопди.

У ерда Шарль бор эди, Эмма уни дарров кўрди. У Эммага бирор нарса деди, бироқ Эмма унинг гапини

ошитмади — довдираган, ақл-қушини йўқотган бир қолда, ҳансираб зинадан чошиб кетмоқда эди, қўлида эса тахта тунука қалдирагандек анави шум қоғоз шитирлар эди. Учинчи қаватда чердакка кирадиган берк эшик олдида тўхтади.

Шу ерда у нафасини ростлади, хат эсига тушди, уни охиригача ўқиш керак эди, лекин юраги дов бермасди. Қаерда ҳам ўқисин? Қайси юрак билан? Уни кўриб қолишлари мумкин.

«Ҳа, йўқ, мана бу ёққа кира қолай! — ўйлади у. — Бу ерда мени ҳеч ким кўрмайди».

У эшикни итариб очди-да, ичкари кирди.

Шифер ёпилган том қизиб, чердакнинг ичи шунчалик димиқиб кетган эдики, Эмманнинг чакка томирлари уриб кетди, нафаси қайтди. У берк турган болохона эшиги олдига зўрға борди, лўкидонни сурди ва чарақлаган офтоб нури ярқ этиб унинг кўзига урилди.

Унинг шундоқ рўпарасида, томлар ортида, кўз илғамас далалар ястаниб ётарди. Пастда кимсасиз майдон кўринарди, офтоб нурида тош ялтирар, флюгер айланмас, бурчакдаги уйнинг пастки қаватидан гижирлаган овоз эшитиларди. Бу Бине токарлик станогиде алланимани чархламоқда эди.

Эмма деворга суянди ва заҳархандалик билан жилмайиб мактубни бошқатдан ўқий бошлади. Аммо у мактубни қанчалик диққат билан ўқимасин, шунчалик унинг фикрлари чалкашарди. У Родольфни кўрар, уни қучоқлар эди, юраги гурс-гурс қилар, тартибсиз ва тез-тез урарди. У атрофга боқди ва ер ёрилиб унга маҳв бўлишни истади. Нега у ҳаёт билан ҳисоб-китобини тутата қолмайди? Уни нима ушлаб турибди? Ахир у эркин-ку! Эмма бир қадам ташлаб, тош кўчага кўз қирини югуртиб, ўз-ўзига:

— Бўл! Бўл! — деди.

Пастдан таралаётган нур унинг бирдан муаллақ бўлиб қолган танасини бўшлиққа тортарди. Унинг назарида тош кўча чархпалак бўлиб айланар, уйларнинг томига тирмашиб чиқаётганга ўхшар, худди пўртана вақтидаги кемаларнинг палубасига ўхшаб, ер қийшайиб бормоқда эди. Эмма томнинг энг четида, бепоён бўшлиқ билан юзма-юз, деярли бутун оғирлигини солиб энгашиб турарди. Кўм-кўк осмон уни чулғаб олмоқда, бўш қолган миясида шамол гувилларди, Эмма фа-

қат ихтиёр жиловини бўшатса бўлди эди. Токарлик станогги эса ҳамон гижирлар, уни кимдир жаҳл билан чақиргандек бўларди.

— Хотин, ҳой хотин!— чақирди Шарль.

Эмма ўзини орқага ташлади.

— Қаердасан? Бу ёққа кел!

Бир лаҳза бурун ҳаёти қил устида турганини ўйлашнинг ўзидан Эмманинг кўнгли озиб қолай деди. У кўзларини юмди, ихтиёрсиз чўчиб тушди: кимдир унинг кўлига тегди. Бу Фелисите эди.

— Хоним, сизни хўжайин кутяптилар. Шўрва сувилди.

Ҳа, пастга тушишга тўғри келди! Овқатга ўтиришга ҳам тўғри келди!

У овқатланишга уринди, лекин томоғидан ҳеч нарса ўтмасди. Ниҳоят, у гўёки чокини кўрмоқчи бўлгандек бўлиб, сочиқчани ёйди, аммо беихтиёр ипларини санаб кетди. Бирдан хат эсига тушиб қолди. Наҳотки йўқотиб қўйган бўлса? Топиш керак! Лекин руҳий ҳорғинлик устун келди, у овқат устидан туриб кетиш учун ҳеч қанақа баҳона тополмади. Кейин уни қўрқув босди, Шарлдан қўрқар эди: у ҳаммасини билади, бунга шубҳа йўқ! Ростдан ҳам у тагдор қилиб:

— Энди яқин ўртада Родольфни кўрмасак керак,— деди.

— Ким айтди сенга?— ҳовлиқиб сўради Эмма.

— Менга ким айтди?— сўради Шарль унинг товушидаги кескинликдан хиёл ҳайратга тушиб.— Жирарда, мен уни ҳозир «Франция» қаҳвахонаси олдида учратдим. Родольф ё кетибди, ёки кетишга отланяпти Эмма хўрсиниб қўйди.

— Бунинг нимасига ажабланасан? У кўнгли очини учун тез-тез у ёқ-бу ёқларга кетиб қолади, мен уни яхши тушунаман. Бадавлат, бўйдоқ, унга нима... Ўзига ором беришга, хурсандчилик қилишга дўстими: анча тузук, ахир у хушчақчақ йигит!.. Менга Ланглюс айтиб берган эди...

Шу вақт хизматчи хотин кириб қолди, Шарль одо юзасидан жим бўлди.

Фелисите этажеркада сочилиб ётган ўрикларни йиғиб, саватга солди. Шарль хотинининг қизариб кетганини сезмасдан, уларни столга олиб келишга буюрди битта ўрикни олиб тишлади.

— Яхши! — деди у, — татиб кўри!

У ўрикни савати билан узатди, Эмма уни оҳиста итарди.

— Битта ҳидлаб кўргин! О, хушбўйлигини қара-я! — деди Шарль саватни Эмманинг худди юзига олиб бориб.

— Нафасим сиқилипти, — ўрнидан дик туриб қичқирди Эмма. Лекин ўзини тутиб олди. — Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ! Бу — асабнинг бузилишидан! Утириб овқатланавер!

Эмма Шарлнинг сўраб-суриштиришидан, меҳрибонлик қилишидан, уни тинч қўймаслигидан қўрқарди.

Шарль итоткорлик билан жойига ўтирди. Ўрикнинг данакларини олдин у кафтига туфлар, кейин тарелкага қўярди.

Бирдан майдондан зангори тильбюри гириллаб ўтиб кетди. Эмма қаттиқ чинқириб муккасига йиқилди.

Узоқ мулоҳазалардан сўнг Родольф Руанга бориб келишга қарор қилган эди. Бироқ Ла Юшетдан Бюшига фақат Ионвиль орқали ўтиларди, бошқа йўл йўқ эди, Эмма Родольфнинг экипажини иккита чақмоқдай шуъласидан, зулматни ёриб ўтадиган фонуслар шуъласидан таниб қолди.

Бовари уйидаги шовқин-суронга фармацевт югуриб келди. Устидаги ҳамма идиш-товоқлари билан стол ағдарилиб ётарди; қайла идиш, қовурма, пичоқлар, туздон, прованс ёғи солинган идиш — ҳаммаси ерда ётарди. Шарль ёрдамга чақирар, қўрқиб кетган Берта чинқириб йиғларди, Фелисите қўллари қалт-қалт титраб, бекасининг кўйлак боғичларини ечарди. Эмманинг бутун аъзойи баданининг томири тортишарди.

— Мен ҳозир лабораториямдан ўткир сирка оляб келаман, — деди дорихоначи.

Эммага уни ҳидлатишди, у кўзини очди, жаноб Оме шу заҳоти:

— Ишончим комил эди! Бу сиркадан ўлик ҳам тирилади, — деди.

— Бир нарса дегин! Бир нарса дегин! — деб ялинарди Шарль. — Ўзингни қўлга олгин! Мен, мен сенинг Шарлинг бўламан, севаман сени, жонгинам! Мени танияпсанми? Мана, мана, қизинг! Қани, уни бир ўпгин!

Қиз онасига интилди, жажжи қўлчалари билан

унинг бўйнидан қучоқламоқчи бўларди. Эмма тескари қаради, тўхтаб-тўхтаб:

— Йўқ, йўқ... Ҳеч ким керакмас!— деди.

Яна ҳушидан кетди. Уни каравотга олиб бориб ётқизишди.

У, оғзи сал очилган, кўзлари юмуқ, чўзилиб ётарди, қўллари икки ёққа ташланган, жонсиз, ранглари мум қўғирчоқникидек сап-сарғайиб кетган эди. Кўзидан ёшлари томчилаб, ёстиққа оқиб тушарди.

Каравот ёнида Шарль ва дорихоначи туришарди. Жаноб Оме бунингдек мусибатларда тақозо қилинадиган одатларга риоя қилиб, юзига чуқур маъноли ифода бериб жим турарди.

— Безовта бўлманг!— деди у ниҳоят Шарлнинг тирсаги тагидан ушлаб.— Менимча пароксизм¹ тамом бўлди.

— Ҳа, майли, энди у дам олсин!— ухлаб ётган Эммага қараб гапирди Шарль.— Бояқиш!.. Бояқиш!.. Яна тоби қочиб қолди!

Оме қандай унинг ҳушидан кетганини сўради.— Урик еб турганда бирдан кўнгли озиб қолди,— деб жавоб берди Шарль.

— Қизиқ!..— деди фармацевт.— Лекин худди шу ўрикдан кўнгли озган бўлиши мумкин! Шундай мижозли одамлар ҳам борки, уларга бир хил ҳид жуда қаттиқ таъсир қилади. Бу ҳодисаларга патологик нуқтаи назардан, физиологик нуқтаи назардан қараш қизиқарли бўларди. Руҳонийлар бу нарсага кўпдан эътибор беришган — уларнинг диний маросимларни ижро этган маҳалларида шундай ҳидли нарсалардан фойдаланишлари бежиз эмас. Улар тоат-ибодатга келганларнинг бошини гангитиб, жазавасини туттирадилар, бу айниқса гўзал аёллар жинсига жуда тез таъсир қилади, ахир нима деманг, улар эркакларга қараганда ожизлар. Баъзи бир аёлларнинг куйдирилган шохдан, янги ёпилган ноннинг ҳидидан беҳуш бўлишлари ҳам бизга маълум.

— Уни уйғотиб юборманг!— деди шивирлаб Бовари.

— Аммо лекин бу аномалия² фақат одамлардагина эмас, ҳайвонларда ҳам учрайди,— давом этарди дори-

¹ Руҳий касалликнинг тўсатдан қайтарилиши.

² Одатдаги ҳолдан четга чиқиш.

хоначи. — Сиз албатта, мушуклар жинсининг шаҳвати-
ни *pereta cataria*, яъни ўзимизча қилиб айтганда, чўл
ялпизи қўзғатишини эшитгансиз. Мана сизга яна
бошқа мисол, худо ҳақи, сўзимга ишонаверинг: ме-
нинг эски қадрдон дўстим Бридунинг (у ҳозир Руанда,
Мальпалю кўчасида истиқомат қилади) битта ити
бор — ана шу итнинг тумшуғига тамакидонни олиб
борсангиз бас, у шу заҳоти оёқ-қўли чангак бўлиб шай-
тонлай бошлайди. Бриду, Буа-Гильомдаги шийпонча-
сида бу тажрибани дўстларига тез-тез кўрсатиб туради.
Оддий бир аксиртадиган нарса тўрт оёқликнинг орга-
низмида шу қадар зўр ўзгариш беради, деган фикр
кимнинг ақлига келибди дейсиз. Ажойиб савдолар,
тўғрими?

— Ҳа, ҳа, — деди Шарль ҳеч нарсани эшитмаган
бўлса ҳам.

— Бу шуни исботлайдики, — ўз-ўзидан мағрур ва
самимий илжайиб яна гапириб кетди фармацевт, —
асаб хасталиклари хилма-хил. Сизнинг рафиқангизга
келсак, худо ҳақи, мен у кишини ҳамма вақт ортиқ
даражада нозик табиатли деб ҳисоблардим. Мен ўр-
нингизда бўлсам, биродари азиз, мақтови зўр янги до-
рилардан бирортасини ҳам ишлатмасдим, улар касал-
ни тузатмайди, лекин мижозга хатарли таъсир этиши
турган гап. Йўқ, йўқ, битсин бефойда дорилар! Парҳез
улуғ иш! Оғриқни босувчи, юмшатувчи, тинчлантирув-
чи дориларга кўпроқ мурожаат этиш керак. Сиз қан-
дай деб ўйлайсиз, бордию, унинг хаёлига таъсир кирга-
зиб чалғитсак, қандай бўларкин?

— Нима билан? Қандай қилиб? — сўради Бовари.

— Ҳамма масала шунда-да! Бу масала қақиқатан
ҳам гоят мураккаб, газетанинг охирги сонида ёзил-
гандек *That is the question!*

Шу чоқ Эмма ўзига келди.

— Мактуб! Мактуб! — деб ингради у.

Шарль ва Оме буни алаҳлаш деб ҳисоблашди. Ярим
кечага бориб Эмма ростдан ҳам алаҳлай бошлади.
Унинг мияси яллиғлангани аниқланди.

Қирқ уч кун Шарль Эмманинг олдидан жилмади. У

¹ Мана масала шу ерда-да (англ.) — Шекспир асаридаги Гам-
летнинг сўзи.

беморларга қарамай қўйди, ётиб укламади, у қадеб Эмманинг томирини ушлаб кўрар, горчичниклар, со-
вуқ компресслар қўйиш билан оворан сарсон эди. У
Жюстенни Нефшателга музга чоптирар; муз эса йўлда
эриб кетар, Шарль уни тагин қайтариб юборарди. У
консултация учун жаноб Канивени, Руандан ўз усто-
ви доктор Ларивьерни чақиртирди. У тамоман гангиб
қолган эди. Эмманинг тамоман дармонсизланиши уни
қўрқитарди. Эмма бир оғиз гапирмас, ҳеч нарса эшит-
масди. Кўринишдан у ҳеч қанақа азоб чекмаганга ўх-
шарди, гўё у ҳамма ташвишлардан кейин ҳам руҳан,
ҳам жисман ором олаётгандек эди.

Ниҳоят, октябрнинг ўрталарида у ёстиққа суяниб
ўрнида ўтира бошлади. У биринчи марта бир бурда
понга қиём суртиб еганини кўриб, Шарль ҳўнграб
йиглаб юборди. У қувватга кира бошлади. Кундуз кун-
лари у бир неча соатга ўридан турарди, кунлардан
бир кун, Эмма анча тузалгандан кейин Шарль у би-
лан боғда айланиб юрмоқчи бўлди. Йўлкалардаги
қумнинг усти тўкилган барглар билан қопланганди.
Эмма туфлисини судраб босиб, бутун оғирлиги билан
Шарлга суялиб, табассум билан секин-секин юриб бо-
рарди.

Шу ҳолда улар боғнинг этагига етишди — нарёги
жарлик эди. Эмма зўрға-зўрға бошини кўтариб, кафт-
лари остидан атрофга тикилди. Унга олислар кўринар,
биноқ шу бўм-бўш ялангликда тутаб ётган гулханлар
кўзга ташланарди, холос. — тепаликда кас-чўпларни
ёндиришмоқда эди.

— Узилиб қоласан, жонгинам, — деди Шарль.

У Эмманни астагина шийпончага олиб келди.

— Утир скамейкага, бу ерда ором оласан.

— Йўқ, йўқ! У ёққа бормайман! Бормайман! — де-
ди Эмма нафаси ичига тушиб.

Унинг боши айланди. Кечқурун у яна ётиб қолди.
Лекин унинг касалини аниқлаш энди жуда қийин эди.
Хасталик белгилари ниҳоятда хилма-хил эди. Эмма-
нинг гоҳ юраги санчар, гоҳо кўкраги, гоҳо боши, гоҳо
оёқ-қўллари оғрирди. Кўнгил айнаб, қусиш ҳам бош-
ланди, Шарль буни раkning дастлабки белгилари, деб
ҳисоблади.

Улганнинг устига тепгандек, бу орада Шарль бечо-
ра пулдан ҳам сиқилиб қолди.

Аввало Шарль жаноб Омега дориларнинг пулини қандай қилиб тўлашни билмасди. У врач бўлганлиги учун тўламасликка тўла ҳақли эди, лекин қарз эсига тушса баданидан тер чиқиб кетарди. Ундан ташқари уйларидаги рўзгор ишларини идора қилиш ошпаз хотинга ўтганди ва хўжалик чиқимлари ҳаддан зиёд ошиб бормоқда эди; счётлар ёмғирдек ёрилар, мол берувчилар вайсашарди; айниқса, Шарлни жаноб Лере қонига ташна қилиб юборди. Эмманнинг касали энг авжига чиққан маҳалда у, вақтни ранимат билиб, қарзларни кўпайтириш учун плаш, қопкўрпа, биттанинг ўрнига икита чамадон, яна анча-мунча нарсалар олиб келиб ташлашга шошилди. Шарль унга бу нарсаларнинг асло кераги йўқлигини шунча тушунтирса ҳам савдогар сурбетлик қилиб, ҳаммаси илгари буюртирилган, энди қайтиб олмайман, деб туриб олди. Бовари қонини безовта қилиб бўлмайди — бу у киши учун зарарли. Жаноб Бовари нима қилсалар қилсинларки, Лере молни қайтиб олиб кетмайди, керак бўлса, ўзининг ҳақ эканини судда исбот қилади. Шарль бу нарсаларни бетўхтов магазинга олиб бориб ташлашга буюрди. Бироқ бу Фелиситенинг эсидан чиқиб кетди. Шарлнинг усиз ҳам ташвишлари бошидан ошиб ётарди, шунинг учун нарсалар шу қолганча қолиб кетди. Шунда жаноб Лере, яна бир уришиб кўрди. Гоҳ ёлвориб, гоҳ дўқ-пўписа қилиб, ниҳоят, Боваридан ярим йиллик муддат билан вексель олволди. Бироқ вексельга қўл қўйиб улгурмасдан Шарлда жаноб Лередан минг франк қарз олиш фикри туғилди. У журъатсизлик билан, минг франкни бир йилда тўлаш шарт билан қаердан олса бўларкин, ҳар қанча процент бўлса ҳам тўлашга тайёрман, деди. Жаноб Лере оёғи олти, қўли етти бўлиб дўконига чопди, пул олиб келди ва яна битта векселни ўзи айтиб туриб ёздирди. Бу вексель бўйича, Бовари келаси йилнинг биринчи сентябрга тўлаш шарт билан бир минг етмиш франкка қўл қўйди, шундай қилиб, биринчи вексельдаги бир юз саксон франк билан қўшилиб бир минг икки юз эллик франк қарз бўлди. Шундай қилиб, олти процент билан пул берган жаноб Лере ҳамма пулнинг чорак қисмини комиссия учун ўмариб ва моллари учун ҳамма

пулнинг учдан бир қисмини олиб, бир йилга бир юз ўттиз франк нақд фойда олишни мўлжаллаган эди. Яна у иш бу билан битмаслигидан умидвор: Бовари ҳеч қачон пулни вақтида тўлай олмайди, у векселни бошқатдан ёпишга мажбур бўлади ва жаноб Леренинг сармояси докторнинг қўлида бўрдоқига боқилгандек, ажойиб кунларнинг бирида, ўз хўжайинига семириб қайтиб келади, ана шунда кўрасиз, муллажирингни қўйишга жой тополмай қолади.

Умуман, кейинги вақтларда жаноб Леренинг ошиғи олчи: у Невшатель касалхонаси учун сидр етиштириб туришга киришди, жаноб Гильомен Грюменль торф қазиб чиқарадиган ширкатнинг акциясини олиб беришга ваъда берди, ўзининг бўлса Аргейль билан Руан ўртасида киракаш дилижон юргизиш нияти бор, бу жуда тез кунларда «Олтин шер»нинг катта, оғир арвасини ситиб чиқаради, деган сўз эди; дилижон тез юради, арзон туради, юкни кўп олиш мумкин, шундай қилиб, сал вақтдан кейин Ионвиль савдо ишларининг барча калаваси жаноб Леренинг қўлига ўтади-қўяди!

Шарль келаси йилига мана шунча пулни қаердан топа олишини ўйлаб узоқ бош қотирди. У пул топишнинг хилма-хил йўллари устида хаёл сурди. Отасига мурожаат этмасмикин ёки бирор нарса сотсамкикин? Лекин отаси ўлса ҳам унга пул бермайди, сотишга ҳеч вақо йўқ. Аҳвол ниҳоятда мушкул эди, ғам еяверишнинг фойдаси бўлмагандан кейин у кўнгилсиз фикрларни миясидан ҳайдашга уринди. Уй-рўзгор ғам-ташвишлари Эммадан чалғитгани учун у ўкинар, айни вақтда, бутун фикр-зикри Эммада бўлиши керак, бошқа бирор нарса ҳақида ўйлаш ундан бир нарсани тортиб олмоқ демакдир.

Қиш қаттиқ келди. Бовари хонимнинг тузалиши ҳам чўзилиб кетди. Ҳаво очиқ кунлари уни креслога ўтқазиб, майдонга қараган дераза тагига олиб келишар, боғ томонга қараган деразага энди доим парда тутилган эди. Бовари хоним боғни эсга олмасди. Отни сотиб юборишга буюрди — олдинлари севган нарсалардан унинг кўнгли қолган эди. Фикри зикри ўзи атрофида айланарди. Ўринда ётиб енгил овқат еяр, хизматчи аёлни қўнғироқ чалиб чақириб, декокт¹ тайёр бўлган-

¹ Д е к о к т — қайнатма шўрва.

лигини сўрар, у билан гап сотишиб ўтирарди. Раста бозорнинг томида ётган қордан уйнинг ичи эртадан-кечгача ёруғ эди. Кейин тўхтовсиз ёмғир ёға бошлади. Эмма ҳар кунги шаҳар янгиликларини қизиқиб кузатиб борарди, лекин бирор арзигулик воқеа рўй бермас, бири бирига ўхшаган, такрорланадиган ҳодисаларнинг Эммага ҳеч қанақа алоқаси йўқ эди. Ҳаммадан қизиқарли воқеа «Қалдирғоч»нинг кечқурун Йонвилга қайтиб келиши эди. Қовоқхона бекаси бақириб-чақирар, бошқа овозлар унга жавоб беришар эди. Экипажнинг устидаги брезентдан тугунларни олаётган Ипполитнинг фонуси бўлса зулматда юлдуздек милтилларди. Пешинда Шарль уйга келиб кетарди. Кейин Эмма қайнатма шўрва ичарди, кечқурун, соат бешларга яқин мактабдан қайтаётган болалар ёғоч кавушларини тўқиллатишиб, бири-кетин чизгичлари билан дераза дарпардасини қилдиратиб ўтишарди.

Мана шу соатларда одатда аббат Бурнизьен Эммани кўргани келарди. У Эмманинг саломатлигини сўрар, янгиликлардан гапирар, тортинмай Эммани ҳаяжонлантирмайдиган, шу билан бирга анча қизиқ бўлган гаплардан гапириб ўтириб, билинтирмасдан унинг ҳаёлини диний масалаларга буриб кетарди. Сутанасининг кўринишининг ўзи Эммани тинчлантирарди. Касалининг энг оғирлашган кунлардан бирида Эмма ўл-япман деб ўйлади ва диний маросимлардан бирини қилишни, яъни руҳонийнинг қўлидан вино ичиб, понейишни истади. Бу маросимга тайёргарлик кетаётганда, унинг дорилар билан тўлиб кетган комодини минбарга айлантирганларда, Фелисите картошкагулларни ерга сочиб ташлаётган вақтда, Эммада шундай бир ҳиссиёт уйғонди: гўё ақл бовар қилмайдиган бир куч баданига тарқалаётгандек бўлди, назарида бу куч уни энди ҳамма гам-гуссалардан озод қилади, гўё у энди ҳеч нарсани қабул қилмайди ва ҳеч нарсани сезмайди ҳам. Ҳамма нарсадан мосуво бўлган тан ортиқ ҳеч нарсани орзу қилмайди, гўёки Эмма учун янги ҳаёт бошланади. Эмманинг фараз қилишича, унинг жони самога парвоз этиб, худди бухўрдан чиққан тутун ҳавода тарқалиб кетганидек, гўзал севги ичида эриб кетаётгандек туюларди. Урин-кўрпаларга табаррук сув сепишди, руҳоний сирли туҳфалар солинадиган идишдан оқ гилофни олди ва мўъжизавий роҳатдан толиққан Эмма

Исонинг тани деб билган нонни тишлаш учун лабини чўзди. Унинг атрофида булутга ўхшаган енгил пардалар товланиб айланди, комод устида ёниб турган икки дона шам унга абадиятнинг чақнаб турган тожи бўлиб кўринди. Эмма бошини ёстиққа ташлади ва унинг назарида қаердадир, олисларда қанотли фаришталарнинг чилтор садолари янгради, гўё феруза осмон унга қучоғини очди, самода эса, олтин тахт устида атрофини қўлларида хурмо дарахтининг зумрад шохларини тутган авлиёлар қуршаб олган шавкатли парвардигорнинг ўзи пайдо бўлди ва гўёки унинг ишораси билан олов қанотли фаришталар ерга тушадилар ва ҳадемай унинг жонини бағриларига босиб олиб кетдилар.

Мана шу кўзга кўринган ажойиб нарсалар унинг хотирасида беқиёс бир гўзаллик каби сақланиб қолди. У ҳозир, бир вақтлар ўзини қамраб олган ҳамон кўнглини банд этиб турган, илгаридан бир оз сусайган бўлса-да, шу чоққача таъсир кучини йўқотмаган ҳаяжонини қайта тиклашга интиларди. Ғурурдан тилка-пора бўлган унинг қалби христианларга хос мулойимликдан ором топарди. Шахсий ожизлигидан ҳузур қилиб, Эмма ўзининг иродасизлигини худди роҳат-фароғатга кириб борадиган кенг дарвоза деб биларди. Демак, оламда ҳеч ким билмайдиган роҳат бор экан-ку, унинг олдида бу дунёдаги бахт хоки тупроқ экан. Ҳамма муҳаббатлардан аъло, узлуксиз, поёнсиз бетўхтов ўсиб борувчи муҳаббат бор экан! Эмма алдамчи орзуларни ардоқлаб, инсон қалби такомиллашиб бориб, ер тарк этиб, фалак билан қўшилиб кетиш қобилиятига эга деб тасаввур қиларди. У мудом шуни орзу қиларди. У авлиё бўлиб қолишни истарди. У ўзига тасбеҳ сотиб олди ва ёнида тумор олиб юрадиган бўлди. У ўз хонасида, бош томонга, зумрад тошлари билан безатилган Нуҳ кемасининг кичкинагина нусхасини олиб, ҳар оқшом уни ўпиб қўйса савоб бўларди, деб ўйларди.

Эмманинг кайфияти руҳонийни қувонтирарди, бироқ унинг ҳаддан зиёд художўйлиги билан бидъатга берилиб кетиши ва ҳаттоки ақлдан озиши мумкинлигидан хавотир оларди. Эмманинг худодан қўрқинлиги маълум бир доирага сизмас эди, бу эса руҳонийнинг ҳуқуқ доирасига кирмасди, шунинг учун у

руҳий-ахлоқий мазмундаги китоблар сотадиган савдогар жаноб Буларга хат ёзиб, «битта ниҳоятда доно жувоннинг диққатига сазовор бирор асар» юборишини ундан сўради. Китоб сотувчи занжиларга темиртерсак моллари юборишга қанчалик бепарво қараса, унинг илтимосига ҳам шунчалик бепарво қараб, ўша вақтларда бозори юрган ҳамма нажотбахш китобларни бирваракайига жўнатиб юборди. Улар ичида саволяжавобли ўқув китоби ва жаноб де Местр¹ услубида ёзилган аччиқ памфлетлар² ва зангори пайпоқлар³ томонидан чалакам-чатти ёзилган, пушти муқовалик чучмал, романсимон китоблар бор эди. Нима десангиз топиларди булар ичида: «Чарчамай фикр юритиш учун мавзу» деган китоб, ҳар хил орденлар кавалери жаноб де***нинг «Оқсуяклар Биби Марям оёқлари остида» деган китоби ҳамда «Ёшлар учун Вольтернинг хатолари ҳақидаги китоб» ва ҳоказолар бор эди.

Бовари хоним ҳали бирор нарса устида диққатини тўплашга ожизлик қиларди — бунинг учун мияоқу старли даражада равшанлашмаганди, лекин юборилган китобларга ҳаддан ташқари ҳавас билан ёпишди. Черков ақидапарастларига қарши шу заҳотиёқ ўзида нафрат сездди: умрида эшитмаган шахсларга қарши қаттиқ ҳужум этган мунозарали асарлар уни зериктирди: ниҳоят, киборлар ҳақида ёзилган диний руҳдаги асарларни ўқиганда, улар ҳаётдан бутунлай беҳабар эканини пайқади: жонфизо китоблар баъзи бир ҳақиқатларнинг бузилмас эканини исбот этади деб ишонганди, лекин улар аксинча таъсир этди: ҳақиқат Эмма учун аста-секин ўз жозибасини йўқотди. Аммо лекин ҳали Эмма ўз билганида қаттиқ турарди, қўлидан китоб тушиб кетганда, мана бу каби дилрабо қайғунини фақат энг олий кайфиятга эга бўлган католик аёл ҳис қилишга қодир, деб ўйлар эди.

Шунини айтмоқ керакки, Родольф ҳақидаги хотира қалбнинг чуқур ерларига бориб яширинди, мақбарага қўйилган шоҳи султоннинг мумиёланган жасаидан

¹ *Де Местр Жозеф Мари* (1753—1821) — француз файласуфи ва ёзувчиси, католицизм ва монархиянинг маддоҳи.

² *Памфлет* — бирор киши ёки бирон ижтимоий ҳодисанин фош қилиб ёзилган қаттиқ танқидий мақола.

³ *Зангори пайпоқлар* — ўзини олима деб билувчи кафтаҳм хонимлар.

ҳам тинчроқ ва улуғворроқ бўлиб ётарди унинг хотираси. Унинг мумиёланган муҳаббати ўзидан ажойиб муаттар ис таратар ва бу хушбўй ис мавжуд ҳамма нарсага сингиб, Эмма яшашга интилган ўша пок муҳитни меҳр-муҳаббат билан тўлдирарди. Ўзининг готик скамейкасида тиз чўкиб ўтириб, Эмма қачонлардир эрига хиёнат қилган чоқларида ўйнашига пичирлаган ширин сўзларни такрорлаб, худога илтижо қиларди. Шу билан эътиқодини мустаҳкамламоқчи бўларди ва лекин дуолардан кўнгли таскин топмасди — ҳориб-чарчаб ўрнидан турар ва ички бир садо: сен қанақадир катта фирибгарликнинг қурбони бўлдиринг, деб унга шивирларди. Лекин бу синовларни худонинг ўзи юборяпти, деб ўзига тасалли берарди. Эмма художўйлиги билан гурурланиб, ўзини ўтган замонларнинг асилзода аёллари билан таққосларди. У де Лавальер чизган суратларга тикилиб қарар, эътибор зарҳал уқа тутилган узун-узун кўйлақларда улуғвор кўринган бу аёллар Исонинг оёғи остига йиқилиб, юракларида йиғилиб қолган дард-ҳасратларини айтиб йиғлаш учун хилватга чекинган эдилар, уларнинг шон-шарафига Эмманинг ҳаваси келарди.

Эмма хайр-аҳсон ишларига берилиб кетди. Камбағаллар учун кийим тикарди, туққан хотинларни кига ўтин юборарди. Бир кун Шарль уйига келиб ошхонада учта муттаҳамнинг шўрва ичиб ўтирганлигидан чиқиб қолди. Эмма касал вақтида Шарль қизини энаганикига юборган эди, энди Эмма уни қайтариб олиб келди. У қизини ўқишга, ёзишга ўргатар, Бертанинг кўз ёшлари энди Эмманинг жаҳлини чиқармасди. Бу — ўз-ўзини сабр-тоқатга ўргатиш, ҳамма нарсага тамомила тан бериш демак эди. У энди нима ҳақида гапирмасин, гапи баландпарвоз бўлиб чиқарди. У Бертадан:

— Қорнигинанг энди оғримаяптими, менинг фариштам? — деб сўрарди.

Катта Бовари хонимнинг энди Эммага ўчакишишига ҳеч қанақа баҳона йўқ эди, фақат унга келишининг эўр бериб етимларга фуфайка тўқиши ёқмасди, ундаи кўра ўзининг йиртиқ-ямоғига қараса бўлмайди-ми, дерди. Лекин эри билан бўлган келишмовчилик бу ҳурматли аёлнинг жонига теккан, энди у ўғлининг тинч уйида сром олмоқда эди; у ўтакетган даҳрий

эрининг рўза кунлари колбаса еб ўтирганини кўрмаслик учун рўзада ҳам, пахса байрамида ҳам шу ерда бўлди.

Ўзининг ростгўйлиги ва мағрур қадди-қомати билан Эмманинг руҳини кўтарувчи қайнана унинг битта битта ҳамсуҳбати эмасди албатта, у ҳар куни ким биландир уришиб турарди. Уни кўргани Лаингуа хоним, Карон хоним, Дюбрёйль хоним ва Тюваш хонимлар бир-бир келиб-кетиб туришарди ва худонинг берган куни соат иккидан бешгача меҳрибон Оме хоним келарди, битта шунинг ўзи қўшниси ҳақидаги гийбат гапларнинг бирортасига ҳам ишонмасди. Эмманинг олдига Оменинг болалари ҳам келиб-кетиб туришарди, уларни Жюстен бошлаб келарди. У болалар билан иккинчи қаватга кўтарилар ва қайтиб кетгунларигача қимир этмай остонада турарди. Баъзи вақтларда Бовари хоним Жюстендан тортинмасдан пардоз-андозини қилаверарди. Энг аввало у сочидан тароғини оларди ва кейин бошини силкитарди. Бечора бола, Эмманинг сочлари ҳалқасимон буралиб-ёйилиб, тиззасидан пастга тушганини биринчи бор кўрганда, у ўзининг зеболиги билан қўрқитувчи ажойиб бир янги оламга бехосдан қадам босгандек бўлган эди.

Шубҳасиз, Эмма унинг ички кечинмалари, хўрсиниб боқиншларини сезмасди ҳам. У мана шу ернинг ўзгинасида, унинг ёнгинасида, хонаки бўз кўйлақ тагидаги навқирон юракда ҳусни жамоли нури таъсири остида, Эмманинг ҳаётидан ғойиб бўлган муҳаббат барқ уриб уйғонганини пайқамасди. Ҳолбуки, Эмма энди ҳамма нарсага беларво, гўёки дунёни сел олиб кетса, унинг тўпингига чиқмасди, барчасига барабар хушмуомала, лекин шу билан бирга унинг чеҳрасида, қанақадир бир нафрат ифодаланиб турарди, у шунчалик тез ўзгариб турардики, худбинлик қаерда тамом бўлиб, меҳрибонлик қаерда бошланганини, қаерда ёвузлик тугаб, яхшилик бошланганини тушуниб олиш қийин эди. Чунончи, бир кун кечқурун хизматчи аёл, уйдан чиқиш учун тузукроқ бир баҳона топишга уринди. Эмма уни уришиб ташлади, кейин бўлса афтига тикилиб туриб бирдан:

— Нима, сен уни яхши кўрасанми?— деб сўради.

Қип-қизариб кетган Фелисите жавоб беришга улгурмасданоқ туриб, Эмма юзига ғамгин тус бериб:

— Бор, ўйнаб кела қол! — деди.

Кўклам бошидаёқ Эмма эри билан маслаҳатлашмасдан боғни чоқиқ қилдирди. Лекин эр хотинининг ўз айтганида қаттиқ турганидан хурсанд эди. Эмма анча қувватга кириб қолди ва кун сайин матонатли эканини кўрсата бошлагани сезилиб турарди. Аввало, касал маҳалида ошхонасига иккита чурвақасм ва наҳанг балиққа ўхшаш очкўз пенсионер билан пашшахўрда бўлиб олган энага хотин — Роле холадан қутулишга муяссар бўлди. Кейин у Омелар оиласининг келиб-кетишига чек қўйди, бошқа меҳмонларнинг ҳам аста-секин оёғини уза бошлади ва черковга ҳам кам борадиган бўлди, бу билан у дорихоначининг мақтовига сазовор бўлди, бир куни у Эммага дўстона оҳангда:

— Тақводор бўлиб кетишингизга сал қолувди-я! — деди.

Аббат Бурнизьен аввалгидек ҳар куни катехизис дарсидан кейин келиб турарди. У очиқ ҳавода, шийпончада, «ўрмонча»да ўтиришни яхши кўрарди — боғни у шундай деб атарди. Бу вақт Шарль ҳам қайтарди. Иккиси ҳам иссиқдан қийналишарди, уларга ширин сидр келтиришар, улар Бовари хонимнинг батамом тузалиб кетиши учун ичардилар.

Шу ернинг ўзида, яъни пастда, шийпончанин тўғрисида жаноб Бине қисқичбақа тутарди. Бовари уни муздаккинадан ичиб кетишга чақирарди; шиша оғзини жуда қойил қилиб очади-да Бине!

— Шишани қийшайтириш керакмас, — дерди мамнун қараш билан атрофни кўздан кечириб Бине. — Энг аввал симини қирқамиз, кейин авайлаб, астагина пўкагини тортамиз — ресторанларда сельтер солинган шишаларни шундай қилиб очадилар, ҳа!

Бироқ баъзан Бине тажрибасини кўрсатаётганда, сидр ўтирганларнинг устига сочилар, бундай вақтларда руҳоний ўзига хос кулги билан доим бир хилда аския қилиб:

— Кўриниб турибди бунинг олий навлиги! — дерди.

Аббат Бурнизьен ҳақиқатан ҳам жуда беозор одам эди. Бир кун фармацевт Шарлга, рафиқасининг кўнглини ёзиб келиш учун Руан театрига олиб боришга маслаҳат бериб, у ерда ҳозир машҳур тенор Лагарди гастролга келганини айтганда, руҳоний норо-

ви бўлганини билдирмади. Унинг совуққонлигидан ҳайратга тушган жаноб Оме тўппа-тўғри унга қараб, бу таклифга қандай қарайсиз, деб сўради, руҳоний унга жавобан музика адабиётчалик зарарли эмас, деб жавоб берди.

Фармацевт ижодиётни ёқлаб кетди. У театр томошабинларига панд-насихатни жуда қизиқарли шаклда етказди, шу билан эски урф-одатларнинг илдиэига болта уради, деб ҳисобларди.

— *Castigat ridendo mores*¹, жаноб Бурниэен! Масалан, Вольтернинг деярли ҳамма фожиаларини олинг; улар фалсафий фикрлар билан лиқ тўла, халқ учун бу ахлоқ ва дипломатиянинг чинакам мактаби-ку!

— Мен бир вақтлар «Париж боласи» деган пьесани кўргандим,— деб гапга аралашди Бине.— У ерда кекса ажойиб генерал типи берилган, шундоқ турмушдан олинган: ўша генерал битта бойваччаи шунақанги болаб сўкадики, асти қўяверасиз! Бойвачча бир хизматкор қизни йўлдан оздирган экан, у қиз бўлса охирида...

— Шубҳасиз, ёмон фармацевтика бўлганидек, ёмон адабиёт ҳам бор,— давом этди Оме.— Лекин санъатда бўлган ҳамма яхши нарсаларни инкор этиш, менимча, беҳуда ишдир, бундан ўрта асрнинг, Галилейнинг умри зиндонда ўтган ўша мудҳиш замоннинг исси келади.

— Яхши асарлар, яхши ёзувчилар борлигини мен инкор қилмайман, албатта,— эътироз билдирди руҳоний.— Лекин шуниси борки, эркак ва аёл оқсуяклар санъатининг энг янги зийнатлар билан безатилган ажойиб бинода тўпланишларнинг ўзи кўп нарсаларга олиб боради, кейин мана бу мажусий давридан қолган маскарад, упа-элик, ёруғ чироқлар, нозли товушлар, шулар ҳаммаси бора-бора ахлоқнинг занфлашишига олиб боради, бачкана фикрлар, нопок истақлар қўзғатади. Ҳар қалай черков пешволари шундай фикрда бўлганлар. Модомики, шундай экан,— қўшиб қўйди руҳоний бирдан юзига сирли ифода бериб, бу эса унга бош бармоғи билан тамаки эзишга халақит бермасди,— черков бундай тамошаларни қо-

¹ У аҳмоқни кулги билан савалайди. (лат.)

раларди, демак, бир сабаби бордир-да... Бизнинг ишимиз — унинг амрини бажариш.

— Биласизми, нима учун черков актёрларни муртад деб ҳисоблайди?— сўради дорихоначи.— Чунки узоқ ўтмиш даврларда уларнинг томошалари черковники билан рақобат қилган! Ҳа, ҳа! У вақтлар хорларда мистерияларнинг, яъни диний темалардаги пьесаларни саҳналаштирилар эди, аслини олганда улар енгил, ўйноқи пьесалар бўлиб, кўпчилиги ахлоқсиз бўлган.

Руҳоний жавоб ўринга қаттиқ хўрсиниб қўйди, фармацевт бўлса, ҳамон тилини тиймасди.

— Бу худди тавротдагидек. Унда шунақа нарсалар бор... Мен сизга айтсам... ҳирсни қўзгатадиган тафсилотлар бор, ишонаверинг... У ерда ҳамма нарса ўз номи билан аталади!

Шу ерга келганда Бурнизьеннинг гижини келиб кетди, лекин дорихоначи унинг оғзини очирмай қўйди:

— Ахир ўзингиз ҳам бу китоб ёш қизлар учун мос эмаслигини инкор этмайсиз-ку. Масалан, менинг Аталиям шунақанги китобни ўқиса, севинмасдим.

— Ахир тавротни биз эмас, протестантлар тавсия қилади-ку!— деди тоқати тоқ бўлиб аббат.

— Эй, барибир эмасми?— гап қайтарди Оме.— Мен, илму маърифат тараққиёт этган асримизда ҳали ҳам ақлий ҳордиқ чиқаришга қарши турадиган одамлар борлигига асло чидаб тура олмайман, ахир бу зарарсиз, ундан ташқари, руҳий ва ҳаттоки жисмоний томондан соғлом ҳордиқ-ку. Тўғри эмасми, доктор?

— Ҳа, албатта,— ноаниқ жавоб берди врач, ёки у Оменинг фикрига қўшиларди-ю, лекин Бурнизьенни хафа қилишни истамасди, ёки умуман бу ҳақда ҳеч қачон ўйламаган эди.

Гап шу билан тугагандику-я, қаниди, лекин фармацевт ўзини тўхтата олмади ва рақибига охирги зарбани берди:

— Мен шундай руҳонийларни билардимки, киборларча кийиниб олишиб, раққосаларнинг оёқ силкитишларини кўргани боришарди.

— Бўлди-ей!— жаҳл қилди аббат.

— Йўқ, мен билардим!— такрорлади Оме ва яна бир марта чертиб-чертиб қайтарди:

— Мен билардим!

— Хўш, нима бўпти, яхши қилишмаган албатта, — хулоса қилди Бурнизеен; чамаси у ҳамма гаини кўтаришга қарор қилди шекилли.

— Ҳа, у жин чалгурлар шунақанги гуноҳ ишлар қилишадики, — деди дорихоначи.

— Эй, тақсир!..

Бу гаини айта туриб, руҳоний фармацевтга шундай ўқрайиб қарадики, у чўчинқиради.

— Мен шуни айтмоқчийдимки, — бутунлай бошқа оҳангда гап бошлади Оме, — қалблардан динга йўл очиш учун сабри тоқатдан ортиқ ишончли омил йўқ.

— Мана бу тўғри! Мана бу тўғри! — қўшилди очиқ кўнгилли аббат ва қайтиб жойига ўтирди.

Лекин у уч минутдан ортиқ ўтирмади. У кетгандан кейин жаноб Оме врачга қараб:

— Мана буни қизгин жанг дейдилар, — деди. — Хўш, боладимми!.. Хуллас, менинг маслаҳатимга кириб, Бовари хоинини спектаклга олиб бориб, умрингизда бир марта мана бу қузғунларнинг жонини чиқариб, аблаҳларни! Агар ўрнимда қоладиган одам бўлса, ўзим сизлар билан бирга борардим. Лекин шовилинг! Лагарди фақат битта томоша бераркан. Унинг Англияда ангажементи¹ бор, у ерда унга катта пул тўлашади. Уни шундай юлғич дейишадики, тиллаларни суғуриб олармиш! Ҳамма ерга учта ўйнаши ва ошпазини олиб бораркан! Ҳамма атоқли артистлар беш панжасини оғзига тиқади. Улар бузуқлик билан ҳаёт кечирришлари керак, бу эса уларнинг фантазияларини ишга солади. Лекин улар гарибхонада ўлишадди. Ёшликда қора кунга атаб беш-ўн танга йиғиб қўйиш хаёлларига ҳам келмайди. Ҳў, хайр... ош бўлсин! Биз кетдик. Эртагача!

Спектакль ҳақидаги фикр Шарлнинг миясига ўрнашиб қолди. У шу заҳоти бу ҳақда хотини билан гаплашди, лекин Эмма энг олдин киши чарчайди, овора бўлади, кейин ортиқча чиқим бўлади, деган баҳоналарни айтиб рад қилди. Шарль одатига қарши ўз сўзида туриб олди, театр унга фойда етказишига ишонарди. Унинг фикрича, бормаслик учун ҳеч қана-

¹ Ангажемент — артистларни маълум муддатгача шартнома асосида ишлашга таклиф этиш.

қа жиддий сабаб йўқ, онаси яқинда уларга уч юз франк юборди, бу худди осмондан тушгандек бўлди, майда-чуйда қарзлар унча катта суммани ташкил қилмасди, векселлар бўйича жаноб Лерега тўланадиган қарзга келсак, эҳе, ҳали унга анча вақт бор, бу ҳақда ўйлашнинг ҳам кераги йўқ. Эмма шунчаки одоб юзасидан боришни истамаяпти, деб ўйлаб Шарль гапиравериб, жонига тегди, ниҳоят у рози бўлди. Эртасига эрталаб соат саккизда улар «Қалдирғоч»га ўтириб жўнаб кетишди.

Дорихоначини Ионвилда ҳеч нарса ушлаб турмасди, лекин у ўз постини ташлаб кетмасликни бурчи деб деб ҳисобларди; эр-хотин Бовариларни кузата туриб, у чуқур хўрсинди:

— Оқ йўл, бахтиёр бандалар!— деди Оме ва Эмманинг тўрт қўш этакли ҳаво ранг шойи кўйлагига эътибор бериб:— Бугун сиз жуда мафтункорсиз. Сиз Руанда ҳамманинг ҳавасини келтирасиз!— деб қўйди.

Дилижон Бовуазин майдонида, «Қизил яримой» меҳмонхонаси олдида тўхтади. Ҳар қанақа вилоят шаҳарларининг четида худди мана шунақанги меҳмонхонани кўрасиз; бундай яхши, қадимий меҳмонхоналарнинг отхоналари кенг, номерлари тор бўлади, ҳовлида, коммивояжерларнинг лой чаплашиб ётган коляскалари тагида товуқлар дон териб юришади, чирий бошлаган тахта галереяларнинг устунлари қиш тунларида совуқдан чирсиллайди, бу ер ҳамиша гавжум, сершовқин, овқат сероб, қаҳва билан коньяк тўкилаверганидан столлар қорайиб кетган, ҳўл дастурхонларнинг ҳамма ёғи қизил, арзон винодан доғ-дуг бўлиб кетган, деразаларнинг қалин ойналарига пашшалар ўтириб ташлаган; бу ерда кўча томонда қаҳвахона, ҳовли томонда эса полиз бўлиб, худди шаҳарча кийиниб олган батраклардай бу ердан доимо қишлоқнинг иси келиб туради. Шарль шу заҳотиёқ билетга чопди. У анчагача литерли ложаларни галерка билан, партер креслоларини ложа креслолари билан адаштирди, эзмалик билан суриштираверди, унга тушунтирсалар, у ҳеч нарсага тушунмасди, ҳамма ёқни, контролёрдан тортиб директоргача айланиб чиқди, кейин меҳмонхонага қайтиб келди, яна кассага чопди ва шундай қилиб, театр билан меҳмонхона орасида бир неча бор қатнади.

Бовари хоним ўзига шляпа, қўлқоп, бир даста гул сотиб олди. Жаноб Бовари томошанинг бошланишига кечикиб қолишдан жуда қўрқарди, қайнатма шўрвани ҳам охиригача ичмай, ҳали эшиклари очилмаган театр олдига келишди.

XV

Балюстрада¹лар билан иккига бўлинган одамлар тўдаси деворларга сиқилиб турарди. Яқин-яқин кўчаларнинг чорраҳасига осиб ташланган катта афишаларда кунгурадор ҳарфлар билан: «Лючия де Ламермур... Лагарди... Опера...» деган сўзлар ёзилганди. Кун очиқ, иссиқ, тердан сочлар бир-бирига ёпишар, ҳавода дастрўмоллар ҳилпирар, қизариб кетган пешаналарини артишарди. Аҳён-аҳёнда дарёдан эсган илиқ шамол қовоқхона эшиклари тепасидаги тик соябонларни салпал ҳилпиратарди. Бир оз нарироқда нафас олиш енгилроқ эди — ёғ, тери ва ўсимлик мойларининг ҳиди аралашиб кетган ҳавонинг муздек оқими кишини жонлантирар эди. Бу — ичидан бочкаларни юмалатиб чиқариладиган, катта, қоронғи омборлар қуриб ташланган Шарет кўчасининг нафаси эди.

Эмма ноқулай аҳволда қолишдан қўрқиб, қиргоқ томонга боришга қарор қилди, ҳар ҳолда театрнинг берк эшиклари олдида туришдан бу яхшироқ. Шарль ҳар аҳтимолга қарши билетини кафтида маҳкам сиқиб олди, қўлини шимининг чўнтагига тикди ва шу тикқанича қўлини чўнтак ичидан қорни устида ушлаб юрди.

Вестибюлга киргандаёқ Эмманинг юраги гурсиллаб уриб кетди. Бир тўда одам бошқа фойедан ўнгга бурилди, Эмма бўлса зинапоядан биринчи яруснинг ложасига кўтарилди, шунинг ўзи унинг юзида беихтиёр мағрур жилмайиш пайдо қилди. Устига мато қопланган кенг эшикларни ушлаш унга худди ёш болалардек қузур бағишларди, у театр чангларидан зориқиб нафас оларди. Ниҳоят у ложадаги ўз жойига ўтирди ва герцогиналарга хос хотиржамлик билан қадини ростлади.

¹ Балюстрада — панжара (балкон, зинапоя ва шу каби-ларни безаш учун устунлари кунгурадор қилиб ясалган панжара).

Зал аста-секин тўла бошлади. Томошабинлар дурбинларини ғилофларидан олдилар. Театр шинавандалари узоқдан турибоқ бир-бирларини танишар ва эгилиб саломлашишар эди. Бу одамлар санъатга савдо-сотиқ ташвишидан халос қиладиган бир дам олиш деб қарайдилар, лекин шу ерда ҳам ўз «ишлари»ни унутишмас, пахта, спирт, нил бўёқлари ҳақида суҳбатлашишар эди. Кексаларнинг кам ҳаракат, ифодасиз рухсорлари кўринар, рангпар юзлари ва оқ сочлари уларга усти хира, қўрғошин доғи билан қопланган кумуш медаллар тусини берарди. Бовари хоним юқорида туриб, партернинг биринчи қаторларида ўзларига зеб берган ёш олифталарга завқланиб қарарди. Улар олди очиқ жилетларидан пушти ёки пистолни ранг галстукларини кўз-кўз қилиб ва сариқ қўлқоп кийган қўллари билан ҳассаларининг олтин суви югуртирилган тутқичига суялиб турардилар.

Шу орада, мусиқачилар ўтирадиган ерда чироқлар ёқилди. Шипда осиглиқ қандилларнинг кўп қиррали шилдироқлари пирпираб кетди ва зал шу заҳотнёқ шодликка тўлди. Кейин олдинма-кетин созандалар кириб келишди ва какофония бошланди, контрабаслар гувиллар, скрипкалар чийиллар, корнет-а пистонлар хириллар, найлар ва флажолетлар чийиллашарди. Мана, ниҳоят саҳнадан уч марта қаттиқ зарба¹ эшитилди, ноғоралар гумбурлади, карнайлар гувиллади, парда кўтарилди ва орқадан манзара кўринди.

Саҳна ўрмон этагини кўрсатарди, чап томонда эман шохлари соя солган ариқ жилдирамоқда. Қишлоқилар елкаларига қалин жун рўмол ташлаган помешчиклар хор билан овчилар қўшиғини ижро этишди. Кейин овчи пайдо бўлди ва қўлини осмонга кўтариб ёвуз руҳни чақира бошлади. Унга яна бошқаси қўшилди, кейин улар чиқиб кетишди, шунда овчилар янгидан қўшиқ айтишди.

Эмма ўзининг ёшлик даврларига, Вальтер Скотт саланатига хаёлан парвоз этди. Унинг назарида, гўёки арча гуллар, чакалакзорлари орқасидан, туманлар ора-

¹ Француз театрларида томошабинларга томоша бошланиши қўнғироқ билан эмас, уч марта полга қаттиқ уриш билан эълон қилинарди.

сидан унга такрор-такрор акси садо берган шотланд сурнайининг воласи эшитилаётгандек туюларди. Роман эсида яхши қолганди, бу эса унга операни тушунишга енгиллик берар, у ҳодисаларнинг боришини кузатишга уринар, бироқ қулоқни қоматга келтирувчи овозлар унинг фикрини чалгитар эди. Эмма музыка дарёсига фарқ, унинг бутун вужуди ҳаяжонлантирувчи оҳангларга жўр бўлиб куйларди. Назарида гўё камонча унинг асабларини чертмоқда эди. Унинг кўзлари ўйнар, костюмларга, декорацияларга, иштирок этувчиларга, бирор киши олдидан ўтса силкинадиган дарахт суратларига, бахмал беретлар, плашлар, қиличларга, хуллас, тоғлар тепасидаги оқиш ҳаво тўлқинларидагидек ҳамоҳангликнинг тўлқинларида тебранаётган фантазия яратган барча нарсаларга қараб тўймасди. Мана, сахна олдига ёш жувон чиқди ва яшил кийимли кишига ҳамёнини иргитди. Кейин ўзи ёлғиз қолди, шунда сувларнинг жилдирашига ёки қушларнинг сайрашига ўхшаш садо чиқариб най чалинди. Бир нуқтага тикилганча Лючия баланд овозда қисқария бошлади. У севгининг шафқатсизлиги ҳақида куйларди ва тангридан унга қанот ато этишни илтижо қиларди. Ахир Эмма ҳам ҳаётни тарк этиб, фаришта қучоғида учиб кетишга интилган эди-ку. Бирдан сахнага Эдгар — Лагарди чиқди.

У кишини мафтун этувчи рангпар юзли эди, рангпарлик қизиққон жанубликларнинг юзига нимаси биландир мрамарнинг совуқлигини эслатувчи қатъиятлик бахш этади. Унинг бақувват гавдасини жигар ранг куртка хипча қилиб қисиб турарди. Чап ёнида ўймакор кичкина ханжар осиглиқ. Лагарди кўзларини хумор қилиб боқар, оппоқ тишлари кўриниб турарди. Унинг ҳақида шундай мишмишлар юрардики, гўё у бир вақтлар биарриқ пляжида қайиқ тузатиш иши билан шуғулланар экан, кунлардан бир кун, оқшом пайти унинг қўшигинч поляк хоним эшитиб қолиб, унга ошиқ бўлиб қолган экан. У аёл унга бор давлатини сарф этган, Лагарди бошқа хотинларга айланишиб, уни ташлаб кетган. Хотинбозлик шуҳрати унинг артистлик обрўсини мустаҳкамлаган эди. Айёр актёр ўз рекламаларида албатта ўзининг жозибадорлиги ва ҳассос қалби ҳақида қанақадир чиройли бир жумлани қўшиб қўярди. Чиройли овози ўзига мустаҳкам ишонч, ўткир

ақли бұлмаса ҳамки, жұшқинлик, самимий ҳиссиётнинг йўқлигини яшириб турган баландпарвозлик — мана шу фазилатлари билан қаеридир сартарошга, нимасидир тореадорга ўхшаб кетадиган бу ўтакетган қаллоб томошабинларнинг муҳаббат ва ҳурматига сазовор бўлганди.

Биринчи кўринишдаёқ у томошабинларни мафтун этди. У Люцияни бағрига маҳкам босар, нари кетар, яна қайтар, дод-фарёд қилар, қаҳр-газаб оловлари унда чуқур меҳри вафони ифодаловчи зорли нолаларга айланар, йиги ва бўса овозлари эшитилаётган очиқ томоғидан ноталар отилиб чиқарди. Эмма барьердан энгашиб, тирноқлари билан ложанинг бахмал сирилган жилдини чангаллаб, ундан кўзини узмасди. Унинг қалби мана бу хушнаво нолалар билан тўлиб-тошар, бу нолалар гарқ бўлаётган одамнинг бўроннинг гувиллаши ҳам босолмаган дод-фарёдига ўхшаб контрабасларнинг жўрлигида ҳамон янграр эди. Бу завқланиш, бу руҳий азоб унга таниш эди — ахир унинг ўзи бу руҳий азоблардан кўз юмишига сал қолган эди-ку. Хонанда аёлнинг овози ўз фикрларининг акси садосидек туюларди, хаёлни мафтун этувчи бу афсонада ўз ҳаётидан бир қисми акс эттирилгандек эди. Лекин ҳақиқатни олганда, уни ҳеч ким бу қадар севган эмас. Родольф охирги оқшом, ойдин кечада бир-бирларига: «Эртагача! Эртагача!..» деб хайрлашган вақтларида ҳам Эдгарга ўхшаб йиғламаган эди. Зал гулдўрос олқишлардан ларзага келди, арияни бошидан қайтаришга тўғри келди: ошиқ-маъшуқлар ўз қабрлари устидаги гуллар ҳақида, қасамёд, жудолик, тақдирнинг буйруги, орзумидлари ҳақида куйлашарди. Охирги қисмда «алвидо!» сўзи янграганда, Эмманинг кўксидан қаттиқ чинқириқ отилиб чиқди ва унинг мана шу фарёди охирги аккордларнинг титроғи билан қўшилиб кетди.

— Нима сабабдан анави синьор бу аёлни тинч қўймапти? — сўради Бовари.

— Йўғ-е, йигит унинг ошиғи, — жавоб берди Эмма.

— Лекин, йигит унинг оиласидан қасос олишга қасам ичяпти-ку, анави, ҳозир келгани бўлса: «Люцияни мен севаман, у ҳам мени севади», — деди. Тағин қизнинг отаси билан қўлтиқлашиб чиқиб кетди. Ахир шляпасига жиға қадалган тараққос қизнинг отаси-ку, тўғрими?

Эмманинг тушунтириши ҳам фойда бермади — речитатив¹ дуэт вақтида Гильберт ўзининг хўжайини Эштонга мудҳиш ҳийла-найранглар тузаётганини айтаётган маҳалда, Шарль Лючияни чалғитиш учун керак бўлган никоҳ узугини кўриб қолди ва бу Эдгарнинг ҳадяси, деб ўйлади. Шунини айтиш керакки, Шарль саҳнада нималар бўлаётганини тушунмаётганига, сўзларни илғаб олишга музика халал бераётганига иқроор бўлар эди.

— Варибир эмасми сенга? — деди Эмма. — Жим ўтир!

— Биласан-ку, менга ҳамма нарса очиқ-равшан бўлишини яхши кўраман, — деди Шарль унга энгашиб.

— Жим ўтир! Жим ўтир деяпман! — деди Эмма жаҳл билан шивирлаб. Сочларига оқ гуллар қистирган Лючияни хизматкор аёллар қўлтиғидан ушлаб олиб чиқишди, унинг ранги устидаги оқ атлас кўйлагидан ҳам кўра оппоқроқ кўринарди. Эмма ўзининг тўй кунини хотирга келтирди. Хаёли у ерларга — бугдойзорлар, черковга олиб чиқадиган сўқмоқларга учди. Нега у ўшанда қаршилик кўрсатмади, Лючияга ўхшаб йиғлаб ёлвормади? Аксинча, у шод эди, олдида тубсиз жарлик борлигини билмади. О, ўшанда — ҳали унинг ҳусн-жамоли ўзининг латофатини йўқотмаган, ҳали унча оилавий ҳаёт ботқоғига ботмаган, ҳали у хуфиёна севгидан панд емаган чоғда бирор киши унга ўзининг улкан, содиқ қалбини бахш этгандайди, шунда эзгулик, меҳр-вафо, умид-орзу ва бурч — барчаси қўшилиб ҳамоҳанг бўлардики, унда Эмма бу мислсиз бахт тахтидан йиқилмасди ҳам! Афсус! Бу ҳузурқаловат тилкапора бўлган қалбни баттарроқ поралаш учун ўйлаб топилган фирибгарлик! Санъат эҳтиросларни бўёқларга бўяйди, бироқ у шавқ-завқнинг ҳеч нарсага арзимаслигини татиб кўрган-ку! Эмма бу ҳақда ўйламасликка ҳаракат қилди, ўз ғам-руссаларини хаёлида тиклаб, уларни саҳнада ижро этилаётган, одамни қувонтирадиган орзу деб билишни истарди, холос ва саҳнанинг охирида барқут пардаларнинг орқаси-

¹ Речитатив — баъзи бир вокал музика асарларининг, асосан операларнинг муҳим бир қисми — куй билан ёки қисқа оҳангда айтиладиган сўзлари.

дан қора плашлик киши пайдо бўлганда у ҳатто ичдан кинояли табассум билан жилмайиб қўйди.

Ашулачининг кескин ҳаракатидан кенг соябонли испанча шляпаси ерга тушиб кетди. Оркестр ва ашулачилар шу заҳоти хор бошлаб юборишди. Ғазаб оловида ёнаётган Эдгарнинг янгроқ овози бошқаларни босиб кетди. Эштоннинг баритони Эдгарга ўлим даҳшатини соларди, Лючия ўз нолаларини энг баланд ноталарда ивҳор этар, Артур ўз ариясини ўртача овоз билан ижро этар, руҳонийнинг биринчи басы худди органга ўхшаб гувилдар ва унинг сўзларини хотин-қизларнинг ажойиб хори илиб кетарди. Актёрлар қатор туришиб олиб зўр бериб қўллари билан ҳаракат қилишарди. Уларнинг лабларидан ғазаб, қасос олиш иштиёқи, рашк, даҳшат, азоб ва ҳайрат — ҳаммаси бир вақтда отилиб чиқарди. Ҳақоратланган ўйнаш қилич кўтарар, тез-тез нафас олишидан кўкрагидаги тўр ёқаси паст тушиб, кўтарилиб турар эди. Оғзи кенг юмшоқ этикларининг тўпиғидаги олтин суви юритилган шпорларини жаранглатиб, у катта қадамлар билан сахнада у ёқдан бу ёққа юрарди. Ашулачига қараб туриб, Эмма унинг қалбида битмас-туганмас севги булоғи бўлса керак, йўқса ҳаяжонини шундай шиддат билан ифода этолмасди, деб ўйлади. Эмманинг қаҳрамонни таҳқирлашга бўлган барча интилишлари барбод топганди — ижрокчининг маҳорати уни қойил қолдирган эди. Қаҳрамоннинг хусусиятларини у актёрнинг ўзига кўчирди: унинг ҳаётини — хушчақчақ, ажойиб, дабдабали ҳаётини кўз олдига келтиришга уринди ва ихтиёрсиз, худо ярлақаб иккиси учраб қолган бўлса, у менинг тақдирим нима бўлардйкин деб ўйларди. Улар танишишарди ва бир-бирларини севиб қолишарди! Улар Европа бўйлаб саёҳат қилишар, у пойтахтдан бу пойтахтга ўтиб, шаҳарма-шаҳар юриб, унинг ғамига ҳам, шодлигига ҳам шерик бўлиб, унга ташланган гулдасталарни териб, ўз қўли билан унга костюмлар тикиб берарди. Ҳар оқшом у залдан тилла ранг панжара билан ажратилган ложада бекиниб ўтириб, нафасини ичига ютиб, унинг қалб изҳорини тингларди, унинг қалби эса фақат Эмма учунгина куйларди, сахнада ўйнаб туриб унга қарарди. Лекин ростдан ҳам Лагарди унга тикилаётган эди — бу шайтоннинг васвасасига ўхшарди. Эмма унга ўзини олишга тайёр, севгини мужассам-

лаштирган шу қудратли одамнинг қучоғига яшири-нишни истарди, унга: «Мени олиб кет! Олиб қоч мени! Тезроқ! Қалбимнинг олови сенга, менинг бутун орзуларим сенинг ҳақингда!» деб қичқиргиси келарди. Парда тушди.

Газнинг ҳиди одамларнинг нафасига аралашиб кетди, елшиғичлар димликни баттарроқ оширди. Эмма фойега чиқди, лекин у ерда гуж-гуж одам, унинг юраги қаттиқ уриб кетди, оғзи билан нафас олиб, ўз ложасига аранг қайтиб келди ва креслога ўзини ташлади. Унинг кўнгли озиб қолишидан қўрқиб кетган Шарль чопганича буфетга оршад олиб келишга кетди.

Бир оз ўтгандан сўнг у ит ҳасратда суқила-сурила ўз жойига келди. У стаканни икки қўллаб ушлаб олган, одамлар унинг тирсагига дам-бадам тегиб кетишарди. Охири шу бўлдики, у бир стакан оршадни кўйлагининг ёқаси катта ўйилган бир руанлик аёлнинг елкасига тўкиб юборди. У аёл орқасига суюқ нарса тўкилганини сезиб, худди уни биров пичоқлагандек овозининг борича чинқириб юборди. Унинг эри, йигирув фабрикасининг эгаси, бесўнақай одамни уриша бошлади. Хотини қизил тафтадан тикилган оҳорли кўйлагини дастрўмоли билан арта бошлади, эри бўлса ҳамон қанақадир мукофот ва етказган зарарни тўлаш ҳақида тўнғиллар эди. Ниҳоят Шарль хотини олдига келди.

— Худо ҳаққи, етиб кела оламан деб сира ўйламовдим. Ҳамма ёқ гуж-гуж одам!.. — ҳансираб, зўрға-зўрға гапирди Шарль ва Эммага савол берди: — Биласанми мен у ерда кимни кўрдим? Леонни!

— Леонни?

— Ҳа-да! У ҳозир сен билан кўришгани келади.

Шарль гапини тугатиб улгурмагаң эди ҳамки, ложага Ионвиль нотариусининг собиқ ёрдамчиси кириб келди.

У аристократларга хос бетакаллуфлик билан Эммага қўлини чўзди. Бовари хоним ҳам худди кучлироқ иродага бўйсунгандек, ўз қўлини тезда узата қолди. У ўша баҳор оқшомидан кейин, дераза олдида туриб, ёмғирнинг яшил баргларга урилиб шовиллаши остида хайрлашганларидан бери унинг қўлини ушламаган эди. Бироқ одоб эсига тушиб, у хотираларни ўзидан ҳайдади ва чўзиб-чўзиб:

— А, саломатмисиз?.. Кутилмаган бир тасодиф! Қаёқдан сизни шамол учирди?— деди.

— Жим-м!— деди кимдир партердан: учинчи кўриниш бошланган эди:

— Шундай қилиб, Руандаман, денг?

— Ҳа.

— Аяча бўлдимми?

— Чиқиб кетинг!

Уларга қарай бошлашди. Улар жим бўлиб қолишди.

Бироқ энди Эмманинг қулоғига музыка кирмасди. Меҳмонлар хори, Эштоннинг хизматкори билан бирга чиқиши, икки овоз билан ижро этилган куй — булар ҳаммаси Эммага қаёқлардандир — олислардан эшитилаётгандек, гўёки, музыкалар ўз овозини йўқотган, ашулачилар бўлса саҳна орқасига ўтиб кетгандек туюларди. У фармацевт уйдаги карта ўйинларни, энаганикига борган вақтини, шийпончада ўтириб овоз чиқариб ўқишлар, кичкина камин ёнида ўтирган вақтларини эслади, мана шу ҳодисаларга қашпоқ бўлган, шундай тинч ва шундай давомли, шундай камтарин, шундай нафосатли, аммо унинг хотирасидан кўтарилма бошлаган муҳаббат ҳақида ўйларди. У нега яна пайдо бўлди? Тақдирнинг қанақа тақозоси билан у яна Эмманинг ҳаётига кирди? Леон орқада, тўсиққа кўкрагини бериб ўтирарди. Вақт-вақти билан унинг илиқ нафаси Эмманинг сочларини қилпиратарди ва бундан Эмманинг баданлари жимиллаб кетарди.

— Сиз учун жуда қизиқми шу?— деб сўради Леон. У саволи бераркан Эммага шундай яқин энгашдики, мўйловининг учи унинг ёноқларини қитиқлаб юборди.

— Йўқ! Унча эмас!— бепарво оҳангда жавоб берди Эмма.

Леон театрдан кетишни ва бирор ерда мороженое ейишни таклиф қилди.

— Бирпас тўхтайлик!— деди Бовари.— Унинг сочлари паришон — ҳозир энг қизиқ ери бошланса керак!

Бироқ ақлдан озиш саҳнаси Эммани ҳаяжонлантирмади, ашулачининг ўйини гайри табиий кўринди.

Шарль диққат билан тингларди.

— Ҳаддан ташқари қаттиқ қичқираркан у,— деди Шарлга мурожаат қилиб Эмма.

— Ҳа... рост... ошириброқ юборяпти...— қўшилди унинг фикрига Шарль, ашулачининг ўйини унга ёққа-

ни амтқ кўрениб турарди. Лекин у хотиянининг фикри билан ҳисоблашишга ўрганиб қолганди.

— Жуда ҳам дим-а бу ер!..— деди чуқур нафас олиб Леон.

— Ҳа, рост, одам чидай олмаяпти димлигидан!

— Сен қийналяпсанми?— сўради Шарль.

— Нафасим қайтиб кетяпти, кетдик!

Леон узун оқ тўр рўмолни унинг елкасига авайлаб ташлади, учалалари қирғоқ бўйига чиқишди ва қаҳвахона олдида, очиқ ҳавода ўтиришди.

Аввал Эмманнинг касали ҳақида гаплашишди, лекин у ҳар дақиқа бу гаплар жаноб Леонни зериктириб қўяди, деб Шарлнинг сўзини бўлиб турди. Леон, Нормандияда нотариус орқали Париждагидан бутунлай бошқа турдаги ишлар ўтишини, у бўлса икки йилга Руанга келганлиги ва бу ердаги катта нотариал конторасида ишлаб кўзини пишитмоқчилигини гапирди. Кейин Бертани, Оме оиласини, Лефрансуа холанинг ҳол-аҳволини сўради. Боварининг олдида улар бошқа нарсалар ҳақида гаплаша олишмасди, шу билан гап тугади.

Уларнинг олдидан, тротуарда театрдан қайтган томошабинлар ўтишарди, улардан баъзилари «Менинг фариштам Лючия!»ни гингиллаб, бошқалар овозларининг борича куйлашарди. Леон ўзини кўрсатиш учун музика ҳақида гап очди. У Тамбуринини, Рубинини, Персианини, Гризиларнинг қўшиқларини эшитган, уларнинг олдида мақталган Лагарди ни ечомайди!

— Ҳар қалай, охирги пардада у жуда ҳам ажойиб дейишади,— шарбатни ром билан қўшиб шимириб туриб деди Шарль.— Мен охиригача кўрмасдан кетганимга ачинапман. Менга у тобора ёқиб бормоқда эди.

— Ахир яқинда тагин битта томоша бўлади-ку,— деди Леон.

Унга жавобан Шарль эртага жўнаб кетишларини айтди.

— Балки менсиз шу ерда бир оз қоларсан, жонгинам?— сўради у Эммага мурожаат қилиб.

Кутилмаган бу қулай вазият йигитчага ўз тактикасини ўзгартиришга мажбур қилди, у Лагардининг охирги саҳнадаги ўйинини кўкларга кўтариб мақтай бошлади:— Бу ажойиб ўйин, қиёмат!— деди. Шунда Шарль Эммани қолишга қистай бошлади.

— Якшанба куни қайтиб борарсан. Кел, қўй, кўп тижирлик қилаверма! Модомики, сен учун қиттак бўлса ҳам нафи бор экан, демак, ўжарлик қилишининг ҳам ўрни йўқ.

Бу орада одамлар сийраклаша бошлади. Улардан нарироқда официант қаққайиб турарди — Шарль унинг шамасига тушуниб чўнтагини ковлади, Леон унинг қўлини ушлади, ўзи тўлаб, официантга икки кумуш таңга чойчақа қолдирди, уни атайлаб столнинг мрамар тахтасига жирниглатиб ташлади.

— Мени ноқулай аҳволда қолдирдингиз... биз учун... тўлаб... — деб гўлдиради Шарль.

Леон писанд қилмагандек унинг гапини бўлди ва шляпасини олди.

— Демак, шундай, эртага соат олтига?


Шарль яна қололмаслигини, агар хоҳласа Эмма қолиши мумкинлигини айтди.

— Гап шундаки... — тутилиб-тутилиб гапирди Эмма, қанақадир ғалати бир кулги билан, — ўзим ҳам билмайман...

— Ҳа, майли, ўйлаб кўришга ҳали вақтинг бор, кўрамиз. Эртагача худо пошшо, — деди Шарль ва уларни кузатиб бораётган Леонга қараб: — демак, сиз тағин бу томонларга келиб қолибсиз, бизникига бориб турарсиз, деб ишонаман.

Йигитча жон-жон, деб рози бўлди, идоранинг иши билан барибир Йонвилга бориши керак. Собор соати худди ўн бир яримга бонг урганди Леон, жаноб Бовари ва Бовари хоним билан Сент-Эрблан пассажи ёнида хайрлашди.

УЧИНЧИ ҚИСМ



I

Леон ҳуқуқ фанини ўрганаётганда тез-тез «кулбага»¹ ҳам бориб турарди, ҳаттоки гризеткаларга² манзур бўлди. Гризеткалар уни «сипо йигит» деб мақташарди. Студентлар орасида энг тузукроғи ҳам шу эди: сочини калта ҳам эмас, узун ҳам эмас, ўртамиёна қилиб олдиран, уч ой учун юборилган пулни ой бошидаёқ еб қўймасди ва профессорлар билан яхши алоқада эди. Узининг юраксизлиги ва эҳтиёткорлиги туфайли ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймасди.

Леон кундуз кунлари хонасида ёки оқшомлари Люксембург боғидаги арғувон дарахтлари тагида дарсларни такрорлаб ўтирганда Эмма кўз олдидан ўтаверарди, у хаёл суриб қолар ва Қонун мажмуаси қўлидан тушиб кетарди. Бироқ шунга қарамай, Эммага бўлган туйғу-ҳислари оз-оздан заифлаша борди, ўзга орзулар бу ҳисларни бўғиб ташламаса ҳам қат-қатлашиб борди. Лекин Леон умидини тамом узиб юборган эмас, худди афсонавий дарахт тепасида тебраниб турган олтин мевадек қанақадир ноаниқ бир илинж уни ҳамон ўзига имлаб турарди.

Уч йиллик ҳижрондан кейин Эмма билан учрашганда унинг эҳтироси уйғонди. Бу аёлнинг висолига етиш пайти келди деган қарорга келди. Бунинг устига шўх улфатчилик уни анча сурбет қилиб қўйган. Маана энди вилоят шаҳрига қайтиб келиб унча-мунча одамни, айниқса, амиркон туфлиси билан катта шаҳарлар

¹ «Кулба» — Парижда, кўнгил очадиган ерлардан бири. Бу ерда бўлиб турадиган очиқ баллар студентлар, гризеткаларни қизиқтиради.

² Гризетка — француз бужуа адабиётида бир тур шаҳар қизлари, чунончи, чевар, машиначи, сотувчи қизларни шундай атайдилар.

нинг асфальт кўчаларида юрмаган одамларни назар-писанд қилмасди. Албатта, тўрларга беланган Париж аёллари олдида ёки бўлмаса қўш-қўш орденли, қўш навошли машҳур олимларнинг салонига кирганда, шўрлик нотариус ёрдамчиси ўзини мактаб боласидек йўқотиб қўярди. Лекин бу ерда, Руан қирғоқларида табибнинг хотини билан юришдан асти тап тортмайди, бу аёлни ўзига шайдо қилишини у олдиндан биларди. Кишининг ҳаддан ташқари ўзига бино қўйиши унинг атрофини қуршаб турган муҳитга боғлиқ; ҳар қалай антресол билан бешинчи қаватнинг тафовути бор-ку, бадавлат аёлнинг фазилати унинг пуллари билан ҳимоя қилинади.

Кечқурун эр-хотин Боварилар билан хайрлашгандан сўнг Леон уларнинг орқасидан кетди. Улар «Қизил яримой» меҳмонхонасига тушганликларини билиб олгандан кейин, уйига қайтди ва тонг отгунча турли режалар тузди.

Эртасига, соат бешларга яқин у ўзини худди томоғини бир нарса бўғаётгандек ҳис қилиб, ранги бўзариб, яланғоч сувдан тоймайди қабилидаги ҳолатда меҳмонхона ошхонасига кирди.

— Хўжайин йўқлар,— деди хизматчи.

«Бу омад албатта!» — дилидан ўтказди Леон ва зинапоядан юқорига кўтарилди. Унинг келиши Эмманни ажаблантирмади, аксинча, у қаердан номер олганликларини айтиш эсидан чиққани учун узр сўради.

— Мен бўлсам ўзим топиб олдим!— деди Леон.

— Ие, қандай қилиб?

У кўнгли сезганини, тусмоллаб шу ёққа келаверганини айтди. Эмма кулимсираб қўйди, шунда Леон ноҳўя гапирганини тушуниб, шу заҳотиёқ бошқа баҳона топди: у эрталабдан бери ҳамма меҳмонхоналарга бориб уни қидирганини айтди.

— Шундай қилиб, қолишга қарор қилдингизми?— сўради у.

— Ҳа,— жавоб берди Эмма,— лекин афсус! Бекор қолдим. Ишинг бошингдан ошиб ётган бир вақтда етишиш қийин бўлган ҳузур-ҳаловатни орзу қилиш яхши эмас...

— О, азизим, мен сизни яхши тушунаман!..

— Йўқ, сиз буни тушуна олмайсиз, сиз аёл эмасиз!

Эркакларнинг ҳам ўзига яраша ғам-ташвишлари бор.

Шундай қилиб, фалсафа сотиб суҳбатга тушиб кетишди, Эмма бу дунё майда икир-чикирлардан иборатлиги, инсон қалби абадий танҳоликка маҳкум экани ҳақида узоқ гапирди.

Сипогарчилик учунми ёки бўлмаса ўзининг севимли, ғам-ғуссали қаҳрамонларига соддадиллик билан таъсир қилибми, Леон ҳам машғулотлар кўнглига текканини гапирди. Ҳуқуқ фанини жинидан ёмон кўриб қолганини, бошқа соҳа уни қизиқтирганини, лекин онаси ҳар хатида насиҳатгўйлик қилавериб зериктирганини гапирди. Суҳбат асносида улар қанчалар машаққат чекканларини очиқроқ гапирдиша бошлашди ва мана бу тобора кучайиб бораётган ўзаро ишонч уларда ҳаяжон уйғота бошлади. Лекин шунда ҳам юрак сирларини очиқроқ айтишга журъат этишмади — улар маълум бир фикр туғдирадиган сўзларни топишга уринишарди. Эмма бошқа бировни севганини айтмади, Леон бўлса уни унутиб юборганига иқдор бўлмади.

Эҳтимол, баллардан кейин ниқоб билан ўтириб овқатланганлари Леоннинг ҳозир эсига ҳам келмаётгандир, Эмма бўлса каллаи саҳардан туриб, шудринг босган кўкатлар устидан ўйнашиникига чопганларини албатта ҳозир ўйламасди ҳам. Кўча шовқини буларга деярли эшитилмасди. Бу хона ҳаддан ташқари тор бўлгани учун улар ўзларини жуда хилватда ҳис қилардилар. Эмма эрталабки нафис кўйлагида, эски креслода ўзини ташлаб ўтирар, деворнинг сариқ гулқоғозлари унинг орқасида олтиндек товланарди, кўзгуда эса унинг тўғри очилган соч фарқи чизик бўлиб аксланар, соч толалари остидан бунагўши кўриниб турарди.

— О, кечиринг! — деди у. — Битмас-туганмас ҳасратларим жонингизга теккандир!

— Йўғ-э, нега ундай дейсиз?

— Мен доимо нималарни орзу қилганимни билсангиз эди! — деди Эмма, бирдан ёшга тўлган чиройли кўзларини шипга тикиб.

— Мен-чи, мен! О, шунча азоблар чекдимки! Мен кўпинча уйдан чиқиб кетардим, юрардим, соҳилларда кезардим, одамларнинг шовқин-сурони билан дардларимни босмоқчи бўлардим, лекин барибир кўнгли армонини босолмасдим. Бир кун хиёбонда, бир савдо-

гарда санъат маъбудаси тасвири солинган италян гравюрасикӣ кўриб қолдим. У оқ либосда, паришон сочларида бўтакўз гуллар, ойга боқиб турарди. Аллақандай ифодалаб бўлмайдиган бир куч мени у томон тортарди. Мен ўша расм олдида соатлаб турардим. У сал-пал сизга ўхшарди,— деб қўшиб қўйди Леон титроқ овоз билан.

Эмма, беихтиёр кулимсираётганини сездирмаслик учун тескари қаради.

— Сизга тез-тез хат ёзардим ва шу заҳоти йиртиб ташлардим,— яна гап бошлади Леон.

Эмма индамасди.

— Мен бирдан Парижга келиб қолсангиз-а, деб хаёл сурадим. Кўчаларда кўпинча сизни кўраётганга ўхшардим. Мен дуррачанинг учи кўриниб қолган ҳамма фнаклар орқасидан чопардим, сизникига ўхшаган ўртукнинг учини кўрсам ҳам...

Чамаси Эмма унинг сўзларини бўлгиси келмасди шекилли, қўлларини қовуштирганича, бошини қуйи солиб, атлас туфлиснинг бантларига тикилиб ўтирар, оёқ бармоқларини ҳар замон-ҳар замонда қимирлатиб қўярди.

Ниҳоят Эмма уҳ тортди.

— Ҳа, ҳар қалай менинг қисматимдан қайгулироқ нарса йўқ; ҳаётимнинг ҳеч кимга кераги йўқ. Агар бизнинг азобларимиздан бирор кимсанинг мушкул осон бўлсайди, у ҳолда биз, ҳеч бўлмаса бошқалар учун ўзимизни қурбон қилишимиз-ку, деган фикр билан ўзимизни овутардик.

Леон, саховат, бурч ва тарки дунёчиликни кўкларга кўтарди; у ҳам ўзида шу нарсага қаттиқ талаб сезибди, лекин бунинг уддасидан чиқолмабди.

— Мен ҳамшира бўлишни жуда ҳам истардим,— деди Эмма.

— Ҳайҳот!— деди Леон,— эркакларда бундай табаррук қобилият йўқ. Мен ўзим учун тиббиётдан бошқа бирор машғулот...

Эмма елкасини сал қимтиб, ўз касалини гапира кетди; у бир ўлимдан қолди! Лекин афсус! Ўлим уни ивтироблардан қутқарарди! Леон ҳам шошиб, «гўрдагина ором олиш»ни орзу қилишини айтди. Кунлардан бир кун кечқурун гўёки у васиятнома тузиш хаёлига келибди ва бу васиятномада унинг тобутига, бир

вақтлар унга Эмма ҳада қилган, барқут ҳошияли ажойиб гиламни солиб қўйишларини сўрабди. Улар ростдан ҳам ўзлари тасвир этган одамдек бўлишни истардилар: иккиси барабар ўзлари учун олий мақсад барпо этишди ва бу олий мақсадга ўтмишларини боғлашди. Сўз— бамисоли йигирув чархи, унда ҳар қандай ҳис-туйғуни йигириб чўзса бўлаверади.

Бироқ гилам ҳақидаги уйдирма гап Эммага гайри табиийдек кўринди.

— Нега энди? — деб сўради у.

— Нега дейсизми?

Леон гап тополмай қолди.

— Негаки, мен сизни севардим-да!

Энг қийин тўсиқдан қатлаб ўтганидан севиниб кетган Леон кўз қири билан Эммага қараб қўйди.

Унинг аҳволи руҳиясида шундай бир ҳолат юз берардики, буни тўсатдан эсанг шамол булутларни тарқатиб юборган пайтга таққосласа бўлади. Бири биридан қайғули бўлган ва Леоннинг феруза кўзларини маъюслаштирган хаёллар гўёки тарқалиб кетгандек бўлди; унинг чеҳраси бахтдан чарақлаб кетди.

У кутарди.

— Мен буни илгаридан сезган эдим... — деди ниҳоят Эмма.

Шундагина улар бири қўйиб, бири олиб қайтиб келмайдиган ўша даврнинг майда-чуйда ҳодисаларини, улар учун энди биргина сўзга айланган барча шодликлар, қайғулардан гапиришди. Леон печакгуллар чирмашган шийпон, Эмманнинг кўйлаклари, унинг уй жиҳозлари, унинг бутун ҳовлисини эслади.

— Бизнинг қадрдон кактус гулларимиз нима бўлди.

— Қишда совуқ уриб кетди.

— Мен улар ҳақида қанчалар ўйлаганимни билсангиз эди! Мен уларни худди ўша ёз эрталаридагидек, дарпардаларингизда қуёш нури ўйнаган... ва сизнинг очиқ билакларингиз гуллар ичида кўзга ташланган вақтдагидек тасаввур этардим...

— О, азизим! — деди Эмма ва унга қўлини узатди.

Леон унга лаблари билан ёпишди. Кейин чуқур хўрсинди.

— Ушанда сизнинг борлигингиздан ажойиб бир куч барқ уриб турарди ва у менга мафтункор таъси

этарди...— давом этди Леон.— Бир кун мен отдингизга келдим... Бироқ, сиз буни эслай олмайсиз, албатта.

— Йўқ, эсимда бор,— эътироз билдирди Эмма.— У ёғи-чи?

— Сиз пастда, йўлакда, зинапояда аллақаёққадир кетмоқчи бўлиб турган эдингиз. Бошингизда ҳаво ранг гулли шляпангиз бор эди. Сиз мени кузатиб қўйишга таклиф этмадингиз, мен бўлсам қасдма-қасдликка орқангиздан кетавердим. Одобсизликка йўл қўйганим дақиқа сайин ойдинлашмоқда эди. Орқангиздан эрганиб кетавердим. «Кузатиб қўяй», деб хиралик қилиш ўнғайсиз эди, лекин кетай десам, кетолмасдим. Сиз дўконга кириб кетганингизда, мен кўчада қолиб, қўлқопингизни ечганингизни, пул санаб бераётганингизни деразадан кўриб турдим. Кейин сиз Тюваш хонимнинг эшигини қоқдингиз, эшикни очдилар, кириб кетганингиздан кейин катта, оғир эшик тарақлаб бекилди, мен бўлсам эшик олдида аҳмоқдек турибман.

Бовари хоним унинг сўзларини тингларкан, қанчалик қариб қолганига ажабланарди; назарида барча тафсилотлари билан такрорланаётган бу хотиралар унинг ўтган умрини чўзаётгандек туюларди, у ўзида сезаётган ҳиссиётларнинг охири йўқдек кўринарди.

— Ҳа, рост!.. Тўғри!.. Тўғри!..— дерди ҳар замонда Эмма кўзларини ярим юмган ҳолда.

Ҳар қадамда пансион, черков ёки ярим хароба ҳовлилар учрайдиган Бовуазин маҳалласининг ҳамма соатлари кечки соат саккизга бонг урди. Леон ва Эмма сукут сақлашар, лекин кўзлари бир-бирига тўқнашганда, гўё беҳаракат кўз қорачиқларидан аллақандай садо чиққандек қулоқлари шангиллай бошларди. Қўллар қовушди... ўтмиш, келажак, хотира ва орзулар барчаси улар учун оҳишта қувонч туйғусига айланди... Хонанинг деворлари қорайди, лекин тўртта гравюранинг ёруғ бўёқлари қоронғиликда ҳам ялтираб кўринар: уларда Ажал мипораси¹ пьесасидан парчалар акс эттирилган бўлиб, гравюра тагида испан ва француз тилларида низоҳотлар ёзилган эди. Деразадан усти

¹ Француз романисти ва драматурги А. Дюма-отанинг пьесаси (1803—1870).

чўққили томлар орасидан қоронғи осмоннинг бир парчаси кўринарди.

Эмма ўрнидан турди, комод устидаги иккита шамни ёқди ва яна келиб жойига ўтирди.

— Шундай қилиб?— сўради Леон.

— Шундай қилиб?— такрорлади Эмма.

У, бўлиниб қолган суҳбатни қандай қилиб бошлашни ўйларди, бироқ Эмманнинг ўзи бирдан савол бериб қолди:

— Не сабабдан ҳеч ким менга шу чоққача ҳис-туйғусини бунчалик изҳор этмаган эди?

Йигит унга жавобан: олижаноб кишиларнинг табиатларини тушуниш осон эмаслигини айтди. Ҳолбуки унинг ўзи Эмманни бир кўришда севиб қолганди ва кейин тақдирнинг амри билан илгарироқ учрашганда нақадар бахтли бўлишарди ва бир-бирларига узилмас ришталар билан боғланишарди, деган фикридан қанча изтироблар чекди.

— Мен ҳам баъзан шу ҳақда ўйлардим,— иқрор бўлди Эмма.

— Нақадар қувончли орзу!— шивирлади Леон ва унинг узун, оқ белборининг зангори попукларини аста-секин титиб, қўшиб қўйди:— Ҳаммасини бошқатдан бошлашга ким халақит беради бизга?..

— Йўқ, дўстим,— деди Эмма,— мен энди қаридим. Сиз ҳали ёшсиз... Мени унутинг! Сизни севадиганлар кўп бўлади ҳали... Сиз ҳам севасиз...

— Лекин сизни севгандек эмас,— оғзидан чиқиб кетди Леоннинг.

— Ҳали қандай ёшсиз-а! Келинг, қўйинг, ақл билан иш қилайлик! Мен шунини истайман.

Улар бир-бирларига муҳаббат қўйишлари мумкин эмаслигини, аввалгидек дўстлик чегарасидан чиқмасликлари кераклигини Эмма уқтира бошлади.

Эмма самимий гапиряптими? Буни, албатта ўзи ҳам билмасди, шайдо этиш қувончи ва эҳтиёт бўлиш зарурияти борлигини эгаллаб олганди. У йигитчага назокат билан тикилиб, унинг қўрқа-писа тегизаётган титроқ қўлларини астагина итариб қўйди.

— Кечирасиз!— деди Леон, сурилиб.

Леоннинг мана бу тортинчоқлигидан Эмманнинг юраги тинчсизланиб хавотир ола бошлади, бу тортинчоқлик ҳув ўшанда қулочини ёзиб, Эмма томон юриб

келаверган Родольфнинг жасоратидан хавфлироқ эди. Леон унга оламдаги ҳамма одамлардан чиройли кўринди. Унинг борлигидан ажойиб қалб поклиги барқ уриб турарди. Унинг узун, ингичка, қайрилма киприклари дам-бадам пирпирарди, нафис ёноқлари ёнарди — Эммага бу ҳирс бўлиб туюлди ва шу ёноқлардан унинг ўпгиси келарди. Ниҳоят Эмма соатига қаради.

— Вой, худо, кеч бўп қопти-ку! — деди у. — Эзманиб ўтираверибмиз!

Леон шамага тушунди, шляпасини қидира бошлади.

— Спектакль ҳам эсимдан чиқиб кетибди! Бечора Бовари мени атайлаб қолдириб кетган эди! Мен Лормо ва унинг хотини билан боришим керак эди, улар Гран-Пон кўчасида туришади.

Имкониёт қўлдан бой берилди; эртага у жўнаб кетиши керак.

— Ростданми? — деб сўради Леон.

— Ҳа.

— Мен сиз билан яна бир бор кўришишим зарур, — деди у. — Сизга айтадиган сўзим...

— Сўзингиз?

— Битта... жуда зарур ишим бор. Йўқ, сиз кетмай-сиз, бу мумкин эмас! Билсангиз эди... Гапимга қулоқ солинг... Наҳотки мени тушунмадингиз? Наҳотки фаҳламадингиз?..

— О, сиз шундай яхши гапирасизки, — деди Эмма.

— Сиз бўлсангиз ҳазилга оласиз! Илтимос! Шафқат қилинг, яна сиз билан кўришишга ижозат беринг... фақат бир марта... фақат бир мартагина...

— Ҳа, майли!.. — Эмма тутилиб қолди ва дарров ўзини қўлга олиб: — Лекин бу ерда эмас! — деди.

— Сизга маъқул бўлган ерда.

— Истасангиз...

Бир зум ўйланиб туриб, тез-тез гапирди.

— Эртага эрталаб соат ўн бирда, соборда.

— Келаман! — деди у ва Эмманинг қўлини жонжаҳди билан ушлади. Лекин Эмма тортиб олди.

Иккиси ҳам энди — Леон унинг орқасида — тикка туришарди; Эмма бирдан бошини қуйи солди, шунда Леон ҳам энгашди-ю, унинг гарданидан узоқ ўпди.

— Вой, жинни бўлдингизми? Жинни бўлдингизми? — деб такрорлади Эмма қўнғироқдек ўткир товуш

билан хандон ташлаб, Леон бўлса уни тинмасдан ўшарди.

Ниҳоят Леон унга елкаси оша қаради, гўё унинг кўзларида розилик аломатини ахтарарди. Леонинг Эмманинг кўзларида такаббурлик ифодаланарди.

Леон чиқиш учун орқага уч қадам ташлади, Остонада тўхтади. Титроқ овоз билан:

— Эртагача хайр! — деб шивирлади.

Эмма бош ирғади-ю, қушдек учиб бошқа хонага кириб кетди.

Кечқурун Эмма Леонга узундан-узоқ хат ёзди, хатда у учрашувдан воз кечганини ёзди, оралари очилган иккисининг тинчлиги учун улар ортиқ учрашмасликлари кераклигини маълум қилди. Бироқ хатни ёпиштириб, кейин унинг адресини билмаслиги асига тушиб чима қилишини билмай қолди.

«Ваъдалашган ерга келганида қўлига топшираман», деб ўйлади Эмма.

Эрталаб Леон деразани очди, балконга чиқди, хиргойи қилиб туфлисини йилтилатиб тозалади. Оқ тор шим, оёғига нафис носки, яшил фрак кийди, дастрўмолига атирни қолдирмай қўйди, кейин сартарошга бориб сочларини қўнғироқ қилдирди, сочларига табиийлик бериш учун шу заҳоти титиб-титиб қўйди.

«Ҳали жуда эрта», — деб ўйлади сартарошхонадаги какку қушли соатга қараб.

Соат тўққиз эди.

Леон эски мода бўлган журнални ўқиди, кўчага чиқиб, сизгара чекди, уч кўчани айланди ва энди вақт бўлгандир, деб собор томон тез-тез юриб кетди.

Ажойиб ёз эртаси эди. Заргарларнинг витриналарида кумуш йилтираб турарди. Қуёшнинг соборга қия тушиб турган нури кул ранг гадир-будур тошлар ўстида сирғалар, учи найзали миноралар атрофида мовий осмонда қалдирғочлар қанот қоқар, сершовқин майдонда гулларнинг исси гуркирарди. Бу ерда тош кўчанинг атрофи бўйлаб атиргуллар, ясмин, қалампирмунчоқ ва хушбўй оқ гуллар, чўлялпиз, қўноқ-ўтлар орасида бетартиб ўсиб ётади; майдоннинг қоқ ўртасида фонтан отилиб турарди, атрофига қовун уйилган кенг зонт тагида ялангбош савдогар аёллар бинафшаларни дасталаб қорозга ўрашарди.

Йигит гулдаста олди. Умрида биринчи марта у аёллар учун гул олиши эди. У бинафшани ҳидлади ва гўёки бу гулни Эммага эмас, ўзига тақдим этмоқчи бўлгандек беихтиёр қадини ростлади.

Бу туришда уни кўриб қолишлари мумкинлигини ўйлаб дадил қадам ташлаб собор томон кетди.

Соборнинг ўртадаги кирадиган қисмининг чап эшиги олдида рақсга тушаётган Марям¹ тагида қўлида гурзи билан дарвозабон турарди, унинг бошида жигали шляпа, ёнида қилич, кардинал каби улугвор, сирли туҳфалар солинадиган қути каби ҳамма ёғи йилт-йилт этар эди.

У Леонга пешвоз чиқди ва черков хизматчиларининг юзида болалар билан муомала қилганда пайдо бўладиган сохта кулги билан сўради:

— Жаноб, ҳойнаҳой, мусофир бўлсалар керак? Ибодатхонамининг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилишни истайдиларми?

— Йўқ, — жавоб берди Леон.

У ён томонларни айланиб, черковнинг эшиги олди-га чиқди. Эмма кўринмасди. Шунда у очиқ болохонага кўтарилди.

Табаррук сув солинган идишларда неф билан чўққили гумбазларининг пастки қисми ва деразаларининг рангдор шиша парчалари акс этарди. Нақшларнинг акси идишларининг мрамор четларида парчаланар, нарироқда бўлса полнинг тошларида аксланиб, рангбаранг гилам каби ёйилиб кетарди. Учта очиқ турган эшиклардан учта узун шуъла тушиб турарди. Вақти вақти билан ибодатхонанинг ичкарасида, ризница² бошлиғи минбар рўпарасига келиб шошилиб турган художўй одамлардай галати қилиб ёнламасига тиз чўкарди. Биллур қандиллар қимир этмай осилиб турар. Болохоналарда кумуш лампалар ёниб турарди. Баъзан ён томонлардан, қаёқдандир қоронғи бурчаклардан, худди хўрсинганга ўхшаган товуш келар, кейин туширилган панжараларнинг тарақлаши балад гумбазлар остида барала эшитиларди.

¹ Марям — таврог оятларига кўра, Мусо ва Хоруннинг синглиси, яҳудийларнинг Чермное денгиздан ўтганига бағишлаб, худо шаънига ҳаяжонли қўшиқ яратган пайғамбар аёл.

² Ризница — полларнинг ибодат вақтида киядиган кийими, черков асбоб-анжомларини сақлайдиган хона.

Леон худди деворнинг таккинасида кеккайиб, ёққа, бу ёққа юриб турди. Унга ҳаёт ҳеч қачон ҳозир гидек кулиб боққан эмас. Ҳадемай унга ҳавас билан тикилувчиларнинг боқишларини зимдан кузатиб, кўкси тўлқинланиб жозибадор Эмма кириб келади ва Леон унинг олтин дастали кўзойнагини, қўш этакли кўйлагини, қошиқдек ботинкасини кўради. У Леоннинг ҳузурида ўзининг хилма-хил, аёлларгагина хос, йигит учун янги бўлган нафосати, барча фазилатлар олдида тиз чўкадиган беқиёс жозибаси билан намоён бўлади.

Бутун ибодатхона улкан бир пардозхонага ўхшар, гумбазлар оетимда у ўз севгисини изҳор этсин деб бош эгадилар, рангдор ойналар унинг юзини ёритиш учун аввалгидан ҳам ярқираб кетдилар, у фаришта каби, муаттар ислар орасида намоён бўлсин деб, бухўр идишларда аланга баланд кўтарилади.

Бироқ у ҳамон келмасди. Леон курсичага ўтирди ва қўлида сават тутган балиқчиларнинг сурати солинган ҳаво ранг ойнага кўзи тушди. У диққат билан уларга тикилди, балиқларнинг тангачаларигача, кийимларидаги тугмачаларигача санади, фикр-зикри эса Эммани қидириш билан банд эди.

Дарвозабон нарироқда турар ва ичида, ўзи соборни айланишга журъат этган анави одамдан газабланарди. Леон ҳақида, у ўзини ножўя тутяпти, бу эса ўз ҳолича ўғрилиқ, деярли шаккокликдир, деб ҳисобларди.

Мана, тош тахталар устида шойи шилдиради, шляпанинг соябони ва қора ёпинчиқ кўринди... У! Леон ўрнидан ирғиб турди ва у томон югурди.

Эмманинг ранги ўчган. У тез юриб келди.

— Уқинг, бунинг!..— деди Эмма, унга бир парча қоғозни узата туриб,— оҳ, йўқ, керакмас!

У қўлини тортиб олди, Биби Марям хонасига борди ва стул олдида тиз чўкиб, чўқина бошлади.

Энг аввал бу риёкорона художўйлик билан йигитнинг гашига тегди, кейин у Эмманинг, худди ошиғи билан учрашувга келиб бутун борлиғи билан ибодатга берилган Андалус маркизаси каби ўзига хос бир латофати бор деб топди, аммо бу жуда чўзилиб кетди, Леон тезда зерикиб қолди.

Эмма ибодат қилар, тўғрироғи, ибодат қилишга уринарди, бу унга мадад беришига, ўзи бир қарор-

га келишга ишонарди. Фалакнинг кўмагидан умидвор Эмма назрхона нақшининг йилтироғига кўз тикар, қатта вазаларда очилиб ётган оқ гулларнинг хушбўй ҳидларини мириқиб ҳидлар ва ибодатхонанинг сукуна-тига қулоқ солар эди, бироқ бу сукунат унинг юрак ваҳимасини оширар эди.

Ниҳоят у ўрнидан турди ва иккиси дарвоза томон йўл олишган эди ҳамки бирдан уларнинг олдига дар-возабон югуриб келди ва:

— Хоним, ҳойнаҳой мусофир бўлсангиз керак? Бизнинг ибодатхонанинг диққатга сазовор ерларини кўришни истайсизми?— деб сўради.

— Йўқ! Йўқ!— деди Леон жеркиб.

— Нега энди?— эътироз билдирди Эмма.

Узининг барча беқарор фазилати билан у Биби Марямга, ҳайкалларга, қабр мармар тошларига, ҳар хил баҳоналарга ёпишаверарди.

«Ҳаммасини бир бошдан» кўрсатишни ният қил-ган дарвозабон уларни ибодатхона олдига бошлаб чиқди ва асоси билан қора тош тахталар ётқизилган, ёзув ва нақшлари бўлмаган катта доирани кўрсатди.

— Мана бу ғоят ажойиб Амбуаз қўнғироғининг айланаси,— деб гап бошлади дарвозабон тантана би-лан.— Унинг оғирлиги минг пуд эди. Бутун Европада бунга тенг келадигани бўлмаган. Буни қуйган уста шодлигидан юраги ёрилиб ўлган...

— Кетдик,— деди Леон.

Дарвозабон нари юрди. Момохудо номидаги кона томонга ўтгандан кейин атрофдаги ҳавас қилса бўла-диган нарсаларга назар ташланг, дегандек қулочини кенг очиб ва ўзининг мевазор боғини кўрсатаётган боғбоннинг ғурури билан қайтадан тушунтира бош-лади:

— Мана бу қалин тош тахта остида Пьер де Брезе, сенъора де Ла Варен ва де Брисак, буюк, маршал Пуату ва бир минг тўрт юз олтмиш бешинчи йил ўн олтинчи июлда Монлери жангида ҳалок бўлган нор-мандиялик губернаторнинг жасади ётибди.

Леон лабларини тишлар ва депсиниб турарди.

— Унг томонда сиз, оёғини кўтариб турган от устида, совут кийган рицарни кўряпсиз, бу унинг набираси Луи де Брезе, сенъор де Бреваль ва де Мон-шове, граф де Молеврие, барон де Монн, саройнинг ка-

мергери, орден кавалери ва у ҳам нормандиялик губернгтор, ривоятларга кўра, бир минг беш юз ўттиз биринчи йил, йигирма учинчи июль якшанба куни вафот этган. Тепароқдаги, қабрга тушишга тайёр бўлиб турган одам ҳам ўшанинг ўзи. Фонийликни бундан яхшироқ тасвир этиш қийин, хўш, сиз нима дейсиз?

Бовари хоним кўзига дастали кўзойнагини қўйиб қаради. Леон унга миқ этмай қараб турарди, у бирор гап айтишга ҳам, бирор ҳаракат қилишга ҳам уринмасди — у мана бу кулгили ва ростини айтганда, бемаза сафсатадан шунчалик эсанкираб қолган эди.

— Унинг ёнида, — давом этди, худди бураб қўйилган машинадек дарвозабон, — тиз чўкиб йиглаб ўтирган хотин: унинг рафиқаси Диана де Пуатье, графиня де Брезе, герцогиня де Валентинуа, бир минг тўрт юз тўқсон тўққизинчи йилда туғилиб, бир минг беш юз олтмиш олтинчи йилда вафот этган. Ёнида — Момоҳаво гўдак билан. Энди мана бу ёққа қаранглар — мана Амбуазларнинг қабри. Уларнинг иккаласи ҳам Руан архиепископлари ва кардиналлари бўлишган. Мана бу Людовик Ун иккинчи даврида министр бўлган. У собор учун кўп инъом қилган, камбағалларга тилла билан ўттиз минг экю васият қилиб қолдирган.

Жағи бир дақиқа ҳам тинмаган дарвозабон Леон ва Эммани ризницага олиб кирди ва говни суриб қўйиб, катта бир тошни кўрсатди, эҳтимол қачонлардир бу бесўнақай бир ҳайкал бўлган.

— Ўтган замонларда, — чуқур хўрсиниб деди дарвозабон, — бу ҳайкал Англия қироли ва Нормандия герцоги — Ричард Шер Юракнинг қабрини бежаб турган. Бу кальфинистлар, уни шу ҳолга туширганлар. Улар аламзадаликдан уни ерга, епископ курсиси тагига кўмганлар. Қаранглар: мана бу эшикдан олий ҳазрат ўз қароргоҳларига ўтадилар.

Энди музаффар Георгий ўлдирган аждаҳонинг сурати солинган рангли ойналарни кўринглар.

Бироқ шу ерга келганда Леон шошилинич билан чўнтагидан кумуш танга олиб дарвозабонга қистирди-ю, Эмманинг қўлидан ушлаб олиб кетди.

Дарвозабон серрайиб қолди — бунақанги элдан бурун кўрсатилган сахийлик унга эриш туюлган эди — ахир бу мусофир ҳали қанчадан-қанча нарсаларни кўриши керак эди-ку! Унинг орқасидан:

— Тақсир тепаси-чи! Тепаси!— деди баланд овоз билан.

— Йўқ, ташаккур,— деди Леон.

— Бекор қиласиз, тақсир! Унинг баландлиги тўрт юз қирқ футга тўғри келади, у катта миср пирамидасидан атиги тўққиз фут пастроқ, холос. У ҳаммаси қуйма, у...

Леон чопарди. Унинг назарида икки соат мобайнида, соборда топ: бўлиб қотиб қолай деган севгилиси, энди мана бу узунасига чўзилган катакнинг кесик трубасидан, мана бу тентак мисгарнинг бемаъни ишига ўхшаган, ўймакор каминнинг собор устидан чиқиб турган ажи-бужи трубасидан тутун бўлиб чиқиб кетаётгандек туюларди.

— Қаерга кетяпмиз?— сўради Эмма.

Жавоб ўрнига Леон қадамини тезлаштирди ва Бовари хоним бармоғини табаррук сувга ботириб олувди ҳамки, бирдан уларнинг орқасидан асонинг бир текис тўқиллаши билан бўлинаётган қаттиқ ҳансираш эшитилди. Леон ўгирилди.

— Жаноб!

— Тагин нима?

Дарвозабон йигирматага яқин катта-қатта жилдларни кўтариб келмоқда эди, тушиб кетмаслиги учун уларни қорни билан тираб олган эди. Булар «собор ҳақида»ги асарлар эди.

— Каллаварам!— тўнғиллади Леон ва черковдан югурганича чиқиб кетди. Черков айвончасида бир бола ўйнаб юрганди.

— Менга извошчи чақириб кел!

Бола Катр-Ван кўчасидан ўқдай учиб кетди. Бир неча дақиқа Леон билан Эмма иккиси ёлғиз, юзма-юз қолишди, улар иккиси ҳам бир оз хижолатда эди.

— Оҳ, Леон!.. Қайдам... Менга мумкин эмас.

Эмма ноз қиларди. Кейин жиддий қилиб гапирди:

— Тушунасизми, бу яхши иш эмас!

— Нега?— эътироз билдирди Леон.— Парижда ҳамма шундай қилади!

Бу Эмма учун энг катта далил эди.

Извошчидан ҳамон дарак йўқ, Леон Эмма яна черковга кириб кетмасайди деб қўрқарди. Охири извошчи келди.

— Ҳеч бўлмаса шимолӣ дарвозадан чиқинглар!—

бақирди уларга остонада туриб дарвозабон.— Рўзи маҳшарни, қиёмат қойим, жаннат, Довуд подшо ва гуноҳкорларнинг дўзах оловида ёнаётганларини кўрасизлар.

— Қаёққа юрай?— сўради кучер.

— Хоҳлаган томонингизга!— Эммани каретага ўтқаза туриб жавоб берди Леон.

Оғир извош йўлга тушди.

У Гран-Пон кўчасидан кетди, Дез Ар майдони, Наполеон қирғоғи, Янги кўприкдан ўтиб борди ва кучер худди Пьер Корнел ҳайкалининг тўппа-тўғри-сига келиб от бошини тортди.

— Юравер!— деди овоз карета ичидан.

От қўзғалди ва Лафайет кўчасидан бошланадиган баландликдан вокзал томон чолиб кетди.

— Йўқ, тўғрига!— деди яна ҳалиги овоз.

От қоровулхонага етганда баланд қайрағочлар орасидаги йўлдан йўргалаб кетди. Извошчи пешанасини артди, чарм фуражкасини тиззалари орасида қисди ва отни дарё томонга буриб, қирғоқ бўйлаб, ўтлоқлар ёнидан ҳайдаб кетди.

Бир қанча вақт экипаж дарё ёқалаб тош ётқизилган йўлдан кетди, кейин Уасель яқинидаги ороллар орқасида анча айланиб юрди.

Бироқ бирдан Катрмар, Сотвиль, Гранд-Шоссе, Эльбеф кўчасидан чоптириб кетди ва учинчи марта Ботаника боғининг ёнида тўхтади.

— Юравер деяпман-ку!— бақирди ҳалиги овоз бу гал ғазаб билан.

Экипаж яна жойидан қўзғалиб Сен-Север, Кюрандье, Мель қирғоғи орқали яна бир марта кўприкдан ўтди, кейин Марс майдонидан ва кўм-кўк тепаликда ястаниб ётган, қора куртка кийган чоллар офтобда сайр этиб юрган шиfoxона боғи олдида ўтди. Кейин кучер Буврэйль хиёбонига кўтарилиб, Кошуаз хиёбонидан ва бутун Мон-Рибудедан то шаҳарга кираверишгача отни елдириб келди.

Кейин карета орқасига қайтди, яна узоқ, лекин энди тусмоллаб бемақсад айланиб юраверди. Экипажнинг Сен-Поль ва Лекюр кварталлида, Гарган тепалигида, Руж-марда, Гайярбуа майдонида, Маладрери, Динандери кўчаларида, Роман, Вирiana, Маклу, Никезе авлиё черковлари олдида, божхона, пастки Кўҳна

минора, Труа-Пип ва Катта қабристон олдидан ўтаётганда кўрдилар. Вақти-вақти билан извошчи ўтирган еридан қовоқхоналарга мўлтайиб кўз ташлаб кўярди. Бетўхтов юраверишнинг нима ҳожати борлигини тушунолмай гаранг эди. У бир неча бор экипажни тўхташиб ҳам кўрди, лекин шу заҳоти ҳалиги дўқни өшитарди. Шунда у яна иккита кўпикланиб кетган қирчанги отини хивчинлар, силкинишдан ҳам эҳтиёт қилмас, ўнқир-чўнқирга ҳам қарамай ҳайдар, ҳар ер-ҳар ерда бир нарсага урилар эди. Унинг нашъаси пасайиб кетди, азрабойи ташна бўлганидан, чарчаганидан, алам қилганидан йиғлаб юборай-йиғлаб юборай дерди.

Бочкалар, аравалар тиқилиб ётган қирғоқда, ҳамма кўчаларда, ҳамма чорраҳаларда одамларнинг кўзи вилоят шаҳрида кўрилмаган ғалати бир манзарага ажабланиб тикилар эди: пардалари туширилган, тобут каби ҳамма ёғи берк экипаж тўлқин устидаги кема каби у ёқдан-бу ёққа чайқалиб бетўхтов айланиб юрар эди.

Фақат бир марта, шаҳар четида, қуёш қоқ тепага кўтарилиб, унинг ўткир тиглари кумуш суви югуртирилган эски фонусларни йилтиллаётган чошгоҳ маҳалда, сариқ бўз парда ичида яланғоч қўл чўзилиб, майда-майда қоғоз парчаларини отиб ташлади, шамол уларни учириб кетди ва кейин улар гуллаётган бедапоялар устига оқ капалаклар каби қўнишди.

Карета Бовуазин кварталининг тор кўчаларидан бирига келиб тўхтаганда соат олтига яқинлашиб қолган эди, унинг ичидан юзига тўр тутган хотин чиқди ва ҳеч қаёққа қарамай олдинга юриб кетди.

II

Меҳмонхонага келиб Бовари хоним, ҳовлида дилижон йўқлигини кўриб ҳайрон бўлди, Ивер уни эллик уч минут кутиб, жўнаб қолган эди.

Шошилишнинг унча ҳожати йўқ бўлса-да, у Шарльга шу бугун кечқурун уйга етиб келишга ваъда берган эди, Шарль уни кутади ва Эмма ўз қалбида аллақачон кўпчилик аёллар учун хиёнат эвазига жазо шу билан бир қаторда гуноҳини ювиш учун пайдо бўладиган

журъатсеизлик, итоткорлик ҳиссини сөзмоқда эди.

Эмма шошиб-пишиб нарсаларини йиғиштирди, моҳмохона пулини тўлади, шу ерда, ҳовлида турган кабриолетни ёллади ва кучерни шошириб, унга далда бериб, ҳар дақиқа вақтни ва қанча йўл юрганларини сўрай-сўрай, ниҳоят Кенкампуанинг атрофида «Қалдирғоч»га етиб олди.

Бир бурчакка тиқилиб олиб кўзларини юмди ва дилижон тепаликдан туша бошлагандагина кўзини очди, шунда ҳали узоқдан туриб тақачилик олдида қоровул бўлиб турган Фелиситени кўрди. Ивер от бошини тортди ва ошпаз хотин оёғининг учида туриб ойнадан сирли пичирлади:

— Хоним, тўппа-тўғри жаноб Омеларникига боринг. Жуда зарур иш бор.

Шаҳарчада одатдагидек осойишталик ҳукм сурадди. Тротуарлардаги жомларда қиём кўпириб пишмоқда эди. Бу вақт қиём пишпириш мавсуми эди ва бутун ионвилликлар бир йиллигини ғамлаб оларди. Лекин дорихонанинг олдида жуда катта жом қўйилган эди, у дорихона қошидаги лаборатория оддий хонадонлардаги ошхоналардан катта ҳамда жамият эҳтиёжи шахсий талаблар устидан ҳукмрон бўлганидек, бу қиём қайнаётган ўчоқ ҳам катталиги билан бошқалардан ажралиб турарди.

Эмма уйга кирди. Катта кресло ағдарилиб ётар, ҳатто «Руан машъали» газетаси ерда, икки ховонча дастасининг орасида ётарди. Эмма ошхона эшигини итарди ва қарағат солинган сопол идишлар, шакар, қанд ва стол устидаги тарозилар, ўчоққа осилган жомлар олдида Оме оиласининг каттадан-кичигини кўрди, ҳаммасининг устида нягигача чиққан фартуқ, қўлларида қошиқлари бор эди. / Жюстен бошини қуйи солиб турар, фармацевт унга бақирар эди:

— Ким сени омборга юборди?

— Ҳа, нима бўпти? Бир гап борми?

— Нима гап эмиш?— илиб кетди гапни дорихоначи.— Биз қиём пишпиряпмиз. Қиём қайнаяпти. Унда жуда суюқлик кўп. Сал анқайсанг, тошиб кетади, мен яна битта жом келтиришга юбораман. Бу ялқов, ношуд одам лабораториямдаги миҳдан омборнинг калитини олади!

Жаноб Оме дорихона асбоблари, дори-дармонлар уйилиб ётадиган том тагидаги ҳужрани шундай деб атарди. Кўпинча, ёлғиз ўзи у ерда, куни билан ўтириб, шишаларга дори қуяр, қоғоз ёпиштирар, қопқоғини бекитар эди ва бу кулбага бир омбор сифатида эмас, чинакам ибодатхонага қарагандек қарарди, зероки у ердан ўз қўли билан тайёрланган ва шон-шуҳратини узоқ-яқинга таратган катта-кичик хабдорилар, декотлар, примочкалар, қуруқ дорилар ҳар томонга тарқалар эди. Унинг ўзидан бошқа ҳеч кимнинг бу муқаддас ернинг остонасидан ҳатлаб ўтишга ҳақиқий эди. Жаноб Оме у ерга шунчалик ихлос билан қарардики, ҳатто у ерни ўзи супурарди. Хулласи калом, ҳамма учун очиқ бўлган дорихонада у шуҳратпарастлик кайфини сурса, омбор унга, худбинларча тиришиб, ўзининг яхши кўрган иши билангина шуғулланишга имкон берадиган бошпана хизматини бажарар эди. Мана, нима учун Жюстеннинг бемулоҳаза ишини у мисли кўрилмаган сурбетлик деб ҳисоблаётган эди, У шолғомдек қип-қизариб кетган, ҳамон бақирарди:

— Ҳа, омбордан-а! Кислота ва аччиқ ишқорларнинг калитини-я! Ҳар эҳтимолга қарши сақлаб қўйилган тоғорани олиб чиқилди-я! Қопқоқлик тоғорани! Энди мен, балки уни ҳеч қачон ишлатмасман! Бизнинг ҳунаримиз шу қадар нозикки, бунда қиттак нарса ҳам катта аҳамиятга эгадир! Ахир шу нарсаларга тушуниш керакки, фармацевтика эҳтиёжи учун ишлатиладиган бирор нарсани рўзгор эҳтиёжига шилатиш керакмас! Бу, демак, семиз товуқни скальпель билан сўйиш демакдир, худди судья...

— Ўзингни босиб ол! — деди Оме хоним.

Аталия унинг сюртуғи этагидан тортди.

— Дада! Дада!

— Эй, қўйсаларинг-чи мени ўз ҳолимга! — жаҳлдан тушмасди дорихоначи, — Худо ҳаққи, сен ундан кўра баққол бўлиб ола қол! Хўп, майли, буз ҳаммасини! Синдир! Ур! Зулукларни чиқариб юбор! Доривор, тугмагулларни ёқиб юбор! Шишаларда бодринг тузла! Бинтларни йиртиб ташла!

— Сиз мени... — бошлади Эмма.

— Ҳозир!.. Биласанми, сен қанақа хавф-хатарга йўл қўйгансан?.. Сен чап томондаги, учинчи токчада

ҳеч нарсани кўрмадингми? Гапир, жавоб бер, тилинг танглайнингга ёпишиб қолганми?

— Йў-қ... Ҳеч нарса кўрмадим,— гўлдиради бола.

— Билмайсанми?! Мен биладим! Қопқоғи сариқ мум билан муҳрланган, устига ўз қўлим билан «Хавфли!» деб ёзиб қўйган оқ порошокли банкани кўрддингми? Биласанми, унинг ичида нима бор? Маргимуш! Сен унга теккансан! Сен ўшанинг ёнида турган тоғорани олгансан!

— Маргимуш! Ёнида-я? Вой ўлмасам!— чапак чалиб бақирди Оме хоним.— Ҳаммамизни тирракдек қотириб қўярдинг!

Шунда болалар худди ҳозироқ қоринлари бураб оғриётганини сезгандек, бақириб йиғлаша бошлади.

— Ёки беморни заҳарлардинг!— давом этди дори-хоначи.— Нима, сен мени судга тушишимни истаганмидинг? Мени дорга осишларини хоҳлармидинг? Молларни сақлашда шунча тажрибамга қарамасдан, ниҳоятда эҳтиёткор бўлганим сенга номаълуммиди? Бўйнимда қанчалик масъулият ётганини ўйласам, ҳатто юрагим орқамга тортиб кетади! Давлат бизни таъқиб этади ва бизда ҳукм сурган бемаъни қонунлар эса бошимиз устида қиличдек туради!

Эмма нима учун чақирганларини энди сўрамасди ҳам, фармацевт бўлса жиғибийрони чиққанидан қансираб ҳамон бўкирарди:

— Мама, сен биз кўрсатган яхшиликни нима билан қайтардинг! Сенга нисбатан қилган оталарча гамхўрлигимга шуми миннатдорчилигинг? Мен бўлмасам, сен қаерларда юрардинг? Ким эдинг ўзинг? Сени ким едиряпти, ким кийинтиряпти? Вақти келиб жамиятда яхши ўрин эгаллашинг учун сендан ҳеч нарса аямаётган ким ўзи? Лекин бунинг учун тер тўкиб ишлаш керак — ҳормай-толмай ишлаш керак. *Fabricsando fit baser, age quod agis!*¹

Азбаройи жаҳли чиқиб кетганидан латинчасига гапириб юборди. Агар билса хитойча, грендланча гапириб юборарди. У ҳозир шундай аҳволда эдики, беихтиёр киши юрагидагини очиб солади қўяди — бўрон вақтида океан қирғоқ бўйи йўсинларни ҳам,

¹ Меҳнат билан уста дунёга келади, шундай бўлганда кейин, ишингни қил (лат.).

қаъридаги қумларни ҳам худди шундай соҳилга чиқариб ташлайди.

— Сени тарбиямга олганимга минг-минг пушаймон ейман!— деб вайсар эди фармацевт,— исқиртликда, қашшоқликда ўсдингми — ўша ерда ис босиб ётавер эди! Сендан фақат молбоқар чиқади, холос. Сенга илм юқмайди! Шу битта шишага этикетка ёпиштириш қўлингдан келмайди! Меникида тайёрга айёр, еганинг олдингда, емганинг кетингда!

Ниҳоят Эмма Оме хонимга мурожат қилди:

— Мени чақиртирганмидингиз...

— Эй, худо-ей!— ғамгин оҳангда унинг сўзини бўлди оқ кўнгил аёл.— Тилим ҳам бормайди.. Шундоғ мусибат!..— У охиригача гапиролмади. Дорихоначи ҳамон заҳрини сочарди.

— Тозала буни! Юв яхшилаб! Олиб кет! Бўл, қимирла тезроқ!

Шу сўзлар билан у Жюстенни қаттиқ бир туртган эди, унинг чўнтагидан битта китобча тушиб кетди.

Бола энгашди. Фармацевт ундан илдамроқ энгашиб китобни олди ва китобга тикилиб кўзларини чақчайтирди, оғзи очилиб қолди.

— Э р - х о т и н . . . м у ҳ а б б а т и !— жўрттага чўзиб ўқиди у.— Жуда саз! Жуда ажойиб! Тағин суратлари бор!.. Йўқ, бу ёғи энди ортиқча.

Оме хоним яқинроқ келди.

— Қўл тегизма!

Болалар суратларни кўргилари келди.

— Кетинглар!— буйруқ қилди ота.

Болалар нарироқ кетишди.

Бир қанча вақт фармацевт қўлида очиқ китоб билан ҳансираб, шолғомдек қизариб, кўзларини чақчайтириб, уйнинг у бошидан бу бошига юрди. Кейин шогирди ёнига яқин келиб, қўлларини қовуштирди:

— Бунинг устига тағин бузилган ҳам экансан, она сути оғзидан кетмаган бадбахт! Эҳтиёт бўл, ёмон йўлга кирибсан. Бу китоб менинг болаларимнинг қўлига тушиб, уларда нопоклик учқунини уйғотишини, Аталиядинг соф қалбини қабиҳлаштиришини, Наполеоннинг бузилиб кетишини ўйламадингми? Ахир энди у ёш бола эмас-ку! Улар ўқимаганлигига аминмисан? Кафил бўла оласанми?

— Менга қаранг, жаноб Оме,— ялинди Эмма,— ахир сиз менга бир гап айтмоқчийдингиз-ку...

— Тўппа-тўғри, хоним... Сизнинг қайнатангиз ўлди.

Дарҳақиқат, икки кун бурун кекса Бовари столдан тураётганда қони бошига уриб, тўсатдан вафот этганди, Эмманинг нозик табиатлигидан қаттиқ ташвишланган Шарль бу мудҳиш хабарни мумкин қадар эҳтиётлик билан унга айтишни жаноб Омега топширганди.

Фармацевт Эммага айтадиган сўзларни олдиндан ўйлаб, ҳар бир жумлани тартибга солди ва эҳтиётлик, одоб, мақсадга аста-секин кўчиш, нутқнинг ибораларидаги нафосат нуқтаи назаридан ҳақиқий санъат асари эди, лекин энг охирида қаҳр-ғазаб унинг барча дабдабали нутқини учириб юборди.

Тафсилоти Эммани қизиқтирмасди, у чиқиб кетди. Фармацевт бўлса яна Жюстеннинг пўстагини қоқди. Бироқ у оз-оз тафтидан туша бошлади ва фескаси билан ўзини елпиб, энди оталарча насиҳат қила бошлади:

— Мен айтмайманки бу китоб ҳар жиҳатдан ҳам зарарли деб. Буни врач ёзган. Унинг асари бир қатор илмий ҳақиқатларни ўз ичига олганки, ҳар бир эркак уни билса ёмон бўлмайди. Ҳар бир эркак билиши шарт дердим ҳам. Лекин ҳамма нарсанинг ўз вақт-соати бори Улгайиб эркак бўласан, сенда ҳам эҳтирос деган нарса пайдо бўлади, ана ўшанда ихтиёр ўзингда!

Шарль Эммани кутиб ўтирган эди. У эшикни тақиллатиши билан, Шарль қучоғини очиб, хотинига югурди ва кўзлари тўла ёш билан:

— Оҳ, жонгинам!.. — деди.

Шарль уни ўпиш учун астагина энгашди. Лабларининг тегиши унга бошқа одамнинг ўпичини эслатди ва унинг аъзойи бадани қалтираб кетди, қўли билан юзини бекитди.

Ҳар қалай Эмма ўзини мажбур қилиб:

— Ҳа, биламан... биламан... — дея олди.

Шарль унга онасидан келган мактубни кўрсатди, онаси ҳеч қанақа ҳиссиётга берилмай, бўлган воқеани ёзган эди. У фақат эрининг вафоти олдидан тавба-тазарру қилмаганига ачинчди. У Дудвилда, ўзининг мактабдошлари — истеъфодаги офицерлар билан бўлган злѐфатдан кейин, қаҳвахона остонасида жон берганини билдирган эди.

Эмма мактубни Шарлга қайтариб берди. Овқат маҳалида у фақат одоб юзасидан ўзини ҳеч нарса ел олмасликка солди. Шарль уни қистай бошлади, шунда Эмма тортинмасдан овқатни тушира бошлади, Шарль бўлса дарди дунёси қоронғи, қимир этмасдан унинг рўбарўсида ўтирарди.

Ҳар замонда у бошини кўтариб Эммага узоқ ва гамгин боқарди.

— Яна бир марта кўрсам эди!— гапирди Шарль чуқур хўрсиниб.

Эмма гик этмади. Ниҳоят ахир, бир нима дейиш керак-ку.

— Отанг нечага кирганди?— деб сўради.

— Эллик саккизга!

— Э!

Шу билан гап тамом бўлди.

Чорак соатдан сўнг Шарль:

— Бечора ойим!. Энди унинг бошига нима келарди!— деб хўрсинди.

Эмма елкасини қисди.

Эмманинг жим ўтиришини Шарль қаттиқ хафаликдан деб тушунди, унинг сохта қайғусидан Шарлнинг кўнгли бузилиб хотинининг ярасини тимдаламаслик учун ўзини тийишга ҳаракат қилди ва жим ўтирди. Ниҳоят ўзини қўлга олиб сўради:

— Кечаги кун сенга ёқдимми?

— Ҳа.

Дастурхонни йиғиштиришганда Эмма ҳам, Шарль ҳам столдан туришмади. Эмма эрига тикиларди, мана бу ҳаминша бир хил кўринган турқ-башара унинг эрига нисбатан бўлган охириги ачинишларни ситиб чиқарди. Назарида Шарль кўримсиз, ожиз, ҳеч нарсага арзимайдиган одам бўлиб кўринди, қисқа қилиб айтганда, икки пулга ҳам арзимасди! Унинг дастидан қаерга қочса бўлади? Мунча чўзилди бу оқшом ўлгур! Нимадир уни қимирлашга қўймас, худди қорадори еган одамдек қарахт эди.

Йўлакда қўлтиқтаёқнинг тўқиллагани ошитилди. Ипполит Эмманинг нарсаларини олиб келган эди, уларни ерга қўйишдан олдин ниҳоятда қийналиб, ёғоч оёғи билан ярим доира ҳосил қилди.

«Унинг эсидан ҳам чиқиб кетди!..»— деб ўйлади Эмма эри ҳақида, бечора ногироннинг сариқ сочлари-

дан мешанасига оқиб тушаётган катта-катта тер томчисига қараб.

Бовари ҳаменини ковлаб, чақа ахтарарди. Унинг бедаво ношудлигининг тимсоли бўлиб турган мана бу одамнинг кўринишиёқ унинг учун таъна эканлигини у фаҳмламасди.

— О қанақа ажойиб гулдаста-я! — деди Шарль, каминда турган Леон ҳада этган гунафшани кўриб.

— Ҳа, — хотиржамлик билан жавоб берди Эмма. — Мен бугун уни гадоё хотиндан сотиб олувдим.

Шарль гулдастани олиб, гунафшани астагина ҳидлай бошлади, гул ҳиди унинг ёшдан қизариб кетган кўзларига ором бағишлади. Эмма гулни унинг қўлидан юлиб олиб, сувга солиб қўйди.

Эртасига катта Бовари хоним келди. Улар онаўғил узоқ йиғлашди. Эмма уй ишларини баҳона қилиб чиқиб кетди.

Яна бир кундан кейин таъзияга тайёргарлик кўришга тўғри келди. Иккала аёл кашта қутиларини олишиб, дарё бўйидаги айвончага бориб ўтиришди.

Шарль отаси ҳақида ўйларкан, унга куяётганидан ўзи таажжубланарди: назарида, илгарилари отасига унчалик меҳрибон эмасди. Катта Бовари хоним эри тўғрисида ўйлар эди. Энди у эри билан биргаликда кечирган энг оғир кунларни ҳам жон-жон деб қайтаришни истарди. Узоқ йиллар давомида ўрганиб, қадрдон бўлиб кетган нарсалари ҳақидаги афсуслар беихтиёр ҳаммасини босиб кетарди. Игна унинг қўлида бетўхтов лип-лип этар, ўқтин-ўқтин кампирнинг кўзидан оққан ёш юзидан тушиб, бурнининг учида осилиб турарди. Эмма бундан икки кунгина муқаддам Леон билан дунёнинг ташвишларидан мосуво бўлиб ишқ-муҳаббатга берилиб, бир-бирларига тўёлмай юрганлари ҳақида ўйларди. У ўтган куннинг энг майда тафсилотларигача эслашга ҳаракат қиларди. Лекин қайнана билан эрининг борлиги унга халақит берарди. Кошкийди у ҳеч нарсани эшитмаса, ҳеч нарсани кўрмаса, у ўз ҳиссиётларининг бир бутунлиги йўқолишидан қўрқарди, лекин шунга қарамай атрофдаги таассуротлар остида бу туйгулар аста-секин таралиб борарди.

Эмма кўйлагининг астарини сўкмоқда, атрофини қийқимлар босиб кетган эди. Кампир бошини кўтармай қайчини чақиллатарди. Шарль бўлса каноп туфлида,

види унга халат хизматини ўтаётган эски жигар рани сюртугида қўлини чўнтагига солганича чурқ этмай ўтирар эди. Оқ пешбанд кийган Берта йўлда ёйилган қумларни белчаси билан курарди.

Тўсатдан эшик очилди ва газламафуруш жаноб Лере кириб келди. У «қайғули кунларда» ўз хизматини аямаслигини айтгани келганди. Эмма деярли ҳеч нарсага муҳтож эмаслигини айтди. Лекин бу савдогарга таъсир этмади.

— Мени афв этгайлар, — деди у Шарлга, — мен сиз билан холи гаплашишим керак. — У овозини пасайтириб: — Анави иш ҳақида, — деб қўшиб қўйди. — Эсингизда борми?

Шарль қулоқларигача қизариб кетди.

— Ҳа, айтгандек!.. Тўғри, тўғри! — гудранди, у саросималик билан хотинига қараб: — Сен ўзинг... сен гаплаша қолмайсанми... жонгинам?..

Эмма эрининг гапига тушунди шекилли, шу заҳоти ўрнидан турди. Шарль онасига қараб:

— Шунчаки арзимаган гаплар! Майда-чуйда рўзгор ишлари-да, — деди.

Ғиди-биди гап чиқмаслиги учун, вексель воқеасини онасидан яширишга қарор қилган эди Шарль.

Эмма ва жаноб Лере иккиси ёлғиз қолиши билан у такаллуфсиз Эммани мерос олиши билан табриклади кейин бошқа гапларга ўтиб кетди, чунончи: мевали дарахтлар, ҳосил, ўзининг соғлиги ва ҳоказо... Лекин соғлигини гапирганда: «Бизда соғлиқ нима бўларди», деб қўйди. Ҳа, қаёқданам унинг соғлиги яхши бўлсин? Ташвиши бошидан ошиб ётса-да, даромади ҳалигидек — уч-учига зўрга етади.

Эмма унинг сўзини бўлмади. Шу икки куннинг ичида у одамларни шундай соғиниб кетдики, асти қўяверасиз!

— Хўш, тамом соғайиб кетдингизми? — давом этди Лере. — О, ўшанда эрингизнинг куйганини кўрсангиз! Мен ўз кўзим билан кўрдим! Гарчи орамизда анча гаплар ўтган бўлса ҳам, барибир у жуда ажойиб одам!

Эмма нима гаплар ўтганини сўради. Шунини айтиш керакки, Шарль Эмманнинг харажатларини эшитиб ҳанг-манг бўлиб қолганини ҳали ўзига айтмаган экан

— Ўзингиз биласиз-ку! — деди Лере. — Ҳаммаси

Ўзингизнинг инжиқлигингиз — сабил чамадонлар ту-
файли бўлди.

Лере шляпасини бостириб кийиб олиб, қўлларини
орқасига чалиштириб, тиржайиб ва ҳуштак чалиб,
унинг юзига сурбетларча тикилиб турар эди. Эмма,
«наҳотки у бирор нарсанинг шарпасини сезган бўл-
са-я?», деб бош қотирар эди.

— Ниҳоят биз у киши билан келишиб олдик, —
яна гап бошлади Лере. — Мен ҳозир ҳам унга битта
қулинг ўргилсин ишни таклиф қилгани келдим.

У векселни қайтадан кўчириб ёзишни назарда
тутаётган, у ёғини жаноб Боварига ҳавола қилаётган
эди. Бу тўғрида бош қотиришга унинг тоқати йўқлиги,
бунингсиз ҳам ўзининг мияси ачиб ётганини гапирди.

— Яхшиси, у бу ишни бошқа бирор одамга топшир-
са бўларди, масалан, мана, сизга. У фақат ваколат-
нома ёзиб берса бўлди, бу ёғини сиз билан қотириб
юборардик, — деди Лере.

Эмма тушунмади. Лере жим бўлиб қолди. Кейин
у ўзининг савдо-сотиқ ишларидан гапирди ва бирдан —
Эмма албатта ундан бирор нарсани олиши кераклигига
ни айтди. У Эммага ўн икки метр енгил жун кўйлакли
қора мато юборади.

— Устингиздаги — уйга яхши. У ёқ-бу ёққа кийи-
шингиз учун сизга бошқачаси керак. Мен буни кўри-
шим биланоқ тушундим. Кўзим пишиб кетган-да!

Матони у юбормади, ўзи олиб келди. Орадан бир
оз вақт ўтгач, у яхшироқ ўлчаб олиш учун яна келди.
Кейин уни-буни баҳона қилиб, тез-тез келиб турадиган
бўлиб қолди ва ҳар сафар ҳам у хушмуомала, серта-
каллуф эди. Оме ибораси билан айтганда, хушомадгўй-
лик қиларди ва қулай пайт топиб Эмманинг қулоғига
ваколатнома ҳақида бир-икки оғиз гап шивирлаб
қўйишни унутмасди. Вексель ҳақида оғиз очмасди.
Эмма ҳам уни эсламасди. Эмма энди тузалиб
келаётган маҳалда, Шарль унга шу ҳақда шама
қилиб ўтган эди, лекин у вақтлар Эмманинг дарди
дунёси қоронғи, кўнглига қил ҳам сиғмасди. Шунинг
учун Шарлнинг шамаси ҳам бир зумда хаёлидан кў-
тарилиб кетди. Умуман, у ҳозир пул ҳақида гап очмас-
ликни афзал кўради. Қайнанаси бу қолдан таажжуб-
ланди ва бу ўзгаришни Эмма бетоб маҳалида диндор
бўлиб қолганига йўярди.

Бироқ қайнанаси кетиши биланоқ Эмма ўзининг уддабуронлиги билан Боварини ҳайрон қолдирди. У эрига ҳали сўраб-суриштиришни, ҳали гаров хатларни текшириб кўришни, ҳали уй-жойни ким ошди савдоси билан сотиш керакми ёки сотмасдан, қарзларни ўз бўйнига олиш фойдалироқми — шуларни ўйлаб кўришни тавсия қиларди. У керак бўлса-бўлмаса махсуо ибораларни, пул масаласида, айниқса, пухта бўлиш керак, ҳаммасини олдиндан кўра билиш керак, келажакни ўйлаш керак деган дабдабали жумлаларни ишлатар, меросхўрлик ҳуқуқига эга бўлиш билан боғлиқ бўлган янгидан-янги қийинчиликларни топар эди ва охирида Шарлга «Барча ишларни бошқармоқ ва идора қилмоқ, қарз бермоқ, векселларни тўлаш ва бериш, ҳар қанақа пулни тўлаш ва ҳоказо...» деб ёзилган умумий ваколатноманинг нусхасини кўрсатди. Жаноб Леренинг йўл-йўриқлари бекор кетмаганди.

Шарль соддалик билан бу қоғозни унга ким берганлигини сўради.

— Гильомен,— жавоб берди Эмма ва безрайиб туриб қўшиб қўйди: — Мен унга ишонмайман. Умуман, нотариусларга ишониш қийин. Маслаҳатлашиш керак эди... Бироқ биз нотариуслардан кимни биламиз... йўқ, ҳеч кимни танимаймиз!

— Биз биладиган фақат Леон-да...— деди ўйлаб туриб Шарль.

Унга хат ёзиб юборилса ҳам бўларди-ку, лекин бу анча машмашали иш. Эмма ўзи Руанга бориб келишини айтди. Шарль миннатдорчилик билдирди-ю, лекин розилик бермади. Эмма ўз гапида туриб олди. Ширин гаплардан сўнг Эмма ўзини қаттиқ ранжиганга солди.

— Қўйсанг-чи, мен барибир бориб келаман!— деди у.

— Қанақа ажойиб хотинсан, жонгинам!— деди Шарль ва унинг пешанасидан ўпди.

Эртасигаёқ Эмма «Қалдирғоч»нинг кетишидан фойдаланиб, Леон билан маслаҳатлашиш учун Руанга равона бўлди. У ерда у уч кун қолиб кетди.

III

Бу чинакам асал ойининг энг тўлиб-тошган, оромбахш, ажойиб кунлари эди.

Эмма билан Леон қирғоқдеги «Булонь» меҳмон-хонасида турардилар: дарпардалар туширилган, эшиклар берк, полда гуллар; эрталаб — муз солинган сироплар...

Кеч кириши олдидан улар усти берк қайиқ олишар ва овқатланиш учун оролга йўлланар эдилар.

Тешик-тирқишларни лос билан бекитадиган ишчилар қўлларида болғачалар билан докларда¹ кемаларнинг корпусларини тақиллатиб юрган соат бўларди. Дарахтлар орасида қора мумнинг буғи сузиб юрар, сувда эса шафақнинг қип-қизил нурида катта-катта ёғ доғлари чайқалиб Флорент бронзасининг тунука тахтасига ўхшаб сузиб юрарди.

Қайиқ пастга, оқимга қараб силжир ва уст томони билан қирғоққа бойланган баркаслардан қиялаб тушган узун арқонларга тегиб ўтарди.

Шаҳар шовқин-сурони, араваларнинг гижирлаши, товушлар, палубаларда итларнинг вовиллагани аста-секин орқада қоларди. Эмма шляпасининг лентасини ечарди ва кўп ўтмай қайиқ оролга келиб тўхтарди.

Кичик рестораннынг эшиги олдида, сувдан қорайиб кетган балиқчилар тўрлари қуриб ётарди. Эмма ва Леон пастки қаватдаги хоналардан бирига кириб, қовурилган балиқ, қаймоқ, олча буюришарди. Кейин майсазорда юмалаб ётишар, тераклар остида ўпишишарди. Бу ерда улар худди қўш Робинзон бўлиб бир умр яшашлари мумкиндек кўринарди — улар иккиси шу қадар бахтиёр эдиларки, гўё бутун оламда мана шу оролчадан гўзалроқ ер борлигини тасаввур ҳам этолмасдилар. Улар дарахтларни, зангори осмон, майсалар, тўлқинларнинг шовиллашини, шамолдан баргларнинг шитирлашини биринчи бор кўриб, биринчи бор эшитаётганлари йўқ, бироқ авваллари ҳеч қайсисини пайқаманлар, табиат шу чоққача улар учун гўёки мавжуд бўлмаган, тўғрироғи, хуморлари босилганда кейингина табиатнинг гўзаллигини қадрладилар.

Қоронғи туша бошлаши билан улар шаҳарга қайтардилар. Қайиқ орол атрофида узоқ сузади. Атроф

¹ Д о к — кемалар тузатиладиган жой.

зулмат билан қопланади, улар ичкарида жимгина ўтиришади. Темир қалқали тўрт бурчак эшаклар оукунатни сезиш туйғусини кучайтириб, худди соат механизидек бир маромда тақилларди, орқа томонда ҳаракатсиз руль тагида сув бетўхтов жилдиради.

Бир вақт ой кўринди. Эмма ва Леон бу муносабат билан, нақадар ҳазин ва нақадар гўзал ой, деб юбордилар. Эмма ҳатто: «Тун чоғи сузганларимиз ёдингдами», деб ашула ҳам айтди.

Унинг кучсиз, аммо ёқимли овозини тўлқинларнинг шовиллаши босиб кетди. Унинг оҳанги эса худди қушларнинг қанот қоқиши каби Леон ёнидан учди, ел уни узоқларга олиб қочди.

Очиқ дарчадан тушиб турган ой ёруғида Эмма тўсиққа суяниб олиб, Леон қаршисида ўтирарди. Этак томони елпиғич каби ёйилиб кетган қора кўйлаги уни озгин ва новча қилиб кўрсатарди. Бошини орқага ташлаб, қўлларини қовуштириб, осмонга тикилиб ўтирар эди. Баъзан қиргоқ бўйидаги оқ толларнинг сояси уни бекитарди, кейин яна ой нурига беланиб худди шарпа каби зулмат ичидан чиқиб келарди.

Қайнқнинг тагидан, Эмма ўтирган ердан Леон тўғ қизил лента топиб олди.

Қайнқчи унга анча сичиклаб қаради ва ниҳоят:

— Яқинда бир тўда улфатларни томоша қилдирган эдим, шулардан бирортаси тушириб қолдиргандир. Жаноблар ҳам, хонимлар ҳам шундоғ шўх одамлар эканки, пирожное, сомсалар, шампань винолари, музика асбоблари билан келиб, чунонам хурсандчилик қилишдики, ана томоша! Айниқса, биттаси бор экан денг, баланд бўйли, чиройли, мўйловлари ўзига ярашади — шуниси жуда ҳам қизиқчи экан! Ҳаммаси баравар ўшанга ёпишишади: «Айтиб бер, бирор нарса айтиб бер!..» — деб қўйишмайди, унинг отини бир нарса ҳам дейишган эди, ҳақ нима ҳам эди? — Ё Адольф, ё Додольф...

Эмма сесканиб кетди.

— Шамоллаб қолмадингми? — яқинроқ сурилиб сўради Леон.

— Ташвиш қилма! Тун совуқроқ, шундан бўлса керак.

— Шундоғам кўриниб турибдики, ўша йигит, битта ҳам аёлни қўлдан чиқармайди, — гапни бўлиш одобдан

бўлмаса керак, деб ўйлаб, секингина қўшиб қўйди кекса денгизчи.

Кейин у қўлларига туфлаб, яна эшкакларни ишга солди.

Начора, айрилиқ дақиқалари етиб келди! Ажралиш улар учун осон бўлмади. Леон Роле холанинг номига хат ёзиб турадиган бўлди. Эмма унга қўш конверт ҳақида маслаҳат бериб, ўзининг ишбилармонлигини кўрсатди. Леон унинг ишқий ишлардаги пишиқлигига ич-ичидан ҳайрон қолди.

— Демак, у ёқда ҳамма иш жойида дегин? — уни охирги марта ўпа туриб сўради Эмма.

— Ҳа, бўлмаса-чи!

•Шу ваколатномани у бошига урармикан?...• — бирпасдан кейин, кўчада ёлғиз кета туриб ўйлади Леон.

IV

Кўп ўтмай Леон ўртоқлари олдида ўзини катта тута бошлади. Уларнинг йнгилишларидан ўзини олиб қочадиган, ишига ҳам қўл силкиб қарайдиган бўлиб қолди.

У Эммадан мактублар кутар, уларни такрор-такрор ўқир эди. Ўзи ҳам ёзарди. Ўзининг бутун эҳтироси ва хотиралари билан унинг сиймосини кўз олдида гавдалантирар эди. Айрилиқ унинг дийдорини кўриш ташналигини камайтирмади, аксинча, кучайтирди. Бир кун, шанба кун эрталаб у ишхонасидан туёғини шикпллатиб ҳам қолди.

Тепаликдан водийни, қўнғироқхочани ва унинг устида пириллаб айланаётган флюгернинг тулука байроғини кўриб у ўзида галати бир ҳис борлигини, қаноатланиш, иззат-нафсини қондириш, хумордан чиқиш ҳисси, худбинларча меҳр борлигини сизди, эҳтимол миллионер ўз она қишлоғига қайтиб келганда шундай нарсани ҳис этса керак.

Леон унинг уйини айланиб ўтди. Ошхонада олов ёнарди. Пардаларга унинг сояси тушиб қолмасмикин, деб пойлаб турди. Лекин соя шу кўйи кўринмади.

Лефрансуа хола уни кўриб оҳ-воҳ қилди, «бўйнинг чўзилибди, озиб қолибсан», деди; Артемизанинг гапига қараганда у тўлишибди ҳам қорайибди.

Эски одатини қилиб у кичик залда овқатланди, лекин бу гал солиқ инспекторисиз ёлғиз ўзи овқатланди. Жаноб Виненинг энди «Қалдирғоч»ни кутишга тоқати йўқ, шунинг учун у энди роса бир соат вақтлироқ, яъни худди соат бешда овқатланар, лекин барибир «Эски шалдироқ арава кечикаверади»,— деб бетўхтов вайсагани вайсаган эди.

Ниҳоят Леон юрак ютиб, докторнинг уйига келди ва эшикни қоқди. Бовари хоним ўз хонасида ўтирган эди, фақат чорак соат ўтгандан кейингина чиқди. Жаноб Бовари Леонни кўрганидан гоёт хурсанддек кўришди, лекин шу оқшом ҳам, эртаси кун ҳам уйдан жилмади.

Леон Эмма билан фақат кечқурун боғнинг орқасидаги йўлакда, Эмма бошқа жазмани билан учрашиб турган ўша жойда учрашишди! Улар момақалдироқ гулдураб, чақмоқ ёруғида, соябон тутиб туриб гаплашишди.

Жудолик улар учун ниҳоятда оғир эди.

— Бундан ўлим яхши!— дерди Эмма бармоқларини сиқимлаб, қон-қон йиғлаб.— Хайр!.. Хайр, жонгинам!.. Кўришмоқ бизга насиб бўлармикин?..

Улар бир-биридан ажралиб, икки томонга кетишди-ю яна бир-бирларининг оғушига ташланишди. Шунда Эмма унга бирор йўл ўйлаб топишга, ҳеч бўлмаса ҳафтада бир марта монесиз учрашиб туриш учун қақақадир бир баҳона топишга ваъда берди. Эмма бу яш қўлидан келишига ишонар эди. Ҳа, умуман, у келажакка ишонч билан боқарди. Яқин кунларда унинг қўлига пул тушиши керак эди.

Шунинг назарда тутиб, хонасига иккита кенг уқалик сариқ парда сотиб олди, жаноб Леренинг гапига қараганда бу парда «сув текин» эди. Эмма гиламни орзу қилувди, жаноб Лере «жудаям қиммат эмас» деди-ю, ўзига хос илтифот билан топиб беришни бўйнига олди. Энди Эмма унинг ёрдамисиз туролмасди. У бир кунда йигирма мартадан уни чақиртирар, у ҳам гинг демай, ҳар қанақа иши бўлса ҳам ташлаб келаверарди. Яна бир нарсага тушуниш қийин эди: негадир Роле хола ҳар куни Бовари хонимникида нонушта қиларди, баъзан шундай ҳам келаверарди.

Мана шу пайтларда, яъни қиш бошланишида Эмма музика билан қизиқа бошлади.

Кунларнинг бирида кечқурун унинг чалган куйини Шарль эшитиб ўтирди. У битта куйини тўрт марта бошлаб, ҳар гал гижиниб тўхтаб қоларди. Шарль унинг фарқига бормай:

— Офарин!.. Жуда ажойиб!.. Нега тўхтаб қолдинг? Чал, чала қол!— деб ялтимос қиларди.

— Йўқ, жуда ёмон чалаяпман! Бармоқларим қовушмаяпти.

Эртасига Шарль яна «бирор нарса» чалиб беришини сўради.

— Агар сен шундан баҳра олаётган бўлсанг, марҳамат!— деди Эмма.

Шарль, чалишни анча унутиб қўйибсан, деб айтишга мажбур бўлди. Эмма ҳадеб янглишиб кетар, бузиб чалар эди, кейин бирдан чалишдан тўхтади.

— Ҳеч бало чиқмаяпти! Дарс олсам бўларди, ҳа...— Эмма лабини тишлаб қолди. — Аммо бир ойга йигирма франк-а. Бу жуда қиммат!— деб қўшиб қўйди.

— Ҳа, ростдан ҳам қимматроқ!..— деди Шарль аҳмоқона кулимсираб.— Лекин ҳар ҳолда арзонроқ оладиганини топиш ҳам мумкин. Ҳозирги замонда унча номи кетмаган музикачилар ҳам донгдор музикачилардан қолишмайди.

— Ҳаракат қил, топ!— жавоб берди Эмма.

Эртасига Шарль уйга келганда хотинига айёрона қараб қўйди, кейин ичига сиғдиролмай:

— Узингга етганча ўжарсан-а!— деди у.— Бугун мен Барфешерга борган эдим. Буни қара-чи, Льежар хоним, учала қизи Шафқат ҳамшираси монастирида ўқишини айтди, улар эллик судан тўлаб музикадан дарс олишар эмиш, музика муаллимаси ҳам жуда яхши эмиш!

Эмма кифтини қисиб қўйди. Шундан кейин у фортепьяносини очмади қўйди.

Лекин унинг олдидан ўта туриб, агар Бовари шу ерда бўлса, ҳар гал хўрсиниб:

— Бечора фортепьяном!— деб қўярди.

Меҳмонларнинг олдида у албатта музика ҳақида гап очиб, уни ташлашга мажбур эканидан ҳасрат қиларди. Ҳамма унга ачинар, «Эсизгина, эсизгина! Шундоқ ажойиб қобилият йўқ бўлиб кетаверадими?» деб қўйишарди. Бу ҳақда Боварига таъна қилишар, уялти-

ришар, айниқса фармацевт жағи жағига тегмай жавраб кетарди:

— Бу — сизнинг хатоингиз! Туғма қобилиятни ўстирмоқ даркор. Бундан ташқари, биродари азиз, шу нарсани эътиборга олингки, сиз рафиқангизни музика билан шуғулланишга кўндирсангиз, шу билан қизингизнинг музика билимига кетадиган маблағни тежаган бўласиз! Шахсан мен шундай ўйлайман — оналар болаларини ўзлари ўқитишлари керак. Бу Руссонинг фикри, бу ҳозиргача ҳаддан ташқари жасоратдек кўринади, лекин мен шунга аминманки, болаларга она сути фойдали экани ва чечакка қарши эмлаш қанчалик тантана қилган бўлса, келажакда бу гоё ҳам шундай тантана қилади.

Шундан кейин Шарль яна музика масаласига қайтди, Эмма маъюсланиб, яхшиси шу инструментни — чолғу асбобини сотиб қўя қолиш ҳақида гапирадиган бўлиб қолди, гарчи неча мартабалар ўзини овутадиган, хурсанд қиладиган қадрдон фортепьянодан ажраллиш аста-секин ўзини-ўзи ўлдирлиш билан, юрагининг бир чеккасини узиб ташлаш билан барабар бўлса ҳамки, начора!

— Бўлмаса сен... вақт-вақти билан дарс олиб тура қол, шу билан давлатимизнинг бир чеккаси ейилиб қолмас, — деди Шарль.

— Муттасил машғулот қилгандагина нафи бўлади, — эътироз билдирди Эмма.

Шундай қилиб, Эмма ҳар ҳафтада бир марта ўйнаши билан кўришиб туриш учун шаҳарга боришга эридан рухсат олди. Орадан бир ой ўтгандан кейин музикадан катта муваффақият қозонаётганини айтишди.

V

Бу ҳар пайшанба бўларди. Эмма ўрнидан туриб, Шарлни уйғотиб юбормаслик учун секин-секин кийинарди, ахир Шарль унинг каллаи саҳардан туриб отланишидан норози бўлиши мумкин эди-да. Кейин уйда бир оз юрарди, деразадан майдонга қарарди. Тимнинг устунлари орасидан ғира-шира тонг ёруғи тушиб турар, дорихонанинг ёпиқ дарпардалари тепасидаги лавҳалар

ёзилган катта-катта ҳарфлар аста-секин билина бошларди.

Соат худди еттидан чорак ўтганда Эмма «Олтин шер»га борар, Артемиза эснаб-эснаб унга эшик очарди, Хоним учун у печкадаги кул босиб қолган чўғларни ковларди. Кейин Бовари хоним ошхонада ёлғиз ўзи қоларди. Ўқтин-ўқтин ҳовлига чиқиб турарди. Ивер шошилмасдан экипажга отларни қўшар ва айни замонда Лефрансуа холанинг гапини тингларди, у бўлса бошида тунги чепчиги билан деразадан бошини чиқариб кучерга ҳар хил топшириқлар берарди, ҳар қайси топшириқни шундай батафсил гапирардики, кучердан бошқа одам бўлса аллақачон ҳаммасини чалкаштириб юборарди. Ёғоч таг чарми билан Эмма тош ётқизилган ҳовлида у ёқдан бу ёққа юриб турарди.

Ниҳоят Ивер, шўрвани ичиб бўлиб, плашини елкасига ташлаб, трубкасини оғзига солиб қамчинини қўлида ушлаб бамайлихотир шоти курсисига чиқиб ўтирарди.

Отлар енгилгина йўрғалаб кетишади, ярим лъегача «Қалдирғоч» ҳадеб тўхтайверарди. Кучер «Қалдирғоч»ни йўл четларида, эшиклар олдида кутиб турган йўловчиларни оларди. Кеча ўрин буюриб қўйганлар кўпроқ куттиришарди. Баъзиларини ҳеч ҳам уйғотиб бўлмасди. Ивер чақирар, бақирар, сўкинар, кейин ерга тушиб, жонининг борича дарвозаларни қоқарди. Дилижоннинг синиқ ойналаридан шамол ғувиллаб кирарди.

Мана, ниҳоят, тўртта скамейканинг ҳаммаси тўлди, энди дилижон тўхтамасдан кетади, олма дарахтлари бирин-сирин орқага чопиб кетаётганга ўхшайди. Йўл тобора торайиб, ичи сап-сарик сувса тўлган икки томондаги ариқлар ўртасидан кетади.

Эмма йўлларни беш панжасидек билади. Яйловдан кейин симёғоч, ундан кейин қайрағоч, хирмон ва йўл устасининг уйи келишини билади. Ўқтин-ўқтин у ўзини чалғитиш учун кўзини юмиб олади. Лекин масофани билиш туйғуси уни ҳеч қачон тарк этмайди.

Ниҳоят гиштлик уйлар яқинлашади, гилдирак остида йўл гумбурлай бошлайди. «Қалдирғоч» боғлар ва панжара қилиб ажратилган йўллар орасидан гилдираб боради, ҳайкалчалар, чирмовуқ гул учун қурилган панжаралар, учи қирқилган буталар, аргимчоқлар

кўзга ташлакади ва бирдан кўзингиз олдида манамаи деб шаҳар намоён бўлади қолади.

Шаҳар ҳали тонг қоронғисига бурканган тепаликлардан зинтахлит пастга туша боради. Кўприклар ортида кенгайиб, бетартиб ястаниб ётибди. Шундоққинна шаҳар четидаги далалар уфқ томон аста-секин кўтарилиб, олисларда ҳали четлари ноаниқ кўринаётган оппоқ осмонга бориб тақалади. Бу ердан тепадан, бутун манзара худди суратдагидек ҳаракатсиз кўринадди. Бир бурчакда лангар ташлаб турган кемалар тиқилишиб ётади, кўм-кўк тепаликларнинг этагида илонизи бўлиб дарё оқади. Чўзинчоқ оралчалар, худди сувда қимир этмай турган катта қора балиқларга ўхшаб кўринадди. Фабрика трубалари атрофи титилган жигаларга ўхшаш қорамтир тутун чиқариб туради. Пўлат қуювчи заводлар қаттиқ нафас олади, туман ичидан гира-шира кўринаётган черков қўнғироқхонасидан эса шодиёна бонг овози эшитиларди. Хиёбонларнинг баргсиз дарахтлари ҳовлилар орасида кўкимтир буталар каби қорайиб кўринар, ёмғирдан ҳўл бўлиб кетган томлар, уйларнинг паст-баландлигига қараб бир ерда ярқирар, бир ерда хирароқ йилтирар эди. Вақт-вақти билан шамол-булутларни Сент-Катрин тепалигига олиб учиради, улар ҳаво тўлқинлари билан тепа ён бағирларида овозсиз парчаланарди.

Бу зич уйларни кўришдан Эмманинг боши айланар, юраги кўксига сиғмай кетарди: Эмма узоқданоқ ҳис қилган бир юз йигирма минг жоннинг ҳар бирини да ўзига хос эҳтирос борлигини кўради ва уларнинг шавқ-завқлари унга таъсир этаётгандек бўларди. Кенг эркинликни ҳис этишдан унинг муҳаббати ошарди, ноаниқ говур билан тўлиб-тошарди. Эмма бу муҳаббатни ташқарига — майдонларга, хиёбонларга, кўчаларга тўкиб сочарди.

Бу қадимий Нормандия шаҳрига у худди қанақадир Вавилонга, кўз илғамас бир пойтахтга келгандек кириб келарди. Икки қўли билан ромга ёпишганича ойнадан бошини чиқарарди ва шамолдан нафас оларди. Уч отли дилижон қушдек учиб борарди, от туёқлари тагидан, лойдан чиқиб турган тошлар чарсилларди, дилижон силкинарди, Ивер узоқдан туриб олдинда кетаётган кучерларга ҳайқирар, Руан бойлари кечани Буа-Гильомда ўтказиб, энди оилавий

шпажларида олифтагарчилик билан тапаликдан тушиб келаётган бўлардилар.

Қоровулхона ёнида «Қалдирғоч» бир тўхтаб оларди. Эмма ёғоч таг чармини ечар, қўлқопини алмаштиради, рўмолини тузатар ва йигирма қадамча юргандан кейин «Қалдирғоч»дан тушарди.

Бу орада шаҳар уйғона бошларди — феска кийган гумашта магазин ойналарини артар эди. Чорраҳаларда сават ушлаган савдогар аёллар баланд овоз билан молларини мақтардилар.

Эмма қора тўрини юзига тушириб олиб, оёқлари тагига қараб девор тагидан юриб кетарди ва шодликдан табассум қиларди.

Уни таниб қолишларидан қўрқиб одатда қулай йўлдан кетмасди. У қоронғи, тор кўчаларга ўзини урар ва Насьональ кўчаси тугаб, фонтанга етганда унинг аъзойи бадани терлаб кетарди. Бу театр, қовоқхоналар ва суюқоёқ қизлар яшайдиган квартал эди. Эмманинг олдида кўпинча декорацияларни лиқиллатиб олиб бораётган аравалар ўтарди. Фаррошлар фартуқ кийиб олиб четига яшил ниҳоллар ўтқазилган тротуарларга қум сепишарди. Спиртли ичимликлар, сигаралар, устрицаларнинг ҳиди анқирди.

Эмма бурилишга чиқиши билан Леоннинг шляпаси тагидан чиқиб турган жингалак сочларидан дарров таниб оларди.

Йигит тўхтамасдан кетаверарди. Эмма унинг орқасидан меҳмонхона томон борарди, Леон зинадан кўтарилар, эшикни очар, ичкари кирарди. О, бу оғушнинг тил билан ифодалаб бўладими!..

Бўсалардан сўнг сўзлар қуйилиб кетарди. Иккиси ўтган ҳафта чеккан ҳасратларидан, юрак сиқиншларидан, мактуб учун ташвишланганларидан гапиришарди. Бир оздан кейин булар ҳаммаси унутилар ва улар ҳаяжондан ўзларини тутолмай кулишиб, бир-бирларини эркалашга чорлаб, бир-бирларига узоқ тикилишиб қолишарди.

Каравот катта, қизил ёғочдан қилинган, қайиққа ўхшатиб ясалган эди, Қизил левантиндан тикилган чодир шифтдан осилиб тушиб турар, унинг этаги кенгая борган каравот суянчиғида қайириб қўйилганди. Дунёда гўзаллик бобида ҳеч нарса мана шу ёқут ранг чодир фониди, Эмманинг қора сочларию оппоқ баданига

етмасди, айниқса у яланғоч қўллари билан кўкрагини уятчанлик билан бекитиб, бошини кафтларига қўйган дақиқалари чиндан ҳам жон олғувчи бўларди.

Илиққина хона, оёқ товуши эшитилмайдиган юмшоқ гилам, деворлардаги шўх-шўх суратлар, майни ёғду — бу шинамлиқда ҳирс ўзини эркин сезарди. Камон ўқи шаклидаги парда ёғочлари, улардаги мис ҳалқачалар, камин панжарасидаги қуббачалар, қуёш ўз нуруни сочиши билан йилтираб кетар эди. Камин устида, шамдонлар ўртасида агар қулоққа тутсанг денгиз шовқини эшитиладиган иккита катта-катта гўшти ранг чиганоқ турарди.

Озгина оҳори кетганига қарамай, улар бу шўхчанг ва жонон хонани шунчалик севишардики, ҳар гал келганларида улар ҳамма нарса бояги-боягисидек турганлигига қаноат ҳосил қилишарди, агар Эмма соат тагида соч тўгнагичини эсидан чиқариб қолдирган бўлса, келаси пайшанбагача ўша турган ерида тураверарди. Камин олдида, четларига мис ҳошиялар қилинган кичкина палисандр столида нонушта қилишар эди. Эмма гўштни тўғрар, Леонга хуошмад қилиб тарелкасига уст-устига гўшт парчаларини соларди. Шампан виноси кўпикланиб, нафис қадаҳ четидан унинг узуклар тақилган панжаларига тошиб тушса, у жарангдор ва ҳирс уйғотадиган кулги билан куларди. Улар бир-бирларига шу қадар қаттиқ боғланишган эдиларки, гўё бу уй улар учун ўла-ўлгунча ёш эрхотин бўлиб бирга яшайдиган ўз уйларидек бўлиб кетган эди. Улар: «Бизнинг хонамиз, бизнинг гиламмиз, бизнинг кресломиз» деб гаплашишарди. Ҳатто Эмма: «Менинг уйда киядиган туфлим», дерди. Бу унинг нози эди, бу туфли Леоннинг ҳадяси, уйда кийиладиган, четига оққуш паридан уқа қилинган, пушти атлас туфли эди. Эмма Леоннинг тиззасига ўтирганда, унинг оёғи ерга тегмасдан осилиб турар ва гулчини бўлмаган нозик туфлича фақат унинг яланг панжаларидагина илиниб турарди.

Леон умрида биринчи марта аёл жозибасининг беқиёс латофатидан баҳраманд бўлмоқда эди. Гапга чечанлиги, пардоз-андоздаги юксак диди, ухлаб ётган кабутар сумбатлиги — булар барчаси у учун ҳеч кўрилмаган нарсалар эди. Эмманинг табиатидаги хушчақчақлик ҳам, унинг кўйлагидаги тўр уқа ҳам унга

ёқарди. Буларнинг устига Эмма «палаги тоза аёл» эди, яъни эрлик хотин! Хулласи калом, чинакам маъшуқа!

Эмма ўзининг ҳали хаёлчан, ҳали хушчақчақ, ҳали сергап, ҳали индамас, ҳали жўшқин, ҳали бепарво — хуллас, ўзгариб турувчи кайфияти билан Леоннинг ҳирсини кўзгатар, савқи табний ва хотираларни уйготар эди. Леон учун Эмма ким эди? Барча романлардаги аёл рамзи, бутун драмаларнинг қаҳрамони, ҳамма шеърий тўпламларнинг илҳом париси эди у. Леоннинг фикрича, унинг елкаси ўзининг қаҳрабодек товланиши билан чўмилаётган одалиска¹нинг елкасини эслатар, бели феодал саройи маликаларининг белларидан ҳам хипча, у рангпар барселон аёлларига ҳам ўхшайди. Қисқа қилиб айтганда, у фаришта эди!

Леон Эммага тикилар экан, назарида қалби маъшуқаси томон ошиқаётгандек ва унинг боши узра тўлиб-тошиб, оппоқ сийнасига қуйилаётгандек туюларди.

Ерга ўтириб, тирсакларини Эмманинг тиззасига қўйганича, унга табассум билан боқар ва пешанасини тутарди.

Эмма унга энгашар ва шавқ-завққа тўлганидан энтикиб шивирларди:

— Қимирлама! Жим! Менга қараб тур! Кўзларинг шунчали меҳрибон боқадики, сен билан жоним ором олади!

У Леонни «болагина» деб атарди:

— Болагина, мени севасанми? — Эмма унинг жавобини эшитмасди, йигитнинг лаблари унинг лаблари билан қаттиқ муҳрланганди. Эмма билан Леон кўпинча соат устига ўрнатилган, қўлини тилла сувчи югуртирилган гулчамбар тагига қўйиб турган бронза купидонга² қараб кулишарди. Бироқ айрилиқ дақиқалари етганда иккисининг ҳам дарди дунёси қоронғилашар эди.

Қарама-қарши турган ҳолда жойларидан кўзгала олмай:

— Пайшанбагача! Пайшанбагача!.. — деб такрорлашарди.

¹ Одалиска — канизак.

² Купидон — севги худочаси.

Кейин бирдан у икки қўли билан Леоннинг бошини маҳкам чангалларди-ю, лабларини бир дақиқа унинг пешанасига ёпиштириб турарди ва «Яхши қол!» деб зинадан югуриб тушиб кетарди.

У сочларини тартибга солиш учун Театрал кўчасидаги сартарошхонага кетарди. Қоронғи туша бошлар, сартарошхонада газ чироқлар ёқиларди.

Эмма, актёрларни саҳнага чақираётган қўнғироқларни эшитарди. Деразанинг ойналаридан, кўчанинг нариги томонида эскигина кийимларда, ранглари оппоқ эркаклар, аёллар саҳна орқасига ўтиб кетаётганлари кўриниб турарди. Улама сочлар, ёғупалар солинган банкалар қалашиб ётган пастаккина ва тор хонада темир печка гувиллар, хона ичи иссиқ эди. Қайноқ қисқичлар ва Эмма гажакларини тираётган ёглиқ қўлларнинг иси уни элтиб қўярди. Кўп ўтмай у халатига ўралиб олиб мудрай бошларди. Сочини жингалак қилаётган уста кўпинча унга бал-маскарадга билет таклиф қиларди.

Кейин Эмма жўнаб кетарди! У яна ўша кўчалар билан кетар, «Қизил яримой» қаҳвахонасига келиб, эрталаб «Қалдирғоч» дилижоннинг скамейкаси тагига яшириб қўйган ёғоч таг чармини қайтадан боғлаб оларди ва бетоқат йўловчилар орасидан ўтиб ўз жойига бориб ўтирарди. Тепаликка чиқиш олдидан ҳамма тушарди. Эмма битта ўзи дилижонда қолаверарди.

Ҳар бир бурилшдан кейин тартибсиз қалашиб ётган бинолар тепасида улкан нурафшон булут ҳосил қилувчи қатор кўча фонусларининг манзараси тобора кенгайиб борарди. Эмма дилижон ўриндигига чўккалаб олар, ёғдуга тикилиб, ҳўнграб йиғлар, Леонни чақирар, шивирлаб ширин сўзлар айтар, унга ғойибона бўсалар йўллар ва шамол уларни учуриб кетар эди.

Тепалик бўйлаб у ёқдан бу ёққа қатнаб турган дилижонлар орасида ҳассасини дўқиллатиб бир гадоё юрарди, устидаги жулдур кийими баданини зўр-базўр бекитиб турарди, бошидаги таги тешик, тоғорачага ўхшаган юм-юмалоқ мовут шляпаси кўзига тушиб кетаверарди. Аммо шляпасини ечганда қовоқларининг ўрнида қонли чуқурча кўриниб турарди, қип-қизил гўшт парча-парча бўлиб осилиб ётарди; кўз косасидан

то бурнигача селава оқиб, кўм-кўк қалоқ ҳосил қилганди; қоп-қора бурун катаклари асабий пириллар эди. У бирор киши билан гаплашганда бошини орқасига ташлаб гаплашар ва маъносиз кулар эди, бетўхтов қимирлаб турган кўкимтир кўз оқи бўлса пешанасига кўтарилиб йиринг бойлаб ётган яраларга бориб тегарди.

Гадой экипаж орқасидан чопиб, қўшиқ айтарди:

Ез ойн, кун иссиқ, гўзал бир қизча
Ернин ўйлашдан эринмас сира.

Бу қўшиқнинг давоми — қушларнинг сайраши, қуёш нури ва яшил барглар билан тўла эди.

Баъзан бу гадой бош яланг Эмманнинг олдида пайдо бўлиб қоларди. Эмма чинқириб юборар ва дилижоннинг бурчагига тикилиб оларди. Ивер сўқирни масхара қиларди. Унга ярмарка бозорида томошахола ижарага олишини маслаҳат берар ёки хахолаб кулиб, унинг жазмани қалай юрганни сўрарди.

Кўпинча тез юриб кетаётган дилижоннинг ойнасидан кўрнинг шляпаси суқилиб кирар эди, бўш қўли билан у тахланма шотини ушлаб олар, гилдираклар тагидан унга лой сачрарди. Унинг аввал чақалоқнинг овозига ўхшаб чиқаётган ингичка овози бора-бора ўткирлашиб кетарди. Тун зулматида бу овоз қандайдир тушуниб бўлмайдиган дард-аламнинг чўзиқ, дуд-мал дод-фарёдидек жарангларди. Худди олислардан, дарахтларнинг шовиллаши, қўнғироқларнинг жиринглаши, бўш экипажнинг тарақлаши орасидан Эмманнинг қулоқларига чалинаётган бу юракни эзувчи куйда битмас-туганмас бир ғурбат оҳанги бор эди. У овоз худди чуқур тоғ оралирига урилиб кирган қуюндек Эмманнинг қалбига урилиб кириб уни алам-изтиробнинг бепоён бўшлиқларига олиб қочарди. Бироқ Ивер шу орада дилижоннинг бир ёққа қийшайётганини сезиб, сўқирни қамчи билан аччиқ-аччиқ тушириб қоларди. Қамчи учидаги тугунча сўқирнинг яраларига тегар, гадой вой-войлаб лойга йиқиларди.

Кейин «Қалдирғоч»нинг йўловчилари аста-секин пинакка кетишар: бири оғзини очиб ухласа, иккинчиси бошини кўксига эгиб ухлар, кимдир ҳамроҳининг елкасига бошини қўйиб, яна кимдир қўли билан тасмани ушлаб олиб ухлар, шу аҳволда ҳаммаси дили-

жон билан бирга бир маромда силкиннишарди. Фонуснинг милтиллаган ёруғи ўртадаги отнинг сағрида сирғалар, тўқ жигар ранг чарм пардалар орқали дилижоннинг ичига кирар ва ухлаб ётганларнинг беҳаракат юзига қонли шуъла ташларди. Эмма ўлгудек зерикиб, совуқдан қалтирар, оёқлари қаттиқ совқотар, қалбида зулмат ҳукмрон эди.

Уйда Шарль уни сабрсизлик билан кутар — доимо пайшанба кунлари «Қалдирғоч» кечикиб келарди. Ниҳоят «хоним» уйларидалар! Эмма саросималик билан қизини ўпарди. Овқат ҳали тайёр эмас, ҳечқиси йўқ! Эмма ошпаз хотиндан хафа бўлмади. Бундай кунларда хизматчи қиз нима қилса ҳам кечирилаверади.

Эмманинг ранги оқарганини кўриб эри унинг соғлигини сўради.

— Яхши! — деди Эмма.

— Нега бўлмаса бугун ғалатироқ кўринасан?

— Ҳа-йўқ, шунчаки ўзим.

Баъзан у қайтгандан кейин тўғри ўз хонасига ўтиб кетарди. У ерда Жюстен ўтирган бўларди. У оёқ учида юрар ва унинг хизматини энг одобли хизматчи аёллардан ҳам яхшироқ бажаради: гугурт, шам, китоблар келтирар, тунги кийимини тахлаб қўяр, ўрни солиб берарди.

Шундан кейин Жюстеннинг икки қўлини ёнига солиб қотиб турганини, кўзларини бўлса худди қанақадир тўсатдан миясига келиб қолган беҳисоб хаёл иплари ўраб олгандек бақрайиб турганини кўриб одатда Эмма:

— Майли, яхши, энди бора қол! — дерди.

Эртасига Эмма ўзини ниҳоятда ёмон ҳис қилар, кейин кундан-кун ўзини қўярга жой тополмай қолар, кечирган ҳузур-ҳаловатини яна бир марта тоғиш ташналигида ёнар ва хотиралар билан қизиб тобга келаётган бу ҳирс алангаси фақат еттинчи кун — Леоннинг эркалалашларидан кейин гувиллаб ёнарди. Леоннинг қалб ҳарорати эса зўр қувонч ва миннатдорчилик билан ифодаланарди. Эмма Леоннинг севгисидан — вафоли чуқур севгисидан роҳатланар ва ундан ажралиб қолишдан қўрқиб аёл меҳр-муҳаббати қодир бўлган барча ҳийла-найрангларни қўлларди.

Кўпинча у Леонга қараб мулойим, ғамгин овоз билан:

— Йўқ, сен мени ташлаб кетасан!.. Уйланасан!..
Ҳамма нима қилса, шуни қиласан,— дерди.

— Ҳамма деганинг ким? — сўрарди Леон.

— Умуман эркаклар-да!

Шу сўзлар билан у кўзларини хумор қилиб Леонга боқар ва уни итариб қўяр эди:

— Барингиз баттолсизлар!

Кунлардан бир кун бу оламнинг бебақолиги ҳақида фалсафий мунозара қилиб ўтиришганда, Эмма унда рашк ўтини уйғотиш учунми ёки юрагини ёзиш эҳтиёжини қондириш учунми, бир вақтлар, унга қадар бир одамни севганига иқрор бўлди... «Лекин сени севганим-дақа эмас!» деб қўшиб қўйди шошилиб, илло, «яқин алоқада бўлмаганлигига» қизининг соғлигини шафе келтириб қасам ичди.

Леон унга ишонди, у одам нима билан шуғулланганини суриштира бошлади.

— У кема капитани эди, дўстим,— деди Эмма.

Бу жумла билан у кейинги сўроқларга чек қўйишни истадими, ё шу билан бирга унинг жозибаси шундай жанговар ва иззат-ҳурматга ўрганиб қолган одамни ҳам ўзига мафтун этганини билдириб Леоннинг кўзи олдида ўзини баландроқ кўтармоқчи бўлдими?

Мана шунда йигит ўз ҳолининг қанчалик афтодалигини тушунди! У шап-шалобларга, нишонларга, амалларга ҳавас қила бошлади. Эмманинг исрофгарчилигига бу нарсаларнинг ҳаммаси унга ёқиши кераклигидан далолат берарди.

Лекин Эмма кўпгина ҳаваслари ҳақида гап очмасди; масалан у Руанга қатнаш учун зангори тильбюри, инглиз оти ва қайтарма этик кийган сайнс олмоқчи. Бу фикрни унинг эсига солган Жюстен бўлди. У ўзини малай қилиб олишини ёлвориб сўрарди. Шулар бўлмаса учрашувга бориш шодлиги камаймайдигина эмас, қайтаётгандаги аламларини ошириши турган гап эди.

Улар Париж ҳақида гаплашишганда Эмма кўпинча:

— Оҳ, қани энди, сен билан бирга Парижда яшасан қандай яхши бўларди! — деб шивирларди.

— Бу ерда бахтли эмасми? — унинг сочларини силаб, мудойимгина эътироз билдирарди йигит.

— Албатта бахтлими? — дерди Эмма. — Мен аҳмоқлик қилиб айтдим: мени ўпиб қўй!

Эри олдида у жуда сертакаллуф эди, унга ниета кремлар қилиб берар, овқатдан кейин вальслар чалиберар эди. Шарль ўзини дунёда энг бахтиёр одамлардан ҳисоблар ва Эмма ҳам тинч, хотиржам эди, лекин бу тинчлик ахири бузилди, бир кун кечқурун Шарль:

— Сен мадемуазель Лампрердан дарс оласан-а?— деб сўраб қолди.

— Ҳа.

— Бўлмаса гап бундай,— давом этди Шарль,— мен ҳозиргина у билан Льежар хонимни учрашиб қолдим. Сенинг ҳақингда гаплашдик, у бўлса сени танимас экан.

Бу кутилмаган ҳол эди. Лекин Эмма жуда ҳақтабий бир оҳангда жавоб берди:

— Шунчаки, фамилиямни эсидан чиқариб қўйган бўлса керак!

— Балки Руанда бир неча Лампрер музика муаллималари бордир, тўғрими?— деб тахмин қилди қўйди врач.

— Эҳтимол,— деб унинг гапига қўшилди Эмма ва шу заҳоти қўшиб қўйди:— Ахир менда унинг тилхати бор-ку. Ҳозир мен сенга кўрсатаман.

У ўзининг баланд ёзув столи олдига югуриб борди ҳамма тортмаларни титди, ҳамма қоғозларни ағдарди бир тўда қилиб қўйди ва ниҳоят шунчалик ҳовлиқиб қолдики, Шарль арзимаган бир тилхат учун тажани бўлмаслигини ялиниб сўради.

— Йўқ, мен уни топаман!— қайта-қайта дерди Эмма.

Ростдан ҳам, келаси жума куни, қоронғи бурчакда, кийимлари тўдаланиб ётган ерда этигини кия туриб Шарлнинг оёғи қоғозга тегиб, шилдираганини эшитди ва этигининг ичидан олиб уни ўқиди:

«Уч ойлик машғулот ва ҳар кил харидлар учун олтмиш беш франк олмиди.

*Музика муаллими
Фелиси Лампрер»*

— Бу нима бало? Қанақа қилиб у менинг этигимнинг ичига тушиб қолибди?

— Эҳтимол, тилхат токчанинг четида ётган, счётлар турадиган эски папкадан тушгандир,— жавоб берди Эмма.

Шу кундан бошлаб унияг бор ҳаёти, кетма-кет баҳона ўйлаб топишга айланиб қолди, гўё улар билан ўз муҳаббатини пардаламоқчи бўларди.

Бу иш энди у учун эҳтиёжга, васвасага, ҳузур-ҳаловат манбаига айланди, башарти у кеча ўнг томондан юрганини айтса, ўнгдан эмас чап томондан юрган бўларди.

Бир кун Эмма, одатдагидек енгил-елпи кийиниб Руанга кетди, тўсатдан қор ёғиб қолди. Шарль деразадан аббат Бурнизьенни кўриб қолди. У Тюваш экипажида Руанга кетаётган эди. Шарль зинадан чопиб тушди ва руҳонийнинг олдига бориб ундан хотинини «Қизил яримой» дан топиб, унга иссиқ рўмолини бериб қўйишни илтимос қилди. Карвон саройга кириши билан руҳоний Йонвиль докторининг хотинини қаердан топса бўлади деб сўради. Унга «Қизил яримой» бекаси:

«Бовари хоним бу ерга аҳён-аҳёнда келади», деб жавоб берди. Бурнизьен дилижонда Эмма билан учрашиб қолиб, қийин аҳволда қолганини гапириб берди, лекин чамаси бунга унча эътибор бермаган эди шەкилли, шу заҳоти собор руҳонийсини мақтаб кетди. У ўзининг ваъз-хутбалари билан шунчалик шуҳрат қозongan эканки, барча хонимлар уни эшитгани соборга югуришаркан.

Хўш, айтайлик Бурнизьен ҳеч нарса ҳақида сўрмади, лекин ахир ҳамма ҳам унга ўхшаш нозик таъб бўлавермайди-ку. Шунинг учун Эмма мўътабар ҳамшаҳарлари уни зиналарда учратиб туришлари ва ундан ҳеч қанақа шубҳа қилмасликлари учун бундан буён «Қизил яримой»да қўнишга қарор қилди.

Лекин ажойиб кунларнинг бирида у Леон билан қўлтиқлашиб «Булонь»дан чиқиб келаётганда жаноб Лерега тўқнаш келиб қолди. Бу учрашув Эммани қўрқитиб юборди: Лере уни гап-сўз қилиб юборишига амин эди. Бироқ жаноб Лере қувроқ чиқиб қолди.

У Эмманинг олдига уч кундан кейин келди, эшикни ичидан бекитиб:

— Менга пул керак! — деди.

Эмма, қўлида ҳеч нимаси йўқлигини айтди. Шунда Лере мижговланиб, ўзининг хизматларини бирма-бир санай бошлади.

Унинг норозилигида ҳам асос бор эди, нсгаки, Шарль қўл қўйган иккита векселдан ҳозирча фақат

биттасини тўлаган эди. Энди иккинчи векселга келсак, савдогар Эмманинг илтимоси билан уни иккита янги векселга алмаштиришга рози бўлган эди, улар ҳам неча мартадан қайта ёзилган ва қарзни тўлаш анча узоқ муддатга узайтирилган эди, кейин жаноб Лере чўнтагидан ҳақ тўланмаган счётларни олди, унда пардалар, гилам, креслолар учун авралар, кўйлакли газламалар, пардоз-андозга доир моллар ёзилган бўлиб, ҳаммаси тахминан икки минг франк эди.

Эмма бошини қуйи солди.

— Майли, айтайлик, нақд пулингиз йўқ, лекин ер-мулкингиз бор-ку, — эсига солди Лере.

Лере, Омаляга яқин Барневилдаги арзимаган бир фойда келтирадиган кўҳна кулбани кўзда тутяпган эди. Қачонлардир бу унча катта бўлмаган мулкнинг бир қисми эди, лекин катта Бовари мулкни сотиб юборган эди. Жаноб Лерега у ерда неча гектар ер берлиги ва қўни-қўшниларнинг исмигача маълум эди.

— Мен сизнинг ўрнингизда бўлсам, ўша мулкнинг масаласини ҳал қилардим, — деди жаноб Лере. — Қарзларни тўлаганингиздан кейин яна ўзингизга пул ортиб қоларди.

Эмма ўша мулкка харидор топилиши қийинлигини айтди. Жаноб Лере бу ишни ҳам ўз зиммасига олди. Шунда Бовари хоним сотиш ҳуқуқига қандай эга бўлиш йўлини сўради.

— Ахир сизда ваколатнома йўқми? — деб сўради Лере.

Эмманинг кўз олди ёришиб кетгандек бўлди.

— Счётларни менга қолдиринг, — деди Эмма.

— Қўйсангиз-чи! Нима учун? — деди Лере.

Бир ҳафтадан кейин у яна келди ва анча сарсонгарчиликдан сўнг Ланглуа деган одамга дуч келганини, у анчадан бери шу кўчмас мулк илинжида юрганини ва лекин нархини ҳозирча айтмаётганлигини мақтаниб гапирди.

— Нархи билан ҳисоблашиб ўтирмайман ҳам! — деди Эмма.

Лекин Лере бирмунча кутиш, у одамнинг қўйнига қўл солиб кўриш кераклигини маслаҳат қилди. Леренинг фикрича, у ерга бир бориб келинса ҳам ёмон бўлмасди, лекин Эмма боролмаса, ўзи бориб Ланглуа билан гаплашиб келишга ваъда берди. Орадан бирмунча

вақт ўтгач, қайтиб келиб, у жой учун харидор тўрт-минг франк бераётганини айтди.

Эмманинг юзи ёришиб, гулдек очилиб кетди.

— Тўғрисини айтганда, жуда яхши баҳо берилди,— деди Лере.

Пулнинг ярмини Эмма нақд олди. Энди у счёт ҳақида гап очувди, Лере унинг сўзини бўлди:

— Сиздан шунча мўмай пул олиш инсофсизлик бўлади, хоним, худо ҳаққи!

Шу гапни эшита туриб, Эмма қоғоз пулларга кўз ташлади ва мана бу икки минг франк қанчадан-қанча ишқий учрашувларнинг гарови эканлигини беихтиёр хаёлидан ўтказди.

— Нима деяпсиз! Қўйинг-э!— деб гудирлади Эмма.

— Счётларни нима қилсангиз ўз ихтиёрингизда, гапимга ишонинг! — мулойимгина кулиб давом этди Лере.— Рўзгор — гор дейдилар, мен биламан бу харажатларни.

Панжалари орасидан икки узун қоғозни ўтказа туриб, у Эммага тикилиб қаради. Кейин ҳамёнидан ҳар биттаси тўрт минг франкли тўртта вексель чиқариб, стол устига ёйиб қўйди.

— Буларга қўл қўйинг, пулларни ўзингиз олаверинг,— деди у.

Эмманинг фиғони чиқиб кетди.

— Ахир мен сиздан пулнинг қолганини олмаяман-ку,— сурбетлик билан гапирди Лере.— Сизга шунчалик яхшилик қилаётганимни тан олмас экансиз-а?

У патқаламни олиб, счётнинг тагига «Бовари хонимдан тўрт минг франк олинди», деб ёзиб қўйди.

— Сиз нимадан хавотир оляпсиз, тушунмайман, Ярим йилдан кейин сиз ўз кулбангизнинг ҳамма пулини оласиз, мен кейинги векселда ярим йилдан ҳам ошиқроқ муддат қўйдим.

Барча бу чалкаш, мураккаб ҳисоб-китоблар Бовари хонимнинг миясини ачитиб юборди. Қулоқлари шангиллар, назарида атрофидан тилла ёғилиб ерга сочилаётгандек эди. Ниҳоят Лере унга Руанда Венсар деган битта ошнаси — банк хўжайини борлигини, мана шу тўртта векселни ҳисобга олишини, мавжуд қарзни тўлагандан қолганини Лере Бовари хонимга қайтиб беришини тушунтирди.

Аммо икки минг франқ ўрнига у бир минг саккиз юз франқ олиб келди: унинг биродари Венсар «қонуний улуши»ни, яъни икки юз франқни, векселни ҳисобга олгани ва ўртада тургани учун ўшлаб қолганини айтди.

Кейин жаноб Лере парвосизлик билан тилхат беришини сўради:

— Ўзингиздан ўтар гап йўқ... Савдо-сотиқ шунақа иш. Кутилмаган ҳодисалар рўй бериши мумкин... Санани ҳам қўйинг. Ҳа, марҳамат, санасини ёзиб қўйинг!

Эмма олдида кўнглига келганини қилиш учун кенг имконият очилди. Лекин шу пуллардан бир минг экюнни эҳтиётдан олиб қўйишга идроки етди ва бу пулларни у олдинги учта вексель бўйича вақтида тўлади, лекин тўртинчи вексель гўё тасодифан Шарлнинг бўйнига тушиб қолди. Шу кун пайшанба эди, тамоман эсанкираб қолган Шарль сабр билан хотинининг келишини пойлади, у келиб буни тушунтириб беришини кутди.

Ростдан ҳам Эмма бу вексель ҳақида эрига ҳеч нарса айтган эмасди, бундай майда-чуйда ишлар билан унинг бошини қотиришни истамаганди. Эмма эрининг тиззасига ўтирди, эркаланди, ширин-ширин сўзлар айтди, насняга олишга тўғри келган нарсаларни бирма-бир санаб чиқди.

— Нафсиламр, мен сотиб олган нарсалар ҳисоблаб чиқилса, улар жудаям қимматга тушмаган,— деди.

Боши гангиб қолган Шарль ўша Леренинг ўзига мурожаат қилди, савдогар ҳаммасини тўғрилашни бўйнига олди, лекин шу шарт биланки, деди у, жаноб доктор иккита вексель бериши керак, шулардан биттаси уч ой муддати билан етти юз франкли вексель бўлади. Шарль бу оғир мушкулотдан қутулиш учун онасига илтижо билан хат ёзди. Катта Бовари хоним узоқ ўйлаб ўтирмай ўзи етиб келди. Эмманинг уни «кўндира олдингми?» — деб берган саволига Шарль:

— Ҳа, лекин у счётни кўрсатишимизни талаб қиляпти,— деди.

Эртасига эрталаб Эмма жаноб Лерега югурди ва ундан бошқа, минг франқдан ошиқ бўлмаган счёт ёзиб беришини илтимос қилди. Тўрт минг франкли счётни кўрсатиш бу сумманинг учдан икки қисми тўланганли-

гига иқрор бўлиши билан барасар эди, бинобарин, мулкнинг сотиб юборилгани ҳам маълум бўлиб қоларди, ваҳоланки бу найрангни савдогар қаттиқ сир сақларди. Бу ишлар кейинроқ бориб очилди.

Гарчи ҳамма молларга энг арзон нарх қўйилган бўлса ҳам катта Бовари хоним, харажатлар ҳаддан зиёд катталигини айтиб ўтди.

— Наҳотки гиламсиз кун кўриб бўлмаса? Креслоларнинг жилдларини ўзгартиришнинг нима ҳожати бор эди? Бизнинг вақтимизда биттагина кресло бўларди, у ҳам бўлса қариялар учун, бошқаларни билмайман, менинг онамникида шундай тартиб бор эди. Лекин хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, менинг онам анча бообрў аёллардан эди, «Қарганинг юришини қиламан деб чумчуқнинг пути йирилган» дегандек бойларга етиб бўладими! Пулни бунақанги сарфласангиз, қар қанча пул ҳам сизларга етмайди! Мен сизга ўхшаб бемаъни орзуларимни қондиришдан уялган бўлардим, бўлмаса, мен кексайиб қолган одамман, сиздан кўра менга парвариш кўпроқ керак... Сизга ясаиб-тусаниб юриш бўлса, кўзбўямачилик бўлса бас! Ахир, бу нақадар ноинсофликки, астар учун икки франклик шойи олсангиз... ахир энг яхши жаконет ўн су ва ҳатто саккиз су туради-ку!

— Бас қилинг, хоним, бас!.. — дерди Эмма, диванга ёнбошлаб олганича, ўзини зўрға босиб.

Аммо қайнана ҳамон Эммани койирди, агар шу алфозда кетса Шарль ҳам, Эмма ҳам хонавайрон бўлиб, ғарибхонага тушишлари турган гаплигини айтиб вайсарди. — Айб Шарлнинг ўзида. Яхшики, у ваколатномани йиртиб ташлашга сўз берди.

— Яъни, қанақа қилиб?

— Менга оит ичди, — деди мўътабар хоним.

Эмма деразани очиб, Шарлни чақирди. Бечора Шарль онаси қийин-қистоқ қилиб оит ичирганига иқрор бўлди.

Эмма чопиб чиқиб кетди, лекин шу заҳоти қайтиб кириб, калондимоғлик билан қайнанасига қалин қоғоз узатди.

— Қуллуқ, — деди кампир ва ваколатномани оловга ташлади.

Эмма ўзини тўхтата олмай хахолай бошлади; унда асабий тутқаноқ бошланган эди.

— Э, худо-ей! — деди Шарль. — Сиз ҳам ноҳақсиз оғин! Нега у билан жанжаллашаверасиз?..

Она елкасини қисди, «булар ҳаммаси шайтонлик» деб қўйди.

Бироқ Шарль умрида биринчи марта шунчалик тутқиб кетдики, хотинини зўр бериб қимоя қила бошладди, онаси бир дақиқа ҳам тўхтамасдан қайтиб кетишга қарор қилди. Эртасига эрталаб у ростдан ҳам жўнаб кетди; ўгли остонада туриб онасини олиб қолишга уринган эди, у:

— Йўқ, йўқ! Сен уни мендан ортиқ яхши кўрасан, шундай бўлиши ҳам керак, бу табиий ҳол. Бунинг ҳеч қанақа чораси ҳам йўқ! Бир кунмас-бир кун кўрармиз!.. Омон бўл!.. Энди сенинг тилинг билан айтганда, у билан тортишиб ўтирмайман.

Шарль ҳар ҳолда Эмма олдида ўзини айбдор сезарди, Эмма бўлса Шарль унга ишонмаганидан жаҳли чиққанини яширмасди ҳам. Ваколатномани янгидан Эмманинг номига ёздириш учун унга анча ялинишга тўғри келди; шу мақсадда Шарль Эмма билан биргаликда жаноб Гильоменнинг олдига борди.

— Тушунаман, жаноб Бовари, — деди нотариус, — жон-жаҳди билан илмга берилган одамни турмушдаги икир-чикирлар чалғитмаслиги керак, — деди Гильомен.

Бу риёкорона жумла Шарлнинг кўнглини кўтарди, бу гап унинг гўё жиддий ишларга майл-муҳаббати борлигини таъкидлаётгандек эди.

Келаси пайшанба Эмма Леон билан ўз номерларига келганда шундай қилиқлар қилдики, у куларди, йиғларди, қўшиқ айтарди, рақс тушарди, шарбат буюрар, чекиб ҳам кўрар эди. Лекин Леон бу қилиқларни кўриб, Эмма девонатабиат бўлса ҳамки, тенги йўқ жозибадор аёл деб хулоса чиқарди.

Леон энди Эмманинг қалбида нималар кечаётганини, бир нарса айш-ишратнинг ҳар дақиқасини жон-жаҳди билан қадрлашга мажбур этаётганини фаҳмламас эди. Эмма сержаҳл, ашаддий шаҳватпараст бўлиб қолди. У бошини мағрур кўтариб, Леон билан қўлтиқлашиб шаҳарда юраверар, иснодга қолишдан қўрқмаслигини айтарди. Фақат Родольф билан учрашиб қолишдан қўрқарди, холос. Гарчи бир умрга бир-бирларидан ажралишган бўлишса ҳам, Родольфнинг ўзи устидан ҳукмронлигини сезиб турарди Эмма.

Бир кун Эмма уйга қайтмади. Шарль бутунлай гангиб қолди, кичкинтой Берта бўлса онасиғиз ўринга ётишга унамас, тўхтовсиз йиғларди, Жюстен ҳар эҳтимолга қарши хонимни кутиб олгани кетди. Жаноб Омедорихонасини ёпиб қўйди.

Соат ўн бирга бонг урганда Шарлнинг тоқати тоқ бўлиб шарабанини қўшди, ўтириб отини қамчилади ва кечаси соат иккида «Қизил яримой»га етиб келди. У ерда Эмма йўқ эди. Шарлнинг хаёлига уни тасодифан Леон кўрмадимикин, деган фикр келди. Лекин унинг уйи қаерда? Шарлнинг толеига Леоннинг бошигининг адреси эсига тушиб қолди ва ўша ёққа равона бўлди.

Тонг ёриша бошлади. Эшик тепасидаги тахтачани кўриб Шарль тақиллатди. Кимдир эшикни очмасдан туриб, пўнғиллаб Леоннинг қаерда туришини айтди ва ярим кечада одамларнинг тинчлигини бузадиган хирахандонларни болохонадор қилиб сўкди.

Леон истиқомат қиладиган уйда на қўнғироқ, на ҳалқача, на эшикбон бор эди. Шарль кучининг борича эшикни тақиллатди. Ёнидан полициячи ўтиб кетди. Шарль капалаги учиб, жуфтагини ростлади.

«Мен жинни бўлиб қолдим, — дерди у ўз-ўзига, — эҳтимол у Лормоларникида овқатланиб, ўша ерда ётиб қолгандир».

Бироқ шу заҳоти Лормо оиласи Руандан кўчиб кетгани эсига тушди.

«Демак, у Дюбрейль хонимга қараш учун қолгандир... Ҳаҳ, эсим қурсин! Дюбрейль хоним бундан ўн ой олдин вафот этган-ку!.. Хўш, Эмма қаерда бўлади?»

Шунда унинг миясига бир фикр келди. У кафедра адрес-календарни сўради, тезда мадемуазель Лампрернинг адресини топди, у Ренель-де-Марокинье кўчаси, етмиш тўртинчи ҳовлида туришини аниқлади.

Лекин Шарль шу кўчага кириши билан узоқдан Эммани кўриб қолди — у рўпарадан келмоқда эди. Шарль уни қучоқлаш ўрнига шовқин солиб уриша кетди:

— Нега кеча уйга бормадинг?

— Тобим қочиб қолди.

— Нима касал бўлдинг? Қаерда? Қанақа қилиб?..

— Лампрерникида,— деди у кафти билан пешанасини силаб.

— Узим ҳам шундайдир, деб ўйлагандим! Уникига кетаётувдим.

— Бекор қилибсан,— деди Эмма.— У ҳозиргина уйдан чиқиб кетди. Утинаман, иккинчи марта бундай ташвишланма! Сал кечга қолганим учун жазаванг тутаверса мен ҳам асабийлашаман, уқдингми?

Мана шундай қилиб, у ўзига хоҳлаганича юриштиришга йўл очиб олди ва бундан у тўла фойдаланди. Леонни соғиниб қолиб ҳар хил баҳоналар билан у Руанга жўнайверарди, ўша кунни уни Леон кутиб ўтирмаганлиги учун тўппа-тўғри ишхонасига бораверарди.

Аввал бошда Леон учун бу катта шодлик эди, лекин кейинроқ унинг ҳатти-ҳаракатидан бошлиғи норози бўлаётганини Эммага очиқ айтишга мажбур бўлди.

— Э, аҳамият берма!— дерди Эмма.

Леон гапни буриб юборарди.

Эмма Леоннинг қора костюм тиктиришини ва соқол қўйишини истарди, шунда у Людовик XIII га ўхшармиш. Эмма унинг хонасига кирди ва хона унга ёқмади. Леон қизариб кетди. Эмма буни сезмади ва уникига ўхшаган дераза пардалари сотиб олишни масҳалат берди, Леон ҳамён кўтармайди, деб жавоб берган эди, Эмма:

— Вой қуримсоғ-эй!— деди кулиб.

Ҳар гал Леон унга Эммасиз кунларини қандай кечиргани тўғрисида ҳисоб бериши керак. У, Эммага атаб шеърлар ёзишини, «ишқ-муҳаббат ҳақида» шеър тўқиб, Эммани тавсиф қилишини талаб этарди. Бироқ Леон битта ҳам қофия тополмасди, ҳеч иложи бўлмагач, кипсекдан сонет кўчириб ёзиб олди.

Буни Леон ўз иззат-нафси учун эмас, Эмманинг кўнгли учун қилди. У ҳеч қачон Эммага эътироз билдирмас, унинг дидига мослашар, тўғрисида айтганда, маъшуқа Эмма эмас, у Эмманинг маъшуқаси эди. Эмма шундай ширин сўзларни биларди ва ўпишга шунчалик уста эдики, Леоннинг бадаки жимирлашиб кетарди. Ажабо, бу хуфиёна, бузуқлик қандай қилиб Эммага ўрнашиб қолган? Ўрнашганда ҳам шунчалик чуқур сингиб кетганики, гўё унда ҳеч қанақа шаҳвоний ҳис сезилмагандек кўринарди.

Леон Эмма билан учрашиш учун Ионвилга келганда, кўпинча фармацевтнинг уйида овқатланар эди. У бир кун илтифот юзасидан фармацевтни ўз уйига таклиф қилди.

— Жоним билан! — деди жаноб Оме... — Илгарироқ бир яйраб келишим керак эди, мен бу ерда занг босиб кетдим. Театрга, ресторанга борамиз, бир хурсандчилик қиламиз!

— Сенга нима бўлди, азизим? — меҳр билан шивирлади Оме хоним. У ҳар қанақа кутилмаган хавф-хатарлардан қўрқарди.

— Сен, узлуксиз дорихона ҳиди билан нафас олиш соғлигим учун хавфли эканини ўйламайсан-а? Хотинлар ҳаммаси бир гўр, энг аввал илму фанга рашк қилишади, кейин энг арзимаган ўйин-кулгига ҳам қарши исён кўтаришади. Ҳечқиси йўқ! Кўнглингиз тўқ бўлсин, тўсатдан Руанга бориб қоламан, шунда иккаламиз ҳамённинг оғзини катта очиб қўямиз.

Илгари вақтларда дорихоначи ўла қолса ҳам бунақанги ибораларни ишлатмасди, аммо энди у учун олий шукуҳнинг белгиси ҳисобланган ўйноқи Париж оҳангига бажону дил таассуб қиларди. Қўшниси Бовари хонимга ўхшаб у ҳам Леондан, марказдан яшайдиганларнинг одатларини қизиқиб суриштирар, ўз нутқини жаргон сўзлар билан бойитган эди, чунончи: қаланғи-қасанғи, ҳаромзода, сурбет, суллоқ Бред-Стритнинг ўрнига Бред-гастрит, кетишнинг ўрнига туёғини шиқиллатиш каби сўзлар билан одамларни ҳайратга соладиган бўлиб қолганди.

Мана, пайшанба кунлардан бирида Эмма, жаноб Омени «Олтин шер»нинг ошхонасида учратиб қолиб ҳайрон бўлди. У сафар кийимида, яъни эски плашда эди, бу плашни у олдин ҳеч киймасди, бир қўлида чамадон, иккинчи қўлида ўз дорихонасидан олган грелка бор эди. У ўз сафари билан мижозларини безовта қилмаслик учун яширинча йўлга чиққан эди.

Жаноб Оме йўл-йўлакай ўз-ўзи билан муҳокама қилиб келди; чамаси ёшлигида ўсиб-унган ерларини ҳадемай кўриш фикри уни ҳаяжонлантирарди шекилли. Дилжон тўхтаб ҳам улгурмасдан у зинапоядан сакраб тушди ва шошганича Леонни қидиргани кетди.

Леон бормайман деб ҳар қанча қаршилик қилса ҳам барибир фармацевт уни қўярда-қўймай «Нормандия» номли катта кафега бошлаб кетди ва улугворлик билан бошидан шляпасини ечмасдан кафега кириб борди, зероки жамоатчилик ўртасида шляпани ечиш фақат ғирт қишлоқнинг иши деб ҳисобларди.

Эмма Леонни меҳмонхонада чорак кам бир соат кутди. Охири чидамасдан унинг идорасига югурди, лна қайтиб келди ва хилма-хил хаёлларга бориб, менадан кўнгли совиб қолган деган фикрдан қийналиб, ўзини бўлса лақмаликда айблаб, пешанасини дераза ойнасига тираганча ярим кун кутди.

Соат иккида ҳам Леон билан жаноб Оме ҳамон ресторанда рўпарама-рўпара ўтиришарди. Катта зал бўшаб бормоқда. Хурмо дарахти шаклидаги мўри, оққа бўялган шипда олтинсимон барглари ёзиб ётарди, хўрандалардан нарироқда, ойнабандли тўсиқ орқасида кичкина фонтандан отилиб чиқаётган сув томчилари мрамор ҳовузга қуйиларди. Ҳовузчада, кресс-салат ва сарсабиллар орасида, бор бўйича чўзилиб ётган учта мудроқ денгиз қисқичбақаларининг думи, ҳовуз четига қатор қилиб терилган беданаларга тегиб турарди.

Оме маза қиларди. Ичкиликдан кўра кўпроқ зебзийнат, ҳашамат унинг кайфини оширмоқда, лекин ичкилик ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда эди, қуймоқ билан ром келтирганларида у хотинлар ҳақида ҳаёсиз гаплар гапира бошлади. Ҳамма нарсадан кўра ҳам аёлларда у «олифталик»ни қадрларди. У нафосатли кийимларни, яхши жиҳозланган хоналарни жон-дилидан яхши кўрарди, ташқи кўринишга келганда эса у «увоққиналар»ини афзал кўрарди.

Леон ҳар замонда ташвиш тортиб, жавдираган кўзларини девор соатига тикар, фармацевт бўлса ҳамон ер, ичар, гап сотарди.

— Руанда ҳеч кимнингиз бўлмаса керак,— худди томдан тараша тушгандек гапирди Оме.— Аммо лекин сизнинг жазманингиз шу яқин орада туради.

Леон қизариб кетди.

— Ҳа, ҳа, ўзингизни гўлликка солманг! Инкор этмасангиз керак, Ионвилда...

Йигит нимадир деб гудирлади.

— Сиз Бовари хонимникида ҳеч кимнинг орқасидан илашиб юрмайсизми?..

— Кимнинг орқасидан?

— Хизматчи аёлнинг орқасидан! .

Оме жиддий гапирмоқда эди, бироқ Леондаги эҳтиёткорлик устидан иззат-нафси зўр чиқди ва у беихтиёр норозилик билдирди — ахир унга қорачадан келганлар ёқади-ку!

— Мен сизга қўшиламан, — деди фармацевт. — Улар шўхроқ бўлишади.

Леоннинг худди қулогига энгашиб у хотинларнинг табиатидаги белгиларни санай бошлади. У ҳатто буларга этнографияни ёпиштиради: немис аёллари асабий, француз аёллари бузуқ, Италия аёллари серзавқ бўлишини айтди.

— Занжи аёллари-чи? — сўради ундан ҳамсуҳбатчи.

— Бу ҳар кимнинг дидига боғлиқ, — жавоб берди Оме, — эй, одам! Иккита ярим порциядан келтир!

— Кетайлик! — деди тоқати тоқ бўлган Леон.

— Yes!

Аммо кетишдан олдин у ресторан хўжайинини чақириб бир неча ширин сўз айтишни унутмади.

Омедан қутулиш учун Леон ишим бор, деб баҳона қилди.

— Ҳа, нима бўпти, мен сизни кузатиб қўяман! — меҳрибонлик кўрсатди Оме.

Йўлда у ўз хотинида, болаларидан, уларнинг келажаги, ўзининг дорихонаси, дорихона аввал хароб қолда эканлиги, энди уни гуллатиб, яшнатиб юборгани ҳақида гапирди.

«Булонь» меҳмонхонасига етиши билан Леон кутилмаганда дорихоначини ташлади-ю, зиналардан югуриб чиқиб кетди ва ўз ёрининг кучли ҳаяжонда ўтирганини кўрди.

Фармацевтнинг номини эшитиши билан Эмма тутақиб кетди. Аммо Леон бирин-кетин асосли далиллар келтира бошлади: ахир унинг айби нимада? Ахир, у Оменинг кимлигини билмайдими? Наҳотки Эмма, Леон учун унинг суҳбати афзалроқ, деб ўйлай олади? Эмма шунда ҳам ундан юз ўгираверди, ниҳоят Леон уни баррига тортиб, оёқлари остига тиз тўкди ва унинг белидан қучганича эҳтирос ва илтижони ифодаловчи қиёфа билан қотиб турди.

¹ Ҳа. (ингл).

Эмма қимир этмасдан турар, у ўзининг катта-катта, чақнаб турган кўзлари билан унга қаттиқ тикилганди. Бироқ кўп ўтмай унинг кўзлари ёш билан қопланди, пушти қовоқлари титраб кетди. У қўлини тортиб олишдан тўхтади, Леон энди уларни лабларига олиб борувди ҳамки, бирдан эшик тақиллаб қолди. Хизматкор уни қанақадир жаноб сўраётганини айтди.

— Тез қайтасанми?— сўради Эмма.

— Албатта.

— Яъни, қачон?

— Ҳозир, ҳозир.

— Мен қувлик қилдим,— деди фармацевт Леонга. — Назаримда бу хона соҳибини энёрат қилиш сизга оғир бўлди чамаси. Мен сизни бу аҳволдан қутқаришга қарор қилдим. Юринг, Бридуникига борамиз, бир стакандан Гарюс шарбатидан ичамиз.

Леон, аллақачон идорага бориши кераклигига қасам ичди. Шунда дорихоначи расмнятбозлик, қозибозлик устидан кула бошлади.

— Эй, қўйсангиз-чи ўша Куяций ва Бартоларингизни! Нега сиз улардан қўрқасиз! Тупурдим ўшаларга! Юринг, кетдик Бридуникига! У сизга итнин кўрсатади. Бу жуда қизиқарли!

Леон бўш келмасди.

— Бўлмаса мен ҳам бораман идорангизга,— деди фармацевт.— Сиз бўшагунингизча, газета ўқиб ўтирмаман. Қонунлар мажмуасини кўздан кечираман.

Эмманинг ғазабидан, фармацевтнинг эзмалигидан чарчаган Леон, яна бунинг устига тўйиб овқат еб бўшашганиданми, иккилана бошлади, жаноб Оме бўлса гўё уни сеҳрлаб қўйгандек эди.

— Юринг Бридуникига! У бу ердан икки қадамгина нарида, Мальпалю кўчасида туради.

Ўзининг бўш-баёвлиги, калтафаҳмлиги, бизни энг бемаъни ишларни қилишга судрайдиган, ифодалаш қийин бўлган ҳислар васвасаси туфайли Леон Омега эргашиб кетаверди. Бриду ҳовлида турган экан, у сельтер суви тайёрлайдиган машинанинг оғир чархини терлаб-пишиб, ҳансираб айлантираётган уч йигитни ку-

¹ *Куяций* — (Жак Кюжас, 1520—1590) машҳур француз юристи. *Бартол* — (Бартоло да Сассо — Ферратто, 1314—1357) ўрта асрнинг йирик юристларидан.

затиб турган эди. Оме уларга маслаҳат бера бошлади, кейин Бриду билан қучоқлашиб кўришди, кейин учалалари эликсир ичишди. Леон кетишга шунча уринди, лекин Оме унинг қўлидан шаппа ушлаб:

— Ҳозир, ҳозир! Мен ҳам кетаман. Сиз билан «Руан машъали»га кирамиз, журналистларни кўрамиз. Мен сизни Томасен билан таништираман,— дерди.

Ниҳоят Леон бир илож қилиб унинг қўлидан қочиб қутулди ва чопганича меҳмонхонага келди, лекин у ерда Эмма йўқ эди.

Қаттиқ газабланган Эмма ҳозиргина Ионвилга жўнаб кетганди. Энди унинг Леонни кўришга кўзи йўқ эди. Унинг келмаганлигини ўз шахсига ҳақорат деб билди ва у билан орани очиқ қилиб қўйиш учун янги янги сабаблар ахтарди: у оддийгина, кўнгилчан, аёлларга ўхшаш иродасиз, ҳеч бир иш қўлидан келмайдиган, буларнинг устига қурумсоқ ва қўрқоқ одам, деб ўйларди у Леон ҳақида.

Бир оз шахдидан тушгандан кейин унга нисбатан адолатсизлик қилаётганини тушунди. Бироқ биз яқин одамни қоралар эканмиз, бу маълум бир даражада бизни ундан узоқлаштиради. Санамларга қўл тегизиб бўлмайди, панжаларга зарлари юқади.

Шу кундан бошлаб Эмма ва Леон ёт нарсаларга кўпроқ эътибор беришадиган бўлиб қолишди. Эмма ўз мактабларида ташқаридан қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган ва сўниб бораётган эҳтироснинг оддийгина таянчи бўлмиш гуллар, шеърлар, ой ва юлдузлар — шу кабилар хусусида мулоҳаза юритарди. Ҳар бир янги учрашувдан Эмма одатдан ташқари бир нарса кутар, шунинг учун ҳам ҳар гал мисли йўқ бир лаззатдан баҳраманд бўлолмаганига ўзи иқроф бўларди. Бироқ ҳафсала пир бўлиш шу заҳоти умид билан алмашинар ва Эмма янада жўшқинлик, ташналик билан Леон олдига қайтиб келарди. У устидан кўйлагини олиб ташлар, корсетидаги ингичка шнур шувиллаб тушиб унинг сонига илондек чирмашарди. Сарпойчан, оёғининг учи билан юриб яна бир бор остонага борар ва эшикнинг берклигига қаноат ҳосил қилиб, бир зумда устида қолган либосларини ечиб ташлар, бирдан ранги оқарар, индамасдан, жиддий қиёфада Леоннинг бағрига маҳкам ёпишар ва аъзойи баданини узоқ титроқ босарди.

Бироқ мана бу совуқ тер босган пешанада, мана бу

пичирлаётган лабларда, жавдираган кўз қорачиқларида, мана бу чирмашган қўлларда ғайри табиий, англаб бўлмайдиган маъюслик бор эдики, Леоннинг назарида ана шу нарса уларнинг орасига кириб, иккисини икки ёққа ажратиб юборадигандек эди.

Леон унга савол беришга журъат этолмасди, лекин у Эммани кўпни кўрган хотин деб ҳисоблар ва у ҳаётнинг барча аламларини ҳам, роҳатини ҳам татиб кўрганлигига имони комил эди. Бундан ташқари, Эмма унинг шахсини тобора асорат остига олиб бормоқда эдики, бу Леонда ички норозилик қўзғатар эди. Леон Эмманинг, доимо ўз гапини ўтказишини кечира олмасди. У ҳатто Эммадан совишга ҳам уриниб кўрди, лекин унинг туфлисининг ғижир-ғижирини эшитиши билан худди майхўр ичкиликни кўрганда ўзини тутолмагандек, ўзини йўқотиб қўярди.

Тўғри, Эмма аввалгидек унинг кўнглини кўтариш учун ҳали ҳам унга кўзларини сузиб боқар, меҳрибонлик кўрсатар, энг тансиқ таомлардан тортиб то модали зеб-зийнат буюмларини аямас эди. Ионвилдан кўкрагида гуллар олиб келарди ва Леоннинг устидан сочарди. Унинг соғлигига қарар, яхши одатларга ўргатарди, уни ўзига қаттиқроқ боғлаш учун, илоҳий қудратдан мадад истаб унинг бўйнига Биби Марям суратини тақиб ҳам қўйди. Меҳрибон оналардек, Эмма, унинг ўртоқларини ҳам суриштирар эди.

— Улар билан улфатчилик қилма, — дерди у, — ҳеч қаёққа борма, фақат ўзимизнинг бахтимиз ҳақида ўйла, мени сев! — дерди.

Эмма унинг ҳар бир қўйган қадамидан воқиф бўлишни истарди, унинг юриш-туришини билиш учун орқасидан битта пойлоқчи қўйишни ҳам ўйларди. Меҳмонхона олдида, келган-кетганларга хира бўлиб илашаверадиган битта ирkit бор эди — шунга айтиб кўрса жон-жон деб рози бўлардику-я... Лекин бунга ўзининг гурури йўл қўймасди.

«Эй, бўлганича бўлар, алдаса, алдайверсин! Ушанга муҳтожмидим?» — деб ўзига тасалли ҳам берарди Эмма.

Кунлардан бир кун Леон билан одатдан ташқари вақтли ажралишди ва Эмма ёлғиз хиёбонлардан кетаёткан, кўзлари олдида ўзи ўқиган монастирнинг деворлари оқариб кўринди. Эмма қайрағоч тагидаги скамей

кага ўтирди. Қанчаллик жони тинч эди ўша вақтларда! Уша вақтларда китобларда ўқиб, кўв олдига келтиришга ҳаракат қилган, ажойиб гўзал муҳаббатни қанчаллик қўмсайди!

Турмушга чиққанининг дастлабки кунлари, ўрмондаги от миниб сайр қилганлари, вальсга тушган ви-конт, Лагарди — ҳаммаси-ҳаммаси кўз олдидан бир-ма-бир ўтди. Бирдан Леон ҳам пайдо бўлди, лекин худди ўшалардек узоқдан кўринди.

«Йўқ, мен уни севаман!» — дилидан ўтказди Эмма.

Начора, энди барибир! У бетоле ва аввалда ҳам, ҳеч қачон унинг бахти бўлмаган. Ҳаётдан қаноатланмаслик ҳисси унга қаердан келди? Нима учун у таянмоқчи бўлган ҳар бир нарса шу заҳоти чирий бошлайди?.. Бироқ, модомики, бу оламда зўр ва ажойиб, гайратли, шу билан бирга нозиктабиат, фаришта каби соф кимса бор экан, майин оҳангли, жарангдор торли лира бор экан, нима учун улар унга учрамайди? Йўқ, йўқ, бунинг асло иложи йўқ! Исташнинг ҳам ҳожати йўқ, негаки, бу дунёнинг ишлари ҳаммаси ёлғон! Ҳар бир табассум остида хунобгарчилик, диққинафаслик яширинган, ҳар бир севинч ортида ғам-ғусса, ҳар бир тусур-ҳаловат ортида мириқиш, ҳатто энг завқли бўсалардан кейин ҳам маст-аласт қилувчи ишратга бўлган ташналик қолади, холос.

Бирдан ҳавода бўғиқ товуш янгради — монастырь қўнғироқхонасида тўрт марта бонг урилди. Энди соат тўрт бўпти-я! Унинг назарида бўлса шу скамейкага ўтиргандан бери бир аср ўтгандек туюлганди. Бироқ ичкина бир бўшлиққа қанчадан-қанча одам сиғиб кетганидек, бир дақиқа ўз ичига бир талай эҳтиросларни қамраб ола олади. Эммани ўз эҳтирослари шу қадар қамраб олгандики, у пул ҳақида эрцгерцогиня қанча ўйласа, шунча ўйларди, холос.

Бироқ... бир кун унинг олдига, тепакал, юзи қипқизил, бадбашара одам ташриф буюрди, у Руандан, жаноб Венсар ҳузуридан келганлигини айтди. Узун, яшил сюртугининг ён чўнтагига қадаб қўйган тўгнағичини чиқариб, енгига қадаб қўйди-да, Эммага тавозе билан қандайдир қоғоз узатди.

Бу Эмма берган етти юз франкли вексель эди — Лере ичган барча қасамларини бузиб, унга даъвогар бўлибди.

Эмма савдогарга хузматчисини юборди, аммо Лере «бандман» дебди-қўйибди.

Нотаниш кишининг чимирилган оқиш қошлари тагига яширинган синчков кўзлари билан хона ичинини тимироскилар эди.

— Жаноб Венсарга нима деб айтай? — сўради у соддалик билан.

— Гап шундай... — бошлади Эмма. — Унга айтиники... ҳозир менда пул йўқ... Келаси ҳафтага... кутсин... Ҳа, рост. Келаси ҳафта бераман.

Юборилган одам индамай чиқиб кетди.

Шўнга қарамай, эртасига соат ўн иккида Эмма раддия олди. Бир неча ерида, катта-катта ҳарфлар билан: «Бюши шаҳрининг суд пристави жаноб Аран» деб ёзилган маркали қоғознинг кўринишининг ўзида. Эмманинг юраги така-пука бўлиб кетди, у оёғини қўлига олиб газламафурушнинг олдига чопди.

Жаноб Лере ўз дўконида пакет боғлаш билан овор эди.

— Ердамга тайёрман, — деди у. — Хўш, хизмат?

Лекин у, ҳар ҳолда, ўз ишини охиригача олиб борди, унга чамаси ўн уч ёшлардаги букри қиз ёрдамлашарди, бу қиз ҳам гумаштаси, ҳам ошпазлик вазифасини бажарарди.

Кейин у зинанинг пиллапояларидан ёғоч бошмолларини тақиллатганича Эммани иккинчи қаватга олиб чиқди. Устидан осма қулфнинг тўрт қиррали темир билан кўндалангига бостириб қўйилган, идора дафтари лари уйилиб ётган ва арчадан ясалган катта ёзув столи бор бир тор кабинетга бошлаб кирди. Девор тагида, чит парда орқасида катта пўлат сандиқ кўринарди. У шу қадар бесўнақай эдики, унинг ичида қоғоз пул ва векселлардан ташқари йирикроқ нарсалар ҳам сақланса ажаб эмас. Дарҳақиқат, жаноб Лере берган қарзларнинг эвазига олинган гаров буюмларни сандиққа соларди, Бовари хонимнинг тилла занжирини ҳам бора-бора корхонасини сотиб Кенкампуада баққолли дўкони сотиб олишга мажбур бўлган ва у ерда рангрўйи харидорларга сотиладиган шамдан ҳам сарғайиб, сил касалдан аста-секин ўлиб бораётган ношуд Телье амакининг зирагини ҳам худди шу сандиққа солиб қўйган эди.

Лере похолдан тўқилган катта креслога ўтирди.

— Хўш, нима дейсиз? — сўради у.

— Мана, кўрнинг ўзингиз.

Эмма унга қоғозни кўрсатди.

— Қўлимдан нима келади?

Эмма жиғибийрон бўлиб, векселларни вақтида тўламасанг ҳам «раддия» эълон қилмайман, деб берган ваъдасини эслатиб ўтди, аммо Лере бу ҳақда баҳслашиб ўтирмади.

— Бошқа иложим йўқ эди, ўзимга ҳам пул совуқ сувдек зарур бўлиб қолган эди.

— Энди нима бўлади? — сўради Эмма.

— Ҳаммаси ўз навбати билан кетаверади — олдин суд, кейин мулклар хатланади... тамом, вассалом!

Эмма уни тарсакилаб солиб юборишдан ўзини қўранг ушлади. Аммо энг беозор товуш билан ундан, бир бало қилиб Венсарни юмшатишнинг иложи йўқми, деб сўради.

— Қандай қилиб! Венсарни юмшатиб бўлибсиз! Уни билмас экансиз — у худонинг балоси-ку.

Ахир Эмманинг бутун умиди жаноб Лере-ку!

— Менга қаранг! Менимча, мурувват қилиш шунчалик бўлади-да, тагин нима керак?

Шу сўзлар билан у ўзининг дафтарларидан бирини очди:

— Мана, марҳамат, кўринг!

Ва бармоғини бигиз қилиб саҳифа устидан юргиза кетди:

— Ҳозир... Ҳозир... Учинчи августда икки юз франк, ўн еттинчи июнда бир юз эллик... Ингирма бешинчи мартда қирқ олти... Апрельда...

Лекин шу ерга келганда панд еб қолишдан қўрқиб тутилиб қолди.

— Булар ҳаммаси, жаноб Боварининг биттаси етти юз франк, иккинчиси уч юз франкли векселлардан ташқари! Сизнинг майда-чуйда қарзларингиз, процентларнинг боши-кетини аллақачон йўқотиб ҳам қўйдим, бу ерда иблис ҳам чалкашиб кетади. Йўқ энди, каминанинг қўлидан келгани шу!

Эмма йиғлади, ҳатто уни бир марта «жон, жаноб Лере», деб ҳам атади. Аммо Лере ҳамма айбни ўша «йиртқич Венсар»га тўнкайверди. Бунинг устига у ҳозир бир чақасиз, қарзни ҳеч ким тўламайди, у бўл-

са ҳамма учун соғин ситир, бечора бир дўкондор, шунча қарз бериш қўлидан келадими?

Эмма жим бўлиб қолди, жаноб Лере патқалам учини тишлаб ўтирар, ниҳоят Эмманинг жим бўлиб қолганидан кавотирланиб, яна гап бошлади:

— Аммо шу яқин кунларда менга пул тушгудек бўлса, шунда...

— Ҳарқалай мен Барневиль учун қолган пулни олишим билан...— деди Эмма.

— Нима, нима?

Ланглуанинг ҳали қарзни узмаганини билиб, Лере жуда таажжублангандек бўлди.

— Иккаламиз келиша оламиз деяписизми?...— тил-ёгламалик билан шивирлаб сўради Лере.

— О, бу фақат сизга боғлиқ!

Жаноб Лере кўзларини юмди, ўйлади, бир неча рақам ёзди, кейин энди боши ғалвадан чиқмаслигини, бу ниҳоятда нозик ишлигини, «бу аҳволда яқинда бошида сочи, оғзида тиши қолмаслигини» жаврай-жаврай, Эммага тўртта, ҳар биттаси икки юз эллик франкли векселни айтиб туриб ёздирди, шу шарт биланки, булар бирин-кетин бир ой ўтказиб тўланиши керак.

— Ишқилиб, Венсарни кўндирай-да! Энди фойдаси нима, айтилган сўз — отилган ўқ! Мен айтганимнинг устидан чиқаман, менинг бўлганим шу!

Кейин бепарволик билан унга янги моллар кўрсатди, лекин улардан бирортаси ҳам Леренинг фақмича, Бовари хонимнинг кўнглига ёқмасди.

— Буни қаранг-а, мана бу матонинг метри атиги етти су туради, унинг устига айнимаслягига кафилман! Одамлар талаб кетяпти! Ўзингиз тушунасиз, мен уларга бунинг сирини айта олмайман-ку!

Бошқа харидорларга доғули қилишига очиқ иқроф бўлиши билан Эммага нисбатан чин қалбдан содиқ ёканлигини билдиришга уринар эди.

Шундан кейин Эммага гипюр кўрсатди, бу матодан уч метргинасини аукционда олган экан.

— Жуда соз!— деб завқланарди у.— Энди уни креслоларнинг устига қоплаш учун кўп олишади. Жуда мода бўлган мато-да!

Шу он у худди кўзбўямачиникига ўхшаган эпчил

қўллари билан гипюрни кўк қоғозга ўраб, Эмманинг қўлига берди.

— Қанча туради бу?..

— Ҳисоблашамиз!— деб сўзини бўлди Лере ва ўзи иши билан шуғуллана бошлади.

Шу оқшомнинг ўзидаёқ Эмма эрини онасига меросдан қолган ҳамма нарсани бетўхтов юборишини сўраб хат ёзишга мажбур қилди.

Қайнана энди ҳеч нарса қолмагани, мол-мулк таркана қилинганини ва Барневилни ҳисобга олмаганда уларнинг ҳиссасига олти юз ливрлик йиллик даромад тушишини ва шу пулни мунтазам тўлаб туриш мажбуриятини ўз устига олишини ёзиб юборди.

Шунда Бовари хоним беморларнинг баъзи бирларига счётлар юборди ва яхши натижа берган бу чорани тез кунда кенг қўллай бошлади. Счётнинг охирида у албатта: «Бу ҳақда эримга огиз очманг — унинг иззат-нафсини биласиз... Беговта қилганим учун кечиринг... Хизматингизга тайёр...»— деб қўшиб қўярди. Бир-икки норози мактублар келган эди, уларни Эмма йўқ қилди.

Пул тўплаш учун Эмма эски қўлқопини, эски шляпаларини, темир-терсакларини сотди; жон-жаҳди билан савдолашарди. Бирдан мужиклигига тортдиқўйди. Бу камлик қилгандек у Руандан майдачуйда нарсалар сотиб олиб, уларнинг устига нарх қўйиб жаноб Лерега ва эқтимол яна бошқа савдогарларга сотиш фикрига тушди. Эмма туяқуш патлари, хитой чинилари, пардоз қутичалари сотиб олиб келди. Фелиситедан, Лефрансуа хонимдан, «Қизил яримой» меҳмонхонасида, тўғри келган одамдан қарз олди. Ниҳоят Барневилнинг охириги пулини олиб иккита вексел бўйича қарзини тўлади. Лекин бу вақт яна битта векселнинг, бир ярим минглик векселнинг ҳам тўлаш муддати етиб келди. У яна қарз олди, томоғигача қарзга ботди.

Тўғри, у энди вақт-вақти билан счётларни текшириб турарди, лекин бунда шунчалик даҳшатли нарсаларга дуч келиб қолардики, унинг аъзойи бадани музлаб кетарди. У яна қайтадан санар, янглишиб кетар, «уҳ» деб ташлаб қўяр, ортиқ бу ҳақда ўйламасди.

О, энди у серҳашам уйнинг шунчалик файзи кетдики, асти иложи йўқ. У ердан тўхтовсиз газаблан-

ган мол етказиб турувчилар чиқишар эди. Камининг ҳар ер-ҳар ерида Эмманинг дастрўмоллари сочилиб ётарди. Кичкинтой Берта, Оме хонимнинг кайфини учириб, чурук-чурук пайпоқларда юрарди. Шарль хотинига қўрқа-писа андак танбеҳ берса, бунда менинг айбим йўқ, деб жеркиб ташларди.

Бу тутақишларнинг асли сабаби қаерда? Шарль буларнинг барчасини Эмманинг ўша бир вақтдаги асабий хасталиги билан изоҳларди. Хасталикни унинг характериға боғлаганидан ўзини койирди, ўзини худбинликда айбларди, уни эркалатиб кўнглидан чиқаргиси келади, лекин шу заҳоти:

«Йўқ, йўқ, ҳозир унинг жонига тегиш керакмас!» — деб ўзини тиярди.

Шундай қилиб, ёнига йўламасди.

Овқатдан кейин ҳам боғда битта ўзи сайр этарди. Баъзан у тиззасига Бертани ўтқазиб, медицина журна-лини очиб ҳарфларни кўрсатарди. Бироқ ўқишга ўрган-маган Берта катта-катта ғамгин кўзлари билан отасига тикиларди-да, йиғлай бошларди. Отаси уни қўлидан келганча юпатар, лейкада сув олиб йўлга шилдиратиб оқизар, дарахтлардан новдалар синдириб келиб, улар-ни гўё булар дарахтдек, гулхона четларига ўтқазиб қўярди, лекин бу ниҳоятда хароб аҳволга тушган боғнинг ҳуснини унча бузмасди ҳам, ахир қачонлар-дан бери боғбон Лестибудуага пул тўлашмасди! Кейин, қиз совуқ қотар, ғингиб онасининг қаердалигини сўрарди.

— Энагангни чақир, — дерди Шарль. — Биласан-ку, болажоним, онанг жонига теккан одамни ёмон кўради.

Куз келди, барглар тўкилди. Эмма бундан икки йил бурун худди шунақа вақтда касал бўлган эди. Ахир, қачон, қачон тугайди бу ҳасрат-надомат?.. Шарль қўлини орқасига чалиштириб боғда юрарди.

Бовари хоним ўз хонасидан чиқмас, унинг олдига киришга ҳеч ким журъат этолмасди. У бу ерда нари-дан-бери кийиниб, силласи қуриб кунни ўтказар ва фақат ҳар замонда ўзи Руанда жазоирликдан сотиб олган хушбўй шамни ёқишга буюрарди. Кечаси эри унинг ёнида ётмаслиги, ухламаслиги учун инжиқлик қилавериб, Шарлни шу аҳволга келтирди, у учинчи қаватга кўчиб чиқишга мажбур бўлди, ўзи бўлса азон-гача қонли фожиялар билан тугайдиган, айш-ишратлар

тасвир этилган аҳмоқона романларни ўқир эди. Баъзан уни даҳшат ўраб олар, у чинқирар, Шарль югуриб тушар эди.

— Йўқол! — дерди Эмма.

Эмманинг қалби аланган оташ бўлиб, пинҳоний ишқнинг ўтида куйиб жизғанақ бўлган пайтларда унинг нафаси оғзига тиқилиб кетарди, ҳаяжонланган, ҳирс билан тўлиб-тошган Эмма деразаларни очиб кашлар ва салқин ҳаводан мириқиб-мириқиб нафас оларди, шамол унинг қалин сочларини тўзгитар, ўзи бўлса юлдузларга тикилиб романларда тасвир этилган ишқ-муҳаббатни қўмсарди. Эмма у ҳақда — Леон ҳақида ўйларди. Шундай дақиқаларда у битта қониқ-берадиган учрашув учун бор-йўғини қурбон қилишга ҳам тайёр эди.

Бу учрашувлар Эмма учун байрамга айланар эди. Бу учрашувларнинг иложи борича дабдабали бўлишини хоҳларди. Башарти Леон харажатларни тўлай олмаса, у пулни кулдек совурарди ва бу аҳвол деярли ҳар гал такрорланарди. Леон бошқа бирор, ўртачароқ меҳмонхона ҳам улар учун ёмон бўлмаслигини уқ-тиришга ҳаракат қилса ҳам, у ўз сўзида туриб оларди.

Бир кун Эмма сумкачасидан беш-олти зарҳалли қошиқлар олди. (Бу Руо отанинг тўёнаси эди) ва Леондан уларни шу заҳотиёқ ломбардга¹ Эмманинг номига топширишни сўради. Леон топшириқни унча ёқтирмай бажарди. У ўзини маломатга қўйишдан қўрқарди.

Леон чуқур мулоҳазадан сўнг шундай бир хулосага кела бошлади, маъшуқаси тобора ғалатироқ қилиқлар чиқаряпти, аслида ундан бир илож қилиб қутулса ёмон бўлмасди.

Булардан ташқари кимдир алақачон унинг онасига: «Леон эрли хотин билан алоқада бўлиб, ўзининг ҳаётини хароб қилишини» маълум қилувчи узундан-узоқ юмалоқ мактуб ёзибди. Мўътабар хоним ҳамма оилаларнинг бошига битган бало бўлган абадий «олабўжи»нинг қанақадир ёвуз иниятли тирик жоннинг, ишқ-муҳаббат гирдобига яшириниб олган сув парисининг, денгиз алвастисининг ноаниқ қиёфасини кўз олдига келтирди-ю, дарҳол ўғлининг бошлиғи Дю-

¹ Бирор нарсани гаровга олиб, қарзга пул берадиган жой.

бокажга мактуб ёзди, Дюбокаж ҳам қараб турмади. У Леонни ўз кабинетида бир соатча олиб ўтирди, насли хатлар билан унинг кўзини очди ва жаҳаннам ёқасида турганини аниқлади. Бу хилдаги алоқа унинг келажагига доғ туширишини айтди. У Леондан, тездан орани очиқ қилиб қўйишни сўради, ўзи учун ҳаракат қилмаса, буни — Дюбокажнинг кўнгли учун қилишини ёлвориб сўради.

Ниҳоят Леон Эмма билан учрашмасликка сўз берди. Ундан кейин ҳам анчагача сўзининг устидан чиқолмаганидан ўз ёғига ўзи қоврилиб юрди, яна гап-сўз кўпайишини, бу хотин юзасидан ҳали тағни қанча кўнглисизликлар юз беришини ўйларди, у билан бирга ишлайдиган хизматчилар бўлса ҳар кун эрталаблар печка ёнида исиниб, унинг устидан кулишарди. Бунинг устига Леонни бош иш бошқарувчилик лавозимига кўтаришга ваъда қилинган, ахир қуюлиши ҳам керак-ку! У энди най чалишдан ҳам, кўтаринки ҳислардан ҳам, орзу-умидлардан ҳам воз кечди. Дунёда бирор мешчан йўқки, у ёшлик гурури қайнаган бир пайтда бир кун, бир дақиқа бўлса ҳам, ўзини чуқур ҳиссиётларга ва жасур бир қаҳрамонлик кўрсатишга қобилиятли деб ҳисобламасин. Оддий бир ишратпарастнинг ҳам қачондир кўнгли маликада бўлади, ҳақ қанақа нотариус ҳам шоир бўлишни орзу қилади.

Энди Эмма Леоннинг кўксига бош қўйиб бирдан йиғлаб юборса гаши келади. Шундай одамлар борки, улар музикани маълум бир меъёрда эшита оладилар — шунга ўхшаш Леоннинг қалби энди эҳтирос оҳанглирини эшитмас, ҳислар ўртасидаги нозик фарқни илғаб ололмасди.

Леон билан Эмма бир-бирларини шунчалик билиб олишган эдики, энди улар қовушиш севинчи юз бора оширувчи ҳаяжонни сезмасдилар ҳам. Эмма уларга тўйиб кетди. Леон улардан чарчади. Эмманинг оилавий ҳаётида таъқиб этилган ўша қабиҳлик, хуфёна севгида ҳам юзага телиб чиқмоқда эди.

Бироқ қандай қилиб буларнинг барчасига барҳам бериш керак? Бу аянчли бахтнинг қанчалик тубан эканини Эмма равшан тушунарди, шунга қарамай ўрганиш туфайлими ёки ўзининг ахлоқсизлиги туфайлими, уни қўлдан бермасди. Кун сайин унга жонжаҳди билан ёпишарди ва қалбаки кайф-сафо билан

ўзини заҳарлар, оламда йўқ ҳузур-ҳаловатларни қўмсаб юрак-бағрини қон айларди. У орзуларининг ушалмагани учун Леонни айбдор, деб ҳисоблар, гўёки Леон уни атайлаб йўлдан оздирган эди. У ҳатто бир ҳалокат юз бериб, шу туфайли ундан жудо бўлишини истарди, лекин алоқани узишга унинг руҳий кучи етмасди.

Бу — Леонга аввалгидек ошиқона мактублар ёзишга халақит бермасди, хотин киши ўз ошиғига хат ёзиши шарт эканига имони комил эди.

Лекин у ёзув столида ўтирганда кўзлари олдида бошқа бир одам, ўзининг энг ёрқин таассуротларидан, китобларда ўқиган энг гўзал тасвирлардан, ўзининг энг зўр орзуларидан тўқилган хаёлий бир сиймо гавдаланар эди. Бора-бора у шунчалик ҳақиқатга яқин ва унга эришиш ўнгайга ўхшаб кўринардик, Эмма таажжубланиб сесканиб кетди.

Лекин уни аниқ тасаввур эта олмас, у худди худо каби ўз сифатларининг кўплигидан кўзга чалинмасди. У болохоналаридан ипакли нарвонлар тушиб турадиган ложувард оламда, ой нури тушиб турган муаттар ис тарқатувчи гуллар ичида яшарди. Эмманинг назарида у шу яқингинада, ҳозир келади ва биттагина ўпич эвазига Эмма унга борлигини бағишлайди, Эмма бирдан худди оёғидан биров чалиб юборгандек йиқиларди: бу беҳуда ҳаяжонлар уни энг ашаддий ишрат-парастликдан ҳам ортиқ мадорини қуритарди.

Жисмоний ва руҳий тушкунлик ҳисси уни тарк етмасди. У судга чақириқ ва ҳар хил расмий қоғозлар олди, лекин уларга кўз қирини ташлаб қўярди, холос. У ҳаётдан бутунлай кетишни ёки қаттиқ уйқу дарёсига гарқ бўлишни истарди.

Буюк рўзанинг ўрталарида у бир кун Ионвилга қайтмади, кечқурун маскарадга борди. У бахмал тор шим, оёғида қизил пайпоқ, бошида кокили бор парик, цилиндрни эса қия қилиб кийиб олганди. Бутун тун бўйи у тромбонлар ҳайқириқ оҳангига рақсга тушди, эркаклар унинг орқасидан илашишарди, тонг отишга яқин у «ҳаммол» ва «денгизчи» ниқобини кийган Леоннинг ўртоқлари ҳамроҳлигида театрда иштирок етди, улар Эммани овқатга таклиф қилишган эди.

Яқин ўрталардаги кафеларда одам лиқ тўла эди. Ниҳоят улар қиргоқ бўйида битта жўнгина ресторан

топишди, хўжайин уларни бешинчи қаватдаги битта торгина кабинетга бошлаб чиқди.

Эркаклар бурчакка тўпланишиб олиб, пичир-пичир қилишди, чамаси бўладиган харажатни ҳисоблашарди. Буларнинг ичида битта котиб, иккита фельдшер ва битта гумашта бор эди. Келиб-келиб Эмманнинг топган улфатини қарангу! Аёллар-чи! Уларнинг овозида ҳаммаси энг тубан, бузуқ аёллар эканини Эмма дарро пайқайди. У қўрқиб кетди ва улардан нарироққа сурилиб, ерга қараб ўтирди.

Ҳаммалари овқат ея бошлади, Эмма туз тотмади. Боши қизиб, қовоқлари оғирлашди, эти увишди. Уни назарида калласи бал бўлаётган залда айланди-поли ўйинга тушаётган жуда кўп оёқларнинг би маромда урилишидан силкинаётганга ўхшарди. Кейин пуншнинг ҳидидан, сигараларнинг тутунидан кўнгли беҳузур бўлди, ҳушидан кетди, уни дераза олдига олиб келдилар.

Тонг ёриша бошлади. Оқиш осмонда, Сент-Катрин тепалиги устида қизил аланга тобора кенгайиб бормоқда. Совуқдан кўкариб кетган дарё шамолда кўпирарди. Кўприк устидан ҳеч ким ўтмасди, фонуслар бирин-кетин сўна бошлади.

Шу орада Эмма ўзига келди ва дафъатан эсига келган нарса Ионвилда, энаганинг қўйнида ухлаб ётган Берта бўлди. Шу дақиқада устига узун-узун тунука тахта ортилган арава ўтди, тунукаларнинг даранг-дурунг овозидан уй деворлари зирилларди.

Эмма ирғиб ўрнидан турди, бошқа хонага кириб кийимини ўзгартирди, Леонга, уйга кетишим керак, деди ва ниҳоят «Булонь» меҳмонхонасида ёлғиз ўзи қолди. У атрофдаги ҳамма нарсадан, ҳатто ўзидан ҳам нафратланарди. У қуш каби узоқ-узоқларга, соф бўшлиқлар томон қанот қоқиб учгиси, руҳан ва жисман ўзини ҳалоллагиси келарди.

У кўчага чиқди ва хнёбон билан Кошуаз майдонидан ўтиб, уйлардан кўра боғлар кўп бўлган шаҳар чеккасига чиқди. У тез-тез қадам ташлаб кетаркан, салқин ҳаво унга ором бахш этди ва унинг кўзлари олдида гувиллашаётган тундаги башаралар, ниқоблар, рақслар, паға-паға тумандан тарқаб кетди... «Қизил яримой» меҳмонхонасига етиб келиб, у учинчи қаватдаги «Ажал минораси» кўринишларидан олинган расм-

лар осиглиқ хонасига кўтарилди ва ўзини каравотга отди. Кундузи соат тўртда уни Ивер уйғотди.

Уйда Фелисите соатнинг орқасига яшириб қўйилган бир варақ қоғозни кўрсатди. Эмма ўқиди:

«Суд қарорининг нухаси...»

Қанақа суд тагин? Кеча кечқурун яна битта қоғоз келтирганларини у билмаган эди, шунинг учун бу сўзлар унинг энка-тенкасини чиқариб юборди:

«Подшо, қонун номидан Бовари хонимни...»

У бир неча сатрларни ташлаб ўтди.

«... йигирма тўрт соат ичида...»

Нима, йигирма тўрт соатнинг ичида?

«...Саккиз минг франкни тўлиқ тўлашга буюради».

Давоми:

«Акс ҳолда қонунга мувофиқ бутун кўчма ва кўчмас мулки хатланади».

Нима қилиш керак? Йигирма тўрт соатдан сўнг! Демак эртага! У ўзича Лере шунчаки пўписа қиляпти деган хулосага келди. Назарида унинг барча хатти-ҳаракатларининг фарқига энди борди, бу «сахийликлардан» кузатилган мақсадни энди тушунди. Лекин пул миқдорининг жуда катталиги уни бир қадар кўнглини тинчитди.

Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, насняга мол олавериш, уни вақтида тўламай, қарз олавериш, қайта-қайта векселлар беравериш, муддати ўтган сари проценти ошавериш, Эмма жаноб Леренинг фойдасига салмоқли капитал тўплаб берди, энди бу йиғилиб қолган капитал жаноб Леренинг бошқа маккорона ишларига кор келарди.

Эмма ҳеч нарсани билмаган киши бўлиб унинг олдида борди.

— Нима бўлганни билдингизми? Албатта, бу ҳазил-а?

— Йўқ.

— Хўш, бўлмаса нима?

У бутун гавдаси билан аста Эмма томон бурилди қўлларини кўкрагида чалиштириб:

— Наҳотки, муҳтарама хоним, сизнинг шаҳло кўзларингиз учунгина бир умр мол етказиб берувчи ва банкир бўлиб хизмат қилади деб ўйласангиз? Ахир менинг аҳволимга ҳам тушунинг-да! Қачон бўлса ҳам пулларимни қайтаришингиз керакми-йўқми?

Эмма пулниг жуда катталигидан порозлик билдирмоқчи бўлди.

— Ҳеч иложи йўқ! Суд тасдиқлаган! Ҳукм бор! Сизга у расмий равишда эълон қилинган. Кейин бу менинги ишим эмас, Венсарнинг иши!

— Сиз бир илож қилиб...

— Мен ҳеч нарса қилолмайман.

— Ҳар қолда... Келинг, бир ўйлашиб кўрайлик.

Эмма бўлмағур гапларни гапирди: гўё ҳеч нарсадан хабари бўлмаган, булар ҳаммаси томдан тараша тушгандек кутилмаган нарсалар...

— Ким айбли? — Энгашиб масхараомуз сўради Лере. — Мен қолдан тойгунча уринаман, сиз бўлсангиз ўйин-кулгидан бўшамайсиз.

— Ақл ўргатмасдан гапирининг иложи йўқми?

— Ақл ўргатишининг ҳамма вақт фойдаси бор, — ътироз билдирди Лере.

Эмма унинг олдида ўзини пастга урди, ёлворди, ҳатто ўзининг чиройли, узун, оппоқ бармоқларининг тиззасига тегизиб қўйди.

— Қўйсангиз-чи! Нима, мени йўлдан оздирмоқчимисиз?

— Ифлос! — деб бақирди Эмма.

— О-ҳо! Бирпасда ўзгариб қоласиз-а, — кулиб туриб гапирди Лере.

— Мен айбингизни бўйингизга қўяман. Эримга айтаман...

— Мен бўлсам эрингизга баъзи бир нарсаларни кўрсатаман!

Шу сўзлар билан Лере пўлат сандиқдан, Венсар векселларини ундирмоқчи бўлгандаги берган бир минг етти юз франкли тилхатни олди.

— Бечора эргинангиз, сизнинг бу муттаҳамлик қилганингизни тушунмайди деб ўйлайсизми? — сўради у.

Эмманинг бошига тўқмоқ келиб тушгандек кўзи тиниб кетди. Лере бўлса дераза билан стол оралиғида у ёқдан-бу ёққа қадам ташлаб, ҳамон такрорлади:

— Мен албатта унга кўрсатаман, албатта унга кўрсатаман...

Кейин у Эмманинг олдигинасига келиб, бирданга тилёглама оҳанг билан гапира бошлади:

— Тушунаман, албатта, бу яхши иш эмас, аммо тўғриси айтганда, бундан ҳеч ким ўлган эмас, ваҳо-

ланки, пулимни қайтариб бериш учун сизда бошқа йўл бўлмаганлиги учун...

— Қаердан олай ахир? — бармоқларини қисирлатиб сўради Эмма.

— Эй, қўйсангиз-чи! Ахир ёр-дўстларингиз бор-ку!

Бу гапни айта туриб у Эммага шу қадар қаттиқ, шу қадар даҳшатли назар ташладики, Эмманинг вужуди титраб кетди.

— Ваъда бераман, вексель ёзинг, қўл қўяман... — гудирлади у.

— Қўл қўйишингиздан ҳам тўйиб кетдим!

— Мен яна бирор нарса сотаман...

— Бас қилинг! Энди ҳеч нарсангиз қолмади! — елкасини учириб, унинг сўзини бўлди савдогар ва дўконга қараган туйнукдан:

— Аннета! Ун тўртинчи рақамли газламадан уч кийимли олиб кел! — деб бақирди.

Хизматчи қиз келди. Эмма ҳамма нарсага тушунди ва фақатгина ишни бости-бости қилишга қанча пул керак эканлигини сўради.

— Кечикдингиз!

— Агар мен сизга бир неча минг франк олиб келсам-чи! Чорагини, учдан бирини, деярли ҳаммасини?

— Йўқ, йўқ, бефойда!

У Эммани оҳиста зина томон итарди.

— Утиниб сўрайман, жаноб Лере, ҳеч бўдмаса яна уч-тўрт кун муҳлат беринг!

Эмма ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Эй, кўз ёшга бало борми?

— Шундай оғир аҳволда қолдимки!

— Тупурдим аҳволдингизга! — деди эшикни бекита туриб жаноб Лере.

VII

Эртасига суд пристави жаноб Аран ёнида иккита гувоҳ билан унинг мол-мулкини хатлагани келганда Эмма ўзини жуда дадил тутди.

Улар Боварининг кабинетидан бошлашди, лекин бош суякни хатга олишмади, негаки, уни «медицина асбоби» қаторига қўшишди. Лекин ошхонада лаганлар, хурмачалар, стуллар, шамдонларни, ётоқхонада бўлса этажеркадаги майда-чуйда безакларни хатлашди. Эм-

манинг кўйлакларини, ички кийимлар, пардоз-андоз хонасини кўздан кечиришди. Эмманинг бутун ҳаёти, барча хилватгоҳлари билан, худди ўликни ёриб кўрган-дек, мана шу уч эркакка намоён қилинган эди.

Жаноб Аран бошдан-оёқ тугмаси қадалган қора фракда, оқ галстук, почасида тасмаси бор шим кийиб олган, ҳар замон-ҳар замонда Эммага қараб:

— Рухсат этгайсиз, хоним! Рухсат этгайсиз!— деб қўярди.

Ҳар дақиқа унинг товуши эшитилиб туради:

— Қанақа чиройли нарса-я! О, ажойиб!

Кейин жаноб Аран чап қўлида ушлаб турган шохдан ясалган сиёҳдонга патқаламни ботириб, яна ёзишга тутинарди.

Турар жойни айланиб чиқишгандан кейин чердакка чиқишди.

У ерда Эмманинг пюпитри¹ турар, унда Родольфнинг мактублари сақланарди. Пюпитрни очишга тўғри келди.

— Э, бу ерда хат-мактублар кўп экан-ку,— деди кулиб жаноб Аран.— Шундай бўлса ҳам у ерда бошқа нарса йўқлигига қаноат ҳосил қилишим учун текширишга рухсат берасиз!

У худди ичидаги тилла тангаларни тўкмоқчи бўлгандек конвертларни аста-аста қийшайтира бошлади. Бир вақтлар юрагини ўйнатган саҳифаларга Араннинг семиз, қип-қизил, шиллиққуртдек иргамчик панжалари тегаётганини кўриб, Эмма ўзини аранг босиб турди.

Ниҳоят улар кетишди. Фелисите кирди. Эмма унга Боварининг йўлини тўсиб, уни чалғитиб туришни буюрди. Хатланган молларни пойлаб ўтириш учун қолдирилган қоровулни эса у ердан чиқмасликка сўз олиб, чердакка чиқариб юборишди.

Кечқурун Шарль Эмманинг назарида бир нарсадан ташвиш тортаётгандек кўринди. У Шарлни ҳаяжон билан кузатиб борар, унинг юзидаги ҳар бир бурушиқда ўзига қораловчи ҳукм ўқирди. Усти хитой экрани билан безалган каминга, кенг пардалар, кресло, унинг ҳаётини безаб турган мана шу нарсаларга кўзи ту-

¹ П ю п и т р — нота ва китоб қўядиган қия мослама.

шаркан, у пушаймон еди, тўғрироғи, алам-изтиробни босиш ўрнига баттарроқ аламга киритувчи қаттиқ ўкинч уни қамраб олди. Шарль оёғини панжарага қўйиб, бамайлихотир каминдаги чўғларни титиб ўтирар эди.

Қоровул панада ўтириб зеркиб кетди шекилли, бир нарсани тарақлатиб юборди.

— У ерда биров юрибдими? — сўради Шарль.

— Йўқ, — деб жавоб берди Эмма, — туйнукнинг қопқоғини бекитиш эсимиздан чиқибди, шамолда тарақлаяпти, — деди.

Эртасига якшанба куни Эмма Руанга кетди ва ўзи билган ҳамма банкирларнинг уйига бир-бир кириб чиқди. Бироқ улар ё қишлоқда, ё бирор ёққа кетган эдилар. Бу ҳам Эммани тўхтата олмади. Агар улардан баъзиларини уйларида топса, қийналиб қолганини, тезда қайтариб беришини айтиб пул сўрарди. Баъзи бирлари унинг башарасига қараб туриб кулишарди. Ҳамма унинг илтимосини рад қилди.

Соат иккида у Леоннинг уйига борди, эшикни қоқди. Уни киритмадилар, ниҳоят Леоннинг ўзи чиқди.

— Нега келдинг?

— Нима, келганим сенга ёқмаяптими?

— Йўқ... лекин...

Хўжайини уйда истиқомат қилувчиларнинг олдига «аёллар келишини» ёмон кўришини айтди.

— Сен билан гаплашишим керак, — деди Эмма.

Леон уни киргизиш учун эшикни очмоқчи бўлганди, лекин Эмма тўхтатди:

— Йўқ, йўқ! Юр, бизникига борамиз!

Улар «Булонь» меҳмонхонасидаги ўз хоналарига борди.

Кириши билан Эмма стаканни тўлдириб сув ичди, унинг ранги бўздай оқарган эди.

— Леон, менга кўмак бер, — деди у Леонга қараб. Эмма унинг қўлларини қисиб силкита бошлади.

— Менга қара, менга саккиз минг франк пул керак!

— Жинни бўлиб қолибсан!

— Ҳали жинни бўлганимча йўқ!

У Леонга бор-йўғи хатлангани, ўзининг кўлфатларини гапириб берди; Шарлнинг ҳеч нарсадан хабари йўқ, қайнагани уни кўрган кўзи йўқ, отасининг қў-

лидан ҳеч нарса келмайди. Бироқ Леон ҳаракат қилиши керак ва қандай бўлмасин талаб қилинаётган пулни ернинг тагидан бўлса ҳам топиши керак.

— Аммо мен, қандай қилиб...

— Сен эркак эмас, латтасан! — бақирди Эмма.

Бунга у ўта аҳмоқона жавоб қилди:

— Жуда ошириб юбординг! Бир минг экюнинг ўзи билан ўша чолингнинг оғзига уриш мумкин бўлса керак.

Бир чора топиш учун Леонда кўпроқ имконият бордек кўринарди. Уч минг франк топиш мумкин эмаслигига Эмма ҳеч қачон ишонмайди. Бундан ташқари Леон ўзи учун эмас, Эмма учун қарз олса бўлади-ку.

— Бор энди! Ҳаракат қил! Бу жуда ҳам зарур! Чоп... Ҳаммасини қил! Улгунимча севаман сени!

Леон чиқиб кетди, бир соатдан кейин қайтиб келиб, тантана билан;

— Мен уч киши ҳузурда бўлдим... ҳеч нарса чиқмади, — деди.

Улар юзма-юз каминнинг икки томонида қимирламай жим ўтиришди. Эмма елкаларини қисар, сабрсизликдан пошнасини тиқиллатар эди. Кейин бирдан Леон унинг шивирлаганини эшитди:

— Мен сенинг ўрнингда бўлсам, албатта топардим!

— Қаердан оламан, ахир?

— Идорангдан!

Эмманинг кўзлари ваҳшиёна жасурлик билан ёнар, кўз қовоқлари шаҳват уйғотиб, рағбатлантираётгандек сузилар эди, йигитча уни жиноятга тортаётган мана бу аёлнинг унсиз иродасига қарши эътироз билдиришга мажоли йўқлигини сезарди. Уни даҳшат босди, лекин ҳамма нарсага хотима бермаслик учун пешанасига бир шапатилади:

— Вой, ахир бугун кечаси Морель қайтиб келади-ку! Ишонаманки, у менга «йўқ» демайди. (Морель бадавлат савдогарнинг ўғли, Леоннинг ошниси эди.) Мен эртага пул олиб бораман, — деб қўшиб қўйди у.

Эмма, афтидан, унча қувонмади. Балки ёлгон деб гумон қилдимикан? Леон қизариб кетди.

— Лекин соат учгача етиб боролмасам унда мени кутмагин, азизим. — Огоҳлантирди у. — Энди, мени кечир, мен боришим керак. Саломат бўл!

Леон унинг қўлини қисди, лекин унга жавобан қў-

дини сиққанини сезмади. Эмма энди руҳий тушқунликдан ўзга ҳеч нарсани ҳис этмади.

Соат тўртга бонг урди. У одатланиб қолганлиги учун худди автомат каби ўрнидан турди — Йонвилга қайтиб кетиш керак эди.

Ҳаво жуда ажойиб, қуёш бўздай осмонда чарақлаб турадиган март ойининг очиқ ва салқин кунларидан бири эди. Руанликлар якшанба муносабати билан ясашишиб ўйнаб юришар, ҳаётдан завқ олаётганга ўхшар эдилар. Эмма черков майдонигача борди. Ҳозиргина ибодат тугаган, халқ тарқалмоқда эди. Одамлар худди уч тўғонли дарё каби ибодатхонанинг уч эшигидан оқиб чиқмоқда эди, катта эшик олдида эса дарвозабон қоядай қимир этмай турарди.

Шунда Эмма, қалби умид-орзулар, шубҳалар билан тўлиб-тошган ҳолда мана бу гумбазлар остига кирган кунини эслади, унинг муҳаббати эса ўша кезларда бу улкан қасрлардан ҳам улкан эди... Эмма ҳоли нима кечаётганини яхши аниқлай ҳам олмасди, лекин оёқлари чалишиб кетаётган бўлса ҳамки, ҳамон юришида давом этарди, кўзларидан эса тўр тагида ёшлари дувиллаб оқарди.

— Пўшт! — бақирди ланг очиқ дарвозадан кимдир.

Эмма тўхтади ва тильбюри шотиси орасида ўйноқлаб бораётган қора отни кўрди, уни сувсар пўстин кийган олифта киши ҳайдаб кетмоқда эди. Ким экан у? Эмманинг кўзига иссиқ кўринди... От бир олдинга ташланди-ю, чопиб кетди.

Эҳа, бу виконт-ку! Эмма орқасига ўгирилиб қаради, аммо кўча бўм-бўш эди. Тинка-мадори қуриган Эмма йиқилиб кетмаслик учун деворга суянди.

Кейин у, балки янглишгандирман, деб ўйлади. Умуман, энди ҳеч нарсага тушунолмасди. У ўзининг хароб бўлаётганини, жаҳаннам ёқасида турганини сезарди. Шу чоқ Эмма қадрдон Омени кўриб қувониб кетди. У қўлида хотини учун сотиб олган беш-олтита «саллачалар» тугилган рўмолини ушлаб «Қизил яримой» ҳовлисида дорихона моллари солинган катта қутини «Қалдирғоч»га ортишларини кузатиб турарди.

«Саллачалар» — бу рўзада ва албатта тузли мой билан ейладиган оғир тешик кулчалар эди, бунини Оме хоним жуда яхши кўрарди. Бу балки салиб юришлари давридан сақланиб қолган ягона ўрта аср таомла-

ридан бири бўлиши ҳам мумкин: эҳтимол, бу оғир кулчаларни еб паҳлавон нормандияликлар қорин тўйдиришгандир, бу кулчалар машғалларнинг сарғиш ёруғида уларнинг кўзига столдаги кўза-кўза шароблар ва катта-катта сон гўшtlари орасига ейиш учун сарацинлар¹нинг каллаларидек кўрингандир. Дорихоначи хоним тишларининг бузуқлигига қарамай «саллачалар»ни қисирлатиб ғажигани ғажиган, шунинг учун жаноб Оме ҳар гал Руанга келганда Масакр кўчасидаги энг яхши новвойхонадан хотини учун шуларни сотиб оларди.

— О, нақадар ажойиб учрашув!— деди у Эммани «Қалдирғоч»га ўтқаза туриб.

Кейин «саллачалар»ни юк тўрхалтасининг қайишига боғлаб қўйди, шляпасини ечди ва қўлларини қовуштириб, юзига наполеончасига хаёлчан тус берди. Лекин тоғ этагида ҳамма вақтдагидек сўқир пайдо бўлганда у жим туролмай:

— Асло тушунолмайман, нима учун маъмурлар шу чоққача бундай номақбул ишга йўл қўйишади! Мана бунақанги бадбахтларни жамиятдан йироқ тутиш ва меҳнатга ўргатиш керак! Худо ҳаққи, тараққиёт тошбақа юриш билан имилаб ҳаракат қиляпти. Ваҳшийлардан фарқимиз ҳали жуда оз!

Сўқир шляпасини узатди, у худди кўчиб кетган гулқоғоздек парда ёнида силкинарди.

— Бу ширинча касалингнинг натижаси!— деди фармацевт.

Оме бу шўрпешанани яхши танирди, лекин ўзини уни умрида биринчи марта кўраётганга солди ва кўз соққасининг устки пардаси, склера, габитус, фасциес деган каби махсус ибораларни ёғдира бошлади, сўнг оталарча меҳрибон оҳангда сўқир билан таплашиб кетди:

— Кўпдан бери оғрийсанми, биродар, бу дарди бедаво билан? Қовоқхоналарда тентираб юргандан кўра, парҳезга риоя қилиб, ўзингни даволасанг бўларди.

У сўқирга яхши вино, яхши пиво ичишга ва яхши қовурдоқ ейишга маслаҳат берди. Сўқир эса ҳамон

¹ Европа мамлакатларида ўрта асрда арабларни, кейин, умуман, мусулмонларни шундай деб аташган.

ашуласини айтарди. Умуман, у овоарроқ кўринарди. Ниҳоят жаноб Оме ҳаменини очди.

— Ма, мана сенга бир су, менга икки лиар қайтариб бер. Менинг маслаҳатларимни эсингдан чиқарма, уларнинг фойдаси тегади сенга.

Ивер бу сафсаталарга ишомаслигини айтишдан тортинмайди. Лекин дорихоначи сўқирнинг яраларини ўз қўли билан ясаган, яллиғланишга қарши ишлатиладиган дори ёрдамида тузатишни ўз зиммасига олишини айтди, унга ўз адресини берди:

— Жаноб Оме, бозор ёнида мени ҳамма танийди, — деди.

— Энди, — деди Ивер, — жанобларни безовта қилганинг эвазига бир масхарабозлик қилиб бер.

Сўқир чўққайиб ўтирди, бошини орқасига ташлаб тилини чиқарди ва кўкимтир йиринг йиғилиб қолган сўқир кўзларини айлантириб, икки қўли билан қорнини силай бошлади ва оч итдек бўғиқ овоз билан ириллади. Кўнгли айнаб кетган Эмма елкаси оша беш франкли танга ташлади. Бу унинг бор-йўқ давлати эди. Ўзи шу заҳоти, бу пулни бундан яхшироқ сарфлаб ҳам бўлмасди, деб ўйлади.

Дилижон йўлида давом этди, бироқ жаноб Оме бирдан ойнадан бошини чиқариб:

— Хамир овқат, сутли овқат ема! Жун кийим кий, яра чиққан ерларингни қора арчанинг тутунига тут! — деб бақирди.

Кўзлари олдидан лип-лип этиб ўтаётган таниш манзара Эммани қайғули хаёллардан чалғитди. У бутун вужудида оғир ҳорғинлик сизди; уйига овсар одамдек дармонсизланган, мудроқ босган қолда кириб келди.

«Нима бўлса бўлар», деди ўзича.

Кейин, ким билади? Ажаб эмас — бирор тасодифий ҳодиса юз берса, масалан, Лере тўсатдан ўлиб қолса.

Соат эрталаб тўққизда у майдондан эшитилаётган шовқин-сурондан уйғониб кетди. Бозорда, катта эълон слиштириб қўйилган симёғоч олдида одамлар йиғилган, Жюстен бўлса тумбочка устига чиқиб олиб эълонни йиртарди. Лекин шу чоқ қоровул унинг ёқасидан ушлаб олди, дорихонадан жаноб Оме чиқди. Лефрансуа хола оломоннинг қоқ ўртасида туриб олиб бир нималарни гапирарди.

— Бекам, бекам! — деб бақирди уйга чоғиб кира туриб Фелисите, — бу қандай ярамас иш-а!

Шу сўзлар билан бечора қиз ҳаяжонидан дағ-дағ титраб, ҳозиргина эшикдан кўчириб олган бир тахта сариқ қоғозни Эммага узатди. Эмма қоғозга кўзи тушиши билан ҳамма нарсани тушунди: бу унинг мол-мулки сотилиши ҳақидаги эълон эди.

Хоним билан хизматчи аёл бир-бирларига қараб қўйишди. Уларнинг ўртасида сир йўқ эди. Фелисите уҳ тортди.

— Мен сизнинг ўрнингизда бўлсам, бекам, Гильоменга борган бўлардим.

— Шунақами?

Бу савол билан Эмма:

— Хизматкор туфайли сен ҳамма нарсадан хабардорсан. Наҳотки унинг хўжайини бирор марта менинг ҳақимда гапирган бўлса? — демоқчийди.

— Ҳа, ҳа, унинг олдига боринг, яхшиси шу, — деди Фелисите.

Бовари хоним қора кўйлагини ва нозик мунчоқлардан қошия қилинган шляпасини кийди. Уни ҳеч ким кўрмаслиги учун (майдонда ҳамон одамлар тўдалашиб туришарди) орқа кўчадан, кейин дарё ёқалаб кетди.

Эмма нотариуснинг эшитига етганда зўрға нафасини ростлади. Ҳаво булут, қор учқунларди.

Қўнғироқ овозига қизил нимча кийган Теодор чиқди. Эммани у худди ўзининг эски ошнасидек бетакаллуфлик билан қарши олди ва тўғри овқатхонага бошлаб кетди.

Бутун тахмонни тўлдириб турган кактус тагида каттакон, кошинкор печка гувиллаб ёниб турарди, эман рангидаги гулқоғозлар ёпиштирилган деворларда қора ёроқ рамкаларга солинган Штейбеннинг «Эсмеральда»-си ва Шопеннинг «Потифаранинг хотини» деган суратлари осялиб турарди. Стол ясашиб қўйилган, иккита кумуш грелка, эшиклардаги биллур тутқичлар, паркет, жиҳозлар ҳаммаси-ҳаммаси инглизларга хос саришталик билан парпирарди. Чиройли бўлиш учун деразаларнинг бурчакларига рангли ойналар солинган эди.

«Шу емакхона менда бўлса» — деб ўйлади Эмма.

Нотариус кириб келди. У чап қўли билан хурмо бирглари шаклида гул тикилган халатини ушлаб, бошқа қўли билан жигар ранг духоба шапкачасини олиб,

ша бошқатдан килрди, шапкача таниозлик билан ўнг томонга — гарданида икки ёққа ажралиб, уч тутам оғиш соч кал бошини ўраб осилиб турган томонга суртилганди.

Гильомен Эммани креслога ўтиришга таклиф қилди, такаллуфсизлиги учун уэр сўраб, нонушта қилишга ўтирди.

— Сиздан бир илтимосим бор эди, жаноб... — деб гап бешлади Эмма.

— Хўш, хизмат, хоним? Қулоғим сизда.

Эмма ишнинг моҳиятини блён эта бешлади.

Жаноб Гильомен аялақачон газламафурушнинг ўзидан ҳамма гапня билиб олган эди. Гильоменнинг ўзи Лере билан тил бириктириб иш қилар, нотариусдан гаров хат устидан қарз сўраганларида жаноб Лере ундан пул аямасди.

Шундай қилиб, бу аччиқичакдек узун воқеаларнинг ҳаммаси Эммадан ҳам кўра унга аён эди: Эмманинг аввалига майда, ҳар хил одамлар томонидан тўлдирилган векселлари такрор-такрор кўчириб ёзилганини, ахири бир кун келиб, савдогар ҳамма раддияларни тўплаб судга беришни ўз дўсти Венсарга топширганни, лекин ҳамшаҳарлари орасида очофат деб ном чиқариш яхши эмаслигини ҳисобга олиб, ўз номидан судга беришни дўстидан сўраганини биларди.

Эмма ўз арз-додини ора-сира Леренинг шаънига айтилган таъналар билан бўлиб турарди, бунга нотариус онда-сонда сиз ҳам куймасин, кабоб ҳам қабилида жавоб қайтариб қўярди. Олтин занжир билан қўшилган иккита брильянт тўғнагич қадаб қўйган кўк галстуги унинг иягига тиралиб турарди. У котлет ер, чой ичар ва ҳадеб қанақадир ғалати, чучмал, коски жилмайиш билан кулиб ўтирарди. Кейин бирдан меҳмоннинг оёғи ҳўл бўлиб қолганига эътибор берди.

— Печкага яқинроқ ўтиринг... Оёгингизни бўлса юқорироқ кўтаринг... Кафелга яқинроқ, — деди.

Эмма кафелларни ифлос қилишдан қўрқди,

— Гўзал нарса ҳусн бағишлайди, холос. — Хушму-омалалик билан деди нотариус.

Эмма унинг кўнглида меҳр-шафқат қўвғатишга уринди ва аста-секин ўз ҳаётидан нолиб, камбағаллигидан, оилавий можаролардан, ўзининг эҳтиёжларидан гапириб кетди.

— У ҳаммасига тушунади, Эмма шундай зебо жу-
вон, — оғзидаги овқатини чайнаб деди нотариус. У
Эмма томонга ўгирилган эди, тиззаси Эмманинг печ-
кага тутиб ўтирган ва тагидан буг чиқаётган ботин-
касига тегди.

Эмма ундан бир минг экю сўраганда у лабини бур-
ди ва афсусланиб нега илгарироқ ўз мол-мулкини идо-
ра қилишни унга топширмаганини, зеро, фойда олиш-
да аёллар учун жуда кўп йўллари бор эканлигини айт-
ди. Ҳеч қанақа хавф-хатарсиз Грюмениль торф қазин-
ерларида, Гавр ер участкаларида пул топиш мумкин
эди. У Эммага қанча даромад кўришини айтиб, эсанки-
ратадиган рақамларни келтирди, бундан Эмманинг жо-
ни ҳалқумига келаёзди.

— Нега сиз менга мурожаат этмагансиз? — сўради
Гильомен охирида.

— Узим ҳам билмайман, — жавоб берди Эмма.

— Хўш, нега? Наҳотки мендан қўрққан бўлсангиз?
Демак, қисматдан сиз эмас, мен нолишим керак! Сиз
билан унчалик яқин таниш эмасмиз! Аммо мен сизга
бутун қалбим билан содиқман. Ишонаманки, сиз энди
бу ҳақда шубҳа қилмайсиз, шундайми?

У Эмманинг қўлини ушлаб, уни жон-жаҳди билан
ўпди, кейин қўлини ўз тиззасига қўйди ва унинг бар-
моқларини оқиста силаб ўтириб, муҳаббат изҳор қила
бошлади.

Унинг бир оҳангдаги товуши сув жилдирашига ўх-
шаб бир маромда чиқарди, кўзойнаклари тагидан унинг
кўз қорачиғлари чўғдек ёнаётгани кўриниб турар, бар-
моқлари эса юқорига кўтарилиб Эмманинг ёнига ки-
риб борарди. Эмма ўз ёноқларида унинг ҳансираган
нафасини сизди. Эмма учун у жирканч эди.

— Муҳтарам жаноб, мен кутяпман! — деди ўрнидан
ирғиб туриб Эмма.

— Нимани кутяпсиз? — сўради нотариус, унинг
ранги шу топда мурдадек оқариб кетган эди.

— Пул...

— Бироқ...

Нафс балоси ниҳоятда зўр эди.

— Хўп, яхши!.. — деди жаноб Гильомен.

Халатига эътибор ҳам бермай у Эмма олдига тиз
чўкиб, сурилаверди:

— Қолинг, илтимос қиламан! Мен сизни севаман!

У Эмманинг белидан қучоқлаб олди.

Эмманинг кўз-ўнги қоронғилашди, у нотариусга ўқрайиб қаради-ю, ўзини орқага ташлади.

— Уялмайсизми, муҳтарам жаноблари!— деб бақирди Эмма.— Менинг оғир аҳволимдан фойдаланмоқчимисиз?.. Мени хароб этишингиз мумкин, аммо мени сотиб ололмайсиз!

У югурганича хонадан чиқиб кетди.

Жаноб Гильомен ўзининг чиройли гиламнусха туфлисига маъносиз тикилганича қолди, бу — севувчи қалб ҳадяси эди. Унга анча тикилиб туриб аста-секин тинчланди. Бундан ташқари бу сингари бебошлик уни қалтис йўлларга олиб бориши мумкинлигини ўйлади.

«Аблаҳ! Ифлос!.. Нақадар тубанлик!» — шивирларди ўз-ўзига Эмма тоғ тераклари ўсиб ётган йўлдан шаҳдам қадам ташлаб кетаркан. Энг охирги умидлар барбод бўлди деган қайғули фикр таҳқирланган шарм-ҳаё туйғуларига аралашиб кетди. Унинг миясига тақдирнинг ўзи мени таъқиб этмоқда, деган хаёл келди ва бу фикр унинг борлигини гурурга тўлдирди, у ҳеч қачон ўзини шунчалик юксак баҳоламаган ва ҳеч қачон одамлардан шу қадар нафратланмаган эди. Унинг асаби шу қадар қаттиқ бузилдики, у ҳамма эркакларни дўппослаб, юзига тупуриб, тепкилагиси келди. Ранги оппоқ оқарган, аъзойи бадани титраган, қақшаган ҳолда, кўз ёшлари орасидан олис бўшлиққа тикилганича, қанақадир қаҳрли завқ билан олға қараб илдам қадам ташларди.

Ўз уйини кўриши билан бирдан унинг оёқ-қўли бўшашиб кетди. Оёқлари зил-замбил эди, бироқ кирмасликнинг иложини борми, қаерга ҳам борарди?

Фелисите уни йўлакда кутиб турган эди.

— Хўш?

— Барбод бўлди!— деди Эмма.

Унга ёрдам бериши мумкин бўлган ионвилликларини бирма-бир санаб чиқишди. Шунга ҳам ўн беш минутча вақт кетди. Лекин Фелисите бирор кишининг номини айтиши билан Эмма шу заҳоти эътироз билдирарди.

— Қўйсанг-чи! Ушалар рози бўладиган одамларми?

— Ахир ҳозир хўжайин келадилар-ку!

— Биладан. Мени холи қўй.

У ҳамма нарсани ўйлаб кўрди. Лекин боши берк

кўчага кириб қолган эди. Шарль келганда у энди очигини айтиб беради:

— Бу ердан кет. Сен оёқ босаётган гилам энди бизники эмас. Бутун бошли рўзгорингдан энди сенга битта нина ҳам қолмаган, ҳеч вақо! Мен сени хонавайрон қилдим, шўрпешана одам,— дейди.

Албатта, Шарль аччиқ-аччиқ йиглайди, йирлаб кўнгли бўшайди, кейин жаҳлидан, ҳовридан тушади ва уни кечиради.

— Ҳа,— шивирлади Эмма тишларини гижирлатиб,— у мени кечиради, лекин мен, унга насиб бўлганим учун миллион берсалар ҳам Шарлни кечира олмасдим... Ҳа, ҳеч қачон кечирмасдим... Ҳеч қачон!

Шарлнинг маънавий жиҳатдан юқори туриши ҳақидаги фикр унинг қонини қайнатарди. Нима бўлса ҳам, Эмма ўз айбига иқрор бўладими, бўлмайдами, ҳозирми, кейинроқми ёки эртагами, барибир фалокат юз берганини у биледи. Демак, бу оғир гапдан қочиб қутулиб бўлмайди, у Шарль олижаноблигининг барча оғирлигини ўз устига олиши муқаррар. Ёки яна бир марта Лере олдига бориб келсамикин? Бундан на фойда? Ёки отасига ёзиб юборсамикин? Кечикди. Эҳтимол, энди ўзи нотариуснинг сўзини қайтаргандан пушаймон еётгандир, бироқ шу чоқ отнинг дупури эшитилди. Шарль келган эди, у эшикни очди. Унинг ранги докадек оқариб кетган. Эмма физиллаганича зинадан чопиб тушиб, майдондан югуриб ўтди. Лестибудуа билан черков олдида тўхтаб турган мэрнинг хотини унинг солиқ инспектори олдига кириб кетганини кўриб қолди.

Тюваш хоним янгиликни айтиш учун Карон хонимнинг олдига чопди. Йккала аёл чердакка чиқишди ва ходаларда ёйиғлиқ турган кирларнинг орқасида биқиниб олишди, шу туришда улар Биненинг уйида бўлаётган ишларни бемалол кўра олишарди.

У ўзининг болохонасида танҳо ўтириб олиб, бемаъни, ҳеч кимга кераги бўлмаган суяк буюмларнинг нусхасини ёғочдан ўйиб ясаш билан машғул бўларди, булар ярим ой, бир-биринга киргизилган курралардан иборат бўлиб, қўшилгандан сўнг худди ёдгорликка ўхшаш бинойидек иншоот ҳосил қиларди. Солиқ инспектори энг охирги детални чархласа иши битар, мурод-мақсадга етарди! Нимқоронги устахонада чархдан худди чопқир отнинг туёғининг тағидан чиқаётган учқунга ўх-

шаш оплоқ чанг чиқмоқда эди. Гилдираклар айланар, гижирлар эди. Станокка энгашиб олиб Бине бурун катлакларини керар ва илжаярди, чамаси у ўз ишидан роҳатланарди, бундай роҳатни фақат енгил-елпи қийинчиликлари билан дилни шод этувчи ва етилган ютуқлардан қувонтирувчи ибтидоний машғулотгина бахш эта олади, зеро, бундан кейин олдинга интилишнинг ҳожати йўқ.

— А-ҳа! Ана у! — деди Тюваш хоним.

Лекин станок шундай гижирлардики, Эмманнинг сўзи эшитилмасди.

Ниҳоят иккала аёлнинг қулоқларига «франклар» деган сўз чалинди.

— Ҳозир ундан солиқ олмаслигини илтимос қиляпти, — деди Тюваш хоним.

— Бу баҳона! — деди Карон хоним.

Уларга Эмманнинг устахонада у ёқдан-бу ёққа юриб тургани, деворда сочиқ осиб учун қилинган ҳалқачалар, шамдонлар, панжара кунгураларини бир-бир кўраётганини ва Биненнинг мамнуният билан ягини силаб ўтириши кўриниб турарди.

— Балки унга бирор нарса буюртирмоқчидир? — деди тахмин қилиб Тюваш хоним.

— Эй, у ҳеч нарса сотмайди! — эътироз билдирди ҳамсоясини.

Солиқ инспектори чамасини диққат билан қулоқ солар, лекин кўзини шунча чақчайтиргани билан гапнинг тагига етолмаётганга ўхшарди. Эмма унга ноз ва илтижо билан тикилганича гапида давом этарди. Кейин Эмма унга жуда яқин келди, кўкраги баланд кўтаришган, иккиси ҳам ҳиқ этмай туришарди.

— Наҳотки у Бинегга карашма қилаётган бўлса-а? — деди Тюваш хоним.

Биненнинг қулоқларигача қизариб кетди, Эмма унинг қўлларини ушлади.

— Вой, худо урди!

Эмма муқаррар унга разил бир нарсани таклиф қилаётган эди, чунки солиқ инспектори — у унча-мунча тортинчоқ одамлардан эмасди — у ватани учун Баутцен ва Лютцен¹ майдонларида жанг қилган ва ҳаттоки

¹Баутцен ва Лютцен — Саксониядаги шаҳарлар, бу ерга яқин жойларда 1813 йилда Наполеон армияси ва рус-прусо қўшма қўшинлари орасида иккита катта жанг бўлган.

«Крестга тавсия қилинган» — бирдан худди илонни кўриб қолган одамдек Эммадан ўзини олиб қочди ва:

— Муҳтарам хоним! Ақлингизни едингизми? — деб бақирди.

— Бунақа хотинларни савалаш керак! — деди Тюваш хоним.

— Ҳой, унинг ўзи қани? — сўради Карон хоним.

Эмма бўлса аллақачон ғойиб бўлган эди. Орадан бир оз ўтгандан кейин уни яна кўришди, у катта кўчадан чопиб кетмоқда эди, кейин ўнгга, чамаси қабристон томонга бурилгандек бўлди, бу эса уларни баттарроқ ҳайратга солди.

— Роле хола, нафасим қайтиб кетяпти!.. — деди Эмма энаганинг олдига кира солиб. — Боғичларимни ечинг!

Эмма каравотга ўзини отди, у ҳўнграб-ҳўнграб йиғларди. Роле хола юбка билан устини ёпиб қўйди ва каравот ёнида турди. Лекин Бовари хоним битта ҳам саволга жавоб бермасди, шунинг учун энага яна чарх йиғиришга ўтирди.

— Эй, тўхтасангиз-чи! — пичирлади Эмма, буни Виненинг станогини деб ўйлаб.

«Унга нима бўлдикин? — ўйлади энага. — Нима сабабдан у меникига келди экан?»

Эммани бу ерга қўрқинчи ҳайдаб келганди, уйида қолишга юраги йўқ эди.

У чалқанча ётиб, қимир этмасдан кўзларини бир нуқтага қадаган эди, зотан, атрофдаги нарсаларга беэътибор тикилгани билан уларни аниқ ажрата олмасди ҳам. У девордаги ёриқлардан, тутаб турган икки чўгдан ва боши узра тўсин ёриғи бўйлаб гивирлаб юрган чўзинчоқ ўргимчакдан кўз узмасди. Ниҳоят хаёлини бир ерга йиғди. Эсига тушди... У бир кун Леон билан кетаётган эди... О, қанча вақтлар ўтди ўшандан бери! Дарё қуёш нурида жилоланар, атрофда чечаклар хуш ис таратар эди. Хотиралар жўшқин дарё каби уни узоқ-узоқларга олиб кетди ва ниҳоят кечаги кун кўз олдига келди.

— Соат неча бўлди? — сўради у.

Роле хола эшикка чиқди, осмоннинг энг ёруғ жойига қўлини чўзди ва шошилмай қайтиб кирди.

— Учга яқинлашибди, — деди у.

— Раҳмат! Раҳмат!

Ҳозир Леон келади. Келса керак! У албатта пул топган. Лекин у Эмманинг бу ердалигини билмайди-ку. Ҳойнаҳой тўппа-тўғри уйига боради. Эмма энагани уйига бориб Леондан хабар олиб келишга юборди.

— Фақат тезроқ боринг!

— Кетяпман, кетяпман, жоним!

Энди Эмма нима учун у ҳақда аввалроқ ўйламаганига тушуна олмасди. Кеча у сўз берган, ваъдасини бузмайди. У Леренинг олдига кириб, стол устига учта кредит билетини шартта қўйишини кўз олдига яққол келтирди. Кейин Боварига бир баҳона топиб тушунтириш мумкин, лекин нимани баҳона қилади?

Аммо энагадан ҳамон дарак йўқ. Бу кулбада соат дегаи нарса йўқ эди, «мен учун вақт узоқ чўзилаётгандир» деб у ўзига тасалли берди. У боғда айланиб юрмоқчи бўлди, тўсиқлар олдидан битта-битта қадам ташлаб ўтди, кейин энага қайтишда балки бошқа йўлдан юргандир деб умид қилиб, дарров уйга қайтиб кирди. Ниҳоят кутавериш тоқати тоқ бўлган, минг хил шубҳалар қуршаб олган, Эмма бу ерда қачондан бери ўтирганини — бир асрни ёки бир дақиқами — биллолмай бурчакка бориб ўтирди. Кўзларини юмди, қулоқларини бекитди. Эшик гижирлади. Эмма ўрнидан сапчиб турди. У энагага савол бериб улгурмовди ҳамки, энага:

— Сизни сўраб ҳеч ким келмабди! — деб юборди.

— А, а? Нима?

— Ҳеч ким, ҳеч ким келмабди. Хўжайин йиғлаб ўтирибди. У сизни чақиряпти, сизни қидириб юришибди.

Эмма жавобан ҳеч нима демади. Нафаси сиқилди, у атрофга жавдираб боқарди. Энага унинг башарасини кўриб беихтиёр орқага тисланди: у, Бовари хоним жинни бўли қолганга ўхшайди, деб ўйлади. Бирдан Эмма чинқириб юборди, пешанасига шапатилаб бир урдй: Родольф ҳақидаги фикр гўё зулмат тундаги чақмоқдек унинг онгини ёритиб юборди. У шундай оқ кўнгил, шундай одобли, шундай мурувватли одам эди! Башарти у иккиланиб қолса ҳам, Эмма уни шу илтимосни бажаришга мажбур этади. Родольфнинг қалбида эски муҳаббатни уйғотиш учун Эмманинг бир боқини кифоя! У Ла Юшетга жўнади, уни яқиндагина қат-

тиқ ғазаблантирган ишни қилишга ўз оёғи билан кетаётганини, бу ўзи учун қанчалик шармандали эканлигини ўйламасди ҳам.

VIII

«Унга нима десам экан, сўзни нимадан бошлап керак?» — ўйларди у йўл-йўлакай. Бу ерда ҳамма нарса: ҳар бир бута, ҳар бир дарахт, безгак гуллар ўсиётган тепалик, узоқдан кўринаётган чорбоғ — ҳамма нарса унга таниш эди. Уша дастлабки вақтлардагидек кўнгли юмшаганини сизди, унинг бўшаб қолган қалби севги шароби билан тўлди. Илиқ шабада унинг юзларини силарди, қор эримоқда, ҳали пиндиқ урмаган куртаклардан энди ердан чиқиб келаётган ўтлар устига томчиларди.

У одатдагидек кичкина эшик орқали боққа, ундан атрофи икки қатор, сершоҳ арғувон дарахтлари билан қопланган ҳовлига кирди. Уларнинг шохлари шамолда гувиллаб силкинишар эди. Итхонада итлар вовиллашди, лекин улар қанча улишмасин уйдан ҳеч ким чиқмади.

Эмма ёғоч панжарали, бурилмасдан тўғри кўтарилган кенг зинадан юқорига чиқди, тепада плита поллари кир бўлиб ётган йўлак бор, бу йўлакда худди монастирдагидек ёки меҳмонхоналардагидек қатор-қатор хоналар бор эди. Родольфнинг хонаси йўлакнинг энг охирида, чап томонда эди. Эмма эшик тутқичини ушлаши билан бирдан мажоли қуриди. Родольфни уйдан тополмайман деб қўрққанди, лекин шу билан бирга бу унинг энг охирги умиди, ҳалокатдан қутқарувчи охирги лангар бўлса ҳамки, уни ҳозир уйда бўлмаслигини хоҳлагандек эди. У ўзини мажбур қилди ва зарур деб билганидан барча жасоратини жамлаб туриб ичкари кирди.

Родольф оёғини панжарага тираб, камин олдида ўтирар ва тамаки чекарди.

— Ие, сизмисиз! — деди у ўрнидан ирғиб туриб.

— Ҳа, менман! Родольф, мен сиз билан маслаҳатлашмоқчиман.

Бироқ сўзи оғзида қолди.

— Сиз асло ўзгармабсиз, ҳали ҳам бояги-боягидек гўзалсиз!

— Демак, менинг жозибам унчалик кучли эмас эканки, сиз унга илтифотсизлик қилдингиз,— деди Эмма ачкиқ кесатиқ билан.

Родольф нима учун унга нисбатан шу ишларни қилганини тушунтира кетди ва ишонса бўладиган баҳона тополмай гапни чалғитди.

Эмманинг кўнглини олган нарса Родольфнинг сўзлари эмас, унинг товуши ва сиймоси бўлди. У ўзини ишонганга солди, эҳтимол, Родольфнинг келтирган далилларида жон бордир: унинг гапига қараганда, буларнинг айрилишининг сирини учинчи бир шахснинг ор-номуси ва ҳаттоки ҳаёт-мамотига боғлиқ эди.

— Барибир мен қаттиқ азоб чекдим,— деди Эмма унга маъюс кўзлари билан тикилиб.

— Ҳаёт шу, азизим! — деди Родольф файласуфлардек.

— Ҳар қалай, сиз билан жудолашганимиздан кейин ҳаёт сизга кулиб боқди шекилли-а?

— Кулгани ҳам йўқ, хўмрайгани ҳам йўқ...

— Ажрапмаганимизда яхшироқ бўлармиди балки?

— Ҳа, балки яхшироқ бўларди...

— Сен шундай ўйлайсанми? — деди Эмма унга сурилиб ўтираркан, уҳ тортиб. — О, Родольф! Билсанг эди!.. Мен қанчалик севардимки сени!

Фақат шундагина Эмма унинг қўлини ушлашга журъат этди ва бир неча дақиқа, биринчи марта кўр-газмадагидек, бармоқлар бир-бирига чирмашди. Родольфнинг иззат-нафси кўнсини тўлдириб келаётган меҳрибонлик билан курашиб турарди. Эмма бўлса унинг кўксига бошини қўйиб:

— Қандай қилиб мен сенсиз яшай олдим! Бахтни ёддан чиқариб бўладими! Мен шундай оғир аҳволга тушдимки, ортиқ яшай олмайман деб ўйлагандим! Кейин ҳаммасини гапириб бераман. Сен-чи... Сен мени кўришни пстамагансан!

Дарҳақиқат, Родольф шу уч йил мобайнида қўрқоқлик қилиб ўзини олқочиб юрди.

— Сен бошқаларни севдинг, иқроп бўл! — бошини чайқаб, худди эркатой мушукчадек унга суйканиб гапирди Эмма. — О, мен уларга тушунаман. Ҳа, тушунаман! Мен уларни кечираман. Сен уларни, худди мени йўлдан ургандек, йўлдан ургансан. Сен чин эркаксан! Сен дунёга севилиши учун келгансан. Лекин

биз бошидан бошлаймиз, хўпми? Биз яна бир-биримизни севамиз! Қара: мен куляпман, мен бахтлиман... гапир, жонгинам, гапирсанг-чи!

Худди момақалдиуроқдан сўнг гул баргларида ёмғир томчилари титрагандек унинг кўзларида ёш томчилари ўйнардн, шу дақиқа Эмманинг ҳусни жамолига тикилиб тўймасди киши.

У Эммани ўз тиззасига ўтқазди ва унинг текис таралган, оқшом ғира-ширасида офтобнинг охирги заррин нурлари тушиб турган сочларини қўлининг орқаси билан аста-аста силай бошлади. Эмма бошини қуйи солди. Шунда Родольф унинг қовоқларига лабларини тегизди.

— Йиғлаяпсанми?— деди у.— Нега йиғлайсан, жоним?

Эмма ҳўнграб-ҳўнграб йиғларди. Родольф буни юракда йиғилиб қолган ҳисларнинг портлаши деб ўйлади. У йиғидан тўхтагудек бўлса, бу уятчанлик аломати деб ҳисоблади.

— О, мени кечир!— деди у.— Елғизгинам!.. Мен аҳмоқлик ва шафқатсизлик қилдим! Сени севаман. умрбод севаман!.. Айт, эркам, сенга нима бўлди?

Родольф тиз чўкди.

— Гап шундай... Мен хонавайрон бўлдим, Родольф! Менга уч минг франк қарз бериб тур!

— Бироқ... бироқ...— ўрнидан аста-секин кўтарили туриб, жиддий гапирди Родольф.

— Биласанми,— тез-тез гапириб давом этди Эмма,— эрим ҳамма пулини нотариусга бериб қўйганди. у бўлса қочиб кетибди. Қарзларимиз бошимиздан ошиб кетди, касаллар пул тўлашмади. Лекин ҳақ мулкимиз ким ошди савдоси орқали сотилгани йўқ. пул топамиз. Лекин ҳозирча уч минг франк етмай турибди, молларимизни хатлашди, шу бугун хатлашди, мен ёрдам қўлиниги чўзишингга умидвор бўлдим, шунинг учун олдингга келдим.

«Ҳа, ҳа, у шунинг учун келган экан-да!»— деб ўйлади шу заҳоти ранги қув ўчиб кетиб Родольф.

Овозини чиқариб, хотиржамлик билан:

— Бунча пул менда йўқ, хоним,— деб жавоб берди.

У ростини айтган эди. Агар қўлида пули бўлса, албатта берарди, гарчи бундай саховат хунук иш ҳисобланса-да, ҳожатини чиқарарди. Севги орқали юз

берадиган ҳамма балолардан энг кўнгил қолдирадигани, энг ёмони, пул сўрашдир.

Бир неча дақиқа Эмма унга кўз узмасдан тикилиб турди.

— Бунча пул сенда йўқми?

У бир неча бор такрорлади:

— Бунча пул сенда йўқми? Бу охириги таҳқирнинг менга нима кераги бор эди? Сен менни ҳеч қачон севган эмассан! Сенинг ҳам бошқалардан ортиқ еринг йўқ.

Эмма ўз сирини очмоқда, ўзини хароб этмоқда эди.

Родольф унинг сўзини бўлиб, ўзининг ҳам «аҳволи анча танг» эканлигини исбот қила бошлади.

— Ачинаман сенга! — деди Эмма. — Ҳа, жуда ҳам ачинаман!..

Унинг кўзи қалқон устида ялтираб турган нақшдор карабянга тушди.

— Лекин камбағал одам милтиқ қўндоғини кумуш билан нақшламайди. Садафдан гул солинган соат сотиб олмайди! — давом этди у булев соатини кўрсатиб. — Сопига тилла сув юритилган қамчилар тутмайди! — у қамчиларни ушлаб-ушлаб кўрди. — Соат занжирларига безаклар осмайди! О, унинг ҳамма нарсаси бор! Ҳатто ертўласи бор! Сен ўзингга оро берасан, ўз ҳузурҳаловатинг учун яшайсан. Сенинг ажойиб уйинг, ферманг, ўрмонинг бор, ит билан ов қиласан, Парижга қатнайсан!.. Хўп, майли. Ҳеч бўлмаса мана буни олайлик! — деди Эмма каминдаги запонкани қўлига олиб. — Бу ерда ҳамма нарсани пулга айлантириш мумкин!.. Йўқ, буларнинг менга кераги йўқ! Ўзингга буюрсин!

У запонкаларни шу қадар шиддат билан улоқтирдикки, деворга тегиб унинг тилла занжири узилиб кетди.

— Мен бўлсам сенга ҳаммасини берардим, ҳаммасини сотардим, сен учун ишлардим, сенинг битта табассуминг учун, сенинг битта боқишинг учун, сендан фақат «раҳмат!» деган сўзни эшитиш учун гадолик қилишдан ҳам тортинмасдим! Сен бўлсанг, менга ҳеч қанақа жабр қилмагандек креслода хотиржам ўтирибсан! Биласанми, сен бўлмасанг, мен ҳали бахтиёр бўлишим мумкин эди! Ким сендан сўрагани? Ёки

худо кўрсатмасин, биров билан гаров ўйнаганмидинг? Ахир сен мени севардинг-ку, ўзинг айтардинг... ҳозир ҳам... Эй худо! Яхшиси мени қувиб чиқаришинг керак эди! Сенинг ўпичларинг ҳали қўлларимда совигани йўқ. Мана шу ерда, мана шу гиламнинг устида сен абадий севгинг ҳақида қасамёд этгансан. Мени ишонтиргансан. Сен икки йил давомида мени ширин, сеҳрли уйқу қучоғига фарқ этгансан! Саёҳатлар ҳақидаги режаларимиз-чи, унутдингми? Э, худо! Сенинг мактубларинг... Мактубларинг-чи! Тағин ҳам бу гамлардан юраккинам ёрилиб кетмаганига ҳайронман!.. Энди бўлса мен бунга... бу бадавлат, бахтиёр, эркин одам олдига келаману, ёрдам сўрайман, шу ёрдамни бирор биринчи учраган кишидан сўрасам ҳам берарди. Мени хор қилиб ташлаган одамни олдига юзимни сидириб ташлаб келаман, янгидан ўз севгимни унга инъом қиламан, у бўлса бу инъом уч минг франк турганлиги учуноқ мендан юз ўгиради.

— Менда бунақа пул йўқ! — деди Родольф, яна ўша бамайлихотирлик билан қўзғалиб келаётган қаҳру газабни гўё қалқон билан бекитгандек.

Эмма хонадан чиқди. Деворлар қимирлар, шифт уни босиб қолаётгандек эди. Кейин у шамолда ҳар томонга учаётган хазонлар уюмига қоқила-суқила узун хиёбондан чопиб кетди. Мана зовур, мана эшик. Эмма эшикни шошилнч билан оча туриб, тамбага уриб тирноғини синдирди. У яна юз қадамча юрди, нафаси оғзига тиқилиб кетди, йиқилиб кетаёзгани учун беихтиёр тўхтади. У яна бир бор атрофга боққиси келди. Яна унинг кўзига бепарво уй, парк, боғ, уч ҳовли ва кўчага қараган деразалар ташланди.

У гўё ўзини тош бўлиб қолгандек сизди. У юрак уришидангина ўзининг ҳали тирик эканини ҳис этди, юрак тепиши унга узоқ-узоқлардан эшитилаётган музиканинг қаттиқ овозига ўхшаб туюлди. Ер оёқлари остида худди сувга ўхшаб чайқаларди, жўяклар унинг кўзлари олдида улкан, қутурган, қорамтир тўлқинлардек кўтариларди. Барча таассуротлари, ўйлари, миясида нимаики бўлса — ҳаммаси бирдан жуда катта мушак олови каби лоп этиб ўт олди. У ўз отаси, Леренинг кабинетини, «Булонь» меҳмонхонасининг хонаси, бошқа жойларни кўрди. У ақлдан озаётганини сизди, уни даҳшат ўраб олди ва ўзини қўлга олишга

ҳаракат қилди, лекин бунга қисман муваффақ бўлди: аялч аҳволининг асл сабаби бўлмиш — пул унинг ёдидан кўтарилди. У фақат ўзининг севгисини ўйлаб ёнарди, уни эслашнинг ўзидаёқ жони танасидан жудо бўлаётгандек туюларди — бу аҳвол ўлаётган, жони қон оқаётган ярасидан чиқиб кетаётганини сезётган одамда бўлади.

Қоронғи туша бошлади, қаргалар айланиб учди.

Бирдан унинг назарида йилтироқ ўқларга ўхшаган олов курралар ҳавога уча бошлагандек туюлди, кейин улар яссилашар, айланиб-айланиб қуруқ шохларига қор ёпишган дарахтлар устига тушишар ва ўчишарди. Уларнинг ҳар бирда Родольфнинг юзи пайдо бўларди. Улар ҳамон кўпайишар, Эмма атрофида айланишар, уни тешиб ўтишар эди. Кейин ҳаммаси ғойиб бўлди. У туман ичида узоқдан йилтиллаб кўринаётган шаҳар чироқларини кўрди.

Шу ерда ҳаёт ҳақиқати унинг кўзаларя олдида жаҳаннам бўлиб кенг очилди. Унинг нафас олиши ниҳоятда қийин эди. Кейин мардлиги тутиб кетди, бу унга ҳатто шодлик ҳам бахш этди, у тоғдан чопқиллаганича тушди, дарёдан ўтди, сўқмоқ, хиёбон, бозорлар олдидан ўтиб дорихона олдига келиб қолди.

Дорихона бўм-бўш эди, у ичкарига кирмоқчи бўлди, лекин қўнғироқ чалса, бирор киши чиқиб қолиши мумкин. Шунда у нафасини ичига ютиб, деворни ушлаб ошхона эшиги олдига борди, ошхонада плита устида шам ёниб турарди. Жюстен кўйлакчан овқатхонага лаган кўтариб кетаётган эди.

«Ҳа, улар овқатланишяпти! Кутишга тўғри келади», — дилидан ўтказди у.

Жюстен қайтиб келди. Эмма деразани тақиллатди, у Эмманинг олдига чиқди.

— Калит! Юқорининг калити...

— Нима деяпсиз ўзингиз?

Жюстен унинг юзи оқариб кетганидан ҳайрон қолди, қоронғи оқшом фонида у оқ доғга ўхшарди. Унинг назарида Эмма шу топда жуда ҳам гўзал, худди «шарпа» каби улугвор кўринди. Жюстен ҳали Эмма нима истаганини тушунмасди, лекин қандайдир бир фалокат юз беришини кўнгли сезарди.

Эмма бўлса ўйлаб ўтирмасдан аста, мулойим, сеҳрловчи товуш билан:

— Менга керак! Калитни бер!— деб жавоб берди. Овқатхонанинг юпқа деворларидан вилкаларнинг шақир-шуқури эшитиларди.

Эмма каламушлар уйқусини безовта қилаётганини, шунинг учун уларни ўлдирадиган заҳар зарурлигини айтди.

— Хўжайиндан сўралса бўларди!

— Йўқ, йўқ, у ёққа борма!— чўчиб кетди Эмма ва шу заҳоти совуққонлик билан:— Шарт эмас! Мен ўзим унга кейин айтаман. Чироқ тут менга!— деди.

У йўлакка кирди. Йўлакдан лабораторияга кирадиган эшик бор эди. Деворда «омборники» деган қоғозли калит осилиб турарди.

— Жюстен!— тажанглик билан бақирди дорихоначи.

— Юр!

Жюстен унинг орқасидан эргашди.

Калит буралди, зийрак хотирасига ишонган ҳолда Эмма тўппа-тўғри учинчи токча олдига борди, кўк банкани чангаллади, қоғоғини очди, қўлини унинг ичига тиқиб, бир сиқим оқ порошокни олди ва шу заҳоти юта бошлади.

— Нима қиляпсиз!— деб бақирди Жюстен ўзини унга ташлаб.

— Жим тур! Бу ёққа келиб қолишлари мумкин...

Жюстен нима қилишини билмасди, ёрдамга одам чақирмоқчи бўлди.

— Ҳеч кимга айтма, акс ҳолда ҳаммасига хўжайиннинг жавобгар бўлади.

Эмма бирдан тинчиб, бурчини адо этган кишидек кўнгли ўрнига тушиб, хонадан чиқиб кетди.

Мол-мулки хатланганини эшитиб, ҳаяжонланган Шарль уйига югурди, Эмма эндигина чиқиб кетган экан. У бақириб-чақирди, йиғлади, ҳушидан кетди. Эмма бўлса ҳамон қайтмасди. У қаерда бўлиши мумкин? Фелиситени Оменикига, Тювашникига, Лереникига, «Олтин шер»га, ҳамма ёққа югуртирди. Руҳий изтиробни босилиши билан, мясига илгариги мавқеидан маҳрум бўлгани, мол-мулкидан ажрагани, қизининг келажаги барбод бўлгани ҳақидаги фикрлар қайтиб келди. Нима сабабдан шундай бўлди? Ҳамм.

нарса унга қоронғи. У кечки соат олтигача кутди. Ниҳоят, Эмма Руанга кетган бўлиши кераклиги хаёлига келди, оёғи куйган товуқдек бир жойда туролмай, катта кўчага чиқди, ярим лье юрди, ҳеч кимни учратмади, яна бир оз кутиб туриб, уйга қайтди.

Эмма бу вақт уйга келган эди.

— Бу қанақа гап?.. Нега? Тушунтирсанг-чи!..

Эмма ўз столи ёнига ўтириб хат битди, кейин соатини қўйиб, шошилмасдан конвертни ёпиштирди.

— Бу хатни эртага ўқийсан,— деди тантана билан Эмма.— Бугун бўлса, худо хайр бергур, менга бирорта савол берма! Бирорта ҳам!

— Ахир...

— Мени ўз ҳолимга қўй!

Шу сўзлар билан у ўрнига чўзилиб ётди.

Уни оғзидан келаётган тахир маза уйғотиб юборди. У Шарлни кўрди, кейин яна кўзини юмди.

У ўзининг аҳволини диққат билан кузатиб ётарди, оғриқ бошланадиган пайтни пайқашга тиришарди. Йўқ, ҳозирча йўқ! У соатнинг чиқ-чиқини, оловнинг читирлашини, каравот ёнида турган Шарлнинг нафао олишини эшитарди.

«Эҳ, ўлиш даҳшатли нарса эмас экан!— ўйларди у.— Мен ҳозир ухлаб қоламан, шу билан ҳаммаси битади».

Эмма сув ичди, кейин деворга ўгирилиб ётди.

Оғзидан ёқимсиз сиёҳ мазаси ҳамон кетмасди.

— Сув ичаман!.. Шундай сув ичгим келяптики!— деди хўрсиниб Эмма.

— Сенга нима бўлди?— сўради Шарль стаканда унга сув бера туриб.

— Ҳеч нима!.. Ойнани оч... Менга ҳаво етмаяпти.

Шунда унинг кўнгли айниди — шу қадар тез қайт қилиб юбордики, у ёстиқ тагидан дастрўмолини зўрға олишга улгурди.

— Олиб кет! Ташлаб юбор!— тез-тез гапирди Эмма.

Шарль сўраб-суриштира бошлади, у жавоб бермади. Кичик бир ҳаракатдан яна кўнгли айниб кетишидан қўрқиб, Эмма қимирламай ётарди ва айни бир вақтда товонидан юрагига ўткир совуқ чиқиб келаётганини сезарди.

— А-ҳа! Бошланди!— деди у.

— Нима дединг?

Эмма қийналарди, у бошини аста-аста айлантирар, худди тилида жуда ҳам оғир нарса тургандек, дам-бадам оғзини очарди. Соат саккизда унинг яна кўнгли айниди.

Шарль чинни тоғоранинг четларига қанақадир оқ дона-дона нарсалар ёпишиб қолаётганига эътибор берди.

— Қизиқ! Тушуниб бўлмайди!— деб такрорлади у бир неча бор.

Лекин Эмма овозининг боричча:

— Йўқ, йўқ, сен янглишяпсан!— деди.

Шунда у худди силаган киши бўлиб эҳтиётлик билан Эмманинг қорини ушлади, Эмма чинқириб юборди. Шарль даҳшатдан салчиб тушди.

Кейин Эмма инграй бошлади, аввал секин-секин ингради, елкаси кўтарилиб тушиб турар, ранги бўлса, томири тортишаётган панжалари чангаллаган чойшабдан ҳам оқариб кетган эди. Унинг нотекис ураётган томирини энди топиб ҳам бўлмасди.

Эмманинг маржон-маржон тер билан қопланган, кўкариб кетган юзига қараган кишига у кўрғошин гарди билан қоплангандек туюларди. Унинг тишлари тақиллар, қорачиғи кенгайган кўзлари нарсаларни аниқ кўролмагандек эди. Нимаики савол берилса, бош силкиб қўярди, лекин бир-икки марта зўрма-зўраки жилмайиб ҳам қўйди. Бироқ энди у қаттиқ-қаттиқ қичқира бошлади. Тўсатдан унинг кўксидан бўғиқ инграш отилиб чиқди. Шундан кейин у яхши бўлиб қолганини, ҳозир ўрнидан туражагини айтди. Айтиб улгурмовди ҳамки, баданининг томири тортиша бошлади.

— Ё раббий, қандай оғрияпти-я!— деб бақирди у.

Шарль унинг олдида тиз чўкди.

— Айт, нима еган эдинг? Жавоб бер, бутун авлиёлар ҳақди, жавоб бер!

Шарль унга шундай меҳр-муҳаббат билан қарардики, Эмма ҳеч қачон унинг кўзларида бунақанги ишқ-садоқатни кўрмаган эди.

— Ҳа... анови ерда... анови ерда!..— деди бўғиқ овоз билан Эмма.

Шарль баланд ёзув столига югурди, хатнинг муҳрини юлиб ташлаб, овозини чиқариб ўқиди: «Илтимоҳ қиламан, ҳеч кимни айбламанглар...» — ўқишдан тўхтади, кўзларини артди, тагин яна бир марта ўқиди.

— Бу нима кўргилик!.. Ёрдамга, бу ёққа, ёрдамга келинглари!— деб бақира бошлади.

У тўхтовсиз: «Заҳар ичибди, заҳар ичибди!»— деган битта сўзни такрорларди. Фелисите фармацевтга чопди. «Олтин шер»да унинг ҳам оғзидан беихтиёр шу сўзлар чиқиб кетди, ундан Лефрансуа хоним эшитди, қўшнилар югуришиб, бир-бирларига хабар қилишарди, ҳамманнинг оғзида шу гап, шу тун бутун шаҳарча ухламади.

Эс-ҳушини йўқотиб қўйган Шарль қоқилиб-суқилиб, гудирлаб уйда гирдикапалак бўларди. У мебелларга ўзини уриб олар, сочларини юларди — дорихоначи бу каби дилни вайрон қилувчи аҳволни умрида биринчи кўриши эди.

Кейин Шарль кабинетига кириб кетди ва жаноб Каниве билан доктор Ларивьерга хат ёзишга ўтирди. Бироқ у фикрини бир жойга тўплаб ололмас — хатларини ёзарди, йиртарди, ёзарди яна йиртарди, шу ҳол ўн беш мартача такрорланди. Ипполит Нефшателга жўнади. Жюстен бўлса Боварининг отини Руан йўлларида чоптириб кетди ва чарчаб ўлаётган отни Буа-Гильом тоғига ташлаб кетди.

Шарль медицина справочнигини варақлар, лекин ҳеч нарсани кўрмасди: сатрлар унинг кўз ўнгида сакрашарди.

— Хафа бўлманг!— деди жаноб Оме,— унга заҳарни қайтарувчи бирор нарса ичириш керак. Нима билан заҳарланибди, биласизми?

Шарль хатни кўрсатди — маргимуш билан заҳарланган.

— Ундай бўлса анализ қилиш керак,— кулоса чиқарди Оме.

У ҳар қанақа заҳарланишда ҳам анализ қилиш тавсия қилинишини биларди. Шарлга бир оз жон кирди!

— Анализ қилинг, ёлвораман, анализ қилинг! Уни қутқаринг!..

У яна Эмманинг олдига борди, гиламга тиз чўкди ва бошини каравотга қўйиб, ҳўнграб йиғлади.

— Йиғлама!— деди Эмма.— Тезда сени авобдан қутқараман!

— Нима учун? Нима сени мажбур этди?

— Шундай қилиш керак, дўстим,— эътироз билдирди Эмма.

— Ахир сен мен билан бахтиёр эмасмидинг? Менинг айбим нима? Мен сенга қўлимдан келганини аямадим.

— Ҳа... рост... Сен мурувватли одамсан!

Эмма қўли билан аста-секин унинг сочларини силади. Бу меҳрибонликдан унинг кўнгли баттар вайрон бўлди. Эммани йўқотаётгани ҳақидаги бемаъни фикрининг ўзидан Шарлнинг бутун ички дунёси емирилаётганини сезарди, айниқса, энди шунчалик меҳрибон, қадрдон бўлиб келаётган бир пайтда Эммани йўқотиш Шарль учун жуда оғир эди; у нима қилишини билмас, ҳеч нарсага қўли бормас, бирор қатъий чора кўриш зарурияти уни эсанкиратиб қўйган эди.

Эмма бўлса шу чоқ ҳамма алдашлар, хиёнатлар, унинг мадорини қуритган ҳирс-ҳавасларнинг тугаш пайти келганини ўйларди. Энди у ҳеч кимга қарши ўзида нафрат сезмайди, фикри зулмат билан қопланмоқда, ер юзидаги ҳамма товушлардан у энди фақат ўзининг, худди аста-аста секинлашиб бораётган, аккорди сўниб бораётган бечора қалбининг ноаниқ нолишини эшитарди, холос.

— Қизимни олиб келинглар! — тирсагига тиралиб туриб буюрди Эмма.

— Энди ҳеч еринг оғримаяптими? — сўради Шарль.

— Йўқ, йўқ!

Энага уйқуси чала бўлган қизни олиб келди, унинг узун тунги кўйлаги тагидан яланг оёқлари кўришиб турарди. Берта хонадаги бесаранжомликка ҳайратга тушиб қаради ва стол устида ёниб турган шамлар ёруғида кўзини қисди. Булар ҳаммаси унга чамаси янги йил кечасини ёки рўзадаги даҳа кунларини аслатди, ўшанда қизни шундай шамлар ёниб турганда уйғотишар ва онасининг қўйнига олиб келишар, у бўлса бирор нарса совға қиларди.

— Уйинчоқлар қани, ойна? — сўради Берта.

Ҳамма сукут қиларди.

— Туфличамни ҳам кўрмаяпман!

Фелисите Бертани каравот олдига олиб келди, у бўлса ҳамон камин томонга қарарди.

— Уни энагам олиб кетдимми? — сўради қиз.

«Энага» сўзи Бовари хонимнинг эсига барча хиёнатларини, барча чеккан азобларини солди ва ҳозиргидан ҳам кучлироқ заҳардан кўнгли ағдарилиб келаётган-

дай бўлиб тескари ўтирилиб олди, Берта энди каравотда ўтирарди.

— Кўзларинг шундай каттакъ, онажон! Бунча юзинг оппоқ? Ҳамма ёғинг тер! — дерди Берта.

Онаси унга тикилиб турарди.

— Қўрқиб кетяпман! — деди қиз ва орқага ташланди.

Эмма унинг қўлини ушлади ва ўпмоқчи бўлди, Берта типирчилаб ундан қоча бошлади.

— Бўлди! Олиб кетинглар уни! — бақирди чодир олдида йиғлаб турган Шарль.

Бир неча вақт заҳарланишнинг ҳеч қанақа аломати кўринмади. Эмма тинчиб қолди. Унинг ҳар бир сўзи, зоҳиран ҳеч қанақа маънони ифодаламаса ҳамки, унинг ҳар бир енгил нафас олиши Шарлга умид бағишларди. Каниве келганда у кўз ёшлари билан унинг бўйнига осилди.

— Келдингизми! Миннатдорман. Илтифотингиз учун ташаккур. Лекин у анча тузалиб қолди, ҳозир ўзингиз кўрасиз.

Бироқ ҳамкасбида бошқа фикр туғилди. У ўз наздида тахминга таянишни ёмон кўрарди, у ошқозонини тозалаш учун қустирадиган дори беришни буюрди.

Эмма қон аралаш қуса бошлади. Лаблари ингичка тортди. Оёқ-қўлларининг томири тортиша бошлади, бутун бадани қорамтир доғлар билан қопланди, томыр уриши худди таранг тортилган ипнинг титрашини, узилиб кетай-узилиб кетай деб турган торнинг титрашини эслатарди.

Бир оз ўтгандан сўнг у даҳшатли бақира бошлади. У заҳарга лаънатлар ўқир, уни қарғар, тезроқ таъсир қилишини сўрар, ундан ҳам баттарроқ даҳшатли азоб чекаётган Шарль «ич» деб нимаики берса ҳаммасини музлаб бораётган қўллари билан итариб ташларди. Шарль дастрўмоли билан лабларини бекитганча беморнинг ўрни олдида турар ва дувиллаб тўкилаётган кўз ёшидан бўғиларди, бошдан-оёғигача қалтирарди. Фелисите у ёқдан-бу ёққа югурар, Оме қоққан қозикдек тик туриб, ҳадеб оғир хўрсинарди, жаноб Каниве, гарчи ўз ишончини йўқотмаган бўлса ҳамки, нима қилишни билмай гаранг эди.

— Тавба!.. Ахир... ахир ичи тозаланган, демак, сабаби бартараф қилинган бўлса...

— Оқибат ҳам бартараф бўлиши зарур, — гапни илиб кетди Оме.

— Қутқарсанглар-чи уни! — деб бақирди Бовари.

Каниве дорихоначининг: «Балки бу нажотбахш ўзгаришдир» деган тахминига қулоқ солмасдан Эммага тарёк бермоқчи бўлиб турувди ҳамки, шу дақиқада кўчадан қамчининг шақиллаши эшитилди, бутун деразалар жаранглаб кетди ва раста томондан почта каретасига қўшилган, кўпикланиб кетган учта от ризиллаб чиқиб келди. Доктор Ларивьер келган эди.

Башарти Боварининг уйига худонинг ўзи келганда ҳам бунчалик кучли таъсир қилмаган бўларди. Шарль қўлларини осмонга кўтарди, Каниве турган ерида қотиб қолди, Оме бўлса доктор кирмасданоқ фескасини ечиб, қўлга олди.

Ларивьер, буюк Бишнинг жарроҳлик таълимотини, ўз санъатини мутаассиблик билан севувчи ва фавқулодда зукколиги билан донг чиқарган, лекин йўқ бўлиб кетган — файласуф врачлар авлодига мансуб эди. Ларивьернинг газаби тутганда бутун шифохона ларзага келар, шогирдлари унга сажда қилишар ва бир жойга ишга киришлари билан ҳар масалада унга тақлид қила бошлашарди. Ҳатто шу даражага бордики, Руан округида врачлар худди уникига ўхшаш, қоракўл ёқалди қавилган пальто, худди ўшаникига ўхшаган ўмизлари қадалмаган кенг қора фрак кия бошладилар, шунини қайд қилиб ўтиш керакки, Ларивьернинг керак бўлган дақиқада инсон дардини олишга доимо шай, қўлқоп кўрмаган, юмшоқ, жуда чиройли, оппоқ қўлларни ҳамisha кўришиб турарди. У амал, нишонлар, академияларни кўришга кўзи йўқ, сахнийлиги ва хушчақчақлиги билан ном чиқарган, камбағаллар учун турғишган отадек эди, саховатга нишонмаса ҳам ўзи ҳар қадамда эзгу ишлар қилар ва иблисдек идрокни зўр бўлмаганда, шу туфайли ундан ҳамма қўрқмаганда уни, авлиё деб танишлари ҳам турган гап эди. Унинг боқишлари ханжар тигидан ўткир, кишининг ичидагини билиб олар, киноя ва муболағаларни сидириб ташлаб, ёлғоннинг юзини очарди. Катта истеъдод, давлат ва қирқ йиллик ҳалол меҳнат вужудга келтирган мулоҳим улугворлик билан ҳаёт йўлидан дадил қадам ташларди у.

Ҳали эшик олдида турибоқ, чалқанча тушиб оғзини очиб ётган, ранги мурдадек оқариб кетган Эммага зеҳн солиб, у қошини чимирди, кейин Канивенинг гапига қулоқ солаётган киши бўлиб ва бармоғи билан бурнини силаб:

— Яхши, яхши! — деб такрорлади. Лекин шу чоқ астагина елкасини қисиб қўйди. Бовари унга тикилиб турарди. Уларнинг кўзлари тўқнашди ва дард-азобни кўравериб ўрганиб қолган Ларивьернинг кўзидан беихтиёр чиққан бир-икки томчи ёш ёқасига оқиб тушди.

У Канивени бошқа хонага бошлаб чиқди, Шарль уларнинг орқасидан кетди.

— Унинг аҳволи жуда оғирми-а? Горчичник қўйса бўлмасмикин? Нима қилишни билмайман. Бирор чорасини топинг! Ахир сиз неча-неча одамларни ўлим чапгалидан қутқариб қолгансиз-ку!

Шарль икки қўллаб унинг елкасига осилиб олди. Унга саросимали ва нажот истовчи кўзлари билан боқарди.

— Бардам бўлинг, азизим! Энди ҳеч нарса қилиб бўлмайди.

Шу сўзларни айтиб, доктор Ларивьер тескари қараб олди.

— Кетяпсизми?

— Ҳозир келаман.

Эмманинг куни битганига шубҳаси қолмаган Каниве билан Ларивьер кучерга топшириқ бериш баҳонаси билан ҳовлига чиқди.

Майдонда уларга фармацевт етиб олди. Машҳур одамлардан осонликча ажралиш у учун жуда оғир гап эди. У жаноб Ларивьерга мурожаат қилиб, унинг уйга қадам ранжида қилишини, бир озгина тамадди қилиб кетишини илтимос қилди.

Эр-хотия Омелар зудлик билан «Олтин шер»га каттар гўштига одам юборишди, гўшт дўконида қолган ҳамма гўштни котлет учун сотиб олишди, Тювашларникидан қаймоқни бор-йўғини, Лестибудуадан бор тухумни олишди. Дорихоначи столни ясашга ёрдамланди, Оме хоним бўлса кофточкасидаги боғиқларини пайпаслаб дерди:

— Айбга буюрмайсиз, жаноб. Визнинг хилват ерларда агар илгарироқ буюриб қўймасанг...

— Қадақлар!! — деб ўшқирди Оме.

— Шаҳарда бўлсак, ҳеч бўлмаганда почта дўлма тайёрлаган бўлардик...

— Бас қил!.. Марҳамат, доктор, столга марҳамат! Ҳаммалари овқатдан татиб кўришгандан кейин до-рихоначи бахтсиз ҳодисанинг баъзи бир тафсилотларини гапириб беришни лозим деб топди.

— Энг аввал томоқ қуриш қолати рўй берди, кейин қоринда қақшатқич оғриқ пайдо бўлди, қусди, ҳушдан кета бошлади.

— Қандай қилиб у заҳар ичган?

— Билмайман, доктор. Маргимуш кислотасини қа-ердан олганлигига асло ақлим етмайди.

Шу пайт қўлида бир даста ликопчалар билан Жюс-тен кирди ва шу сўзни эшитиб, ҳамма ёғи титраб кетди.

— Сенга нима бўлди? — сўради фармацевт.

Жавоб ўрнига бола қўлидаги ликопчаларни шарақ-латиб ерга тушириб юборди.

— Аҳмоқ! — бақирди Оме. — Анқов! Қўпол! Эшшак! Лекин шу заҳоти ўзини қўлга олди.

— Мен, доктор, анализ қилмоқчи бўлдим ва ргіпо-найчага секингина киргиздим...

— Бармогингизни унинг томоғига тикқанингизда яхшироқ бўларди, — деди жарроҳ.

Унинг ҳамкасби жимгина ўтирарди; у билан ҳозир-гина юзма-юз қолган Ларивьер, қустиргани учун роса пўстагини қоқди, анави товон қийшайишини тузатиш воқеасида ўзига ишонган, сўзамол бўлган муҳтарам Каниве энди камтарлик билан гапга аралашмай, докторнинг гапини маъқуллаб, жилмайибгина ўти-рарди.

Оме бўлса амфитрион² каби мағрурланиб ўтирар, Бовари ҳақидаги қайғули фикрлардан у шуурсиз ҳол-да вақти чоғ бўла бошлар ва худбинлик ҳиссига бери-либ, ўзига бино қўяр эди. Жарроҳнинг шу ердалиги унинг руҳини кўтарарди. У ўзининг донолигини кўз-

¹ Энг олдин (лот.).

² Амфитрион — Алкменанинг эри. Алкмена олдига эри қибфасида келган Зевсдан Гераклин туққан. Мольернинг коме-дияси туфайли «Амфитрион» ўзининг бадавлат ва меҳмондўстли-ги билан мамнун бўлган киши сифатида ном чиқарди.

кўз қилар, ҳар хил махсус дориларни: тиллақўнғиз, анчар дарахти, манцениллар, илон заҳри ва ҳоказоларни тилга олиб ўтирарди.

— Мен ҳатто ўзим ўқиганман, доктор, шундай воқеалар юз берганки, қаттиқ дудланган оддий колбасадан одамлар заҳарланиб, тил тортмай жон беришган. Мен буни фармакология олимларидан бири — бизнинг устозларимиздан бири бўлмиш машҳур Каде де Гасикурнинг ажойиб мақоласида ўқиганман.

Оме хоним силкиниб турган спиртовкани олиб келди — унинг эри қаҳвани мана шу ернинг ўзида, стол устида қайнатишни талаб қиларди, бу ҳам камлик қилгандай, унинг ўзи қаҳва доналарини қовурар, ўзи янчар, ўзи аралаштирар эди.

— *Saccharum*, доктор! — деди у қандни Ларивьернинг олдига суриб қўйиб.

Кейин у ҳамма болаларини чақиртириб келтирди, жарроҳ болаларнинг қадди-қомати ҳақида нима дейишига қизиқарди.

Жаноб Ларивьер кетмоқчи бўлиб турганда Оме хоним эри ҳақида маслаҳат сўраб унга мурожаат қилди: — қизиққонлик унга жуда зарар, у бўлса ҳамма нарсага жаҳли чиқиб кетаверадики, нақ ақлидан озай дейди, — деди.

— Ақли бўлса озади-да! — деди жарроҳ. У ҳеч кимга сезилмаган бу кесатикдан мийиғида кулиб эшикни очди. Лекин дорихона тўла одам эди. Жарроҳ, хотиним зотилжам касалига мубтало бўлса керак, негаки унинг каминга туфлайдиган одати бор, деб ҳасрат қила бошлаган жаноб Тювашдан, кейин мечкайлиғидан зорланган жаноб Бинедан, биқини оғрийдиган Карон хонимдан, бош оғриғига дучор бўлган Лередан, бод касали бўлган Лестибудуадан, аччиқ кеқиршидан ҳасрат қилган Лефрансуа хонимдан аранг қутулди. Ниҳоят тройка жўнаб кетди, ҳаммалари бир оғиздан доктор одамгарчилик қилмади, дейишди.

Шу чоқ ионвилликларнинг диққат-эътибори аббат Бурнизьенга тушди, у бозор томондан қўлида муқаддас ёғ солинган идиш ушлаб келмоқда эди.

Ўз маслағида қаттиқ турган Оме руҳонийларни мурда исини биладиган қарғаларга ўхшатарди. У руҳонийларга бепарво қарай олмасди; гап шундаки,

сутана¹ унга кафанни эслатар, кафандан эса ўлгудек қўрқар эди, қисман шунинг учун ҳам сутанани ёқтирмасди.

Лекин ўз «бурчим» деб атаган нарсасини гап-сўзсиз бажо келтирадиган Оме Каниве билан биргаликда Бовариникига яна қайтиб келди, жаноб Ларивьер Канивенинг албатта Бовариникига боришини илтимос қилган эди. Фармацевт ўз ўғилларини бирга олиб келмоқчиди, зероки, улар бу каби мудҳиш таассуротларни, фожиали ҳодисаларни кўриб пишишлари керак, бу уларга сабоқ, уларга ибрат бўлиб, бир умр мияларига ўрнашиб қолиши керак деб ҳисоблаганди, лекин оналари бунга тиш-тирноғи билан қарши турди.

Эмма жон бераётган уйда, ҳамма ерда, ҳамма нарсада қайғули тантананинг муҳри бор эди. Оқ сочиқ ёпилган иш столи устида бутга тортилган Исо сурати қўйилган, икки томонида шам ёнар, берирроғида юмалоқ-юмалоқ қилиб пахта қоғоз солинган катта кумуш лаган турарди. Эмманинг боши кўкрагига тушган, гайри табиий катта очилган кўзларини тўғрига тиккан, унинг заифлашган қўллари эса кўрпа устида гивирсилар — бу ҳамма ўлаётган, олдиндан кафанини кийишга уринган одамнинг ёқимсиз, мажолсиз ҳаракати эди! Ҳайкалга ўхшаган рангпар Шарль чўғ каби ёнаётган кўзлари билан энди йигламай каравотнинг оёқ томонида Эммага тикилиб турар, руҳоний эса бир оёқ билан тиз чўкиб пичирлаб дуо ўқир эди.

Эмма астагина бошини бурди ва руҳоний бўйнига таққан тўқ гунафша епитрахилни кўриб қувониб кетгандек бўлди, бу тасодифий тинчланишда балки у ўзининг йўқотган дастлабки мистик интилишларининг лаззатини қайтадан топгандир, бу Эмма учун абадий оромнинг тимсоли эди.

Руҳоний ўрнидан турди ва бутни олди. Шунда Эмма худди сув ичгиси келгандек бўйнини чўзди. Лаблари билан Исо пайғамбарнинг суратига ёпишди ва уни жонжаҳди билан ўпди. Шундан кейин руҳоний Misereatur² ва Indulgentiam³ дуосини ўқиди, чап қўлининг бош бармоғини идишдаги «тинч уйқу» мойига ботирди ва му-

¹ С у т а н а — руҳонийлар кийдиган узун кийим.

² Гуноҳидан ўтмоқ (лот.).

³ Кечириш (лот.).

қаддас ёғ сура бошлади: энг аввал у яқиндагина дунёнинг зеб-зийнатларига тўймаган кўзларига сурди, кейин илиқ, оромбахш шабадаларни, ишқ-муҳаббатнинг хушбўй исларини ҳидлаган бурун катакларига, кейин ёлғоң гапирган, ҳақоратланган гурурнинг дод-фарёди ва шаҳват оҳ-воҳларини изҳор этган лабларига, кейин эркалашдан лаззатланган қўлларига ва ниҳоят унинг нафсини қондириш учун шу қадар тез чопган ва энди ҳеч қачон ер юзида ортиқ қадам ташламайдиган товларига суриб чиқди.

Руҳоний панжаларини артди, ёққа беланган қоғоз-пахталарни ўтга ташлади, яна жон берувчининг ёнига ўтирди ва энди у ўзининг тортган азоблари эмас, Исо пайгамбарнинг азобларини ўйлаши ва ўзини яратганининг марҳаматига топшириши кераклигини айтди.

Хайрбод сўзларини тамом қилгандан сўнг руҳоний Эмманнинг қўлига муқаддас ёғ суртилган, уни нариги дунёда кутаётган ҳузур-ҳаловатнинг рамзи бўлмиш шамни ушлатмоқчи бўлди, бироқ Эмма мадорсизлигидан уни ушлай олмади, агар аббат бўлмаганда шам ерга тушиб кетарди.

Эммага бир оз ранг кирди ва гўёки дуолар унга шифо бахш этгандек юзларида хотиржамлик ифодаси пайдо бўлди.

Руҳоний бу ҳолга Шарлнинг эътиборини тортишни унутмади. У ҳатто, баъзи бир ҳолатларда одамни ҳалос этмоқчи бўлса тангрининг ўзи унинг ҳаётини чўзишга қодир эканини айтди. Шунда Шарль Эмманнинг бир вақтлар ҳам дуо-ибодатлардан сўнг соғайиб кетганлигини эслади.

«Ҳали чиқмаган жондан умид» — деб ўйлади Шарль.

Дарҳақиқат, Эмма худди уйқудан уйғонгандек, хонани астагина кўздан кечирди, кейин зўр-базўр, лекин аниқ қилиб кўзгу беришларини сўради ва энгашиб унга то кўзидан икки томчи йирик-йирик ёшлари тирқираб чиққунча узоқ тикилиб турди. Шунда у хўрсиниб, ўзини ёстиққа ташлади.

Шу топда у бўғила бошлади, тили осилиб, кўзлари юқорига тортилди ва ўчаётган лампа каби нурсизланди, азбаройи оғир нафас олганидан худди жони отилиб чиқишга нитилаётгандек, биқинлари лопиллай бошлади, шусиз Эммани ўлган деб ўйлаш мумкин эди.

Фелисите бут олдига тиз чўкди, фармацевт ҳам бир оз тиз букди, жаноб Каниве маъносиз боқиш билан деразага қараб турар, Буринзъен кўрпа-тўшак четига энгашиб яна дуо ўқий бошлади. Унинг узун сутанаси ерга тегиб турарди. Шарль каравотнинг изриги томонида тиз чўкиб ўтириб Эммага интиларди. У Эмманинг қўлларини қисар, худди қулаб тушаётган бинонинг гумбурлашидан қўрқиб титраётгандек, унинг юрагининг ҳар тепишида қалтираб кетарди. Эмма қанчалик кучли хирилласа, руҳоний дуони шунчалик тез ўқирди. Гоҳ дуонинг калималари Боварининг бўғиқ йиғи товушига қўшилиб кетар, гоҳо дафн қўнғироғининг овозига ўхшаган лотинча ибораларнинг оғир гувиллаши ҳамма товушни босиб кетарди.

Бирдан тротуарда ёғоч бошмоқларнинг тарақ-туруғи, ҳассанинг тўқиллаши ва бўғиқ товуш билан:

Ёзининг иссиқ кунларида қиз
Ёрин ўйлаб толмайди ҳаргиз,—

деб куйланган қўшиқ эшитилди.

Сочлари паришон Эмма, қорачиқлари кенгайган кўзларини бир нуқтага тикиб, худди мурдага жон киргандек ўрнидан кўтарилди.

Уроқчига бўлурми етиб,
Дала бўйлаб Нанетта бу чоқ
Нозик ниҳол қоматин эгиб
Сайҳонликда терарди бошоқ.

— Сўқир!— деб бақирди Эмма ва бирдан ўзини йўқотиб, мудҳиш, телбаларча қаҳ-қаҳ уриб кулди — мангу зулмат ичида унинг кўз олдида гадойнинг бадбашара юзи қўриқчидек гавдаланди.

Бирдан шамол қўзғалди сарин
Ҳилпиратди қиз этакларин.

Охирги талваса Эммани ёстиққа ташлади, ҳамма уни ўраб олди, Эмма ўлди.

IX

Агар бирор одам вафот этса, атрофдагилар эсанкираб қолади — бор одамнинг бирдан йўқ бўлиб қолишини ақлга сиғдириш шу қадар қийинки, бунга киши

Ўзини ишонтиролмайди. Лекин Эмманинг жони танидан чиқиб кетганига ишониши билан Шарль: «Алвидо! Алвидо!» — деб ўзини Эммага ташлади.

Оме ва Каниве уни хонадан олиб чиқиб кетдилар.

— Тинчланинг!

— Яхши,— дерди у уларнинг қўлидан чиқишга уриниб.— Мен ўзимни тутаман, ўзимча ҳеч нарса қилмайман! Мени қўйиб юборинглар! Мен унинг олдига киришни истайман! Ахир у менинг хотиним-ку!

У йиғларди.

— Йиғланг,— деб рухсат берди фармацевт,— табиат ўзи шуни талаб қилади, енгил тортасиз!

Мадори қуриган Шарлни ёш боладек етаклаб пастга — емакхонага олиб тушишди, шундан кейин, кўп ўтмай жаноб Оме уйига қайтди.

Майдонда унга сўқир ёпишиб олди: у елга қарши мой дори борлигига ишониб сандирақлаб Ионвилга келибди ва кўрган-билгандан дорихоначининг қаерда туришини суриштириб юрган экан.

— Қаранг-а, буни! Сендан бошқа ғалвам йўқми менинг. Ҳа, майли, кечроқ келарсан,— деди жаноб Оме ва дорихонасига югуриб кириб кетди.

У иккита мактуб ёзиши, Бовари учун тинчлантирадиган суюқ дори тайёрлаши, Эмма ўзини ўлдирганини яшириш учун бирор баҳона ўйлаб топиши, мана шу ёлғондан «Машъал» учун мақола ёзиши ва бўлган ҳодисадан, унинг хабар беришини кутиб турган ҳамшаҳарларига ҳисоб бериши керак эди. Фақат понвилликларнинг биттаси қолмай, Бовари хоним ваниль кремни тайёрлаб туриб шакарни маргимуш билан адаштириб юборганини гапириб ишонтиргандан кейингина Оме яна Шарлнинг олдига югурди.

У дераза олдида, креслода ерга маъносиз тикилиб ўтирар эди, (жаноб Каниве яқинда жўнаб кетган экан).

— Маросим вақтини сиз ўзингиз тайинласангиз бўлар эди,— деди фармацевт.

— Нима, нима? Қанақа маросим?— такрор сўради Шарль ва қўрқиб кетиб гудирлади: — Йўқ, йўқ, илтимос, керакмас! У мен билан бирга бўлиши керак!

Оме орадаги ноқулайликни йўқотиш учун этажеркадан графин олиб ярдангулга сув қуя бошлади.

— Сиздан ниҳоятда миннатдорман! Сиз шунчалик мурувват қилдингиз... — деб гап бошлаган эди Шарль,

биноқ фармацевтнинг бу ҳаракатидан хотиралар қуйлиб келди, бирдан яна жим бўлиб қолди.

Жиндак бўлса ҳам уни маъюс хаёллардан чалғитиш учун Оме боғдорчилик, ўсимликлар сувга муҳтож экани ҳақида гапиришни лозим деб ҳисоблади. Шарль маъқуллагандек бошини қимирлатиб ўтирарди.

— Ҳадемай яна иссиқ кунлар бошланади.

— Ҳа, ҳа!— деб тасдиқлади Шарль.

Энди бошқа нима ҳақида гапиришни билмай, до-рихоначи дераза пардаларини қия қилиб очди.

— Ана, Тюваш келяпти.

— Тюваш келяпти,— такрорлади унинг орқасидан Шарль худди акси садо каби.

Барибир Оме дафн маросимини унинг эсига солишга ботина олмади. Уни кўндирган руҳоний бўлди.

Шарль кабинетига кириб, ичидан бекитиб олди, тўлиб-тўлиб йиғлади, кейин патқалам олиб ёза бошлади:

«Мен уни никоҳ кўйлагида, оқ туфли, никоҳ гулчамбариди дафн этишингизни истайман. Сочларини ёйиб елкасига ташланглар, учта тобут бўлсин: биттаси эман дарахтидан, иккинчи қизил ёғочдан, учинчиси маъдан-дан. Мен билан ҳеч нарса тўғрисида гаплашманглар. Мен ҳаммасига бардош бера оламан. Устидан катта бўлак яшил бахмал ёпинглар. Бу менинг хоҳишим. Илтимос, шундай қилинглар».

Боварининг гаройиб илтимослари атрофидаги одамларни ҳайратга солди, фармацевт эътироз билдиришни унутмади.

— Менимча, бахмал ортиқча нарса... Бунинг устига нархи...

— Сизнинг ишингиз нима?— жеркиб ташлади Бовари.— Қўйинг мени ўз ҳолимга! Уни сиз эмас, мен севаман, жўнанг бу ердан!

Руҳоний уни қўлтиғидан ушлаб боққа олиб чиқди. Боғда у дунёнинг бебақолиғидан гапирди. Худонинг қудрати кенг ва осий бандаларига шафқатлидир, биз унинг амрига итоат қилибгина қолмай, унга минг бора шукурлар қилишимиз керак.

Шарль куфр келтирди:

— Тангрингиз ўзингизга сийлов!

— Бу инкор этиш руҳи сизни куфроналикка йўл-лаяпти,— деди руҳоний хўрсиниб.

Бовари анча нарига кетиб қолган эди. У гов билан

мева дарахтлари орасидан тез-тез юриб кетмоқда эди, даҳрийлиги тутиб, тишларини гижирлатиб осмонга боқарди, бироқ атроф сув қуйгандек жимжит, битта барг ҳам қилт этмасди.

Ёмғир томчиламоқда эди, ёқавайрон Шарлнинг бадани жунжикди, уйга келиб ошхонада ўтирди.

Соат олтида майдонда нимадир шарақа-шуруқ қилди: «Қалдирғоч» келган эди. Пешанасини дераза ойнасига тираб олиб, Шарль йўловчиларнинг бирин-кетин экипаждан тушиб келаётганларига қараб турди. Фелисите унга меҳмонхонага тўшак солиб берди, Шарль ётди-ю, ухлаб қолди.

Жаноб Оме, гарчанд файласуф бўлса ҳамки, ўлганларга ҳурмат билан қарарди. Мана шунинг учун у Шарлнинг жеркканидан хафа ҳам бўлмай, ўзи билан учта китоб ва битта папкада қоғоз олиб, марҳума олдида бутун тун ўтириб чиқиш учун кечқурун бу ерга келди.

Бу ерда аббат Бурнизьен ҳам бор эди. Каравотни чодир ичидан олиб чиқдилар, бош томонда иккита катта шам ёниб турарди.

Сукунат дорихоначининг юрагини сиқа бошлади ва у «бечора ёшгина жувон»нинг вафоти қанчалик ачинарли эканлиги ҳақида гап бошлашга шошилди. Руҳоний бу гапга эътироз билдирди, энди унинг арвоғига дуо ўқишимиз зарур, деди.

— Лекин иккитадан биттаси, — деди Оме, — черковнинг таърифича, у ёки «имони басаломат» мангу уйқуга кетди, бу ҳолда бизнинг дуоларимизнинг унга кераги йўқ ёки бўлмаса у тавба қилмасдан қазо қилди (чамаси мен чинакам ақонд ибораларини ишлатаяпман шекилли) ва бу ҳолда...

Бурнизьен унинг сўзини бўлди, ҳар ҳолда дуо керак, деб тўнғиллади.

— Модомики, биз нимага муҳтожлигимизни тангри ўзи билиб турса, у ҳолда нима учун дуойи фотиҳа қилиш керак? — яна эътироз билдирди фармацевт.

— Дуойи фотиҳа қилиш керак деганингиз нима-си? — деди черков собири. — Бундан чиқди сиз христиан эмас экансиз-да?

— Афв этадилар! — деди Оме. — Мен христианлик олдида сажда қиламан. Аввало у қулларни озод қилди, дунёга у янги ахлоқ бахш этди.

— Эй, мен буни айтмоқчи эмасман! Бутун оятлар... Қўйсангиз-чи ўша оятларингизни! Ҳаммага маълумки, уларни иезуитлар сохталаштириб юборган. Ундан кўра тарихни ўқинг!

Бовари кирди. Каравот олдига борди ва чодирни астагина кўтарди.

Эмманнинг боши ўнг елкасига эгилган қора ўрачага ўхшаб оғзининг бир чеккаси сал очилиб турар эди. Бош бармоқлари кафтига қайрилган, киприкларига қиров тушгандек, кўзи бўлса ингичка ўргимчак уясига ўхшаб хира парда билан қопланган эди. Кўкраги билан тиззалари орасида кўрпа салқиб, тиззасидан товонигача кўтарилиб турар эди. Шарлнинг назарида Эмман қандайдир ҳаддан ташқари оғир юк босиб тургандек кўринди.

Ибодатхонанинг соати иккига бонг урди. Тоғ остида, қоронғиликда дарё шовилларди. Ҳар замонда Бурнизьен бурнини қаттиқ қоқар, Оме эса патқаламни гижирлатиб хат ёзарди.

— Менга қаранг, биродар, сиз ўз хонангизга боринг,— деди у Шарлга.— Бу манзара сиз учун ниҳоятда оғир.

Шарль чиқиб кетиши билан фармацевт ва руҳоний ўртасидаги баҳс яна баттарроқ авж олиб кетди.— Гольбахни ўқинг! Вольтерни ўқинг! Энциклопедияни¹ ўқиб чиқинг!— дерди биттаси.

— «Португалия яҳудийларининг хатларини»² ўқинг,— дерди ўз гапини маъқуллаб иккинчиси.— Собиқ суд чиновниги Никола³нинг «Христианликнинг моҳиятини» ўқиб чиқинг!

Иккаласи ҳам қизишиб, қизариб кетишди, иккаласи бир-бирига гап бермай баравар шовқин солишарди. Бурнизьенни «бу каби сурбетлилик» газаблантирди. Омени «бу қадар калтафаҳмлик» ҳайрон қолдирарди. Яна бир-икки минут ўтса иккаласи тоза уришиб кетган

¹ «Энциклопедия ёки фан, санъат ва ҳунармандликнинг изоҳий лугати» (35-том, 1751—1780)— XVIII асрнинг француз оқартув фалсафасининг йирик ёдгорлиги, «Энциклопедия»ни тузишда асосий ролларни Д. Дидро ва Ж. Л. Д'Аламберлар ўйнаганлар.

² «Португал, немис, поляк яҳудийларининг жлиоб де Вольтерга ёзган хатлари» — аббат А. Гененинг 1769 йилда чиққан асари.

³ Никола Жан-Жак Огюст (1807—1888) — француз католик ёзувчиси.

бўлар эди, лекин шу вақт яна Бовари келиб қолди, Уни қанақадир сеҳрли куч бу ерга тортар, у ҳадеб аинадан чиқиб-тушаверарди.

Марҳумани яхшироқ кўриш учун унинг рўпарасига келиб турарди ва шу қадар чуқур хаёлотга чўмардики, бу дақиқаларда у қайғуни сезмасди.

У каталепсия¹лар, магнетизм мўъжизаси ҳақидаги ҳикояларни эслади ва бутун борлиғи билан истаса, эҳтимол уни тирилтириб юбориши ҳам мумкиндек туюлди. Бир марта ҳаттоки у энгашиб: «Эмма! Эмма!» — деб шивирлаб чақирди ҳам. Бироқ унинг қаттиқ нафас олишидан столда турган шам оловлари липиллаб кетди.

Эрталаб азонда, катта Бовари хоним етиб келди. Шарль уни маҳкам қучоқлади ва яна аччиқ кўз ёши тўкиб йиғлади. Онаси ҳам фармацевтга ўхшаб, кўмиш маросими ниҳоятда қимматга тушаётганини ўғлига шама қилди. Бундан Шарльнинг қаттиқ жаҳли чиқди, кампир жим бўлиб қолди ва шу заҳоти шаҳарга тушиб ҳамма керакли нарсаларни сотиб олиб келишни ўз устига олди.

Шарль кечгача танҳо юрди. Бергани жаноб Оменикига жўнатди, Фелисите Лефрансуа хола билан юқорида ўтирди.

Кечқурун Шарль таъзия билдиргани келганларни қабул қилди. У ўрнидан турар, индамасдан қўл олишарди, келган киши эса камин атрофида ярим доира олиб ўтирганлар қаторига бориб ўтирарди. Ионвилликлар бошларини эгиб, оёқларини чалиштириб, панжаларини қимирлатиб ўтиришарди ва ҳар замонда қаттиқ хўрсинишарди. Улар ўлгудек зерикишар, лекин сир бой бермай, шерикларидан қолгилари келмасди.

Соат тўққизда Оме келди (шу икки куннинг ичида чарчамасдан Бовариникига танда қўйганди), у камфара, исли бухўр ва хушбўй кўкатлар келтирди. У яна битта банкада сассиқ ҳидларни йўқотиш учун хлор ҳам олиб келди. Бу вақт Лефрансуа хонимнинг оқсочи ва катта Бовари хонимлар Эммани кийинтириб бўлишган эди — улар Эмманинг устига катта тўр ёпиб қў-

¹ К а т а л е п с и я — гавада ёки аъзоннинг ҳаракат қила олмасдан қотиб қолиши.

Йишди, тўр унинг ҳамма ёғини, то атлас туфлиларига-ча қоплаб турарди.

— Шўрлик бекам, шўрлик бекам,— деб айтиб йиғларди Фелсите.

— Қаранглар, ҳали ҳам қанақа чиройли-а!— хўрсиниб деди қовоқхона бекаси.— Ҳалиёқ ўрнидан туриб кетадиганга ўхшаб ётибди-я!

Бошига гулчамбар кийгизиш учун учала хотин Эмма устига энгашишди.

Бунинг учун унинг бошини сал кўтаришга тўғри келди, шу чоқ марҳуманинг оғзидан худди қусуқдек қоп-қора суюқлик отилиб чиқди.

— Эй худо, кўйлаги! Эҳтиёт бўлинг!— деб қичқирди Лефрансуа хоним.— Ердам берсангиз-чи, бизга!— деди у фармацевтга қараб,— Нима, кўрқасизми?

— «Кўрқасизми эмиш» — елкасини қисиб такрорлади у.— Шу ҳам гап бўптими? Фармакологияни ўқиганимда бунақаларнинг сон мингтасини кўрганман! Касалхоналарда ўликларни ўрганадиган ерда биз пунш пиширардик! Файласуфни ўлим чўчитмайди. Мен ўз мурдамни клиникага тақдим этишларини васият қиламан, деб неча марта айтганман, ўлганимдан кейин ҳам фанга хизмат қилишни хоҳлайман.

Руҳоний келди, жаноб Боварининг аҳволини сўради, дорихоначининг жавобини эшитгач:

— Биласизми, унинг яраси ҳади жуда янги.— деди.

Оме, руҳонийларга нима, улар севимли хотинларидан ажралиш хавфидан ҳамма вақт озодлар, деб унинг гапига эътироз билдирди. Шундан руҳонийларнинг тоқ ўтиши ҳақида яна баҳс бошланди.

— Бу ғайри табиий иш!— тасдиқлади фармацевт.— Шу сабабдан жиноятлар содир бўлган...

— Нима демоқчисиз, жаноб,— бақириб гапирди руҳоний,— масялан, хотинли киши тавба-тазарру сирларини сақлай оладими-йўқми?

Оме шу тавба қилишнинг ўзини инкор этди, Бурнизеъен уни ҳимоя қилди. У тавба қилиш кишида яхшиликка тўмон катта бурилиш ясашини узундан-узун исбот қила бошлади. Жуда кўп ўғрилар шундан кейин поклик билан ҳаёт кечирганларини мисол қилиб келтирди. Жуда кўп ҳарбийлар тавба қилиш хонаси олдига келгандаёқ кўзларидан парда кўтаришганини сезган эмишлар. Фрибурда шундай бир черков собири...

Унинг ҳамсуҳбати ухлаб қолган эди. Уй дим бўлиб кетди, аббатнинг нафаси қайтди, у ойнани очиб юборган эди, шу билан фармацевтни уйғотиб юборди.

— Тамаки ҳидламайсизми? — таклиф қилди Бурнизьен. — Олинг, олинг! Уйқунгиз ўчади.

Увоқ-узоқларда ит увиллади.

— Эшитяпсизми, ит увилляпти, — деди фармацевт.

— Улар мурданинг ҳидини сезишади, дейдилар, — деди руҳоний. — Бу ҳам худди асалариларга ўхшаш, агар бирор киши ўлса, улар шу заҳоти уяларини ташлаб кетиб қоладилар.

Бу хурофий гапга Оме эътироз билдирмади, негаки, у яна мудрай бошлаган эди.

Аббат Бурнизьен фармацевтдан кўра бақувватроқ эди, у яна анчагача пичирлаб ўтирди, кейин боши шилқ этиб кўкрагига тушди. Қора қалин китоби қўлидан тушиб кетди, аббат хуррак ота бошлади.

Улар тўрсайиб, тумшайиб, қоринларини дўппайтириб қарама-қарши ўтиришарди, шунчалик гап талашгандан кейин ниҳоят одамзодга хос заифлик иккисини ҳам бирлаштирди, униси ҳам, буниси ҳам ҳозир ёнларида ётган марҳумага ўхшаш беҳаракат эдилар.

Шарль келибди ҳамки, лекин улар уйғонмади. У охириги марта Эмма билан видолашиш учун келди.

Хушбўй ўтлар ҳамон тутаб ётар, кўк тутун парчалари ойнадан уйга ўрмалаб кираётган туманга қўшилиб кетарди. Осмонда сийрак юлдузлар йилтиллашар, тун илиқ эди.

Шамлар, чойшабга йирик мум томчилар тўкиб эрир эди. Шарль кўзлари жимиллаб кетгунча уларнинг ёнишига, сарғиш аланганинг порлашига тикилиб турди.

Ой нурига ўхшаш жилосиз атлас кўйлак усти қилпираб турар, унинг тагида Эмма кўринмасди, Шарлнинг назарида унинг руҳи кўзга кўринмасдан атрофда парвоз қилиб юрарди ва энди ҳамма нарсада: тун сукунатида, учиб кирган шамолда, дарёдан келган рутубатли ҳавода учиб юргандек туйиларди.

У бирдан Эммани Тостдаги боғда, яшил тўсиқ олдидаги скамейкада ё Руан кўчаларида, ёки унинг она қишлоғи Бертодаги ҳовлининг остонасида кўрарди. Олма тагида шўхлик билан ўйнаётган ўсмирларнинг овози эшитилиб кетарди. Хона унинг назарида Эмма

сочларининг хушбўй иси билан тўла, Эмманинг қилпираган йилтироқ кўйлаклари унинг қўлида, шулар барчаси... Эмма эди!

У ғойиб бўлган қувончларини, Эмманинг юриш-туришлари, ҳаракати, овозини эсга олди... Босиб келатган умидсизлик, денгиз кўтаришган пайтдаги тўлқинлар каби бир-бирини қувиб келарди.

Уни қаттиқ синчковлик қамраб олди: у бутун борлиги билан титраб, аста-секин бармоқларининг учи билан пардани очди... Унинг кўкрагидан отилиб чиққан дод-фарёд ухлаб қолганларнинг иккаласини ҳам уйғотиб юборди. Улар Шарлни пастга, залга олиб тушишди.

Кейин Фелисите келиб, Эмманинг бир тутам сочини сўраётганини айтди.

— Қирқиб ола қол! — рухсат берди дорихоначи.

Бироқ хизматчи қиз журъат этолмади, шунда Оменинг ўзи, қўлида қайчи, марҳуманинг олдига борди. Унинг қўли шунчалик қалтирар эдики, бир-икки ерда чаккасига қайчини санчиб олди. Ниҳоят у ҳаяжонини босиб, қарамай туриб қайчини бир-икки чиқиллатди, Эмманинг сунбул сочлари орасида бўш жойлар ҳосил бўлди.

Кейин фармацевт ва руҳоний ўз жойларига қайтиб келишди, лекин барибир иккисини ҳам уйқу босар, уйғонганларида бир-бирларини таъна қилишар эди. Аббат Бурнизьен зўр бериб уйга муқаддас сув сепар, Оме полларга хлор сочарди.

Комод устига битта шиша ароқ, бир бўлак пишлоқ ва нон қўйиб кетиш Фелиситенинг эсидан чиқмапти. Соат эрталаб тўртларда дорихоначи чидамади.

— Тамадди қилиб олишдан қочмасдим, — деди у хўрсиниб.

Черков собири ҳам «йўқ» демади. У фақат ибодатхонага бориб ибодат қилди-ю, тезда қайтиб келди. Кейин улар қадаҳ уриштиришди, овқатланишди, ўзлари сабабини билмаган ҳолда тиржайиб қўйишди, — уларни одатда кишини узоқ маънос бедорликдан сўнг босадиган бесабаб хурсандчилик қамраб олганди. Охирги қадаҳни ичиб бўлиб руҳоний фармацевтнинг елкасига қоқиб қўйди:

— Ахир шундай бўладикки, биз сиз билан келишиб оламиз! — деди.

Пастда, йўлакда улар ишчиларга тўқнаш келишди. Шарлга икки соат азоб чекишга — болғаларнинг тақир-туқирини эшитишга тўғри келди. Кейин Эммани эман тобутга солишди, эман тобутни иккинчи тобутга, у тобутни учинчи тобутга жойлаштиришди. Лекин охиргиси жуда кенг экан — ораларини тўшакдаги юнглар билан тўлдиришга тўғри келди. Ҳамма қоп-қоқлар рандаланиб тўғрилангандан кейин марҳумани эшикка яқинроқ ерга келтириб қўйишди. Жасадни кўришга йўл очилди ва поновилликлар тўда-тўда бўлиб кела бошлашди.

Руо ота келди. Эшик олдидаги қора мовутни кўриб, у майдонда қушидан кетиб йиқилди.

Х

Дорихоначининг мактубини у қайғули ҳодиса юз бергач, бир кечаю бир кундуз ўтгандан кейин олди, ундан ташқари чолни қаттиқ чўчитиб юборишдан қўрқиб, жаноб Оме мактубни шунчали пардали қилиб ёздики, унга умуман тушуниб бўлмасди.

Энг аввал бечора чолнинг миясига қон қуйилаёзди. Кейин у, Эмма тирик деган, хулосага келди. Бироқ... худо кўрсатмасин, у... хуллас, чол блузкасини кийди, шапкасини қўлига олди, оёқ кийимига шпорини қадади ва отин елдек учуриб жўнади. Йўлда кетаркан, кўкси қаттиқ қайғу-ҳасратдан сиқилиб кетди. У ҳатто бир марта отдан тушди ҳам. У ҳеч нарса кўрмасди, қанақадир овозлар қулогига кирарди, ақлдан озинш даражасига етган эди.

Тонг ота бошладди. Бирдан унинг вўтибори дарахт шохида ухлаётган қора қушга тушди. Бу ёмон аломатдан аъзойи бадани титраб кетди ва ўша заҳоти худо олдида черковга учта риза¹ юбориш ва Бертодаги қабристондан то Вассонвиль қўнғироқхонасига яланг оёқ боришга қасам ичди.

Маромда у қовоқхона хизматкори чақирганда чиқавермагандан кейин елкаси билан эшикни бузиб очди, бир қоп сули олди, охурга бир шиша сидр қуйди, кейин яна ўз отига миниб, уни чунонам чоптирдикки, отнинг туёқларидан учқунлар сачраб кетди.

¹ Попларнинг ибодат вақтида киядиган тўви.

У ўзини, Эммани албатта қутқариб қоладилар, деб ишонтирарди. Врачлар бир чора топадилар, бунга шак-шубҳа йўқ! Умрида эшитган жуда кўп одамларнинг ажойиб тарзда тузалиб кетганларини эсга олди.

Кейин Эмма ўлган бўлиб кўз олдига келди. Ана, у йўлнинг қоқ ўртасида чилпарчин бўлиб ётибди. У зарб билан от бошини силтади, кўзга кўринган шарпа гойиб бўлди.

Кенкампуада у бардам бўлиш учун уч пиёла қаҳва ичди. Бирдан унинг хаёлига мактуб менга ёзилмагандир, деган фикр келди. У чўнтагидаги хатни қидирди, пайпаслаб кўрди, лекин ўқишга ботина олмади.

Баъзан унга ҳатто бу эҳтимол «пичагина ҳазил»дек тўюлиб кетар, биров қасддан қилгандир ёки биров маст ҳолда ёзгандир деган хаёллар келарди. Ахир Эмма ўлган бўлса, бу ҳамма ёқдан билиниб турарди-ку! Ваҳоланки ҳеч қанақа фавқулодда ҳодиса юз бермаган: осмонда булутлар сузиб юрипти, дарахтлар тебранаяпти, ана, қўй суруви ўтди. Узоқдан Ионвиль кўринди, шаҳарликлар Руо отанинг от бўйнига ёпишиб олиб ўқдек учиб ўтганини, отни қаттиқ қамчилаганидан айилнинг тагидан қон оқиб кетганини кўришди.

Ҳуши ўзига келгандан сўнг у қон-қон йиғлаб Шарлнинг кўксига ўзини отди.

— Қизгинам! Эмма! Болажоним! Нима ҳодиса бўлди?..

Шарль ўкириб йиғлаганча:

— Билмайман, билмайман! Қанақадир бахтсизлик юз берди, — деб жавоб қилди.

Дорихоначи уларни бир-биридан ажратди.

— Бу мудқиш тафсилотларнинг ҳеч кераги йўқ. Мен ўзим жаноб Руога тушунтираман. Ана, одамлар келишяпти. Қани, қани, обрўни қўлдан берманглар! Ҳамма нарсага фалсафий нуқтан назардан қаранглар.

Бояқиш Шарль мардлик кўрсатгиси келди.

— Ҳа, ҳа, рост. Мард бўлиш керак!.. — бир неча бор такрорлади у.

— Яхши, шайтон васвасасидан сўқласин! Мен ҳам ўзимни ушлай! — деди чол. — Мозоргача уни кузатиб бораман.

Қўнғироқ чалинди. Ҳамма нарса тайёр бўлганди. Жасадни олиб чиқиш керак.

Ибодатхонада, олдинги скамейкаларда қатор ўтирган Бовари ва Руолар олдидан манқаланиб ўқийдиган учта дьячок у ёқдан-бу ёққа юриб туришарди. Трубачи ўпкасини аямасди. Аббат Бурнизьен ўзининг тўкис руҳониёна либосида ингичка овоз билан дуо ўқирди. У минбар олдида руку қилар, қўлларини кўтарарди. Лестибудуа черковни айланиб, қўлида кит мўйловидан ясалган чўп билан шамларни пилигини тўғрилаб юрарди. Меҳроб олдида атрофига тўрт қатор шам ёқилган тобут турарди. Шарль ўз кўнглида ўрнидан турса-ю, шамларни ўчириб ташласа.

Лекин у ҳар қалай дуойи ибодат таъсирига берилишга тиришар, нариги дунёда Эмма билан учрашишга умид қилар эди. Унинг назарида Эмма қаергадир, жуда узоқларга кетган, кетганига ҳам талай вақт ўтгандек туюларди. Бироқ унинг мана шу ерда ётганини, ҳаммаси битган, уни олиб кетиб қора ерга кўмишларини эслаши билан вужудини йиртқич, қақшатқич қайғу ўраб оларди. Вақт-вақти билан у ҳеч қанақа ҳис-туйғуларни сезмай қолар. Шунда у ўзини хаёлан ҳеч нарсага арзимайдиган одам деб атар, бироқ алами босилиб турган чоқларда ором оларди.

Бирдан тўқиллаган овоз эшитилди, гўё кимдир учига темир қадалган ёғоч билан плита ётқизилган полни битта-битта ураётгандек эди. Бу товуш ибодатхонанинг энг ичкарасидан эшитилди-ю, ён томонлардан бирида таққа тўхтади. Ўзига ёпишиб турган жигар ранг куртка кийган бир одам, зўрға букилиб тиз чўкди. Бу «Олтин шер»нинг отбоқари Ипполит эди. Бугун у янги оёғини кийган эди.

Черков ҳофизларидан бири ибодатхонани айланиб чиқди, оғир чақалар кумуш лаганга жаранглаб тушар эди.

— Тезроқ тамом қила қолмайсишларми? Тоқатим тугади! — ўшқирди Бовари зарда билан беш франкли тангани ташлаб.

Черков хизматчиси унга таъзим билан миннатдорчилик билдирди.

Яна қўшиқ айтишди, такрор тиз чўкишди, яна туришди! Шарль бир вақтлар Эмма билан шу ерга ибодатга келганини эслади, лекин ибодатхонанинг

нариги ўнг томонида, худди девор тагида ўтиришган эди. Яна қўнғироқ гувиллади, скамейкалар сурилди. Ҳаммоллар уч дастали тобутни кўтаришди ва халойиқ черковдан чиқа бошладди.

Шу чоқ дорихона эшигида Жюстен пайдо бўлди. Кейин бирдан ранги қув ўчиб кетди ва гандираклаб-гандираклаб орқасига қайтди.

Одамлар дафн маросимига деразалардан туриб қарашди. Ҳамманинг олдида қаддини тик тутиб Шарль бормоқда эди. У ўзини дадил тутишга уринар ва ҳаттоки ҳовлилардан ёки тор кўчалардан чиқиб тўдага қўшилаётганларга аста бош ирғаб қўярди.

Ҳар томонда учтадан олтига ҳаммол майда қадам ташлаб боришар ва ҳаллослашар эди. Руҳонийлар, ҳофизлар ва икки қўшиқчи ўсмир бола *De profundis*¹ қўшиғини айтиб боришар ва уларнинг овозлари гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиб, олис-олисларга тарқаларди. Баъзан руҳонийлар муюлишларда кўздан ғойиб бўлишар, аммо уларнинг баланд кумуш бутлари дарахтлар орасидан кўриниб борарди.

Аёллар кашюшонлари орқага ташланган қора елкапўшларда кетишарди. Қўлларида ёқилган йўғон-йўғон шамлар. Бу узлуксиз дуолар, шамлар, кўнгилини айнитувчи мум иси ва черков кийимларининг қидидан Шарлнинг кўнгли беҳузур бўлди. Салқин шабада эсмоқда, буғдойзор ва сариқ гулли ўтлар кўкара бошлаган, йўл четидаги яшил тўсиқларда шудринг томчилари титрарди. Олам шўх товушларга тўла: ўнқир-чўнқирлардан қалдираб арава ўтди, хўроз қичқирди, олма тагидан гижинглаб тойчоқ чопиб кетди. Мусаффо осмоннинг у ер-бу еридагина пушти булутлар сузарди, гулсафсар барглари диккайиб турган похол томлар усти кўкиш тутун билан қопланган. Бу ерда ҳар бир уй Шарлга таниш. Мана шунингдек, соф ҳаволи кунларда эрта билан Шарль беморларни кўргани кириб чиқиб, Эмманнинг олдига қайтарди.

Оқ-оқ нуқтали қора мовут ҳар замонда кўтарилиб кетди. Шунда тобут кўринар-эди. Ҳаммоллар азбароқ чариб кетганларидан қадамларини секинлатишарди, шунинг учун тобут худди тўлқин у ёқдан-бу ёқдан чайқалган майиқ каби бетўхтов силкиниб борарди.

¹ Жаҳаннамдан тангрим ўз паноҳинга ол даярдим (лог.).

Мана, йўлнинг охири.

Эркаклар тоғ тагида ястаниб ётган қабристонга киришди, худди ўтлоқ ўртасига гўр қазилган эди.

Ҳамма гўр атрофига тўдаланди. Руҳоний дуо ўқир, бу чоқ гўр атрофидаги тупроқ тўхтовсиз, шовқинсиз тўкиларди.

Тобутнинг тагидан тўрт қатор арқон ўтказишди, Шарль унинг тушаётганига қараб турди. У тобора чуқур тушиб бормоқда эди.

Ниҳоят тақ этган овоз эшитилди. Арқон рижирлаб ю:орига кўтарилди. Шунда Бурнизьен Лестибудуанинг қўлидаги белкуракни олди. Унг қўли билан у қабрга муқаддас сув сепиб туриб, чап қўли билан бир белкурак тупроқ олди, куч билан уни гўрга отди, майда тошлар ёғоч тобутга тегиб шундай бир ваҳимали шовқин кўтардики, бу овоз биз инсонлар учун мангуликнинг овозидек туюларди.

Руҳоний муқаддас сув идишини ёнида турган одамга берди. Бу жаноб Оме эди. Оме уни мағрурлик билан силкитди, кейин Шарлга узатди — у тиззасигача тупроққа ботиб, тупроқни сиқимлаб гўрга ташлар ва «алвидо, алвидо!» — деб қичқирарди. У Эммага гоёибона бўсалар юборар ва қора ер уни ҳам ўз бағрига тортиши учун ҳамон Эммага интиларди.

Шарлни олиб кетишди ва у кўп ўтмай овуниб қолди — эҳтимол, у ҳам ҳаммага ўхшаб, ўзи иқроор бўлмаган ҳолда «ҳаммаси битди», деб қаноат ҳосил қилгандир.

Руо ота мазордан қайтиб келиб, ҳеч нарса бўлмагандек, тамаки тортди. Бунга Оме ичида, хунук иш бўлди, деб ўйлади. У Бине кўмиш маросимида кўринмаганини, Тюваш бўлса жанозадан кейин ибодатхонадан «жуфтакни уриб» қолганини дилдан ўтказди. Нотариуснинг хизматчиси Теодор бўлса, худди қора фрак қуриб қолгандек, кўк фрак кийиб келди. «Модомики расм шундай экан, қора кийиб кела қолса ўлармиди?» — деб ўйлади. У ҳали у тўдага, ҳали бу тўдага — одамларнинг олдига бориб, ўз таассуротларини гапирарди.

Эмманнинг ўлимига ҳамма йиғларди, айниқса, дафн маросимига келишни мансаб деб билган жаноб Лере:

— Эй бечора жувон! Эри бечоранинг пешанаси шўр экан! — дер эди.

— Виласизми,— дерди ҳадеб дорихоначи,— агар мен бўлмасам, Бовари ўзини бир нарса қилиб қўярди!

— Шундай жонон жувои-а! Кимнинг ақлига кепти дейсиз? Шанба куни менинг дўконимга борган эди-я!

— Мен унинг қабри олдида сўзламоқчийдим, лекин тайёрланиб улгуролмадим,— деди Оме.

Шарль уйга келиб ечинди. Руо ота ўзининг зангори блузкасини қўли билан текисларди. У янгигина эди. Лекин йўлда кела туриб, ҳадеб енгига кўз ёшини артаверган эди, у айниб кетибди, чанг устига кўз ёши оқиб излар қолган юзини булғатиб юборди.

Катта Бовари хоним ҳам шу ерда эди. Уччалалари жим ўтиришарди. Ниҳоят чол хўрсиниб:

— Эсингизда борми, дўстим? Биринчи хотинингиздан жудо бўлган кунларингиздан сал ўтгандан кейин мен Тостга борган эдим. Ушанда мен сизга тасалли бергандим! Сўзлар топгандим, энди бўлса...— Унинг баланд кўтарилиб турган кўксидан чўзиқ хўрсиниш чиқди.— Энди навбат меники, тушунасизми? Хотинимни кўмдим, кейин ўғлимни, энди бўлса қивимни!

У шу заҳотнёқ Бертога қайтмоқчи бўлди, назарида у бу уйда ухлай олмасди. У ҳатто набирасини кўришдан ҳам воз кечди.

— Йўқ, йўқ! Бу мен учун жуда оғир бўлиб тушади. Менинг учун уни маҳкам қучоқлаб ўшиб қўярсиз! Яхши қолинглар!.. Сиз яхши одамсиз! Кейин мен мана бу яхшилигингизни ҳеч қачон эсимдан чиқармайман,— қўшиб қўйди у оёғига бир уриб қўйиб.— Хотиржам бўлинг! Аввалгидек сизга курка юбориб тураман!— деди.

Лекин тоққа етганда бир вақтлар Сен-Виктор йўлида қизи билан хайрлашиб орқасидан қараганидек, орқасига айланиб қаради. Яйлов орқасига ботаётган қуёшнинг қийшиқ нурлари билан порлаган уй ойналари худди аланга қучоғида қолгандек кўринарди. Руо қўлини кўзлари устида соябон қилиб уфқда қаторлашиб ётган боғларни, яккаш оқ гиштан қурилган деворларни, уларнинг тепасидаги дарахт учларини кўрди. Чолнинг оти оқсоқланиб қолган эди, у йўрғалаб кетди.

Шарль, онаси — чарчаганларига қарамай бутун оқшом гаплашиб ўтиришди. Утган кунларни эслашди,

бундан кейин қандай яшаш тўғрисида ўйлашди. Улар шу қарорга келишдики, она Монвилга кўчиб келади, рўзгор ишларини бошқаради ва энди ҳеч қачон бир-бирларидан ажралишмайди. У жуда ҳам жонкуяр, меҳрибон эди, бошқатдан фарзандининг муҳаббатига сазовор бўлишидан ич-ичидан қувонарди. Тун яримга бонг урди. Шаҳарча ҳамма вақтдагидек тинч-осойишта эди, бироқ Шарль барибир ухлай олмади, ҳамон Эмма тўғрисида ўйларди.

Родольф бекорчиликдан зерикиб, куни билан ўрмонда санғиб юрди. Энди бўлса ўз ҳовлисида хотиржам, донг қотиб ухлаб ётарди. Руанда Леон ухларди.

Бироқ шу тун ухламаган яна битта одам бор эди.

Арча шохлари соя солиб турган янги қабр олдида тиз чўкиб бир ўспирин ўтирар, унинг кўз ёшлари дарё, унинг кўксида поёнсиз, ой нури каби соф меҳр ва тун зулмати каби чуқур афсус-надомат сиқилишиб ётарди. Бирдан ғийқ этиб эшик очилди. Бу Лестибудуа эди. У белкурагини эсидан чиқариб қолдирибди, ҳозир шунга келган экан. Усмир бола югуриб девор устига чиқиб олди, лекин Лестибудуа унинг Жюстен эканини аллақачон кўриб улгурди. Ҳа, энди унинг картошка-сига тушадиган ўғрининг ким эканини билиб олди у.

XI

Эртасига Шарль қизини олиб келишга одам юборди. Қиз онасини сўради. Онаси унга ўйинчоқ олиб келиш учун кетганини айтишди. Берта яна бир неча бор онасини эслади, лекин вақт ўтиши билан эсидан чиқариб юборди. Унинг болалик шўхликлари Шарлнинг юрак-бағрини эзарди, бунинг устига фармацевтнинг чидаб бўлмайдиган тасаллиларини эшитишга тўғри келар эди.

Орадан сал ўтмай яна Шарль олдида пул масаласи кўндаланг бўлди, жаноб Лере яна биродари Венсарни гиж-гижлай бошлади, Шарль бўлса Эммага тегиншли бўлган нарсаларининг биттасини ҳам сотишга рози бўлмас, ундан кўра, қарзга кўмилиб кетишни афзалроқ кўрарди. Онаси ундан хафа бўлди. У онасидан ундан баттарроқ хафа бўлди. Шарль жуда ҳам ўзгариб кетди, онаси кетиб қолди.

Мана шунда ҳамма вақтни ганимат топиб «фойдаланиб қолишга» шошилди. Мадемуазель Лампрер Эмма Шарлга кўрсатган тилхатга қарамай, бирор марта дарс олмаган бўлса ҳам ярим йилга ҳақ талаб қилди, улар шунга келишиб қўйишган эди. Кутубхона хўжайини уч йиллик пулни талаб қилди. Роле хола йигирмата мактубни келтириб берганига пул талаб қилди. Шарль «қанақа хатлар эди?» — деб сўраганда у сир сақлаб:

— Мен ҳеч нарса билмайман! Мен унинг ишига аралашган эмасман! — деди.

Шарль ҳар бир қарзни тўлаганда бу охиригисидир, деб умид қиларди. Лекин янги қарз эгаси пайдо бўлар ва бунинг охири кўринмасди.

Шарль беморларидан ўзининг илгариги борганларига ҳақ тўлашларини илтимос қилди, улар бўлса хотинининг мактубларини кўрсатишди, улардан узр сўрашга тўғри келди.

Фелисите энди ўзининг марҳума бекасининг кийимларини киярди, лекин ҳаммасини эмас: Шарль уларнинг баъзи бирларини ўзида олиб қолган, унинг кийимлари турган уйни ичидан бекитиб олиб, уларни бир-бир кўриб чиқарди. Фелиситенинг бўйи Эмма билан барабар эди ва Шарль уни орқасидан кўрганда у бекасига шундай ўхшаб кетардики, кўпинча:

— Кетма! Кетмай тур! — деб юборарди.

Бироқ троица кун Фелисите Эмманинг қолган-қутган кийимларини олиб, Теодор билан Ионвилдан қочиб кетди.

Худди шу вақт ичида Дюпюи хоним Боварига ўз ўғли «Ивето шаҳрининг нотариуси жаноб Лесн Дюпюининг бондвиллик Леокадия Лебеф билан бўладиган никоҳ тўйи»га таклифнома юборди. Шарль уни табриклади ва мактубида: «Бечора хотиним нечоғлик хурсанд бўларди» — деган жумлани қўшиб қўйди.

Кунлардан бир кун Шарль уйида сандирақлаб юриб чердакка чиқди ва у ерда оёғи юмалоқланган юпқа қоғозга тегиб кетди. У қоғозни очиб ўқиди: «Бардам бўлинг, Эмма, бардам бўлинг! Мен Сизнинг ҳаётингизга бахтсизлик келтиришни истамайман!» Бу Родольфнинг мактуби эди. У яшик орқасига тушиб қолган, у ерда бир неча вақт ётган, кейин туйнукдан кирган шамолдан эшик олдига учиб келган эди. Шарль турган

ерида серрайиб қотиб қолди — бир вақтлар худди ма-на шу ернинг ўзида, Эмма алам-изтиробидан ранглари қув ўчиб, ўзини ўлдирмоқчи бўлган эди. Ниҳоят иккинчи саҳифанинг пастида у Р. деган ҳарфни зўрға-зўрға аниқлай олди. Ким бўлдики бу Р.? Кейин у Родольфнинг аввал Эммага хушомад қилганларини, кейин бирдан ғойиб бўлиб кетганини ва учрашиб қолган пайтларида ўзини ғалатироқ тутганларини эслади. Бироқ мактубнинг юксак эҳтиром билан ёзилганлиги Шарлни хато фикрга олиб борди.

«Улар бир-бирларини пок муҳаббат билан севган бўлсалар керак», — деган хулосага келди.

Шарль бир нарсанинг тагига етишни яхши кўрмасди. У исбот қидирмади ва унинг ғира-шира рашки ғам-гусса қаърига фарқ бўлиб кетди.

«У кишини ўзига беихтиёр мафтун этарди, — деб ўйлади у. — Шубҳасиз, ҳар бир эркак у билан яқинлашишни орзу қиларди». Бу фикрлардан Эмма яна ҳам гўзал, офатижон бўлиб кўринди. Энди Шарль ўзида алангаи оташда куйдириб тамом қилаётган ва қондиришнинг асло иложи бўлмаганлигидан ҳадсиз, доимий, ниҳоятда зўр эҳтирос сезарди.

Эмманнинг бутун инжиқликлари, бутун дид-ҳаваслари Шарль учун муқаддас бўлиб қолди: гўёки у ўлмаган, унинг кўнгли учун Шарль ўзига амиркон ботинка сотиб олди, оқ галстуклар тақа бошлади, мўйловини қорага бўяди, векселларга ўшанга ўхшаб қўл қўядиган бўлди. У тобутда туриб ҳам Шарлни йўлдан оздирмоқда эди.

Шарлга аста-секин кумуш буюмларини, кейин меҳмонхонадаги жиҳозларни сотишга тўғри келди. Хоналар бири орқасидан бири бўшай бошлади. Фақат Эмманнинг хонасигина илгаригисидек турар эди. Шарль у ерга овқатдан сўнг чиқар эди. Камин олдига тўгарак столни сурар, Эмманнинг креслосини келтириб қўяр, ўзи унинг рўпарасига ўтирар эди. Зарҳал қандилларда шам ёнарди. Шу ернинг ўзида, ёнида Берта ўтириб суратларни бўярди.

Бечора, толесиз Шарль қизининг аҳволини кўриб баттар қийналарди, унинг қийимлари хароб, бошмоқларининг ипи ҳам йўқ, кофтаси йиртиқ, хизматчи хотин унга тузукроқ қарамасди ҳам. Аммо қизи шундай мўмин, мулойим, бошгинасини шундай назокат билан

эгарди, қирмиз ёноқларига тилла ранг соч толалари тушиб турарди ва ота бечора унга тикиларкан, худди ёмон винодан қатрон ҳиди келгани сингари, аччиқ алам билан сугорилган, тил билан ифодалаб бўлмайдиган роҳат, қувонч ҳис этарди. У Бертанинг ўйинчоқларини тузатар, картондан ўйинчоқлар ясаб берар, қорни ёрилиб кетган қўғирчоқларини ямаб берарди. Бироқ кашта қутичага, у ер-бу ерда тушиб қолган лентага ёки столга қадаб қўйилган тўғнағичга кўзи тушиб қолса, бирдан хаёл дарёсига чўмиб кетар, бундай вақтларда у шу қадар қайғули кўринардикки, қизи ҳам унга қараб бейхтиёр маъюсланиб қолар эди.

Энди ҳеч ким уни йўқлаб келмасди. Жюстен Руанга қочиб кетди ва баққоллик дўконига шогирд бўлиб кирди, фармацевтнинг болалари Бертанинг олдига тобора кам келадиган бўлиб қолишди — жаноб Оме энди Бертанинг уларга тенг эмаслигини эътиборга олиб, бу дўстликни унча маъқул кўрмасди.

Жаноб Оме сўқирни ўзи тайёрлаган мой дори билан тузата олмади ва у Буа-Гильом тоғига қайтиб келиб, ҳамма йўловчиларга фармацевтнинг беҳуда уринишларини гапириб юрди. Оме Руанга бораётган пайтларида, ундан қочиб дилижоннинг пардаси орқасига яширишиб оларди. У сўқирни кўришга кўзи йўқ эди. Ўз обрўсини сақлаш учун Оме, қайси йўл билан бўлмасин, сўқирни йўқотишни ўз олдига вазифа қилиб қўйди ва зимдан унга қаттиқ-қаттиқ ҳужум бошлади — бу йўлда дорихоначи ўзининг барча қувликларини ва унинг шуҳратпарастлиги, олиб борган разилликларининг барчасини ишга солди. Ярим йил мобайнида «Руан машъали» газетасида қуйидаги мазмунда мақола босилиб турди:

«Кимки сергалла Пикардия вилоятига йўл оларкан, эҳтимол Буа-Гильом тоғида, юзида ёмон яраси бор нотавон мажруҳга кўзи тушгандир. У ҳаммага ёпишади, хиралик қилади, йўловчилардан авраб пул йиғади. Наҳотки бизнинг замонамизда мудҳиш ўтмишнинг қолдиқлари давом этса? Тоқайгача дарбадарлар салиб юриши давридан қолган мохов ва ширинча касалликларини кўпчилик ичида бемалол тарқатиб юраверадилар?»

Ёки:

«Дарбадарликка қарши чиқарилган қонунларга қа-

рамай, шаҳарларимизнинг четларида ҳамон гадойлар уймалашиб юришипти. Улардан баъзилари якка-якка юришади, булар ҳаммадан ҳам хавфлилари бўлиши керак. Таажжуб! Бизнинг эдиллари¹мизнинг кўзлари қаёқда экан?»

Баъзан Оме бутун бошли ҳодисалар ўйлаб чиқарди:

«Кеча Буа-Гильом тоғида ҳуркович от...»

Шундан сўнг сўқир туфайли бахтсиз ҳодиса юз берганлиги ҳикоя қилинади.

Ниҳоят фармацевт муроди мақсадига етди — сўқирни қамадилар. Лекин кўп ўтмай у бўшаб чиқди. Гадей яна ўз ишини давом эттирди. Оме ҳам. Бу қаттиқ кураш эди. Бу курашда фармацевт ютиб чиқди, душманини умрининг охиригача гарибхонада яшашга мажбур этдилар.

Ютуқ фармацевтга қанот берди. Ўшандан бери унинг округида бирорта ит босилиб кетганини, омборга ўт тушганини, хотин кишини урганларини билиб қолса, тараққиётга бўлган муҳаббати ва диндорларга бўлган нафратидан руҳланиб, бу хабарни бетўхтов жамоатчиликка етказди. У биринчи босқич мактаб ўқувчиларининг, ака-ука — игнорантинцлар²дан афзаллиги ҳақида мулоҳаза юргизар, черковга қурбонлик қилинадиган франкларни гапирганда, Варфоломей кечасини эслатиб ўтарди; қонунга хилоф ишларни фош этар, пичинг отарди. Оме одамларнинг оёғидан тортар, у хавфли одам бўлиб қолган эди.

Шуниси ҳам борки, энди у журналистликнинг тор доирасида қолиб кетишни истамасди — уни энди китоб ёзиш, катта бир асар ёзиш иштиёқи эгаллаб олган эди! У «Ионвил кантонининг³ умумий статистикаси ва унинг иқлими ҳақида кузатувлар» деган китоб ёзди.

¹ Э д и л л а р — қадимий Римда, шаҳарда тартиб сақлаш ишларини бошқарадиган, сайланган чиновниклар. Бу ерда — маҳаллий ҳокимият, муниципал маъмурияти.

² И г н о р а н т и н ц л а р — (логинча — жоҳиллар) XVII асрда ташкил топган руҳонийлар жамияти аъзолари камтарлик билан ўзларига шундай деб ном берган эдилар, улар болаларни католик мазҳаби руҳида тарбиялашни мақсад қилиб олган эдилар.

³ К а н т о н — баъзи бир гарбий мамлакатларда маъмурий территориял бўлиниш.

Кейин у статистикадан фалсафага ўтди. У юксак аҳамиятга эга бўлган масалаларга — ижтимоий проблемаларга қизиқа бошлади: камбағал синфларни ахлоққа ўргатиш, балиқчилик, каучук, темир йўллар ва ҳоказолар билан қизиқа бошлади. Бора-бора ўзининг мешичанларга хос хулқ-атворидан уяладиган бўлди. У киборларча «хулқ-атвор»ни ўрганишга тиришди, ҳатто чека бошлади! Ўз меҳмонхонаси учун иккита «ажойиб» Помпадур услубида ясалган ҳайкалча сотиб олди.

Лекин у дорихонасини ҳам унутмади. Аксинча, у ҳамма янги ихтиролардан хабардор эди. У шоколад ишлаб чиқаришнинг тез суръатлар билан олға кетаётганини кузатиб борарди. У Қуйи Сена департаментида биринчи бўлиб «шо-ка» ва реваленция киргизди. У Пульвермахернинг гидроэлектрик занжирларининг ашаддий тарафдори бўлиб олди, ўзи ҳам шу занжирларни тақадиган бўлди. Ҳар куни кечқурун у фланел нимчасини ечганда, эрининг бўйнига ярашиб турган олтин занжир Оме хонимнинг кўзини қамаштирар, шундай пайтларда худди скифга ўхшаб совут кийган, сеҳргар каби ҳамма ёғи ялтираб турган эри унда кучли ҳирс қўзғатарди.

Фармацевт Эмма қабрига мрамар тош қўйиш учун ҳам ғалати лойиҳа тузиб қўйган эди. Энг олдин у дарпардали тош устун бўлагини қўйишни, кейин эҳром, кейин овасто ибодатхонаси шаклида ҳайкал ёки бўлмаса «хароба тошларини» ўйиб қўйишни таклиф этди. Ҳар бир лойиҳада албатта унингча, қайғу аломати бўлган мажнунтол бор эди.

У Шарль билан Руанга жўнади ва у ердан дўсти Бридунинг таниши хушчақчақ Вофрилар исмли рассомни олиб қабристонлар учун мрамар тошлар ясайдиган корхонага боришди. У ерда юзлаб лойиҳалар билан танишиб, харажатларини белгилаб, кейин яна бирров Руанга келишди, Шарль охирида орқа томонида ҳам, олдинги томонида ҳам сўниб бераётган машъал ушлаган доҳий сурати ўйиб солинган сағана тошини танлади.

Тош устига нима ёзиш масаласига келганда фармацевтга ҳаммадан кўпроқ: *Sta, vlatog¹* жумласи ёқарди,

¹ Тўхта, сайёҳ! (лог.).

лекин охирина қанақа сўз билан тугатишни билмасди. У узоқ бош қотирди, тўхтовсиз: *Sta, viator...* деб такрорларди. Ниҳоят шу гап миясига келиб қолди: *Amabilem conjugem calcas!*¹ Ва шу маъқул топилди.

Шуниси қизиқки, Бовари доимо Эмма тўғрисида ўйласа ҳам уни эсидан чиқариб юбормоқда эди. Шунча урингани билан унинг сиймоси хотирасида сўна бошлади. Лекин тушига ҳар кеча кирарди. Туши бир хил бўларди: Шарль Эммага яқинлашар, қучоқламоқчи бўлар, аммо у бунинг қўли тегиши билан ғойиб бўларди.

Бир ҳафтагача ҳар оқшом у ибодатхонага қатнади. Дастлабки кунларда аббат Бурнизьен унинг олдига бир-икки бор келди, кейин бутунлай келмай қолди. Фармацевтнинг гапига қараганда у чол ниҳотда мутаассиб бўлиб қолган, у ҳозирги одамларнинг аҳволи руҳиясини қоралар, ҳафтада бир марта ибодатга келганларга хутба ўқиб туриб, албатта, Вольтер ўлиш олдидан ўз нажосини еган, бу ҳаммага ва ҳар бир кишига маълум ва равшан, деб гапирар эмиш.

Бовари харажатларни жуда ҳам камайтирди, лекин барибир эски қарзларни уза олмади. Лере векселларни кўчириб ёзишга рози бўлмади. Шарль олдида яна янгидан «ким ошди» савдоси кўндаланг бўлди. Шунда у онасига мурожаат қилди. Онаси ўз ер-мулкни гаровга қўйишга рози эканини билдириб хат ёзди, лекин Эммадан ҳасрат қилишдан ўзини тия олмади. Ўз манфаатларидан кечиши эвазига, Фелисите ўғирлаб кетган нарсалардан қолган биттагина рўмолни сўради. Шарль унинг илтимосини рад қилди. Улар яна уришиб қолишди.

Бошлаб ярашишни онаси таклиф қилди. У Бертани ўз тарбиясига олишин, жуда ҳам ёлғиз, ғариб бўлиб қолганини ёзди. Шарль рози бўлди. Лекин худди ажралиш пайти келганда Шарлнинг юрак-бағри эзилиб, жудоликка бардош беролмади. Шундан кейин улар батамом бир-бирларидан юз ўгиришди.

Шарлнинг ҳеч кими қолмади, у қизига тобора боғланиб бормоқда эди. Лекин унинг кўриниши Шарлни

¹ Тўхта сайёҳ, сен севгили хотинимнинг (хокини) поймол қил-япсан! (лог.).

ташвишга соларди. Берта йўталар, ёноқларида қизил доғ пайдо бўлганди.

Аксинча ҳар томондан иши юришиб кетган фармацевтнинг онласи кундан-кун яшнаб, хушчақчақлик билан кун кечирмоқда эди. Наполеон лабораторияда отаси Омега ёрдам берар, Аталиа унга фескалар тикар, Ирма мураббо банкаларга ёпиш учун қоғоздан тўғаракчалар қирқар, Франклин кўпайтириш жадвалини сувдек биларди. Дорихоначи энг бахтиёр ота ва эни омади юришган одам эди.

Лекин одамзоднинг кўзи тўядими? Иззатталаблининг ич-этини кемирарди, у нишон олишни истарди! Бунинг учун унинг қуйидагича асослари бор эди:

Авалло, вабо вақтида у қўрқмай, виждон амрига бўйсуниб ишлаган, иккиламчи, у ўз ҳисобига кўп асарларини нашр қилдирди, бу асарлар жамоатчилик манфаатлари учун ёзилган, чунончи... (шу ерда у ўзинини «Сидр, уни ишлаб чиқариш ва унинг таъсири» китобини, кейин тукли ўсимлик битлари ҳақидаги кузатувлари ва бу ҳақда фанлар академиясига юборган ҳисоботи, кейин ўзининг статистикага доир асари ва ҳаттоки, дорилфунунда фармакология темасида ёзган диссертацияларини нашр этган. Булардан ташқари, у бир неча илмий жамиятларнинг аъзоси бўлган (ҳақиқатини айтганда биттасига аъзо бўлган, холос).

— Ниҳоят,— томдан тараша тушгандек яқунларди у,— ўт тушган пайтларда менчалик жон куйдирадиган одам бўлмайди!

Шу мулоҳазалар билан у ҳокимият томонига ўтиб олди. Сайлов вақтида у вилоят ҳокимига яширинча хизмат кўрсатди. Хуллас калом, у сотилди, у маънавий жиҳатдан бузилди. У ҳаттоки, олий ҳазратлари номига «унинг хизматларини эътиборга олишларини» сўраб, арзнома ёзди ва подшоҳни «бизнинг мурувватли қиролимиз», деб атади ва уни Генрих IVга тенглаштирди.

Ҳар кун эрталаб дорихоначи, менинг мукофотланганим ҳақида маълумот бормикин, деб газетани жонжаҳди билан очиб ўқийди, лекин бу ҳақда хабар йўқ эди. Ниҳоят унинг тоқати тоқ бўлди ва боғида юлдуз ордени шаклида гул экиб ўстирди, унинг тепасидан, лентага ўхшатиб узунасига ўт эктирди. Фармацевт қўлини кўксига чалиштириб гулзор атрофида кезар ва

ҳукумат бошлиқларининг бепаросатлигидан ва одам-воднинг нонкўрлиги ҳақида ўйларди.

Шарль хотинига бўлган юксак эҳтироми туфайли ми ёки текширишнинг секин-аста бориши унга ҳузур-ҳаловат бағишлаганиданми, хуллас, Эмма хат ёзадиган палисандр столнинг махфий галадонини шу чоққача очмаган эди. Ниҳоят у бир куни стол олдига ўтирди, калитни буради ва пружинани босди. У ерда Леоннинг ҳамма мактублари ётарди. Энди ҳеч қанақа шак-шубҳа қолмаган эди. Шарль хатларни охирги сатрларига-ча ўқиб чиқди, бурчак-бурчакларгача тиятиди, шкафларни, яшикларни ва ҳатто гулқоғозларнинг орқасигача қаради, у қаттиқ газаб оловида ёнди, телбалардек ўкириб йиғлади, додлади. У бехосдан қанақадир қутичага туртиниб оёғи билан унинг тагини кўчириб юборди. У ердан Родольфнинг сурати ва бир тўда ишқий мактублар сочилиб кетди.

Унинг ҳаяжони ҳамманинг кўзига ташланар эди. У куни билан уйда ўтирар, ҳеч кимни қабул қилмас, ҳатто беморларнинг чақиригига ҳам бормасди. Шаҳарда: «У аламдан ичкиликка берилиб кетди», деган хулосага келишди.

Шундай бўлса ҳам баъзан ҳамма нарсага қизиқаверадиганлардан бири тўсатдан боққа мўраларди ва таажжуб билан руҳан эзилган, соқол-мўйлови ўсиб кетган, ҳароб кийинган, қон-қон йиғлаб айланиб юрган одамни кўрарди.

Ёз оқшомларида у қизини олиб қабристонга кетарди. Улар жуда кеч, бутун майдонда биттагина ойнадан — Ёнининг уйидан чироқ тушиб турганда қайтишарди.

Аммо-лекин у ҳозирча ўз қайғуси билан тўла роҳатланган эмасди — у ким билан ҳасратлашишни билмасди. Аҳён аҳёнда Эмма ҳақида гаплашиб ўтириш учун Лефрансуа хонимникига кирарди. Лекин бу гаплар қовоқхона бекасининг бу қулоғидан кириб, у қулоғидан чиқиб кетар, унинг ўз дарди бор эди: Лере ахир карвон сарой очди, унга «Тижорат эркатойлари», деб ном қўйди, қўл-оёғи чаққон деб ном чиқарган Ивер бўлса маошини оширишини талаб қилар ва «рақобатчи»га ўтиб кетишини пеш қилиб қўрқитар эди.

Бир куни Бовари отини сотиш учун Аргейль бозорига кетди — унинг бисотида шу отдан бошқа сотадиган

нарса қолмаган эди ва у ерда Родольфни учратиб қолди.

Иккиси бир-бирини кўриб оқариб кетди. Эмманинг вафотидан сўнг Родольф фақат визит карточкасини юборганди, энди ўзини оқлаш учун бир нима деб гудирлади, лекин сал кейин шунчалик сурбетлилик қилдики, Шарлни (иссиқ август куни эди) қовоқхонага бир шиша пиво ичишга таклиф қилди.

У Шарлнинг рўпарасида, столга тирсагини қўйиб ўтирар, сигара чекар ва вайсар эди. Шарль бўлса унинг юзига тикилиб, Эмmani севган одам мана шу экан-да, деб ўйларди. Шарлнинг назарида Родольфга Эммадан бир нарса ўтгандек туюларди. Бунда қандайдир бир жодугарлик бор эди. Шарль ҳозир бу одамнинг ўрнида бўлишни истарди.

Родольф зироат, чорвадорлик, ўғитлар қақида гапирар, у умумий жумлалар билан қиттак бўлса ҳам, киноя иси чиқиб кетиши мумкин бўлган ҳамма тешикларини бекитишга уринар эди. Шарль унинг гапларини эшитмасди, буни Родольф кўрар ва Шарль юзида ифодаланаётган хотиралар нишонини кузатиб ўтирар эди: Шарлнинг юзлари қип-қизариб кетган, бурун катаклари пириллаб, лаблари титрарди. Бир дафъа Шарль унга шундай ёмон кўз билан тикилдики, Родольфнинг юраги шув этиб кетди ва жим бўлиб қолди. Бирон дақиқа ҳам ўтмай Шарлнинг юзи ўз ҳолига — қайғули аламзадаликни ифодаловчи ҳолига қайтди.

— Мен сиздан хафа эмасман, — деди у.

Родольф қотиб қолди. Шарль бўлса бошини қўллари орасига олиб кучсиз товуш билан, ўзининг дардига кўникиб қолган одамнинг товуши билан такрорлади:

— Мен ортиқ сиздан хафа эмасман!

Шу ерда у умрида биринчи марта балаидпарвоз услуб қўллаб:

— Бу тақдир ўйини! — деди.

Бу ўйинга Родольфнинг ўзи бошчилик қилган эди, энди у Бовари қақида ўйлар, бунинг ўрнида шунчалик бепарво бўлиш керакмас, у тасқара ва ҳаттоки қисман жирканарли одам экан, деб ўйларди.

Эртаси куни Шарль боққа чиқди ва шийпончадаги скамейкага ўтирди. Панжаралардан қуёш шуъласи тушар, қум устига ёввойи ток баргларининг сояси

тушиб турар, ясмин хуш ис тарқатар, осмонда булут ҳам йўқ, гуллаб ётган нилуфарнинг атрофида тилла-қўнғизлар ғувиллашарди, худди ёш йигитлардек, рамбода қалбини тўлдириб келаётган севгининг ноаниқ тўлқинидан Шарлнинг нафаси бўғилди.

Соат еттида уни овқатга чақириб қизи келди. Берта у билан бутун кун кўришмаган эди.

Шарлнинг боши орқасига ташланган, қовоқлари берк, орзи очик, қўлида бир тутам тим қора узун соч.

— Дада, юр овқатга! — деди қиз.

Берта уни ҳазиллашяпти деб ўйлаб астагина туртди, у гуп этиб ерга қулади. У ўлган эди.

Бир ярим кундан сўнг дорихоначининг илтимоси билан жаноб Каниве келди. У ўликни ёриб кўрди ва ҳеч қанақа касал топмади.

Мол-мулклар сотилиб бўлгандан сўнг ўн икки франк етмиш беш сантим пул қолди, бу мадемуазель Боварининг бувисиникига етиб олишигагина етар эди. Кампир ўша йилиёқ қазо қилди, Руо ота фалаж бўлиб қолди, Бертани холаси ўз тарбиясига олди. У ниҳоятда муҳтожликда яшарди, шунинг учун Берта йигирув фабрикасига ишга киришга тўғри келди.

Боварининг вафотидан сўнг Ионвилда уч марта врач алмашди — уларнинг ҳаммасининг бошига жаноб Оме етди. Унинг беморлари ошиб-тошиб ётарди. Ҳукумат идоралари унга панжа орасидан қарайди, афкори омма унинг сирини бекитади.

Яқинда у Ҳурматли Легион ордени олди.

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ ҚИСМ	5
ИККИНЧИ ҚИСМ	79
УЧИНЧИ ҚИСМ	253

На узбекском языке

Гюстав Флобер

ГОСПОЖА БОВАРИ

**Перевод с издания
Гослитиздат. Москва. 1959 г.**

**Наширёт редактори М. Турсунов
Рассон М. Соркин
Расмлар редактори А. Бобров
Техн. редактор В. Барсукова
Корректор М. Ахмедова**

Босмақонага берилди 28/X-1976 й. Босишга рухсат
сунди 28/I-1976 й. Формати 84×108¹/₁₆. Босма я. 13,0.
Ўзи, эли босма я. 20,14. Накр. я. 12,8. Тиражи 30000.
Гафур Гулом номидagi Адабиёт ва санъат наш-
рияти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартно-
ма № 12-69.

Ўзбекистон БСР Министрлар Советининг Наш-
риётлар, полиграфия ва китоб сандоғи ишлари
бўйича давлат комитетининг 1-босмақонасида
№ 3 қарорига босилди. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21.
1976 й. Вақаз № 652. Вақоси 86 т.